

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ж. Я. ЯХШИЛИКОВ, Н. Э. МУҲАММАДИЕВ

**МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИ**

ДАРСЛИК

(Барча бакалаврият таълим йўналишлари учун)

Тошкент – 2018

Ж.Я.Яхшилик, Н.Э. Мухаммадиев. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Тошкент:..... 2018 . – б.

Дарсликда «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг объекти, предмети, мақсади, вазифалари, қонун ва категориялари, методлари, принциплари, шунингдек, ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг тавсифи ва таснифи, тарихий илдизлари, фалсафий, дунёвий, диний, ижтимоий-иқтисодий асослари, бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўртасидаги муросасиз кураш масалалари, тараққиётнинг «ўзбек модели» ва унинг мантикий давоми бўлган Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, глобаллашув шароитида янги дунёвий тартибнинг шаклланиши, жамиятнинг мафкуравий ҳаёти – идеосфера масалалари атрафлича ёритилган.

Айни вақтда, дарсликда бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўртасидаги кураш, уларнинг ахборот майдонларида намоён бўлиши, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, китобхонликни кенг йўлга қўйиш, мафкуравий тарғиботда инновацион технологиялардан фойдаланиш, демократия ва миллий ғоя томоилларининг муштараклиги, халқ билан мулоқот олиб бориш, яқка тартибда мафкуравий таълим-тарбия ишларини ташкиллаштириш каби масалаларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилиб, миллий ғоя ва мафкурани халқ қалби ва онига сингдириш йўлларида доир илмий ва амалий фикрлар баён қилинган. Шунингдек, айрим мавзулар талабаларнинг ҳамда малака ошираётган ўқитувчиларнинг мустақил тарзда ғоявий-мафкуравий саводхонлигини оширишга бўлган қизиқишини инобатга олган ҳолда кенг тарзда ёритилган.

Дарслик олий ўқув юртлирининг барча бакалаврият таълими йўналишларида таҳсил олаётган талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларининг тингловчилари, магистрантлар, профессор-ўқитувчилар, маънавият-мафкура тарғиботчилари, ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж ўқитувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Ж.Я. Яхшиликков, Н.Э.Мухаммадиев. Национальная идея: стратегия развития Узбекистана.Учебник. - Ташкент: 2018 год. – с.

В данном учебнике описываются объекты, цели, законы, категории, методы и принципы предмета «Национальная идея: стратегия развития Узбекистана». А также дается подробное описание таким понятиям как идея и идеология, рассматривая их описание, классификацию, исторические корни, а также философских, светско-религиозных и социально-экономических принципов бескомпромиссной борьбы между созидательными и деструктивными идеями. Учебник «Национальная идея: стратегия развития Узбекистана» также рассматривает роль “Стратегии дальнейшего развития Узбекистана” который является логическим продолжением “узбекской модели развития” в формировании идеологии общества в современных условиях глобализации. В то же время в учебнике подробно изложена борьба созидательных и разрушительных идей и проявление этой борьбы в информационном мире, учитывая необходимость создания идеологической безопасности в форме идеологического иммунитета и использование инновационных технологий в организации учебно-воспитательной работы и реализации национальной идеологии в жизни общества. В учебнике включены научно-практические темы для повышения идеологической грамотности студентов.

Учебник предназначен для всех студентов высших учебных заведений, включая слушателей из центров переподготовки, магистров, профессоров, преподавателей духовности и идеологической пропаганды в средних школах, академических лицеях и профессиональных колледжах, а также для широкого круга читателей.

Dj.Y. Yakhshilikov, N. E.Mukhammadiyev. National idea – the strategy of development. Tutorial - Tashkent: 2018. – pg. 632.

his textbook describes the objects, goals, laws, categories, methods and principles of the subject "National idea: development strategy of Uzbekistan". Also gives a detailed description of such concepts as ideology and ideology, considering their description, classification, historical roots, as well as philosophical, secular-religious and socio-economic principles of an uncompromising struggle between constructive and destructive ideas. The tutorial "National Idea: Development Strategy of Uzbekistan" also considers the role of the "Strategy for the further development of Uzbekistan" which is a logical continuation of the "Uzbek development model" in shaping the ideology of society in modern conditionalities. In the same time te textbook gives the details of the struggle of creative and destructive ideas and the manifestation of this struggle in the information world, taking into account the need to create ideological security in the form of ideological immunity and the use of

innovative technologies in the organization of teaching and educational work and the implementation of national ideology in the life of society . The textbook includes scientific and practical topics for increasing the ideological literacy of students.

The textbook is intended for all students of higher educational institutions, including students from centers for retraining, masters, professors, teachers of spirituality and ideological propaganda in secondary schools, academic lyceums and professional colleges, as well as for a wide range of readers.

М а с ъ у л м у х а р р и р :

З.Р. Қодирова – фалсафа фанлари доктори, профессор

Т а қ р и з ч и л а р :

С.Отамурадов – фалсафа фанлари доктори, профессор

Ў. Абилов – фалсафа фанлари доктори, профессор

Б.О. Тўраев – фалсафа фанлари доктори, профессор

Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар...

Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти,
буюк давлат ва сиёсат арбоби **Ислом КАРИМОВ**

Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшайётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ

*Мамлакатимиз мустақиллигини
мустаҳкамлаш йўлида маънавий
жасорат кўрсатаётган халқимизнинг
эрксевар, фидойи, меҳнаткаш, адолатпарвар,
садоқатли, фарзандларига бағишланади*

КИРИШ

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг ҳаётида буюк ўзгаришлар содир бўлди. Буни одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб – она-Ватанда озод ва обод яшаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш мумкинлигига бўлган ишончининг тобора ортиб бораётганлигида; мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини инновацион ғоялар асосида ривожлантиришга ҳаракат қилаётганликларида; хусусий мулкка бўлган эгаллик ҳисси кучайиб, янада самарали меҳнат қилишга рағбати ортаётганлигида; ҳар хил мафкуравий хуруж ва найранглارнинг мақсад-муддаоларини тезликда англаш борасида хушёрлиги кучайганлигида; мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашга астойдил бел боғлаётганлигида; ёшларнинг соғлом авлод бўлиб камол топиши тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрликларида; аҳолининг саломатлигини сақлаш йўлида астойдил хизмат қилинаётганлигида; ёшларимизнинг эса аجدодларининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда илм-фан, санъат ва маданият чўкқиларини эгаллаб, ўзбек деган номни бутун дунёга таратишга уринаётганлигида; жамиятимиз миллий мафкураси ғояларининг кишилар ҳаётидан ўрин олиб, уларни буюк мақсад сари сафарбар этаётганликларида яққол кўриш мумкин. Демак, ўз вақтида буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ижтимоий тараққиётнинг миллий «*ўзбек модели*» ҳаёт синовларига бардош бериб, ўзининг бунёдкорлик кучини кўрсатиб, мамлакатимизнинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаган бўлса, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган «*Ўзбекистон Республикасини янада*

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» эса халқ билан мулоқотни йўлга қўйиш асосида инсон манфаатларини кўзлаб жамиятимизнинг мустақил ижтимоий тараққиётини янги сифатий босқичга олиб чиқиш учун дадил қадамлар қўйишда дастурий амал вазифасини ўтамоқда. Бундай ишончли, қатъий ва масъулиятли қадамлар қўйишнинг маънавий манбаини эса миллий мафкурамизнинг бош ва асосий ғоялари ташкил этиши, эндиликда ҳеч кимда шубҳа ўйғотмайди, десак муболаға бўлмайди.

Модомики, ҳаёт ривожланишда, ўзгаришда экан, миллий ғоя ва мафкурага бўлган эҳтиёж янада ошиб бораверади. Бу эса миллий ғоя ва мафкуранинг жанговар руҳини янада кучайтириб, мамлакатимизнинг ичкараси ва ташқарисида тезкор кечаётган мафкуравий жараёнларнинг янги-янги кирраларини очиш, ҳар қандай бунёдкор ғояларни қўллаб қувватлаш, шунингдек, бузғунчи ғоялар тажовузининг ўз вақтида олдини олиш, ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашнинг узлуксизлигини таъминлаш, жамиятимизни миллий тараққиётнинг янги сифатий босқичига олиб чиқиш каби ишларни назарий ва амалий жиҳатдан тобора кучайтириб боришни тақозо этади.

Миллий ғоя ва мафкура бугунги кунда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар қаторидан ўзига муносиб ўрин олган илм соҳаси ва ўқув фани ҳисобланади. Бу эса *биринчидан*, мазкур фаннинг объекти ва предмети доирасини, қонун ва категорияларини, метод ва принципларини, мақсад ва вазифаларини, ўзига хос хусусиятларини, бошқа фанлардан фарқ қилувчи тамонларини янада равшанроқ ёритиш; *иккинчидан*, ғоя ва мафкура тушунчаларига фалсафий жиҳатдан таъриф ва тавсиф бериш ҳамда уларни таснифлашда мантиқий изчилликни таъминлаш, шунингдек, улар ўртасидаги умумий ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларни ҳар томонлама ёритиб бериш, уларнинг кўзлаган мақсад ва вазифаларини мустақил тараққиёт йилларида халқимизнинг эришган ютуқлари мисолида баён қилиш; *учинчидан*, миллий

мафкуранинг бош ва асосий ғояларини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий изланишларнинг натижалари асосида уларнинг мазмуни ва моҳиятини янада теранроқ англаш ишларини кучайтириш; *тўртинчидан*, глобаллашув шароитида жаҳонда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг мантиғини тезликда англаб олиш учун ишончли ахборот манбаларидан фойдаланиш, миллий мафкуранинг тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланадиган ходимларнинг янги авлодларини етиштириш; *бешинчидан*, замонавий мафкуравий кураш усулларининг тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш; *олтинчидан*, яқин келажакда жаҳон халқлари ҳаётида юз берадиган мафкуравий жараёнларнинг кечиши ҳақида илмий башорат қилиш; *еттинчидан*, ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳаларда эришаётган ютуқларига раҳна солувчи ҳар қандай ёвуз кучларнинг асл ниятларини ўз вақтида фош этиш; *саккизинчидан*, Ўзбекистонни янада ривожлантириш **“йўл харитаси”**нинг ғоявий-мафкуравий асосини ташкил этувчи **”инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун”, “халқ бой бўлса, давлат ҳам шунчалик бой ва қудратли бўлади”, “халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилишлари керак”** деган ғояни ҳаётга тадбиқ қилишни ҳар жиҳатдан таъминлаш каби масалаларни теранроқ ёритишни талаб этмоқда.

Глобаллашув жараёнлари шиддатли кечаётган бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси фан ҳамда тактик ва стратегик хатти-ҳаракат қилиш усули сифатида нафақат оламшумул назарий масалаларни, балки реал ҳаётий бўлган амалий масалаларни ҳам ҳар бир инсоннинг ёши, касб-кори, интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, меҳнат ва хизмат жамоаларига мансублиги, яшаш жойи, турмуш тарзи, таълим-тарбия масканларида ўқиб эгаллаётган мутахассисликлари ва шунга ўхшаш қабиларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мафкуравий фаолият олиб боришни тақозо этади.

Мадомики, биз учун инсон энг олий қадрият экан, унинг дилидаги дардларига дармон топиш, эзгуликка йўғрилган орзу-истакларини руёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳам шунчалик улуғ иш ҳисобланади. Бу улуғ ишни миллий ғоя ва мафкура илми билан қуролланган, уни мамлакатимизда тинчлик, ҳамкорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш стратегияси эканлигини чуқур англаган барча бўғиндаги раҳбар ходимлар, зиёлилар жамоаси, аҳолининг фаол қатламлари бажаришга қодир бўладилар. Ана шу талаб ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёзилган мазкур дарсликда кишиларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашнинг моҳияти, мазмуни, принциплари, қонун ва категориялари, мафкуравий фаолият юритишнинг усул ва воситалари, глобаллашув шароитида вужудга келаётган янги дунёвий тартиб масалалари, юз берадиган мафкуравий таҳдидлар, мафкуравий кураш одамларнинг жони ва танига катта зарар етказувчи вайронкор ғоялар ва уларни бартараф этиш борасида қўлланиладиган чора-тадбирлар, мамлакатни барқарор ривожлантириш стратегияси, аҳолини ғоявий-мафкуравий тарбиялаш масалаларига оид назарий ва амалий масалалар атрофлича ёритилган. Айни вақтда, дарсликда айрим мавзулар китобхонларнинг мустақил равишда ғоявий-мафкуравий саводхонлигини ошириши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда кенг ҳажмда ёритилган.

Дарслик миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги барча билимларни қамраб ололмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам уни такомиллаштириш ҳақида билдирилган барча фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз ҳамда ўз таклифлари билан ўртоқлашган китобхонларга миннатдорчилик билдирамиз.

I БОБ. «МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларига келиб жаҳондаги барча халқларнинг ҳаётида катта, яъни йирик империяларнинг парчаланиб кетиши, миллий мустақил давлатларнинг тарих сахнасига келиши, жамиятни автократик бошқаришдан демократик бошқарувга ўтиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучайиши, одамлар онгида демократик тафаккурнинг тез шаклланиб бориши, глобаллашув жараёнларининг шиддатли кечиши, нанотехнологияларнинг жадал суръатлар билан ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши, экологик хавфсизликни таъминлашнинг тобора халқчил тус олиши, инсоннинг саломатлигини сақлаш борасида ақл бовар қилмайдиган технологияларнинг қўлланилиши каби мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Жамиятда содир бўлаётган бундай ўзгаришлар моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёни диалектикасини чуқур ўрганиш масаласини кун тартибига қўйди. Бу масаланинг ечимини топиш эса жаҳонда юз бераётган ғоявий ва мафкуравий жараёнларнинг тарихий илдизи, фалсафий асосларига назар ташлаб, уларнинг асл мақсад-муддаоларини билиб олиш, шунга мувофиқ тарзда мамлакатимизда оқилона ғоявий ва мафкуравий сиёсат юритишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанини назарий жиҳатдан бойитиш, амалий жиҳатдан эса тезкор ҳаракат қилиш ишларини йўлга қўйишни талаб қилмоқда.

1-§.«Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг пайдо бўлиш сабаблари, объекти ва предмети, қонун ва категориялари, методлари,принцип ва вазифалари

1. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани вужудга келишининг объектив сабаблари. Ҳар қандай жамият ижтимоий тараққиётини илм-фаннинг ривожисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки,улар моддий ва маънавий ишлаб чиқарувчи куч сифатида жамиятнинг бугунги кунини ва келгусидаги истиқболларини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади. Зеро,шундай экан фан нима, деган савол туғилиши табиийдир. ***Фан – бу табиат, жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги тушунчаларда, категорияларда, қонунларда акс эттирилган, ҳаққонийлиги амалиётда тасдиқланган билимлар тизимидир.*** Ҳар бир фаннинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш сабаблари¹ мавжуддир. Уларни объектив ва субъектив, ички ва ташқи сабабларга ажратиш мумкин.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг вужудга келишидаги объектив сабаблари:

– етмиш йилдан ортиқроқ тарихий давр мобайнида ҳукмронлик қилган СССР давлатининг унда яшаётган элат, миллат ва халқларнинг эҳтиёж ва манфаатларига жавоб беролмасдан инқирозга учраши оқибатида парчаланиб кетиши;

– парчаланган “қизил империя” ўрнида ўн бешта мустақил давлатнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлашлари;

¹ ***Сабаб*** оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса бўлса, ***оқибат*** эса ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган, янги ҳодиса ёки сабабнинг натижасидир.

– мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унга аъзо бўлган давлатлар томонидан халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида тан олинishi;

– собиқ СССРдан қолган якка мулк ҳукмронлигига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўрнига, тенг ҳуқуқли хилма хил мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиёти муносабатларининг ўрнатилиши ва бошқалар.

2. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани вужудга келишининг субъектив сабаблари:

– собиқ СССР даврида якка ҳукмрон бўлган коммунистик мафкуранинг барча халқларнинг ҳаётига зўрлаб сингдирилганлиги туфайли тезликда инқирозга учраши жараёнининг кескинлашуви;

– азалдан ўзбек халқининг турмуш ва тафаккур тарзига етти ёт бўлган коммунистик мафкуранинг мавжуд ҳаёт синовларига бардош беролмасдан таназзулга юз тутиши, шу тариқа унинг якка ҳукмронлик мавқеидан четлатилиб халқимиз ҳаётдан суриб чиқарилиши;

– жамиятни бошқаришда раҳномаликни қўлга олиб ўзининг диктатурасини ўрнатган коммунистик партия фаолиятининг тўхтатилиши ва тарқатиб юборилиши;

– коммунистик партияга хизмат қилувчи барча ташкилот ва муассасалар (октябрят, пионер, комсомол ва бошқалар) фаолиятининг тўхтатилиши ва тугатилиши;

– коммунистик мафкурани кенг халқ оммасига тарғибот ва ташвиқот қилувчи оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига чек қўйилиши ва бошқалар.

3. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани вужудга келишининг ички сабаблари:

– якка ҳукмрон бўлган коммунистик мафкуранинг инкирозга учраши туфайли ўзбек халқининг маънавий ҳаётида ғоявий бўшлиқ¹ пайдо бўла бошлаши;

– вужудга келаётган ғоявий бўшлиқни янги миллий ғоя ва мафкура билан тўлғизмаса, унинг ўрнини бошқа ҳар хил ёмон мақсадларни кўзлаган ғоя ва мафкуралар эгаллаши, бунинг натижасида халқимизнинг ҳаётига маънавий таҳдид солиш хавфи кучайишининг олдини олиш;

– мустақил Ўзбекистонни ўзининг ватани деб билган барча элат, миллат, халқ вакиллари ҳар хил мафкуравий бузғунчиликлардан асраб, уларнинг тинч-тотув яшашларини кафолатлайдиган жамиятни барпо этишга хизмат қилувчи бунёдкор ғоя ва мафкуралар байроғи остида бирлаштириш ишларини амалга ошириш;

– Ўзбекистон халқининг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлайдиган жамиятни барпо этиш сари бошлаб борувчи янги миллий ғоя ва мафкуралар тизимини яратиш;

– яратиладиган миллий ғоя ва мафкураларнинг миллий хусусиятларини умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш ишларини ташкиллаштиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

– миллий ғояга халқни ишонтириш ва уни амалга оширишнинг тактик ва стратегик йўналишларини белгилаб олиш заруратининг пайдо бўлганлигини ва бошқалар.

¹ *Ғоявий бўшлиқ* – бу жамиятнинг бир сифатий босқичдан иккинчи сифатий босқичга ўтаётган, яъни эски ҳукмрон ғоя ва мафкуранинг инкирозга учраб ҳаёт жаҳаларидан суриб ташланган, аммо унинг ўрни ҳали янги ғоявий-мафкуравий қарашлар, тамойиллар билан тўлдирилмаган бир давридир. Бу даврда ана шу вужудга келган ғоявий бўшлиқни тўлдириш учун кураш авж олади.

4. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани вужудга келишининг ташқи сабаблари:

– ташқи томондаги ҳар хил вайронкор ғоя ва мафкураларнинг асл мақсадларини билиш ва уларнинг хуружига қарши тура олувчи ўзбекона миллий ғоя ва мафкуранинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш;

– дунё халқларига Ўзбекистон халқи миллий мафкурасининг бунёдкор ғоялардан иборат эканлигини илмий ва амалий жиҳатдан намойиш этиш ишларини амалга ошириш;

– хорижий давларда ўзларининг хизмат бурчини бажариш учун яшаётган, тижорат ишлари учун хориж сафарларига йўл олаётган ёки шунчаки саёҳат учун бораётган фуқароларимизнинг ўша жойларда миллий мафкурамиз асосий ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилиш, унинг бунёдкорлик моҳиятини чет элларда намойиш қилишнинг энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш;

– глобаллашув шароитида авж олаётган “*оммавий маданият*”нинг салбий таъсирларига берилмасликнинг янгича маънавий ва моддий восита, усулларини яратиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган барча сабабларни умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин, яъни ***миллий ғоя ва мафкура фанининг вужудга келишидаги асосий сабаб Ўзбекистон халқининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш асосида муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш сари бошлаб борадиган миллий мафкурамизнинг бош ғояси – озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон ҳаёт кечирish ҳамда асосий ғоялари – Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик асосида бирлаштиришининг назарий-методологик асосларини ва уни амалга оширишининг амалий усул ва воситаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантиришидан иборатдир.***

Шунинг учун ҳам миллий ғоя ва мафкура Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги *“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”* фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” номи фармойишига мувофиқ илм-фан соҳаси мақомини олиб, барча таълим муассасаларида ўқув фани сифатида ўқитила бошлади.

5. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг объекти. Ҳар бир фаннинг ўзига хос объекти ва унга мос келувчи предмети мавжуддир.

Фаннинг объекти – кишиларнинг мақсади, фаолияти, диққат-эътибори қаратилган объектив борлиқ, моддий ва рухий дунё, воқелик, мавжудот, воқеа, ходиса, жараён, шахс, нарса, буюм ва ҳоказолардир.

Фаннинг предмети ана шу объектлар ва уларни акс эттиришдан ҳосил бўлган билимларнинг мажмуи ва ўрганиладиган масалалар ташкил қилади.

Ҳар бир фанни ўрганиш, энг аввало, унинг объектини ва предмети аниқлаб олишдан бошланади. Бу эса ўрганилаётган фаннинг бошқа фанлардан фарқини кўрсатади.

Барча фанларни объекти ва предметига кўра иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. **Биринчи гуруҳга** табиат қонуниятларини ўрганувчи математика, физика, химия, биология каби **табiiй фанлар**, **иккинчи гуруҳга** эса кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи фалсафа, тарих, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, адабиёт, ҳуқуқшунослик, миллий ғоя ва мафкура каби **ижтимоий фанлар** киради.

Миллий ғоя ва мафкура фани – энг муҳим ижтимоий фанлардан бири саналади. Чунки у кишилик жамиятига хос бўлган ғоя ва мафкураларни яхлит ижтимоий ҳодиса ва воқелик сифатида ўрганади.

Демак, *мавжуд воқеликда юз бераётган, зоя ва мафкураларга тегишли нарса, ҳодиса ҳамда жараёнлар миллий зоя ва мафкура фанининг объектини* ташкил этади.

6. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг предмети. Ғоя ва мафкураларга тегишли нарса, ҳодиса ва жараёнлар турлича бўлиб, улар *бир томондан:* ғоя ва мафкураларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятлари; бир ғоя ва мафкуранинг ўрнига бошқа бир ғоя ва мафкуранинг вужудга келиши; ғоя ва мафкура тамойилларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш; маънавий-мафкуравий муносабатларни ўрнатиш ишларини ташкил этиш; давлатнинг ички ва ташқи сиёсати; жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар билан муносабатлари; халқлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатлар; *иккинчи томондан:* мафкураларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; давлат, шахс, жамоалар ўртасида бўладиган мафкуравий муносабатлар; қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот; мафкуралари шахс, мафкурасиз шахс; ғоя ва мафкурага зид хатти-ҳаракатлар; ғоявий масъулият, ғоявий маданият, ғоявий тарбия; мафкуравий онг, мафкуравий тафаккур, мафкуравий муносабат, мафкуравий фаолият ва ҳ.к.ни қамраб олади.

Ғоя ва мафкураларга оид ҳодисалар, жараёнлар хилма-хил ва кўп қирралидир. Шу сабабли, ғоя ва мафкуралар табиий, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг турли соҳаларида ўрганилади.

Миллий ғоя ва мафкура фани ғоя ва мафкураларнинг назарий муаммоларини ўрганади. Шу ўринда **«назария»** сўзининг маъноси нима, деган табиий савол туғилади. **Назария**¹ – *жамият тараққиёти қонуниятларини мужассамлаштирган амалиётнинг мантиқан илмий умумлаштирилишидир.*

¹ «Назария» арабча сўз бўлиб, «таълимот», «қоидалар мажмуи», «умумлашма фикр», деган маъноларни англатади.

Назария ва амалиёт – ўзаро чамбарчас боғлиқ ходисалар. Назария бамисоли амалиётнинг йўлини ёритиб турувчи кучли маёқ бўлиб, амалиёт билан узвий боғланган, амалиётга хизмат қилади ҳамда амалиётдан келиб чиқади. ***Амалиётсиз назария – “чўлоқ”, назариясиз амалиёт “кўр”дир.***

Ижтимоий фанларнинг муҳим таркибий қисми бўлган, миллий ғоя ва мафкура фани ҳам амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ғоявий-мафкуравий амалиёт тараққиётининг йўналишларини белгилаб беради. У ғоявий-мафкуравий амалиёт хулосалари ва тажрибаларининг мантиқан умумлашмаси, синтезидир.

Миллий ғоя ва мафкура фани ҳаёт тарихий тараққиёт жараёнида илгари сурган вазифалар негизида ўз хулоса ва таклифларига аниқликлар киритади, уларни бойитади ва ривожлантиради. Ғоя ва мафкура ҳар бир жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичидир.

Миллий ғоя ва мафкура фани – ғоя ва мафкуралар ривожининг умумий қонунлари ҳақидаги фан бўлиб, унинг предметини ғоя ва мафкураларнинг моҳияти, келиб чиқиши, ривожланиш принциплари ва қонуниятлари ҳақидаги билимлар ташкил этади.

Ҳар бир жамиятдаги демократик ўзгаришлар ва ислоҳотлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бу жараёнларга жаҳон, давлат ва жамият тараққиёти талаблари, андазалари ва тамойиллари нуқтаи назаридан қараш зарур. Бу, *бир томондан*, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг йўналишлари ва мезонлари, қадриятлари ва мақсадларини аниқ белгилашга ёрдам берса, *иккинчи томондан*, мамлакатимизда ғоя ва мафкуралар қачон пайдо бўлган, қандай ривожланган, қаёққа қараб кетаяпти, унинг ўзига хос жиҳатлари, ривожланишининг шакл ва кўринишлари қандай, мезонлари борми ёки дунёдаги мавжуд миллий ва умуминсоний мазмундаги ғоявий тараққиёт ўзанидан кетаяптими, деган саволларга жавоб топиш имконини беради. Ана шу муаммолар миллий ғоя ва мафкура фанининг асосий масалаларини ташкил этади.

Миллий ғоя ва мафкура фани ғоя ва мафкураларга тегишли ҳодиса ва жараёнларининг муҳим, зарурий, умумий томонларини ўрганган ҳолда жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини тушунтириб бериш, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий мақсадларини белгилаш ва мавжуд ижтимоий муносабатларни бунёдкор ғоя ва мафкураларни кишилар онги ва қалбига сингдириш йўли билан бошқариш механизмларини очиш, уларнинг ривожланиш истикболларини кўрсатиб бериш билан шуғулланади. Шундай қилиб, миллий ғоя ва мафкура фанига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Миллий ғоя ва мафкура фани – ижтимоий ҳодиса бўлиши зоя ва мафкураларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши, фаолият кўрсатишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган фандир.

2-§. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг қонун ва категориялари,метод ва принциплари

1. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг қонунлари. Ҳар бир фаннинг ўз қонунлари ва категориялари бор. Миллий ғоя фанининг ҳам ғоя ва мафкураларга оид ҳодиса, воқеа, жараёнларни ўзида акс этирувчи, уларнинг туб моҳиятини ва аҳамиятини очиб берувчи қонунлари, категориялари мавжуд.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг қонунлари¹ деб, жамият ҳаётида мавжуд бўлган зоявий ва мафкуравий ҳодисалар, жараёнларининг муҳим,

¹ «Қонун» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «тартиб», «қоида», «кўрсатма», «ҳуқуқ», «усул», «расм» деган маъноларни англатган ҳолда: 1) *фалсафий маънода* – объектив борликда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳамиша мавжуд бўлган муҳим,зарурий,барқарор боғланиш,муносабат; 2) *юримдик маънода* – давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган,ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий

зарурий, умумий, нисбатан барқарор бўлган, ривожланиш хусусияти ва йўналишларини белгилайдиган, аниқ бир натижаларни келтириб чиқаришга мойиллик тугдирадиган муносабатлар мажмуига айтилади.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг қонунлари ғоя ва мафкураларга тегишли ходиса ва жараёнларнинг барчасини эмас, балки уларнинг ўзига хос томонларини акс эттиради. Буларга қуйидагилар: кишилар онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив, муҳим, барқарор боғланишлар; сабаб оқибат боғланишларидан келиб чиқувчи, бир бирини тақозо этувчи, ўзаро таъсир қилувчи сабабий, зарурий алоқадорликлар; ички имкониятдан, моҳиятдан келиб чиққан ҳолда, ғоя ва мафкураларнинг ривожланиш хусусияти ва йўналишларини белгилаб берувчи томонлар; муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлганда маълум бир натижаларни келтириб чиқарувчи муносабатларни очиб берувчи хусусиятлар қиради.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг қонунларини қуйидагилар ташкил этади:

Биринчиси – ғоя ва мафкураларнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги, инсон ва жамиятнинг ғоя ва мафкураларнинг моддий, ғоя ва мафкураларнинг эса инсон ва жамиятнинг маънавий асосини ташкил этиши ва уларни уйғунлаштириши қонуни.

Иккинчиси – ғоя ва мафкураларнинг бир-бирини тақозо этиши, яъни ғоясиз мафкура, мафкурасиз ғояларнинг мавжуд бўлолмаслиги, уларнинг бир биридан ажралмаслиги, мафкураларнинг ғояларни амалга ошириши қонуни.

Учинчиси – ғоя ва мафкураларнинг жамият ижтимоий тараққиётига боғлиқлиги, ғоя ва мафкураларнинг инсон ва жамиятни муайян мақсад сари етаклаши қонуни.

меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий қоида; ана шундай муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси эканлигини ифодалаш учун ишлатилади.

Тўртинчиси – бунёдкор ғоя ва мафкуралар билан вайронкор ғоя ва мафкуралар ўртасида ўзаро кураш, бунёдкор ғояларнинг жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, вайронкор ғояларнинг эса жамиятда турли хил зиддиятларни келтириб чиқариши қонуни.

Бешинчиси – миллий ҳамда умуминсоний ғоя ва мафкураларнинг ўзаро мутаносиблиги, миллий ғоя ва мафкураларнинг мазмунан бойиб бориши, турли халқларнинг умумий манфаатларига жавоб бериши қонуни.

2. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг категориялари. Миллий ғоя ва мафкура фанининг категориялари¹ деб ғоя ва мафкураларга оид объектив мавжуд бўлган ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг асосий хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттирадиган ва муайян даврнинг ғоя ва мафкуралар тўғрисидаги илмий-назарий тафаккури хусусиятини белгилаб берадиган умумий тушунчаларга айтилади.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг категорияларини умумий, субстанционал ва функционал категорияларга ажратиш мумкин.

Бунда:

1) умумий категорияларга – ғоя, мафкура, бунёдкор ғоялар, вайронкор ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар, дунёвий ғоялар, диний ғоялар, фалсафий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар;

2) субстанционал категорияларга – миллий истиқлол мафкураси, мафкура эволюцияси, мафкура яккаҳокимлиги, мафкуравий вазият, мафкуравий полигон, мафкуравий мақсад, мафкуравий сиёсат, мафкуравий хавфсизлик, мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика, мафкуравий тарбия, ғоявий

¹ «Категория» юнонча «kategoria – айбланиш, таъна қилиш» сўзидан олинган бўлиб: 1) *фалсафий маънода* – нарсани ва ҳодисаларнинг энг умумий белгиси, хусусият ва боғланишларини ифодаловчи умумий тушунча; 2) *туркумлаш маъносида* – муайян белгиларининг умумийлиги билан бирлашган нарсани, ҳодисани, шахсларни тури, туркуми, гуруҳи, даражалари; 3) *илмий терминологияда* – предмет турларини ёки уларнинг умумий белгиларини билдирувчи тушунча маъносида ишлатилади.

мустақиллик, ғоявий зиддият, ғоявий бўшлиқ, ғоявий заифлик, ғоявий саводсизлик, ғоявий қарамлик, ғоявий мутаассиблик, ғоявий парокандалик;

3) функционал категорияларга – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик каби тушунчаларни киритиш мумкин.

Умуман олганда, миллий ғоя ва мафкура фанининг категориялари: « а) шу соҳадаги муносабат, боғланишларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга бўлган тушунчалар; б) бу соҳани кенг ва атрофлича тавсифлагани ҳолда, бир-бирини тақозо этади, бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда намоён бўлади; в) объектив мазмунга эга, уларнинг ҳар бири ижтимоий воқеликда рўёбга чиқади, намоён бўлади, ушбу воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи тушунчалар сифатида инсон тафаккурида акс этади; г) умумий тушунчалар сифатида инсоннинг шу соҳадаги ҳодисалар моҳиятини билишга қаратилган билиш жараёнининг натижалари ва ижтимоий жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишнинг илмий воситасидир; д) нафақат назария ва илмий билиш жараёнидагина эмас, балки амалиётда ҳам ўзига хос роль ўйнайди ва аҳамиятини сақлаб қолади »¹.

Хуллас, бу борадаги диалектика шундаки, миллий ғоя ва мафкура фанининг ғоя ва мафкурага тегишли нарса, ҳодиса, воқеа ва жараёнларни ўзида акс эттирувчи категориялари ҳар қандай шароитда ҳам бири иккинчисини тақозо қилади, уйғунликда ва ички алоқадорликдагина мавжуд бўлади. Демак, улар мантиқан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мазмунан бир-бирини тўлдиради.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг категориялари ўз манбаи, табиати жиҳатидан – онтологик², билиш шаклига кўра гносеологик¹ оддий хусусияти

¹ Қаранг: Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. –Т.: Akademiya, 2011. –Б.32.

² «Онтология» грекча сўз бўлиб, “борлик” ва “таълимот” сўзларидан келиб чиққан, яъни “борлик тўғрисидаги таълимот” деган маънони англатади.

бўйича – методологик² мазмунга эга. Бу категориялар ғоя ва мафкураларга тегишли ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг моҳиятини очиб беришга ҳамда миллий ғоя фанини бошқа ижтимоий фанлардан фарқлашга хизмат қилади.

3.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг методлари. Ҳар қандай ўқув фани муайян методларга, усулларга, яъни ўрганилаётган ҳодисаларни англаш воситаларига эга. Бундай методлар икки гуруҳга бўлинади: *биринчиси*, барча ўқув фанларига хос бўлган *умумий* методлар бўлиб, улар табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий қонуниятларини билиш ва улардан фойдаланишга асосланади; *иккинчиси*, *махсус* методлар бўлиб, уларга системали ёндашув, тарихий, қиёсий, социологик ва бошқа методлар киради.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг методлари ғоя ва мафкуралар ривожининг қонуниятлари, ҳозирги аҳволи ва моҳияти ҳақида билим олишга ёрдам берувчи усул ва воситалар бирлигидан иборат.

Жаҳонда рўй бераётган барча жараёнлар **“инсон мезони”** орқали баҳоланади. Миллий ғоя ва мафкура фанининг методологик асосларини, *биринчидан*, ғоя ва мафкуралар масаласига, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, инсонга барча нарсаларнинг ўлчови сифатида қараш; *иккинчидан*, шахсга давлат машинасининг бир мурвати сифатида қарашга асосланган мустабид тушунчадан воз кечиб, шахсни фаол ижтимоий субъект сифатида қабул қилиш ташкил этади.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг методлари ғоя ва мафкураларни ўрганиш усуллари дир. Ҳар қандай фандаги каби, миллий ғоя ва мафкура фанида ҳам турли ёндашувлар, ҳар хил қарашлар мавжуд. Миллий ғоя ва мафкура

¹ “Гносеология” грекча сўз бўлиб, “билиш” ва “таълимот”, яъни “билиш тўғрисидаги таълимот” деганидир.

² “Методология” грекча сўз бўлиб, “билиш йўли, усули ҳақидаги таълимот” деган маънони англатади.

фанининг методлари ғоя ва мафкураларнинг моҳияти, турли жиҳатлари ва хусусиятларини, ривожланиш қонуниятлари ва принципларини ўрганишга имкон беради.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг методлари ғоя ва мафкураларнинг турли соҳалари ва жиҳатларини очиқ беришга ёрдам беради. Улар ғоя ва мафкуралар тўғрисидаги билимларни ўрганиш, тўплаш ва умумлаштириш калитидир.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг методлари ғоя ва мафкураларни бошқа ижтимоий ҳодисалар билан узвий алоқадорликда, ҳаракатда, миқдорий ва сифат ўзгаришида ўрганишни тақозо этади.

Ғоя ва мафкуралар мавҳум эмас, балки реал ҳодисалардир. Шу боис улар муайян вазият, муайян вақт, муайян жамият билан алоқадорликда ўрганилиши лозим. Бинобарин, ғоя ва мафкураларни тушуниш учун улар шаклланган шароитларни, мавжуд бўлган тарихий даврнинг хусусиятларини билиш ва эътиборга олиш керак.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг методлари ғоя ва мафкураларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини билишга кўмаклашади, ғоя ва мафкураларнинг моҳияти ва вазифаларига, функциялари ва тараққиёт тамойилларига илмий ёндашиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ғоя ва мафкурага оид ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар тўғрисидаги билимларни эгаллашда қўлланиладиган назарий тадқиқотлар ва амалий ҳаракат қилиш усуллари ва йўлларининг йиғиндисига миллий ғоя ва мафкура фанининг илмий ўрганиш методлари¹ дейилади.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг методлари хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин.

¹ «Метод» – юнонча «*methodos* –тадқиқот усули, бирон нарсага бориш йўли» деган сўздан олинган бўлиб:1) табиат ва жамият ҳодисаларини билиш,тадқиқ қилиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, воситаси, йўли деган маъноларни ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий тушунча.

1. Энг умумий фалсафий методлар – ҳар томонлама фикр юритишнинг асосий қонун-қоидаларини ўзида ифодаладиган дунёқараш шаклидаги усуллардир. Уларга *метафизика ва диалектика* методлари киради.

Метафизика¹ методи билан иш кўрувчилар ғоя ва мафкуралар илгаридан мавжуд бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, у абадий ва ўзгармасдир, ҳеч қандай бошқа ижтимоий ҳодисалар билан ички боғланишда эмас, ривожланишда эмас, қандай бўлса шундайлигича сақланиб қолади деб фикр юритадилар.

Диалектика методи билан иш кўрувчиларнинг бирлари – ғоя ва мафкуралар парвардигори олам – Аллоҳнинг илоҳий кучи ила пайдо бўлган ва шу асосда ривожланади (объектив идеализм); иккинчилари – ғоя ва мафкуралар инсонлар онгининг, яъни уларнинг руҳияти, ҳис-туйғулари, сезгиларининг маҳсули (субъектив идеализм); учинчилари – ғоя ва мафкуралар муайян сабабларга кўра вужудга келган ва шу асосда ривожланади (объектив материализм); тўртинчилари – ғоя ва мафкуралар жўғрофий муҳитнинг, этник ва миллий хусусиятларнинг маҳсули (жўғрофий детерминизм) деб фикр юритадилар.

Метафизика, идеалистик ва материалистик диалектика методлари ғоя ва мафкураларга оид нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг туб моҳиятини очиб беролмайдиган тадқиқот усулидир. Чунки ғоя ва мафкуралар соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни қотиб қолган, бир-биридан ажралган ўзаро, боғланмаган ҳолда кўриш ёки фақат Тангри-таоло иродасига боғлаб қўйиш, уни ўрганмасдан, ўзгартирмасдан, қўл қовуштириб ўтириш ёки ҳаммаси фақат моддий асосларнинг маҳсули деб, маънавият омилларини назардан қочириш бизнинг билиш усулларимизга, методологиямизга мос келмайди.

¹ «Метафизика» – юнонча «*Meta ta physika – физика кетидан келадиган нарса*» (Аристотелнинг фалсафий асарлари номидан) деган сўздан олинган бўлиб: 1) борлиқнинг аввали ўзгармас, азалий ва абадий деб қаровчи, унинг ҳодисаларини эса бир-биридан узилган ва турғун ҳолда текширувчи, тадқиқ қилувчи фалсафий таълимот; 2) диалектикага қарама-қарши ўлароқ ҳодисаларни ривожланишда ва бир-бирига боғланган ҳолда эмас, балки бир-биридан узилган ва турғун ҳолда текширадиган, тадқиқ қиладиган фалсафий метод; 3) мавҳум, ноаниқ, умумий тарздаги гап, муҳокама деган маъноларни ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий тушунчадир.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг энг умумий методини – *илмий диалектика*¹ ташкил қилади. Бу метод қуйидагиларни тақозо этади:

биринчидан, ғоя ва мафкуралар соҳасидаги ҳар бир жараёнда моддий ва маънавий асосларнинг борлигини, инсон тафаккури уларни ҳар томонлама тўлиқ қамраб олишини эътироф этиш;

иккинчидан, ҳеч бир ғоя ва мафкуранинг, уларда юз бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг сабабсиз содир бўлмаслигини, улар ўзаро алоқадорликда ва ривожланишда эканлигини, эскилари йўқолиб, уларнинг ўрнига янгилари келишини тан олган ҳолда уларни ҳамма вақт ривожланишда ва ҳаракатда олиб қараш;

учинчидан, ҳар қандай ғоя ва мафкураларда юз бераётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни билишга бутун халқ амалий фаолиятини жалб қилиш;

тўртинчидан, ғоя ва мафкураларга оид воқеа-ҳодисаларни билиш жараёнида эгалланадиган, ҳақиқатлар объектив, бир вақтнинг ўзида нисбий ва мутлақ хусусиятга эга бўлиб, мавҳум эмас, балки аниқ шаклда мавжуд бўлишини тан олиши ва шу асосда иш юритиш.

Шунинг учун ҳам ушбу метод миллий ғоя фанининг энг умумий методинигина эмас, балки методологик асосларидан бирини ҳам ташкил қилади.

2. Умумий илмий методлар. Улар энг умумий методлардан фарқли равишда, ғоя ва мафкуралар соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни билишнинг маълум босқичларида қўлланиладиган усуллардир.

¹ «Диалектика» – юнонча «*dialektike* – суҳбатлашиш, баҳс қилиш санъати» сўзларидан олинган бўлиб: 1) табиат, кишилиқ жамияти ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; 2) табиат ва жамиятнинг абадий ҳаракатланиб ва ўзгариб турувчи ички зиддиятлари, қарама-қаршиликларини очиш ҳамда бу зиддият ва қарама-қаршиликлар ўртасидаги доимий алоқадорлик ва кураш моҳиятини аниқлашдан иборат фалсафий метод; 3) бирор нарсанинг ҳаракати, ривожланиши, тараққиёт жараёни деган маъноларни ифодалаш учун қўлланиладиган фалсафий тушунчадир.

Уларга анализ ва синтез, системали ва функционал ёндашув каби методлар киради.

Анализ¹ методи – ғоя ва мафкура соҳаларида юз берган воқеа, ҳодиса, жараёнларни таркибий қисмларга, томонларга фикран ажратиш, бу таркибий қисмларнинг мазкур ҳодисадаги, воқеадаги, жараёндаги ўрнини белгилаш, умумийларини хусусийларидан, зарурийларини тасодифийларидан, муҳим, асосий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганларини муҳим бўлмаган, иккинчи даражалиларидан ажратиш, шу орқали уларнинг моҳиятини муҳим объектив боғланишларини очишга асосланган тадқиқот усулидир.

Синтез² методи – ғоя ва мафкура соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг қисмларини, томонларини фикран бирлаштириш асосида янги билимларга, яъни янгиликка эга бўлишдир. Анализ ва синтез узвий birlikда бўлиб, умум илмий билишдаги аналитик-синтетик усулнинг ўзаро таъсир қилувчи жиҳатларидир.

Системали³ метод – ғоя ва мафкура соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг “горизонтал” ва “вертикал” йўналишлари яхлитлигини, яъни уларнинг ўзаро боғланган ва яхлитликни ташкил этувчи барча унсурларини биргаликда ўрганишдир. Масалан, Ўзбекистон халқининг миллий ғояси ҳодисаларига системали ёндашадиган бўлсак, унинг ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғоялардан ташкил топганлигини, айтилиши вақтда уларнинг ҳар бири бошқа шахслар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, миллатлар билан турлича алоқада эканлигини, улар ўртасида бир қадар яхлитлик борлигини кўрамиз. Аниқланган мазкур яхлитлик, шубҳасиз, системали ёндашувнинг маҳсулидир.

¹ “Анализ” – грекча сўз бўлиб, “ажратиш, бўлиш” деган маънони англатади.

² “Синтез” – грекча сўз бўлиб, “қўшиш, бирлаштириш” деганидир.

³ “Система” – грекча сўз бўлиб, “қисмлардан таркиб топган мажмуа” деган маънони англатади.

Системали метод ғоя ва мафкураларни ҳар томонлама ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу метод, ғоя ва мафкураларни турли ижтимоий ҳодисалар тизимида ўзаро боғлиқликда ўрганиш учун имконият яратади. Миллий ғоя фани ғоя ва мафкуралар масаласига системали ёндашишни ҳисобга олган ҳолда илмий холислик – объективлик, тарихийлик принциплари асосига қурилади.

Функционал¹ метод – ғоя ва мафкураларга оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг вазифаларини аниқлаш орқали улар ўртасидаги муносабатларни тушунтиришдир. Масалан, биз миллий ғояни бир неча турларга ажратар эканмиз, энг аввало, уларнинг ҳар бирининг функцияларини аниқлаб оламиз, шундан кейин улар ўртасидаги муносабатларни тушуниб олишга ўтамиз. Бундай усул – функционал ёндашув ҳисобланади.

3. Хусусий илмий методлар. Табиий, ижтимоий, техникавий фанларнинг тараққиёти натижасида келиб чиқаётган янги илмий методларни ғоя ва мафкураларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда қўллаш катта фойда беради. Бу гуруҳга социологик, статистик, кибернетик, қиёсий ва бошқа методлар киради.

Социологик метод – сўров, анкеталаштириш, кузатувлар олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, керакли ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида ғоя ва мафкураларга оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишнинг илмий усулларида бири ҳисобланади. Ана шу усулларни қўллаш натижасида ғоя ва мафкуралар тўғрисида аниқ маълумотлар олинади. Олинган маълумотлар мафкуравий жараёнларни бошқариш, ислоҳотларни амалга ошириш, янги ишларни режалаштириш, уларнинг ривожланиш йўналишларини белгилаш учун кенг имкониятлар яратади. Бу усул демок-ратик ҳуқуқий давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган барча ислоҳотлар ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради.

¹ “Функция” – лотинча сўз бўлиб, “бажариш, юзага чиқариш” деган маънони англатади.

Статистик¹ метод – ғоя ва мафкуралар институтлари тўғрисидаги математик ҳисоб-китоблар ёрдамида миқдорий маълумотларни олишга қаратилган илмий усуллардан биридир. Бу усул, олинган миқдорий маълумотларни умумлаштириш асосида ғоя ва мафкураларни ривожлантиришнинг миқдорий йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилади.

Кибернетик² метод – ҳозирги замон ахборот техника воситаларининг тушунчалари, қонунларининг тизими ёрдамида ғоя ва мафкура соҳасидаги ҳодисаларини ўрганиш усули ҳисобланади. Масалан, ЭХҚ (электрон ҳисоблаш қурилмалари) ёрдамида ғоя ва мафкуралар функцияларидан биронтасининг модели тузиб чиқилади ва ана шу модель асосида унинг бундан 10–20 йил кейинги ҳолати қандай бўлиши ўрганилади.

Кибернетик метод, математика ва статистика методларини қўллаган ҳолда мафкура соҳасига оид статистика ва ахборотни компьютерлар ёрдамида қайта ишлашга, турли хил техника воситаларидан фойдаланишга ғоя ва мафкуралар соҳасидаги ахборот-қидирув тизимини яратишга ёрдам беради.

Қиёслаш методи – муайян ғоя ва мафкураларни бошқа жойдаги, бошқа шаклдаги ғоя ва мафкуралар билан фикран таққослаш асосида маълумотлар олиш, улардан илмий хулоса-лар чиқариш, янги билим ҳосил қилиш усули ҳисобланади.

Ушбу метод турли ғоя ва мафкураларга асосланган тизимларнинг умумий ва ўзига хос томонларини билиш ҳамда ана шу асосда ғоя ва мафкуралар тараққиётининг қонуниятларини очишга, ғоя ва мафкура соҳасидаги ҳодисалар ва жараёнларни ўзаро солиштириш асосида улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга имкон беради.

¹ “Статистика” – лотинча сўз бўлиб, “ҳисоб-китоб” деган маънони англатади.

² “Кибернетика” – грекча сўз бўлиб, “бошқариш санъати” деган маънони билдиради.

Ғоя ва мафкураларни ўрганишда яна *тарихийлик, мантиқийлик* ва бошқа методлардан ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, **миллий ғоя ва мафкура фанининг методлари ғоя ва мафкураларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни билишга, уларнинг қону-ниятларини очишга қаратилган умумфалсафий, умуммиллий, хусусий-илмий усуллар, йўллар, қоидалар ва воситалар тизимидир.** Улардан амалда фойдаланиш олиб борилаётган тадқиқотнинг предмети ва вазифаларига боғлиқдир.

4. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг принциплари. Миллий ғоя ва мафкура фани ўзининг принципларига¹, яъни ғоя ва мафкураларга оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда риоя қиладиган асосий қонун-қоидаларига эга. Бу асосий қонун-қоидаларга объективлик, тарихийлик, мантиқийлик, ижтимоий ёндашув, миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш киради.

1. Объективлик принципи ғоя ва мафкураларга тегишли воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг вужудга келиши ва ривожланишини (ҳеч бир шахс ёки индивиднинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслигини таъкидлаб) холисона, ҳеч қандай ўзгартиришларсиз, аниқ ҳужжатлар, ишончли далиллар асосида барча қирраларини, қарама-қарши, салбий ва ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда яхлит ҳодиса сифатида ўрганишни тақозо этади.

2. Тарихийлик принципи – муайян, ғоя ва мафкуралар билан уларнинг тафаккурдаги инъикоси ўртасидаги нисбатни ифодалайдиган қоидалардир. Бунда тарихийлик – ғоя ва мафкураларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, яъни воқеликда рўй берган реал тарихдир.

3. Мантиқийлик принципи – ривожланган ва ривожланаётган ғоя ва мафкураларнинг барча муҳим қонуний алоқа ва муносабатларини назарий

¹ “Принцип” – лотинча сўз бўлиб, “асосий қонун – қоида, нуқтаи назар” деган маъноларни англатади.

жихатдан акс эттиришдир. Ушбу принцип ғоя ва мафкураларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш орқали тарихийликни фикран қайта ҳосил қилишни англатади. Мантиқийлик тарихийликни тушуниш калитидир.

Тарихийлик ва мантиқийлик узвий бирликда бўлган тушунчалар бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Тарихийлик ва мантиқийликни алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, улар билишнинг асосий методларидан эканлигига амин бўламиз. Бунда *мантиқий метод* – ғоя ва мафкуралар объектининг моҳиятини, асосий мазмунини назарий шаклда, абстракциялар, мантиқ қонуниятлари асосида ўрганади. У оқилона ва изчил хулоса чиқаришни назарда тугади. *Тарихий метод* – ғоя ва мафкураларнинг тарихий ривожланишдаги турли босқичларини хронологик изчилликда ўрганишни тақозо қилади.

4. Ижтимоий ёндашув принцип – ғоя ва мафкураларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишга моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида жамиятда вужудга келган барча гуруҳлар, партиялар, ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи миллий мафкура талабларига мос равишда ёндашиш қоидасидир.

5. Миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш принципи – ҳар бир миллат тенг ҳуқуқли бўлиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга, деган қоидага асосланган. У ғоя ва мафкураларнинг институтларини ўрганишда, уларни бошқаришда ҳар бир миллат ва элатнинг дини, тили, руҳияти, урф-одати, расм-русумлари, маросимларини тўлиғича ҳисобга олишни ва шу асосда иш юритишни назарда тутати.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг принципларини унинг методларига қарама-қарши қўйиш, улардан ажратиш мумкин эмас. Улар бир-бирларини тўлдиради, бир жойда метод шаклида, иккинчи жойда принцип тарзида амал қилади.

3-§. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг мақсади, вазифа ва функциялари, хусусиятлари, бошқа гуманитар ва табиий фанлар тизимида тутган ўрни

1. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг мақсади. *Мазкур фаннинг асосий мақсади* – бу Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади бўлмиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамиятни барпо этиш учун миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий ғояларини халқнинг қалби ва онгига сингдиришдан иборатдир.

2. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг функциялари. Миллий ғоя ва мафкура фани ўз олдига қўйган мақсадларини адо этиш учун қуйидаги асосий функцияларни¹ бажаради.

Биринчиси – миллий ғоя ва мафкура фанининг *эвристик² функцияси*. Миллий ғоя ва мафкура фани объектив воқелик – ғоя ва мафкураларни ҳар томонлама билиб олишнинг мантиқий усуллари ва методик қоидалари тизимига эга. Бу функция ғоя ва мафкураларни изоҳлаш, тушунтириш, ғоя ва мафкураларга оид ҳодисаларини шарҳлаш билангина эмас, балки бу ҳодисаларнинг моҳиятини очиш орқали янги-янги қонуниятларини топиш билан ҳам шуғулланади. Мана шу эвристика функциясидир. Эвристика – ҳақиқатни топиш санъати ҳисобланади. Шунга кўра, миллий ғоя ва мафкура фани реал воқелик – ўзбек халқи миллий мафкурасининг янги-янги қирраларини топиш санъати вазифасини бажаради.

Иккинчиси – миллий ғоя ва мафкура фанининг *методологик функцияси*. Ғоя ва мафкуралар ғоя ва мафкура жараёнларини ўрганиш воситалари бўлган қонунлар, категориялар ва тушунчаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқади.

¹ “Функция” – лотинча сўз бўлиб, “бажариш”, “юзага чиқариш”, “вазифа” деган маъноларни англатади.

² “Эвристика” – грекча сўз бўлиб, “топаман” деган маънони англатади.

Ишлаб чиқилган бу илмий тушунчалар, таърифлар, қоидалар, принциплар бошқа махсус ва амалий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар учун йўриқнома вазифасини ўтайди. Шунга кўра, миллий ғоя фани бошқа фанлар учун методологик функцияни бажаради.

Учинчиси – миллий ғоя ва мафкура фанининг **сиёсий функцияси**. Ғоя ва мафкуралар доимо сиёсатнинг объекти бўлиб келган. Сиёсатнинг асосий мақсади эса ҳамиша давлат ҳокимиятини эгаллаш, шу орқали жамиятни бошқаришни ташкил этишдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам сиёсатни – давлатни бошқариш санъати деб ҳам аташади. Шу маънода миллий ғоя ва мафкура фани Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотларни ўз ичига олувчи сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни ташкил этишга кўмаклашади. Бу миллий ғоя ва мафкура фанининг сиёсий функциясидир.

Тўртинчиси – миллий ғоя ва мафкура фанининг **амалий функцияси**. Миллий ғоя ва мафкура фани ғоя ва мафкура ҳодисалари, институтлари тўғрисидаги билимларни амалда қўллаш вазифасини ҳам бажаради. У Ўзбекистонда жамият, давлат фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тинч-тотув яшашларини таъминлаш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини барқарорлаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқади.

Бешинчиси – миллий ғоя ва мафкура фанининг **илмий башорат қилиш функцияси**. Илмий башорат – мавжуд воқеликнинг объектив қонунларини билиш асосида, келажакда юз берадиган ёки юз бериши мумкин бўлган воқеа, жараён ва ҳодисаларни олдиндан кўра билиш, айтиб беришдир. Миллий ғоя ва мафкура фани ғоя ва мафкуралар ривожланишининг объектив қонуниятларини ўрганиш асосида уларнинг келажакдаги тақдири тўғрисида илмий башорат қилиш функциясини ҳам бажаради.

Олтинчиси – миллий ғоя ва мафкура фанининг **дунёқарашни шакллантириш функцияси**. Миллий ғоя ва мафкура фани ғоя ва мафкураларга оид ҳар бир ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг юзага келиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, одамларнинг ақл-заковатини ўстириш асосида ғоя ва мафкуралар ривожини тўғрисидаги қарашларнинг яхлит илмий манзарасини яратди. Бу ушбу фанининг дунёқарашни шакллантириш функциясидир.

Еттинчиси – миллий ғоя ва мафкура фанининг **ғоявий-тарбиявий функцияси**. Миллий ғоя ва мафкура фани миллатимизнинг истиқлол туфайли ўсиб бораётган ўзини ўзи англаш, билиш эҳтиёжларини қондиришга, давлатимизни жаҳон давлатлари билан қиёслаб ўрганиш асосида миллий онгимизни ўстиришга, янгича миллий ғурур ва туйғуни шакллантиришга хизмат қилади. Бу унинг ғоявий-тарбиявий функциясидир. Ушбу функция, шунингдек, миллий мафкурамизнинг ҳуқуқий асоси бўлган – Конституция ва қонунларнинг устунлигини, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги қоидаларига оғишмай амал қилишни, миллатимизни умуминсоний қадриятларнинг энг яхши анъаналарига содиқ ҳолда тарбиялашни ҳам ўз ичига олади.

3. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг асосий вазифалари. Илм соҳаси бўлган миллий ғоя ва мафкура – ўқув фани сифатида қуйидаги асосий вазифаларни:

- 1) ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб вояга етказиш ишларининг узлуксизлигини таъминлаш;
- 2) ёш авлодни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби олижаноб ғоялар руҳида тарбиялаш;
- 3) миллий истиқлол ғоясининг Ўзбекистон тараққиёти ва мустақиллигини мустаҳкамлашнинг мафкуравий тамойиллари тўғрисидаги яхлит назария эканини тушунтириш;

4) юксак фазилатларга эга, эзгу ғоялар билан қуролланган комил инсонларни вояга етказиш;

5) ўсиб-униб келаётган ёш авлод қалби ва онгида мафкуравий иммунитет асосларини шакллантириш;

6) ёшларни ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғоялари руҳида камол топтириш;

7) ёшларни жамиятимизга ёт ва бегона, бузғунчи ва зарарли ғояларга қарши курашишга ўргатиш, уларда огоҳлик ва ҳушёрлик кўникмалари ҳосил қилиш;

8) ёшлар ўртасида адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз кураш муҳитини яратиш;

9) порахўрликни, тамагирликни, лаганбардорликни ёшлар учун иснод деб билиш;

10) ёшларнинг коррупция элементларининг ҳар қандай кўринишларига қарши шиддатли кураш олиб бориш;

11) она-Ватанга хиёнат қилиш икки дунёда ҳам кечирилмайдиган гуноҳ эканлигини тинимсиз равишда англашиб бориш руҳида ғоявий-мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш кабиларни бажаради.

4. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг гуманитар ва табиий фанлар тизимида тутган ўрни. Ғоя ва мафкура масалалари турли ижтимоий фанлар томонидан ўрганилади. Ҳар бир ижтимоий фан ғоя ва мафкуранинг у ёки бу жиҳатларини ўз предмети нуқтаи назаридан талқин этади.

Миллий ғоя ва мафкура фани турли гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқдир. Ушбу алоқадорлик мазкур фанлар ўрганадиган объектнинг умумийлигидан келиб чиқади. Улар ўз предмети доирасида ғоя ва мафкураларни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганадилар. Шу билан бирга, бу фанларнинг ҳар бири муайян хусусиятга, ўзи ўрганадиган фан соҳасига эга.

Миллий ғоя ва мафкура фани ижтимоий фанлар бўлмиш фалсафа, иқтисодиёт назарияси, социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, маънавият асослари, диншунослик, тарих каби фанлар билан ҳам боғлиқдир. Айни пайтда миллий ғоя ва мафкура фани бу фанлардан фарқ ҳам қилади.

1. Миллий ғоя ва фалсафа. Фалсафа табиат ва жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганadi. Шу боис, у ғоя ва мафкура масалаларини умумий тарзда, ижтимоий ҳодиса сифатида кўриб чиқади.

Миллий ғоя ва мафкура фани фалсафанинг хулосаларига таянган ҳолда, ғоя ва мафкура муаммоларини аниқлаштиради ҳамда бир қатор махсус назарий масалаларни ўрганadi. Бунда фалсафа билан миллий ғоя ва мафкура фани бир-бирини такрорламайди, балки тўлдиради.

Фалсафа борлиқнинг онга, инсоннинг уни ўраб турган атроф-муҳитга муносабатининг умумий принциплари ҳақидаги билимлар тизимидир. Фалсафа ғоя ва мафкураларнинг моҳи-яти, табиати, унинг ижтимоий ҳодисалар тизимидаги ўрнини аниқлайди ва фақат шунинг ўзи билан чекланади. Миллий ғоя ва мафкура фани эса ғоя ва мафкураларни барча кўринишлари ва белгилари билан бир бутун ҳолда батафсил ўрганadi. Агар фалсафа ғоя ва мафкураларнинг моҳиятини аниқлаш калитини берса, миллий ғоя ва мафкура фани фалсафани ижтимоий тараққиёт, ғоя ва мафкураларнинг умумий тамойилларини ифодалаш билан қуроллантиради.

Фалсафанинг умумий қонун ва категорияларидан ғоя ва мафкураларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда амалий фойдаланиш, *бир томондан*, ғоя ва мафкуралар ҳақида тўпланган барча билимларни илмий жиҳатдан умумлаштириб, бу билимларни миллий ғоя ва мафкура фанининг категорияси сифатида баён қилиш имкониятини беради; *иккинчи томондан*, миллий ғоя ва мафкура фанининг илмий тадқиқотлари натижасида олинган ҳамда амалиётда тасдиқланган билимлар, маълумотлар фалсафанинг объектив

конунларни очиши ва умумий категорияларни ишлаб чиқиши учун эмпирик маълумотлар бўла олади.

Шундай қилиб, фалсафа фани миллий ғоя ва мафкура фани учун таянч нуқталаридан бири бўлиб, методология вазифасини бажаради, миллий ғоя ва мафкура фани эса фалсафа учун эмпирик маълумот манбай вазифасини ўтайди..

2. Миллий ғоя ва сиёсатшунослик. Сиёсатшунослик фани сиёсат, унинг шакллари, сиёсий жараёнлар ва сиёсий бирлаш-малар, жумладан, партиялар, сиёсий ҳокимиятга ва давлат ҳокимиятига эришиш воситалари, фуқаролик жамияти, давлат ва шахснинг ўзаро муносабати каби ҳодисаларни ўрганади. Сиёсатшунослик инсон сиёсий маданиятини ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими орқали, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш орқали ўрганади.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг сиёсатшунослик фани билан боғлиқлиги ҳар иккала фаннинг ҳам бир объектни, яъни жамият сиёсий тизимининг муҳим элементи бўлмиш ғоя ва мафкураларни илмий жиҳатдан тадқиқ этишида яққол кўзга ташланади. Бунда миллий ғоя ва мафкура фани ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, ривожланиши, амалий фаолиятининг умумий қонуниятларини ўрганса, сиёсатшунослик фани давлатнинг мафкуравий сиёсатини, аниқроғи, жамиятда юз бераётган сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни, яъни сиёсат назарияси ва амалиётини ўрганади. Уларнинг ҳар иккаласи бир предмет – давлатнинг мафкуравий сиёсатини, унинг давлат ички ва ташқи сиёсатини турли томон-лардан ўрганади, илмий тадқиқотлар натижасида олинган билимлар билан бир-бирларини тўлдиради. Оқибатда, миллий ғоя ва мафкура фани ўзининг кенг қамровлигига кўра, сиёсатшунослик фани учун методологик асослардан бири вазифасини бажаради.

3. Миллий ғоя ва иқтисодиёт назарияси. Иқтисодий фанлар ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳалари, меҳнат, молия, кредит каби масалаларни ўрганади. Миллий ғоя ва

мафкура ўқув фани сифатида ғоя ва мафкураларни ўзининг асосий предмети деб ҳисоблайди. Иқтисодий фанлар ҳамда миллий ғоя ва мафкура фанининг ўзаро таъсири, уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаси, ғоя ва мафкураларнинг иқтисодиётга қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

4. Миллий ғоя ва социология. Миллий ғоя ва мафкура фани социология фани билан ҳам ўзаро алоқада. Чунки социология фани ҳам жамиятни яхлит, уюшган тизим сифатида тадқиқ этиб, жамият аъзоларининг, хусусан, турли хил жамоаларнинг, аҳоли турли катламларининг ғояга, мафкурага қандай муносабатда бўлишини, уларнинг ғоя ва мафкуралар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини *“инсон мезони”* бўлмиш амалий кўрсаткичлар, аниқ математик ҳисоб-китоблар асосида ўрганеди. Шунга кўра, социология фани миллий ғоя ва мафкура фани учун дастлабки эмпирик маълумотларни тўплаб бериш вазифасини бажаради, Миллий ғоя ва мафкура фани эса, ўз навбатида, социология фани берган маълумотларни умумлаштириб, улардан назарий хулосалар чиқаради.

Социология яхлит тизим бўлмиш жамият, ҳамда у билан алоқадорликда ўрганиладиган алоҳида ижтимоий гуруҳлар, социал жараёнлар ҳақидаги фандир. Социология ўзининг хулосаларида эмпирик маълумотларга, ижтимоий тажрибаларга асосланади. Барча ижтимоий ҳодисалар, жумладан, ғоя ва мафкуралар ҳам социологик тадқиқотларнинг объектига айланади. Социология ҳам, фалсафа сингари, ғоя ва мафкураларни билишнинг умумий воситаси ҳисобланади. У ғоя ва мафкураларни ўрганиш асосида ўзининг предметини чуқурлаштиради ва ойдинлаштириб олади.

5. Миллий ғоя ва ҳуқуқшунослик. Миллий ғоя ва мафкура фани ҳуқуқшунослик фанлари билан бевосита алоқадор бўлиб, у ҳуқуқшунослик илми томонидан ишлаб чиқиладиган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга миллатимизнинг ғоявий-мафкуравий руҳини беради. Айни вақтда ҳуқуқшунослик фанлари эса илгари суриладиган ғоя ва мафкураларнинг

инсонийликка хос бўлган жиҳатларига қонуний куч ато этади. Ҳудди шу жойда миллий ғоя ва мафкура ҳамда ҳуқуқ илми ўзаро синтезлашади, натижада ҳуқуқий мафкура вужудга келади, шаклланади ва ривожланади. Миллий ғоя ва мафкура ўзининг ҳуқуқшунослик илмидаги амалий кўриниши сифатида мамлакатимизнинг бугунги кундаги ҳуқуқий манзарасини яратиш ва ҳуқуқий доктринасини ишлаб чиқиш, уни такомиллаштириб боришда методологик асос вазифасини ўтайди.

6. Миллий ғоя ва табиатшунослик фанлари. Табиатшунослик фанлари табиатда содир бўлаётган нарса ва ходисаларнинг вужудга келиш сабабларини, уларнинг келтириб чиқарадиган оқибатларини ўрганувчи механика, физика, кимё, биология каби фанлар тизимидан ташкил топган бўлиб, инсониятнинг моддий эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга хизмат қилади.

Табиатшунослик фанлари гарчанд табиат сирларини ўрганганлиги учун, ғоя ва мафкуралардан холидек кўринсада, бироқ, мазкур фан: *биринчидан*, ўз олдига қўйган мақсади ва унинг мазмун-моҳиятига; *иккинчидан*, кўзланган мақсадни амалга оширишда қўллаётган усул ва воситаларнинг инсонийлик табиатига; *учинчидан*, эришилган натижаларнинг қандай соҳаларда амалда қўлланилаётганлигига кўра бевосита ёки бил восита миллий ғоя ва мафкура билан боғланган бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий ғоя ва мафкура фани жамиятдаги сиёсий муҳит қандай бўлишидан қатъий назар табиатшунослик илмига ҳамма вақт дунёвийлик тамойиллари асосида ёндашиш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Чунки, табиатшунослик илмида эришилган барча ютуқлар ҳамма вақт ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса халқимизнинг ўзига муносиб ҳаёт кечириши жараёнида табиатшунослик фанининг миллий ғоя ва мафкура билан узвий алоқадорлигини, яъни бирининг руҳий қувват, иккинчисининг моддий куч сифатида уйғун ҳаракат қилишини таъминлайди.

7. Миллий ғоя ва тиббиётшунослик. Жаҳонда инсон ва унинг ҳақ-хуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Ана шу олий кадриятнинг мағзини эса инсон саломатлиги ташкил қилади. Инсон саломатлигини сақлаш ҳар қандай тиб илмига оид фанларининг асосий мақсади ва бажарадиган вазифаларига киради. Умуман олганда *тиббиётшунослик фани* деб инсон, элат, миллат, халқ, жамият саломатлиги сақлаш қонуниятларини ўрганувчи, уларнинг амал қилиш механизmlарини ҳаётга жорий этувчи, хусусан беморларни даволашнинг усул ва воситаларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиб, шу асосда уларнинг дардига даво топишга қаратилган илмий ва амалий ҳатти-ҳаракатларнинг бир бутун тизимига айтилади.

Кўришиб турибдики, тиббиётшунослик бир томондан назарий фан бўлса, иккинчи томондан амалиёт соҳаси ҳамдир. Ана шу икки томонни бир вақтда ўзида мужассамлаштирган тиббиётшунослик фани миллий ғоя ва мафкура илми билан ҳам узвий боғланиб кетгандир. Бунда миллий ғоя ва мафкура фани соғлом авлод ғоясини илгари сураб экан, бу ғоя ҳеч шубҳасиз тиббиётшунослик фани учун методологик вазифани ўтайди. **Ш.М.Мирзиёев айтганидек: «тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишонishi, улар эса халқни ишонтира олиши керак»¹.** Бу вазифани миллий ғоя ва мафкура тамойиллари билан қуролланган тиббиёт ходими удалай олади. Демак, айна вақтда фақат соғлом инсон, элат, миллат, халқ ва жамиятгина эзгу фикрларни ўйлашга, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, миллий ғоя ва мафкура тамойилларини ҳаётга жорий қилишга қодирдир. Миллий ғоя ва тиббиётшунослик фанлари ўртасидаги узвий боғланишнинг моҳияти ҳам ана шундан иборатдир.

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш – кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифамиздир//*Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.188.

Шундай қилиб, *миллий ғоя ва мафкура фани гуманитар ва табиий фанлар тизимида қуйидагича ўрин тутади.*

Биринчидан, миллий ғоя ва мафкура фани гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар жумласига кирувчи фалсафий фанларининг таркибий қисмидир. У фалсафага нисбатан хусусийлик, бошқа гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларга нисбатан эса, алоҳидалик касб этади.

Иккинчидан, миллий ғоя ва мафкура фани бошқа гуманитар ва табиий фанлар сингари жамият ижтимоий эҳтиёжларининг маҳсули сифатида пайдо бўлган. У бошқа гуманитар ва табиий фанлар билан биргаликда ғоя ва мафкураларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ҳар томонлама ўрганади, бошқа фанларнинг методларидан методологик асос сифатида фойдаланади. Айни вақтда, миллий ғоя ва мафкура фани гуманитар ва табиий фанларни ғоя ва мафкурага оид аниқ маълумотлар билан таъминлаб, назарий ва амалий жиҳатдан қуроллантиради.

Учинчидан, миллий ғоя ва мафкура фани фалсафа фани орқали ғоя ва мафкуралар билан қизиқаётган ҳар қандай гуманитар ва табиий фан соҳасининг илмий тадқиқот мавзuidан ўрин эгаллаши мумкин.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда суверен Ўзбекистон давлати ўзбек халқининг муштарак мақсадларига мувофиқ тарзда ва мустақил равишда мафкуравий сиёсат олиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон давлатининг мафкуравий сиёсатини бир неча гуманитар ва табиий фанларнинг тадқиқот объектига айлантормоқда.

Масалан, Ўзбекистон давлатининг мафкуравий сиёсати жамиятни бошқариш фаолиятида – бошқарув, маъмурий фанларнинг; иқтисодий-хўжалик юритиш фаолиятида – иқтисодиёт фанларининг; сиёсий фаолиятида – сиёсатшунослик фанларининг; жамиятни яхлит тизим сифатида ўрганиш фаолиятида эса социология фанининг илмий тадқиқот объектига айланган. Ҳосил бўлган билимлар эса ушбу фанлар предметларининг таркибий қисмларини ташкил қилади. Бу ғоя ва мафкураларнинг кўпгина гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий

фанлар объектига айланиб бораётганлигидан дарак беради. Бу миллий ғоя ва мафкура фанининг тобора гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар тизимида тутган ўрни янада мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг барча гуманитар ва табиий фанлар билан алоқаси ҳам икки томонламадир. Миллий ғоя ва мафкура фани гуманитар ва табиий фанларнинг хулосаларига асосланган ҳолда хилма-хил фалсафий, тарихий материалларни умумлаштириб, ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши сабабларини, тараққиёт босқичларини, ғоя ва мафкураларнинг моҳиятини, мазмуни ва шаклларини очиб беради. Шу маънода миллий ғоя ва мафкура фани бошқа гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларни такрорламайди, балки тўлдиради. Бу ҳол эса миллий ғоя ва мафкура фани ўзининг предметига ва хусусиятларига эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

5. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг ўзига хос хусусиятлари. Миллий ғоя ва мафкура фани бошқа фанлардан куйидаги ўзининг назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган хусусиятлари билан ажралиб туради.

1. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»нинг назарий фан сифатидаги хусусиятлари. Мазкур фан: *биринчидан*, ижтимоий фан бўлиб, унинг ўрганадиган соҳаси муҳим ижтимоий ҳодисалар бўлмиш ғоя ва мафкуралардир. Бундан ташқари, миллий ғоя ва мафкура фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда, бевосита ғоя ва мафкураларга, миллий мафкура ва миллий ғоя, миллий менталитетга оид масалаларни яхлит тизим сифатида ўрганади.

Иккинчидан, миллий ғоя ва мафкура фани – *назарий фан*, зеро у ғоя ва мафкуралар ривожининг умумий қонуниятларини очиб беради. Бинобарин, у ғоя ва мафкураларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини назарий жиҳатдан умумлаштиради, ғоялар фалсафаси фанининг асосий

тушунчалари ва қоидаларини, яъни категориялари ва принципларини ишлаб чиқади.

Учинчидан, миллий ғоя ва мафкура фани *фалсафий хусусиятга эга бўлган фан*, чунки у ғоя ва мафкураларнинг қонуниятларини ёритиш билан бирга, фалсафанинг шахс ва жамият, моддий ва маънавий-мафкуравий муносабатлар ҳақидаги умумий қонунларини ҳам очиқ беради.

Тўртинчидан, миллий ғоя ва мафкура фани – *методологик фан*. У гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг барча соҳаларини умумий ғоявий – мафкуравий методология билан қуроллантиради. Миллий ғоя ва мафкура фани ишлаб чиққан илмий ҳулоса ва амалий таклифлар барча гуманитар соҳаларини ўрганишда методологик аҳамиятга эга.

2. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»нинг амалий фан сифатидаги хусусиятлари. *Биринчидан*, миллий ғоя ва мафкура фани – *амалиётга йўналтирилган фан*, чунки у демократик ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилади, ҳуқуқий демократик давлатни, миллий истиқлол мафкураси тизимни шакллантиришда амалий аҳамиятга эга. Ғоя ва мафкуралар назариясини шунчаки билиш билан чекланмасдан, балки уни амалиётга татбиқ этиш ҳам зарур. Назарий ғоявий-мафкуравий қоидалар ва уларни амалда тўғри қўллаш демократик давлат қуришнинг муҳим шартидир.

Иккинчидан, миллий ғоя ва мафкура фани – *ўқув-тарбиявий аҳамиятга молик фан*, чунки у кишиларнинг ғоя ва мафкуралар тўғрисидаги тасаввурларини, билимларини кенгайтиради, уларда мафкуравий тафаккурни, ғоявий дунёқарашни таркиб топтиришга, ғоя ва мафкураларнинг моҳияти, ривожланиши ва истиқболларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Учинчидан, миллий ғоя ва мафкура фани – мамлакатимиз халқларининг келгусидаги тақдири,уларнинг орзу-умидлари,эркин ва фаровон турмуш кечириш учун бажарадиган ишлари, жаҳонда тинчлик,миллатлар ва

давлатлараро ҳамкорлик муносабатларини белгилаб берувчи тактик ва стратегик аҳамиятга молик бўлган фан ҳисобланади.

Бугунги кунда миллий ғоя ва мафкура тамойилларига асосланиб тактик ва стратегик фаолият олиб бораётган давлатимизнинг истиқболи парлоқ бўлиб, у ўзбек халқининг бунёдкорлик кучини асрлар оша бутун дунёга тараннум этади.

6. «Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»фанини ўрганишнинг ёшлар учун аҳамияти. Ўз олдига мустақил мамлакатимиз учун хизмат қилишни мақсад қилиб қўйган ҳар бир шахс Ўзбекистон халқи миллий мафкурасининг бош ва асосий ғояларининг моҳияти-мазмунини, миллий ва умуминсоний тамойилларини яхши ўзлаштириб олиши шарт.

Мамлакатимизнинг таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган илму-толиблар, уларни тамомлаган мутахассислар учун миллий ғоя ва мафкура илмини ўрганишнинг қуйидаги аҳамиятлари мавжуд.

Биринчидан, миллий ғоя ва мафкура илмини ўрганиш бўлажак халқимиз фидойилари учун ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятларини тушуниб олиш имконини беради. Бўлажак баркамол авлод ва ёш мутахассислар шу илмни ўрганишлари туфайли Ўзбекистон демократик давлатининг кишилик жамияти сиёсий ва ҳуқуқий тизимида, дунё давлатлари ўртасида тутган ўрнини билиб оладилар, мустақилликнинг миллатимиз учун нақадар буюк неъмат эканлигини англаб етадилар. Бу билан миллий ғоя ва мафкура илми ёш мутахассисларнинг қалбида ўзбек халқига,ўзбек давлатига нисбатан чуқур эҳтиром,ишонч уруғларини экади. Натижада, давлатга, халққа унинг куч-қудратига ишонч ҳар бир ёш мутахассиснинг ички маънавий эътиқодига айланади. Бу маънавий-руҳий эътиқод ёш мутахассисларнинг давлатга, халққа чин дилдан, виждонан, ҳалол, садоқат билан хизмат қилишларини таъминлайдиган маънавий омил ҳисобланади.

Иккинчидан, миллий ғоя ва мафкура илми Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда таълим-тарбия

муассасалари ходимларининг вазифаларини тўғри белгилаб олишларига кўмаклашади. Чунки миллий ғоя ва мафкура илми Ўзбекистон халқининг турмуш тарзини, унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ишлаб чиқариш соҳасида таълим-тарбия муассасалари ходимларининг тутган ўрнини ва бажариши лозим бўлган вазифаларини ҳам кўрсатиб беради.

Учинчидан, миллий ғоя ва мафкура илми таълим-тарбия муассасаларида илм чўққиларини забт этаётган толиблар ва бошқа ходимлар учун жаҳонда ва мамлакатимизда ғоя ва мафкуралар соҳасида бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тезда илғаб олишга имкон берувчи маънавий-маърифий кўрсаткич вазифасини ўтайди. Бу эса давлат ва нодавлат муассасалари ходимларининг кундалик амалий фаолиятидаги ҳар бир воқеани ғоявий-мафкуравий жиҳатдан тўғри баҳолай олишларига, миллий ғоя ва мафкура талабларига мос равишда ҳаракат қилишларига ёрдам беради.

Тўртинчидан, миллий ғоя ва мафкура илмининг қоидаларини, хулосаларини ўрганиш бўлғуси касб-ҳунар усталарининг бошқа махсус ва амалий фанларни пухта ўзлаштириб олишларига замин ҳозирлайди. Бу билан, миллий ғоя ва мафкура илми *бир томондан*, таълим-тарбия муассасалари ва ёш мутахассислар ўртасида мафкуравий тадбирларни қўллаш, ғоявий тарбия, ғоявий тарғибот ишларининг маънавий-мафкуравий жиҳатларини методология шаклида белгилаб берса; *иккинчи томондан* мутахассисларнинг ғоявий-мафкуравий билимларни омма орасида тарғиб қилишлари орқали ўзбек халқининг ғоявий-мафкуравий фаоллигини ошириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Зеро, ҳар қандай **“Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборатдир”**¹.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.149–150.

II БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1-§. Миллий ғоя – Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ғоявий концептуал асоси

Объектив оламнинг мавжудлик шаклларини ўрганувчи барча табиатшунослик ва гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ўзининг назарий концептуал асосларига эгадир. Бундан ўзбек халқининг «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани ҳам мустасно эмас. *Миллий ғоянинг назарий концептуал асослари деб Ўзбекистон жамиятини ривожлантиришни маънавий-мафкуравий жиҳатдан таъминлашга қаратилган илмий қарашлар, теран фикрлардан ташкил топган, қатъий тартибга солинган илмий-амалий йўналишлар тизимига айтилади.* У изчил тафаккур юритиш, дунёни тўғри тушуниш ва англаш усуллари орқали ҳаётга тадбиқ этилади.

Миллий ғоянинг назарий концептуал асослари ҳақида тўлиқ илмий тасаввурга эга бўлиш энг аввало ғоя ва мафкураларнинг таърифи ва тавсифи, тур ва шакллари, мақсад ва вазифаларини билишдан бошланади.

I. Ғоя тушунчаси, унинг турлари ва ижтимоий характери.

1. Ғоя тушунчаси, унинг онтологик ва гносеологик табиати. «Ғоя» аслида арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида – мақсад, интилиш, ният, қасд деган¹ маъноларни англатсада, кишиларнинг кундалик илмий ва амалий фаолиятида эса *биринчидан*, объектив борлиқни, воқелиқни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқелиққа муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур; *иккинчидан*, бадий, сиёсий

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.Ҳ. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.455.

ёки илмий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр; *учинчидан*, бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй, ният, мақсад деган маъноларни англатиш учун ишлатилади. Бирок, ғояни бундай кундалик содда, оддий тарзда тушуниш унинг туб моҳиятини очиб беролмайди. Шунинг учун ҳам ғоя нима, у қандай пайдо бўлади, шаклланади ва ривожланади, деган саволларга жавоб топиш масаласи азалдан барча ақли расо одамларни қизиқтириб келган ва у бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Ҳар қандай ғоянинг туғилиши, шаклланиши ва ривожланиши кишилик жамиятининг мавжудлик шаклларига боғлиқдир. Ғоя, биринчи навбатда, кишилик жамияти тарихий ривожланишининг маҳсулидир. Кишилик жамиятидан ташқарида ғоя мавжуд эмас. Ғоя моддий ва маънавий борлиқнинг кишилар онгидаги инъикоси сифатида вужудга келади, шаклланади ва ривожланади. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳар бир ғоянинг табиатига объективлик¹ ва субъективлик² хосдир.

Бунда ғоянинг объективлик хусусияти *биринчидан*, унинг вужудга келишига, шаклланишига, ривожланишига туртки берадиган объектив реалликнинг, яъни ташқи олам – табиат, жамиятнинг, уларга тегишли бўлган нарса, ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг мавжудлиги; *иккинчидан*, бир ғоя ва мафкуралар тизимининг иккинчи бир ғоя ва мафкуралар тизимига боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият олиб бориши; *учинчидан*, ғоянинг бирон бир шахс томонидан ўзича хаёлан ўйлаб топилмаганлиги; *тўртинчидан*, унинг реал тарихий шахс фаолияти билан боғлиқлигида кўринади. Бу ҳаётда амал қилаётган ғояларнинг ташқи олам, табиат ва жамиятда содир бўлган жараёнлар асосида шаклланган ижтимоий ҳодиса, яъни *онтологик табиатга* эга бўлган воқелик эканлигини кўрсатади.

¹ **Объективлик** (лот. *object* – нарса) – инсон ва унинг онгидан мустақил мавжуд бўлган реаллик. Ташқи олам предмет ва ҳодисаларини қандай бўлса, шундай баён қилиш.

² **Субъективлик** (лот. *subjectus* – остида, пастда, асосида турувчи) фаол фаолият кўрсатувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гуруҳ. Объектни “инсонийлаштирувчи” шахс, ижтимоий гуруҳларнинг фаол фаолияти.

Бу эса ўз навбатида ғояни онтологик жиҳатдан тушуниш имконини беради. Демак, ғоя онтологик жиҳатдан мавжуд ижтимоий борлиқни ўзида акс эттирувчи объектив мазмунга эга бўлган маънавий ҳаёт шаклларида биридир.

Ғоянинг онтологик табиати унинг гносеологик хусусиятга эга эканлигини кўрсатса, аксинча ғоянинг гносеология табиати эса унинг онтологик табиатига хос бўлган хусусиятларини билиш орқали жамият ҳаётини моддий ва маънавий жиҳатдан бойитиш имкониятларининг мавжудлигини билдиради. Ғоянинг онтологик ва гносеологик табиатини билгувчи, ўрганувчи, уларни бир бирига боғловчи, мослаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч одамзод насли ҳисобланади. Одамзод ақлли мавжудот сифатида доимо ўзини қуршаб турган дунёни билишга, унинг сир-асрорларидан воқиф бўлишга ҳамда уни ўзининг эҳтиёж ва манфаатларига мослаб ўзгартиришга ҳаракат қилиб келган. Шу сабабли у субъектив мазмунга эга бўлган куч сифатида ўзини намоён этади. Демак, “ғоя ана шу икки томон, яъни ташқи реаллик (онтология) ва одамзод (гносеология) орасидаги муносабат (таъсир ва акс таъсир) натижасида шаклланадиган субъектив ҳодиса, объектив реалликнинг субъектив натижаси, инсон онгида ташқи олам, дунё ва ҳаёт ҳодисаларининг акс этиш шаклларида бири. Шу сабабли ғоя гносеологик нуқтаи назаридан “ғоя – инсон онгининг таркибий қисми; ташқи оламнинг образли, инъикоси ва акси; инсон ва ҳодисаларни англаш шакли; инсон онгининг ташқи олам ва ҳаёт ҳодисаларига нисбатан акс таъсирининг намоён бўлиш шаклларида бири”¹, – деган маънони англатади. Демак, ғоянинг гносеологик табиатини фалсафий жиҳатдан англаш, уни илмий тушунча сифатида таърифлаш, тавсифлаш ва таснифлаш имконини беради ҳамда ғояни сийқалаштириш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

¹ Қаранг: Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. –Т.: Akademiya, 2011. –Б.42.

2. Ғоянинг фалсафий таърифи ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

Ғоянинг онтологик ва гносеологик табиатидан келиб чиққан ҳолда унга олимлар қуйидагича фалсафий таъриф беришган:

Ғоя деб инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрга айтилади.

Ҳар қандай ғоя дунёни билишнинг муайян босқичи ва ўзига хос шакли сифатида бир қатор хусусиятларга эгадир. Бунда, *ғоянинг намоён бўлиш хусусиялари деб унинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган томони, ўзига хос белгиларига айтилади.* Уларга қуйидагилар киради:

1. Ғоя энг аввало, муайян мақсадни ифодалайди, одамларни ана шу мақсадга эришиш учун чорлайди, сафарбар этади.
2. Ғоя ҳаётий ва илмий далилларга асосланган ҳолда иш кўради, фаолият олиб боради.
3. Ғоя бирон бир ижтимоий воқеликнинг инъикоси бўлиб объект ва субъектнинг ўзаро диалектик бирлигига асосланади.
4. Ғоя муайян мафкура учун асос бўлиб хизмат қилади.
5. Ғоя назарий ва амалий билимлар бирлигига таянади.
6. Ғоя бирон бир фаразни ифодалайди.

3. Ғоянинг ижтимоий характери. Ғояларнинг ижтимоий характери деб тарихий макон ва замонда яшаган тарихий шахслар томонидан ўртага ташланиб, муайян ижтимоий гуруҳлар томонидан қўллаб-қувватланиб: элат, миллат ва халқларнинг руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлаган, мақсад-муддао сари етаклаган кучли, теран фикрларнинг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланиб бориш жараёнларига айтилади.

Демак, ғояларнинг ижтимоий характери: а) инсоннинг пайдо бўлиши, унинг шаклланиши ва ривожланиши; б) жамиятнинг келиб чиқиши, унда юз

бераётган нарса, ходиса ва жараёнларнинг генезиси, қарор топган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий муносабатларнинг ривож; в) жамиятда мавжуд бўлган турли хил ижтимоий гуруҳларнинг мақсад-муддаоларини ифодалаш; г) ғоянинг етук шахслар томонидан яратилиши ва унинг ижтимоий гуруҳлар мафкурасига айланиш жараёнларининг тарихий тақдири кабилар билан ифодаланади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай ғоянинг асосида билим ётади. Билимларнинг ғояга айланиши учун *биринчидан*, ўрганилаётган ходиса ёки воқеа ҳақидаги билимларнинг аниқ бўлиши, билимлар ходисада, воқеада, жараёнда бўлаётган ўзгаришларни аниқ ва тўла акс эттирган бўлиши, *иккинчидан*, тўпланган билимларни амалиётга қўллаш учун эҳтиёж, яъни заруриятнинг ортиб бориши, *учинчидан*, билимларни ишлаб чиқарган кишиларни (олимлар, шоирлар, ёзувчиларни) жамиятда содир бўлаётган воқеалар ёки табиий муҳитда вужудга келган муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун ўз олдиларига қўйган мақсад-вазифалари аниқ режалари пухта ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Янги ишлаб чиқилган ғоялар фақат моддий воситалар ёрдамида эмас, балки инсоннинг руҳий, маънавий энергияси ёрдамида ҳам амалга ошиши мумкин.

II. Ғояларнинг турлари ва уларнинг таснифи, таърифи ва тавсифи.
Ғояларни таснифлаш деб уларнинг онтологик, гносеологик ва методологик табиатидан келиб чиққан ҳолда ўзлигини намоён қилиш хусусиятларига қараб бир нечта турларга ажратишга айтилади. Инсон табиат ва жамият қўйнида яшар экан, у албатта, бу ерда бўлаётган жараёнларнинг бевосита ёки билвосита иштирокчисига, қолаверса, ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Инсоннинг табиат ва жамият ҳодисаларига бўлган таъсири ёки уларнинг акс таъсири натижасида унинг онгида турли хил фикрлар пайдо бўлади. Шулар ичида айримлари амалий тажрибадан келиб чиққанлиги сабабли етакчилик қилади. Ана шу етакчи фикр асосида ғоялар пайдо бўлади. Бу ғоялар табиатда

содир бўлаётган турли туман ҳодисаларнинг сир-асрорларини, жамиятда юз бераётган ҳар хил воқеаларнинг туб моҳиятини билиш ва уни ўз эҳтиёж ва манфаатларига мослаб ўзгартиришга қаратилганлиги сабабли турли хил шаклларда ифодаланади. Шундай экан ғояларни онтологик, гносеологик ва методологик табиатига кўра, табиат ҳодисаларини билиш ва уни ўзгартиришга қаратилган табиий илмий ғоялар, жамиятда содир бўлаётган нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнларни билиш ва уни тадрижий ёки инқилобий йўл билан ўзгартиришга қаратилган ижтимоий ғоялар туркумига ажратиш мумкин.

Умуман олганда *ғояларни намоён бўлиш хусусиятларига* қараб қуйидаги турларга: *бунёдкор ва вайронкор; илмий ва ҳаёлий; фалсафий; дунёвий ва диний; бадиий; ижтимоий-сиёсий; миллий ва умуминсоний; маънавий ва маърифий; ахлоқий ва эстетик; тарбиявий ғоялар* ва ҳоказоларга ажратамиз.

1. Бунёдкор ғоялар. *Бунёдкор ғоялар жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоялар бўлиб, уларга озодлик, мустақиллик, адолат, тинчлик, тенглик, дўстлик, бирдамлик, хурфикрлик, ҳамкорлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ва бошқалар киради. Ўзбек халқи миллий мафқурасининг бош ва асосий ғоялари ҳам шулар жумласидандир.*

2. Вайронкор ғоялар. *Вайронкор ғоялар деб, инсон ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни гаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар бўлиб, уларга мустабидлик, босқинчилик, терорчилик, ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик, ирқчилик, миллатчилик, маҳаллийчилик, ватансизлик, ёвузлик ғоялари киради.*

Бунёдкор ғоя ва вайронкор ғоялар ўртасидаги кураш муросасиз тарзда кечади. Бунда бунёдкор ғоялар инсониятни ҳалокатлардан сақлаб турувчи куч сифатида майдонга чиқади ва у албатта ғолиб бўлади.

3. Дунёвий ғоялар. *Дунёвий ғоялар деб, ҳар бир элат, миллат, халқ, давлат ва жамият эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, демократик қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш асосида уларни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуига айтилади.* У бугунги кунда демократик тараққиёт, ҳаётни эркинлаштириш, виждон эркинлиги, инсон манфаатларини таъминлаш, фикрлар ранг-баранглиги, мулкӣ плүрализм, ижтимоӣ ҳамкорлик ва бағрикенглик тамойилларига таянади.

Дунёвий ғоялар адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик руҳини, тараққиёт йўлидаги олижаноб мақсад-муддаоларни ўзида ифода этиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилади. Улар хурфикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, билими ва кучига ишониб яшайдиган, ўзининг мустақил қарашларига эга бўлган кишилар жамиятининг ғояларидир.

Шунинг учун ҳозирда демократик, умуминсоний мазмундаги ғоялар, ирки, миллати ва жинсидан қатъи назар, инсонлар, кўп сонли мамлакатлар ҳаётига чуқур кириб бориб, уларнинг асосий ғояларига айланиб бормоқда.

Демократия асосида шакллантирилган ижтимоӣ бағрикенглик ва адолат ҳам унинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бу ғоялар дунёвий давлатдаги турли миллат ва дин вакилларининг эркин фаолияти, ҳамжиҳатлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди.

Ҳозирги кунда дунёвий ғоялар эзгулик йўлида бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутаяди, тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Демак, дунёвий ғоялар *биринчидан*, муайян ғояларни ифодалаш учун кўлланиладиган тушунча бўлса, *иккинчидан*, жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуи ҳисобланади. Бу ғояларни, ўз

навбатида мазмун-моҳиятига кўра, умуминсоний, илмий, фалсафий каби бир неча турларга бўлиш мумкин.

4. Диний ғоялар. *Диний ғоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний имон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи даъватлар, ақидалар, қадрият ва мақсадлар ифодаланган қараишлар мажмуига айтилади.* Улар муайян диннинг мавжудлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Виждон эркинлиги, инсонларнинг ирқи, миллати, дини, насл-насаби, жинсидан қатъи назар, ўзаро тенглиги таъминланган умуминсоний ғоялар кўп сонли давлатлар ҳаётига сингиб бораётган ҳозирги даврда диний ғоялар ўзининг туб моҳиятини сақлаган ҳолда, одамзот ҳаёти, бахту саодати, тарбияси, маърифатида етакчи ғоялардан бири бўлиб келмоқда.

Диний бағрикенглик ғоясига таянган кўплаб давлатларда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб, бир осмон остида тарихий, маданий, маънавий, руҳий муштарақликда яшаб, меҳнат қилмоқда. Бу эса, кишиларнинг бир замин, бир Ватан учун, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшабини англатади.

Қуръони Карим китобининг 50-Қоф сурасида: *“Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингиз (дўст-биродар бўлишингиз) учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик”¹*, – деган оят диний ғоялардаги тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунаси дир.

Ҳозирги замонда бу ғоя – эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутаяди, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

¹ Қаранг: Қуръони Карим. Маънолар таржимаси. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол). –Т.: «Шарқ», 2008. –Б.517.

5. Илмий ғоялар. *Илмий ғоялар деб, табиий ва ижтимоий фанларнинг табиат, жамият, инсон тафаккурида юз бераётган нарса, ҳодиса, жараёнларнинг сир асрорлари қонуниятларини билиш орқали қилинган илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиладиган илмий фикрлар мажмуига айтилади.*

Илмий ғояларни табиат соҳасида қилинадиган кашфиётлар натижасида пайдо бўладиган ҳамда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий соҳада қилинадиган кашфиётлар туфайли шаклланган илмий ғояларга ажратиш мумкин. Масалан, Анаксимандр томонидан илгари сурилган – фазонинг чексизлиги назарияси; Пифагорнинг – теоремаси; Гиппократнинг – темпераментлар ҳақидаги назарияси; Демокритнинг – атом назарияси; Евклиднинг – геометрияси; Ал-Хоразмийнинг – алгебраси; Зигмунд Фрейднинг – туш кўриш назарияси; Макс Планкнинг – квант назарияси; Альберт Эйнштейннинг – нисбийлик назарияси; Александр Флемингнинг – пенициллинни кашф этиши; Эрвин Шрёдингернинг – тўлқинлар назарияси; Сэр Джеймс Чедвикнинг – нейтронни кашф этиши; Фредерик Бантингнинг – инсулинни кашф этиши; Уильям Шоклининг – транзисторни кашф этиши ва бошқалар илмий ғоялар жумласига киради¹.

Табиат ҳодисаларини ўрганишга қаратилган илмий ғоялар ижтимоий соҳадаги илмий ғояларга нисбатан турғун бўлади. Улар янги қилинаётган илмий кашфиётлар асосида тўлдирилиши ёки инкор қилиниши ҳам мумкин.

III. Фалсафий ғоялар. *Фалсафий ғоялар деб табиат, жамият, инсон тафаккури ҳақидаги таълимотларнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардан иборат бўлган, методологик аҳамият касб этадиган фикрлар мажмуига айтилади.* Улар дунёни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида

¹ Қаранг: 100 ученых изменивших мир. –Мн.: Харвест, 2006. –304 с.

тўпланган фалсафий билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади. Масалан, оламнинг асосида нима ётади, деган фалсафий саволга жавоб беришларига қараб монизм, дуализм, плюрализм, идеализм, материализм каби фалсафий ғоялар вужудга келган ва фалсафий таълимот сифатида тарих саҳифаларидан жой олган.

1. Монизм (юн. *monos* – бир, *ягона*) – оламнинг ибтидоси битталигини, бутун мавжудотнинг ягона моҳиятга эгаллигини эътироф этувчи фалсафий ғоя, ёндашув. Дунёнинг вужудга келиши, мавжудлиги ва ўзгариши негизида қандай моҳият, қандай асос борлигини фалсафий талқин этишда монизм дуализм ва плюрализмдан фарқ қилади. Монизмнинг тарихий шакллари сифатида *материализм* ва *идеализм* алоҳида ўринга эга.

Дунёнинг ибтидоси ягона, деб тан олиш билан бир вақтда, унинг моҳиятини турли оқимлар ҳар хил тушунтирадилар. *Материализм* йўналишида бутун мавжудот асосида деб материя тан олинади. Материализм тарихида моддий асос саналмиш материяни содда тушунишдан чуқур мураккаб англашгача тусаввурлар бўлган. Дастлаб моддий элементлар (тупроқ, сув, ҳаво, олов) сифатида тасаввур этилган материяни, энг кичик моддий зарра “атом” ҳақидаги қарашлар, сўнг масса, ҳажм, энергия каби хусусиятларга эга моддалар билан боғлаб тушунтиришлар юзага келган. Оламнинг ранг-баранг ҳодиса ва қонуниятларини биз идрок этадиган хоссалар орқалигина тушунтириш чекланганлиги сабабли, кейинроқ материяни мавҳум ва умумий фалсафий талқин этиш зарурияти келиб чиқди. Шу тарзда материя объектив воқелик сифатида талқин этила бошлади. Олам моҳиятан моддий бўлиб, ҳеч кимнинг онги ва иродасига боғланиб қолмайди. Барча ҳодисалар материянинг турли кўринишлари, ҳаракати шакллари, деб уқтирилади.

Идеализм эса, барча ҳодисаларнинг ягона ибтидоси руҳ, ғоя, онг ёки тафаккур деб ҳисоблайди. Барча ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаби ҳам,

мавжудлиги ҳам маънавий-ғоявий асосга эга, деб тушунтиради. Олам ва одамнинг яратилиши ва ривожланишида материализм моддийликни мутлақлаштиради, идеализм руҳийлик ва илоҳийликни мутлақлаштиради. Бундай мутлақлаштириш бу икки йўналиш орасидаги баҳсга, рақобат ва зиддиятга олиб боради. Материализмда ҳам, идеализмда ҳам оламни билиш ва ўзлаштириш учун қимматли бўлган рационал мазмун мавжуд эканидан келиб чиқилса, фалсафий мушоҳадада уларнинг иккаласидан ҳам ўз ўрнида самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Монизм ҳодиса ва жараёнларни бир нуқтаи-назардан, ягона ёндошув асосида ўрганиш ва талқин этиш ҳисобига яхлит концепция яратиш имкониятини бериши билан жозибадордир. Унга муқобил бўлган дуализм ва плюрализм эса, ҳар томонлама ёндашувларни инкор этмаган ҳолда, бир вақтда турли нуқтаи-назарларни муроасага келтира олувчи, бирлаштирувчи, келиштирувчи концепция яратиш имконини яратади. Шу жиҳатдан, айниқса, ижтимоий воқеликка оид, турли ва ранг-баранг ҳодисаларни ўрганиш ҳамда тушунтириб бериш учун монизм билан бирга дуалистик ва плюралистик ёндашувлардан беғараз фойдаланиш фалсафий мушоҳадани тўлиқ ва самарали бўлишига ёрдам беради.

2. Дуализм (лот. *dualis* – икки ёқлама) – оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эгаллигини эътироф этувчи фалсафий ғояга асосланган таълимот.

Дуализм Шарқнинг диний-фалсафий қарашлари доирасида кенг тарқалган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто”да тирикликнинг маъно-мазмунни азалдан икки мавжудот – Аҳура Мазда ва Аҳриман (Анхра – Маню) ўртасидаги, яхшилик, эзгулик, ёруғлик билан ёмонлик, қоронғулик, зулмат ўртасидаги курашдан иборат, деб қайд қилингани фикримизнинг далили бўла олади. Бу хилдаги қарашлар Марказий Осиёда ислом дини қарор топгунига қадар ҳам устувор бўлиб келган.

Марказий Осиё пантеизми¹ оламнинг яратувчиси Аллоҳ, лекин табиат ривожини ўз-ўзидан содир бўлади, деган ғояни қайд қилади. Шунинг учун ҳам, Марказий Осиё Уйғониш даврининг мутафаккирлари табиий билимларни ҳам, исломий билимларни ҳам чуқур ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Янги замон фалсафасида Р. Декарт оламнинг асосини ҳам моддий, ҳам рухий субстанция ташкил қилади, деб талқин қилган. У борлиқни фикрловчи субстанция (рух) ва материяга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Декарт бу икки субстанциянинг инсон учун аҳамияти масаласини ҳал қилади. Бунга кўра, психологик ва физиологик ҳодисалар бир-бирига боғлиқ эмас. Бу даврда онтологик дуализм билан бир қаторда билиш субъектини билиш объектига қарама-қарши қўйувчи гносеологик дуализм ривож топганини ҳам таъкидлаш зарур. Дуализм терминини немис файласуфи Х.Вольф (1679–1754) киритган.

3. Плюрализм (лот. *pluralis* – кўплик) – бир-биридан мустақил бўлган ва қандайдир ягоналикка келтирилмайдиган борлиқ турлари, манфаатлар, ғоялар, қарашлар ва социал институтлар кўпчилигини билдирувчи фалсафий ғояга асосланган дунёқараш, таълимот. Фалсафий нуқтаи-назардан плюралистик қараш турли-туман фикрлар курашини эмас, балки уларнинг жамият ижтимоий ташкилланишининг намоён бўлиши, деб қаралади. Плюрализм ижтимоий ҳаётнинг турли-туманлиги ва ана шундай турли-туманлик орасида-ги зиддият, рақобат, мухолифатнинг ижтимоий тараққиёт манбаи эканини билдиради. Бундай ҳодисаларнинг демократик тарзда, қонунлар доирасида ҳал қилиниши кўзда тутилади. Плюрализм атамаси биринчи марта 1712 йилда Х.Вольф томонидан киритилган эди. Фалсафада плюрализмга қарама-қарши маънода монизм атамаси ишлатилиб, у бутун борлиқнинг ягона асоси мавжуд, деб ўргатади. XIX ва XX асрларда монистик қараш асосан ҳукмрон эди.

¹ **Пантеизм** (юнонча pan – ҳамма, theos – Худо) – Худо билан табиат бир-бирига тамоман мос бўлиб тушади, улар айнан бирдир, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас, деган фалсафий ғояга асосланган таълимот. Бу атамани 1705 йилда инглиз файласуфи Ж.Толанд киритган.

Плюрализмнинг кейинги даврларда кенг тарқалиши сабаби жамият тараққиётининг демократиялашуви билан боғлиқ, дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, ҳар бир шахс ўзига хосдир ва такрорланмасдир, ҳар бир кадрият ўзига хос ва кадриятларни кадрлаш ҳам ўзига хосдир. Қолаверса, оламнинг илмий манзараси ҳам, унинг турли жиҳатларини ифодаловчи назариялар ҳам турли туман, ранг-барангдир.

Жамият тўлақонли ривожланиши учун унда турли фикрловчи гуруҳлар, кишилар, ҳаракатлар, партияларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ саналади. Улар ўз фикрларини очик-ойдин ифодалашлари, ўзгалардаги нуқсонларни, камчиликларни танқид қилишлари имконига эга бўлиши ва бунда ҳеч қандай тазйиқларга дуч келмаслиги керак. Бунда танқид нафақат юқоридан пастга, балки пастдан юқорига ҳам амалга оширилиши керак. Бироқ, бундай плюралистик тизим самарали ишлаши учун кўпчилик томонидан маъқулланган қонунларнинг нуқсонсиз ишлаш механизми яратилиши керак. Буни давлат ёки жамият амалга ошириши керак бўлади.

4. Идеализм (юн. *idea* – *гоя, тасаввур, тушунча*) – *олам ва одамнинг яралиши, табиат ва жамиятнинг моҳияти ва ривожда руҳий, моддий бўлмаган омилларни устувор деб билувчи фалсафий гояга асосланган йўналиш.* Идеализм тарихи буюк юнон файласуфи Афлотун таълимотидан бошланади. У турли хил фалсафий фикрларни таҳлил қилар экан, ўзини идеализм намояндаси дея очик тан олади. Худди шу даврдан бошлаб, фалсафий қарашларда идеализм ва материализм таълимотлари пайдо бўлган. Идеализм ўз тараққиётида бир қатор даврларни бошдан кечирган. У Афлотун, Фома Аквинский, Шеллинг, Гегель, неотомизм йўналиши намояндалари таълимотида объектив идеализм шаклида, Беркли, Юм ва бошқа баъзи ҳозирги замон Ғарб фалсафий фикри намояндалари таълимотларида эса, субъектив идеализм шаклида ривож топган.

XIX асрда шаклланган марксистик фалсафада онгнинг материяга, руҳнинг табиатга муносабати масаласи мутлақлаштирилди ва идеализм билан

материализм ўртасида метин девор тикланди. Улар ўртасидаги муносабат сиёсийлаштирилиб, материализм илғор, тараққийпарвар кучларнинг, идеализм эса қолоқ, реакцион кучларнинг мафқураси сифатида таърифланди.

Идеализм фалсафий йўналиш сифатида ўз ғояларини фалсафий назариялар, тамойиллар, мантиқ қонуниятлари ёрдамида асослашга интилади. Шу сабабдан, идеализмнинг моҳиятини тушуниш унинг гносеологик ва ижтимоий илдизларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Объектив идеализм тушунчалар, мавҳум тафаккурнинг аҳамиятини, субъектив идеализм эса, идрок ва сезгиларнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бироқ, бу идеализм билан материализм ўртасидаги диалектик характерга эга бўлган қарама-қаршиликни мутлақлаштириш учун сабаб бўла олмайди. Чунки ғоя билан моддийлик орасида ўтиб бўлмас чегара йўқ.

Ижтимоий борлиқ бирламчи, ижтимоий онг эса, иккиламчи, деган ғоя инсонни жамиятда содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий жараёнларнинг заиф бир иштирокчиси ва кузатувчиси қилиб қўяди. Ҳолбуки, жамият, унда содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар инсон онгли фаолиятининг маҳсулидир. Ижтимоий борлиқ инсоний ғояларнинг моддий кўриниши бўлса, ғояларнинг мазмуни эса маънавийдир. Шу сабабдан, идеализмнинг асосий хусусияти ғоянинг аҳамиятини мутлақлаштиришда эмас, балки унинг мавжудлигини тан олишда намоён бўлади.

5. Материализм (*лот. materialis – моддий*) – борлиқ, олам, табиат, жамият ва одамнинг мавжудлиги, яшаш ва ривожланиш хусусиятларини талқин қилишда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб билишга асосланган фалсафий йўналиш. Антик даврда кишиларнинг ташқи оламини объектив мавжудлигига стихияли ишониши тарзида пайдо бўлган материализм, кейинчалик илмий-фалсафий тараққиёт давомида, муайян дунёқараш сифатида шаклланди. Материализм тарафдорлари бўлган файласуфлар таълимоти асосини моддийликнинг бирламчилиги ва руҳийликнинг иккиламчилиги

ҳақидаги ғоя ташкил қилади. Материализмни ҳам яхлит таълимот деб бўлмайди. Табиатни тушунишда материалист, жамият ёки рухиятни тушунишда идеалист бўлган файласуфлар ҳам бор.

Онгни ва умуман маънавийликни материянинг маҳсули деб қарар экан, материализм уларни ташқи оламнинг инъикоси деб баҳолайди. Бу эса, ўз навбатида, идеалистик йўналишдаги таълимотларнинг аҳамиятини пасайтириш анъаналари пайдо бўлишига олиб келди. Айниқса, марксизм таълимотида фалсафанинг партиявийлиги ғояси асосида материализм илғор, тараққийпарвар кучларнинг дунёқараши, идеализм эса реакцион кучларнинг мафкурасидир деган тушунча устуворлик қилди. Совет даври фалсафасида эса бундай нуқтаи назар мутлақ ҳақиқат даражасига кўтарилди. Кўп минг йиллик жаҳон фалсафа тарихи тараққийпарвар материализм ва реакцион идеализм кураши тарихи деб кўрсатилди. Бу эса фалсафа тарихини сиёсийлаштириш ва илмий жиҳатдан сохталаштиришга олиб келди.

Аслида материализмга баҳо беришда иккита жиҳатни бир-биридан ажратиш керак. Бир томондан, табиат, жамият ва инсон тараққиётида моддий омилларни асос қилиб олувчи фалсафий материализм турли фан ютуқларини умумлаштириш, илмий билимлар ўсишига, илмий методларнинг такомиллашувига бир қадар кўмаклашди. Бу ҳол, ўз навбатида, ўрта асрларда фан ва техниканинг ривожланишига муайян таъсир кўрсатди. Иккинчи томондан, материализм томонидан идеалистик қарашларнинг мутлақ инкор қилиниши фалсафа ривожига ўта салбий таъсир қилди. Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг фалсафий таълимотлари камситилди. Материя бирламчи, онг иккиламчи, яъни унинг пассив инъ-икоси деб қараш кишилар ақли, тафаккури ва маънавий омилларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти камситилишига олиб келди.

Ҳолбуки, материализм ва идеализм бир-бирини бутунлай инкор этувчи таълимотлар эмас. Фалсафада бу икки оқимнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар

доирасида ривожланган фалсафий тафаккур натижалари бир-бирини тақозо қилади, табиат ва жамиятдаги моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзига хослиги, бирлиги ва боғлиқлигини тўлароқ билишга имкон беради.

6. Атеизм (юн. *a* – инкор, *theos* – худо; худони, динни инкор этиш) – фалсафий-материалистик таълимот. Атеизм динлар воқеликни нотўғри акс эттиради, деб эътироф этади. Атеизм ҳар қандай дин, ғайритабиий куч, худолар, руҳлар мавжудлигини, руҳнинг абадийлиги ва бир мавжудотдан бошқасига ўтиши, дунё ва ундаги барча нарсаларни йўқдан бор бўлишини инкор этади. Атеизм моддий дунёнинг абадийлиги ва яратилмаганлиги, табиат ва жамиятларнинг ўз қонунларига кўра ривожланишини, ғайритабиий кучларни инкор этиб, ҳаётнинг фақат бу дунёда мавжудлигини таъкидлайди. Атеизм атеистик фикр тарихини, материалистик дунёқарашнинг шаклланиш усул ва воситаларини ўрганади.

Ҳозирги даврда атеизм “худо” сўзини англлатувчи нарсанинг мавжудлигини мутлақо инкор этиш шаклида (радикал атеизм.) ёки агар Худо мавжуд бўлса, унинг инсонлар томонидан билиш мумкинлигини рад этиш шаклида (агностицизмга асосланган атеизм) намоён бўлади. Диний таълимотлар турлитуман бўлганлиги (бутпарастлик, кўпхудолик, христианлик, ислом, яҳудийлик ва ҳ.к.) сабабли уларнинг инкор этилиши ҳам турли шаклларда ифодаланади. Масалан, Европа маданиятида атеизм деганда, одатда, шахсий худони, яъни ақл ва иродага эга ҳамда ғойибона равишда барча моддий ва маънавий жараёнларга таъсир этувчи ғайритабиий мавжудотни, бошқача қилиб айтганда, теизмни инкор этиш тушунилади.

Турли маданий-тарихий контекстларда атеизм деганда, диний ҳурфикрлик (хукмрон дин томонидан белгиланган Худо тўғрисидаги тасаввурлардан воз кечиш), диний агаостацизм (Худони билиш мумкинлигига шубҳаланиш), айни маънодаги атеизмнинг ўзи (Худонинг мавжудлигини мутлақо инкор этиш) тушунилади. Ёрқин ифодаланган шаклдаги радикал атеизм ҳозирги замон

материализм тарафдорлари, айниқса, марксизм ва позитивизмга хосдир. Агностицизмга асосланган атеизм юнон файласуфлари ўртасида тарқалган бўлиб, Сократ, ундан аввал яшаб ўтган файласуфлар (Демокрит ва б.), софистлар (Протагор, Горгий), Эпикур ва унинг мактаби, илк киниклар ва скептиклар қарашларида акс этган. Ўрта асрларда ҳукмрон диннинг танқиди диссидентлик, хурфикрлик, у ёки бу диний ақидаларни рад этиш (антиклерикализм) ва бу асосда янги диний йўналишлар (сектантлик)нинг вужудга келиши билан ифодаланади. Капитализмнинг шаклланиши атеизмнинг ривожланиши ва жамиятдаги секуляризация жараёнларига туртки берди.

20-аср давомида содир бўлган ижтимоий фалокатлар (жаҳон урушлари ва тоталитаризм жиноятлари) оқибатида турли антисциентистик ва диний-мистик таълимотлар қайта жонланди. “Дин – атеизм” антитезиси янги шаклларда намоён бўлди. Шу билан бирга инсоний ақлнинг ижтимоий тараққиётни таъминлаб беришга қодир эканлигига ишонган рационалистларнинг таъсири кучайди (Б.Рассел – фалсафада, У.С.Моэм, М. дю Гар – адабиётда), атеистик экзистенциализм йўналишига хос қарашлар (Ж.П. Сартр, А. Камю ҳамда М. Хайдеггер) кенг тарқалиб борди. Турли диний-мистик, ибтидоий динларга хос таълимотлар, фанга қарши бўлган ва хурофотга оид тасаввурлар жонланди. Ер юзида турли динлар ва майда диний фирқалар мисли кўрилмаган даражада кўпайиб кетган бугунги реал воқеликда атеизмнинг ўзига ҳам эътиқод сифатида қараш урф бўляпти. Кўпгина халқаро ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари декларациясида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир”, деб ёзилган. Замонавий демократик жамиятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда фуқаролар учун ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқи, яъни ҳар қандай динни эркин танлаб олиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик Конституция билан кафолатланган. Бизда бу борада “Дунёвийлик – даҳрийлик эмас”, деган тамойилга амал қилинмоқда.

7. Теизм (юн. *theos* – худо) – оламни Худо томонидан яратилганини тан олган диний-фалсафий таълимот. Худо оламдан ташқарида туради, оламни ўз иродаси билан яратган ва унда мавжуд бўлган мутлақ шахс деб тушунади. Нариги дунёдаги худони тан олиш теизмни пантеизмдан, худонинг доимий фаоллигини тан олиш эса деизмдан фарқлантириб туради. Теизм келиб чиқиши жихатидан ўзаро яқин бўлган иудаизм, христианлик ва ислом динлари учун хосдир. “Теизм” атамасини дастлаб инглиз файласуфи Р.Кедворт (1617–1688) кўллаган. Теизм масаласи билан теософия шуғулланади.

8. Теософия (юн. *theos* – Худо ва *sopia* – донишмандлик, билиш) – фалсафий таълимот. Теософия таълимотида кўра, барча тирик мавжудотлар ҳаётининг танасини бошқариб турувчи илоҳий жон, руҳнинг фаолияти билан боғлиқ. Инсон ўзининг юксак заковати ёрдамида аслида ўзининг илоҳий жон эканини, шу жон билан табиати бир бўлган Худонинг табиатини англаб етиш имкониятига эга бўлган. Худо – ўзининг қуввати билан бутун борликда мавжуд бўлган энг кичик тирик зарранинг ҳам, энг катта тирик мавжудотнинг ҳам ичида алоҳида мавжуд бўла оладиган, айти пайтда бутун борлиқни назорат қилиб бошқариб турадиган, чексиз қудратга эга бўлган Олий Руҳдир. Жон эса Худо қувватининг ажралмас бўлаги ҳисобланган руҳдир. Алоҳида руҳнинг мавжуд эмаслигига қараб, борлиқ тирик ёки ўлик, жонли ёки жонсиз мавжудотларга бўлинади. Теософия илмига асосан, Худо – ягона мутлақ манба, унинг табиати уч турли кўринишда намоён бўлади: бутун борлиқ Худонинг ички ва ташқи қувватидан таркиб топган; Бутун оламни ана шу икки қувватдан таркиб топган икки оламга бўлиш мумкин: руҳий ва моддий олам. Худонинг ички қуввати олий, руҳий қувват, ташқи қуввати эса, қуйи моддий қувват ҳисобланади. Руҳий қувват моддий қувватдан устун ва уни бошқариб туради. Руҳ ўз хоҳиши билан руҳий оламда, ёки моддий оламда яшаши мумкин. Руҳларнинг моддий оламни бошқариш фаолияти аралаш қувват, яъни руҳнинг моддий ҳаётидир. Руҳнинг моддий оламдаги, бир танадан иккинчи танага ўтиб,

ривожланиш фаолияти руҳнинг эволюцияси, деб аталади. Инсон тирик мавжудотлар ичида ривожланган онга эга, шу сабабли руҳ ва модданинг бир-биридан фарқини англаб етишга қодир мавжудот. Инсонни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турувчи ягона хислати ўзининг руҳ эканини англаб етиши ва ҳаётда ана шу илми асосида яшай олиш қобилиятига эгалигидан иборат. Инсоният тарихида фақат инсонлар жамиятидагина мавжуд бўлган турли диний-фалсафий таълимотлар замон, макон ва шароитга мос равишда асосан ана шу ягона таълимот, руҳ ва тананинг бир-биридан фарқ қилишини ўрганади.

IV. Бадий ғоялар. *Бадий ғоялар деб сўз санъатининг маҳсули сифатида яратилган адабиёт ва санъат асарларининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлар мажмуига айтилади.* Улар ҳаётдан олинади, бадий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради. Бадий таъсир воситалари жуда катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракатга келтиришда бадий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти беқиёс. Буни она ҳақида, она-Ватан ҳақида битилган куй ва кўшиқлар, роман ва ҳикоялар мисолида кўришимиз мумкин.

V. Ижтимоий-сиёсий ғоялар. *Ижтимоий-сиёсий ғоялар деб ҳар бир элат, миллат ва халқларнинг озодлик, мустақиллик, ободлик, адолат ва ҳақиқат каби орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, эркин ва фаровон ҳаёт тарзини тараннум этадиган фикрлар мажмуига айтилади.* Буларга озодлик, мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик каби ғоялар киради.

Булардан ташқари ғояларни уларнинг **соҳиблари, яъни ҳаракатлантирувчи кучлари** кимлар эканлигига қараб синфий, миллий, умумхалқ , умуминсоний ғояларга ажратиш мумкин.

1. Синфий ғоялар. *Синфий ғоялар* деб бирон бир синфнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини, унинг мақсад-муддаоларини ифодалайдиган фикрлар мажмуига айтилади. Синфий ғояларнинг мақсади, мазмуни, шакли ва уни амалга ошириш йўллари асосан муайян синфнинг етакчи ташкилоти бўлмиш сиёсий партияларнинг низомларида белгилаб қўйилган бўлади.

Синфий ғоялар муайян бир халқ оммасини маълум тарихий шароитда ҳаракатга ундаётган бир шароитда умуминсоний бўлиши ҳам ёки тор манфаатларни кўзлайдиган ғоя сифатида жамият ва инсон манфаатларига зид бўлиши ҳам мумкин. Собиқ СССРда ҳукмрон бўлган КПССнинг синфий кураш ғояси асосида, яъни ишчи ва камбағал деҳқонларга душман синф сифатида ўзига тўқ деҳқонларни йўқ қилиш мақсадида “қулоқлаштириш” сиёсатини олиб борганлиги бунинг яққол мисоли бўлади.

2. Миллий ғоялар. *Миллий ғоя* бу миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли ҳисобланади.

Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни акс эттиради. У ёки бу ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Зеро, ана шу икки негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узок вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин.

Том маънодаги миллий ғоя, охир-оқибатда, озми-кўпми инсоният тақдирига таъсир қилади. Шу маънода, ҳар қандай миллий ғояда умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аммо, аниқ бир миллат ёки умуман инсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар ҳам бор. Айтайлик, “Миллий яраш” ғояси фуқаролар уруши кетаётган давлат учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, “Манфаатли ҳамкорлик”

ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятлидир. Ҳар бир халқ ўз тарихининг *бурилиши* нуқталарида, аввало мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади.

3. Умумхалқ ғоялари. *Умумхалқ ғоялари деб ҳар бир халқнинг озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiлари, тинч-осуда яшашлари, ўзгалар билан тенга-тенг муносабатда бўлишларини ўзида мужассамлаштирган фикрлар мажмуига айтилади.* Буларга ўзаро тенглик, ижтимоий ҳамкорлик, тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат каби ғояларни киритиш мумкин.

4. Умуминсоний ғоялар. *Умуминсоний ғоялар деб ҳазрати инсонни буюк мавжудот деб биладиган, унинг эркин ва фаровон яшашини учун шарт-шароитлар яратиб беришига, ўзаро муносабатларидаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишига, наслини давом эттиришига қаратилган энг олижаноб орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайдиган фикрлар мажмуига айтилади.* Буларга инсонпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик, меҳробонлик, саховатпешалик, ўзаро ёрдам, яхши қўшничилик ва бошқалар киради.

5. Умумбашарий ғоялар. *Умумбашарий ғоялар деб инсониятни ҳар хил офат ва кулфатлардан сақлаб қолишига қаратилган фикрлар мажмуига айтилади.* Бунга тинчликсеварлик, ўзаро ҳамкорлик, биродарлик, бағрикенглик, оптимизм ва бошқалар киради.

Бу билан ғояларни таснифлаш тугамайди, ҳаёт ўзгариши билан янги ғоялар пайдо бўлади, шаклланади, ривожланади вақти келиб эса бошқа ғояларга ўзининг ўрнини бўшатиб беради. Фақатгина, умуминсоний ва умумбашарий ғоялар даражасига кўтарилганларигина умрбоқий бўлиб қолади. Бизнинг миллий ғоямиз ана шундай умуминсоний ва умумбашарий ғоялар жумласига киради.

2-§. Мафкура тушунчаси, унинг шакллари, мақсад ва вазифалари

I. Мафкура тушунчаси ва унинг фалсафий тавсифи. Маълумки, ҳар қандай ғоя у амалга ошириш усул ва воситалари тизимига эга бўлмаса, шунчаки айтилган фикр тарзида қолиб кетиши мумкин. Демак, ҳар қандай ғоя ўзининг амалга ошириш усул ва воситаларига эга бўлгандагина у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боради ва ўзлигини намоён этади. Бу вазифани мафкура бажаради.

“**Мафкура**” арабчадан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб **“фикр юритиш”, “тафаккур”, “эътиқод ва маслаклар тизими”**¹ деган маъноларни англатган ҳолда инсонларнинг кундалик ҳаётида *жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи* деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилади. Мафкуранинг кундалик ҳаётда ишлатиладиган оддий – содда тушунчаси, унинг туб фалсафий моҳиятини очиб беролмаслиги, табиийдир. Шунинг учун ҳам мафкурашунос файласуф олимлар унга қуйидагича таъриф берадилар.

Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, элат, миллат, халқ жамият, давлат эҳтиёж ва манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

Шунинг учун ҳам мафкуранинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида **И.А.Каримов:** “Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар... Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.558.

ўртасида ўзига хос қўприк бўлишга қодир зояни мен жамият мафкураси деб биламан”¹, – деган эди.

Инсоният тарихида турли-туман мафкуралар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. Мафкуралар муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, *бунёдкор зояларга* асосланган мафкуралар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкуралар бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади.

Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай мафкуралар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади.

II. Мафкураларнинг таснифи. *Мафкуранинг таснифи*² деб турли даврлар-да ва ҳозирда мавжуд бўлган мафкураларнинг ўзига хос белгилари, хусусиятлари, хусусан, мақсад-муддаолари, усул ва воситалари,

¹ *Каримов И.А.* Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // *Унинг ўзи.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.84, 89.

² “**Тасниф**” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “танлаб олиш; турларга ажратиш” деган маъноларни англатади.

ҳаракатлантирувчи кучлари ва таъсир-оқибатларига қараб турларга, туркумларга ажратишига айтилади.

Инсоният тарихида қанча ижтимоий-сиёсий куч, қанча миллату элат бўлган эса, шунча хил мафкура бўлган. Ҳозирги даврда ҳам мафкураларнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, улар диний, дунёвий, миллий, сиёсий ва шу кабилардир.

Ҳозирги пайтда аксарият ривожланган мамлакатлар халқлари умуминсоний кадриятлар даражасига кўтарилган эркинлик, адолат, қонун, инсон ҳуқуқлари, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик каби ғояларни таранум этувчи мафкураларга таянмоқда.

Айни пайтда ўз талаб-эҳтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қондиришни, босқинчилик ва талончиликни ёқловчи тажовузкор (экстремистик) мафкуралар ҳам учраб туради. Ғаразли мақсадларни жозибали ғоялар ниқобига яшириб одамлар онги ва қалбида ҳукмрон бўлишга интиладиган шовинизм ва ирқчилик, фашизм ва коммунизм, диний ақидапарастлик каби мафкура шакллари ҳам бор.

Ижтимоий кучлар манфаатини ифода этишига кўра мафкуралар синфий, миллий, умумхалқ ва умуминсоний мафкураларга бўлинади.

Жамиятдаги турли синф ва гуруҳлар (масалан, ишчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, зиёлилар ва ҳ.к.)нинг ҳам ўз эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари бўлиши табиий. Бинобарин, уларни ифода этадиган мафкуралар ҳам бўлади. Агар бирон-бир гуруҳнинг манфаатлари бошқа қатламлар эҳтиёжларига қарама-қарши қўйилса, жамиятда низо ва зиддиятлар кучаяди, ижтимоий ҳамкорлик тамойилларига путур етади.

Миллий мафкура халқнинг туб манфаатларини ифода этиб, олий жаноб мақсадларни кўзласа, бошқа халқларни ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорласа, миллатни тараққиёт сари етаклайди, унинг ўзлигини англашига ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига олиб боради. Агар миллий мафкура

фақат шу миллатни кўкларга кўтариб, бошқа халқларга қарама-қарши турса, турли фалокат, урушларни чиқариши билан бирга, шу миллатнинг ҳам таназулига сабаб бўлади.

Шундай қилиб мафкураларни инсон ва жамиятга таъсир қилиш хусусиятларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Инсон ва жамиятга таъсир қилиш хусусиятига кўра *ижобий* натижа берадиган мафкуралар.

Буларга киради:

- 1.1. Реал (амалий) мафкуралар.
- 1.2. Тадрижий (эволюцион) мафкуралар.
- 1.3. Либерал мафкуралар.
- 1.4. Прогрессив мафкуралар.
- 1.5. Бунёдкор мафкуралар.

2. Инсон ва жамиятга таъсир қилиш хусусиятига кўра *салбий* натижа берадиган мафкуралар.

Буларга киради:

- 2.1. Утопик (хаёлий) мафкуралар.
- 2.2. Инқилобий (революцион) мафкуралар.
- 2.3. Мустабид (тоталитар) мафкуралар.
- 2.4. Регрессив мафкуралар.
- 2.5. Вайронкор мафкуралар.

III. Мафкураларнинг мазмуни ва шакллари. Ҳар бир нарса ва ҳодиса мазмун ва шаклга эга бўлганидек, ҳар қандай мафкуранинг ҳам мазмун ва шакли мавжуддир. *Мафкуранинг мазмуни деб унинг ўзига хос сифати, хусусиятлари, муҳим белгилари, элементларининг йиғиндисига айтилади.* Масалан, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар; миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқоднинг манбаи

бўлиш; юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш; миллий ва умуминсоний кадриятлар, демократия тамойилларига асосланиш кабилардан иборат бўлса, унинг шаклини либерал-демократик кўринишда ўзини намоён қилиши ташкил этади. Демак, ***мафкуранинг шакли бу унинг ички ва ташқи тузилишини ўзида ифодаловчи структураси, яъни мавжудлик усулидир.*** Шунга кўра мафкуранинг қуйидаги: анархия, монархия, тоталитаризм, либерализм, демократия каби шакллари мавжуддир.

1. Анархия. *Анархизм (юн. *anarchia* – бебошлик, ҳокимиятсизлик) – ҳар қандай ҳокимият ва давлатни инкор этувчи, ҳар ким ўзига-ўзи хўжайин, деган қарашни асос қилиб олувчи гоялар асосида шаклланган ижтимоий-сиёсий оқим.* У жамиятнинг умумий манфаатларини фуқароларнинг индивидуал, яъни хос манфаатларига қарама-қарши қўйиш, умумий манфаатларни ҳисобга олиб, жамиятни бошқарувчи, бирлаштирувчи, тартибга солувчи давлат ҳокимиятини тан олмаслик ғоясига таянади. Бу ғоя бебошлик ва тартибсизликка олиб боради, таракқиёт йўлидан адаштиради. Шунинг учун у реакцион, яъни вайронкор моҳиятга эга.

Анархизм ғоялари К.Шмидт (1806–1856), Ж.Прудон (1809–1865), М.Бакунин (1814–1876), П.Кропоткин (1842–1921) кабилар қарашларида илгари сурилган бўлиб, индивидуализм, субъективизм, волюнтаризмни мутлақлаштиришга асосланади. Бу оқим давлатни бекор қилишни даъво қилиб, унинг жамият ҳаётини бошқариш, тартибга солиш ва йўналтиришдаги аҳамиятини инкор этади, индивидуализмни мутлақлаштириб, бир томонлама талқин этиш шахс эрки ва мустақиллигини нотўғри тушунтиришга олиб келади.

Анархистик индивидуализм ғоясининг хавфли томони шундаки, у кишиларни бошқаларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмасликка, ижтимоий кадриятларни менсимасликка, фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб яшашга чақиради. Бундай ғоя доирасида бошқаларга муайян мақсадга эришиш учун восита сифатида қаралади. Бунга йўл қўймаслик учун жамият ҳаётини ташкил

этиш ва бошқариш жараёнида гуманистик, демократик тамойилларга риоя этган ҳолда соғлом индивидуализмга кенг йўл очиш, шахс манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун тарзда ҳимоя қилиш, инсоннинг ўзига хослиги ва бетакрор фазилатлари эркин камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш зарур.

Анархизм ғоялари ўтган асрнинг 20-йилларигача Россияда, 30-йилларда Испанияда сезиларли таъсир кучига эга бўлган ҳамда коммунистик ва фашистик диктатураларга туртки берган бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг баъзи Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалиб, диктаторлик тартибининг юзага келишида ўз таъсирини кўрсатди.

Анархизмнинг бузғунчи ғоялари ҳозирда ҳам жаҳондаги турли сиёсий кучлар, гуруҳ ва ҳаракатлар (анархо-синдикалистлар, анархо-террорчилар, анархо-коммунистлар, янги сўллар қабилар) учун озик бериб келмоқда. Улар қандай шаклда (тартибсизлик, зўравонлик ва шу қабилар тарзида) бўлмасин, миллий ва умумбашарий кадриятларга ёт эканини чуқур англаган ҳолда, уларга қарши курашиш ҳар бир тараққийпарвар ва ҳурфикрли шахснинг фуқаролик бурчидир.

2. Монархизм. “Монархия” сўзи юнончада “якка ҳокимлик” маъносини билдиради. Монархия олий ҳокимият якка ҳоким – давлат бошлигининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқарувини илгари сурувчи ғоялар тизимидан иборат бўлган, вайронкор мафкура шаклидир.

Монархияни тараннум қилувчи ғояларнинг асосий белгилари куйидагилардан иборат: 1) монарх давлатни шахсийлаштиради, ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқади; 2) монарх давлатни якка ўзи бошқаради; 3) монарх ҳокимти муқаддас деб эълон қилинади; 4) монарх ўз фаолиятида расман мустақиддир; 5) ҳокимиятни ўрнатиш, қабул қилиш (легитимлаштириш)нинг алоҳида тартиби мавжуд; 6) муддатсиз, умрбод

бошқарув; 7) монарх ўз бошқарувининг натижаси учун юридик жиҳатдан жавобгар эмас.

Монархия *мутлақ* ва *чекланган* (ёки *парламентар*) шаклларда бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (кирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида), бундай монархия *мутлақ монархия* дейилади.

Агар монархнинг ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия *чекланган, конституциявий, парламент* шаклидаги монархия бўлади (масалан, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция).

3. Тоталитаризм. **Тоталитаризм** (*лот. totalitare – бутунлик, тўлалик, мукаммаллик, totalis – жами, тўла*) – *жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб қилиш, конституция-вий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам, гуруҳ манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиладиган сиёсий ғоялар тизими ва улар асосида шаклландиган давлат тузуми.* Тоталитар бошқарув шакли жорий қилинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилади, ошкора ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат олиб борилади, демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Бу ғоя тарафдорлари ўта марказлашган ҳокимият тизими ўрнатилган кучли давлатни ташкил қилиш, мамлакатни бошқаришда яқкаю ягона куч ёки партиянинг ҳукмронлигини таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Жамиятда барча давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти ва омма ҳаёти устидан тўла назоратни ўрнатиш, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини марказий ташкилот томонидан белгилаб берилиши, давлатга раҳбарлик қилишни яқка шахс қўлида тўплашдек ғоялар устувор қилади. Тарихдан маълум бўлган фашистик тузумлар ва собиқ Совет Иттифоқи

ва унинг иттифоқдошлари бунга мисол бўлиши мумкин. Тоталитар бошқарув тизимидаги давлатда жамиятнинг барча соҳаларида муайян мафкуранинг яккахокимлиги мавжуд бўлади. Мафкура яккахокимлиги бўлган жамиятнинг эса келажаги йўқ. Тоталитар тузум эрта ёки кеч – ҳалокатга учрайди.

Тоталитар тузум ҳукмрон бўлган собиқ Иттифоқ ўрнида юзага келган, ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатларнинг барчаси бу тузумдан, давлатни тоталитар бошқарув шаклидан воз кечди. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият куришни мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимият вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”, – деб ёзиб қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган парламент туркумидаги қатор сиёсий партия ва ҳаракатлар, турли жамғарма ва институтлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар қандай демократик жамият тоталитар тузумга ва унинг мустабид мафкурасига тубдан қарама-қаршидир. Демократик жамиятда ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Бу тамойил Ўзбекистонда ҳам қонун билан белгилаб қўйилган.

4. Либерализм. *Либерализм (лот: liberalis – эркинлик) – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий сиёсий ва мафкуравий оқим.*

Либерализм ғояси, ўзининг маъно-моҳиятига кўра, мураса фалсафаси бўлиб, волюнтаризм, субъективизм, догматизм, радикализм ва абсолютизмнинг ҳар қандай қуринишларини рад қилади. Шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, умуминсоний ахлоқий қадриятлар ва миллий маънавий асосларга таяниш, ғоялар эркинлиги тамойилларининг тарихий тараққиётга мос ўзгариши, ижтимоий-сиёсий тизимда кескин зиддиятга бормаслик – либерализмга хос хусусиятлардир. Либерализм учун бир хил андозадаги, қатъий белгилаб қўйилган ахлоқий меъёр ва қонун-қоидалар мавжуд эмас. Шунинг учун либерализм ғояси жамият сиёсий тизимини динамик ўзгартиришни зўравонликсиз амалга оширадиган куч ва имкониятларни топишга интилиши билан характерланади. Либерализмнинг асосий тамойили – ҳуқуқлар, имтиёзлар, имкониятлар тенглиги шароитида ҳаётнинг барча соҳаларидаги эркинликни таъминлашдир. Либерализмдаги эркинлик рақобатлашаётган ғояларнинг барчасига ривожланиш учун имконият яратади. Демак, либерализм, *бир томондан*, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига, *иккинчи томондан*, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёр ва қадриятларига асосланиши билан ўзининг умуминсоний моҳиятини намоён қилади.

Жамият ривожланиши билан либерализм ғоялари ҳам ўзгариб бормоқда, уларнинг мақсад ва вазифаларида ички бирлик вужудга келаётир. Улар, ҳозирги даврда неолиберализм шаклида намоён бўлмоқда. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунёнинг қарама-қарши тузумларга бўлиниш жараёнининг барҳам топиши билан либерализм ғояларида ҳам ўзига хос йўналишлар пайдо бўлди. Жумладан, Ўзбекистонда эркин демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши либерализм ғояларининг янги тамойиллар билан бойиганини кўрсатмоқда.

Замонавий либерализм инқилобий ўзгаришлардан, сиёсий қарашлардаги радикализмдан воз кечиш, муқобил ғояларнинг мавқеини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, халқаро муносабатларда сиёсий плюрализм тамойилларига амал

қилиш, сайлов тизимини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш, турли шаклдаги ҳокимият тармоқлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг фуқаролар томонидан назорат қилинишига эришиш каби мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида бу вазифаларнинг изчил амалга оширилишида либерализм ўзининг ижобий, ҳаётий мазмунини намоён қилмоқда. Чунки, ғоялар эркинлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаёт эркинлигининг асосидир.

5. Демократия. *Демократия (юн. “demos” – халқ ва “kratos” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишига асосланган сиёсий тузум шакли.* Тарихий тараққиёт давомида демократия тушунчаси шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, демократия энг ривожланган давлатларда ҳам юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ. Ҳар бир миллат ва жамият, айни пайтда ҳар бир давр ўз демократиясига эга. Бошқача айтганда, уни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хослик барча даврларга хосдир. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби бир қатор омиллар билан белгиланади.

Шундай бўлсада, барча миллатлар ва жамиятлар, даврлар ва давлатлар учун мавжуд тузумнинг демократик характерини белгиловчи умумий мезонлар бор. Бу ҳам бўлса демократия тамойиллари (принциплари)га риоя қилиниши, демократик институтларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Ана шу мезонлар асосида демократиянинг реал ёки формал характери ҳақида гапириш мумкин бўлади. Демократия моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Айни пайтда демократия қабул қилинган қонунлар, амалдаги тартиб-қоидалар ёрдамида шахс ҳаёти ва

фаолиятини тартибга солувчи механизм ҳамдир. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда демократия жамиятнинг яшаш мезонига айланиб қолди. Одатда, вакиллик демократияси ва бевосита демократия бир-биридан фарқланади.

Вакиллик демократиясида фуқаролар қонунчилик, ижроия ва бошқа функцияларни бажарувчи органларни сайлайдилар. Бошқача айтганда, фуқароларнинг ўзлари бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар. Бевосита демократия шаклида эса, фуқаролар у ёки бу масалаларни ўз-лари тўғридан-тўғри ҳал қиладилар. Плебесцит, референдумлар бевосита демократиянинг намоён бўлиш шакллари дир.

Демократия асосида қизиқиш, интилиш ва манфаатларни мутаносиблаштириш, мувофиқлаштириш, муросага келтириш ва келишиш сиёсати ётади. Шу маънода демократия жамиятдаги кучларни бирлаштиришга, мамлакат салоҳиятини тараққиёт учун сафарбар қилишга хизмат қилади. Унинг маъно-моҳияти ҳақида И.А. Каримов: “Ҳақиқатдан ҳам демократия – фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия жамиятнинг кадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак”¹, – деган эди.

IV. Мафкурадан кўзланган мақсадлар. *Мафкуравий мақсад деб ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интишишлари ва хоҳиш-иродасини ифода этувчи тушунчалар тизимига айтилади.*

“Ҳар қандай мафкура қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутди: 1) муайян ғояга ишонтириш; 2) уюштириш; 3) сафарбар этиш; 4) маънавий-руҳий рағбатлантириш; 5) ғоявий тарбиялаш; 6) ғоявий иммунитетни шакллантириш; 7) ҳаракат дастури бўлиш. Мафкура ўз олдига қуйилган шу каби мақсадларни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // *Унинг ўзи*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.160.

бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин¹. Бунда, асосан ҳар бир мафкурани мазмун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларни ўзида акс эттирадиган, халқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-қувватланадиган ижобий ва ғаразли ниятларни ифодаладиган салбий, шаклига кўра ички ҳамда ташқи ёки геоиктисодий, геосиёсий, геомафкуравий мақсадларни фарқлаш лозим.

Ташқи ёки геоиктисодий, геосиёсий, геомафкуравий мақсадлар ўз мазмун ва моҳиятига кўра, давлатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, бундай мақсадлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса – ижобий, бошқа халқлар ва давлатларга мафкуравий тазйик ўтказишга қаратилган бўлса – салбий характер касб этади.

1. Одамларни муайян ғояга ишонтириш. Ҳар қандай кишилик жамиятида юз бераётган ижобий ёки салбий нарса, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар туфайли вужудга келаётган, шаклланаётган ва ривожланаётган мафкуралар *бир томондан* муайян ғоя ёки ғоялар тизимини амалга ошириш воситаси сифатида, бирон-бир ғояни тарғиб этиш, кишиларни шу ғоянинг тўғри ва ҳаётий эканлигига ишонтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, *иккинчи томондан* эса кишилар ўзларининг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатлари, мақсад ва интилишларини акс эттирадиган ғоя ва ғоялар тизимини танлашга, уни ҳимоя этишга ва ривожлантиришга интиладилар. Бундай вазият ҳар бир мафкура олдига одамларни ана шу мафкурада акс эттирилган ғояларга ишонтириш ҳамда ишонтира олишнинг усул ва воситаларини қўллай билиш вазифасини юклайди.

Одамларни муайян ғояга ишонтириш деб ғоя субъектларининг кўзлаган мақсадларига эришиши учун кишиларнинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмалари, қалби ва шуурига таъсир қилган ҳолда одамларни мазкур мафкурани ташкил этган ғояларни ҳақиқат, чин деб билиши, унга эътиқод қилиши, суяниши даражасига етказишга қаратилган хатти-ҳаракатларига айтилади.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.20–21.

Кенг халқ оммасини бирон-бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоя халқ ҳаётига яқин, бевосита дахлдор бўлиши, иккинчидан, уни одамлар онгига етказишнинг энг қулай восита ва усулларини аниқлаб олиш керак бўлади. Бунда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини мафкуравий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Замон руҳи, халқ психологияси, эҳтиёж ва талаблари мафкурада ҳар томонлама акс этиши, ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, унинг стратегик мақсадлари билан узвий боғланиши зарур. Ана шундагина келажакка интилиш ва қатъий ишонч муқаррар равишда катта ижтимоий юксалишга туртки беради. Фан ва техника тараққиёти борасида эришилган ютуқлар билан бирга мафкуранинг жонли, эҳтиросли ва жозибадор ғояси инсонлар қалбини ларзага келтиради, уларни фаол ҳаракатга ундайди, яхши ва саодатли кунларга ишонч ҳиссини уйғотади.

Мафкуравий фаолиятнинг муваффақиятини белгилайдиган шундай ҳаётий қонуният бор: бошқаларни бир ғояга ишонтирмоқ учун, аввало, унга ўзинг юракдан ишонишинг, бошқаларни сафарбар этмоқ учун ўзинг фаол бўлишинг шарт! Ғоянинг халқпарвар, тараққийпарвар эканига бўлган ишонч кундалик ҳаёт синовларидан ўтсагина, сўз ва иш бирлигига эришилсагина мустаҳкам эътиқодга айланади. Бундай эътиқод устувор бўлган ерда чинакам инсоний ҳаёт куриш мумкин бўлади, эзгуликка хизмат қиладиган ғоя тантанаси учун кураш жараёнида инсон шахси шаклланади, у бунёдкор кучга айланади.

2. Ғоя асосида одамларни уюштириш. Ҳар қандай ғоя кўзлаган мақсад-муддаосига эришиш учун одамларни уюштириш қобилиятига эга бўлиши зарур. *Ғоя асосида одамларни уюштириш деб ғоя субъектларининг ўзлари кўзлаган мақсад йўлида шахс, элат, миллат, халқ, жамиятни ўзаро биргалашиб, жипслашган ҳолда ҳаракат қилишига қаратилган хатти-ҳаракатларнинг муайян тизимига айтилади.* Ғоя асосида одамларни уюштириш ишларини

амалга ошириш *биринчидан*, барчанинг умумий манфаатларига тўғри келадиган воқелик атрибутини топиш; *иккинчидан*, топилган атрибутнинг ҳаққонийлигига одамларни ишонтириш; *учинчидан*, уни амалга ошириш механизмлари ҳамда бажариш муддатидан кишиларни хабардор қилиш; *тўртинчидан*, маслақдошларнинг фикрини ўрганиб, уларни янги уюшган уюшмаларни ташкил қилишга сафарбар этиш билан ифодаланади. Бусиз бирон-бир мафкура ўзининг кўзлаган мақсадига эриша олмайди.

3. Ғояни амалга ошириш учун одамларни сафарбар этиш. Ҳар қандай ғоянинг эгаси, яъни соҳиби бўлмиш ҳаракатлантирувчи кучлари бўлади. Бу кучлар ўз ғояларини амалга ошириш учун кўпчилликни сафарбар этишга ҳаракат қилади. *Ғояни амалга ошириш учун одамларни сафарбар этиш деб ғоя субъектларининг кўзлаган мақсадларига эришишлари учун одамларни жанговар, тайёр ҳолатга келтириш, фаоллик билан ишга солишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг муайян тизимига айтилади.*

Ғояни амалга ошириш учун одамларни сафарбар этишдан кўзланган мақсадлар бунёдкорлик ишларини амалга оширишга – она-Ватанни чет эл босқинчиларидан ҳимоя этиш, халқнинг манфаатларини кўзлаб янги ишлаб чиқариш тизимини йўлга қўйиш, улкан иншоотларни қуриш, ҳар хил табиий офатларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши ёки аксинча, вайронкорлик, бузғунчилик ишларини йўлга қўйишга – ўзга халқларнинг мустақиллигига тажовуз қилиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик, ҳар хил катта ва кичик уруш, минтақавий мажораларни келтириб чиқариш, давлат тўнтариши орқали ҳокимиятни эгаллаш, майда элат, миллат ва халқларни ер юзидан йўқ қилиш ва бошқаларга қаратилган бўлиши мумкин.

4. Кишиларни маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш. Маълумки, жамият тараққиётининг бурилиш нуқталарида асосий маънавий мезон вазифасини ўтаб келган ғоя ва мафкуралар қадрсизланиб, ўзининг кучини, эгаллаб келган мавқени йўқота бошлайди. Шундай бир шароитда унинг ўрнига янги ғоя ва

мафкуралар кириб келади. Уларнинг барчаси ўзларининг кўзлаган мақсадларидан келиб чиққан ҳолда жамиятни иқтисодий, сиёсий, маънавий таназзулдан қутқазиш учун кишиларнинг маънавий-руҳий дунёсига таъсир ўтказиш орқали уларни қўллаб қувватлашга ҳаракат қилишга тушадилар. Шу тариқа, ғоя ва мафкуралар томонидан кишиларни маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш масаласи юзага келади ва у долзарб муаммога айланади. Демак, ғоя ва мафкуралардаги энг муҳим хусусиятлардан бири энг оғир дамларда одамларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. ***Кишиларни маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш деб, ғоя субъектларининг кўзлаган мақсадларига эришишлари учун одамларни миллий тараққиётнинг энг оғир, мураккаб даврларида, айниқса, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан янгисига ўтиш жараёнида кенг халқ оммасини маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларда порлоқ келажакка бўлган ишонч туйғусини уйғотишга қаратилган хатти-ҳаракатларининг муайян тизимига айтилади.***

Бунда шуни унитмаслик керакки, шахс, элат, миллат, халқ қайси ғоя ва мафкурада ўзининг бахтли турмуш кечиришини, келгуси авлодларининг бахти-икболини кўрса, ўша ғоя ва мафкурадан маънавий-руҳий куч-қувват олади, унга ишонади ва сафарбарликка шай ҳолатда туради.

6. Ғоявий тарбиялаш. Кишилиқ тарихи саҳнасига келган ҳар қандай ғоя ва мафкура, биринчи навбатда, ўзининг тарафдорлари ўқитиш орқали уларнинг ғоявий саводхонлигини шакллантиришга, ривожлантиришга, шу асосда садоқатли мафкурачиларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштиришга, иккинчи навбатда, ана шу тарбияланган ғоявий саводхон мафкурачилар томонидан ўз сафларига янги аъзоларни жалб қилишга уринадилар. Бунинг учун мактаб, ўқув курслари, илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш, оғзаки ва ёзма равишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш ишларини ўзида мужассамлаштирган кенг қамровли таълим-тарбия тизимини ишга туширишга ҳаракат қиладилар. Шу тариқа ғоявий тарбия ишлари йўлга қўйила бошлайди.

Демак, жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни тарбиялаш мафкуранинг муҳим мақсадларидан бири саналади. **Ғоявий тарбиялаш деб,** *ғоя субъектларининг кўзлаган мақсадларига эришишлари учун одамларни ўзлари илгари сураётган ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш учун таълим-тарбия тизимини ташкил этиш орқали ўзларининг сафларини ғоявий жиҳатдан садоқатли, етук мафкурачилар билан тўлдиришга, тарафдорларини кўпайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг муайян тизимига айтилади.*

Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа тарбия шакллари билан узвий боғлиқ бўлиб, улар биргаликда ғоя ва мафкуралардан кўзлаган мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади.

7. Ғоявий иммунитетни шакллантириш. Ҳар бир янги ғоя ва мафкура тарих саҳнасига қарама-қаршиликларга учрамасдан кириб келмайди. Улар доимо ғоявий курашда ғолиб келишга, ўзга ғояларнинг таҳдид ва тажовузларига бардош беришга, ўзини ўзи тирик организм сифатида ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Бундай вазифанинг ҳал этилиши организмнинг иммунитет (ташқи таъсирлар ва касалликларга қаршилик кўрсатиш) қобилияти даражасига боғлиқ бўлади. Шунга кўра, **ғоявий иммунитетни шакллантириш деб,** *ғоя субъектларининг кўзлаган мақсадларига эришишлари учун соҳиблари ўзлари бўлган ғоя ва мафкураларига етти-ёт бўлган ғоя ва мафкураларнинг хавfli ва зарарли таъсирларига қаршилик кўрсатиш қобилиятини шакллантириш, мустаҳкамлашга қаратилган хатти-ҳаракатларининг муайян тизимига айтилади.* Демак, ғоя ва мафкураларнинг соҳиблари ўзларининг ҳаётийлигини сақлаш учун тарафдорларининг ғоявий-мафкуравий иммунитетини кучайтиришга аълоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Бунда ғоявий иммунитетни жамият миқёсида шакллантириш аҳоли орасида ғоявий-тарбиявий ишларнинг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлишини назардан четда қолдирмаслик керак.

8. Ҳаракат дастури бўлиши. Янгидан шаклланиб, эски ғоя ва мафкуралар ўрнини эгаллаётган ғоя ва мафкуралар: *биринчидан*, кўпчиллик аҳолининг манфаатларини ифодаловчи мақсадларни кўзлаётган; *иккинчидан*, кўзлаётган мақсадлари хаёлийликдан холи бўлиб дастурий таъминоти мантиқий жиҳатдан изчил ва аниқ; *учинчидан*, унда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг ўзаро муштараклиги ўз ифодасини топган бўлса, уларни халқ ҳаракат дастури сифатида идрок этиши мумкин. Шунга кўра, **ҳаракат дастури бўлишлик деб, ғоя субъектларининг кўзлаган мақсадларига эришишлари учун кўпчиликнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мақсадлари аниқ ифодаланган, умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги асосида қурилган, хаёлийликдан мутлақо холи, мантиқий жиҳатдан изчил ва аниқ дастурий таъминотга эга бўлган ғояларнинг муайян мафкуравий тизимига айтилади.** Соҳиблари ўз ғояларини жамиятда ҳаракат дастури даражасига кўтариш учун унинг умумхалқ томонидан эътироф этилиши кераклигини ёдда сақлаш зарурдир. Акс ҳолда, у шунчалик кичик доирадаги одамлар гуруҳининг ҳаракат қилиш дастури бўлиб қолаверади.

V. Мафкуранинг функциялари. *Мафкуранинг функциялари деб миллатлар ва давлатлар, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўз ғоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақсад-муддаолари ҳамда ўз мафкуралари орқали ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларининг мажмуига айтилади.*

Ҳар қандай мафкура қуйидаги функцияларни: а) муайян ғояни одамларнинг онгига ва руҳиятига сингдириш; б) аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; в) кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш; г) уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш; д) аҳолини, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; е) бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишларни бажаради.

Юксак ғояларга асосланган, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этадиган мафкуравий тизимлар ўз соҳибларини тараққиётга элтади. Тор миллий ё синфий талаб-эҳтиёжларни бошқа халқлар ёки гуруҳлар ҳисобига кондиришини ният қилган мафкуралар охир оқибат барбод бўла-ди, ўз тарафдорларини таназзул ва ҳалокатга дучор этади.

VI. Ғоя ва мафкура ўртасидаги умумий ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлар. Ғоя ва мафкура айнан бир нарса эмас. Улар ўртасида умумий ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлар мавжуд.

Ғоя ва мафкура ўртасидаги умумий ўхшаш томонлар қуйидагилардан иборат.

1. Ғоя ва мафкура мавжуд реал воқеликнинг инсон онгидаги инъикоси ҳисобланади, яъни объектив оламнинг субъектив образи сифатида гавдаланади.

2. Ғоя ва мафкура ҳар иккаласи учун ҳам умумий бўлган битта моддий ва маънавий манбалардан озиқланади.

3. Ғоя ва мафкуранинг мақсад ва вазифалари мантиқан битта нарсага қаратилган бўлади, яъни кўзланган мақсад ва вазифалар муштарак ҳолда бажарилади.

Ғоя ва мафкура ўртасидаги фарқ қилувчи томонлар қуйидагилардан иборат.

1. Фикр асосида ғоя, ғоя асосида эса мафкура шаклланади. Яъни, инсон муайян мақсадни мўлжаллаб, уни амалга оширишга қатъий аҳд қилса, бу ғоя ҳисобланади. Ғоя конкрет инсон, гуруҳ, миллат ёки жамиятнинг ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, манфаатларини ифодалаб, уларнинг ишонч-эътиқоди ва фаолиятига асос бўлса, мафкурага айланади. Демак, олдин ғоя, кейин эса ғоя асосида мафкура вужудга келади.

2. Ғоя – мақсад бўлса, мафкура уни амалга ошириш усули – воситасидир. Бошқача айтганда, инсон ёки миллатнинг асосий мақсадлари ғояларда намоён бўлса, уни рўёбга чиқаришга қаратилган ишларнинг мазмун-моҳияти мафкурани ташкил қилади.

3. Ғоя назария бўлса, мафкура методологиядир.

4. Ғоя нисбатан турғун, катъий бўлса, мафкура эса динамик¹ характерга эга.

5. Ғоя – ботиний² бўлса, мафкура – зоҳирийдир³. Демак, ғоя – асл ички моҳиятнинг ўзи бўлса, мафкура эса ғоянинг манфаатлашган мазмуни, шакли, қисми, томони, кўриниши, қиёфаси ва характери дир⁴.

“Бизга аёнки, мафкура ижтимоий тараққиётда орқада қолиши ҳам ва ундан ўзиб кетиши ҳам мумкин. Агар орқада қолса, жамият тараққиётига ғов бўлади ёки ҳаддан ташқари илгарилаб кетса, халқдан узоқлашиб ёки узилиб қолади. Бунга узоқ ва яқин мамлакатларнинг ижтимоий тараққиётидаги воқеа-ҳодисаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бизда ҳозирги кунда халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилишга хизмат этадиган жамиятимиз мафкураси шаклланмоқда. Бу жараён узлуксиз давом этаверади. Жамиятимизнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизими бўлмиш мафкурамизни ҳаракатдаги ғоя деб таърифлашга қарор қилдик. Хўш, нима учун, қайси омилларга асосланиб шундай демоқдамиз? Энди бу фикримизни исботлашга баҳоли кудрат бир уриниб кўрамиз.

Кўпчилик зиёлиларимиз, жумладан, файласуфларимиз “мафкура” атамаси ҳақида сўз борганида, “мафкура” атамаси фикр, яъни “идея” демакдир. Идея эса “идеал” сўздан келиб чиққан. “Идеал” грекча “тасаввур” деган маънони англатади дейдилар. Бу таърифда, аввало, бир ноаниқлик бор: идея сўзи идеал сўздан келиб чиққанми, ёки идеал сўзи идея сўзига қўшимча кўшилиб

¹ “Динамик” – юнонча “dynamikos – кучга оид; кучли” деган сўздан олинган бўлиб, ижтимоий ҳаётда “ўсиш, ривожланиш, ўзгарувчанлик, жўшқинлик” деган маъноларни англатади.

² “Ботиний” – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “ички, яширин, сирли” деган маъноларни англатади.

³ “Зоҳирий” – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “аниқ равшан, ташқи кўриниш, ташқаридаги, сиртқи” деган маъноларни англатади.

⁴ Қаранг: *Мамашакиров С., Тогаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари.* –Т.: «Маънавият», 2007. –Б.7–10.

яратилганми? Келиб чиқиши бўйича арабча бўлган **фикр, афкор** ва **мафкура** сўзларининг ўзаги битта: фикр, фикр сўзининг кўплик шакли афкор. Лекин бизнинг тилимизда *афкор сўзи фикрловчи, илгор фикр юритувчи* маъноларини англатиш учун қўлланилади. Масалан, жаҳон афкор оммаси – тараққийпарвар инсоният деганидир. Яъни ҳар қандай оммага, масалан, бебошвоқ оломонга нисбатан *афкор* иборасини қўллаб бўлмайди. Бизнинг тушунчамизга кўра **мафкура атамаси ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатдаги зоя, деган маънони, ниятни мақсадга айлантиришга ундовчи, деган маънони англатади. Бирор фикр киши онгида пайдо бўлса, у ҳаракатга келгунича фикр сифатида мияда сақланиб тураверади. Уни ҳаракатга келиши учун мафкура керак.** Масалан, истиқлолдан олдин ҳам Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларни ўзбекчага таржима қила олувчи мутахассисларимиз бор эди. Лекин бу ишларни ҳаракатга келтирувчи ғоя йўқ эди. Ёки бўлмаса, бугунги кунда чет элларда аъло баҳоларда ўқиб келаётган ва ўқиб турган ёш авлодимиз илгари ҳам бор эди. Лекин уларни чет элларга юборишни ўртага қўядиган, ҳаракатга келтирадиган ғоя – мафкура йўқ эди. Диндор кишиларимизга маълумки, намознинг фарз, вожиб, суннат ва нафл турлари бор. Ихтиёрий, қўшимча бўлмиш (ўқиса савоб олади, ўқимаса гуноҳкор бўлмайди) нафл намозини ўқишга ният қилингач, адо этилмаса, гуноҳор бўлишади, чунки ният қилингандан кейин нафл намози ҳам фарзга айланади. Ният сўзи маъноси билан мақсад сўзининг маъноси ўртасидаги фарқни англатиш учун намозга доир ушбу изоҳни тилга олиб ўтдик. Хуллас, мафкура атамасида ҳаракатга келтирувчи ғоя маъноси мужассам. Шунга кўра, **мафкура деб муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бир бутун тизимида айтилади**¹.Мадомики,биз учун бугунги кунда миллий тараққиётимизни янги

¹ Қаранг: Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. –Т.:«Шарқ», 2011. –Б.195, 202–203.

сифатий босқичга кўтариш вазифаси турар экан, унинг концептуал ғоявий асосларини миллий ғоя ва мафкурамиз ташкил этади.

3-§. Миллий ғоя ва мафкура – жамиятда тинчлик, ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлашнинг илмий-амалий асоси

1. Миллат – миллий ғоя ва мафкура соҳиб. Миллий мафкуранинг мазмунини тўғри англаш учун энг аввало ”миллат”, “миллий”, ”миллийлик”, тушунчаларининг маъносини билиш зарур.

“Миллат” арабчадан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб “халқ; дин, мазҳаб” деган маъноларни англатади. Олимлар томонидан “миллат” тушунчасига кўплаб тарифлар берилган. Шулар ичида ҳозирча умум томонидан қуйидаги таъриф эътироф этилган. *Миллат* деб кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлигига айтилади.

Миллатнинг умумэътироф этилган белгиларига қуйидагилар: 1) ягона тил бирлиги; 2) яхлит ҳудудда яшаш бирлиги; 3) муштарак иқтисодий ҳаёт кечириш бирлиги; 3) урф-одат, қадриятга асосланган умумий маданият бирлиги; 5) ўзлигини англатувчи руҳий бирлиги киради.

Маълумотларга кўра, Ер юзида 3000 (1600) дан ортиқ миллат бўлиб, уларнинг сони бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгачани ташкил этади.

Сон жиҳатидан миллатлар беш гуруҳга бўлинади: 1) энг кўп сонли 1млд – 100 млн.дан ортиқ миллатлар (хитойлар, ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар); 2) кўп сонли 50 миллиондан юз миллионгача бўлган миллатлар (инглизлар, французлар, испанлар, турклар ва бошқалар);

3) йирик 10 миллиондан 50 миллионгача бўлган миллатлар (ўзбеклар, португаллар, поляклар ва бошқалар);

4) ўрта сонли 1 млн–10 млн.гача бўлган миллатлар(тожиклар,туркманлаш)

4) кам сонли ҳар бири бир неча ўн мингдан бир миллионгача миллатлар.
(монголар,хорватлар).Демак,ўзбеклар йирик миллатлар қаторига киради.

Миллатларнинг сони уларнинг буюклиги ёки гегемонлиги учун асос бўла олмайди. Зеро, барча миллатлар тенг, озод ва эркиндир. Ана шу тамойил жаҳон сиёсатининг зарур қоидаси бўлиб ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, миллий хусусиятларга эга бўлмаган халқ, ўзининг миллийлиги билан бошқалардан фарқ қилиб турувчи миллат ва элат бўлмаганидек,уларсиз миллий ғоя ҳам, миллий мафкура ҳам бўлмайди ва аксинча. Бунда **миллий** – бу арабча «халқона»,«миллатга тегишли», «диний»,деган сўздан олинган бўлиб, фалсафа илмида бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос бўлган,унинг хусусиятларини ифодалашга айтилади. Масалан, миллий маданият,миллий мусиқа,миллий ғоя,миллий мафкура ва бошқалар.

Миллийлик деб эса тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этник бирликларни,яъни миллатлар ва элатларни бошқа барқарор ижтимоий бирликлардан фарқловчи томонлар, хусусиятлар, маънавий,руҳий ва маданий қирралар ҳамда тафовутлар мажмуига айтилади. Демак, бирон бир миллатга тегишли бўлган нарсани, бошқа миллатга тегишлисидан фарқлаш учун “миллий”, ва “миллийлик” тушунчаси ишлатилади.

Ҳар қандай ғоя ва мафкуранинг тур ва шакллари қанчалик хилма-хил бўлмасин,барибир уларнинг ташувчиси ҳазрати инсонлардан иборат бўлган миллатлар ташкил қилади. Миллат бўлмаса миллий ғоя ва миллий мафкура ҳам бўлмайди.Демак,миллий ғоя ва миллий мафкурамизнинг асосий соҳиби бу мамлакатимизда яшаётган 33 миллионга яқин аҳоли, хусусан 28 миллионга яқин ўзбек миллатига мансуб бўлган кишилар ҳисобланади.Айни вақтда,миллий ғоя ва миллий мафкурамиз ўзбекларни ягона байроқ остида

бирлаштириб жамиятимиз миллий тараққиётини янги маррааларга кўтаришга хизмат қилади.

2. Буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов миллий ғоянинг жамият тараққиёти учун зарурлиги тўғрисида. Ўзбек халқининг миллий ғоя ва миллий мафкурасини яратишни биринчи бўлиб илгари сурган, унинг мамлакатимизни риволантириш стратегияси эканлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаб берган шахслардан бири Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов ҳисобланади.

И.А.Каримов миллий ғоянинг концептуал асослари тўғрисида фикр юритар экан, миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага илмий фалсафий жиҳатдан қуйидагича жавоб берган эдилар:

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур. Бунда давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим.

Иккинчидан, миллий ғоянинг пайдо бўлиш жараёни олдин ғоя (1), ундан кейин ғоя асосида мафкура (2), мафкура асосида эса тизим (3), кейин сиёсат (4) пайдо бўлади.

Учинчидан, келгусида қандай жамият қуриш, келажаги ҳаётни қандай тасаввур қилишни аниқлаб олиш орқали ўзликни англаш асосида миллатнинг ўзлигини англаши лозим. Чунки, миллат ўзлигини тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади.

Тўртинчидан, милдий. ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор. Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Ва шу курашда энгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Олтинчидан, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Еттинчидан, миллий ғоя олдида қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало у азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳия- тига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқарashi ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Саккизинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

Тўққизинчидан, миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан мунозара қилишига, курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия,

ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда бирлаштирувчи куч - қанот бўлиши шарт.

Миллий ғоя бўлса, мақсад ойдинлашади. Эзгу мақсад эса ҳар бир кишини сафарбарликка даъват этади, жамиятни янада бирлаштиради. Ўз миллий ғояси, миллий мафкурасига эга бўлган давлат мустаҳкам, қудратли ва обод бўлади.

- *Миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир.*
- *Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур, Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўзйўлини йўқотиши муқаррар.*
- *Қаерда мафкуравий бўшлиқ вужулга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин.*
- *Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир.*
- *Мафкура – ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир.*
- *Миллий ғоя, миллий мафкура масаласи биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир.*
- *Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.*
- *Ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади.*
- *Одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади.*

– *Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир.*¹

3. Миллий ғоя тушунчаси. Миллий ғоянинг концептуал асослари ҳақида ўз фикрларини билдирган И.А.Каримов: “*Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз*”², – деган эди. Ушбу фикрни методологик асос қилиб олган ҳолда миллий ғоя тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. ***Миллий ғоя деб, муайян бир миллат ўзининг тафаккурида ўтмиши, бугуни ва истиқболни мужассамлаштирган ҳолда жамият ва одамларнинг руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, уни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрга айтилади.***

4. Миллий мафкура тушунчаси. ***Миллий мафкура деб, миллатнинг ижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, унинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда ҳаракатга келтирувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий ва эстетик қарашларнинг бутун бир тизимига айтилади.*** Бунда миллий мафкурани фақат битта миллат ёки халқнинг мафкураси, деб тушуниш тўғри эмас. У муайян давлат ёки жамиятнинг умумий мафкураси маъносини ҳам англатади. Шу

¹ *Каримов И.А.* Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

² *Каримов И.А.* Юксак маънавият–енгилмас куч. – Т.:«Маънавият»,2008.– Б.71.

нуқтаи назардан қараганда, миллий мафкура тушунчаси Ўзбекистонда яшаб унда фаолият кўрсатаётган барча миллат вакилларига тегишлидир. Демак, ўзбек халқининг миллий мафкураси миллатимизнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизимидир. Мафкурасиз ижтимоий гуруҳ, жамият ёки миллат бўлиши мумкин эмас. Миллат ва миллий мафкура тушунчалари ўртасида ўзаро узвийлик бор.

Миллат тушунчаси синфий тушунча эмас. Миллат вакили бўлишлик мулкдор ёки мулкдор эмасликка боғлиқ ҳам эмас. Миллат тушунчаси – синфлардан, табақавий фарқлардан устувор тушунча. Такрорлаб айтамызки, миллат – бу, кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштарақлиги демакдир. Ўз давлатисиз ўз қиёфасига эга миллат бўлмайди, давлатчилигини қўлдан бой бериб қўйса, бора-бора миллий қиёфасини йўқотиб юбориши мумкин. Миллатнинг метиндек жипслиги ўз давлатининг қудратига боғлиқ. Ва аксинча, миллатнинг метиндек жипслиги давлати қудратининг даражасини белгилайди. Миллат ва давлат тушунчаларини бир-биридан айирган ҳолда таърифлаб бўлмайди¹.

5. Истибдод мафкураси – халқни тутқунликда сақлаш қуроли. Истибдод мафкураси – босиб олинган халқ ёки юртни турли йўл ва воситалар билан тутқунликда сақлаб қолишга, унда яшайдиган кишилар тафаккурини қарам қилишга қаратилган зоявий қарашлар, мафкуравий усуллар тизими ҳисобланади.

Истибдод бирон-бир давлатнинг ўз иқтисодий, сиёсий, маданий, геостратегик ва бошқа тор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бошқа халқ ёки давлатни босиб олишга интилган, босиб олган, унинг маданияти, тили, урф-одатларини йўқ қилишга, барча соҳаларда ўз ҳаётий стандартларини, қарашларини зўрлик билан жорий этишга уринган жойда ва вақтда юзага келади. Истибдод

¹ Қаранг: *Иброҳимов А.* Бизким, ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. –Т.: Шарқ, 2011. –Б.195.

мафкураси эса, ана шундай тафаккур тарзи ва амалиётининг гўё тўғри эканини хар томонлама асослашга, тушунтиришга, адолатли, деб баҳолашга ва кенг халқ оммаси онгига сингдиришга қаратилган қараш ва ғоялар тизимидан иборат бўлади.

Инсоният босиб ўтган тарихий йўлга назар ташлар эканмиз, истибдод мафкураси ирқчилик, фашизм, шовинизм каби кўринишларда намоён бўлганини кўрамиз. Улар бир-биридан фақат айрим жиҳатларига кўра фарқлансада, моҳиятан тўқиб чиқарилган, ҳеч қандай илмий заминга эга бўлмаган, эркисизлик ғоясини сохта мезонлар асосида асослашга қаратилган бўлади.

Афсуски, инсонийликка хилоф бўлган, башариятнинг келажаги ва бир бутунлигига хавф соладиган бундай мафкура шакллари янги минг йилликда ҳам ўзининг мудҳиш қиёфасини дунёнинг турли бурчакларида намоён қилмоқда¹.

Истибдод мафкурасига қарши эркесвар халқлар мунтазам тарзда кураш олиб борганлар. Ана шундай курашлар натижасида эркесвар ўзбек халқи 1991 йил август-сентябрь ойида истиқлолга эришди. Ўзининг мустақил давлатига, буюк келажак сари бошлаб борувчи истиқлол мафкурасига эга бўлди.

6. Миллий истиқлол мафкураси – халқни бунёдкорликка чорлаш воситаси. Миллий истиқлол мафкураси ҳақида фикр юритганда биринчидан, “истиқлол” сўзининг маъносини, иккинчидан “истибдод мафкураси”нинг ғайри инсоний, ғайри миллий миллий мазмунини теран англамоқ зарур бўлади.

Истиқлол (араб. – озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш) – инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожлана олиш имкониятини ифода этувчи тушунча ҳисобланади.

“Истиқлол” сўзи “мустақиллик” сўзи учун ўзак ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи асос вазифасини ўтайди. Араб тилидан кириб келган бу сўзлар асрлар

¹ Қаранг: *Иброҳимов А.* Бизким, ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. –Т.: Шарқ, 2011. –Б.163.

давомида қўлланиб, халқ тафаккурига сингиб кетган. Аслида, мустақилликка эришиш истиқлолнинг тўла маънода воқеликка айлангани, яъни бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини-ўзи бошқариш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилларининг тўла-тўқис амалга ошганини билдиради. Истиқлол, кўп ҳолларда, сиёсий жихатдан эркин бўлишни англатади, мустақиллик – барча соҳаларда тўла-тўқис озодликка эришилгани, ихтиёри тўлиқ ўзида эканини ифодалайди¹. Истиқлол истибдодга қарши тинимсиз олиб борилган курашлар натижасида қўлга киритилади. Истиқлол учун кураш, биринчи навбатда, истибдод мафкурасига қарши курашдан бошланади.

Истиқлол мафкураси – *миллат ва давлатнинг мустақил ривожланишини таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими* бўлиб, у истибдод мафкураси ва амалиётига қарши, озодликка интилиш зарурати туфайли пайдо бўлади. Унинг асосий вазифаси озод ва эркин тараққиёт йўлидаги олижаноб мақсадлар атрофида халқни бирлаштириш, улкан бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, унда ғоявий иммунитет, мустаҳкам эътиқод асосларини шакллантиришга қаратилгандир.

Истиқлол мафкураси мустақилликка эришгунча орзу, мақсадни ифодалаш, кейинроқ шу мустақилликни мустаҳкамлаш омилидир. Ҳар икки ҳолатда ҳам унинг халқни уюштириш, сафарбар қилишдан иборат асосий вазифалари ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Озодлик йўлидаги интилишлар қонга ботирилганини кўрсатувчи мисоллар жаҳон халқлари тарихида кўплаб топилади. Шундай бўлса-да, улар олға сурган ҳаётбахш қарашлар ҳеч қачон изсиз кетмаган. Кўҳна тарих бу ғоялар янги шароит ва вазиятларда мустақиллик учун курашнинг янги тўлқинларини тайёрлашга хизмат қилганидан далолат беради. Миллий озодлик ғоясининг мустақилликка эришилгандан кейинги даврдаги характерли хусусиятлари унинг олдида турган янги вазифаларда ёрқин намоён бўлади. Бу

¹ Қаранг: *Иброҳимов А.* Бизким, ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. –Т.: Шарқ, 2011. –Б.164.

даврда у мустақилликнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашни ғоявий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси истибдод иллатларига барҳам бериш, мустақиллик, озодлик ва бунёдкорлик каби қадриятларнинг маъно-мазмунини чуқур англаб етиш, уни одамларнинг қалби ва онгига сингдириш, жамият ҳаётида огоҳлик, ҳамкорлик, миллий тотувлик муҳитини таъминлаш, Республикамизнинг халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олиши, ўз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаши учун аҳамиятли бўлган ғоявий қарашлар тизимини ўзида ифодалайди¹.

4-§. Миллий ғоя ва мафқуранинг жамият миллий тараққиётини янги босқичга кўтаришдаги асосий вазифалари

Миллий ғоя ва мафқуранинг жамият миллий тараққиётини янги босқичга кўтаришдаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат.

1. Янгича миллий дунёқарашни шакллантириш. «Дунёқараш» тушунчасига файласуф олимлар – бу инсоннинг теварак атрофини қуршаб турган воқелик тўғрисидаги, оламнинг моҳияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизимидир², деб таъриф берадилар. Зеро шундай экан, ҳар бир инсон, ижтимоий гуруҳ, бирлашма, уюшма ва жамиятга хос бўлган ғоя ва мафқура ўзининг кўзлаган мақсади, моҳият-мазмунидан келиб чиққан ҳолда табиат, жамият, инсон тафаккурида юз бераётган нарса, ҳодиса ва жараёнларни тушунтириб беришга, улар ҳақида одамларнинг онгида муайян фикрларни туғдиришга ҳаракат қилади. Натижада,

¹ Қаранг: *Иброҳимов А.* Бизким, ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. – Т.: Шарқ, 2011. – Б.16–165.

² *Назаров Қ.Н.* Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012. – Б.32.

улар ҳақида одамлар онгида янги дунёқараш шакллана боради. Масалан, ўзбек халқининг онгига мустақилликнинг буюк неъмат эканлиги, мустақил бўлмаган халқнинг келажаги йўқлиги, мустақиллик ҳимоя қилингандагина абадий бўлишини сингдириш асосида мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиши ва келажаги тўғрисида янги дунёқараш пайдо бўлади, шаклланади ва мустақиллик ҳақида эътиқод пайдо бўлади. Демак, шу маънода одамларда ўзига хос дунёқараш ва тафаккурни шакллантириш – ҳар қандай мафкуранинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Мустақил тафаккур қилиш тарзини шакллантириш. Озодликка эришиб, ўзининг эркини қўлга киритган ҳар бир элат, миллат ва халқ мустақил яшашга, мустақил фикр юритишга интилади. Халқларнинг озод ва обод, эркин ва фаровон яшашини мақсад қилиб қўйган бунёдкор ғоя ва мафкуралар ҳар бир фуқаронинг мустақил ўз фикрига эга бўлишини, эркин ва мустақил тарзда бўлаётган ҳар бир нарса ва воқеага нисбатан фикр билдиришини шакллантиришни ўзининг вазифаси деб билади. *Мустақил тафаккур қилувчи шахс деб, ўзини қуршаб турган олам, мавжуд реал воқелик тўғрисида мустақил фикрга эга бўлган, уларга нисбатан эркин муносабат билдириб, қатъий дунёқарашга эга бўлган кишиларга айтилади.* Чунки, мустақил фикрга эга бўлган, эркин фикрлайдиган одамгина она-Ватан тақдири учун ўзини масъулиятли шахс даражасида кўради. Масъулият бўлмаган жойда тартиб-интизом бўлмайди. Тартиб-интизом бўлмаган жойда эса тараққиёт ҳам, барқарорлик ҳам, тинчлик ҳам, адолат ҳам, эркинлик ҳам бўлмайди.

3. Соғлом ижтимоий муҳитни яратиш. Ҳар қандай жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муҳит, унинг кундалик тақдирини ва келажакдаги истиқболларини белгилаб беради. Зеро, шундай экан бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўзларининг ижтимоий табиатидан келиб чиққан ҳолда жамиятда янги ижтимоий муҳитни яратишга ҳаракат қилади. *Ижтимоий муҳит деб кишилар ўртасида адолатпарварлик тамойиллари асосида ташкил этилган ижтимоий-*

иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий муносабатларнинг қанчалик даражада уйғунлашган тарзда ҳаракат қилишлари натижасида жамиятда вужудга келган ҳолатга айтилади. Бунда, бунёдкор ғоя ва мафкуралар тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурадиган ижтимоий муҳитни яратишга ҳаракат қилсалар, вайронкор ғоя ва мафкуралар эса жамиятда ечимини топиш мушкул бўлган зиддиятлар, уруш, жанжал, ғийбат, бўҳтон, зўровонлик каби қусурлар илдиз отган ижтимоий муҳитни яратишга интиладилар. Демак, жамиятда зарур ижтимоий муҳитни яратмай туриб, муайян ғояларнинг устуворлигини таъминлаб бўлмайди.

4. Халқнинг эҳтиёж ва манфаатларни ифодалаш. Тарих саҳнасига кириб келаётган ҳар бир ғоя ва мафкура ўзи таянган ижтимоий асос, қатлам, партия, миллат ва бошқаларнинг туб эҳтиёж ва манфаатларини ифода этиши орқали мавжуд воқеликнинг инъикоси бўлган ғоялар дунёсидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Бунда эҳтиёж – бу тирик организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқ ва умуман жамиятнинг яшаш ва фаолият кўрсатиш учун бирор нарсага бўлган зарурий ҳожати, талаби, муҳтожлиги бўлса¹, манфаат эса мазкур субъектларнинг турли эҳтиёжларини қондириш орқали бирон бир наф кўришларидан иборат бўлган фаолияти ҳисобланади². Шунга кўра ғоя ва мафкураларнинг яна бир муҳим хусусияти: “Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилиши”³ билан белгиланади.

¹ «Эҳтиёж» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «муҳтожлик»; «зарурийат», «талаб», «ҳожат» деган маъноларни англатади.

² «Манфаат» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «фойда», «даромад», «наф» деган маъноларни англатади.

³ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // *Унинг ўзи*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000, –Б.490.

6. Аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлаш. Ғоя ва мафкуралар ўзича бўш жойдан пайдо бўлмайди. Улар, бир неча авлодларнинг ақл-заковати билан яратилади, кейинги авлодлар томонидан янги мазмун билан бойитилиб борилади. Унда аждодлар билан авлодлар ўртасидаги ворислик ўз аксини топади, аждодларнинг асрий орзу-умидлари мужассам бўлади. Шунга кўра ғоя ва мафкураларнинг соҳиблари ўтмишдан, ота-боболаридан мерос қолган моддий ва маданий бойликларга эгалик қилган ҳолда, уларнинг ишларини давом эттириб келгуси авлодларга етказиб берадилар. Демак, ғоя ва мафкуралар ўтмишни келажак билан боғловчи маънавий кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Бу хусусда “Жаҳон тажрибасига назар ташласак, миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бутун халқни бирлаштирадиган байроқ бўлмиш мафкурани шакллантириш учун инсоният тарихининг турли даврларида Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъдод, куч-қувват ато этган, ёрқин тафаккурга эга бўлган буюк шахслар заҳмат чекканини кўрамыз”¹.

7. Одамлар ҳаёт фаолиятининг мезони бўлиш. Ғоя ва мафкура тизими одамлар ҳаёти фаолиятининг ўзига хос мезони вазифасини ҳам бажаради. Бу ҳақда И.А.Каримов: *“Мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатида, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғлик мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг иймон-эътиқоди сифатида қабул қилади.*

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // *Унинг ўзи*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000, –Б.501.

Шундагина у энг замонавий қуролдан ҳам кўра кучли руҳий-маънавий қудрат касб этади"¹, – деган эди.

8. Халқни ғоявий-мафкуравий ҳимоя қилиш воситаси бўлиш. Ҳар бир ғоя ва мафкура ғоявий ҳимоя воситаси вазифасини ҳам бажаради. Бу унинг жамият мафкураси мақомини олган ғоялар тизимининг шу жамиятни ҳар хил мафкуравий тажовузлардан, хуружлардан, таҳдидлар-дан ҳимоя қилиш учун мафкура майдонига бел боғлаб курашга чиқишини англатади. Мафкуравий курашдаги ғолиблик эса жамият аъзоларининг тинч-осуда фаолият юритишини ҳар томонлама таъминлайди, келгусидаги олижаноб эзгу ниятларини амалга ошириш ишларига чорлайди.

Ғоя ва мафкура инсонларни муайян мақсад сари бирлаштирувчи куч сифатида мавжуд экан, демак жамият таркибида унинг ўзига хос бўлган соҳаси, яъни унинг соҳиблари, уларга хос бўлган мафкуравий онг шакллари, мафкуравий муносабат ўрнатиш усуллари, мафкуравий фаолият юритиш тартиб-қоидалари,ришаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ҳам мавжуддир.

¹ *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // *Унинг ўзи.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000, –Б.491.

III БОБ. ЖАМИЯТ МАФКУРАСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

1-§. Ўзбекистон жамияти ҳаётининг ғоявий-мафкуравий асослари ва унинг конституцион принциплари

1. Жамият мафкурасининг давлат мафкурасидан фарқланиши. Инсоният ривожини тарихида турли хил мафкуралар ўртасида жамиятда етакчилик қилиш учун турли хил мафкуралар ўртасида қаттиқ кураш кетган. Шунинг учун ҳам инсоният тарихини ғоялар кураши тарихидир деб бежиз айтилмаган. Натижада, уларнинг айримлари давлат мафкураси мақомига эга бўлганлар. Бунда, *давлат мафкураси деб фақат давлат ҳокимиятининг эҳтиёж ва манфаатларини, мақсад ва интилишларини ифода этадиган ғоялар, унга қарши чиққанларга нисбатан жазо чоралари қўлланиладиган усул ва воситалар тизимига айтилади.*

Давлат мафкурасининг мазмун-моҳияти мазкур давлатнинг қандай мақсадларни кўзлаб фаолият юритаётганлик даражасига боғлиқ бўлсада, бироқ, давлат мафкурасининг ҳаётийлиги: а) давлат ҳокимияти учун курашда ғолибликни қўлга киритган сиёсий кучлар томонидан жамиятда ўрнатилган ғоявий-мафкуравий муҳитга; б) мамлакатда етакчилик қилаётган сиёсий партиянинг ўзга партияларга нисбатан юритаётган ғоявий-мафкуравий сиёсатига; в) давлат ҳокимиятини эгаллаган етакчи сиёсий партияларнинг ўз мафкураларини яқка ҳукумронлик даражасига кўтариш учун қандай усул ва воситалардан фойдаланаётганлигига; г) сиёсий етакчининг қўлида давлат бошлиғи ва партия раҳбари лавозимларининг қандай мақсадларни кўзлаб тўпланганлигига боғлиқдир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, давлат мафкураси қандай шаклда жилваланмасин, у барибир жамиятдаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов:” Узоқ ва

якин тарихдан шу нарса яхши маълумки, бирон мамлакатда, бирон давлатда яккаю ягона ғоя ёки мафкура ҳукмронлик қилар экан, бу жамият, бу давлат, албатта, инқирозга юз тутди. Бу ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим”¹²,—деган эди. Демак, миллий мафкура ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плюрализм, фикр ва қарашлар эркинлиги тамойилларини тўлиқ таъминлайди. Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида бу қоида қуйидагича ифодаланган: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”³.

Бу қоида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган партиялар, ҳаракат ва ижтимоий-сиёсий гуруҳлардан бирортасининг дастурий ғоялари ягона давлат мафкураси бўла олмаслигини аниқлатади.

2. Ўзбекистон жамияти миллий мафкурасининг таърифи ва хусусиятлари. *“Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажagini бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир”⁴.*

Ўзбек халқи миллий мафкурасининг хусусиятлари. Ўзбек халқи миллий миллий мафкурасининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;

¹ Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун рухий-маънавий куч-қувват манбаи// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.467.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.6.

⁴ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.43.

- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озикланади;
- адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;
- юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;
- жамият аъзоларини, аҳолининг барча катламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;
- миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатамизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради;
- жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

Миллий мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган. У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Бу – Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг *“Ватаним менга нима берди”* деб эмас, балки ***“Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман”***, деган масъулият туйғуси билан яшаши демакдир¹.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.43,44.

3 . Ўзбекистон жамияти миллий мафкурасининг мақсади ва асосий вазифалари. Ўзбек халқи миллий мафкурасининг мақсади – Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларини амалга ошириш учун бош ғоямиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳамда ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжи-ҳатлик, диний бағрикенгликдан иборат бўлган асосий ғояларимизга: одамларни ишонтириш; унинг атрофида уюштириш; уни амалга ошириш учун сафарбар этиш; маънавий-руҳий рағбатлантириш; ғоявий тарбиялаш; ғоявий иммунитетни шакллантириш; ҳаракат дастури бўлишдан иборат.

Ўзбек халқи миллий мафкурасининг асосий вазифалари. Ўзбек халқи миллий мафкураси куйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;
- ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;
- одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-этиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратиш;
- ватандошларимиз тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асраб авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;
- халқимизга хос бўлган иймон-этиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш.
- мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида “Ўзбекистон – ягона Ватан” деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантириш.

Бу вазифаларнинг бажарилиши фуқароларимизни ҳозирги шиддаткор ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган шахсларга, янги жамият қурилишининг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилади¹.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.46.

4. Ўзбекистон жамиятининг миллий мафкураси ифодаладиган умумий манфаатлар. *Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен – ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон бир дунёқараш мутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайди.* Миллий истиқлол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг – бутун халқимизнинг куйидаги умумий манфаатларини ифодалайди:

- мамлакатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлар дахлсизлиги;
- юрт тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, инфор­мацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши;
- мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш;
- ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлиги;
- жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойилларининг амал қилиши.

Истиқлол мафкураси том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- 1) инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиши;
- 2) миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши;
- 3) ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши;

4) замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши¹.

5. Миллий ғояда миллий ва умуминсоний қадриятлар. Ўзбек халқи мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг миллий қадриятларини қайтадан тиклаш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик йилларида эса янги миллий қадриятлар шаклланиб ривожлана бошлади.

Хўш, қадрият нима? “ Қадрият” аслида *арабча* сўз бўлиб, ўзбек тилида “*қиймат*”, “*аҳамият*”, “*қимматбаҳо буюмлар*”, “*халқ бойлиги*” деган маъноларни англатади. Қадрият фалсафий маънода ”... инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб, тартиблар ва бошқаларнинг қадрини, ижтимоий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий категория”² ҳисобланади. Қадриятларни одатда моддий ва маънавий, умуминсоний ва миллий, ижтимоий-сиёсий, диний, шахсий-индивидуал шаклларга ажратиб ўрганилади.

Моддий қадриятлар – бу одамзод учун зарур ва аҳамиятли бўлган табиий муҳит, ундаги шарт-шароитларнинг қулайлиги, жамият ҳаётини таъминлайдиган иқтисодий омилларнинг мавжудлиги бўлиб, у ўз ичига уй-жой, меҳнат куроллари, меҳнат ашёлари ва бошқаларни қамраб олади. Уларнинг барчаси одамзотга моддий инъом ва маънавий куч бериб миллий ғоянинг яшавчанлик қобилиятини янада оширади.

Маънавий қадриятлар – бу инсон маънавияти ва ахлоқий қиёфасига, жамиятнинг маънавий ҳаётига дахлдор бўлиб, одамларни тарбиялашга, уларнинг баркамоллигини таъминлашга, миллатлар ва жамиятларни эзгулик ва бунёдкорликка ундашга хизмат қиладиган қадриятлар тизими ҳисобланади.

¹ *Қаранг:* Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.46.

² *Қаранг:* Назароқ Қ. Фалсафа асослари.–Т.:« Ўзбекистон фаласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2012.– Б.755.

Мазкур тушунчада маънавий қиёфа, тафаккур ва турмуш тарзи, менталитет, урф-одатлар, анъаналар, Ватан ва халққа, ўзгаларга нисбатан муносабат, тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва бунёдкорликка интилиш ва ҳоказоларнинг кадр-қиммати яққол намоён бўлади. Бунда инсон тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга бўлган, жамият ва шахс маънавиятини юксалтирувчи, тафаккур ривожига беқиёс аҳамият касб этадиган қадрият шакллари тушунилади¹.

Умуминсоний қадриятлар – бу одамзоднинг бутун инсоният ва жамиятга тегишли бўлган яшаши, умргузаронлиги, фарзандлари ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва ахлоқий соҳаларида азиз ва ардоқли бўлган нарсалар, амаллар ва тамойиллар, ғоялар ва меъёрлардан ташкил топган моддий ва маънавий бойликлари тизимидир.

Умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари хилма хилдир. Бироқ унинг энг олий шакли идеал қадриятлар ҳисобланади. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар ана шу идеал қадриятларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайди. Кундалик ҳаёт ва илмий адабиётларда энг олий идеал қадриятларга нисбатан қатор ибора ва тушунчалар кенг қўлланилади: маънавий ва ахлоқий покликнинг умумий белгиси – яхшилик; нафосат белгиси–гўзаллик; билим ва фан ютуқларининг амалиётга мослиги–ҳақиқат; инсон ҳуқуқларининг олий ифодаси–эркинлик ва тенглик; мафкура ва сиёсатнинг тўғрилиги–одиллик; одамлар ўртасидаги ижобий муносабатлар – дўстлик; энг ҳоксор ва беғараз туйғулар асосидаги қалблар боғлангани – муҳаббат; орзу- умидларга эришганлик – бахт-саодат; ўз юртини севмоқлик ва ардоқлаш-ватанпарварлик ва ҳоказо². Демак, ушбу қадриятлар миллий ғоя ва мафкурамизнинг мазмунини бойитиш, ҳаётийлигини таъминлашда маънавий куч бўлиб хизмат қилади.

¹ *Қаранг:* Назаров Қ.Н. Аксиология(Қадриятлар фалсафаси) – Т.: Т.:« Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2011.– Б.91.

² *Қаранг:* Назаров Қ.Н. Аксиология(Қадриятлар фалсафаси) – Т.: Т.:« Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2011.– Б.117.

Миллий қадриятлар тушунчасига олимлар кенг ва тор маънода таъриф берадилар. Миллий қадриятлар кенг маънода:

а) миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланадиган, ранг-баранг тарзда, турли шаклда намоён бўлади, кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос реаллик сифатида таъсир қиладиган;

б) миллатдошларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятида кўзга ташланиб туради, бу муносабат, фаолият, максад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўладиган;

в) миллатнинг моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳаётида муайян натижа сифатида юзага келадиган, кишилар учун зарурият тарзида ўзига хос аҳамият касб этадиган;

г) миллатнинг ижтимоий ривожланиши жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб бррадиган, доимий янгиланиб турадиган, шу билан бирга, ворислик орқали авлодан-авлодга ўтадиган, мерос қоладиган қадриятларни ифодалайдиган тушунчадир¹. Миллий қадриятлар миллий ғоянинг маънавий негизи ҳисобланади.

Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафқураси моддий ва маънавий, умуминсоний ва миллий қадриятларга таянади, уларни асло инкор этмайди, улардан маънавий озуқа олади.

Умуминсоний ва миллий, моддий ва маънавий қадриятлар билан миллий ғоя диалектик алоқадорликда бўлиб:

биринчидан, қадриятлар миллий ғоя учун маънавий негиз, маънавий манба бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, миллий ғоя қадриятларни бойитиш, янада юксак босқичга кўтариш, одамлар онги ва қалбига қадриятларни сингдириш омили бўлиб ҳисобланади;

¹ Назаров Қ.Н. Аксиология(Қадриятлар фалсафаси) – Т.: Т.:« Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2011.– Б.128.

учинчидан, миллий ғоя халқнинг туб манфаатлари нуктаи назаридан мавжуд маънавий қадриятларга баҳо беради, ижобий жиҳатларни ривожлантириш, салбий ҳолатларни инкор этишнинг маънавий мезони бўлиб майдонга чиқади¹.

6. Ўзбекистон жамияти миллий мафқурасининг миллий хусусиятлари. Истиқлол мафқураси халқимизнинг табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуйидаги **миллий хусусиятларни** замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутди:

а) халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;

б) жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;

в) ота-она, маҳалла-қўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

г) миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

д) каттага – ҳурмат ва кичикка – иззат;

е) меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи – аёл зотига эҳтиром;

ё) сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

ж) ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

7. Ўзбекистон жамияти миллий мафқурасининг умумбашарий тамойиллари. Истиқлол мафқураси қуйидаги **умумбашарий қадриятларни** эътироф этади ва улардан озиқланади:

1) қонун устуворлиги;

2) инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;

3) турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш;

4) диний бағрикенглик;

5) дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;

¹ Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. – Т: Академия, 2005. – Б.196.

б) ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо¹.

Юқорида келтирилган фикрлар ўзбек халқи миллий мафқурасининг жамиятимиз миллий тараққиётининг янгича мазмундаги «йўл харита»ларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уйғун тарзда ҳаракат қилиши зарурлигини кўрсатади. Чунки, миллий ғоя ва мафқурамиз доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлсагина, жамиятимизни буюк келажак сари етаклаб боровчи маънавий кучга айланади.

2-§. Умуминсоний ва миллий кадриятлар заминига қурилган ўзбек халқи миллий ғоя ва мафқурасининг тарихий илдиз, диний негиз, фалсафий ва дунёвий асослари

1. Миллий ғоя ва мафқуранинг моддий кадриятларга асосланган тарихий илдизлари. Миллий ғоя ва мафқура тарихий макон ва замонда ўзининг генезисига ва эволюциясига эгадир. Тарихийлик ва мантиқийлик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ғоя ва мафқураларнинг дастлабки куртаклари инсоният ривожини тарихининг *“меҳнат тақсимоми”* даврида пайдо бўлганлигини кўради. Бу эса ҳар бир нарсанинг ўз тарихи, яъни тарихий илдизлари борлигидан дарак беради. Фалсафий жиҳатдан қараганда *“тарихий илдиз”* тушунчасини тор ва кенг маънода талқин қилиш мумкин.

“Тарихий илдиз” тушунчаси кенг маънода бугунги кунда мавжуд бўлган барча нарса ва ҳодисаларнинг тарихий макон ва замонда жой олган барча томонлари, тор маънода эса муайян субъектлар томонидан билиш ва ўзгартиришга қаратилган нарса ва ҳодисаларнинг тарихий макон ва замонда эгаллаган ўрнини англатади. Масалан, миллий ғоя ва мафқура фанининг тарихий илдизларини кенг маънода тушуниш деганда Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.49–50.

одамларнинг пайдо бўлиши, уруғ ва қабилаларининг келиб чиқиши, давлатчилигининг шаклланиши, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиши, илмий ва диний билимлардан фойдаланиш, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ ва бошқа шу каби нарса ва ҳодисаларнинг бир бутун тизим сифатида тарихий макон ва замонда эгаллаган ўрни, тор маънода эса муайян олим ёки илмий жамоатчилик томонидан ўрганилаётган ғоя ва мафқуранинг тарихий макон ва замонда эгаллаган томони тушунилади.

Миллий ғоя ва мафқуранинг тарихий илдизлари деб, ўзбекнинг ўзлигини англашга, озод ва обод Ватани равнақи йўлида тинмай самарали эркин меҳнат қилишга, олам сирла-рини кашф этиб, уни инсоният тараққиётига хизмат қилишга, инсонийликни улуг фазилат деб билишга, комил фанзандларни вояга етказишга, алхусус, унинг бутун жисмоний ва маънавий вужудини маънавий жасорат кўрсатишга чорлайдиган асрлар мобайнида турли синовларга бардош бериб, тарихий макон ва замондан абадий жой олиб ота-боболаримиздан қолиб келаётган моддий ва маънавий ашёлар тизимига айтилади.

Ўзбек халқининг тарихий илдизи ҳақида И.А.Каримов: “Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзот борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-

қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради”¹, – деган эди.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг тарихий илдизларига қуйидагилар киради:

1. Энг қадимги одамларнинг пайдо бўлганлиги ва яшаганлиги. Ўзбекистон ҳудудида, аниқроғи Фарғона водийсининг Сўх туманидаги Селунғур ғоридан бундан 1–1,5 миллион йил олдин яшаган одамзот аجدодларининг суяк қолдиқлари топилган. Унга олимлар **“Фарғона одами”**, “Фенгантроп” деб ном беришган. Бу тарихий ашё ўзбекларнинг жуда ҳам қадимий халқ эканлигини исботлайди.

2. Маданият ва маънавият илдизининг қадимийлиги. Ўзбекистон ҳудудидан миллоддан аввалги 100–40 мингйилликларда ясалган меҳнат қуроллари, Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой қоятошларига чизилган расмларнинг топилганлиги ўзбекларнинг қадимий маданиятга эга бўлганлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам бу хусусда И.А.Каримов: *“Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз”*², – деган эди.

3. Миллий давлатчилик анъаналари. Мамлакатимиз ҳудудида миллоддан аввалги VII–VI асрларда илк давлатлар ташкил топади. Демак, ўзбеклар бундан 2700–3000 йил олдин илк давлат қурган халқлардан бири саналади. И.А.Каримов таъкидлаганидек: *“...бино қанчалар баланд бўлса, унинг пойдевори ҳам шу қадар чуқур бўлади. Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий*

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.132.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.144.

имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор”¹.

4. Ҳаққоний ёзилган тарих. Тарих ҳаққоний ёзилмаса, у халқни маънавий жиҳатдан қашшоқ қилиб, охир-оқибатда ўзлигидан айиради. Ўзлигидан айрилган халқ эса манқуртга айланади. Шу сабабли И.А.Каримов: *“Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ гоё керак. Бу гоёнинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”²,* – деган эди.

5. Халқнинг тарихий хотираси. Ҳар бир халқ ўзининг тарихий макон ва замонда эгаллаган ўрнини унутмасдан, тарих сабоқларидан хулоса чиқариб, ўтган кунларини хотирлаб яшаса, у албатта, ўзининг танлаган йўлидан кўзланган эзгу мақсадлари сари адашмай, дадил қадамлар ташлаб бораверади.

Бундай вазифанинг уйдасидан чиқиш учун эса тарихни унутмаслиги зарур. Бу хусусда: *“Маънавиятини тиклаши, тугилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиши жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради.*

Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриши, ҳар хил ақидалар таъсирига олиши

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.144.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.153.

мумкин эмас. *Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрдикка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди*”¹, – деган эди И.А.Каримов. Ўзбек халқи – тарихий хотираси бор халқ, тарих сабоқларини унутмайдиган халқ. Ўз эрки учун курашиб келган халқ.

6. Ёзма манбалар. Ўзбекистон ҳудудида ёзув милоддан аввалги V–IV асрларда пайдо бўлган. Ёзма манбаларнинг ўрни ҳақида И.А.Каримов: *“Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан*”², – деган эди. Шундай ёзма манбалардан бири “Авесто”дир. Унинг яратилганлигига 3000 йил бўлган. Бу китоб ўлкамизда жуда қадим замонларда буюк давлат, маънавият, маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжат ҳисобланади.

7. Халқ оғзаки ижоди. Халқ оғзаки ижоди деб афсонавий қаҳрамонлар тимсолида халқнинг эзгуликка интилувчи қаҳрамонона кураш ғояларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда тараннум этувчи оғзаки тарзда асрлар оша тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб, халқ томонидан куйланиб келаётган кўшиқ, достон ва эпослар туркумига айтилади. Халқ оғзаки ижодиётининг миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш ва ривожлантиришдаги тарихий ўрни ҳақида И.А.Каримов: *“Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий*

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // *Унинг ўзи*. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.136–137.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // *Унинг ўзи*. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.136–137.

қахрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган.

Шу маънода, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қахрамонлик кўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, “Алпомиш” ана шу дostonнинг шох байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”¹, – деган эди. Бундай халқ оғзаки ижодиётига “Кунтуғмиш”, “Тўруғли”, “Фарҳод ва Ширин” каби ўнлаб эпосларни киритиш мумкин.

8. Буюк мутафаккирларнинг мероси. Бунга ўзбек халқининг буюк алломалари томонидан дунё илм-фанига қўшган бебаҳо ҳиссаларини киритиш мумкин. Масалан, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий – биринчилар қаторида ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини яратиб алгебра фанига, Аҳмад Фарғоний эса асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиқди ҳамда фазовий тригонометрия фанига асос солди². Шунингдек, Абу Райҳон Беруний,

¹ Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгилмас куч. –Т.:« Маънавият», 2008. –Б.32–33.

² Каримов И.А. “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Унинг ўзи. Ўзбекистон эришган ютуқ ва

Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиков, Саъди Сироҷиддинов каби юзлаб олимлар томонидан кашф қилинган – алгебра, алгоритм, юлдузлар жадвали, геодезия, эҳтимоллар назарияси, ер ости бойликларини топиш усули, алкоидлар назарияси ва бошқалар бунинг исботи ҳисобланади.

9. Санъат ва адабиёт дурдоналари. Ўзбек халқининг санъат ва адабиёти шунчалик қадимийки, шунчалик бойки, унга унча-мунча халқ санъати ва адабиёти тенглашолмайди. Инсоннинг руҳий камолоти тарихида мусиқа санъатининг ўрни ҳақида И.А.Каримов: *“...бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради. Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади”*¹, – деган эди. Бунга Алишер Навоийнинг “Хамса” шеърӣ асари, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи, миллий меросимизнинг “Шашмақом”, каби мусиқа тўплами каби минглаб санъат асарлари ва адабиёт дурдоналарини киритиш мумкин.

10. Миллий қаҳрамонлар ҳаёти, фаолияти ва мероси. Ўзбек халқининг миллий қаҳрамонлари жуда кўп. Масалан, уларга Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Етимхон, Дарвешхон, Дукчи Эшон, Мадаминбек, Иброҳимбек, Нурмуҳаммадбек каби халқ озодлиги учун курашган қаҳрамонларни киритиш мумкин. Булар ҳақида гап кетганда Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Амир Темурнинг халқимиз тарихидаги ўрни ҳақида И.А.Каримов: “Чунки тенгсиз азму

марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б.281–282.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –Б.140.

шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Шахсан мен “Темур тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озик бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён.

Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар” деган мақолга ғоят ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо ақл-идроқ, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир”¹, – деган эди.

2. Миллий ғоя ва мафкуранинг маънавий қадриятларга асосланган фалсафий асослари. Ҳар қандай ғоя ва мафкура асос вазифасини ўтавчи бирон бир фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Айни вақтда уларнинг ижодкорлари эса илм-фан ютуқларидан назарий асос сифатида унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бу эса одамларнинг муайян ижтимоий-сиёсий кучлар ғоя ва мафкурасига бўлган ишончини янада кучайтиради ва унинг халқчил бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий асослари деб ҳар қандай ғоя ва мафкуранинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши учун маънавий асос бўлиб, назарий-методологик вазифани ўтайдиган илмий фалсафий таълимотларга айтилади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.44–45.

Буларга киради: кишилик жамиятининг тарихий тараққиёт йўлини ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган файласуф мутафаккирлар томонидан яратилган фалсафий таълимотлар; олимлар томонидан коинот, табиат, жамият ривожини сир-асрорларини билиш учун амалга оширилган дунёвий кашфиётлар; ҳар бир миллатни – миллат қилишга қилишга бел боғлаган миллий мактаблар заминидан вужудга келган фалсафий таълимотлар; мустақиллик фалсафаси ва унинг миллий ва умуминсоний тамойиллари ва бошқалар.

2.1. “Авесто” миллий ғоя ва мафкура фанининг фалсафий асоси сифатида. Авесто – *“Ҳаёт йўриқномаси”* деб аталган китоблар тўплами бўлиб халқимизнинг милoddан олдинги даврдаги ҳаёти, дунёқараши, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва маънавий қадриятлари, ғоялари, диний қарашлари ҳақида маълумот берувчи асосий ёзма тарихий манба ҳисобланади. 30 аср муқаддам яратилган ва тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган Авесто миллий ғояларни асраб-авайлаш, халқни жипслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш ва халқ анъаналарини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этган.

И.А. Каримов “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишланган “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални улуғлаган китоб” номли маърузасида таъкидлагани каби *“Ушбу нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида авлод-аждодларимиз учун маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган”*¹.

“Авесто”да китобида: ***“Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман. Фикр, сўз ва амал оламидан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен***

¹ Каримов И.А. “Авесто” китоби яратилганлигининг 2700 йиллигига бағишланиб барпо этилган ёдгорлик мажмуини очиш маросимидаги “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал улуғланган китоб” мавзусидаги 2001 йил 3 ноябрдаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил, 6 ноябрь.

*барча ёмон фикр, ёмон сўз ва ёмон амалдан юз бураман*¹ – деган фикр асосий ғоя ҳисобланади. Шу ғоя асосида унда бир қатор фалсафий меъёрлар ҳам ўз ифодасини топган. Ундаги фалсафий таълимотга биноан, олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари ходисаларнинг азалий ва абадий курашидан иборат. Шунга кўра, ҳаётнинг кечиши табиатда (нур ва зулмат), борликда (ҳаёт ва ўлим), ижтимоий ҳаётда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гўзаллик ва хунуклик), динда (Ахура Мазда билан Аҳриманнинг азалий ва абадий келишмаслиги) турли хил кучлар ўртасидаги кураш шакллари сифатида намоён бўлади.

Бу хусусда И.А.Каримов: *“Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриши мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиши бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани, айниқса, эътиборлидир*², – деган эди.

Мазкур китобда соғлом авлод ғоясини амалга ошириш борасида ҳам бир қатор фалсафий фикрлар илгари сурилган. Масалан, биринчи навбатда, оила курадиган йигит ва қизчаларнинг ҳар жихатдан бенуқсон, соғлом бўлиши, иккинчидан, ҳомиладор аёл изтироб чекмаслиги, асабийлашмаслиги, кўпроқ мева, гўшт истеъмол қилиши, фақат ҳалол меҳнат эвазига топилган ризқни ейиши, учинчидан, болани тарбиялашда узвийликка амал қилиш, яъни чақалоқ икки ёшга қадар она сути билан тўла таъминланиши, учинчи ёшга ўтгандагина мол сути ва сутдан тайёрланган овқатлар билан парвариш этиш лозимлиги уқтирилган. Она сутидан ажралган гўдак, албатта, 5 ёшгача сигир сутини истеъмол қилишни канда қилмасликка риоя қилишлик махсус таъкидланган.

¹ Қаранг: Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. – Б.34.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –Б.32.

Зардуштийликда кўп хотинлик қатъий манъ этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб 25 дарра калтакланиш билан жазоланган; йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла туриб, атайлаб уйланмай юрса, у бадном қилиш мақсадида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган.

“Авесто”да никоҳни бекор қилиш ва талоқ масаласида ҳам диққатга сазавор фикрлар билдирилган бўлиб, унда эру хотиннинг тенг ҳуқуқлигига алоҳида эътибор берилган ва никоҳ бекор қилинишининг қуйидаги ҳолатлари санаб ўтилган.

Никоҳдан сўнг томонларнинг бирида асабий ноқислик, телбалик аломати зоҳир бўлса, солим томон бу никоҳдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Эр эркаклик қобилиятига эга бўлмаган тақдирда аёл талоқ қилиш имкониятидан фойдалана олади.

Уч йил давомида ҳам эр оиланинг моддий жиҳатини таъминлай олмай келса, ҳатто аёлини боқа олмаса хотин бундай эрни ташлаб кета олади, яъни талоқ қилади.

4. Агар томонлар бир-бирларининг бошқа эр ва хотин билан зино қилганликларини сезса, бундай никоҳ “ҳаром” бўлади ҳамда солим томон нопок томонни гуноҳкор сифатида талоқ қилади.

Агар хотиннинг ҳаёти эр зулмидан хавф остида қолса, у ўз жуфтини талоқ қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Хотин ўз эридан қониқмай ножўя, ғайришаръий хатти-ҳаракатлар қилса, эркак бундай аёлдан воз кеча олади. Эркак киши уйланиш пайтида олдинги хотинини бекитсаю тўйдан кейин бу сир фош бўлса ҳам бундай никоҳ ботил ҳисобланади.

Эркак ёки хотин Зардуштий динидан юз ўтирса, яъни бошқа динни қабул этса, талоқ вожибдир. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, тухмат эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилишга йўл қўйилмаган. Хотин-қизлар орасида учраб турадиган бўҳтон, чақимчилик, хусумат гуноҳи азим сифатида қаттиқ қораланган. Гап ташувчи иғвогарлар дарра уриш билан жазоланган.

Қуйидаги фикр аёл зотининг жамиятда, оилада, инсоният тарихида тутган ўрнига берилган энг адолатли баҳодай туюлади: *“Дастлабки кундаёқ Аҳурамазда аёлларга буюрди: Эй аёл! Сени эътиқодли ва паҳлавон эркакларни вужудга келтириб меҳр тўла огушингда парвариш эт, деб яратдим. Токи улар нодурустлик ва нопоклик илдизини ер юзидан йўқотсинлар”*¹.

2.2. Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” китоби миллий ғоя ва мафкура фанининг фалсафий манбаи. Ўрта аср Шарқ Уйғониш даврининг буюк алломаларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг семахсул ижоди, илм-фандаги кўп қиррали фаолияти, камтарона турмуш кечирганлиги, доимо камолот сари интилиб яшаганлиги билан халқнинг қалбидан жой олган камтарин инсон бўлган.

Форобий асрлари ичида *“Фозил одамлар шахри”* номли китоб ўзининг сермазмунлиги билан ажралиб туради. Бу асарнинг миллий ғоя ва мафкура фани учун фалсафий асослиги қуйидагилар билан белгиланади.

1. Оламнинг реал мавжудлиги ва унинг ижодкори борлиги ҳақидаги таълимоти. Форобийнинг фикрича оламдаги ҳамма нарсанинг ижодкори “Биринчи мавжуд”дир, унинг шериги ва зидди йўқдир. Бунда “Биринчи мавжуд бошқа барча мавжудот борлигининг биринчи сабабидир. У барча камчилликлардан холидир. Унинг бир ўзи бу борликда яккаю ягонадир. Унинг

¹ “Авесто” ҳақидаги маълумотлар Ҳомиджон Ҳомидийнинг “Авесто”дан “Шоҳнома”гача номли китобидан келтирилган // Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шоҳнома”гача. –Т.:Шарқ, 2007. – Б. 76–77, 112–114.

зидди йўқдир, у олим, ҳаким, ҳақ ва барҳаётдир”¹. Бу Яратганни тан олиш, яъни оламнинг яратилиши ҳақидаги одамларнинг диний ҳис-туйғуларига нисбатан шаккок қилмасдан, диннинг жамият ҳаётида ўз ўрни борлигини англаш орқали, унга чуқур ҳурмат бажо келтириш демакдир.

2. Инсоннинг муккамал зот эканлиги, унда ақлнинг пайдо бўлиши ва унинг кудратли куч эканлиги тўғрисидаги ғоялари. Бу хусусда Форобий: “Тил ва тушунча соҳиби бўлган тирик зот (инсон)дан ортиқроқ мукамал бўлган бирор зот йўқдир”². Инсоннинг борлиққа келиши билан олдин ғизолантирувчи (боқадиган), кейин туйғу (таъм, хид, овоз каби сезиладиган ва ранг, зиё каби кўриладиган), сўнгра амир, хаёл суриш, нотика ва ниҳоят ақл қуввати майдонга чиқади. Ақл қуввати туфайли инсон гўзал билан хунукни бир-биридан айира олади, санъат билан билимни яратади”³, – деб ёзади. Демак, у инсоннинг ақлини ривожлантириш орқали, уни мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш масаласи янги жамият қуришнинг муҳим шартларидан бири сифатида қараган.

3. Инсонларнинг бахт-саодатга эришувлари тўғрисидаги қарашларида илгари сурилган:

– ҳар ким илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғлом, яхши ахлоқ ва одобли, сўзининг урдасидан чиқадиган, хиёнат, мақр ва ҳийладан узоқ, билимдон ва нотик, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қиладиган, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямайдиган, барча реал, моддий нарсалар тўғрисидаги билимларни эгаллайдиган;

– ақлли, фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишида зўр истеъдодга эга бўлиб, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадиган, деган фикрлари фалсафий асос бўлиб хизмат қилади.

¹ *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шахри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.130–140.

² *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шахри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.144.

³ *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шахри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.149–150.

Шу билан бир қаторда Форобий томонидан ишлаб чиқилган одамнинг “ўн икки туғма хислат”ларга асосланган қуйидаги ахлоқий қоидалари:

- “1) одамдаги барча аъзоларнинг мукамал ривож топиши;
- 2) муҳокама мулоҳазани тез ва тўғри тушуна олиши;
- 3) кучли хотира соҳиби бўлиши;
- 4) зеҳни ўткир бўлиши;
- 5) сўзларни аниқ гапириши, фикрини равон ва равшан ифода этиши;
- 6) билиш ва ўқишдан чарчамаслиги;
- 7) овқатланишда очкўз бўлмаслиги, кимор ўйинларидан жирканиши;
- 8) ҳақиқат ва ҳақиқат тарафдорларини севиши, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қараши;
- 9) руҳий қуввати кучли, инсонийлик ғурури баланд бўлиши;
- 10) дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларидан жирканиши;
- 11) ҳар қандай адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қараши;
- 12) адолат олдида қайсарлик қилмаслиги, пасткашлик олдида лафзли бўлиши, қатъиятли, жасур, кўрқиш ва ожизликни билмаслиги”¹, – ҳақидаги ахлоқий-фалсафий таълимоти ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмасдан миллий ғоя ва мафкурамининг фалсафий, ахлоқий-маънавий асосларини ташкил этиб келаётганлиги биз учун қувончлидир. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов: *“Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари бундан минг йилча муқаддам яратилганлигига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асрдан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқатадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади”*², – деган эди.

¹ *Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.* –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.182,186,187.

² *Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.90.*

2.3. Алишер Навоий маънавий меросининг миллий ғоя ва мафкура фанининг фалсафий манбаи сифатида тутган ўрни ва роли. Буюк мутафаккир ва улуғ шоир Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва у қолдирган маънавий мероснинг миллий ғоя ва мафкура фанининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнини таъриф ва тавсиф қилиш осон иш эмас, албатта. Шундай бўлсада, бу улуғ инсон қолдирган маънавий мероснинг мингдан бир қисми миллий ғоя ва мафкура фани учун фалсафий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини кўрсатиб беришни лозим топдик.

1. Адолатли подшоҳ ғояси. Алишер Навоийнинг фикрича: “Адолатли подшоҳ Хақ-таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир; бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир... Одил шоҳ куёш билан баҳор ёмғиридан қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бошига олтин билан дурлар сочади. Камбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулойим муомаласидан роҳатда; золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тиғидан кўрқувда. Адолатли шоҳ шундай кўриқчики, унинг сояйи давлатида қўй-қўзилар бўри хавфидан омон; ёмонларга шафқатсизлигидан йўлдаги мусофирлар йўл тўсарлар ваҳимасидан эсон. Марҳаматидан мактабларда болалар шовқин-сурони... Ҳайбатидан йўлларда қароқчилар йўқ ва халқ қўли ўз моли билан тўлиқ. Забтидан амалдорлар қалами синиқ ва золимлар байроғи йиқиқ.Ғамхўрлиги ва фаолиятдан масжидлар жамоат билан тўла ва мадрасалар илм устида баҳслашувчилар билан ғала-ғула. Қасоскор тиғидан ўғри қўли эл молига етмайди ва ўч олиш хавфидан йўлтўсарларнинг қадами йўқлик биёбонидан нарига ўтмайди.Савдо қилиш учун тун бўйи дўконларда шамъ ўчмайди, олди-сотди қилувчилар кўчаларда безорилар дайдишидан кўрқмайди.Шомдан то саҳаргача масжид хонакоҳларининг эшиги очиқ; хилват-хоналар ибодат нуридан ёруғ.Шаҳарда кўчалар посбони у, далада қўйлар чўпони у. Аҳолининг ҳовли-боғи унинг шарофатидан обод; сипоҳлар орзу-умидларига

етиб шодон. Одил шоҳ шарофатидан кечалари турк аёлларининг аллалари тинмайди; болалар эса, бемалол ошиғини ўйнайди...

Адолатпарвар шоҳ халқни рози қилса, Хақ-таоло шоҳдан рози бўлади, кишиларнинг арзу додини тинглаганда, бу иш юзасидан халқ олдида суроқ беришни ўйлаб, изтироб чекади”¹. Демак, адолатли, ҳақгўй давлат бошлиғи мамлакатдаги тинчлик ва халқ фаровонлигининг кафолатидир.

2. Диёнатли ва диёнатсиз беклар, вазирлар ва бошқа мансабдорлар тўғрисидаги фикрлари. Улуғ шайх Алишер Навоийнинг фикрича: “Бек (Ҳоким) камбағал бечораларнинг паноҳи ва подшоҳ давлатининг – хайрихоҳи. Бек шоҳга бу дунё ҳақида чин сўз дегувчи ва охират ғамин егувчи, ундан ёмонларнинг кўнгли вайрон, яхшиларнинг мушқули осон. Унинг кўнглида халқ молига тама йўқ: дунё йиғишнинг хаёли йўқ. Муроди – аҳолининг тинч-омонлиги; мақсади – жамиятнинг равнақи... У мусулмонларни рози қилувчи киши, мусулмонлар эса уни дуо қилади. Унинг зоти тузук, шоҳ эшигида ҳам қилмиши яхшилик. Шоҳ эшиги бундай беклардан холи бўлмасин, давлат осмонида бундайларнинг умри қуёши завоқ кўрмасин”².

Вазир сўзи – “визр” (гуноҳ) сўзидан келиб чиққандир. Бу ҳол унинг табиатига жуда мос ва лойиқдир. Вазирликни ғоятда ўрнига қўйиб бажарган Сулаймон пайғамбарнинг вазири Осаф бўлиб, у ўз узугига: **“Инсофли одамни Худо раҳмат қилсин!”** деб ёзиб қўйган экан. Ўша Осаф дунёдан кетар чоғида инсофни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди ва инсоф гавҳарини ноинсофлар орасида қолдирмади. Киши ўзини ҳар қаёнга елдек ургани билан, Осафни бу дунёда қайдан топади?! Агар, дунё аҳлидан бирор зотни Осаф сифат дейиладиган бўлса, ишонмангким, Сулаймон тахти аллақачон барбод бўлиб, Осаф ҳам аллақачон ўлиб кетган.

¹ *Навоий Алишер.* Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.15–16.

² *Навоий Алишер.* Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.16.

Бу золимлар (инсофсиз вазирлар) мамлакатни барбод қилувчи, халқнинг йиғган-терганини йўқотгувчилардир. Энг яхшиси, бирор кимса булар ҳақида қалам тебратмагай ва бу қаламдек юзи қоралар номини қалам тилига келтирмагай. Дори ўрнига захар бериб, беморларни ўлдирувчи табиблар буларга жуда ўхшаш ва яқиндир. Бу икки тоифадан ҳар бири илондир, шоҳ бундайларни ер билан яксон қилши зарур.

Буларнинг ҳаммаси чаён; халойиққа етказди кўп зиён. Улар қаламининг учи – чаён найзаси; аҳоли жонига у найзадан ўлим даҳшати. Бу найза мазлумларга қанчайин санчилса, у золим вазирларнинг боши ҳам ажал тоши билан шунча янчилади, деб умид қиламиз¹.

Виждонсиз, ҳаром-ҳаришдан тортинмовчи, бедийнат садрлар (мансабдорлар) – ҳеч зарурати бўлмаган бидъатдек нарсадир. *Агар бу нокас илмсиз бўлса, бутун қилмиши – бузуқлик, фисқу фужурдир. Унинг базмидаги соз ва куй оҳанглари илм ва тақвога тутилган азанинг мотам фарёдидир.*

Аслида, садр (мансабдор) – олимларга дастёр, шайхларга хизматкор, саййидларга кўмакчи ва фуқаро хизматига ҳамиша тайёр бўлмоғи керак. Улар зулм риштасини узгувчи, вақф ерларнинг бузилганини тузувчи ва зироат-деҳқончиликни авж олдиришга саъй-ҳаракат кўргизувчи бўлмоғи керак².

3. Табиблар тўғрисидаги ғоялари. Алишер Навоий шифокорлик касби билан шуғулланувчилар ҳақида: “Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши; беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши; асли тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи; мулойим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи, андешали, хушфеъл бўлмоғи керак. *Ўтқир ва шафқатли табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни дуо билан танга киритиши бўлса, бунинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан*

¹ *Навоий Алишер.* Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.18–19.

² *Навоий Алишер.* Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.19.

чиқармасликдир. Бундай табибнинг юзи хасталар кўнглида сеvimлидир; сўзи эса, беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар бир нафаси беморларга даво; ҳар қадами эса, хасталарга шифодир. Унинг юзи нажот келтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тириклик сувини эслатади.

Табиб агар, ўз касбида мохир бўлсаю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва кўпол сўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам, бари бир унинг мизожида ўзгариш пайдо қила олмайди. *Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирди каbidир. У тиз билан ўлдирса, бу заҳар билан азоблайди. Шубҳасиз, жаллод бундай табибдан яхшироқдир: зеро, у гуноҳкорларни ўлдиради, бу эса беғуноҳларни ҳалок қилади. Ҳеч гуноҳкор жаллод қўлида хор бўлмасин; ҳеч бир беғуноҳ касалманд бундай табибга зор бўлмасин*”¹ – деган ахлоқий-маънавий фикрни билдирган.

Ҳазрат мир Алишер Навоийнинг жаҳон ва туркий халқлар маънавияти хазинасига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида И.А.Каримов: “*Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига зоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир.*

... Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

...Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришида, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришида шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”², – деган эди.

Ўзбек халқининг узоқ мозийга бориб тақалувчи тарихидан бундай далилларни фалсафий асос сифатида кўплаб келтириш мумкин.

¹ *Навоий Алишер. Махбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.25.*

² *Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.47–48.*

3. Миллий ғоя ва мафкуранинг илоҳий қадриятлар асосига қурилган диний негизлари. *Миллий ғоя ва мафкура фанининг диний¹ негизлари деб шахс ва жамият мафкурасининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши учун замин вазифасини ўтайдиган Худога эътиқод қилишга асосланган инсониятни эзгулик сари етаклайдиган диний дунёқараш, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуига айтилади.*

Буни қуйидагиларда:

1) инсониятнинг тинч-тотув яшаши каби энг яхши орзу-умидларини ифодаловчи ғоялардан ташкил топган мафкураларнинг “Забур”, “Таврот”, “Инжил”, “Қуръони карим” каби илоҳий китобларда ўз ифодасини топганлигида;

2) диний таълимотларга асосланган мафкураларнинг баъзи бир халқларнинг тараққиёт йўлини асослаб берганлигида;

3) диний ва дунёвий мафкуралар бир-бирини бойитиш орқали ижтимоий тараққиётнинг юксак босқичга кўтарилишини таъминлаши мумкинлигида;

4) ҳозирги кунда амалиёт фалсафаси деб тан олинаётган прагматизм ва экзистенциализм (ҳаёт фалсафаси)нинг ҳам дунёвий ва диний ғоялардан озикланаётганлигида кўриш мумкин.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг диний илдизлари баққувватдир. Чунки у ота-боболаримиз дини бўлган – исломнинг инсониятни ҳидоят сари бошловчи дурдоналаридан озикланади, баҳра олади. *“Ислом дини, – деб ёзган эди И.А.Каримов, – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши*

¹ “Дин” арабчадан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб, “эътиқод, ишонч”, деган маъноларни англатади.

ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар”¹.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг диний негизларини ташкил этувчи ислом динининг ғояларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони Карим”да баён этилган мангуликка дахлдор фикрлар. Қуръон (араб. — ўқимоқ, қироат қилмоқ) — ислом динининг муқаддас китоби. У Яратган томонидан Муҳаммад алайҳиссаломга 23 йил, яъни 13 йил мобайнида Маккада ва 10 йил давомида Мадинада нозил қилинган. Мазкур муқаддас китоб 114 сура ва 6274 оятдан иборат бўлиб, ҳар бир суранинг ўз номи бор. Сураларнинг энг каттаси 286 оятли “Бақара”, (“Сигир”) сураси бўлиб, энг кичиги эса 3 оятли “ал-Кавсар”, (“Жаннат булоғи”) сурасидир. Ҳар бир суранинг аввалига “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” — “Раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан” калимаси битилган. Фақат 9-суранинг, яъни “Тавба” сурасининг олдида бу сўзлар битилмаган.

Қуръон оятларида баён этилган кўпгина хулосалар бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар инсонларни ўзаро тинчлик-ҳамжиҳатликда яшашга, адолатпарвар, ҳақиқатгўй бўлишга чақиради. Барча одамлар миллати, ирқи ва насабидан қатъи назар Аллоҳ олдида тенг эканликларини таъкидлаб, бир-бирларини камситиш, бир-бирларига зулм қилишдан қайтаради².

2. Ислом динининг диний таълимот ва амалиёт даражасига кўтарилишига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломалар Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби юзлаб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Унинг ўзи. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. —Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б.40.

² Қуръони Карим. Маънолар таржимаси. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол). —Т.: Шарк, 2008.

алломаларимиз томонидан ёзилган асарлар ва уларда илгари сурилган ғоявий таълимотларни киритиш мумкин.

Масалан, **Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий** ўз ҳикматларида шундай деганлар:

– *“Ҳеч бир йўқотишдан қайғуриш керак эмас, фақат ниятни йўқотишдан қайғуриш керак. Чунки бирор хайрли иш ниятсиз дуруст бўлмайди”*.

– *“Шайтоннинг бир соат ичида ҳалок қилганини юзта оч арслон бир сурув қўй ичида қила олмас. Нафснинг бир соат ичида одамга қиладиган вайронлик ишини эса юзта шайтон қила олмас”*.

– *“Болаларнинг тузалуви, тарбияси – мактабларда; қароқчиларнинг тузалуви, тарбияси – қамоқхоналарда; аёлларники – уйларда; ёшларники илмда; кексаларники эса масжидлардадир”¹*.

Бурҳониддин Марғинович “Ал-Ҳидоя” (“Тўғри йўлдан олиб бориш”) асарига назар ташлайдиган бўлсак, унда вақф, савдо-сотик, савдода ихтиёрий қилиш шарти, молни кўриш ихтиёри, молдаги айбни кўрганда бериладиган ихтиёр, бузилган савдо, бўлиб ўтган савдони бузиш (иқола), пишмаган (салам) савдо, васият, қасам, каффорат (гуноҳидан ўтиш), жиноят ва жазо ҳақида исломий ҳуқуқий таълимотга асос солинганлигини кўрамыз. Масалан, “Ал-Ҳидоя”да тухмат қилувчи шахсга нисбатан қачон, қай ҳолатда, қай тарих, кимлар томонидан шаръий (дарра уриш) жазо қўлланилиши баён қилинган бўлиб, тухматчи киши ўз сўзига тўртта гувоҳ келтира олишлиги, агар келтира олмаса, унинг сўзи тухмат деб эътиборга олиниши ҳамда тухматга учраган эркак ёки аёл даъво кўтариб чиқишлари шарт қилинган.

Бу улуғ зотнинг ислом дунёсидаги тарихий ўрни ҳақида И.А.Каримов: “Ўзининг беқиёс салоҳияти билан буюк илмий мактаб яратиб, гўзал Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ислом ҳуқуқшунослигининг яна бир улкан

¹Қаранг: *Кенжабек М.* Термиз тазкираси. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. –Б.28, 29, 30.

намояндаси Бурҳониддин Марғинонийнинг табаррук номини бутун мусулмон дунёси юз йиллар давомида эъзозлаб келади. Бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида “Бурҳониддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг хужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди.

Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобдан иборат “Ҳидоя” – “Тўғри йўл” деб аталган асари, мана, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани албатта бежиз эмас”¹, – деган эди.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (Ишонарли тўплам) бўлиб, унда буюк аллома томонидан жами тўпланган 600 минг ҳадисдан, фақат 7275 та энг “саҳиҳ” ҳадислар баён этилган². Ундан баъзи бир намуналар келтирамиз:

– *“Ҳаё иймондандир”.*

– *“Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг имони мукаммал бўлгайдир: инсофли ва адолатли бўлмоқ; барчага салом бермоқ; камбағалларга ҳам садақа бериб турмоқ”.*

– *“Мунофиқнинг учта аломати бор: сўзласа, ёлгон сўзлар; ваъда қилса, бажармас; омонатга хиёнат қилур; уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир”.*

– *“Қуйидагилар қиймат аломатларидир: илмнинг сусаймоғи; жаҳолатнинг кучаймоғи; зинонинг авж олмоғи; хотинларнинг кўпаймоғи; эркакларнинг озаймоғи, нодонлик, арақхўрлик”.*

– *“Илмнинг офати унутишдир. Уни ноаҳил кишига гапириш эса уни зое қилишдир”.*

– *“Эй одам боласи, тонг отиб кўз очаркансан танинг сиҳат, оиланг тинч, бир кунлик таоминг бўлса бор, ортиқча бойлик исташни қўй!”*

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.36, 40, 41.

² Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. 4-китоб. К.1. Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ: (Ишонарли тўплам). –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. –Б.5.

- “*Ҳеч қачон ҳеч кимни сўкма!*”
- “*Юзга эҳтиёт бўлинглар, юзга урманглар!*”
- “*Яхши кўрган кишингни ўртачароқ яхши кўр, балким бир кун келиб у ёмон кўрганинг бўлиб қолар. Ёмон кўрган кишингни ҳам ўртачароқ ёмон кўрки, бир кун келиб яхши кўрганинг бўлиб қолиши мумкин*”.
- “*Агар бир ёмонлик қилсанг, орқасидан уни ўчирадиган бир яхшилик қил*”.
- “*Илму ҳунарни Ҳитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар*”.
- “*Нонни ҳурматланглар!*”
- “*Эркак кишининг жамоли тилидир*”.
- “*Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир*”.
- “*Аёлларни фақат улуг одамлар ҳурмат қилади, Уларни фақат пасткаш одам хорлайди*”.
- “*Пора берган ҳам, пора олган ҳам дўзахга тушади*”.
- “*Отага итоат қилиши – Аллоҳга итоат қилишидир. Отага осий бўлиши – Аллоҳга осий бўлишидир*”¹.

“Илм эгалланг ! Илм – саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида – таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашида – қуролдир”².

“Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга кўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, – дейди И.А.Каримов, – ҳақли равишда мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом динида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, аҳли ислом

¹ *Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. 4-китоб. К.1. Ал-жомеъ Ас-Саҳиҳ: (Ишонарли тўплам). –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. –Б.17,18,20,36.*

² *Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. –Т.: Камалак, 1991. –Б.43.*

эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда»¹.

Буюк алломаларимизнинг юқорида келтирилган фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки: *«Ислоҳ – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришига ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади»*². Уларда диний ақидапарастлик, терроризм каби вайронкор ғоялардан асар ҳам йўқдир, фақат инсонларни яхши амаллар қилишга, эзгулик сари интилишга, озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшашга, тинчлик ва саломатлик учун шукроналик қилишга, бир-бирларига ҳасад билан эмас, балки ҳавас билан қараб, қувониб, завқланиб яшашга чорлашгина мавжуддир, шу туфайли уларнинг халқимиз қалбидан мангу жой олиб, энг буюк эътиқодга айланганлигини кўрамыз, уни дилдан ҳис этиб яшаймиз.

4. Миллий ғоя ва мафқуранинг замонавий илм фан қадриятларига асосланган дунёвий илдизлари.

Миллий ғоя ва мафқуранинг дунёвий илдизлари деб, реал маърифий дунёда шахс ва жамиятнинг ғоявий-мафқуравий тафакқурини юксак даражада ривожлантиришига қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий муносабатларнинг яхлит тизимига айтилади. Инсоният асрлар мобайнида босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Миллий ғоя ва мафқуранинг дунёвий илдизлари деганда куйидаги уч жиҳатнинг ўзаро бирлигини тушунмоқ керак бўлади.

Биринчидан, табиат ҳодисаларини ўрганиш борасида қўлланилаётган усул ва воситалар натижасида олинган ҳақиқатлиги амалиётда тасдиқланган илмий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.38.

² Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл// Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017.– Б.30.

назарий ғоялар ва амалий ишланмалар. Масалан, инсоннинг қон айланиш тизими тўғрисидаги замонавий тиббиёт назариялари, унинг иш фаолиятини яхшилашга қаратилган амалий ишланмалар. Шунингдек, космонавтика, кибернетика, клонлаштириш, генмуҳандислиги каби буюк кашфиётлар ҳам одамларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Улардан оқилона фойдаланиш масаласи эса, жамият учун соғлом ғоя, соғлом мафкура зарурлиги масаласини ҳам келтириб чиқармоқда.

Иккинчидан, жамият ҳаётидаги ўзгаришларни ўрганиш асосида ҳосил қилинган назарий-амалий билим ва ишланмалар. Масалан, ҳозирги кунда умумэътироф этилган тамойиллар: қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этиши.

Учинчидан, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг қонун йўли билан ҳимоя қилиниши. Масалан, ҳозирги кунда жаҳондаги аксарият мамлакатларда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан қафолатланган. Ана шундай жиҳатларнинг ўзаро бирлиги жамият мафкурасини “Дунёвийлик¹ – даҳрийлик² эмас” деган тамойил асосида ривожлантиради. Бу эса, асло диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини инкор этмайди. Мустақил Ўзбекистон ҳар бир фуқаронинг табиий яшаш ҳуқуқи, виждон ва диний эркинлигини таъминлайдиган дунёвий суверен демократик давлатдир. Бу хусусда И.А.Каримов: “Дунёвийлик, айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас. Биз бундай нотўғри ва ғаразли талқинларга мутлақо қаршимиз”³, – деган эди.

¹ “Дунёвий” – арабчадан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб, “бутун жаҳонга, реал ҳаётга, моддий дунёга оид”, деган маъноларни англатади.

² “Даҳрий” – арабчадан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб, “Аллоҳнинг борлигига ишонмовчи, худосиз, шаккок”, деган маъноларни англатади.

³ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир // Унинг ўзи. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.504.

5. Миллий ғоя ва мафкуранинг иқтисодий ҳаёт қадриятларга асослангани ижтимоий-иқтисодий асослари. Миллий истиқлол ғоясининг ижтимоий-иқтисодий асослари мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар, ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар билан узвий боғлиқдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий-иқтисодий асослари деб ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, элат, миллат, халқнинг эркин ва фаровон яшаши, меҳнат қилиши, яратилган моддий ва маънавий неъматлардан тўла-тўқис баҳраманд бўлишига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ғоялар ва уларнинг ҳайтийлигини таъминлаш учун мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузум томонидан олиб борилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуига айтилади. Масалан, мамлакатимизнинг бир бутун ижтимоий-иқтисодий тузум сифатида шаклланиб, уни янада тараққий эттиришнинг ”ўзбек модели”, унинг мантиқий давоми бўлган «Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси»нинг ишлаб чиқилиши ва уни амалга ошириш учун бўлаётган саъй-ҳаракатлар шулар жумласига киради. Бундай мантиқий изчилликда илгари сурилиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ғоялари:

1) ҳар бир шахс, оила ва фуқарони муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаётга эришишга чорлайди;

2) ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланмасин, ўз манфаатини халқ ва Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўришга даъват этади;

3) мулкдор одамлар жамият ичида, халқ орасида фақат бойлиги билан эмас, балки юксак маънавий фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши зарурлиги, “шахсий ва оилавий фаровонликка эришиш имконияти ҳар кимнинг ўз кўлида”, деган ҳаёт ҳақиқатини замонавий дунёқараш сифатида шакллантиради;

4) “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, ”инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун”, деган ғоясини илгари суради.

Булардан ташқари, мулкнинг хилма-хиллиги, иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш, бу соҳадаги плюрализмни ва соғлом рақобатни янада юксак даражада ривожлантириш ҳам истиқлол мафкурасининг ижтимоий-иқтисодий асослари қаторига киради. Шу билан бирга, миллий истиқлол мафкураси, бу соҳаларда ана шу тамойилларнинг қадрланиши ва мустаҳкамланиши ҳамда фуқароларимиз ҳаётининг таркибий қисмига айланиши учун хизмат қилади.

IV БОБ. ҒОЯЛАР ХИЛМА ХИЛЛИГИ ВА МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

**1-§. Жамият ҳаёти – ғоя ва мафкуралар хилма хиллигининг манбаии.
Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси. Идеосфера тушунчаси ва унинг
ўзига хос хусусиятлари**

I. Жамият ҳаёти – ғоя ва мафкуралар хилма хиллигининг манбаии.

1. Жамият ҳаёти тушунчаси. Ижтимоий психология ва мафкура.

Жамият ҳаёти – бу ижтимоий субъектлар (шахс, ижтимоий гуруҳ, синф, жамият)нинг муайян тарихий шароитда мавжуд бўлган воқеликни ўзлаштириши ва ўзгартиришига қаратилган фаолият тур ва шаклларида ташкил топган реал жараён ҳисобланади. Бу жараённинг негизини инсон меҳнат фаолиятига асосланган моддий ва маънавий ишлаб чиқариш ташкил этади. Бунда моддий ишлаб чиқариш кишиларнинг моддий (озик овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқалар), маънавий ишлаб чиқариш эса уларнинг маънавий (илм-фан, адабиёт-санъат, китоб, газета, ахборотлар олиш, кадриятлар ва бошқалар) эҳтиёжларини қондирувчи нарсаларни яратиш жараёнларини ўз ичига олади. Бунда маънавий ишлаб чиқариш – ижтимоий онг шакллари, маънавий кадриятлар, ғоялар оламидан ташкил топади ва уни такрор ишлаб чиқаришга, яъни кўпайтиришга, хусусан авлодлар ўртасидаги маънавий ворисийликни таъминлашга хизмат қилади. Ижтимоий онг маънавий ишлаб чиқаришнинг ўзаги, квинтэссенцияси ҳисобланади.

Ижтимоий онг мураккаб тузилишга, динамик хусусиятга эга бўлган феномен бўлиб, асосан иккита: гносеологик ва социологик аспектда ўрганилади. Ижтимоий онг гносеологик аспектда мавжуд борлиқни акс эттиришнинг кундалик ва назарий даражаси, социологик аспектда эса унинг фаолият моменти, фаолият олиб боришидаги муносабатлар тизими сифатида талқин ва

тадқиқ қилинади. Социологик аспектга кўра ижтимоий онгни ижтимоий психология ва мафкура(идеология)га бўлиб ўрганиш қабул қилинган.

Ижтимоий психология – бу шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқларнинг бевосита меҳнат ва турмуш шароитлари таъсирида вужудга келадиган кундалик қарашлари, одатлари, сезгилари, ахлоқий хусусиятлари, туйғулари, янгилишувлари ва хаёлларининг йиғиндисидир.

Мафкура (идеология) – бу ижтимоий гуруҳ, синф, миллат, жамиятнинг мавжуд реалликни ўзининг манфаатлари, идеали, мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ифодалайдиган қарашлар, ғоялар, тамойиллар тизими бўлиб, у жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади.

Мафкура ва ижтимоий психология ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий психология бирон бир ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг манфаатларини бевосита тарқоқ ҳолда акс эттириш туфайли юзага келса; мафкура эса маънавий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган муайян кишилар гуруҳи томонидан бирон бир мақсадни кўзлаган ҳолда яратилади;

2) ижтимоий психология воқеликни акс эттиришнинг биринчи куйи даражаси – оддий онгни ташкил этса, мафкура эса воқеликни ифодалашнинг тартибга солинган ва илмий жиҳатдан шакллантирилган иккинчи юқори даражаси – назарий онг сифатида ўзини намоён қилади;

3) ижтимоий психология одамларнинг барча қарашларини яхлит қоришиқ тарзда қамраб олса, мафкура эса бир биридан ажратилган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий, диний, эстетик қарашлар тизимидан ташкил топган бўлади.

4) ижтимоий психология кундалик ҳаётини вазибаларни амалда ечишга, мафкура эса глобал ижтимоий вазибаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Демак, ижтимоий психология ва мафкура ўртасидаги ҳолатлар мантиқан олиб қараганда жамият ҳаётининг ғоя ва мафкуралар хилма хиллигининг манбаи эканлигини кўрсатади.

2. Ғоялар хилма-хиллиги тушунчаси,маъно-мазмуни. Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб унинг маънавий вужудида икки куч –эзгулик ва ёвузлик доимо бир бири билан курашиб келади. Эзгулик одамларни тинч-осуда яшашга, ёвузлик эса уларни қабих ишларни амалга оширишга чорлайди. Бу дин арбобларининг тили билан айтганда «рахмон» ва «шайтон» ўртасида одамларни ўз измига оғдириб олиш учун бўладиган курашдан иборатдир. Асрлар мобайнида давом этиб келаётган ана шу кураш йўлларидаги эзгулик ва раҳмонийлик – бунёдкор ғоя ва мафкураларнинг, ёвузлик ва шайтонийлик – вайронкор бузғунчи ғоя ва мафкураларнинг келиб чиқишига олиб келган бўлса,ажаб эмас.

Инсоният тарихи ва тараққиёти ана шу икки қарама қарши ғоя ва мафкуралар курашида ғолиб ва мағлуб бўлган томонларнинг бир неча бор алмашинуви сифатида давом этиб келаётган узлуксиз жараён эканлигини кўрсатади. Демак, инсоният тарихи нафақат одамлар, халқлар ўртасида жанг майдонларида бўлиб ўтган уруш-тўполонлар тарихидан, балки ғоялар ўртасидаги курашлар тарихидан ҳам иборатдир.

Ғояларнинг хилма-хиллиги,*биринчидан*, дунёдаги барча одамларнинг индивидуал ғоявий қарашларга эга эканлиги; *иккинчидан*, одамлар ўртасидаги мулкый муносабатларнинг шаклланганлик даражаси; *учинчидан*, давлат томонидан юритилаётган ички ва ташқи мафкуравий сиёсатнинг аҳволи; *тўртинчидан*, давлат ҳокимиятини эгаллаш борасида сиёсий етакчиликни қўлга киритиш учун ўзаро курашаётган сиёсий партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг мафкураларининг мақсади ва вазифалари; *бешинчидан*, инсонга қандай ҳуқуқ ва эркинликлар берилганлиги; *олтинчидан*, инсоннинг умуминсоний ва миллий қадриятлардан қанчалик даражада фойдаланаётганлиги билан белгиланади. Шунга кўра, *ғоялар хилма-хиллиги деб, жамият ҳаётининг фаол субъектлари томонидан бирон бир мақсадни кўзлаган ҳолда, одамларнинг руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, уларни ҳаракатга чорлайдиган кучли, теран*

фикрлар асосига қурилган турли хил кўринишдаги ғоя ва мафкуралар тизимига айтилади. Шу нуқтаи назардан караганда жамиятнинг кўп қиррали маънавий ҳаёти ғоялар ва мафкуралар хилма хиллигининг онтологик ва гносеологик асосларини ташкил этади.

Ғоя ва мафкураларнинг хилма-хиллигини билиш учун биринчи навбатда унинг манбаини ўрганмоқ керак бўлади. Бу эса жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси: мафкуравий онг, мафкуравий жараён, мафкуравий муносабатлар, мафкуравий фаолият юритишнинг қонун-қоидаларини ўзлаштириш орқали амалга оширилади.

II. Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси. Жамият ҳаётининг ядросини ташкил қилувчи моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларининг гоҳида уйғун, гоҳида зиддиятли кечиши, уларнинг ижтимоий онг шакллари сифатида акс этиб, мафкура тарзида ўзлигини намоён қилиши шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, синф ва жамият ҳаётида мафкуравий соҳанинг мавжудлигидан дарак беради.

Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси деб жамиятда ҳаётида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий жараёнларни ўз орзу-истак, мақсад-муддаоларига мос равишда изчил кечишини таъминлашга қаратилган шахс, ижтимоий гуруҳ, синф, элат, миллат кабиларнинг ғоявий-назарий қарашлари ва уларни амалга ошириш усул ва воситаларини ўзида мужассамлаштирган институционал тизимларига айтилади.

Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси ўз ичига: мафкуравий вазият, мафкуравий мақсад, мафкуравий сиёсат, мафкуравий тажовуз, мафкуравий хавфсизлик, мафкуравий толерантлик, ғоявий бўшлиқ, ғоявий зиддият, ғоявий қарамлик, ғоявий парокандалик, ғоявий заифлик, ғоявий ва мафкуравий тарбия, мафкуравий майдон, мафкуравий полигон, мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика кабилар жамият ҳаётида кечаётган барча

ғоявий ва мафкуравий жараёнларни, уларнинг тур ва шаклларини ўз ичига камраб олади. Бу эса унинг кўп қиррали макро ва микро соҳалардан ташкил топганлигини кўрсатади.

Демак, жамият ҳаётининг мафкура соҳасини ўрганаётганда, унинг кўп қиррали мафкуравий фаолият юритиш тизимидан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда мазкур соҳанинг қуйидаги жиҳатларига: муайян ғоялар, уларнинг намоён бўлиш шакллари, хусусиятлари ва мафкура йўналишидаги фаолият тизими; жамиятнинг шу соҳасига хос ижтимоий муносабатлар ва инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солувчи баъзи талаб ва қоидалар мажмуи; ғоя ва мафкура соҳасидаги таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот тизимидан иборат яхлит ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи; инсоннинг ғоявий-мафкуравий жараёнлар доирасида амалга оширадиган, ўзини ва ўзи яшаётган муҳитни такомиллаштирувчи ижодий фаолияти ва унинг натижалари; инсоннинг эзгу ғоялар ва идеалларга интилиши, камолоти, унинг маънавий қиёфасининг такомиллашув даражаси; жамиятнинг барча соҳалари билан ўзаро алоқадор бўлган, муайян ғоя ва мафкура асосида шаклланадиган талаблар ва тамойиллар ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи мезонлар тизими эканлигига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

III. Идеосфера тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари. Инсонни ўраб турган объектив борлиқнинг тузилиш, ўзаро боғланиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш жараёни чексиз давом этадиган жараён бўлиб, унинг натижасида табиат ва жамиятнинг янгича типдаги таркибий тузилишини ўзида ифодаладиган бир қатор соҳалар пайдо бўлади. Шунга мувофиқ тарзда уларнинг туб моҳиятини ўзида ифодаладиган тушунчалар, атамалар ҳам юзага келди. Масалан, биосфера, геосфера, гидросфера, литосфера, ноосфера каби атамалар шулар жумласидандир. Шунга кўра жамият ҳаётининг мафкура соҳасини ўрганувчи мутахассислар, ушбу соҳани

тадқиқ қилишда «идеосфера»¹ атамасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқдалар. Ушбу атаманинг келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бунда Ғарбий Европада шаклланган жамиятларнинг ғоявий-мафкуравий ҳаётини ўрганиш, у ҳақида таълимот яратишга ҳаракат қилган француз файласуфи ва иқтисодчиси **А.Л.К.Дестют де Трассе** ўзининг 1815 йилда ёзган “Идеология элементлари” номли китобида **биринчи марта “идеология”** сўзини фалсафий тушунча сифатида ишлатганлигини учратамиз.

Бугунги кунда нашр этилаётган илмий-фалсафий адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. Булар асосан синоним тушунчалар бўлиб, ўзбек тилидаги адабиётларда «ғоя» ва «мафкура», хорижий тиллардаги, шу жумладан рус тилидаги адабиётларда эса «идея» ва «идеология» тушунчалари тарзида қўлланилмоқда.

«Идея» ибораси юнон тилидаги «idea – ғоя» сўздан олинган бўлиб, «идеология» сўзи учун ўзак вазифасини бажарган ҳолда «ғоя» ёхуд «тушунча», «фикр» маъносини англатади. Идеология (юнонча idea – ғоя, тушунча, logos – таълимот) атамаси эса сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний ва ш.к. қарашлар ва ғоялар тизимини ўзида ифодалаган ҳолда қуйидаги икки хил: *биринчидан*, ғояларнинг мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодаладиган илмий соҳа; *иккинчидан*, муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизими деган маъноларни англатиш учун ишлатилади. Шундай қилиб «идея» ўзбек тилидаги «ғоя», «идеология» эса «мафкура» маъносида қўлланилиб, жамият ҳаётининг ғоявий-мафкуравий соҳасини ўзида акс эттирувчи «идеосфера» атамасини қўллаш учун фразеологик асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда олиму-фозиллар «идеосфера» тушунчасини икки хил ёндашув асосида: *бир томондан*, жамиятнинг мафкуравий ҳаётининг турли хил

¹ **Идеосфера** – идея – мафкура ва сфера – соҳа сўзларидан олинган бўлиб «мафкура соҳаси» деган маънони англатади.

жабхаларида содир бўлаётган жараёнларни, уларни мақсадга йўналтириш, тартибга солиш, бошқариш борасида олиб борилаётган мафкуравий фаолият юритиш ишларини; *иккинчи томондан* эса, инсонни ўраб турадиган ғоя ва мафкуралар дунёси мавжуд, унда ғоялар ва мафкуралар вужудга келади, амал қилади, ўтмишга айланади ёки сақланиб қолади, одамлар доимо уларнинг таъсири остида яшайди. Унда ҳеч бир ғоя изсиз йўқолмайди. Ҳар қандай киши томонидан бирон-бир замонда баён қилинган ғоя унда муайян ўрин эгаллайди, зарур ҳолларда намоён бўлади, одамларга таъсир кўрсата, деган маънони ифодалаш учун қўллаётганлигини кўрамыз.

Биринчи ёндашувга кўра, идеосферанинг объектини мафкуравий фаолият предметлари ташки этиса, унинг субъектини эса мафкуравий фаолиятни мақсадга йўналтириш, тартибга солиш, бошқариш функцияларини профессионал даражада амалга оширувчи, шу соҳада эгаллаган касби ҳисобига ўз эҳтиёжларини қондирувчи одамлар ва уларнинг бирлашмалари ташкил этади. Буларнинг ваколатлари қонунда белгилаб қўйилган бўлиб, қонундан ташқари бўлган барча мафкуравий фаолият субъектлари мақсад-муддаолари, амалий хатти-ҳаракатларига қараб ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланади. Бордию, уларнинг ғоявий қарашлари, мафкуравий хатти-ҳаракатлари қонунга зид бўлса, ўзбек халқининг менталитетига мос келмаса, булар норасмий мафкуравий ташкилот, бирлашма сифатида қаралиб, уларнинг фаолияти тўхтатилади. Аниқроғи, халқ томонидан эътироф этилган бунёдкор мафкуралар, расмий тан олинган идеосфера доирасидан ўзига жой олади, тан олинмаган вайронкор мафкуралар эса ундан четга суриб чиқарилади.

Иккинчи ёндашувга кўра идеосферани икки қисмга, яъни дунёвий ва диний идеосферага ажратиш мумкин.

1. Дунёвий идеосфера – *бу табиат, жамият, инсон борлигини илмий жиҳатдан билиш орқали ҳосил қилинган ғоялар тизимидан ташкил*

топган, ҳақиқатлиги амалиётда тасдиқланган илмий ғоялар ва мафкуралар дунёсидир.

Дунёвий идеосферага хос бўлган хусусиятлар:

1) ғоя ва мафкураларнинг аниқ табиий, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар негизида пайдо бўлиши;

2) илмий ғоя ва мафкураларнинг табиий, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар негизини ташкил этиб, унинг келгусидаги истиқболларини белгилаб бериши;

3) илмий ғоя ва мафкураларнинг тарихий макон ва замонда қадрият мақомини олиб, ўтмишни бугунги кун ва келажак билан боғлашда ворисийликни таъминлаши;

4) илмий ғоя ва мафкураларнинг ўзига хос бўлган тушунтириш аппаратининг мавжудлиги ва унинг замон талабларига мос равишда такомиллашиб бориши;

5) илмий ғоя ва мафкураларнинг пировард мақсади инсониятнинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилганлиги;

6) илмий ғоя ва мафкураларнинг вайронкор - бузғунчи ғоя ва мафкуралар хуружига қарши одамларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш имкониятининг бисёрлиги кабиларда намоён бўлади.

2. Диний идеосфера – бу бу табиат, жамият, инсон борлигини, унинг ривожини ва таназзулини, келгусидаги тақдирини Яратганнинг иродасига боғлаб тушунтирувчи ғоя ва мафкуралар тизимидан ташкил топган мўъжизакор ғоялар ва мафкуралар дунёсидир.

Диний идеосферага хос бўлган хусусиятлар:

1) дунёда мавжуд бўлган барча жонли ва жонсиз нарсалар, одамлар Яратганнинг иродаси туфайли пайдо бўлган ва уларнинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган;

2) Яратган тирик жонзодлар ичида инсонга энг олий – ақлли мавжудод мақомини берган;

3) Яратган олдида ҳамма инсонлар тенгдир;

4) илм ўрганиш – Яратганнинг мўжизакор кучини англаш демакдир деган ғояларни ўзида мужассамлаштирган мукаддас диний китоблар Таврот, Забур, Инжил, Қуръони Карим ҳамда Ҳадис китобларида муфассал баён қилинган. Айниқса, буюк бобокалонларимиз ат-Термизий ва ал - Бухорий томонидан тўпланган “Ҳадис”лар китобида баён қилинган ғоялар ислом динига хос бўлган диний идеосферанинг бунёдкорлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан инсоният тарихида бунёдкор ғоя сифатида алоҳида аҳамият ксб этади.

Идеосфера доирасида хизмат қилувчи мутахассислар, катта-кичик ходимлар, хизматчилар – идеологлар (мафкурачилар) деб аталади. Улар фаолиятининг объектини одамлар ташкил қилади. Идеологларнинг вазифаси эса одамларнинг онги ва тафаккурини давр талаб қилаётган ғоявий ва мафкуравий мезонларга мос равишда ўзгартириш асосида янгича дунёқарашни шакллантиришдан иборатдир.

IV. Мафкуравий онг ва унинг хусусиятлари. Бугунги кунда инсон онгини, унинг хусусиятларини тушуниб етиш масаласи энг мураккаб ва жумбоқларга бой бўлган муаммолар қаторига киради. Бунга сабаб уни қўл билан ушлаш, кўз билан кўриш, турли хил асбоблар билан ўлчаш орқали билиш имкониятининг йўқлигидир. Шундай бўлишига қарамасдан одамлар минг йиллар давомида унинг моҳиятини ўрганиш, сир-асрорларини билишга ҳаракат қилиб келганлар ва бу соҳада муайян ютуқларни қўлга киритганлар. Масалан, замонавий тиббиёт одам миясини онгнинг манбаи деб билган ҳолда унинг анотомик тузилиши, унда юз бераётган жараёнларнинг топография жойлашуви, унинг нейрофизиологик хусусиятлари, мия ярим шарларида жойлашган турли хил нейронларнинг бажарадиган функциялари, уларнинг хасталаниш сабаблари ҳамда мазкур хасталикни даволаш усул ва воситалари ҳақидаги ҳосил қилинган билимлари шулар жумласидандир.

Хўш, онг нима? Бу саволга файласуф олимлар ҳозирги кун илм-фан ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича жавоб берадилар.

Инсон онгги: *биринчидан*, юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг хусусиятидир; *иккинчидан*, воқеликни инъикос этишнинг олий шакли, моддий дунёнинг маънавий образидир; *учинчидан*, ижтимоий-тарихий таракқиётнинг маҳсулидир; *тўртинчидан*, инсоннинг бирон бир мақсадга йўналтирилган фаолиятини тартибга солувчиси, бошқарувчиси дир. Шундай қилиб, **онг – бу инсон томонидан мавжуд воқеликни акс эттириш ва маънавий ўзлаштиришининг ўзига хос хусусияти бўлиб, юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг маҳсули, объектив оламнинг субъектив образи, бирон бир фаолият юришининг ҳаракат дастурини яратиш, уни амалга ошириш ва бошқариш учун керакли бўлган ахборотларни олиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлашни ташкил қилиш асосида бошқаришга қаратилган фаолият шаклидир.**

Онг ижтимоий характерга эга бўлиб, уни олимлар сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, дин, фан, санъат каби шаклларга бўлиб ўрганадилар. Ижтимоий онгнинг мазкур шакллари мавжуд воқеликдаги вазиятга қараб бирон бир мафқуранинг объекти бўлиб хизмат қилади.

Мафкура эса ижтимоий онг шаклларининг мазкур воқеликни қандай даражада инъикос этганлигига қараб, уларни бирон бир мақсад сари йўналтиради. Бу эса мафқуравий онгнинг қанчалик даражада шаклланганлигига ва ривожланганлигига боғлиқ бўлади. Демак, шундай экан мафқуравий онг нима ва у қандай хусусиятларга эга деган савол туғилади.

Мафқуравий онг – бу жамият ҳаётининг мафқуравий соҳасида юз бераётган нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш, шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини юқори даражада ташкил топган моддий аъзо – инсон миясида сезги, идрок, тасаввур, тушунча, ҳукм, хулосалар тарзида акс эттирилишидир.

Мафкуравий онгга хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1) мафкуравий онг маънавий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган муайян кишилар гуруҳи томонидан бирон бир мақсадни кўзлаган ҳолда яратилади;

2) мафкуравий онг ижтимоий онгнинг воқеликни ифодалаш борасидаги тартибга солинган ва илмий жиҳатдан шакллантирилган юқори даражаси – назарий онг сифатида ўзини намоён қилади;

3) мафкуравий онг бир биридан ажратилган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, диний, эстетик қарашлар тизимидан ташкил топган бўлади;

4) мафкуравий онг кундалик ҳаётий вазифаларни амалда ечишга эмас, балки глобал ижтимоий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики *мафкуравий онгнинг объектини* жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси – идеосфера, *унинг предметини* эса инсоннинг ғоя ва мафкура соҳасидаги турли шаклларда намоён бўладиган, муайян мақсадга қаратилган ижтимоий фаолияти ташкил қилади.

Мафкуравий онгнинг идеосфера атрибути сифатидаги асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай мафкуравий онг кишилиқ жамиятида пайдо бўлади, шаклланади ва ривожланади. Шу туфайли у ижтимоий аҳамият касб этади.

2. Мафкуравий онг жамиятни, ижтимоий жараён ва ҳодисаларни ғоявий нуқтаи назардан англаб етишнинг ҳосиласидир.

3. Мафкуравий онг ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида уларга хизмат қилувчи мутахассисларнинг дунёқарашига, эгаллаган позициясига қараб фарқ қилади.

4. Мафкуравий онг табиий-техник ва гуманитар-ижтимоий характердаги ғояларнинг мавжудлигини инкор этмайди, балки, уларни диалектик бирликда деб билади.

5. Мафкуравий онг ижтимоий онгга тегишли бўлган барча нарса, ҳодиса ва жараёнларни унинг ўзига ҳам тегишли деб ҳисоблайди.

6. Мафкуравий онг мавжуд бўлган ғоя ва мафкуралардан кимлар, қандай мақсадларда фойдаланаётганлигини, ундан қандай наф кўраётганлигини назардан четда қолдирмайди.

7. Идеосферанинг ўзига хос амал қилиш тамойиллар ва қонунлар мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш ва фойдаланиш мафкуравий онгнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

8. Мафкуравий онг идеосферада содир бўлаётган мафкуравий жараёнлар ва ҳодисаларнинг тез ўзгарувчанлиги, уникалиги, такрорланувчанлигини тушунтириб беришда фалсафа илмининг яққалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикасидан методологик асос сифатида фойдаланади.

9. Мафкуравий онг ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ амалиётда уни тушунтириб бериш учун тил қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда оддий сўз ва илмий атамалардан унумли фойдаланади.

10. Мафкуравий онг «одам ва олам» муносабатларини тушунишда фақат «субъект – объект» тарзида эмас, балки «субъект–субъект» муносабатлари шаклида ҳам мафкуравий фаолият юритишни рағбатлантиради.

1. Мафкуравий башорат. Идеосферанинг ажралмас таркибий қисми бўлган мафкуравий онгнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу халқлар ҳаётининг келажакда қандай бўлишини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан башорат қилиш, яъни айтиб бериш, кўра билиш ҳисобланади. Башорат деганда, одатда қисқа ва узоқ муддат ичида бирон бир шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият, давлат ҳаётида содир бўладиган ўзгаришларни олдиндан айтиб бериш тушунилади. Шунга кўра башоратлар илмий ёки ҳаёлий, прогрессив ёки регрессив бўлиши мумкин.

Илмий башорат – бу келгусида бўладиган ҳодисалар, воқеалар ёки жараёнларни объектив реал тараққиётнинг қонунлари тўғрисидаги илмий билимлар асосида олдиндан кўра билишдир. У фақат инсон онгига хос бўлган хусусият бўлиб, у бор бўлган жойда башорат бўлади, йўқ жойда эса ҳеч қандай башорат бўлмайди. Мадомики, илмий башорат инсон онгига хос бўлган хусусият экан, у албатта жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси– идеосферада хизмат қилаётган субъектларнинг мафкуравий онгига ҳам тегишли хусусият ҳисобланади. Демак, мафкуравий онгнинг муҳим хусусият(хосса)ларидан бири – бу мафкуравий башорат бўлиб, у мафкуравий соҳанинг келгусидаги истиқболларини олдиндан кўра билишга замин яратади. Шунга кўра **мафкуравий башорат деб идеосферада амал қилувчи объектив қонунларни билиш асосида келгусида унда юз берадиган ёки юз бериши кўзда тутиладиган воқеа, жараён ва ҳодисаларни олдиндан айтиб беришга айтилади.**

Мафкуравий башорат бирданига эмас, балки олдиндан ҳис этиш, олдиндан пайқаш, олдиндан топа олиш, прогнозлаштириш каби механизмларнинг ишга тушиши орқали баён қилинади. Бунга, идеосферада хизмат қилувчи мутахассислар томонидан олдиндан миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларининг қандай бўлиши ва қандай натижаларни келтириб чиқариши ҳақида айтган фикрлари мисол бўла олади. Илм-фан соҳасида М.В.Ломоносов, Д.И.Менделеев, Дж.Уйлер кабиларнинг, шунингдек, мафкуравий ҳаёт соҳасида Нострадамус, Ванга, айниқса, Расули Акрам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан қилинган башоратлар ўзининг мўжизавийлиги билан одамларни ҳайратга солиб туради. Ўз вақтида И.А.Каримов томонидан айтилган *“Ўзбекистон – келажакдаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият*

мавжуд. *Энг муҳими – бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди*”¹, – деган фикрлари ҳам илмий, ишончли мафкуравий башоратнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, **мафкуравий башорат** – бу *биринчидан*, жамият ҳаётида содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнларни аналитик таҳлилдан ўтказиш; *иккинчидан*, одамларнинг турмушида юз бераётган ҳар бир ғоявий-мафкуравий жараённинг сабабларини, келтириб чиқарадиган оқибатларини аниқлаш; *учинчидан*, халқ эътиқод қиладиган ғоя ва мафкураларнинг объектив ривожланиш қонуниятларини билиш; *тўртинчидан*, жамият ҳаётидан жой олган прогрессив ва консерватив ғоя ва мафкураларнинг ўзаро нисбатини баҳолай олиш орқали келгусида қандай ғоя ва мафкуралар пайдо бўлиши ҳақида чиқарилган мантиқий хулоса бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини келгусида халқнинг эркин ва фаровон яшашини таъминлайдиган янгидан янги бунёдкор ғояларга бўлган эҳтиёжини қондиришни таъминлаш масаласини илмий-амалий жиҳатдан ҳал этиш ташкил қилади.

2. Мафкуравий мақсад. Ҳар қандай мафкуравий башорат бирон бир мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Ҳар қандай мақсад қандай бўлишидан қатъий назар инсон эҳтиёжини қондириш йўлида қилинган мурод ва муддао сифатида кўзга ташланади. Ҳар қандай мақсад энг аввало эҳтиёж туфайли инсон онгида зоҳир бўлади. ***Мақсад деб инсон онгида унинг эҳтиёж ва манфаатларини қондириш борасида бўладиган муносабатлар туфайли келиб чиқиши олдиндан кўзда тутилаётган мурод - муддаоларга айтилади.*** Мақсад фақат инсонларгагина хос бўлиб, у ҳар қандай эҳтиёжни

¹ *Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли// Унинг ўзи. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1. – Т.: «Ўзбекистон»,1996. – Б.295.*

эмас, балки ижтимоий эҳтиёжни қондиришни кўзлаган ҳолда олдиндан ўйланган мурод, муддао¹ шаклида ўзини намоён қилади.

Мафкуравий онг пировардида идеосферанинг барча томонларини билиш ва ўзгартиришни кўзда тутар экан, буни жамият ҳаётининг иқтисоди, сиёсий ва маънавий соҳаларининг ғоявий мазмунини ўзида мужассамлаштира оладиган мафкуравий мақсадларни кўзлаш ва уни амалга оширишни эса зарурий бир объектив ҳолат деб илмий жиҳатдан талқин қилади.

Мафкуравий мақсад деб шахс, ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, элат, миллат, халқ, жамиятнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондириш борасида уларнинг индивидуал ва ижтимоий онгида олдиндан иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаёт соҳаларининг ғоявий мазмунини ўзида ифода этадиган мурод - муддаоларига айтилади.

Мафкуравий мақсадларни қуйидаги турларга: реал ва реал бўлмаган; қисқа ёки узоқ муддатга мўлжалланган; асосий ва иккинчи даражали; ички ва ташқи ш.к. ажратиш мумкин.

Реал мафкуравий мақсадлар деб шахс, ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, элат, миллат, халқ, жамиятнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга қодир бўлган мавжуд реал воқеликнинг ҳолати, унинг объектив ривожланиш қонуниятлари, субъектларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан пухта ўйланиб ва амалга ошириш имконияти мавжуд бўлган мантиқий фикр, ўй, мурод-муддаоларга айтилади. Масалан, "Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ана шундай реал мафкуравий мақсадлар қаторига киради.

Реал бўлмаган мафкуравий мақсадлар деб одамларнинг мавжуд объектив шарт-шароит, мафкуравий вазиятни ҳисобга олинмасдан олдиндан ўйган,

¹ **Мурод** – эришиш, амалга ошириш кўзда тутилган орзу. **Муддао** – кишининг дилидаги нияти//: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.626,645.

бироқ амалга ошириш имконияти йўқ бўлган, фақат ҳаёлий орзу-истакларни ўзида мужассамлаштирган мурод-муддаоларга айтилади. Масалан, панамерканизм, панславянизм, пантуркизм, панисломизм кабиларнинг кўзлаган мақсади ана шундай нореал бўлган мафкуравий мақсадлар шумласига киради.

Ўзоқ муддатли мафкуравий мақсадлар деб бу шахс, ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, элат, миллат, халқ, жамиятнинг стратегик жиҳатдан мавжуд реал воқеликнинг ҳолати, унинг объектив ривожланиш қонуниятлари, субъектларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан пухта ўйланиб ва ўзоқ муддат давомида амалга ошириш имконияти мавжуд бўлган мантиқий фикр,ўй,мурод-муддаоларга айтилади. Масалан, миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясини,мамлакатимизнинг бош стратегик мақсадига мос равишда амалга ошириш бунга мисол бўла олади. Бунда бизнинг бош стратегик мақсадимиз – бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Халқимизнинг бу мақсади узоқни кўзлаган мақсаддир.Чунки, эркин демократик жамият бир йилда эмас,балким бир неча ўн йиллар мобайнида аста-секин қарор топади. Ана шу узоқ мақсадга эришиш учун аввало яқин мақсадларни амалга ошириш керак бўлади.

Қисқа яқин муддатли мафкуравий мақсадлар – бу шахс, ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, элат, миллат, халқ, жамиятнинг қисқа муддат,яъни бир,икки ёки уч йил ичида аниқ бир ишни бажариш учун олдиндан ўйланган ҳолда баён қилинган мурод-муддаолар бўлиб, уларни бажариш вазифалари ҳам белгиланган бўлади. Масалан, таълим муассасалари,маҳалла,сиёсий партиялар ва бошқалар томонидан ёшларнинг тиббий маданиятини яқин йиллар,яъни бир йил ичида шакллантириш учун қилиниши лозим бўлган ишларнинг мақсади ва вазифалари эълон қилинган ҳужжатлар шулар қаторига киради.

Мафкуравий мақсадларнинг туб моҳиятини билиш учун объектив ва субъектив омиллар ўртасидаги боғлиқликни мантиқан тўғри англаш керак бўлади. Бунда асосий эътиборни объектив шароит ҳисобланмиш: эски

жамиятнинг ўрнига янгисининг келиш сабаблари; янгининг иқтисодий жиҳатдан яшовчанлик қобилиятининг қандай даражада эканлиги; мавжуд аҳоли қатламларининг кимни қўллаб-қувватлаши; халқаро ҳамжамиятнинг унга нисбатан бўлган муносабати кабиларга қаратиш зарурдир.

Мафкуравий мақсадларни амалга оширишда фақат объектив шарт-шароитларнинг ўзи етарли эмас. Айти вақтда объектив шароит билан бирга субъектив омил – ўзбек халқининг онглилиги, саводхонлиги, уюшқоқлиги ҳам зарурдир. Ана шу икки зарурий шартлар, яъни объектив моддий шарт-шароит ва иккинчидан, мақсадни амалга оширувчи кишиларнинг онглилик, саводхонлик ва уюшқоқлигидан иборат бўлган субъектив омилларсиз, бу шарт-шароит ва омилларнинг диалектик бирлигисиз мафкуравий мақсадни амалга ошириш мумкин эмас.

Мафкуравий мақсадларни белгилаш ва уларни амалга оширишда:

- 1) жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини тўлиқ ҳисобга олиш;
- 2) жамиятнинг объектив эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳаёт тараққиётининг прогрессив тенденциялари билан боғланиш;
- 3) ижтимоий ҳаёт ривожининг ҳар бир конкрет давридаги тараққиёти заңжирларининг асосий халқаларини топа олиш;
- 4) ижтимоий тараққиётдаги объектив ва субъектив омиллар ўртасидаги диалектик муносабатларни тўғри баҳолай олиш керак бўлади.

Шундай қилиб ўзбек халқи миллий мафкурасининг асосий мақсади – бу миллий истиқлол мафкурасининг бош зояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ва асосий бўлган – Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик зояларини халқнинг қалби ва онига сингдириш орқали Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамиятни барпо этишдан иборатдир.

3. Мафкуравий мўлжал. Ҳар қандай мафкуравий мақсад мафкуравий мўлжал орқали амалга оширилади. Хўш, мўлжал нима? Мўлжал – бу кўзланган мақсадни амалга ошириш учун олдиндан ўйлаб қўйилган иш, нарса, режадир¹. Шунга кўра *мафкуравий мўлжал – бу мафкуравий мақсадга эришиш учун олдиндан пухта ўйлаб қўйилган ишлар режасидир.*

Мафкуравий мақсадни амалга ошириш учун мафкуравий мўлжални тўғри олиш керак. Бунинг шартлари эса:

а) дунёнинг ғоявий-мафкуравий манзарасида содир бўлаётган мафкуравий жараёнларни тўғри баҳолай олиш;

б) дунёда илм-фан ва техника-технология соҳасида юз бераётган ўзгаришларнинг истиқболларини назарда тутиш;

в) мафкура майдонларида бўлаётган мафкуравий кураш ва маънавий рақобат сирларидан воқиф бўлиш;

г) мамлакат мустақиллигига, давлат суверенитетига, халқнинг тинч ва осойишта яшашига хавф солаётган мафкуравий таҳдидларнинг салмоғини билиш;

д) ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кўтариш, шунингдек мафкуравий профилактика чора-тадбирларини ўқатишда қўлланиладиган воситаларини танлаш;

е) ғоявий ва мафкуравий таълим – тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот қилиш ишларининг усул ва воситаларини тўғри танлаш кабиларни қатъий тарзда ҳисобга олишдан иборат.

Мафкуравий мўлжаллар одатда чораклик, ярим йиллик, бир йиллик, беш йиллик ва ундан ҳам кўпроқ муддатларга тузилиши мумкин. Уни тузиш одатда мафкуравий вазият тақозосига қараб бажарилади.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.668.

4. Мафкуравий идеал. Мафкуравий мўлжалнинг ички мазмун-моҳиятида мафкуравий идеал-тимсол жойлашган бўлади. Чунки, инсоният бор экан у хаамиша эзгуликка интилиб, идеал жамиятда, идеал одамларга эргашиб, кимгадир идеаллик намунаси бўлиб яшашга интилади. Шундай экан, идеал нима деган савол туғилади. Бунга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: «Идеал [фр. *ideal* < юн. *idea* – *гоя, тушунча, тасаввур; образ, тимсол*] биринчидан, жамиятнинг, шахснинг энг олий мақсади, энг юксак орзу ва тилаги; *иккинчидан*, хар жихатдан баркамол, мукаммал, хаёлан орзу қилинадиган, лекин ҳали ҳаётда мавжуд бўлмаган нарса, ходиса; *учинчидан*, олижаноб, намуна бўладиган, орзу-мақсадга мос, мувофиқ келувчи»¹, – деган маъноларни англатади деб жавоб берилган. Шунга кўра *мафкуравий идеал – бу шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқ ва жамиятнинг олий мақсади ва унга мос келувчи юксак ва олийжаноб орзу ва тилакларни ўзида мужассамлаштирган гоялар тизимидир.* Демак, мафкуравий идеал *ижтимоий-маънавий идеалнинг бир шакли бўлиб, у жамият қаёққа, қандай мақсадда қадам отишида гоявий-мафкуравий ва маънавий-руҳий йўл кўрсатиб туривчи маёқ ҳисобланади.*

Бунда: «**ижтимоий идеал** – ватан, миллат, халқ ёки айрим ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, улар назарида энг адолатли, мукаммал кўринган фаровон жамият қурилишига, бахт-саодатга эришув йўлларига оид гоя, фикр, таълимот»² бўлса, қисқарақ қилиб айтганда «**маънавий идеал** — инсоннинг руҳий-ахлоқий оламига хос бўлган гоя, фикр ва қарашлар мажмуи»³ ҳисобланади.

Ўзбек халқи мафкуравий идеалининг асосий вазифаларини:

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.173.

² Қаранг: Фалсафа: қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров, –Т.: «Шарқ», 2004– Б.146.

³ Қаранг: Қаҳҳорова М. Маънавий идеал. – Т.: ”Маънавият”, 2008.– Б.17.

– *шахснинг мафкуравий идеали кўрсатгичи бўйича* – эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амални амалда бажариш учун савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш зарур;

– *ижтимоий гуруҳлар, меҳнат ва хизмат жамоаларининг мафкуравий идеали кўрсатгичи бўйича* – озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон яшаш учун ташаббускорлик, тadbиркорлик, ўзаро ҳамкорлик билан ҳалол ва самарали меҳнат қилиш керак;

– *давлат ҳокимиятининг мафкуравий идеали кўрсатгичи бўйича* – инсон ва унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устун деб билган ҳолда, унинг эркин яшаши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш ва шу кабилар ташкил қилади.

Идеосферадаги мафкуравий башорат, мақсад ва мўлжал ўртасидаги умумий ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлар. Мафкуравий башорат, мақсад ва мўлжал ўртасидаги умумий ўхшаш томонлар қуйидагилардан иборат:

1. Башорат, мақсад ва мўлжал объектив реалликнинг қонунларини билиш асосида вужудга келади.

2. Уларнинг барчаси инсон онгининг ўзига хос хусусиятлари – мафкуравий онгнинг ижтимоий борлиқдан илгарилаб бориш хусусиятининг маҳсули ҳисобланади.

3. Қилинган мафкуравий башорат, кўзланган мафкуравий мақсад, ишлаб чиқилган мафкуравий мўлжал(режа) илмий бўлса – уларнинг келгусида реал воқеликка айланиш имкониятининг мавжудлиги ҳам шунчалик бўлади.

4. Уларнинг барчаси мафкуравий онг негисига қурилган келгусини олдиндан кўра билишнинг босқичлари эканлиги билан характерланади.

Мафкуравий башорат, мақсад ва мўлжал ўртасидаги фарқ қилувчи томонлар қуйидагилардан иборат:

1. *Мафкуравий башорат* – келгусини илмий кўра билишнинг барча томонларини, яъни унинг келиб чиқиш томонларини ва уни амалга ошириш

имкониятларини ўзида мужассамлаштирувчи умумий категория бўлса, мафкуравий мақсад ва мўлжал(режа) эса қилинган мафкуравий башоратни реал воқеликка айлантиришда хизмат қилувчи тушунча ҳисобланади.

2. **Мафкуравий мақсад** – ўзининг конкретлиги, реаллиги ва бўлишининг муқаррарлиги билан қилинган мафкуравий башоратларни амалга оширишдаги биринчи босқич ҳисобланади. Агар мафкуравий башорат назарий тадқиқотлар босқичида турса мафкуравий мақсад эса назарий тадқиқотлар билан уларни амалга ошириш воситалари ўртасида туради.

3. **Мафкуравий мўлжал (режа)** – кўзланган мафкуравий мақсадни амалга ошириш учун хизмат қилади. Мафкуравий мўлжал (режа) мафкуравий мақсадни янада конкретлаштиради ва уни амалга оширишнинг комплекс йўналишларини: унга эришишнинг усуллапри, воситалари, реал имкониятлари ва бажарилиш вақтларини олдиндан кўрсатиб беради.

Мафкуравий онг хусусиятларига кирувчи мафкуравий башорат, мафкуравий мақсад, мафкуравий мўлжал(режа) ўртасидаги бу фарқлар нисбий бўлиб, одатда башоратсиз мақсад, мақсадсиз башорат, мақсадсиз мўлжал(режа), мўлжал(режа)сиз мақсад бўлмайди. Чунки улар объектив оламда мавжуд бўлган нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг бир йўналишдаги турли босқичларини ифодалайдилар. Шу сабабли улар бир бирларини тўлдириб, янгилаб турадилар.

V. Мафкуравий жараён тушунчаси, мазмун-моҳияти ва хусусиятлари.

1. **Мафкуравий жараён: тушунчаси ва таркибий қисмлари.** Ғоя ва мафкуралар шунчаки оддий тушунчалар бўлмасдан, балки одамларни ҳаракатга чорловчи маънавий қудратга эга бўлган воситалар жумласига киради. Бу воситалар ўз навбатида инсоннинг ақл-заковати орқали ишга тушурилади. Зеро шундай экан, мафкуравий башорат, мафкуравий мақсад, мафкуравий мўлжал, мафкуравий сиёсат кабилар мафкуравий жараёнларни юзага келтирувчи инсон ақл-идрокининг маҳсули бўлмиш мафкуравий онг

компонентлари ҳисобланади. Буларнинг бевосита иштирокисиз мафкуравий жараёнлар содир бўлмайди.

Хўш, шундай экан мафкуравий жараёнлар деб нимага айтилади? Ўзбек тилида одатда жараён¹ деганда бирон бир бажарилаётган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бирин-кетин бориши, ривож, оқими тушунилади. Шунга кўра, **мафкуравий жараён деб шахс, элат, миллат, халқ ва жамиятнинг бирон бир мақсадни кўзлаб юритаётган мафкуравий фаолиятларининг кетма-кетликда бориши, ривож ва оқимига айтилади.**

Мафкуравий жараённинг таркибий қисмларига: а) мафкуравий онг ва унинг компонентлари; б) мафкуравий муносабатлар; в) мафкуравий соҳа ҳақида мавжуд бўлган билимлар тизими; г) мафкура субъектларининг билимлилик даражалари; д) қатъий қарор топган маънавий кадрлар; е) давлат ҳокимияти томонидан олиб борилаётган мафкуравий сиёсат тамойиллари ва шу қабилар киради.

2. Мафкуравий жараённинг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари. Мафкуравий жараёнларнинг мазмуни мавжуд борликда реал мавжуд бўлган ижтимоий тузумнинг таркибий тузилиши, улар ўртасидаги алоқадорликларнинг хусусиятлари, **моҳияти** эса унинг қимларнинг манфаатини кўзлаб, қандай йўсинда содир бўлаётганлигига сабаб бўлувчи ички қарама-қаршиликларнинг қандай кечаётганлиги билан белгиланади.

Мафкуравий жараёнларга хос бўлган **хусусиятлар** жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин. Мафкуравий жараёнлар:

1. Ўз-ўзидан юз бермайди, у муайян сабабларга кўра мафкура илмининг қонунларига мос равишда объектив тарзда содир бўлади.

2. Тарихий макон ва замонда абадий эмас, балки ўзгарувчан характерга эгадир.

¹ «Жараён» арабча сўз бўлиб, «оқим», «бориш», «содир бўлиш», деган маъноларни англатади.

3. Ўзига хос таянч, негиз ролини ўйнайдиган ғоя ва мафкура тамойиллари асосида ҳаракат қилади.

4. Диалектик тарзда кечади ва мафкуравий фаолият юритишнинг истиқболларини мантиқий жиҳатдан белгилаб олиш имкониятини яратади.

5. Бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўртасидаги кечаётган муросасиз кураш натижаси ўлароқ янгича мазмун ва моҳиятга эга бўла боради.

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари хилма-хилли бўлиб, улар транснационал характерга эга бўлиб бормоқда. Мафкуравий жараёнлар алоҳида олинган мамлакатлар, минтақалар доирасида ҳам, глобал миқёсда ҳам бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўртасидаги курашнинг кескинлашиб, бунда бузғунчи ғояларнинг жамият ривожига салбий таъсирининг кучайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Бундай вайронкор ғояларнинг таъсирига қарши кураш бутун инсониятни эзгуликка йўғрилган ўз истиқболини таъминлаш йўлида бирлашишга даъват этмоқда. Инсониятнинг келгусидаги ривожидан эзгулик ғояларининг ёвузлик ғоялари устидан ғолиб келиши муқаррардир. Чунки, инсоният доимо тинчлик учун ўзаро ўрнатилган мафкуравий муносабатлар туфайли биргаликда ҳамжиҳат бўлиб курашиб келган ва бу курашда ғолиб бўлган.

VI. Мафкуравий муносабатлар ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.

1. Муносабат тушунчаси ва унинг объектив характери. Объектив оламда ўзининг турли хил миқдор ва сифат кўрсаткичларига эга бўлган нарсалар мавжуд бўлиб, улар бир-бирлари билан бевосита ёки билвосита боғланганлар. Нарса, ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғланишлар даврида бир лаҳзада, фурсатда, паллада, мавридда содир бўладиган бевосита алоқалар муносабатни келтириб чиқаради. Демак, *муносабат деб объектив оламда мавжуд бўлган нарса, ҳодиса, жараёнларнинг миқдорий ва сифатий хоссалари ўртасида бир лаҳза, фурсат, палла, маврид ичида содир бўладиган бевосита алоқаларига айтилади.*

Объектив оламдаги нарсалар қанчалик объектив бўлса, улар ўртасидаги муносабатлар ҳам шунчалик объектив ва универсал бўлади. Ҳар қандай нарсанинг мавжудлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари ва хоссалари ҳамда ривожланиши объектив оламнинг бошқа нарсаларига бўлган муносабатларининг бутун мажмуига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда муносабатлар турли туман ва хилма-хилдир. Уларни жамиятда амал қилиш даражасига қараб катта икки гуруҳга *моддий* ва *маънавий* ишлаб чиқариш муносабатларига ажратиш мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш муносабатларига кишиларнинг моддий шаклдаги – озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва бошқаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматлар – юк ташиш, ахборот узатиш, йўлни ташиш кабиларни бажариш вақтида бўладиган алоқалари киради.

Маънавий ишлаб чиқариш муносабатлари деб умуминсоний ва миллий кадриятлардан иборат бўлган маънавий бойликларни яратиш учун кишилар ўртасида ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни ташкил этиш борасида бўладиган ўзаро диалектик алоқалар тизимига айтилади. Масалан, ижтимоий онг шакллари – фан, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, санъат, мафкура ва ш.к. яратиш ва такрор ишлаб чиқариш борасидаги бўладиган муносабатлар шулар жумласига киради. Маънавий ишлаб чиқариш муносабатлари ичида мафкуравий муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади.

2. Мафкуравий муносабатлар тушунчаси. Инсоннинг маънавий дунёси *биринчидан*, объектив оламда мавжуд бўлган нарсаларнинг инъикоси, *иккинчи томондан*, жамиятда содир бўлаётган барча ўзгаришларнинг ҳосиласи, *учинчи томондан*, ғоявий ижодиётининг маҳсули эканлиги билан ажралиб туради. Фикр орқали туғиладиган ғоя, ғоялардан ташкил топадиган мафкура ўзининг генезиси, эволюцияси ва ривожланиш жараёнида турли хил нарсалар билан муносабатда бўлади ва ўзининг бунёдкорлик ёки вайронкорлик хусусиятларини намоён қилади. Демак, жамият ҳаётининг идеосферасида

мафкуравий муносабатлар *биринчидан*, реал воқеликнинг инъикоси шаклида объектив – онтологик; *иккинчидан*, мазкур воқеликнинг субъектив образи тарзида субъектив – гносеологик мазмунга эга бўлган ўзаро боғланишларнинг бир лаҳза, фурсат, паллада содир бўладиган ўзаро алоқаларининг мажмуи сифатида мавжудлиги билан ифодаланади. Шундай экан, мафкуравий муносабатлар деб нимага айтилади, деган савол туғилади? Бунга мафкура ва муносабат тушунчаларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Мафкуравий муносабатлар деб – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, элат, миллат, халқ жамият, давлат эҳтиёж ва манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган зоялар субъектлари ўртасида бир лаҳза, фурсат, палла, маврид ичида ўзлигини бунёдкорлик ёки вайронкорлик хусусиятлари орқали намоён қиладиган алоқалар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимига айтилади.

3. Мафкуравий муносабатларнинг объектлари. Уларга қуйидагилар киради.

1. *Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва унда юз бераётган нарса ва ҳодисалар.* Булар ичида, энг муҳим объект вазифасини **мулкка** бўлган муносабат ташкил қилади. Ушбу объект доирасида бўладиган мафкуравий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида:” Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли (36-модда), Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир 53-модда), Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади (54-модда)”, деган қоидалар орқали белгилаб қўйилган. Демак, мулк шакллари қанчалик кўп бўлса, уни тасарруф этган одамларнинг ишчанлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик,

манфаатдорлик каби бунёдкорликка йўғрилган фазилатлари ҳам шунчалик серқирра бўлади. Бу эса жамиятда **«Тадбиркор ва халқ бой бўлса – мамлакат ҳам бой бўлади»**¹, аниқроғи **«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади»**² деган ғоявий дунёқарашга асосланган мафкуравий муносабатлар тизимини шакллантириш зарурлигини кўради.

2. *Жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаёти ва унда юз бераётган жараёнлар бўлиб, улар ичида демократия ва қонун устуворлигини таъминлаш* энг муҳим объект ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: **«Ўзбекистон – суверен демократик республика (1-модда), Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади (2-модда), Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир (7-модда), Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар (18-модда)»** дейилган. Бу қоида шу соҳада мафкуравий муносабатлар ўрнатишнинг ҳуқуқий заминларини ташкил этади. **Ш.М.Мирзиёев** айтганидек: **«Ҳақиқий демократия очик, тенг мулоқотдан, бир-биримизнинг фикримизни эшитиб, баҳс ва тортишувлар орқали умумий ҳулосага келишдан бошланади»**³. Демак, давлат ва фуқаро, жамият ва шахс ўртасидаги мафкуравий муносабатларни **«Адолат – қонун устуворлигида»**⁴ деган ғоявий дунёқарашга асосланган

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Тошкент барчамиз учун онадек улуғ ва мўтабардир//*Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.453.

² **Мирзиёев Ш.М.** Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз//*Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.147.

³ **Мирзиёев Ш.М.** Олтин водий дурдонаси//*Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.44.

⁴ **Мирзиёев Ш.М.** Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.110.

хуқуқий мафкура тамойилларига мос равишда олиб бориш зарурлигини билдиради.

3. *Жамиятнинг маданий-маънавий ҳаёти ва унда юз бераётган ҳодисалар.* Булардаги энг муҳим мафкуравий муносабатлар объектини – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қимматининг олий кадрият эканлиги ташкил қилади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида:” Ўзбекистон халқни, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади (8-модда), Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларига асосланади, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади (13-модда)», дейилган. Демак, инсон ва инсон, инсон ва жамият ўртасидаги мафкуравий муносабатларни **Ш.М.Мирзиёев** кўрсатиб берганидек: “ *Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг, деган эзгу гоя*”¹ *вий дунёқараш* тамойилига мос равишда ўрнатиш зарурлигини англатади.

4. *Мафкуравий муносабатларнинг субъеклари.* Ҳар бир инсон ўзининг дунёқарашига, ғоявий эътиқодига, мафкуравий идеалини амалга ошириш учун ҳаракат қилиш дастурига эга. Буларнинг барчаси ўзга шахслар, катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар, меҳнат ва хизмат жамоалари билан бўладиган муносабатлар орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан қараганда мафкуравий муносабатларнинг субъектларини: *биринчидан*, муайян билим асосида шаклланган дунёқарашга эга бўлган шахслар; *иккинчидан*, кўзлаган мақсадлари муштарак бўлган меҳнат ва хизмат жамоалари; *учинчидан*, бирон бир ғояни амалга ошириш учун бирлашган ижтимоий гуруҳлар, партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлари; *тўртинчидан*, жамиятнинг стратегик мақсадини амалга

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.129.

ошириш билан бевосита шуғулланаётган давлат ва жамоат арбоблари; *бешинчидан*, ғоявий ва мафкурвий тарғибот-ташвиқот ишлари билан бевосита шуғулланадиган мутахассис мафкурачилар; *олтинчидан*, ҳар қандай алоқаларни таъминлашга ва уларни йўналтиришга хизмат қилувчи тарғибот-ташвиқот воситалари ташкил этади. Демак, **мафкуравий муносабатларнинг субъектлари** – бу *ғоявий-мафкуравий мақсадлар муштараклиги асосида, уни амалга ошириш учун ўзаро муносабатга киришаётган шахслар, меҳнат ва хизмат жамоалари, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, мафкурачи мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари ҳамда улар ўртасидаги мафкуравий алоқаларни тартибга солишга, йўналтиришга хизмат қилувчи турли хил тарғибот-ташвиқот воситаларидан иборат бўлган тизимдир.*

5. Мафкуравий муносабатларнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Улар куйидагилардан иборат:

1. Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳасидаги муносабатлар жамият ҳаётининг ўзи сингари объективдир. Субъективлик ана шу объективликнинг намоён бўлишидир.

2. Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси мафкуравий муносабатлардан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Мафкуравий муносабатлар ҳамиша жамият ҳаётининг мафкуравий соҳасидаги муносабатлардир.

3. Ҳар қандай мафкуравий ҳодисанинг мавжудлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари ва хоссалари, унинг ривожланиши жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига бўлган мафкуравий муносабатларининг бутун мажмуига боғлиқдир.

4. Бирон бир мафкуравий ҳодиса, жараёнга заруран хос бўлган хоссаларининг ўзи фақат уларнинг бошқа нарса, ҳодиса ва жараёнларга бўлган мафкуравий муносабатларида юз беради. Мафкуравий ҳодисанинг ривожланиши унинг бошқа ҳодисалар билан муносабатининг ўзгаришига, яъни бир мафкуравий

муносабатларнинг йўқолиб, иккинчи мафкуравий муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

5. Жамият ҳаётидаги нарса, ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ва уларнинг хоссалари хилма-хил бўлгани сингари, мафкуравий муносабатлар ҳам хилма-хилдир. Бунда, ички ва ташқи мафкуравий муносабатлар тафовутининг нисбий характерини, уларнинг бир-бирига ўтиб туришини, ташқи мафкуравий муносабатлар ички мафкуравий муносабатларга боғлиқ эканлигини, уларнинг зуҳуроти ва намоён бўлиши эканлигини ҳисобга олмоқ зарур.

6. Ҳар қандай мафкуравий муносабат яратилган маънавий бойликларни истеъмол қилиш, тақсимлаш, айирбошлаш каби таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзлигини ўзаро бўладиган мулоқотлар орқали намоён қилади. Бундай мулоқотлар бунёдкор ёки вайронкор ғоялар тамойилига қараб ўрнатилади ва муайян мафкуравий муносабатларнинг ўзига хос бир тарзда жамиятнинг мафкуравий фаолият юритиши учун замин ҳозирлайди.

VII. Мафкуравий фаолият ва уни амалга ошириш тамойиллари.

1. Фаолият тушунчаси, унинг тур ва шакллари. Жамият ҳаётида юз берадиган мафкуравий муносабатлар мафкуравий фаолият олиб боришнинг дебочаси ҳисобланади. *Фаолият¹ – бу инсоннинг табиат ва жамиятда содир бўлаётган нарса, воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини билиш асосида уни ўзлаштириш ва мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартиришга қаратилган ҳаракатчанлик, таъсирчанлик, самарадорликдан иборат бўлган машғулот, иш-ҳаракатларидан ташкил топган муҳим ҳаётий хусусиятидир.*

Инсон фаолиятининг асосий манбаини меҳнат ташкил қилади. *Меҳнат – бу инсоннинг наф етказадиган фаолияти бўлиб, у орқали табиат ва*

¹ **Фаолият** [арабча – ҳаракатчанлик; таъсирчанлик; самарадорлик] – бирор соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат, жараён»¹дир// Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.IV. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.326.

жамиятдаги нарсаларга таъсир этади, уларни ўз эҳтиёж ва мақсадларига мувофиқлаштиради. Унинг натижаси ўрганиш ва ўзлаштиришда кўринади. Ўзгаришларни амалга ошириш хусусиятига кўра, инсон фаолияти икки: *биринчидан, репродуктив* – қайта ишлаб чиқарувчи; *иккинчидан, продуктив* – янгини яратувчи турларга ажратилади. Шу билан бир қаторда шахс, элат, миллат, халқ, жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фаолият шакллари куйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

1) моддий фаолият (ташқи табиатни ўзгартириш орқали одамнинг бирламчи эҳтиёжлари — озиқ-овқат, кийим, меҳнат қуролларига бўлган эҳтиёжини қондириш);

2) ижтимоий-сиёсий фаолият (ижтимоий муносабатларга таъсир этишнинг турли шакллари, ижтимоий ҳаётни ташкил этиш);

3) маънавий фаолият (фан, санъат, дин, мафкура ва ҳоказолар соҳасидаги фаолият)¹.

Инсон ва жамият фаолиятининг барча шакллари, турлари, аввало, меҳнат тақсимооти, одамлар, жамият эҳтиёжининг ўсиб бориш жараёнида ўзгариб, ривожланиб боради. Шундай хусусиятга эга бўлган фаолият шаклларида бири – бу мафкуравий фаолият ҳисобланади.

2. Мафкуравий фаолият тушунчаси, унинг тизими ва элементлари. Жамиятда яшовчи турли хил миллат, элат, халқ, ирқ, диний эътиқод, ижтимоий табақа, синф, партия каби уюшма, бирлашма, ташкилот, жамоаларга мансуб бўлган одамлар орасида, уларнинг шахсий ҳамда умумий манфаатларини ифодаловчи ғоя ва мафкуралар тизимини яратиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш мафкуравий фаолият орқали амалга оширилади. Алалхусус, мафкуравий фаолиятсиз ҳеч бир жамият яшай олмайди, бу сиз яшаб келаётган жамиятни тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам ҳеч ким учратган эмас.

¹ Қаранг: Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.281-282..

Жамиятда кимларнинг ақл-идроки, ташаббуси, илмий-амалий изланишлари орқали яратилган фикр, ғоя, мафкура ўз-ўзидан тарқалиб, кишилар онгига автоматик тарзда сингиб боравермайди. Демак, муайян ғоявий тамойиллар ва таълимотлар ишлаб чиқилишининг ўзи уларнинг кишилар фаолиятини белгилаб берувчи, унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий ҳодисага айланиши учун етарли эмас. Бунинг учун улар кишилар орасида тарқалиши, одамлар ана шу ғоялар руҳида тарбияланиши лозим. Акс ҳолда, ҳар қандай ғоя ва мафкура қанчалик тўғри, жозибадор бўлмасин, муайян ҳодиса сифатида тарих саҳифасида қолиб кетаверади. Айни пайтда, ҳар қандай ғоя ва қарашлар тарқалиши учун, энг аввало, улар ишлаб чиқилиши билан бирга, тарғиб ва ташвиқ этилиши зарур. Мафкуравий фаолият эса ҳамиша шаклланган ғоявий қарашлар, баҳолар ва мақсадлар тизимини одамларга етказиш, уларнинг онгига сингдириш борасидаги ишларни амалга ошириш жараёнини англатади.

Шу маънода, мафкуравий фаолият – бу бирон-бир ғояни амалга ошириш, уни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, муайян ғоявий қарашлар тизимини шакллантириш, унинг амалиётини таъминлаш, ёт ва бегона мафкураларга қарши кураш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, у ғоявий қарашлар – билимлар, баҳолар, мақсадларни шакллантириш ҳамда уларни тарқатиш, ғоявий тарбияни амалга ошириш, мафкуравий профилактика ва иммунитетни шакллантириш жараёнини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Мафкуравий фаолият юритишнинг мазмун-моҳияти жамиятда ўрнатилган тизимга боғлиқ бўлиб, уни мусаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлади. Хўш, тизим нима? *Тизим – бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий тузилиши, уларни ташкил этувчи, бир-бирларини тақозо этувчи, ўзаро таъсир ўтказувчи элементларнинг мажмуидир.* Тизимлар ўзининг қамровига кўра кенг ёки кам қамровли, катта ва кичик, умумий, хусусий ва алоҳида бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда қарор

топаётган жамият – демократик мазмунга, либерал шаклга эга бўлган тизим ҳисобланади. Унинг тактик ва стратегик мақсадларини амалга ошириш учун бир катор иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, мафкуравий аҳамиятга молик бўлган хусусий ва алоҳида тизимлар фаолият олиб боради. Шундай тизимлардан бири – бу мафкуравий фаолият юритиш ҳисобланади. У ўзининг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрнига қараб кенг қамровли фаолият юритиш тизимига киради. Чунки, бугунги кунда мафкура кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Шунга кўра **мафкуравий фаолият юритиш тизими деб** мафкуравий мақсадларининг муштараклиги туфайли уни амалга ошириш учун бирлашган шахс, ижтимоий гуруҳ, жамоат ва давлат ташкилотлар ва улар томонидан қўллайдиган восита ва усуллардан ташкил топган элементларнинг ҳаракатчанлик, таъсирчанлик, самарадорликлардан иборат бўлган иш, машғулот, ҳаракат, жараёнларининг мажмуига айтилади. Бундай тизимда **мафкуравий фаолият юритиш тизими элементларига** кирувчи мафкуравий онг, мафкуравий мақсад, мафкуравий мўлжал(режа), мафкуравий идеал, шунингдек мафкуравий муносабатларни тартибга солиб турувчи субъектлар сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий институтлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мафкуравий фаолият юритиш тизимидан жой олган барча элементлар биргаликда амал қилади, натижада айрим элементларга хос бўлмаган умумий хусусиятлар пайдо бўлади. Мафкуравий фаолият юритиш тизими – бу ҳар хил элементлар таъсирида пайдо бўладиган ўзига хос бўлган умумийлик ҳисобланади.

4. Мафкуравий фаолиятнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Мафкуравий фаолият жараёнининг намоён бўлиш хусусиятларига қуйидагилар киради:

1. Мафкуравий фаолият жараёни кенг оммани эзгу ғоялар асосида тарбиялаш, уларнинг умумий сиёсий ва маънавий савиясини юксалтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини самарали ўтказишга кўмак

берувчи тадбирларни амалга оширишга қаратилганлиги унинг энг муҳим хусусиятларидан бири саналади.

2. Мафкуравий фаолият кенг маънода ўқув муассасалари, таълим-тарбия масканлари, клублар, ахборот-ресурс марказ-лари, маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини ҳам муайян даражада қамраб олиши билан ўзгача хусусият касб этади. Бунда музей, кинотеатр, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасалар, шунингдек, ОАВ (газета-журналлар, Интернет, радио, ТВ) муҳим ўрин тутди.

3. Мафкуравий фаолият мафкуравий ишлар билан шуғулланадиган муассасалар кенг тармоғининг ташкил этилиши, уларнинг ўсиши ва такомиллашуви билан унга раҳбарлик қилиш жараёнининг ҳам мукамаллашиб бориши, раҳбарлик қилиш санъатининг янги қирраларини топишга бўлган эҳтиёжнинг кучайиб бориши билан ҳам айрича хусусиятга эга бўлади. Бугунги кунда барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, Республикамиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди.

4. Мафкуравий фаолиятнинг навбатдаги муҳим хусусиятларидан бири, унинг ҳамиша конкрет тарихий мазмунга, мақсад-муддаога эга бўлганлиги билан ифодаланади. Бу, энг аввало, инсон билимлари, шу жумладан, мафкуранинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Мафкура тизимидаги билимлар тўғри ёки нотўғри, прогрессив ёки реакцион мазмунга эга бўлиши мумкин. Мазкур билимлар, ўз навбатида, улар асосида шаклландиган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғрилигига замин яратади. Шаклландиган баҳоларда эса реал ёки кутилаётган ҳодиса, жараёнларга мавжуд эҳтиёжлар, манфаатлардан келиб чиқиб, ўзига хос муносабат ифодаланади. Билимлар қанчалик чуқур бўлса, ҳосил қилинган баҳоларга ишонч шунчалик юқори бўлади. Шу маънода, баҳолар – қадриятлар кишиларда ишонч,

этиқоднинг шаклланишига хизмат қилади. Баъзида эришилган билимлар, уларга асосланган баҳоларнинг мутлақ тўғрилигига ишонч догматизмга айланиб кетишини, бу мафкуравий турғунликни юзага келтиришини ҳам унутмаслик зарур.

5. Мафкуравий фаолиятнинг яна бир ажойиб хусусияти ғоявий қарашлар доирасида белгилаб олинган мақсадларни баён этишда истиқболга, эртанги кунга ишонч туйғусини шакллантиришни кўзлаши билан белгиланади.

6. Мафкуравий фаолият ғоявий қарашларни тарқатиш ва унга мос тарбияни амалга оширишни ифодалаш хусусиятига ҳам эга бўлиб, мафкуравий қарашларни тарқатиш тизими, механизмлари, усул ва воситалари доимо такомиллашиб боришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий фаолият ғоявий тарбияни ўзгарувчан воқелик ва ижтимоий гуруҳларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда доимий такомиллаштириб боришни англатади.

7. Мафкуравий фаолиятни ташкил этишда техника ва технологиялар, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш усуллариининг ривожланганлик даражаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда ОАВ мафкуравий фаолиятни амалга оширишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Яқин истиқболда техника ва технология ривожи одамлар онгига таъсир ўтказиш, яъни мафкуравий фаолиятни ташкил этишнинг янгидан-янги инновацион механизмларини топишига олиб келади, шу асосда мафкуравий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш ишларини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга кенг йўл очиб беради.

8. Мафкуравий фаолият ўзининг моҳият-мазмунига кўра ўзгарувчан хусусиятга ҳам эгадир. Мафкуравий фаолият стихияли тарзда кечмайди, балки онгли, тизимли ва тадрижий тарзда, бирон бир аниқ мақсадни кўзлаб, мавжуд мафкуравий вазиятдан келиб чиққан ҳолда олиб борилади.

Ҳозирги кунда мафкуравий фаолият олиб боришдан мақсад миллий истиқлол мафкурасининг ғояларини халқ қалби ва онгига сингдириш ишларини ташкил этишдан иборат.

5. Мафкуравий фаолият юритиш тамойиллари. Мафкуравий фаолият жамият аъзолари, уларнинг субъектлари томонидан кўзланган мақсадларига қараб муайён тамойиллар асосида олиб борилади. Уларни ғоя ва мафкураларнинг жамиятда тутган ўрнига қараб бир бирига қарама-қарши бўлган икки турга ажратиш мумкин.

1. Бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафкуравий фаолият тамойиллари. Буларга киради:

а) *яратувчанлик* – инсоннинг тинч ва осуда ҳаёт кечиришини, оғир ва машаққатли меҳнатини янгиллаштиришга қаратилган яшашини самарали ижодий меҳнат;

б) *гуманизм* – инсон қадр-қиммати, эркинлик ва қобилиятларининг ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, кишиларнинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш;

в) *плюрализм* – фикрлар, ғоялар, қарашларнинг хилма хиллигига асосланган, мафкуравий яққа ҳукмронликни чекловчи тафаккур эркинлиги;

г) *толерантлик* – хилма хил эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва мақсад, ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга интилиш;

д) *ҳурфикрлилик* – муайян ақидаларга эътиқод хусусида эркин фикр юритиб, бирон бир ғояни мутлақлаштиришга қарши бўлган, мафкуравий тазйиқларни инкор қилувчи ва ҳақиқатни топишда ақлга асосланувчи тафаккур тарзи ва бошқалар.

2. Вайронкор ғояларни амалга оширишга қаратилган гайриинсоний мафкуравий фаолият тамойиллари. Буларга:

а) *бузғунчилик* – одамлар орасида ифвогарлик, ғаламислик, чақимчилик, ғийбат, туҳмат қилиш каби ахлоққа зид иллатлар билан шуғулланиб жамиятда нотинчлик, парокандалик, вайроналикни келтириб чиқариш;

б) *босқинчилик ва талончилик* – ўзгаларнинг мол-мулкани зўрлик йўли билан талаш, қурол кучи билан ўзга юртини босиб олиш, агрессия, тажовузкорлик;

в) *фаҳшиятлик* – зино ишларига ҳаддан ташқари берилиш, бузуқлик, ахлоқсизлик ва шаҳвоний нафс балосига йўлиқиш;

г) *ғоясизлик* – ҳаётда юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган, маънавияти тубан, имон-эътиқоди суст, мафкураси бузуқ, ўз ўтмиши ва насл-насабини билмайдиган, ота-онасига қўл кўтаришдан ҳам тап тортмайдиган, ўз Ватанини сотишга қодир кимсалар амал қиладиган ғайриинсоний қоидалар;

д) *ақидапарастлик* – муайян шароитда, бирон бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш ва бошқа шу кабилар киради.

Шундай қилиб, *мафкуравий фаолият юритиш тамойиллари деб жамиятнинг маънавий-мафкуравий онгида ишлаб чиқилган, инсоннинг ғоявий-мафкуравий эътиқоди моҳиятига, бурчига, ҳаётининг мазмунига ва кишилар ўртасидаги ўзаро ғоявий-мафкуравий алоқаларнинг табиатига таалуқли бўлган умумий талабларни акс эттирадиган, инсонлар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатиб берадиган ва муайян ғоявий-мафкуравий хулқ-атвор нормаларига асос бўлиб хизмат қиладиган қонун-қоидаларга айтилади.*

Ўзбеклар азалдан бунёдкор халқ бўлган. Бугунги кунда уларни замонавий бунёдкор ғоялари билан қуроллантириб бориш эса маънавий-мафкуравий фаолият олиб бориш ишларига масъул бўлган мутассади шахслар, ташкилотлар, виждонли, масъулиятли, адолатпарвар зиёлиларнинг Ватан олдидаги бурчидир.

6. Мафкуравий фаолият олиб боришни янгича ташкиллаштиришнинг «йўл харита»лари. Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият маънавий-мафкуравий соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка худудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий кадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қуйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талабларидан келиб чиққан ҳолда мафкуравий фаолиятни янгича ташкиллаштиришнинг *“йўл харита”*лари тузилган бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини қатъий ва сўзсиз бажариш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш.

2. Мамлакатда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр оқибат муҳитини кўз қорачиғидай сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш.

3. Халқимиз азалдан юксак кадрлаб келадиган, хамма нарсадан устун кўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш.

4. Ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш.

5. Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш.

6. Зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намояндаларининг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

7. Иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлаш.

8. Аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш.

9. Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш;

10. Аҳолининг маънавий-мафкуравий рақобатбардошлигини кучайтиши учун аниқ чоралар кўриш.

2-§. Ғоя ва мафкуралар хилма-хиллиги ва уларнинг таърифи, таснифи, маъно-мазмуни

Бунда ғоя ва мафкураларнинг хилма хиллиги энг аввало бунёдкор ва вайронкор ғояларнинг ўзаро кураши натижасида мафкура майдонларида янгича мазмун ва шакл кўринишига эга бўлган ғоя ва мафкураларнинг пайдо бўлиши, уларнинг мафкуравий жараёнлар доирасида объектив тарзда мавжуд бўлиб, субъектив тарзда фаол ҳаракат қилишлари билан ифодаланади.

I. Бунёдкор ғоялар – инсониятни тинчлик ва барқарор таракқиёт сари етакловчи куч.

1. Бунёдкор ғоя тушунчаси, унинг тур ва шакллари. Инсониятни ҳар қандай ҳалокатлардан сақлаб қоладиган куч – бу эзгуликдир. Эзгулик эса бунёдкор ғоя ва мафкуралар пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишининг тамал тошидир.

Ҳар бир инсон онадан ботир ёки қўрқоқ, сахий ёки хассис, тўғри ёки ўғри, меҳнатсевар ёки ёлқов, дўст ёки душман, бой ёки камбағал, садоқатли ёки хиёнаткор, вафодор ёки бевафо бўлиб туғилмайди. У онадан оддий инсон боласи бўлиб дунёга келади. Инсондаги ижобий ёки салбий хислат ва фазилатлар унинг ҳаёти давомида оилада, мактабда, маҳаллада, иш жойида олган тарбияси, жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг таъсири натижасида шаклланади ва ривожланиб боради.

Оиладаги соғлом турмуш, мактабдаги илғор таълим-тарбия, меҳнат жамоаларидаги соғлом маънавий-ахлоқий муносабатлар, жамиятда давлат томонидан ўрнатилган адолатли қонун-қоидалар ҳар бир шахснинг онгида она-Ватанга садоқат, илмга бўлган чанқоқлик, меҳнатда эзгулик ва бунёдкорликка интилиш, инсонни олий қадрият деб билиш, тинчлик, ҳамкорлик ва барқарор таракқиётни таъминлаш йўлида тинмай меҳнат ва ижод қилиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш учун техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиш орқали демократик ҳаракатларни кенгайтириш каби бунёдкорлик ҳис-туйғуларининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишига олиб келади. Бу эса бунёдкор ғоя ва мафкураларнинг пайдо бўлиб, жамиятда қарор топишига сабаб бўлади. Демак, бунёдкор ғоялар инсоннинг эзгуликка ва бунёдкорликка интилиши, ички яратувчанлик моҳияти, ижодкорлик табиатидан

келиб чиқади, одамларни комиллик ва фозиллик сари ундайди, иймон-этиқодини мустаҳкамлайди, ҳаётига ижобий мазмун бахш этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бунёдкор ғоялар тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Бунёдкор ғоялар деб, жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоялар мажмуига айтилади.

Бунёдкор ғояларни ҳаётдаги амал қилиш ўрнига қараб *бунёдкор илмий дунёвий ғоялар ва бунёдкор диний ғояларга* ажратиш мумкин.

2. Бунёдкор дунёвий ғоя ва мафкуралар. Бунёдкор илмий дунёвий ғоялар деб, макон ва замонда мавжуд бўлган реаллик – табиат ва жамиятнинг қонунларини билиш заминидан шаклланиб, унинг тинч, барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган илмий-амалий ғояларнинг муайян тизимига айтилади. Буни ўз ичида яна иккига: *биринчиси*, табиат сирларидан унумли фойдаланишни, *иккинчиси эса* ижтимоий ҳаёт соҳасини юксак даражага кўтаришни кўзда тутадиган ғояларга ажратиш мумкин.

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб табиат сирларини билишга интилиб келади. Бунинг натижасида сон-саноксиз кашфиётлар қилинган бўлиб, улар бир томондан, яқин келажакда туғулажак муайян бир илмий табиий ғояларнинг заминини ташкил қилишига, иккинчи томондан эса инсониятни эзгуликка ёки тубанликка бошловчи қандайдир мафкуравий ғояларга хизмат қилишини кўришимиз мумкин. Масалан, тиббиёт соҳаси бўйича 1962 йилда Нобель мукофотига сазоро бўлган, 1928 йилда туғилган амеркалик олим Джеймс Дьюи Уотсон томонидан илгари сурилган ДНК(дезоксирибонуклеин) нинг «қўш спиралли» тузилишга эга эканлиги ҳақидаги ғоясининг амалда тасдиқланиши ДНК нинг табиатини янада фаолроқ ўрганишга, шунингдек генетик информациялар тузилиши ҳамда уларни узатиш механизминини янада такомиллаштириш ишларига кенг йўл очиб берди. Бу эса ўз навбатида озиқ-

овқат маҳсулотларини генетик модификация қилиш, одам наслини клонлаштириш, ДНК таҳлилига қараб оталикни аниқлаш, жиноятларни очиш, унинг натижаларига қараб судда одамларнинг тақдирини ҳал этиш ишларида кенг қўлланила бошлади. Бундан ташқари 1955 йилда туғилган Англиялик олим Тим БЕРНЕРС-Ли томонидан 1989 йилда интернетдан унумли фойдаланиш бўйича «ЎРГИМЧАК ТЎРИ» номли кашфиёти атрофида бўлаётган илмий ғояларга бўлган муносабатда ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин.

Худди, шунингдек атом сирларини очиш орқали энергия манфаи сифатида фойдаланишга қаратилган илмий-амалий ғоялар бунёдкор ғояларга, ундан атом бомбаси – оммавий қирғин кўроли сифатида фойдаланишга уриниш эса вайронкор ғоялар қўлидаги даҳшатли қурол вазифасини ўташ ишига хизмат қила бошлади.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёт соҳасини юксак даражага кўтаришга қаратилган илмий ижтимоий ғоялар жумласига:

- инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш ва ҳимоя қилиш;
- иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инновацион сиёсат юргизиш;
- эркин демократик сайловларни ҳаётга тадбиқ қилиш;
- давлатнинг инсонпарварликка йўғрилган янги ҳуқуқий доктринасини яратиш;
- маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш;
- инсоннинг саломатлигини сақлаш;
- яхши қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш;
- давлатлар ўртасида ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ғоялар киради. Масалан, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояси шундай бунёдкор ғоя ва мафкура ҳисобланади.

Илмий аҳамиятга эга бўлган табиий ва ижтимоий ғоялар, инсониятга хизмат қилиш, унинг орзу-истак, мурод ва мақсад, муддао ва иддаоларини ифодалашларига қараб бунёдкор ғоя ва мафкураларга ёки вайронкор бузғунчи ғоя ва мафкураларга хизмат қилиши мумкин. Бундаги асосий вазифа – илмий дунёвий ғояларни эзгулик йўлда халқ манфаатларига хизмат қилдиришни ташкил этишдан иборатдир.

3. Бунёдкор диний ғоя ва мафкуралар. Инсоният тарихи қанчалик қадимий бўлса, дин тарихи ҳам шунчалик қадимийдир. Инсон асрлар мобайнида диний эътиқодларга кўра «фоний» дунёга келиб, диний маросимлар орқали «боқий» дунёга кузатиб қўйилган. Демак, дин – бу инсон маънавий вужудидан ажралмайдиган олий мақомга эга бўлган ижтимоий феномендир. Бу феноменни йўқ қилишга уруниш бесамар иш бўлиб, унинг туб моҳиятини англаш эса бу дунёнинг ўткинчи эканлигини, унда инсон ўзидан яхши из қолдиришини англаб етиши демакдир. Дин - бу Яратган тимсолида энг олижаноб эзгу ниятларни англаш ва уни амалга ошириш демакдир. Бу инсонни олий қадрият, унинг яшаш каби ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилиш, айниқса, бегуноҳ болалар, аёллар, қариялар, хасталар, бева-бечоралар, етимлар ҳаётига тажовуз қилиш, уларнинг ҳақини ейишни кечириб бўлмайдиган гуноҳ деб билиш демакдир. *”Дин,— И.А.Каримов айтганидек,— азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган зоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”*¹. Диннинг ана шу мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бунёдкор диний ғоялар тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият—енгилмас куч. — Т.:”Маънавият”,2008.— Б.36.

Бунёдкор диний зоялар деб, муққаддас диний китобларда ўз ифодасини топган таълимотларнинг инсонпарварлик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда одамлар ўртасида тенглик, тинчлик ва ўзаро ҳамкорликни таъминлашга қаратилган зоялар мажмуига айтилади.

Бунёдкор диний ғоя ва мафкураларга хос бўлган хусусиятлар:

1) Яратганга мавжуд дунёда тинч ва осуда ҳаёт кечираётгани учун шукуроналар айтиш тимсолида барча одамларга тинчлик ва саломатликни тилаш каби эзгу истакларнинг борлигида;

2) Яратганга берган ризкига шукроналик келтириб, уни исроф қилмасдан фойдаланиш каби инсонийлик фазилатларининг кўнгил риштасига айлангантирганлигида;

3) Танҳоликни Яратганга хос деб билган ҳолда жамоат билан бирга бўлиб, уларни қадрлаб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб яшаш иштиёқини кучайтираётганлигида;

4) Яратганнинг мўжизаларига иқроп бўлиш учун илм ўрганиш, уни фойдали ишларга сарфлашни тинмай тарғиб ва ташвиқ қилиб келаётганлигида;

5) Одамлар охиратининг хайрли яқун топиши учун ўз ҳаёти давомида кўплаб хайрли, савоб ишларни қилиш, тинчлик ва биродарликни асраб авайлаш, вафотидан кейин савоби етиб турадиган амали солиҳларни қилиш зарурлигини уқтираётганлиги ва бошқаларда яққол кўзга ташланади.

Ислом динининг бунёдкор ғоя ва мафкура сифатидаги вазифалари «Куръони Карим» ва «Ҳадис» китобларида ўзининг яққол ифодасини топган бўлиб, уни қуйидаги «Ҳадис» намуналарида кўриш мумкин:

– *Аллоҳга энг ёмон кўринадиган кишигина ва адоватни узоқ сақловчи одамдир.*

– *Аллоҳ таолога сўзларнинг севимлиси ростдир.*

– *Агар қўшнилари сени яхши деяётганини эшитсанг, демак яхшисан. Ёмон дейишаётганини эшитсанг – ёмонсан.*

– Агар яхшиларингиз ҳоким бўлиб, бойларингиз сахий, очик қўл бўлиб, ишларингиз ўртада маслаҳат билан ҳал қилинаётган бўлса, сизларга ернинг остидан усти яхшироқдир. Агар ёмонларингиз ҳоким бўлиб, бойларингиз бахил бўлиб, ишларингиз хотинлар қўлида бўлса, ернинг устидан ости сизларга яхшироқдир?

– Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир.

– Эй Алоҳнинг бандаари! Даволанинглари, чунки Аллоҳ таоло бирор касалликни давосиз яратмаган, илло бир касалликнинг давоси йўқдир – бу қариликдир.

– Яхшилик қилмоқ – ёмон фалокатлардан асрайди.

– Меҳмон кутмайдиган одамда яхшилик йўқдир¹.

Ислом динининг бунёдкор ғоя сифатидаги куч-қудрати ҳақида **Ш.М.Мирзиёев: «Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна солаётган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади. Бундай ёндашув давр талабидир.**

Ислом – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади»²,– деган эди.

¹ Ушбу «Ҳадис» намуналари Муҳаммад пайғамбар қиссаси, Ҳадислар, – Т.: Камалак, 1991. номли китобдан келтирилди.

² **Мирзиёев Ш.М.** Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл//*Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.27,28,30.

4. Бунёдкор ғояларнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Бунёдкор ғоя ва мафкура бутун бир бошли халқни порлоқ келажак сари бошлар экан, у ўзига хос бўлган хусусиятларини:

- а) одамлар, турли гуруҳ ва қатламлар, барча-барчани эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундашида, тараққиёт сари етаклашда;
- б) ҳар бир халқ, умуман, башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалашда, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этишида;
- в) инсон кадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдаги саъи-ҳаракатларида;
- г) ҳар бир кишининг жамият,юрт,миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурчи ҳамда масъулиятини қандай даражада бажараётганлигини белгилайдиган манавий мезонлигида;
- д) мафкуравий фикрлаш услуби сифатида жамиятда юзага келётган муаммоларга қандай ечимларни топаётганлигида;
- е) мавжуд воқеликда содир бўлаётган нарса,воқеа, ҳодиса ва жараёнларни уйдирма шаклида эмас,балки ҳаққоний равишда баҳолай олиш,таҳлил қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш имкониятларинг бор ёки йўқлигида кўриш мумкин.

2. Мустақиллик – ўзбек халқи бунёдкорлик ғоя ва мафкурасининг ҳаётий манбаии.

1. Мустақиллик тушунчаси. Дунёда инсон зоти борки, у ўзининг туғилган жойида, диёрида мустақил, эркин, осуда ҳаёт кечиришни истайди. Унинг бу истакларини амалга оширувчи асосий омил давлат, яъни ҳар қандай давлат эмас, балки миллий жиҳатдан мустақил бўлган демократик давлат ҳисобланади. Агар давлат бўлса-ю, аммо у мустақил бўлмаса, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг эркинлиги, мустақил яшаши хом ҳаёл бўлиб қолаверади. Шундай

экан, мустақиллик ҳар бир давлатнинг бош атрибути бўлиб, уни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш миллий истиқлол мафкурасининг асосий масаласи ҳисобланади. Зеро, мустақиллик бўлмаса, миллий давлат ҳам, унинг туб манфаатларини ифода этувчи, порлоқ келажак сари бошлаб борувчи миллий ғоя ва мафкураси ҳам бўлмайди.

Хўш, мустақиллик нима? Бу саволга жавоб топиш ҳамма вақт файласуф, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчи, тарихчи, мафкурачи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мустақиллик сўзи : «**Мустақил** [арабча – эркин, озод; тобе бўлмаган, алоҳида] – 1) ихтиёри ўзида бўлган; тобе, қарам бўлмаган; 2) ўзганинг ёрдамсиз ёки раҳбарлигисиз иш қила оладиган, ўзича фикр юрита оладиган, яшай оладиган; 3) фақат ўзига тааллуқли, ўзгалар иштирокисиз, таъсирисиз бўладиган »¹, – деган маъноларни билдиради. Шундан келиб чиққан ҳолда мустақиллик деб - ҳар бир инсоннинг, миллатнинг, халқнинг, давлатнинг ўз моддий, маънавий бойликларига тўла ҳуқуқли қонуний соҳиб бўлиб, у ўз ихтиёри билан, бировларга тобе ва қарам бўлмасдан, ўзгаларнинг ёрдамсиз, раҳномаю раҳбарлигисиз иш қила олишига, фикр юритишига асосланган ҳолда ҳаёт кечиришидан иборат бўлган ижтимоий борлиғига айтилади.

2. Мустақилликнинг моҳияти. Мустақилликнинг моҳияти ҳар бир инсон, миллат, халқ ва давлат ҳаётида куйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади: яъни, мустақиллик, *биринчидан*, унга эришмаган миллатлар ва халқлар учун ғоя, орзу-умид бўлиб, пировардида, унга эришиш учун кураш олиб боришлардан иборат бўлса; *иккинчидан*, оғир азоб-уқубат, камситилиш, таҳқирланишларни, мутелик ва қарамликни, қулликни енгиб, озодликка эришган халқ учун реаллик, бахт-саодат ва ана шу бахтни қўлдан чиқармаслик

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.652.

учун амалга оширилаётган самарали ижодий меҳнатдан иборатдир. Зеро, мустақилликнинг ҳақиқий моҳияти ана шу тушунчаларни англаб етишда!

Шундай экан, “Биз учун мустақиллик - энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзликимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру-оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик - Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшайётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол - миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун - миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар - эркинлик, тенглик, биродарлик учун муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқлол - давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагамизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фаҳримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир”¹.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқи:

– Чор Россияси ва шўро империяси доиралари истибдодидан озод бўлиб, уларга бўлган қарамлик, тобелик, мутелик занжирларидан кутулиб, ўзининг ҳақиқий она-Ватани - Ўзбекистонга, унинг жамики ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлди;

¹ Каримов И.А. Мустақиллигимиз боқий бўлсин//Унинг ўзи.Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2. – Т.: Ўзбекистон,1996. – Б.283-284.

– «улуғ оғачилик» исканжасидан кутулиб, ўзининг она тили - ўзбек тилига, давлат тили мақомини берди ва уни ҳар томонлама ривожлантириб, унинг овозини жаҳон халқларига етказишга эришди;

– шахсининг, унинг миллий ғурури, онги, ва ҳаётини бадном қилувчи сирти ялтироқ, ичи қалтироқ “ҳуқуқ”лардан холи бўлиб, озод Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир катта-кичик фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи Асосий қонун - Конституцияга эга бўлди;

– миллий давлатчилигини инкор этишдан, халқни давлатга раҳбарлик қилиш ишларига аралаштирмаслик касалликларидан батамом кутулиб, ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига, унга раҳбарлик қилувчи Президентига, давлат бошқарувида халқ ҳаётига мос келувчи тизимларига эришди;

– собиқ КПССнинг ўта даҳрий сиёсатини рад этиб, ўзининг ҳақиқий маърифий исломий динига эътиқод қилиш, унинг муқаддас китобларини ўз она тилларида ўқиш бахтига мушарраф бўлди;

– рус шовинизмининг қонли қатағон қиличи сиёсатидан озод бўлиб, ўзининг адолатли, меҳмондўст, меҳнатсевар халқ эканлигини жаҳонга кўрсата олиш, улуғ аждодларининг номини қайта тиклаш, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, ўз тарихини ўзи битиш бахтини қўлга киритди;

– халқаро доираларда тенглар ичида тенг бўлиб, ўзлигини бутун дунёга танитиш ва тан олдириш ҳуқуқига эга бўлди;

– боқибеғамлик, боқимандалик балоларига чек қўйиб, она-Ватан равнақи йўлида тинмай меҳнат қилиш, ўзининг акдий ва жисмоний салоҳияти билан, фан-техника ютуқдаридан халқни баҳраманд қилиш каби имкониятга эришди ва ҳ.к.

3. Мустақилликнинг умумметодологик аҳамияти. Мустақилликнинг умумметодологик аҳамияти шундаки, у миллат, халқ манфаатларидан келиб чиқиб, барча соҳаларга - ишлаб чиқариш, фан-техника, иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, маънавият, маданият, турмуш тарзига ҳам озодлик ва ободлик руҳини берди. Ва

айни ана шу мустақиллик руҳи ҳар бир воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади. Бу - мустақилликнинг қонунияти бўлиб, ундан бошқача йўл бўлиши ҳам мумкин эмас. Бошқача йўл - бу яна озодликдан маҳрум бўлиш, тобелик, қуллик, мутелик, адолатсизлик сари босилган аянчли қадам бўлурди. Шундай экан, мустақиллик - ўзбек халқи учун яшаш ҳуқуқи, у ҳаёт- мамот масаласи. Бу ҳуқуқ фақат кураш, меҳнат қилиш, адолат ўрнатиш ва Ватан бахт-саодати ривожини мустаҳкамлашдир. Мустақилликнинг жамият ҳаётидаги туб моҳияти ва умумметодологик аҳамияти ҳақида **Ш.М.Мирзиёев: «Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳатто шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Биз яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, кадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт»¹**, – деган эди.

3. Мустақилликнинг шакллари, уларнинг ижтимоий табиати ва белгилари. Ҳар бир халқнинг мустақиллиги ижтимоий борлиқ сифатида ўзига хос бўлган бир қатор атрибутларга ² ҳам эгадир. **Ҳар бир халқ мустақиллигининг атрибутлари деб, унинг ўзига хос равишда ижтимоий борлиқ сифатида мавжудлигини таъминлайдиган, ундан ажратиб бўлмайдиган энг муҳим характерли хусусиятларига айтилади.** Бу хусусиятлар мустақилликнинг шакллари сифатида ўзини ҳар томонлама намоён қилади. Шунга кўра мустақилликнинг атрибутив хусусиятларини ифодадовчи

¹ **Мирзиёев Ш.М.** «Шундай ўлка доим бор бўлсин» // *Унинг ўзи*. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б.344.

² «**Атрибут**» лотинча сўз бўлиб, «қўшиб берилган», «таъминланган», «қўшимча қилинган», деган маъноларни англатади.

шаклларига қўйидагилар: сиёсий мустақиллик; иқтисодий мустақиллик; маънавий-маданий-маърифий мустақиллик киради

1. Сиёсий мустақиллик: таърифи, табиати ва белгилари. *Сиёсий мустақиллик деб, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз давлат ҳокимиятига, давлат муассасаларига, конституциясига, фуқаролигига, тилига, миллий нулига, давлат рамзларига, давлат чегарасига эга бўлган ҳолда ўзини ўзи идора этиши, мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдан иборат бўлган ижтимоий-сиёсий борлигига айтилади.*

Сиёсий мустақиллик энг аввало ҳар бир миллат ва халқнинг давлат ҳокимиятини қўлга киритишдан бошланади. Давлат ҳокимияти қўлга киритилмаса, мустақилликка эришиб бўлмайди. Зеро, сиёсий мустақилликнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати, энг аввало, давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, унинг қонунийлигини таъминлаш, сўнгра, давлатнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаб, қатъий тартиб-интизом ўрнатиш билан характерланади.

Ўзбек халқи сиёсий мустақиллигининг асосий атрибутив белгилари қўйидагилардан иборатдир:

1) давлатимизнинг дунё мамлакатлари орасида ҳуқуқий мақомини белгиловчи, *”халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси”*¹ бўлган асосий қонуни – Конституциясининг мавжудлиги;

2) давлатнинг бўлинмас ҳудуд ва даҳлсиз чегараларига, яъни – дунё халқлари ўртасида макон ва замонга эгалиги;

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир// “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 декабрь.

3) давлатнинг суверен ҳокимиятга эгаллиги ва у демократик тамойиллар асосида ташкил этилиб, уч асосий тармоққа - қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлинганлиги;

4) давлатни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилувчи қуролли кучларининг борлиги;

5) давлатнинг миллий манфаатларини ўзида ифодалаган, умуминсонийлик принципларига асосланган қонунлари, кодекслари ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларининг мавжудлиги;

6) давлатнинг ўз рамзлари - байроғи, герби, мадҳияси ва пойтахтига эга эканлиги;

7) ўзбек халқининг референдумлар орқали давлатни бошқариш ишида бевосита ва фаол қатнашиши;

8) давлатнинг ўзига хос бўлган миллий маъмурий бошқарув тизимига эгаллиги;

8) давлатнинг халқаро майдонда мустақил ташқи сиёсат юргизиши ва ҳоказолар.

2. Иқтисодий мустақиллик: таърифи, табиати ва белгилари.

Иқтисодий мустақиллик деб, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз табиий ва моддий бойликларига тўла ҳуқуқий соҳиб бўлиб, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот, айрибошлаш муносабатларини мустақил равишда ташкил этиш, яшаш учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш фаолияти асосига қурилган ижтимоий-иқтисодий борлигига айтилади.

Иқтисодий мустақилликнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати – *биринчидан*, табиий ресурсларга, ерга, завод-фабрикаларга эгаллик қилишда кўринса; *иккинчидан* – ишлаб чиқаришни ташкил этиш, айрибошлаш, тақсимот, истеъмолни амалга оширишнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиш ва унинг қонунийлигини таъминлашда яққол намоён бўлади.

Ўзбек халқи иқтисодий мустақиллигининг асосий атрибутив белгиларини:

– давлатнинг табиий ва моддий бойликларга эгаллиги;

- давлатнинг ўзига хос бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётининг мавжуддиги;
- давлатнинг бюджет, молия, солиқ ва божхона, банк тизимларига эгаллиги;
- давлатнинг олтин захираси ва бошқа қимматбаҳо буюмлардан иборат хазинаси, ўзининг миллий валютаси – пулининг борлиги;
- давлатнинг мустақил равишда бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар олиб бориши ва ҳоказолар ташкил қилади.

3. Маданий-маърифий мустақиллик: таърифи, табиати ва белгилари.

Маданий-маърифий мустақиллик деб, ҳар бир инсон, миллат ва халқнинг оламда юз бераётган воқеа, нарса, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан эркин фикр билдиришига, ўзининг миллий ҳислатларини, фазилатларини умуминсоний қадриятларга мос равишда намойиш қилиш асосида бетакрор маънавий-мафкуравий борлиқ яратиш фаолияти асосига қурилган маданий борлигига айтилади.

Маданий-маънавий-маърифий мустақилликнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати эса ўзлигини ва ўзини англаш билан характерланади. Ҳолбуки, «*тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутулмаса инсон тўла озод бўлолмайди*»¹.

Ўзбекистон маънавий-маданий-маърифий мустақиллигининг асосий атрибутив белгиларига куйидагилар киради:

- 1) ўзбекларнинг халқ сифатида 3000 йилдан буён тарихий макон ва замонда ўз ўрнига эгаллиги;
- 2) ўзбек тилининг давлат тили сифатида қарор топиб, фан ва ижод тилига айланиб ўзбек халқи аجدодларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасининг беқиёслиги;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари// *Унинг ўзи*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т.3. – Т.: «Ўзбекистон»,1996. – Б.34.

3) мамлакатимизда миллатимиз фахри ва ғурури бўлган тарихий ёдгорликлар, китоблар, халқ амалий санъати дўрдоналарининг мавжудлиги ва уларнинг дунё миқёсида тан олинганлиги;

4) ўзбек халқининг ўзига хос, ўзига мос миллий урф-одатлари, анъаналари, маросимлари ва динининг қадимийлиги ҳамда бетакрорлиги;

5) ўзбекларнинг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, садоқатлилиги, болажонлиги, меҳмондўстлиги, меҳрибонлиги, саҳийлиги ва ҳоказолар.

Сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий мустақиллик ўзаро узвий алоқадорликдадир. Уларни бир биридан ажратиш мумкин эмас, зеро, улар бир бирларини мунтазам тўлдириб бораверади.

4. Мустақиллик – ўзбек халқи ғоя ва мафқурасининг ҳаётий замини

Ҳар қандай миллат, халқ ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан ўзинг яшашини ва келажагини таъминловчи асосларини яратиши ҳам лозим. Бундай асослар мустақилликка эришган мамлакатнинг иқтисодиёти қай тарзда ташкил этилганлиги, халқнинг қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлганлиги, давлат ҳокимияти қўлига қандай ваколатлар берилганлиги ҳамда халқнинг қандай маънавий-маданий имкониятлари борлигига, уларнинг ғоявий мазмуни қандай бунёдкор мафқуралар тизимига асосланганлиги билан белгиланади. Буларнинг барчаси халқларнинг мустақил ҳаёт кечириш фаолиятларининг асослари ҳисобланади.

Халқларнинг мустақил ҳаёт кечириш фаолиятларининг асослари деб, ҳар бир миллат, халқнинг мустақиллигини таъминловчи моддий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг мазкур миллат, халқ ҳаётини, унинг эҳтиёжларини тўла қондиришига қаратилган имкониятларнинг амалга ошириш даражаларига айтилади.

Бундаги имкониятларнинг воқеликка айланишида бунёдкор ғояларга асосланган мафкуравий тизимнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Бунёдкор мафкуралар инсон фаолиятининг ичида жойлашиб олган ҳолда, уларни келажақда буюк ишларни бажаришга сафарбар этувчи ғоялар тизимидан ташкил топган бўлади. Шунга кўра, улар соҳавий йўналишларига қараб: иқтисодий ғоялар, сиёсий ғоялар, ҳуқуқий ғоялар, маънавий-маданий-маърифий ғоялар каби турларга ажралади.

1. Мустақиллик – давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбалари. *Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбалари деб, ўзбек халқининг мавжуд эканлигини барчага эътироф этиб, унинг эркин яшаш ва фаолият кўрсатишини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи, таъминловчи қонунлар, дастурий таъминотлар ва уларни амалга оширувчи ҳуқуқий-сиёсий механизмлар мажмуасига айтилади.*

Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбаларини қуйидагилар ташкил этади:

1. Ўзбек деган миллат, халқнинг шу ёруғ дунёда мавжудлиги, унинг ватани Туронзамин - Ўзбекистон эканлиги. Ўзбеклар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги энг кўп сонли халқдир. Ҳозирги кунда дунёда ўзбек миллатига мансуб бўлган 35 миллион киши мавжуд бўлса, шуларнинг 27 миллиони Ўзбекистонда яшайди. Ўзбеклар ўзбек тилида сўзлашадилар. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Демак, Ана шу халқнинг яшаш ҳуқуқи, хусусан мустақил яшаш ҳуқуқи Ўзбекистон халқи мустақил ҳаёт фаолияти сиёсий-ҳуқуқий асосларининг ўзагини ташкил этади. Шунин учун ҳам И.А.Каримов: “Ўзбекистон ўз номи билан ўзбекларники. Асрлар мобайнида бошқаларга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий равақ

топишини таъминлаш - мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий бурчи”¹, – деган эди.

2. Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбаларининг илк дебочасини «Мустақиллик декларацияси» ташкил қилади. Бу ҳужжатда асосий олға сурилган ҳуқуқий мафкура – сиёсий асос ўзбек халқининг мавжуд эканлигини сиёсий жиҳатдан дунёга маълум қилиш, унинг давлат суверенитетининг асосий атрибутларини бирма-бир баён этишдан иборат эди. Бу мустақил ҳаёт кечириш учун қуйилган биринчи ҳуқуқий мафкуравий асоснинг тамал тошидир.

3. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши – бу ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамлади ва унга манба мақомини берди. Шу қонун асосида ўзбек халқининг миллий мустақиллиги жаҳонда эътироф этилган. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳужжат ўзининг сиёсий-ҳуқуқий мазмунига кўра ўзбек халқи учун азиз ва қимматлидир.

4. Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбаини ташкил этувчи асосий ҳужжат – бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Унда Ўзбекистон халқининг ҳаётдаги ўрни, ҳуқуқий бурчи ва вазифалари ўзининг сиёсий-ҳуқуқий ифодасини топган бўлиб, у ҳақиқий маънода демократик, инсоният яратган конституциявий билимларни умумлаштирган, умуминсоний қадриятларни, миллий рух, миллий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган Конституциядир. Шу туфайли бугунги кунда " **У ҳеч**

¹ Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар// Унинг ўзи. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.16.

кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда”¹

Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий манбаини куйидагилар ташкил этади:

1. Ўзбекистон давлатининг мустақил давлат сифатида мавжудлиги ва унда яшовчи халқларнинг ўз тақдирини, ўзи белгилаши.

2. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг суверенлиги, унга бошчилик қилувчи раҳбарнинг халқ томонидан эркин тарзда сайлаб қўйилиши.

3. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги. Барча ишларнинг халқ иродаси орқали бажарилиши. Бевосита ва билвосита демократиянинг мавжудлиги.

4. Ўзбекистон давлатида яшовчи барча миллат ва элатларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, ҳар қандай камситишлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги.

5. Ўзбекистон давлатида яшовчи ҳар бир фуқаронинг сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига аъзо бўлишига, митинглар, йиғилишлар, намойишларда иштирок этишига қонуний йўл билан рухсат этилиши.

6. Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан ҳар қандай давлат органларига, уларнинг бошлиқларига мурожаат қилишлари ва жавоб олишларининг муқаррарлиги.

7. Ўзбекистон давлатининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзолиги ҳамда унинг юздан ортиқ давлатлар томонидан мустақил давлат сифатида тан

¹ ***Мирзиёев Ш.М.*** Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир// “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 декабрь.

олиниб, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини юргизиши, яъни халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти эканлиги.

8. Ўзбекистон давлати ўзининг мустақиллигини сақлаш, уни ички ва ташқи хавфдан, тажавуздан ҳимоя қилиш учун қуролли кучларига, ҳуқуқли муҳофаза қилувчи идораларига эга эканлиги. Яхши қўшничилик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун тинмай иш олиб бориш давлатнинг асосий сиёсати эканлигининг қонуний тан олинганлиги, амалда бажарилиши ва ҳоказолар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг ҳуқуқий ва сиёсий манбалари бир-биридан ажралмас, яъни ҳуқуқий манбалар сиёсий асосларнинг қонунийлигини таъминласа, сиёсий манбалар ҳуқуқий асосларнинг қанчалик ҳаётиелигини амалда тасдиқдайди.

Ушбу фикрларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, *“Биз учун мустақиллик - ўз эркинлигимизни англашигина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиши, ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қуриши ҳуқуқидир”¹.*

2. Мустақиллик – эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг иқтисодий замини. *Ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг иқтисодий заминлари деганда мана шу заминда яшаётган халқни боқилиш учун зарур бўлган табиий бойликлар, хом ашёлар, тайёр маҳсулотлар, мавжуд ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиши тизими тушунилади.* Шунга кўра ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг иқтисодий заминларини қуйидагилар ташкил этади:

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари// *Унинг ўзи*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.Т.6. – Т.: «Ўзбекистон»,1998. – Б.241.

1. Ўзбекистонда яшаб, истиқомат қилаётган **меҳнаткаш халқ** миллий мустақилликнинг иқтисодий асосларини яратувчи ва уни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон катта меҳнат салоҳиятига эга бўлиб, ундаги иқтисодий фаол аҳоли сони мамлакат аҳолисининг 72 фоизини ташкил этади. Бу деган сўз, ўзбек халқи азалдан меҳнаткаш, ўзини-ўзи боқишга қодир халқ. Ўзини-ўзи боқиш эса мустақил ҳаёт кечириш, келажакда ҳар томонлама моддий фаровон яшаш учун бунёдкор инновацион ғояларни ҳаётга тадбиқ қилишнинг мафкуравий замини ҳисобланади. Чунки, ўзини ўзи боқа олишга қурби етмаган халқ ғоявий жиҳатдан мурт, мафкуравий жиҳатдан уқувсиз бўлади. Демак, мамлакатимизнинг келажакка бўлган ишончининг ғоявий-мафкуравий заминини *“Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, саҳий ва меҳмондўст халқи”*¹ ҳисобланади.

2. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган табиий бойликлар ва ёқилғи-энергетика ресурслар. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида турли ҳил фойдали бойликларнинг 2700 дан ортиқ конлари топилган бўлиб, улар минерал хом ашёларнинг 93 турини ўз ичига олади. Ғоят муҳим стратегик манбалар - нефт ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича - 40 дан ортиқ, рангли нодир ва радиоктив металллар бўйича - 40, кончилик-кимё ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган. Айни вақтда Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 8- ўринда, уран захиралари бўйича 7 ўринда, уни қазиб олиш бўйича 6 ўринда; мис захиралари бўйича эса 10 ўринда туради. Энг муҳим ёнилға-энергетика ресурсларига қирадиган газ захиралари 2 триллион кубометрни, кўмир - 2 миллиард тоннани ташкил этса, нефть конлари 160 дан ортиқдир. Бу

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари// *Унинг ўзи. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида*. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б.208.

бойликларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжларини тўла кондиради ва ортиб қолади.

3. Ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги, уларнинг соҳиблари бўлган деҳқон ва чорвадорлар, фермерлар. Ўзбекистон азалдан унумдор тупроққа, қулай иқлим шароитларига эга бўлган ўлка. Бу ердан икки-уч маротаба ҳосил олса бўлади, Ернинг унумдорлига, қулай иқлими туфайли олинадиган ҳосил аҳолининг нонга, кийим-кечакка, мева-чеваларга бўлган эҳтиёжини тўла кондиради. Бу иш билан қишлоқ хўжалик ходимлари, аниқроғи уларнинг соҳиблари бўлган деҳқонлар ва чорвадорлар шуғулланадилар. Уларнинг ўзбек халқини эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг заминлари орасидаги ўрни ҳақида Ш.М. Мирзиёев: **«Деҳқон деганда, бепоён далалар, боғу роғлар, дастурхонимиздаги турли ноз-неъматлар, тўй-томошалар, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади. Шу маънода, деҳқон бу – ҳаётнинг бақувват устун, тирикликнинг мустаҳкам таянчи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.**

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз “ олам аҳлининг тўқлиги, қувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонлар меҳнатидандир”, деб миришкор деҳқонлар хизматига жуда катта баҳо берганлар»¹, – деган эди.

4. Хилма хил – кўпмулкчиликка асосланган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қарор топаётганлиги. Бунда кўпмулкчилик - инсонни боқимандалик кайфиятидан озод қилиб, унинг эркин ижодий меҳнат қилишига

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир// <http://uza.uz/oz/documents/riz-r-zimiz-bunyedkori-b-lgan-ishlo-kh-zhaligi-khodimlari-me-09-12-2017>

ва ўз меҳнатининг натижаларидан тўлиқ баҳраманд бўлишига кенг имкониятлар яратиб беради. Айни вақтда соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида, ғоя ва мафкураларнинг бунёдкорлик кучини намойиш қилади.

5. Пул-молия-кредит, банк тизимларининг мавжудлиги. Миллий валюта - сўм ҳамда олтин жамғармаларининг борлиги мамлакат ичкарасида ва ташқарисида янгича иқтисодий сиёсат юритишнинг кафолати ҳисобланади. Бу барча жаҳондага ишбилармон доиралар билан тенг шерикчилик асосида иш юритиш имкониятини беради.

7. Давлатнинг ўз транспорт алоқа коммуникацияларига эгаллиги. Ўзбекистон ўзининг темир йўл, автомобиль, ҳаво йўли, сув транспортларига эга. Бу йўллар орқали у бемалол жаҳон бозорларига чиқа олади ва у ердагиларга ўзлигимизни танитиш имкониятига эга бўлади.

Қўриниб турибдики, ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг иқтисодий заминлари жуда мустаҳкам, шунинг учун ҳам “Ўзбекистон ўтмишнинг оғир оқибатларини бартараф этишга, танглиқдан чиқиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиб, ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишга имкон берадиган етарли куч-қудратга эгадир”¹.

Бу хусусда **Ш.М.Мирзиёев**: «*Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди*» деган қоидага амал қилган ҳолда, биз мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, жаҳон майдонида унинг рақобатдошлигини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини изчил давом эттирамиз»²,— деган эди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли// Унинг ўзи. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1. – Т.: «Ўзбекистон»,1996. – Б.295.

² Мирзиёев Ш.М. Гўзал ва бетакрор ўлка // Унинг ўзи. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Т.: «Ўзбекистон»,2017.– Б.85.

сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг иқтисодий заминларининг энг муҳим атрибутини «иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди» деган қоидадан келиб чиққан ҳолда иқтисодий мустақиллик ташкил қилади ва у ҳар қандай жамият сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-мафкуравий ҳаёт фаолиятининг тамал тоши ҳисобланади.

3. Мустақиллик – маданий борлиқни кенгайтиришга руҳий қувват бўлғувчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асоси. Ўзбек халқининг маданий борлиғини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асослари *деб, ўзбек халқининг ўз она-Ватанини севиши, мустақиллик, озодлик ва ободлик йўлида жон фидо қилиши, қийинчиликларни енгиб ўтишида маънавий жасорат кўрсатишлари учун миллий гурури, ўзига хос миллий фазилатларини, моддий ва маънавий қадриятларни юксалтириш борасида изчил ва аниқ дастурий таъминот асосида ҳаракатланадиган маънавий-маърифий тизимига айтилади.*

Ўзбек халқининг маданий борлиғини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асосларига қуйидагилар киради:

1. Ўқишни, ёзишни, тафаккур қилишни биладиган саводхон халқи, унинг Ватан равнақи йўлида қилаётган онгли, самарали меҳнати, ташаббускорлик фаолияти, уларнинг дунёвий илмларни эгаллашдаги ақлий-илмий салоҳияти. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳақли равишда айтиш мумкинки, саводсиз кишилар йўқ. Барча аҳоли ўзининг ёшига қараб бирон бир маълумотга эгадир. Чунки, Ўзбекистонда бошланғич таълим, умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими мажбурийдир. Ана шу ялпи саводхонлик, яъни ўзбек халқининг саводхонлиги ўзининг маданий борлиғини ҳар томонлама кенгайтириб бориши, халқнинг умуминсоний ва миллий маданият соҳаларида эришилган ютуқлар асосида уйғун ривожлантириб, бунёдкор ғоя ва мафкура тамойилларига мос равишда келгуси авлодларга эсон-омон етказиб беришга қодирлиги яққол намоён бўлади.

2. Ўз касбини пухта ва чуқур биладиган, замонавий фикрлайдиган, халқига садоқатли кадрлар. Миллий истиқлол ғояларини салоҳиятли кадрларсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам *“биз олдимизга қандай вазифалар қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурати тугилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”*¹.

3. Ўзбек тили. Ўзбек тили – бу ўзбек халқининг маданий борлигини кенгайтиришни рухий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асосларининг энг катта устунларидан бири ҳисобланади. Чунки, биз ана шу тилда гаплашамиз, ўзимизнинг энг яхши истакларимизни, фикр ва ғояларимизни шу тилда баён қиламиз. Тил равнақи бу - миллат, эл-юрт равнақи демак. *Ўзбек тили - она тилимиз она сути, она алласи билан танимизга кириб келадиган, жон билан чиқиб кетадиган тилимиздир. Ўзбек тилисиз мустақиллик сукунатдир. Ўзбек тили туфайли мустақиллик жарангдордир, у миллий ифтихоримиз, гуруримиз, шуурумиз, онгимиз, билимимиз, келажакимиздир.* Ўзбек тили - илм-маърифат, маданият, дўстлик, қардошлик, биродарлик тилидир. Ўзбек тили ота-боболаримиз тили, фарзандларимиз тили, давлатимиз тили, унинг келажак истиқболи тилидир. Ўзбек тили - ўзбекларнинг дунёвий макондаги, замондаги қалб гавҳари, дил изҳоридир, мустақилликнинг тамал тошидир. Дарҳақиқат, *“Она тили - бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррардир”*².

4. Халқнинг воқеаларга бой тарихи, маданий мероси, аждодларимизнинг маънавий-маданий мероси. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқи

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда// Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. - Т.: «Ўзбекистон»,1999. – Б.381.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир// Унинг ўзи. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: «Ўзбекистон»,2000. – Б.502.

Ўзининг тарихий маконда эгаллаган ўрнига кўра миллион йиллик, тарихчилик тарихига кўра, унинг келиб чиқишига кўра 3 минг йиллик тарихга эга. Бу тарихни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, унинг кўп қисми фақат мустақиллик учун олиб борилган курашлардан иборат эканлигини кўрамыз. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда айтиш мумкинки, ўзбек халқининг тарихи бу мустақиллик учун, озодлик ва ободлик учун кураш тарихидир. Чунки бугунги кунда биз фақат мустақиллик туфайли ўз тарихимизга, ўзимизнинг ота-боболаримиздан қолган маънавий-маданий меросга эга бўлдик. Шунинг учун ҳам *“ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти бўй-бастани, унинг гўзаллигини дунё кўз ўнгида тўла-тўқис намоён эта олади”*¹.

Ўзбек халқининг маданий борлиғини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асосларини санаб ўтиш ва уни ёритиб бериш жуда катта масъулият ва меҳнат талаб қиладиган ишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда ўзбек халқининг маданий борлиғини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асосларининг ҳақиқий ўзагини ташкил қилувчи асосий белгилари:

а) ўзбек халқининг миллий ғурури ва асосий фазилатларидаги эканлиги, уларнинг туркий халқларга мансублигида, улар билан яқин қон-қардошлигида, уларнинг тили ва дини, маданий ва тарихий илдизларининг бирлигида;

б) ўзбекларнинг барча Шарқ халқлари - қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, афғон, эрон, араб, хитой, ҳинд ва бошқалар билан яқинлигида, улар билан ўзаро кўп минг йиллик яқин этник маданий муносабатларида;

в) ўзбекларнинг ўзига хос шарқона мустақил маънавий тараққиёт йўлининг бошқа қардош маданиятлар билан узвий ривожланишида;

¹ Каримов И.А. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи// Унинг ўзи. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон»,1998. – Б.372-6.

г) ўзбекларнинг ислом маданиятини ва маърифатпарварлигини ўзига хос идрок этишида ва равақ топтиришида;

д) ўзбекларнинг қадимдан Европа, кейинчалик рус маданияти билан яқин ҳамкорлигида;

е) ўзбекларнинг очиқлигию меҳмондўстлигида, ҳоҳ мамлакат ичида, ҳоҳ ташқарисида барча миллат ва эллатлар, дин вакиллари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка мойиллигида;

ё) ўзбекларнинг кўп асрлик оғир ва зиддиятли тарихида, буюк миллий давлатчилик намуналарию тарқоқлик ўқинчларини, мустамлака зулумларию тўла қарамликни бошдан кечирганлигида;

ж) ўзбекларнинг истиқлол шарофати туфайли буюк миллат, халқ бўлиб бирлашуви, жипслашуви учун имкон яратилганида ва таракқиёт сари ўз мустақил йўлидан боришида;

з) ўзбекларнинг ўз кучига ишонишида, меҳнатсеварлигида, тиниб-тинчимаслигида, ишчанлигида, билимдон ва ташаббускорлигида;

и) ўзбекларнинг халққа, Ватанга садоқатида, фидойилигида, жонқуярлигида яққол кўзга ташланади.

Хулосалаб шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, йиллар ўтиши билан халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ўзбек халқининг мустақил ҳаёт кечириш фаолиятининг иқтисодий асослари янада баққувват бўлиб бораверади, сиёсий-ҳуқуқий асослари янада мустақамланади, маънавий-маданий асослари миллий мафкура заминида ривожланиб ўзининг куч-қудратини намойиш этади.

Мустақилликнинг ижодкори ўзбек халқидир. Биз энди сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳеч кимга қарам ва муте бўлмаймиз, бу ҳақиқат. Эндиликдаги асосий хавф – бу фикр қарамлигидир, халқимизнинг қандайдир ғайриинсоний ғоялар таъсирига тушиб қолишидир. Шунинг учун ҳам **“фикр қарамлиги, тафаккур қўллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан**

*ҳам даҳшатлидир”¹. Зеро, шундай экан, дунёга келаётган ҳар бир ўзбек халқи фарзандининг бутун вужуди миллий истиқлол мафқураси нури билан тўлдирилиши, унинг маънавияти ҳар қандай ғоявий хавф-хатарларни енгиб ўтувчи кучга айланиши зарур. Бунинг учун курашиш керак, яъни кўзлаган мақсадимизни амалга ошириш учун, унга етишиш учун курашиш керак. Ғоявий кураш чоғида **“Ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”². Ўзгача бўлиши мумкин эмас. Бу йўл мустақиллик йўлидир, ундан оғишмай борсак ўз мақсадларимизга эришамиз. **“Мақсад дегани - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу интилишлари мужасамлаштирадиган улуг кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улугворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, бу мақсад халқни - халқ, миллатни-миллат қила билсин, кўлимизда энгилмас бир кучга айлансин”³.*****

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т. Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б.85.

² Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т. Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б.88.

³ Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т. Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б.89.

5. Ўзбек халқи миллий мафкурасининг жамиятни ривожлантиришда бунёдкор куч сифатидаги бош ва асосий ғоялари

1.1. Ўзбек халқи миллий мафкурасининг бош ғояси ва уни амалга оширишдаги устувор йўналишлар

Ўзбек халқи миллий мафкурасининг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат бўлиб, бунда асосий ўрин озодлик ғоясига берилади.

1. Озод Ватан ғояси

Бугунги кунда ўзбек халқининг тарихий макон ва замонда бир миллион йиллик ўрни борлиги тарихий ҳақиқат сифатида кўпчиллик илм аҳлига маълум. Бу халқнинг давлатчилиги тарихи эса 3 минг йилдан ортиқроқ вақтни ўз ичига қамраб олади. Улар ана шу тарихий давр ичида жуда кўплаб бахтли ва бахтсиз онларни, яъни тараққиёт ва инқироз, барқарорлик ва беқарорлик, ғалаба ва мағлубият, ҳукмронлик ва тобелик, саховатпешалик ва мутелик, садоқат ва хиёнат каби ҳаётнинг тотли ва аччиқ дамларини бошдан кечирганлар. Айниқса, улар ўз ҳаётларининг 200 йилини аҳамонийлар, 180 йилини грек-македонияликлар, 200 йилини араб халифалиги, 150 йилини мўғул босқинчилари, 130 йилини рус ва совет истилочилари, яъни жами бўлиб 800 йилини ўзгалар кўлида қуллик, қарамлик, тобелик, мустамлакачилик шароитида ўтказишга мажбур бўлганликлари сабабли озод Ватанда эркин яшашнинг нима эканлигини ўзгалардан кўра яхшироқ англайдилар. Шу туфайли “озод Ватан” тушунчаси ўзбек халқи миллий мафкурасининг бош ғоясига айланган.

“Озод” сўзи форс тилидан ўзбек тилига кириб келган бўлиб, луғавий жиҳатдан *“эркин, хур; асоратдан қутулган; гам-ташвишдан холи; олижаноб;*

саховатли” деган маъноларни билдирган ҳолда кишиларнинг кундалик ҳаётида: 1) ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқи ўз қўлида бўлган, озодликка эришган; эркин, хур; 2) қулликдан озод этилган, эркинликка чиққан, асоратдан қутилган; 3) ўз ҳолига, майлига қўйилган, бўшатиб юборилган, ҳеч қандай мажбурият билан боғланмаган; бўш; 4) тик, тикка, кўкракни кериб юрадиган одам, элат, миллат, халқ маъносини англатиш учун ишлатилади¹. Шундан ҳам кўриниб турибдики, озодлик шунчалик оддий сўз эмас, балки ўзида чуқур фалсафий маънони акс эттирган ғоявий аҳамиятга молик бўлган тушунчадир.

Озодлик тушунчасининг фалсафий мазмундаги ғоявий табиати:

биринчидан, ҳар бир инсон, элат, миллат, халқ ва давлатнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишида;

иккинчидан, уларнинг ўз эркини қўлга киритиб, эркин ва фаровон яшашга интилишида;

учинчидан, ҳаётий адолатни қарор топтириб, тенглар ичида тенг бўлиб, тикка, кўкрак кериб юришга интилиши сари қилаётган хатти-ҳаракатларида;

тўртинчидан, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш мақсадида олиб бораётган машаққатли, айни вақтда шарафли ишларни амалга ошириш учун қанчалик даражада сафарбарлик вазифасини уддалаётганлигида яққол намоён бўлади. Шунга кўра озодлик тушунчасига ғоя сифатида қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Озодлик – бу мутелик ва тобеликнинг ҳар қандай кўринишларини инкор этган ҳолда, ҳар бир инсон, элат, миллат, халқ ва давлатларни қуллик ва қарамлик балосидан қутилиб ўз эркини қўлга киритиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаётий адолатни қарор топтириб, тенглар ичида тенг бўлиб, эркин ва фаровон яшаш учун курашга чорлайдиган, уларни шу йўлда бирлаштирадиган ва сафарбар қиладиган бунёдкор ижтимоий-сиёсий ғоядир.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.3. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б.95.

Инсоният тарихидан шу нарса маълумки, ҳар бир инсон, элат, миллат, халқ ўзига тегишли бўлган она-Ватанида, давлатида озод ва эркин яшайди. Она-Ватандан ташқаридаги озодлик ҳақиқий озодлик эмас, балки унга ўзгалар томонидан инъом этилган эркинликдир.

Шунинг учун ҳар бир ақли расо инсон ҳамиша ўз она-Ватанининг озодлиги учун курашиб келган. Шу сабабли озодлик ғояси инсоният тарихининг азалий йўлдоши, ўтмишдан ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келаётган эзгу кадрият ҳисобланади.

Озодлик ғоясининг мазмун-моҳиятини бир неча йўналишда талқин ва таҳлил қилиш мумкин. *У ижтимоий маънода* – жамият ҳаётининг қандайлиги ва қай тарзда ташкил этилганини, *сиёсий маънода* – мустақил ва эмин-эркин яшашни, *иқтисодий маънода* – мулк ва моддий бойликларга барчанинг тенг эга бўлиш имкониятини, *маънавий маънода* – инсон ва жамиятнинг турли тазйиқлардан холислиги, фикр, эътиқод ва сўз эркинлигини англатади.

Озодлик ғоясини умуминсоний, миллий ва шахсий нуқтаи назарлардан ҳам талқин қилиш мумкин. *Умуминсоний жиҳатдан*, бу ғоя бутун Ер юзида тараққиёт ва эркинлик учун курашаётган кишиларнинг музаффар байроғи, демократик жамият ва давлатлар ҳаётининг устувор тамойилларидан бирини ифодалайди. *Миллий жиҳатдан*, у ҳар бир миллат ва халқнинг ўз мустақил тараққиёт йўли, ўз тақдирини ўзи белгалай олиши, миллий давлатчилигига эга бўлишини англатади. *Шахсий даражада озодлик* – инсон ҳақ-ҳуқуқларининг рўёбга чиқиши, унинг ижтимоий-маънавий жиҳатдан эркинлигини билдиради.

Озодлик ғоясининг кудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатлари, мамлакатлар ва давлатлараро муносабатларни меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим-тавозега чек қўяди. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда “озод Ватан” ғоясини қуйидагича таърифлаш мумкин.

*Озод Ватан – ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тўла рўёбга чиқара олган миллатнинг яшаш макони бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, нуфузига ва мавқеига эга бўлган мамлакатдир*¹. Шунинг учун ҳам: “Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради”².

2. Обод Ватан ғояси

Инсон барча тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ, ўзининг яшаётган масканини обод қилишга ҳаракат қилиб келган. Шу туфайли жаҳон цивилизациясининг ободликни тараннум этувчи ўчоқлари яратилган. Обод яшаш учун кураш инсониятнинг азалий орзу-умиди бўлиб, у ҳаёт синовларидан ўтгандан сўнг энг илғор ижтимоий-сиёсий бунёдкор ғоялар сафидан жой олган. Булар ичида “Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир”³. Ўзининг яшаётган жойини обод қилган ҳолда кун кечириш ҳар бир ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатдир. Шу туфайли обод Ватан тушунчаси ҳар бир ўзбек боласи ва унинг оиласи учун муқаддас ғоя ҳисобланади.

“Обод” сўзи форсча бўлиб, ўзбек тилидаги луғавий маъноси “*одам яшайдиган, ишлов берилган, гуллаб яшнаётган*” деган маъноларни англатган ҳолда кишиларнинг кундалик турмушида: 1) кўркам бинолар, чиройли кўчалар, боғу роғлар билан гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган ўлка, мамлакат; 2) яхши қаров, парвариш билан етилтирилган боғлар, пахта, ғаллакаби экин

¹ Қаранг: Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2007. –Б.255.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б.51.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.142–143.

майдонлари; 3) халқ кўп йиғиладиган, гавжум ва серфайз жойлар; 4) одамлари хурсанд, шод деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилади¹.

Ўзбек халқи мустақилликка эришгандан сўнг И.А.Каримов обод Ватан ғоясини назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб берар экан, унинг тушунчаси маъно-мазмун, тарихий илдизи ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради.

“Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. *Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинч ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади.*

Мустақиллик йилларида *“Ободлик кўнгилдан бошланади”* деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизнинг ҳаракат ва интилишларимиз негизида, авваламбор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

¹Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.Ш. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.74.

Ана шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”¹. Демак, *обод Ватан – бу инсон ҳар томонлама эркин нафас олиб тинч ва фаровон яшайдиган, хавфсизлиги ҳар томонлама таъминланган, оқолини ҳаққондорлик ва барқарорлик, самарали ишод ва яратувчанлик, ўзаро меҳр оқибат, аҳиллик, файз-барака, жисмоний ва маънавий поклик ҳукмрон бўлган ҳудуддир.*

3. Эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси.

Инсониятнинг ривожланиш тарихида меҳнаткаш халқ ҳал қилувчи вазибалардан бирини ўтаб келган. Чунки, улар ҳар қандай мамлакат фуқароларининг энг зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг моддий манбасини яратиш билан шуғулланганлар. Шунинг учун ҳам ақли зукко давлат арбоблари меҳнаткаш халқнинг турмушини яхшилаш борасида қайғурганлар. Соҳибқирон Амир Темур обод қилиш масаласида: “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафдан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақир мискинларга лангархона (йўловчилар қўниб ўтадиган ер; мискин ва етим-есирга таом бериладиган жой; ғарибхона) солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун

¹ *Каримов И.А.* Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз // *Унинг ўзи*. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б.111.

табиблар тайинласинлар”¹, – деган топшириқларни берган ва унинг ижро этилишини қаттиқ назорат остига олган. Аждодларимизнинг бундай олижаноб ишлари миллий ғоямизнинг бош мақсадини мамлакатимизда амалга оширишнинг мустаҳкам тарихий илдизга эга эканлигидан далолат беради.

Масалан, Собик СССР даврида Ўзбекистон қишлоқларида яшовчи аҳоли кулоқлаштириш, коллективлаштириш, совхозлаштириш, аграрсаноат асосида йириклаштириш каби бир қатор тажриба-синов майдонига айлантирилди. Натижада, пахта толаси ва қорақўл терисининг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи республикадан арзимас баҳо билан четга олиб кетилаверди². Шу тариқа бу ерда пахта яккаҳоқимлиги ўрнатилди. Қишлоқда яшаётган 240 минг нафар оила ерсиз бўлиб, даромад топишдан маҳрум эди. Вазиятнинг бундай шаклда ёмонлашиб бориши қишлоқ аҳолисининг витаминларга бой овқатлар емасдан турли хил касалликларга чалинишига олиб келди. Коммунистлар ваъда қилган ердаги жаннатий ҳаёт – коммунистик обод турмуш ўзининг сароб эканлигини кўрсатди.

Ўзбек халқи мустақилликка эришгач ўз олдига моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида йирик ислохотларни амалга ошириб мамлакатимиз фуқаролари учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни бош мақсад қилиб қўйди. Бу мақсадни амалга оширишда И.А.Каримов томонидан: “Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Она Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун гуёки қишлоқ тимсолидан бошланади. Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқдир.

¹ Қаранг: Темур тузуклари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – Б.124–125.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.240.

Қишлоқ таракқий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади”¹, – деб айтган сўзлари методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш нималарни англатади? **Эркин** деганда, одатда кишиларнинг ҳар қандай тўсиқ, зов, монелик ва шу кабилардан холи бўлган ҳолда қийналмай, қисилмай, очиқ-ойдин, бемалол юриштириши, яшаши тушунилади. **Ҳаёт** (арабча – яшаиш, мавжуд бўлиш, тириклик) бу инсонларнинг тузилгандан ўлгунга қадар бўлган тириклик, мавжудлик, яшаиш ҳолати ҳисобланади. **Фаровон** ёки фаровонлик (форсча – мўл, жуда кўп, ортик, зиёда) эса одамларнинг ҳар жиҳатдан таъминланганлик, ҳамма нарсаси мўл-кўл, тўқ, серфайз бахтиёр ҳолатини англатади. Демак, **эркин ва фаровон ҳаёт** – бу мамлакат аҳолисининг ҳаётий заруриятларини англаб етган ҳолда ҳеч қандай қаршиликларсиз, тўсиқларсиз, очиқ-ойдин, қийналмасдан ўз қобилиятларини ҳар томонлама намоён қилишлари орқали ҳамма нарсанинг тўкин-сочин, мўл-кўлчилигини таъминлашга эришиши натижасида гўзал турмуш, осуда, серфайз ҳаёт кечирishiидир.

Бундай ҳаётга эришиш учун унинг моддий ва маънавий омилларини билиш, уларнинг ривожланиш қонуниятларини фалсафий жиҳатдан ўрганиш зарур.

Масалан, қишлоқда эркин ва фаровон ҳаёт – обод турмушни бунёд этишнинг моддий омилларига қуйидагилар киради: *биринчидан*, табиат омили: тупроқ, сув, ўсимлик ва ҳайвонот олами, дашту-далалар; *иккинчидан*, ишлаб чиқариш омили: пахтачилик, ғаллачилик, шоликорлик, мевачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқалар; *учинчидан*, ишлаб чиқарувчи куч ва воситалар омили: қишлоқ хўжалиги техникалари, маҳсулотларга қайта ишлов берувчи қурилмалар, малакали ишчи кучлари – деҳқонлар, чорвадорлар ва бошқа керакли мутахассислар; *тўртинчидан*, ижтимоий турмуш омили:

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз // *Унинг ўзи*. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.61,62,65.

замонавий турар жойлар: одамларнинг уй, шахсий эҳтиёжлар учун ажратилган томорқа ер ва чорва моллари.

Қишлоқда эркин ва фаровон ҳаёт – обод турмушни бунёд этишнинг маънавий омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: табиатни муҳофаза қилишга қаратилган билим ва ҳаракатлар, яъни экологик онг, ҳуқуқ ва маданият; ишлаб чиқариш омилини ривожлантириш, яъни пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва бошқалардан мўл ҳосил олишга қаратилган билимлар (аграномия, зооветеринария, тупроқшунослик ва ш.к.) ва тўпланган амалий тажрибалар; ишлаб чиқарувчи куч ва воситаларни такомиллаштиришга йўналтирилган иқтисодий ва техникавий билим ҳамда тажрибалар; замонавий турар жойларни гўзаллаштиришга қаратилган меъморий илмлар; болалар боғчаси, мактаб, ўқув марказлари, маданият саройлари, спорт иншоотлари; аҳоли ўртасида азалдан давом этиб келаётган урф-одатлар, анъана ва маросимлар, кадрият даражасига кўтарилган бошқа маънавий иш-ҳаракатлар.

Умуман олганда эркин ва фаровон ҳаёт – обод турмушни бунёд этишнинг ана шу икки омили ўртасида диалектик қонуният мавжуддир. Бу ҳақда И.А.Каримов: “...инсонга хос орзу – интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги кўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш содир бўлади”¹, – деган эди. Демак, эркин ва фаровон ҳаёт – обод турмушни бунёд этиш масаласида ундаги моддий ва маънавий омилларни қанчалик даражада уйғунлаштирган ҳолда ривожлантириб боришимизга боғлиқдир.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ғояси:

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.67.

биринчидан, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган, киндик қонимиз тўкилган муқаддас заминнинг дахлсизлигини, хавфсизлигини таъминлаш;

иккинчидан, маънавий-руҳий жиҳатдан миллий ўзликимизни англаш ва унинг ифодаси бўлган кадриятларни сақлаш, бойитиш ва авлодларга мерос қолдириш;

учинчидан, эркесвар халқимизнинг асрий орзу-умидлари бўлган мустақилликни мустаҳкамлашга барчани сафарбар қилиш;

тўртинчидан, ҳар бир кишининг фаровонлиги давлат, миллат фаровонлиги асоси эканлигини англаган ҳолда ташаббускорлик, тадбиркорлик билан фидокорона меҳнат қилиш;

бешинчидан, бу ғоя келажакка қаратилган бўлиб, халқни уюштириш, сафарбар қилиш вазифасини бажариш;

олтинчидан, бу ғояда мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакилларининг пировард мақсадлари ифодаланган бўлиб, у кишиларни келажакка чорловчи улуғвор ва жозибали шиор тарзида намоён бўлади.

Бу ғояни халқимиз онгига, қалбига чуқур сингдириш мустақилликни мустаҳкамлаш, буюк келажак қуриш ва Ўзбекистонни илғор давлатлар қаторига қўшилиш жараёнининг муҳим омили ҳисобланади.

4. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғоясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғоясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланган:

Биринчидан, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар бор, куч-қудратимиз ҳам етарли. Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки, ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг кадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

Иккинчидан, обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида, авваламбор, фаровонлик, тўқинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади, Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган кадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Бу ғояни амалга оширишда аҳоли фаровонлиги, унинг реал даромадларини ошириш бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг “Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик” деган мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, обод турмушнинг яна бир муҳим шарти – бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, “Тани соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин”, деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш

ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

Тўртинчидан, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Бешинчидан, биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга кўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадон, уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир¹. Бу улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун тактик ва стратегик жиҳатдан ҳали кўп ишларни бажариш керак бўлади.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз // *Унинг ўзи*. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б.112–115.

2. Ўзбек халқи миллий мафқурасининг асосий ғоялари ва уларни амалга оширишдаги устувор вазифалар

2. 1. Ватан равнақи ғояси

1. Ватан тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти. “Ватан” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида *“туғилиб ўсган жой, она юрт”* деган луғавий маънони билдириб, кишиларнинг кундалик ҳаётида: 1) кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрти, маскани, уйи, диёри; 2) киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакати, она юрти; 3) турар жойи, бошпанаси, маскани, уйи; 4) бирон бир нарсанинг асли келиб чиққан ери, жойини ифодалаш учун ишлатилади¹. “Ватан – муқаддас қадрият. Тараққиёт Ватандан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи манзил, ҳар кимнинг бирлигини қадрловчи, ўз-ўзига сиёсий беклигини ифодаловчи замин, маънавий камолот ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир”².

Шундай қилиб, “Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табарруқ маскандир. У аجدодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан – ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош кўядиган муқаддас заминдир. Ватани бор одамнинг ғурури-ифтихори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи – Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доимо тайёр туради”³. “Ватанни севмоқ иймондандир”, – деган эдилар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.И. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.444.

² Қаранг: Пўлатов Ҳ. Мустақиллигимиз қадриятлари // Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси. –Т.: Ўзбекистон, 1993 –Б.76.

³ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б. 51.

Ватан – бу кишиларнинг ўзи яшаб турган, авлод ва аجدодлари туғилиб ўсган, миллати шаклланган жой, ижтимоий муҳит, мамлакатдир. Ватан бир-бирини тақозо этувчи (уй, маҳалла, шаҳар, қишлоқ, мамлакат каби) бир қатор ҳудудларни ўзида ифодаладиган, ижтимоий муҳит ва инсон, унинг ҳаёти каби кўплаб маънавий тушунчаларни ўз ичига олади, авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкани англатади.

Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтилмайди. Бироқ, киши улғайгани сайин унинг Ватан ҳақидаги тасаввури ҳам кенгайди. Аввал уй, сўнгра маҳалла, қишлоқ ёки шаҳар ҳамда бутун мамлакат Ватан экани аста-секин англаб олинади. Ватанга боғлиқлик, уни кадрлаш тарихий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, муҳит ва давр таъсирида шаклландиган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Миллатлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ўсиши, авваллари фақат бир элат ёки миллат учун Ватан бўлган ўлкани шу ўлкада яшаб турган барча халқлар учун Ватанга айлантиради. Ҳозирда юртимизда яшаётган юздан зиёд миллат ва элатлар вакилларининг Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиши ҳам ана шундай жараёнлар натижасидир. Шу боисдан, Ватан бу бир жой, замин, ўлкада яшаётган кишиларни, миллати ёки динидан қатъи назар, бирлаштирувчи ижтимоий тушунчадир.

Халқ маданияти, анъаналари, урф-одатлари, миллий онг ҳам она юрт тушунчаси билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, улар Ватандан ташқарида ривожланмайди. Ватан тушунчаси мустақиллик шароитида алоҳида аҳамият касб этди. Маълумки, истибдод йилларида ҳукмрон мафкура кишиларимизнинг онгидаги Ватан тушунчасини бузиб, унинг ўрнига мавҳум ва умумий тушунчани зўрлик билан сингдирмоқчи бўлди. “Ўзбекистон – Ватаним маним” дейиш у даврда миллатчилик, миллий чекланганлик деб баҳоланди. Ҳолбуки, Ватан – аниқ тушунча. У кўп ҳолларда муайян ҳудуд, мамлакат ёки давлатга ўз

номини берган ва шу ерда яшайдиган миллат ёки халқ номи билан аталади. Масалан, Ўзбекистон, Арабистон, Туркменистон ва ҳоказо.

2. Ватан равнақи тушунчаси. Она-Ватани бор ҳар бир ақли расо инсон унинг тараққий этишини, гуллаб яшнашини истайди ва шу йўлда тинимсиз тер тўкиб, меҳнат қилади, заҳмат чекади. *“Равнақ” сўзи форсча бўлиб, ўзбек тилида лугавий жиҳатдан “ёруз, нурли, ёрқин, аниқ, кўринарли”* деган, кундалик ҳаётда эса: 1) порлаш, ҳусн, кўрк; 2) тараққиёт, ривож, барқ уриш, гуллаб яшнаш деган маъноларни англатиш учун ишлатилади. Шунга кўра, ***Ватан равнақи деганда ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган, яшаётган жойи – она-Ватанини гуллаб яшнаши, барқ уриб ривожланиши, унинг ҳуснига – ҳусн, кўркига – кўрк қўшиши, осмондаги қуёш каби порлаб нур сочиб туриши учун фидокорона меҳнат қилиши, заҳмат чекиши натижасида уни дунёдаги энг гўзал масканлардан бирига айлантириш иштиёқида қилинаётган гоявий фикрлар ва амалий хатти-ҳаракатлар тушунилади.***

3. Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш йўллари. Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш бевосита жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига боғлиқ. Бунда *биринчидан*, ҳозирги ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. *Иккинчидан*, ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислоҳотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини ошириш катта аҳамиятга эга. *Учинчидан*, бозор муносабатларига хос муқобил мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнес, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. *Тўртинчидан*, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли

интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг қабул қилиниши ва изчил амалга оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақига хизмат қилади. *Бешинчидан*, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши Ватан равнақини таъминлайдиган шарт-шароитлардир.

Ватан равнақи ғояси ҳар бир инсоннинг тақдирида ўз ифодасини топади, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун ҳаммага бирдек масъулият ва мажбурият юклайди. Уни англаш эса, инсон камолотининг муҳим мезонидир. Бу ғоя ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

Миллий истиқлол ғояси барча юртдошларимиз қалбида Ўзбекистонни севиш, унинг фаровонлиги йўлида фаол меҳнат қилиш фазилатларини камол топтиришга хизмат қилади, “Ўзбекистон – ягона Ватан” туйғусини шакллантиради.

4. Ватан равнақи ғоясини амалга оширишда ватанпарварликнинг тутган ўрни ва роли. Ватан равнақи – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири сифатидаги мазмунини – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоя эканлиги, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалаши ташкил этади.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса, ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис

етишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса, ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади.

Ватанпарварлик – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат. Унинг мазмуни – Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содиқ бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозирги учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Ватанпарварлик ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, кадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутати.

Ватанпарварлик аниқ бир ҳаётий муҳитда, ижтимоий заминда ва мавжуд маънавий-ахлоқий кадриятлар асосида шаклланади. Унинг тўла ва тўғри шаклланиши, юксак намуналарини кўрсатиш учун ҳам халқ ва Ватан мустақил бўлиши лозим. Ана шу сабабдан, мустақилликни эъзозлашимиз, кадрига етишимиз, уни қадам-бадақам мустаҳкамлаб боришимиз зарур. Шу йўлдаги олижаноб фазилат ва эзгу интилишлар бугунги кунда ҳақиқий ватанпарварлик намунаси.

Ватанпарварлик миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади. Ватан равнақини ватанпарварлик ғоясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай ғоя ва унинг асосида шаклланадиган соғлом мафкура ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. У халқнинг миллий ватанпарварлик туйғусини ўзида акс эттирмаса, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўла олмайди.

Ватанпарварликни камол топтириш кўпгина ижтимо-иқтисодий, маданий, мафкуравий, тарбиявий омиллар билан боғлиқ. Бу – ниҳоятда катта меҳнат

талаб қилувчи мураккаб вазифадир. Барча касбдаги зиёлилар, тарбиячиларнинг ҳозирги муҳим вазифаларидан бири кишиларда, хусусан, ёшларда Ватанга садоқат, фидоийлик каби фазилатларни камол топтиришдир.

Ватанпарварлик ғояларини ёшларимиз онгига сингдириш, авваламбор, оиладан бошланади. Она Ватан, Ватанга муҳаббат, Ватан туйғуси каби илк тушунчалар ҳам, аввало, оила муҳитида шаклланади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар ортади. Ватанпарварлик ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришда таълим ва тарбиянинг турли шакллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ватанпарвар инсонгина ҳозирги кунда ўзларининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида юртимизга ҳар хил йўллар билан кириб келаётган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгини қандайдир зарарли ва бузғунчи ғоялар билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ёвузларга қарши кураша олади ва ўз юртини ҳимоя қилади. Хулоса қиладиган бўлсак “Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги – бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир”¹.

2. 2. Юрт тинчлиги ғояси

1. Юрт тушунчаси. Ўзбек халқи азалдан тинчликсевар халқ. “...Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қуроли олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади”². Юртда тинч ва осойишта яшаш ўзбекнинг менталитетига хос бўлган хусусиятдир. *Одатда, юрт деганда биринчидан,*

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // *Унинг ўзи*. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.83.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // *Унинг ўзи*. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.Ўзбекистон, 1999. –Б.143.

*маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой, ўлка, мамлакат, ватан; иккинчидан эса бирор мамлакат ёки ўлкада яшовчи халқ, эл, аҳоли тушунилади*¹. Худди шу маънода ўзбеклар юрти деганда ўзбек халқи яшаётган мустақил Ўзбекистон мамлакатини тушунмоқ керак. Юрт сўзидан юртбоши, юртгарчилик, юртдош, юртфуруш деган иборалар келиб чиққан. Бунда юртбоши деганда эл-юрт бошлиғи, сардори, хукмдори, оқсоқали тушунилади. Бу сўз бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Президентига нисбатан ҳурмат маъносида қўлланилмоқда. Шунингдек юртгарчилик деганда юртда бўладиган турли таомил, муносабат, урф-одатлар; юртдош деганда эса бир юртда яшовчи ёки яшаган кишиларнинг ҳар бири, бир-бирига нисбатан бўлган муносабати тушунилса; юртфуруш деб ўз юрти ёки ватанига хиёнат қилувчи, ватанфуруш, хоинларга айтилади. Демак, юрт тушунчаси кенг қамровли бўлиб, кишиларда ўзининг киндик қони тўкилган жойни теран англатиш учун ишлатилади.

Юртда доимо тинчлик ва барқарорлик бўлиши тараққиёт мезони ҳисобланади.

2. Тинчлик ва барқарорлик тушунчаси, унинг моҳияти ва табиати. Инсоният пайдо бўлибдики, унинг ақли зукко вакиллари доимо тинчлик учун курашиб келмоқдалар. Тинчликда хосият катта. Чунки у ҳар қандай шахс, элат, миллат ва жамиятнинг мавжудлик шарти, келгусидаги тараққиётининг асосий омили ҳисобланади. **“Тинчлик”** сўзи одамларнинг кундалик ҳаётида 1) ғалағовур, шовқин-сурон кабилардан хоилик; 2) кишини безовта қилмайдиган осойишталик; 3) уруш-жанжалсиз ҳамма нарса меъёрида, жойида бўлишлилик; 4) уруш, ўзаро зиддиятли тўқнашувлардан холи бўлган шароит деган маъноларни англатиш учун ишлатилади². Шундай қилиб, *тинчлик бу ҳар бир инсон, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг ҳаёти фаолиятига салбий таъсир*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.Ҳ. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.93.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.104–105.

кўрсатмайдиган, уларни ҳар хил ёмонликлар билан безовта қилмайдиган беташиши, уруш-жанжалларсиз осойишта яшашилари учун тўс-тўполонлардан, ўзаро зиддиятли тўқнашувлардан, катта-кичик урушлардан холи бўлган шароитдир.

Ўзбек халқи тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг шарти деб билади. Шунинг учун ҳам доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди. Ислом Каримов тинчликнинг ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун аҳамиятини қуйидагича таърифлаган эди: “Биз – Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг каерига борманг, одамлар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, “Ассалому алайкум!” дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, “Сизга тинчлик ёр бўлсин” деган маънони англатади. “Салом”, яъни “тинчлик” сўзи Қуръони Каримда 40 марта учрайди. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: “Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида “тинчлик” сўзи айтилуру. Кўриниб турибдики, тинчлик, тотувлик, ҳамкорлик ғояси Аллоҳга ҳам, бандаларига ҳам хуш келадиган эзгу ғоядир”¹. Тинчлик бўлган жойда барқарорлик ҳам бўлади.

Барқарорлик деганда одатда: 1) жамият ҳаётининг осойишталиги; 2) ижтимоий тузум элементларининг уйғунлиги; 3) жамиятдаги ижтимоий бирликлар вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги тушунилади. Фалсафий маънода, *барқарорлик – бу тинчлик туфайли жамият ҳаётининг қатъи, доимий, муқим, мустаҳкам, бир текис тарзда фаолият кўрсатиши асосида ривожланиши имкониятларига айтилади.* Тинчлик барқарорликнинг ўқ илдизи бўлса, барқарорлик тинчликнинг ҳосилидир. *“Тинчлик ва барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси ўйқуга ётиб, эрталаб туришига кўрқмайдиган, эртага уларнинг*

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // *Унинг ўзи*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.53.

бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади”¹. Шунинг учун ҳар бир инсон тинчлик учун, барқарор тараққиёт учун курашмоғи керак.

3. Уруш ва беқарорлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. Тинчликнинг душмани урушдир. Оддий-соғда маънода уруш бу инсон, элат, миллат, халқ ва давлатларни ўз гирдобига тортиш оқибатида уларни ҳалокатга олиб келувчи ваҳшиёна хатти-ҳаракатдир. Ижтимоий фалсафий маънода *уруш деб қабилалар, давлатлар ёки ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун уюшган тарзда олиб борадиган қуролли кураш, жанг, тўқнашувларга, юргизаётган сиёсатларини зўрлик воситалари билан давом эттиришларига айтилади.*

Кишилиқ тарихидан шу нарса маълумки, босқинчилик ҳаракатлари, миллий, диний ва бошқа низолар оқибатида урушлар олиб борилиши минг йиллар мобайнида жамият тараққиётига тўсқинлик қилиб келди. Ўтган беш минг йилда инсоният 15 мингдан ортиқ урушни бошидан кечирди. XX асрдаги иккита жаҳон урушида 60 млн. киши ҳалок бўлди. Афсуски, бу иллатдан инсоният ҳанузгача тўла қутулиш имконига эга бўлмапти. Уруш бор жойда беқарорлик ҳукм суради, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилади, хонадонлардан файз-барака кетади. Одамлар бегуноҳ ҳалок бўлган жигар-бандлари учун матом тутадилар. Жамиятда беқарорликнинг пайдо бўлишига: 1) қонунларнинг ишламаслиги; 2) турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлиши; 3) ижтимоий адолат мезонларининг бузилиши; 4) носоғлом рақобатнинг кескин тус олиши кабилар сабаб бўлади. Зеро, шундай экан, *беқарорлик бу турли хил зиддият ва урушлар туфайли жамият ҳаётининг издан чиқишидир, одамларнинг ороми*

¹ *Каримов И.А. “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Унинг ўзи. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б.278.*

бузилиши, бошбошдоқликнинг кучайиши, ҳар хил бузғунчи зояларнинг одамлар онгини заҳарлашга қаратилган ҳаракатлари туфайли содир бўладиган зоясизликдир, зоявий заифликнинг авж олишидир. Уруш беқарорликка олиб келса, беқарорлик одамларни иқтисодий муҳтожликка, сиёсий парокандаликка, маънавий қашшоқланишга, мафкуравий бузғунчиликнинг кучайишига олиб келади. Хулоса қиладиган бўлсак, “Чиндан ҳам, тинчлик бўлган жойда тараққиёт бўлади. Бир-бирини кўролмасдан, гижгижлашган, низо-адоватга борган жамоада ҳам, эл-юртда ҳам ҳеч қачон ривожланиш, равнақ бўлмайди. Бу ҳақиқатни онгу шууримизга чуқур сингдириб, унинг қадр-қимматини унутмаслигимиз зарур”¹.

4. Юрт тинчлиги тушунчаси, унинг моҳияти ва табиати. Инсоният пайдо бўлибдики, унинг ақли зукко вакиллари доимо юрт тинчлиги учун курашиб келмоқдалар. Тинчликда хосият катта. Чунки у ҳар қандай шахс, элат, миллат ва жамиятнинг мавжудлик шарти, келгусидаги тараққиётининг асосий омили ҳисобланади.

Юрт тинчлиги деб, ҳар бир инсоннинг ўзи тугулиб ўсган жойида, истиқомат қилаётган юртида ўзи ва ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ички ва ташқи келишмовчиликларни ўзаро ҳамжиҳатлик, музокара йўллари билан ечиб, ҳар хил ёмонликлар билан безовта қилмайдиган беташиши, уруш-жанжалларсиз осойишта яшашлари учун тўс-тўполонлардан, ўзаро зиддиятли тўқнашувлардан, катта-кичик урушлардан холи бўлган шароитнинг мавжудлигига айтилади.

Юрт тинч бўлсагина, одамларнинг турмушида, меҳнатида хузур-ҳаловат бўлади. Мамлакатда тараққиёт юз беради, халқнинг ўз олдига қўйган буюк мақсадлари ижобат бўлади. Демак, ҳар бир инсон учун юрт тинчлиги бебаҳо

¹ *Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак // Унинг ўзи. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б.354*

неъмат, улуғ саодатдир. Уни қадрлаш, сақлаш учун кураш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

5. Юрт тинчлиги ғоясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари.

Юрт тинчлиги ғоясини амалга ошириш учун қуйидаги бир қатор: 1) мамлакатимизнинг ҳудудий бўлинмаслиги ва сарҳадларининг дахлсизлигини қонуний йўл билан узлуксиз равишда таъминлаб бориш ишларини кучайтириш; 2) мамлакатимизнинг мустақиллиги ва давлат ҳокимиятининг суверенитетини ҳимоя этувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва қуролли кучларимизнинг жанговар шайлигини ошириш ва такомиллаштириш; 3) ёшларни ватанпарварлик ва фидокорлик руҳида тарбиялаш ишларини замон талаблари даражасида олиб бориш; 4) мамлакатимиз аҳолисининг фуқаролик бурчи ва Ватанга садоқат туйғусини янада ошириш; 5) жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни изчил йўлга қўйиш; 6) мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида бирлашиш ишларини такомилга етказиш каби ишларни амалга ошириш зурур бўлади.

Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги ва истиқлоли билан чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Конституциясида Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи экани қайд этиб қўйилган. Халқимизнинг тинч ва осойишта яшаши, ойдин келажаги Ватан, юрт тақдири билан боғлиқ. Шунинг учун бугунги кунда ҳар бир фуқаро юртим тинч – мен тинч, элим тўқ бўлса, мен ҳам тўқман. Элимнинг бошига кулфат келса, менинг бошимга ҳам тегирмон тоши тушади, демак, юртим мен учун, мен эса юртим учун жавобгарман, ўзимни, ўз уйимни ўзим асрамоғим даркор, деган ҳақиқатни шиор қилиб олиши лозим.

Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуқлиги – юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилдир. Халқимиз учун муқаддас бу ғоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва

ҳаракатларни бирлаштиришга ва шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хулоса қилиб айтганда, юрт тинчлигини сақлаш бу шунчаки, мафкуравий фаолият олиб бориш эмас, балки унитарминлаш, яъни “...осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта баҳоли қудрат курашишимиз даркор”¹.

3.3. Халқ фаровонлиги ғояси

1. Халқ тушунчаси. Ҳар бир мустақил мамлакатда яшаётган халқ фаровон турмуш кечиришни истайди ва бу истакни амалга оширишга ҳаракат қилади. *“Халқ” сўзи арабчадан ўзбек тилига кириб келган бўлиб лугавий жиҳатдан “яратиш, ижод қилиш, яратилган жонзот ва одамлар”* деган маъноларни билдиради. Кишиларнинг кундалик ҳаётида эса бу сўз: 1) одамлар; 2) қабила, элат, миллат; 3) муайян жой аҳолиси; 4) бирор жойга тўпланган одамлар ҳалойиқ, оломон; 5) касб, машғулоти, тоифа, ёки жинсга мансуб кишилар гуруҳини билдирувчи сўз; 6) умум томонидан эътироф этилган муассасалар, лавозим ва унвонларни ифодалаш учун ишлатилади².

Демак, халқ деганда муайян жойда яшаётган одамлар, элат, миллатлар тушунилади. Шунга кўра *“Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”*³.

2. Фаровонлик тушунчаси. Ҳар бир инсон яшаши учун моддий ва маънавий неъматларнинг мўл-кўл бўлишини орзу қилади. Шу аснода фаровон турмуш кечириш учун тинмай меҳнат қилади, заҳмат чекади.

“Фаровон” сўзи форсчадан ўзбек тилига кириб келган бўлиб, лугавий жиҳатдан “мўл, жуда кўп, ортиқ, зиёда” деган маъноларни англатган ҳолда

¹ Каримов И.А. Биз доим тарихдан сабоқ чиқариб, тинчликни қадрлаб, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган халқмиз // *Унинг ўзи*. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. –Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б.264.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Ж.4. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.381–382.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б.5.

одамларнинг кундалик ҳаётида: 1) ҳар жихатдан тўла-тўқис таъминланган, ҳамма нарсаси мўл-кўл; 2) кўп миқдорда мавжуд бўладиган – сероб; 3) обод, яшнаган, бахтиёр деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилади¹.

Демак, *фаровонлик* деб бирон бир киши турмушининг, элат, миллат ва халқнинг эркинликка асосланган фидокорона ижодий меҳнати туфайли эришган тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик, серфайз ҳолатига айтилади.

3. Халқ фаровонлиги ғояси тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти. Халқ фаровонлиги ғояси деб муайян мамлакатда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон, оила, элат, миллат, халқнинг эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик билан меҳнат қилишлари асосида тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик, серфайз турмуш кечириш ҳолатига эришишини таъминлашга қаратилган фикрлар мажмуига айтилади.

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади – халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги дунёдаги кўп мамлакатлар айнан шу йўл билан тараққий этиб, ўз халқининг фаровонлигани таъминлашда ўрناق бўлмоқда. Ўзбекистон ҳам худди шундай оқилона йўлни танлади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, айнан инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади. Жамиятимизда амалга оширилаётган ҳар қандай янгиланиш, ўзгаришнинг моҳиятида ана шундай эзгу мақсад ётгани барчамизга ғайрат-шижоат бахш этади.

Бунда шуни унутмаслик керакки, собиқ шўро тузуми одамлар онгига барча фалокатларнинг сабаби – хусусий мулкдadir, деган ғояни сингдириб, сохта тенгликни қарор топтирмоқчи эди. Оқибатда, ишламаган одам ишлаган

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.330–331.

одамдан яхшироқ яшай бошлаган эди. Ҳатто совет кишисининг ўзи ҳам давлат машинасининг мурватига айлантирилган эди. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик, боқимандалик кайфиятини, ишлаб чиқаришдаги исрофгарчиликни, ташмачиликни кучайтирди. Афсуски, ўша даврдан мерос бўлиб келаётган “Давлат бор, ҳаммани боқади” деган кайфият айрим кишилар онгида ҳанузгача яшаб келмоқда. Бугун ҳам маълум кишилар иш ахтариш, ўз аравасини ўзи тортиш, янги касб эгаллаш ўрнига турли идоралардан моддий ёрдам сўраш билан овора, ҳолбуки, давлат ҳаммага текин мол улашадиган корхона эмас. Буни англаб етмаганлар “Берсанг – ейман, урсанг – ўламан” қабилида лоқайдлик билан ҳануз ҳаракат қилиш ўрнига бир четда томошабин бўлиб турибди. Одатда мустабид тузумлар халқ фаровонлигидан, унинг бойиб кетишидан манфаатдор бўлмайди. Совет тузуми ҳам оммани сунъий равишда турмуш ташвишларига ботирган эди. Ҳақиқатан ҳам, кун кўриш машаққатидан боши чиқмаган халқ объектив нарсалар хусусида ўйлашга, фикрлашга имкон тополмай қолади. Шўролар ҳам шу тариқа ўзлари юритган сиёсатни танқид қилишга қодир ижтимоий-сиёсий оқимлар пайдо бўлишининг олдини олишга уринган. Лекин эски тузумнинг барча уринишлари бекор кетди, у охир-оқибатда ўз-ўзини еб тугатди.

Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ яқка давлат мулки хукмронлигини рад этиб, мулк шакллари хилма-хиллигига, жумладан, хусусий мулкка кенг йўл очди. Бугунги кунда мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Мулксиз одам ўзига ҳам, ўзгага ҳам, жамиятга ҳам кўп фойда келтира олмайди. Энди қашшоқлик билан мақтаниш, уни пеш қилиб, имтиёз сўраш замони ўтиб кетди. Аксинча, тадбиркорлар, мулкдорлар замони бошланмоқда. Биз энди рақобатсиз ўсиш, юксалиш, тараққиёт бўлмаслигини англаб етдик. Лекин, тўрт мучаси бут, рангли, ақлли ва фаол одамнинг камбағал яшаши уят саналадиган давр келганини ҳали ҳамма ҳам англаб олгани йўқ.

Бугунги кунда фаровон турмуш асоси – эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорликдир. Бу ҳақиқатни одамлар онгига сингдириш, кенг аҳоли катламларининг ислохотлар моҳиятини англаб етишига ва унинг фаол иштирокчисига айланишига эришмоғимиз даркор. Бунинг учун эса уларнинг дунёқарашини, ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатини тубдан ўзгартириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиёт ўтган тузумда айрим мутахассисларнинг иши бўлса, бугун умумхалқ, умумжамиятнинг манфаатига дахлдор масала бўлиб қолди. Бутун халқ янги иқтисодий тафаккур билан қуролланмоқда. Бизнинг мулкка, меҳнатга муносабатимиз тубдан ўзгара бошлади. Миямизга сингиб қолган “давлат мулки” деган тушунча ёнига бугун хусусий мулк, пайчилик жамиятлари, ширкат, фермер, оила пудрати деган янги тушунчалар қўшилди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ўта марказлашган ва яққаҳокимлик асосига қурилган, ўзини оқламаган тизимга барҳам берилди. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатлар яратилди. Мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш ва кафолатлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда халқимизда мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, унинг хўжалик юритишнинг замонавий усулларини ўзлаштиришига эришиш, унда ўз кучига ишонч туйғуларини камол топтириш миллий ислохотларнинг энг устувор вазифаларидан биридир.

4. Халқ фаровонлиги ғоясини амалга оширишдаги асосий вазифалар.

Мазкур бунёдкор ғояни амалга ошириш-даги асосий вазифалар қуйидагилардан: 1) мамлакатимизда ўтказилаётган барча турдаги ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш. Бунда “ислохот – ислохот

учун эмас, ислохот халқ фаровонлигини таъминлаш учун” деган тамойилга оғишмай амал қилиш; 2) бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, уни адолатли тарзда халқ фаровонлигини таъминлашнинг амалий механизмига айлантириш; 3) ҳар бир фуқарода мулкка эгаллик ҳиссини тарбиялаш. Эгаллик ҳиссининг халқ фаровонлигини таъминлашдаги асосий тежамкор омил эканлигини ёшларнинг онгига сингдириш; 4) замонавий усуллар билан хўжалик юритиш. Бунда асосий эътиборни кам чиқимли, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришда янги замонавий технологиялардан унумли фойдаланишга қаратиш ишларини йўлга қўйиш; 5) ташаббускорлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш; 6) кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини фаровон ҳаётнинг асосий шартига айлантириш; 7) турмушга янги муносабатни шакллантириш. Оилада тежамкорликни йўлга қўйиш, фарзандларни тежамкорликка ўргатишдан иборат.

Бунда мамлакатимизнинг табиий бойликлар, ер ресурслари, иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий омилларидир. Фақат одамлар мазкур омилларга нисбатан онгли муносабатда бўлгандагина халқ фаровонлигини таъминлаш орзудан реал воқеликка айланади. Бунга **қозок оқини Абай** эътироф этиб айтган қуйидаги сўзлар мисол бўлади. “*Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар удалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ўтқир зеҳн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик – буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятдир. Вазминлик ва ҳушёрлик ҳам шуларда...*”¹. Демак, меҳнатқаш, миришкор, ишнинг кўзини биладиган Ўзбекистон халқи ўз турмушини ўз қўли билан фаровон қилишга қодир. Ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ва қудратли бўлади, деган

¹ Каримов И.А. Дўстлигимиз қуёши минг йилликлар қаъридан нур сочади // *Унинг ўзи*. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.101.

хақиқатга асосланган бугунги иқтисодий ислоҳотларимиз яқин келажакда, албатта, ўз мевасини беради¹. Ўзбек халқи фаровон турмуш кечиради. Унинг барча орзу-умидлари ижобат бўлади.

2.4. Комил инсон ғояси

1. Инсон тушунчаси. Инсон объектив борлиқ сифатида ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категория ҳисобланади. Инсон тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларни аниқлаш зарур. Таъкидлаш зарурки, энг аввало, инсон бошқа тирик мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили борлиги билан ажралиб туради. Айниқса, тил унинг аجدодлари ва авлодлари орасидаги ворисийлик, алоқадорлик вазифасини бажаради. Инсон наслига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи дастурлар худди шу тил орқали аجدодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлардан инсоннинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат инсоннинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусият, маданият эканлигини ифодалайди. Шунингдек, инсоннинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эгаллиги ҳам ана шундай хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Инсон ҳаётида меҳнат асосий рол ўйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ўз-ўзини ўзгартиради.

Бугунги кунда файласуфлар инсон учта буюк қудрат – тана, руҳият ва маънавиятнинг йиғиндиси эканлигини уқдирмоқдалар. Бунда инсоннинг

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.160.

биологик ҳолати деганда унинг танасида содир бўладиган морфофизиологик, генетик, миясида рўй берадиган электрохимик ўзгаришлар, унинг ёши, ирқи ва жинсини ифодаловчи аломатлар; тушунилади. Инсоннинг руҳий ҳолати ҳақида фикр юритганда унинг ҳис-туйғулари, кайфияти, кечинмалари, иродаси, темпераменти англанади. Инсоннинг маънавияти жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар натижасида шаклланган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, малакалар йиғиндисидир. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар инсоннинг мураккаб, бир бутун биосоциал жонзот эканлигидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда инсон тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Инсон деб *онгли тарзда меҳнат қилиш, ижодий илмий фаолият юритиб табиат, жамият ҳодисаларининг сир-асрорларини билиш ва уларни ўз эҳтиёжларига қараб ўзгартириш, ўзидан тугилган фарзандларини тарбиялаб вояга етказиш, бошқаларнинг дардларига малҳам бўлиш, ўзидаги жисмоний ва маънавий баркамолликни уйғунлаштириш қобилиятига эга бўлган фаҳм-фаросатли, тирик ақлли мавжудотга айтилади.*

2. Комил инсон тушунчаси. “Комил” сўзи арабчадан ўзбек тилига кириб келган бўлиб “*етук, тўлиқ, мукаммал*”¹ деган маънони англатади. Шунга кўра комиллик деб меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуига айтилади. Ана шундай комилликка эришган инсонлар жамиятни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган. Шу туфайли комил инсон ғояси дунёга келган.

Хўш, комил инсон ким? Бу саволга И.А.Каримов шундай жавоб берган эди: “*Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.393.

қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади”¹. Демак, миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашда иборат. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикр этувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир.

3. Комил инсон ғоясини амалга оширишдаги устувор вазифалар. Ўзбек халқи мустақилликка эришгач комил инсон ғояси янгича мазмун-маъно касб эта бошлади. Ҳозирги кунда комил инсонга хос бўлган қуйидаги хусусиятларни шакллантириш вазифаси қўйилган:

1. Ҳар бир одамни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш. Жисмоний танасида носоғлом бўлган одам қанчалик урунмасин комиллик даражасига кўтарила олмайди.

2. Ҳар бир катта-кичик одамнинг дунёвий (табиий ва гуманитар, ижтимоий-иқтисодий) билим асосларини чуқур ўзлаштиришини йўлга қўйиш. Дунёвий билимларни пухта ўзлаштирамаган одам тараққиётнинг нима эканлигини тушунмайди, техника ва технологиялардан, хўжалик ва давлатни бошқариш санъатидан тўғри фойдалана олмайди.

3. Ҳар бир фуқаро диний билим асосларидан хабардор бўлишлари учун шарт-шароитларни яратиш. Диний билим асосларидан хабардор бўлмаган одамлар кўр-кўрона бошқа йўлларга кириб кетиши, яъни диний экстремизм каби вайронкор ғояларнинг қурбонига айланиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.134.

4. Одамларни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиши ҳақида қайғуриш. Маънавий қашшоқлик, руҳий хасталик балосига гирифтор бўлган одамни ҳеч ким комил инсонлар сафига қўшмайди.

5. Кишиларни қандай бўлмасин бирон бир фойдали касб-ҳунарнинг эгаси, яъни ўз касбининг устаси, аниқроғи етук мутахассис қилиб етиштириш. Касб-ҳунарсиз одамлар билан фаровон ҳаёт қуриб бўлмайди.

6. Ёшларни онгли, мустақил фикр юритадиган, ҳар томонлама билимли, воқеалар ривожидан мантиқан тўғри хулоса чиқара оладиган қилиб тарбиялаш. Ақлсизлик жаҳолатга олиб келади. Жаҳолат эса ҳалокатга олиб келади.

7. Кишиларнинг маънавий вужудида юксак ахлоқий – маънавий фазилатларни шакллантириш. Инсон миллий ва умуминсоний қадриятларга қанчалик амал қилса, унинг ахлоқий-маънавий фазилати ҳам шунчалик юксак бўлади.

8. Ёшларни озод ва эркин, ўз Ватанини жондан ортиқ севгувчи шахс қилиб вояга етказиш. Унинг вужудига Ватаннинг мустақиллик руҳини сингдириш.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланган ҳолда комил инсон тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Комил инсонлар деб, дунёвий билим асосларини пухта эгаллаган, диний билим асосларидан хабардор бўлган, жисмонан соғлом, руҳий жиҳатдан нуқсонсиз, бирон бир фойдали касб-ҳунарнинг устаси бўлган, мустақил фикр юритадиган, онгли, мантиқан тўғри хулоса чиқарадиган, юксак ахлоқий-маънавий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, она-Ватан озодлиги ва ободлиги йўлида жон фидо қиладиган, ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар кишиларга айтилади.

Шу сабабли комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу

қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкумдир.

Мустақил Ватанимиз олий мақсад қилиб олган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни баркамол, эзгу ғояларни ҳаётий эътиқодига айлантирган етук инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмоқда.

2.5. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси

1. Ижтимоийлик тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни. Кишилиқ жамияти пайдо бўлганидан бошлаб одамлар табиат кучларига қаршилиқ кўрсатиш учун биргалашиб меҳнат қилганлар, ўзларининг турмуш шароитларини яхшилаш учун ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Бундай муносабатлар охир-оқибатда ўзаро ҳамкорлик қилаётганларнинг бир мурасага келиб, ўзларининг бахт-саодати йўлида биргалашиб хизмат қилишларига олиб келган, яъни улар ўртасида ижтимоийлашиш жараёни содир бўла бошлаган.

“Ижтимоий” деган сўз арабчадан ўзбек тилига кириб келган бўлиб, луғавий жиҳатдан “жамоа, жамиятга оид” деган маънони билдириб, кундалиқ ҳаётда: 1) инсон ва жамият ҳаётига оид; 2) жамиятдаги табақа, синф ва шу қабиларга мансубликни белгилаш; 3) жамият билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликка оид; 4) жамиятнинг, жамоатчиликнинг эҳтиёжлари учун ихтиёрий хизмат этувчи; 5) жамоатчиликка тегишли, жамоатчилик ўртасидаги деган маъноларни англатиш учун ишлатилади¹. Шундай қилиб, ижтимоий деганда кишиларнинг умумий

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.177-178.

мақсад йўлида мурасага келиб, муайян гуруҳларга бирлашиши асосида ўзларининг ҳаёт фаолиятини эзгу мақсадлар йўлида давом эттиришини тушунмоқ керак. Ижтимоийлик кўп ҳолларда шахс, ҳуқуқ, сиёсат ва бошқаларнинг умуминсонийлик тамойиллари асосида инсон ва жамият ҳаётига қайтиши, уларнинг инсонларга хизмат қилишлари, яъни ижтимоийлашуви сифатида ҳам талқин қилинади. Шунга мувофиқ тарзда “шахснинг ижтимоийлашуви”, “ҳуқуқни ижтимоийлаштириш”, “ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий сиёсат” каби бир қатор тушунчаларнинг ишлатилаётганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз.

2. Ҳамкорлик тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни. Инсонлар бор жойда ўзаро ҳамкорликнинг бўлиши табиий ҳолдир. Лекин, унинг мақсад-муддаолари турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамкорлик тушунчасининг моҳият-мазмунини тўғри англаб етиш ҳаётий зарурат ҳисобланади. *Ҳамкорлик форсча “ҳамкор – бирга ишловчи, ҳамкасаба” сўзидан олинган бўлиб:* 1) бирор иш-юмушни бирга бажариш, бирга амалга ошириш; 2) иш-фаолиятда ўзаро кўмакдош бўлиб, бамаслаҳатлик билан ишлаш; 3) иш-фаолиятда бир ишни биргалашиб тенг бажариш; 4) бир соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда иш олиб бориш деган маъноларни англатади¹. Шундай қилиб, **ҳамкорлик** деганда *одамларнинг бирор соҳада ўзаро боғланиб, аҳиллик ва жамғиҳатлик билан иш-фаолият олиб боришлари тушунилади.* Ҳамкорликсиз одамлар жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлай олмайдилар.

3. Ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси. Ижтимоий ҳамкорлик тушунчасига таъриф беришдан олдин жамиятнинг ижтимоий таркиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиш керак. Жамиятнинг ижтимоий таркиби деб этник, синфий, демографик, профессионал ҳамда истиқомат қилиш жойининг хусусиятларига

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.5. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.499-500.

караб тузилган ижтимоий бирликлар тизимига айтилади. Масалан, мамлакатимизда мавжуд бўлган жамиятнинг таркибий тузилиши:

- 1) этник таркибига кўра – турли хил уруф, қабила, элат, миллатлардан;
- 2) демографик таркибига кўра – эркаклар, аёллар, кичик, катта ёшдагилар, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом кишилардан;
- 3) синфий таркибига кўра – синфлар, табақалар, катламлардан;
- 4) профессионал таркибига кўра – деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, савдо-тижорат ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилардан;
- 5) истиқомат қилаётган жойига кўра – шаҳар, кишлоқ, туман, посёлка, овулларда яшаётганлардан ташкил топганлигини кўраимиз.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини ташкил этувчи бу ижтимоий бирликларнинг ўзига хос бўлган мақсад ва вазифалари ҳам мавжуддир. Энг асосийси, уларни ягона мафкуравий мақсад байроғи остида бирлаштиришдир. Бу шарафли вазифани бажарадиган энг муҳим ғоялардан бири – жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликдир.

Ижтимоий ҳамкорлик – *ижтимоий структуралар ҳамда институтлар ўртасидаги жамият ҳаётининг барча соҳаларига доир муносабатларда келишув, ўзаро ишонч ва ҳурмат, тенгликни таъминлашга қаратилган, фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланишига хизмат қиладиган назария ва амалиётдир.*

Умуман олганда ижтимоий ҳамкорлик жамиятнинг барча соҳалари ва структуралари ўртасида кечадиган демократик ҳодиса бўлиб, шартли равишда унинг қуйидаги шакллари кўрсатиш мумкин:

- миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик;
- дин ва конфессиялараро бағрикенглик;

–шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият ва давлат (социал структуралар) ўртасидаги ижтимоий алоқадорлик.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳамкорлик ўзининг моҳият-мазмунига кўра замонавий ижтимоий муносабатларнинг ривожланган тизими бўлиб, шартнома ва келишувлар асосида ишчилар, иш берувчилар, тадбиркорлар, турли социал гуруҳ, қатлам ва улар уюшмаларининг манфаатлари ҳимояси ва ўзаро мувофиқлигини таъминловчи, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ривожланишнинг муҳим йўналишлари бўйича консенсусни¹ англатади.

Демак, жамиятдаги тотувлик ва барқарор тараққиёт юқорида зикр қилинган ижтимоий бирликлар ҳамда турли шахслар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка боғлиқ. Шахснинг манфаатлари миллат ва жамият манфаатларига уйғунлаштирилаган ҳолдагина юксак тараққиётга эришиш мумкин. Аҳолининг турли қатламлари орасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви барқарорликнинг бузилишига олиб келади, ижтимоий беқарорлик, сиёсий бошбошдоқлик ва миллий парокандаликни келтириб чиқаради.

Юқорида баён қилинган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси: *биринчидан*, жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этгандагина илғор ғоя сифатида миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучига; *иккинчидан*, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гуруҳ ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу устувор ғоянинг миллий ғоялар билан уйғунлаштириши миллий тараққиётнинг заруратига; *учинчидан*, ҳар бир шахс, ижтимоий мавқеи, дунёқараши ва эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва

¹ “Консенсус” – лотинча сўз бўлиб, “розилик”, “ҳамжиҳатлик” деган маъноларни билдиради.

манфаатларини акс эттирадиган миллий ғояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий тамойилига айланади.

4. Ижтимоий ҳамкорлик ғоясини амалга ошириш йўллари. Бу ғояни амалга ошириш йўллари қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятдаги сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яратиш ва ишга тушириш, келгусида уларни такомиллаштириб боришни йўлга қўйиш.

2. Турли миллат, ирқ ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини умуминсоний ва миллий кадриятларни уйғунлаштириш асосида йўлга қўйишни ташкил этиш.

3. Жамият тараққиётининг етакчи тамойилларини ўзида инъикос этувчи илғор бунёдкор ғояларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш ишларини оғишмай бажара боришни таъминлаш.

4. Ҳар бир шахс ва ижтимоий гуруҳнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ўзини масъул деб билиш руҳида тарбиялашни амалга ошириш.

5. Элат, миллат, халқларнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ижтимоий бирликлар ўртасида тенглик ва дўстликка асосланган ҳамкорликни йўлга қўйиш жамиятдаги тинчлик-тотувлик ва барқарорликни таъминлаш гарови эканлигини барчанинг қалби ва онгига сингдириш ишларини ташкиллаштириш.

Буларнинг барчаси давлатнинг бош ислоҳотчилик роли, энг аввало, жамиятдаги ижтимоий ҳамкорликни таъминлайдиган иқтисодий асосларни, сиёсий вазиятни, маданий муҳитни, ҳуқуқий-қонуний муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ижтимоий ҳамкорликнинг зарурий шарти сифатида қаралиши керак. Зеро,

моҳиятан эркинлик ғояси асосига қурилган ижтимоий ҳамкорлик ана шундай шароитдагина жамият тараққиётининг кафолатига айланади.

2.6. Миллатлараро тотувлик ғояси

1. Тотувлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари. Миллатларнинг сони уларнинг буюклиги ёки гегемонлиги учун асос бўла олмайди. Зеро, барча миллатлар тенг, озод ва эркиндир. Ана шу тамойил жаҳон сиёсатининг зарур коидаси бўлиб ҳисобланади.

Тотувлик деб кишиларнинг ўзаро дўстона муносабатда иттифоқ, аҳил, иноқ бўлиб яшашиларига айтилади. Тотувлик бор жойда мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради, одамларнинг ҳалол меҳнати билан топган неъматлари файзли ва баракали бўлади. Ер юзидаги миллатларнинг бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун, уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур.

Маълумки, ҳозирги давлатлар этник жиҳатдан асосан икки турга – полиэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлинади. Ўзбекистон давлати полиэтник давлатлар жумласига киради. Чунки, бугунги кунда мамлакатимизда 136 та миллат, элат, халқ вакиллари яшайди. Бунда ўзбеклар мамлакат аҳолисининг 80% ни, қолган миллат ва элат вакиллари эса 20% ни ташкил қилади. Демак, мамлакатимиздаги ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ривожланишнинг ўзгарувчанлиги ўзбеклар билан биргаликда яшаётган бошқа миллат ва элат вакилларининг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, миллатлар ўртасидаги муносабатларни одилона ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида:

“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”¹, – дейилган. Бу қонун-қоида миллатлар ўртасидаги муносабатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асоси – тамал тоши ҳисобланади.

2. Миллатлараро тотувлик ғояси. Миллатлараро тотувлик ғояси деб муайян мамлакатда яшаётган кўпчиликни ташкил қилувчи асосий миллат билан озчиликни ташкил этувчи бошқа элат ва миллат вакилларининг ягона мақсад йўлида бирлашиб, ўзаро тенглик, ҳамкорлик, аҳиллик, иноқлик билан бир бирларининг тили, диний эътиқоди, урф-одатлари, анъана ва миллий қадриятларини ҳурмат қилиб, эъзозлаб яшашиларини тараннум этувчи фикрлар ва амалий хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади.

Миллатлараро тотувлик ғояси қуйидаги конституциявий тамойилларга:

биринчидан, фуқароларнинг қандай миллат, элатга мансублигидан қатъи назар қонун олдида тенглиги;

иккинчидан, фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги;

учинчидан, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб берилиши кабиларга асосланади.

Мамлакатимизда бу тамойилга амал қилиниши эса, барча миллатларнинг равнақи, гуллаб-яшнаши учун хизмат қилиши табиийдир.

Ўзбекистон давлати этник сиёсатининг туб моҳият-мазмунини “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирлиكنинг, унинг тили, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012. –Б.6.

бирликни сақлаб қолиш, унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, шу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир”¹, – деган методологик аҳамиятга молик бўлган сўзлар ташкил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қайсидир кўп сонли миллатлар: биринчидан, ўзларининг моддий-маънавий эҳтиёж ва манфаатларини бошқа кам сонли миллат ва элатлар ҳисобидан қондириш; иккинчидан, уларни ҳар хил баҳоналар билан жисмоний жиҳатдан йўқ қилиш ёки бошқа жойларга бадарға этиш; учинчидан, уларнинг тили, дини, урф-одатлари, анъаналарини тақиқлаш ёки камситиш; тўртинчидан, уларни сунъий равишда биоижтимоий омиллар асосида бошқаларга қўшиб юбориш сиёсатини олиб борса, бундай ғайриинсоний этник сиёсат юргизаётган мамлакатда ҳеч қачон тинчлик ва барқарорлик бўлмайди.

3. Миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишдаги вазифалар. Бу олижаноб бунёдкор ғояни омилга оширишдаги устувор вазифаларни қуйидагилар: 1) барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлаб бориш; 2) миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни узлуксиз тарзда йўлга қўйиш; 3) турли миллий маданиятлар ривожини учун кенг йўл очиб бериш; 4) бошқа миллат ва элатларга ҳурмат билан қараш, уларни камситмаслик ва менсимасликка йўл қўймаслик; 5) миллий ва умумбашарий кадриятларнинг ўзаро уйғунлиги ва бирлигини таъминлаш кабиларни ташкил этади. Ана шу устувор вазифаларнинг бажарилиши миллатлараро абадий дўстликнинг қарор топишига олиб келади ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қақшатқич зарба беради. Чунки, миллатчилик сиёсий тус олса, у давлат ва миллат хавфсизлигига кенг кўламда кучли таҳдид солади. Ўз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари // *Унинг ўзи*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.81.

навбатида, таҳдиднинг кучайиши эса шак-шубҳасиз фуқаролар урушини келтириб чиқаради. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг миллий мафкураси тизимидан жой олган миллатлараро тотувлик ғояси ҳар қандай кўринишдаги миллатчиликнинг, шу асосда келиб чиқувчи миллатлараро мажораларнинг олдини олувчи маънавий куч – восита ҳисобланади.

4. “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонининг миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишда аҳамияти.

Маълумки, жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжихатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Мустақиллик йилларида миллий маданий марказларнинг 120 дан ортиқ фаоли давлат мукофотларига сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди, жумладан, 14 нафарига “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони берилди.

Республика байналмилал маданият маркази, 138 миллий маданий марказ, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 дўстлик жамияти фаолияти Ўзбекистондаги барча миллат ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳар томонлама

ривожпантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Улар “халқ дипломатияси” механизидан фаол фойдаланган ҳолда, тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилмоқда. Телерадиокўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилларда чоп этилмоқда.

2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Шу сабабли жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгида катта, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришни янада кучайтириш мақсадида ***Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.*** Бу ишни амалда янада самарали бажаришни давлат миқёсида ташкил этиш учун Республика байналмилал маданият маркази ва

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси** ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

– жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш;

– дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик ҳамжамиятлари, шу жумладан, чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни самарали мувофиқлаштириш;

– давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

– мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

– хорижий мамлакатларда давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча соҳасида эришилаётган муваффақиятларни кенгтарғиб қилиш;

– миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқот ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш ва бевосита қатнашиш.

Фармонга мувофиқ, ҳудудларда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни йўлга

кўйиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

Мухтасар айтганда, Фармон қоидаларининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича яхлит тизимни ривожлантириш, миллий маданий марказлар учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратиш, уларнинг бунёдкорлик ташаббуслари ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, “халқ дипломатияси” воситасида чет элдаги ватандошлар билан муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади¹.

2.7. Динлараро бағрикенглик ғояси

1. Дин тушунчаси ва унинг жамиятда бажарадиган вазифалари. Инсоният пайдо бўлганидан бошлаб дин ҳам яшаб келмоқда. *“Дин” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “ишонч”, “эътиқод”, деган маъноларни англатади.* Дин – диндорликни касб қилиб олган художўйларнинг фикрича – Аллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. У азалдан инсоннинг Аллоҳ билан алоқа қилиш эҳтиёжидир. Диний фалсафий нуқтаи назардан эса, дин – табиат, жамият, инсон ва унинг онгини, яшашдан мақсади ҳамда тақдирини бевосита қуршаб олган, атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, инсонни яратган, айна замонда унга бирдан-бир “тўғри”, “ҳақиқат” ва “одил” ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармониغا шарҳ. // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 23 май.

ўргатадиган илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслақ, қараш, таълимотдир.

Дунёвий нуқтаи назар бўйича эса дин – ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида биридир. Шунга кўра, дин – муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишнинг ўзига хос усулидир. Умуман олганда, **дин – борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир.**

Ҳар қандай дин жамиятда маълум ижтимоий, маънавий ва руҳий аҳамиятга молик бўлган қуйидаги: *биринчидан*, овутиш, тасалли бериш; *иккинчидан*, бирлаштириш; *учинчидан*, эътиқод қилувчиларнинг турмушини тартибга солиш ва назорат қилиш; *тўртинчидан*, жамият ва шахслар билан алоқа боғлаш; *бешинчидан*, яшашдан мақсад нималигини, ҳаёт мазмунини англашиб туриш каби бир қатор вазифаларни бажаради. Демак, дин ана шу вазифаларни бажариб келаётганлиги туфайли минг йиллардан бери одамларда ишонч ҳиссини, эртанги кунга умид ҳиссини мустаҳкамлаб, уларга ҳаётдаги муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишда куч-қувват бағишлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов: *“Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишига, ҳаром йўллардан узоқ юришига, яхши бўлишига, яхши из қолдиришига ундаб туради”*¹, – деган эди.

¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Унинг ўзи. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.26.

2. Жаҳон динлари ва уларнинг ғоявий-мафкуравий сиёсати. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг сони 7,5 миллиард кишига етди. Уларнинг барчаси у ёки бу динга эътиқод қилади, десак хато қилмаган бўламиз. Динларни эътиқод қилувчилар сонига қараб жаҳон ва миллий динларга ажратиш мумкин. Бунда жаҳон динларига христианлик, ислом ва буддавийлик киради.

1. Христианлик. Бу дин 254 мамлакатда тарқалган бўлиб, унга 2 миллиард киши эътиқод қилади. Унинг католиклик, православлик, протестантликдан иборат учта йўналишлари мавжуддир.

Католиклик йўналишига асосан Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Польша, Венгрия, Чехия каби мамлакатларда яшовчи 800 миллион киши эътиқод қилади. Унинг маркази Ватикан шаҳри, раҳбари эса Рим папаси ҳисобланади. Ватикан радиоси 32 тилда эшиттиришлар олиб боради. Ўзбекистонда 4 та Рим-католик черкови ва 1 та марказ фаолият кўрсатади.

Православлик йўналишига кўпроқ Шарқий Европа ва Яқин Шарқда яшовчи аҳоли эътиқод қилади. Улар Константинополь, Александрия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар каби 15 муста-қил (автокефаль) черковларга бўлинган бўлиб, Рус православ черкови (Москва патриархати) энг каттаси ҳисобланади. Ўзбекистонда православликка мансуб бўлган 31 черков, 3 та монастыр, 1 та семинария ва 1 марказ фаолият олиб боради.

Протестантлик. Христианликдаги уч асосий йўналишдан бир бўлган протестантлик (“протест” – норозилик) XVI асрда Европада католикларга қарши қаратилган норозиликлар натижасида юзага келган.

Лютеранчилик, цвингличилик, кальвинизм, унитаризм, социнчилик, анабаптизм, меннончилик ва англиканлик протестантликнинг илк шакллари эди. Кейинроқ баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегов шоҳидлари, мормонлар ёки “Охират авлиёлари”, “Нажот армияси”, “Христиан фани”, пятидесятниклар каби “диний уйғониш” ҳамда илк христианлик ва

Реформация идеалларига қайтиш шиори остида ташкил топган “сўнги протестантлик” шакллари пайдо бўлди.

Ҳозирда протестантлик дунёнинг барча қитъаларида тарқалган. Протестантликнинг жаҳон маркази – АҚШда бўлиб, бу ерда баптист, адвентист, иегов шоҳидлари каби оқимларнинг қароргоҳлари жойлашган. 1948 йилдан протестантларнинг Жаҳон черковлари кенгаши фаолият олиб бормоқда.

Бундай оқимларнинг айримлари Ўзбекистонда ҳам расман фаолият юритмоқда. Улар қаторида корейс протестант черковлари, адвентистлик, баптистлик, Евангел христиан-баптистлар черкови тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклик), лютеранлик, методистлик, новоапостоллик черкови, иегов шоҳидлари кабиларнинг 124 та черкови, 2 та маркази ва 1 та семинариясини айтиб ўтиш мумкин.

2. Ислом. Ислом динига 173 мамлакатда яшовчи 1,5 миллиард киши эътиқод қилади. Бу диннинг асосчиси Муҳаммад (с.а.в.), маркази эса Макка ва Мадина шаҳарлари ҳисобланади. “Ислом” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “бўйсунуш”, “итоат этиш”, “ўзини Аллоҳ иродасига топшириш” деган маъноларни англатади – жаҳонда кенг тарқалган уч диндан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, XX асрда мусулмонлар дунё аҳолисининг 15–16 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич Ер юзидаги ҳар беш кишидан бирини ташкил этди. 2025 йилда эса, дунё аҳолисининг 30 фоизини Исломга эътиқод қилувчилар ташкил этиши мумкин.

Миср, Қувайт, Саудия Арабистони каби бир қатор мамлакатларда ислом давлат дини (ёки расмий дин) сифатида тан олинган бўлса, айримларида “ислом” сўзи давлатнинг расмий номи таркибига киритилган: Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси.

1969 йилда тузилган Ислом конференцияси ташкилоти (Муназзамат ал-муътамар ал-исломий)га 57 мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1996 йилдан аъзодир. Бундан ташқари, халқаро ноҳукумат мусулмон

ташкilotлари орасида Ислом олами уюшмаси, Ислом олами конгресси, Ислом олами ташкilotи Европа ислом кенгаши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар, асосан, исломни тарғиб қилиш ва ёйиш, диний арбобларнинг халқаро учрашувларини ташкил этиш, турли мамлакатлардаги ислом жамоаларига ёрдам бериш билан шуғулланадилар.

Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон ҳудудида тарқалган шиаликнинг исмоилийлик оқимини ҳисобга олмаганда, минтақамиз давлатлари аҳолиси, асосан, суннийликнинг ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қиладилар. Мамлакатимиз аҳолисининг, тахминан, 92 фоизидан ортиқроғини мусулмонлар ташкил этади.

Суннийлик, шиа, муридчилик исломдаги асосий йўналишдан бўлиб, ундаги суннийликка ҳанафийлик, моликийлик, шофийийлик, ҳанбалийлик каби 4 та фикҳий ҳамда ашъария ва мотуридия каби 2 та ақидавий таълимотлар киради.

3. Буддавийлик. Буддавийликка 86 мамлакатда истиқомат қилувчи 700 миллион киши эътиқод қилади. Бу динга миллоддан аввалги VI–V асрларда Ҳиндистонда яшаган Будда Сиддхартха Гаутама асос солган.

Буддавийлик – диний-фалсафий таълимот бўлиш билан бир қаторда ахлоқий меъёр, урф-одат, анъана ва санъатнинг ўзига хос турлари, дунёга муносабат ва амалий ҳаракатлар услубларини қамраб олган ижтимоий-маданий тизим ҳам ҳисобланади.

Буддавийлик таълимоти, асосан, Трипитакада (уч сават, уч қисмдан иборат бўлгани учун шундай ном берилган) мужассамлашган. Буддавийликнинг мазкур ёзма манбаси ҳозирги даврда Шри-Ланкада сақланиб қолган.

Бугунги кунда буддавийлар, асосан, Шри-Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Бирма, Таиланд, Лаос каби давлатларда ва Россиянинг Бурятия, Қалмиқистон минтақаларида истиқомат қиладилар.

Ҳозирда республикамизда битта буддавийлик жамоаси расмий рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда.

3. Бағрикенглик тушунчаси ва унинг кўринишлари. “Бағр” сўзи асл маънода – инсон танасининг бўйнидан қорингача бўлган қисми; кўкрак, кўкс, тўш; кўчма маънода эса кучоқ, ҳимоя, паноҳ, юрак, қалб, дил каби маъноларни англатиш учун ишлатилади. Шунга кўра, **бағрикенглик деб эса шахс, элат, миллат, халқларнинг бирон бир нарсага нисбатан кенг кўламда, чин дилдан очиқ кўнгиллик билан ёндашишларига айтилади.**

Бағрикенглик *биринчидан*, инсоний, оилавий, миллий ва умуминсоний бағрикенглик тарзида кўзга ташланиб турса; *иккинчидан*, ўз-ўзини ҳурматлаш ва қадрлаш, муроса, ўзаро ҳурмат, қадрлаш, сабр-тоқат, чидамлилиқ, қаноат, шукр қилиш каби шаклларида намоён бўлади ва ниҳоят, *учинчидан*, диний, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, халқаро ва давлатлараро йўналишларда фаолият кўрсатади. Шундай қилиб, бағрикенглик бор жойда қилинган гуноҳлар кечирилади, ички ва ташқи зиддиятларнинг олди олинади, хайрли ва савобли ишларга кўл уриш учун кенг имкониятлар очилади, оилада тотувлик, инсоннинг маънавий вужудида эса тансиҳатлик ва хотиржамлик ҳукм сура бошлайди, халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қолаверса, дўстлик ва биродарлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораверади.

4. Диний бағрикенглик ғоясининг таърифи ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари. *Диний бағрикенглик ғояси деб хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида чин дилдан очиқ кўнгиллик билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашни тараннум этувчи фикрлар ва амалий хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади.*

Бу ғояни амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни: 1) эътиқод ва виждон эркинлигини ҳар томонлама таъминлаш; 2) барча динлар томонидан илгари сурилаётган ғояларнинг мантиқий жиҳатдан мазмун-моҳиятини теран англаб олиш асосида иш юритиш; 3) турли дин ва конфессияларнинг тенг

хуқуқлигини эътироф этиш; 4) ҳар хил дин ва конфессияларнинг бир-бирларига ўзаро ҳурмат билан боқишларини йўлга қўйиш; 5) диний-маънавий кадриятларни эъзозлаш амалиётини жорий этиш; 6) барча дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашлари учун шарт-шароитларни яратиш; 7) диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик; 8) барча диндорларнинг сиёсий жараёнларда тенг, фуқаро сифатида иштирок этишини таъминлаш; 9) диний партиялар тузиб, диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл бермаслик; 10) диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш; 11) диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик каби бир қатор ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Юқорида зикр қилинган диний бағрикенглик ғоясини амалга ошириш борасида 14 мадраса, 2042 масжид, 16 конфессияга тааллуқли 181 та ноисломий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Бундай яратилган шарт-шароитлар турли хил динларга эътиқод қилувчи диндорлар, яъни художўйлар ўртасида мураса фалсафаси пайдо қилиб, натижада улар озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этиш ғоясини қўллаб-қувватлайдилар ва унинг ижобат бўлишига ўзларининг бор куч-ғайратларини сарфлайдилар. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида:** ”Жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашни биз бундан кейин ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб биламиз”¹,— деган эди.

Бунда ислом динининг бағрикенглигини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. У асрлар оша халқларни бирдамликка даъват эътиб, дунёда тинчлик ва барқарорлик бўлиши, барча халқларнинг таълим ва маърифат булоғидан сув

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.**— Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. — Б.74.

ичиб, эркин ва фаровон яшаши учун курашиб келаётган жаҳон динларидан биридир. **Ш.М. Мирзиёев** таъкидлаганидек: *«Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъий назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир¹. Ислоҳ дини фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўронликка чақирмайди»².*

8. Адолат ғояси ва унинг миллий ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти

1. Адолат тушунчаси ва унинг бунёдкор ғоя сифатидаги мазмун-моҳияти. Инсоният пайдо бўлибдики, у доимо ер юзида адолат тантана қилиши учун курашиб келади. Чунки, адолат ҳар қандай жамият ҳаёт фаолиятини, унинг келгусидаги истиқболларини белгилашда буюк ғоявий ҳакам вазифасини бажаради. Бунда оқсоч тарих қаерда адолат ғояси ҳукумрон бўлса, ўша жойда барқарор тараққиёт ва аксинча, адолат ғояси бўлмаган жойда эса шахс, элат, миллат ва халқлар таназзулга гирифтор бўлганлигидан далолат беради.

«Адолат» - арабча сўз бўлиб, одиллик, тўғрилик, ҳаққонийлик деган маъноларни англатади³. Умуман олганда «Адолат» кенг қамровли тушунча сифатида жамиятдаги барча муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Шунга кўра

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари. // *Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017. – Б.31.

² **Мирзиёев Ш.М.** Ватанимиз тақдирини ва келажагини йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // *Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017. – Б.475.

³ **Қаранг:** Ўзбек тилининг изоҳия луғати. Ж. 1. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. — Б.41.

адолат деб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатларга киришган одамларнинг ўз бурч ва вазифаларини жамият томонидан ўрнатилган ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий меъёрлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри, қонуний, ҳалол, виждонан, ҳаққоний ва одилона бажаришларини ўзида ифодаловчи хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади.

Адолат тушунчасининг бунёдкор ғоя сифатидаги **мазмун-моҳияти** инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий мезони сифатида идрок этилгани учун ҳам доимо ижтимоий аҳамият касб этган ҳолда ва «ижтимоий адолат» тарзида ифодаланиб келинади. Бу хусусда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев: *«Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги гамхўрликдир. ...бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага – ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт. Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз – бу адолатли қонунлар қабул қилишдан иборат. Қисқача айтганда, қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қилади ва унга итоат этади»¹*,– деган эди.

Демак, ижтимоий адолат тушунчасининг бунёдкор ғоя сифатидаги мазмун моҳиятини:

– жамиятда демократиянинг мавжудлиги;

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир// <http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017>.

- инсоннинг ижтимоий ҳимоялангани;
- барчанинг қонун олдида тенглиги;
- фуқароларнинг иш билан таъминлангани;
- малакали тиббий хизматнинг қандай йўлга қўйилганлиги;
- уй-жой билан таъминланиш имконияларининг бор ёки йўқлиги;
- бепул таълим тизимининг ўрнатилганлиги;
- маданий неъматлар ва маънавий қадриятларга дахлдорлиги;
- меҳнатга яраша ҳақ олиш тизимининг қониқтириши;
- жинойтга яраша жазонинг муқаррарлиги кабилар ташкил қилади.

Юқорида баён қилинган фикрлардан ҳам кўришиб турибдики, ижтимоий адолат инсонлар ҳаётида реал қадрият бўлиб, у адолатли ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ҳамда фуқаролик жамияти шакллантириш ва ривожлантиришнинг узвий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда адолат юксак маънавий қадрият бўлиб, у «тинчлик», «ҳамкорлик», «бахт-саодат» каби инсоннинг азалий эзгу ниятларини ифодаловчи олижаноб тушунчалар қаторига киради.

2. Адолат ғояси, унинг генезиси ва эволюцияси. Жамиятда адолат икки хил кўринишда:

биринчидан, адолат – бу жамиятда кишилар ўртасида бўладиган барча ижтимоий муносабатларнинг мезони;

иккинчидан, адолат – бу кишиларнинг жамиятда келгусида қарор топажак энг олижаноб эзгу истакларини ўзида ифода этувчи бунёдкор ғоя сифатида ўзлигини намоён қилади.

Унинг бу хилдаги кўринишлари диалектик тарзда бир бирларини тўлдириб туради.

Адолат ғоясининг генезисини:

биринчидан, инсониятнинг пайдо бўлиши билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларга киришган одамлар ўртасидаги алоқаларни ахлоқий нормалар орқали тартибга солиш заруратининг пайдо бўлганлиги;

иккинчидан, катта-кичик уруғ ва қабилаларни бошқаришда ижтимоий-ахлоқ нормаларининг кенг қўлланила бошланиши;

учинчидан, одамларнинг мавжуд ижтимоий тартиб-қоидалардан розилиги ёки нарозилиги ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши ва кучайиб бориши;

тўртинчидан, кўпчиллик томонидан эътироф этилган ижтимоий-ахлоқий нормаларнинг қонун даражасига ўсиб ўтиши;

бешинчидан, ижтимоий-ахлоқий нормалари билан ҳуқуқий нормалар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқумрон доиралар манфаатидан келиб чиққан ҳолда уйғунлаштирилиши қабилар билан ифодалаш мумкин.

Адолат ғоясининг эволюциясини масалан, қадимги даврларда яшаган мутафаккирлар томонидан «адолат» ҳақида айтилган қуйдаги фикрлар мисолида кўриш мумкин.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да:” Биз адолат истовида бу ерга келдик. Биз бу ерда адолатни истаймиз. Агар сен озурда бўлмасанг, адолатистагувчини мақсад манзилига етказасан. Захмларга ҳаммадан яхши малҳам бўлурсан. Ўғри ва қароқчиларни ҳаммадан кўра яхшироқ нобуд айлагайсан¹. Ҳар бир зардуштий адолатли, сулҳпарвар ҳамда некандеш бўлмоғи лозим”², – деган кўплаб адолат кўплаб фикрлар баён қилинганлигини кўриш мумкин.

Қадимги юнон файласуфларидан бири, «*биринчи муаллим*» номига мушарраф бўлган мутафаккир **Афлотун** (Платон – миллоддан аввалги 428-347 йилларда яшаб ўтган) адолат ҳақида ўзининг “**Давлат**” номли мунозара. баҳслардан

¹ Қаранг: *Авесто*. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001.– Б.250.

² Қаранг: *Ҳомидий Ҳ*. «Авесто»дан «Шоҳнома»га . – Т.: «Шарқ», 2007.– Б.155.

иборат бўлган тўпламида” Адолат – олтиндан қимматлидир. Энг кучли нарса – адолатнинг ўзидир. Ҳар кимнинг ўз иши билан шуғулланиши адолатдир. Ҳар кимга ўзига муносибини бериш – адолатдир. Адолатли одам – этиборга лойиқ, донишманд одам, адолатсиз эса – жоҳил ва нолайиқ одам”¹, – деган эди.

Қадимги юнонистоннинг яна бир машҳур файласуфи Арасту (Аристотель – миллоддан аввалги 384-322 йилларда яшаб ўтган) адолат ҳақидаги аниқ фикрларини ўз шогирди Александр Македонскийга қилган куйидаги насиҳатларида баён этади:

« Эй Искандар, балки сен жиноятчини жазолашга буюриб, буни унинг қилган гуноҳи учун берилган жазо ёки унинг тўғри йўлга киришига сабаб бўладиган тадбир деб ҳаёл қиларсан. Агар шундай иш қилишга жазм қилган экансан, аввало ўз қалбингга мурожаат қилгин. Бунинг сабабини қалбингнинг ташкарисидан, сиртқи қисмидан эмас, балки тубидан, замиридан излагин. Жиноятчига жазо белгилашдан мақсадинг яхши ном чиқаришими ёки қаҳру ғазабингга таскин беришими, шуни аниқлагин. Агар бу ишда кўзлаган мақсадинг қасос олиш бўлса, билгилки, қаҳру ғазаб аччиқдир, аччиқ дарахт эса ширин мева бермайди. Агар жазони белгилашдан мақсадинг, сенинг нуқтаи назарингдан ҳам, жиноятчи учун ҳам тузалиш бўлса, у ҳолда жиноятчини молу мулкидан маҳрум этсанг ёки таҳдид қилиб, қўрқитсанг, бу сени аччиқ устидан ғазаб билан оғир жазолар белгилашдан халос этади.

Зиндонга ташлашнинг ўзигина етарли бўлган кимсага нисбатан шамишр ишлатиш ёки таҳдид, дўк-пўписанинг ўзи кифоя қилган кишини зиндонга ташлаш лойиқу шойиста иш бўлмайди. Чунки бир хилдаги жиноятлар учун жазо белгилашда жиноятчилар ахлоқининг ҳар хиллигини назарда тутиш керак.

Билгил, агар ҳакамлик қилган чоғингда жазо белгилай туриб ҳаддан зиёда қаттиққўллик қилсанг ва белгилаган жазоларинг ҳақиқатга хилоф бўлса, мақсадинг жиноятчини тўғри йўлга солиш бўлмаса, у ҳолда жазолаш орқали

¹ Қаранг: Афлотун. Давлат: насрий дoston. – Т.: Янги аср авлоди. – Б.20-44.

Ўзингга етказган зараринг жазоланувчига етказган зарарингдан кўпроқ бўлади. Шундай бўлгач, қозилик қилганингда диққат ва синчковлик билан иш тутгил, токи беғунохлар сенинг шамширинг ва қамчингдан ноҳақ балога гирифтор бўлмасин.

Жиноятини шамшир ва қамчисиз тuzатиб бўлмайдиган одамлар сендан омонлик топмасин.

Ёлгондан сакдангил. Зеро, ёлгон нафснинг заифлигидан, фикрнинг сустлигидан ва кетини ўйламай иш қилишдан келиб чиқади.

Сен ҳирс ва тамадан сақланишинг керак. Сен ислоҳ эта оладиган ва ўзингнинг ёрдамнинг билан тuzалишингга сабаб бўладиган куч тўғрилиқ, порсолик ва тақводорликдир.

Шаҳвоний ишлардан парҳез қилгил. Шаҳватни тарк этишида қуйидаги ҳикматни ёдда тутсанг сента ёрдам беради. Билгил, шаҳват ақлни емиради, фикрни қоронгулаштиради, шахснинг обрўига доғ туширади ва унинг буюк ишлар қилишига тусқинлик этади.

Билгилки, адолат буюк ва қудратли худонинг ер юзидаги ўлчовидир. Унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ одам кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади. Кимки, Аллоҳ бандалари орасида ўрнатган илоҳий адолат ўлчовини бузса ва ундан четлашса, катта нодонликлар қилиб, хатоликларга йўл қўяди...»¹

Ўрта асрларга келиб адолат ғояси Марказий Осиёлик мутафаккирлар ижодининг асосий қисмига айланади. Бунинг мисолини Амир Темурнинг давлатни адолатли бошқариш асосида жамиятда адолатпарварликнинг қарор топтириши борасида қилган саъи-ҳаракатлаприда кўриш мумкин.

3. Амир Темурнинг “Куч – адолатдадир” ғоясининг тарихий аҳамияти. Соқибқирон Амир Темур таниқли давлат арбоби сифатида давлатни бошқариш, давлат хизматчиларининг, хусусан давлатда ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш учун

¹ Қаранг: Арастунинг Искандарга насиҳати // Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдли Ж 1 – Т : Ўқитувчи, 1995. – Б.39-46.

масъул бўлган кишиларнинг ахлоқий фазилатларининг сараси бўлмиш адолат ҳақида илғор ғояларни илгари сурган ва унга амал қилган.

Давлат қурилиши масаласида: «Давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, уни кўрган ҳар кимса ундан нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди»¹, - деган ўғитни баён қилиб, ҳар бир давлат раҳбари ўзининг салтанатини биринчи навбатда, адолатли қонун-қоидалар асосида қуриши, бу қонун-қоидаларнинг фуқаролар томонидан тан олиншини таъминлаб, уларнинг бажарилиши йўлида хизмат қилиши лозимлигини уқтиради.

Давлатни адолатли тарзда бошқариш масаласига келганда эса, *биринчидан* кенгаш; *иккинчидан*, машварату маслаҳат; *учинчидан*, ҳушёрлигу мулоҳазакорлик, қатъий қарор, тадбиркорлик; *тўртинчидан*, эҳтиёткорлик билан иш юритиш керак, деган қоидани баён қилган ҳолда, давлатни бошқариш ниҳоятда катта маъбулият талаб қилишини, уни ўзбошимчалик билан эмас, балки халқ қалбига қулоқ солиш орқали оқилона бошқариш зарурлигини таъкидлайди.

Айниқса, мамлакатни бошқариш ҳуқуқ-тартибот шиларини ташкил қилишда давлат вазирларининг ўрни катта эканлигини англаган Амир Темур: «...Султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қидгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агар вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди»², - деб уқтирган ҳолда «*адолагти вазирлир давлат устунидир*» деган ғояни илгари суради.

Амир Темур давлатни идора қилиш ишларини қуйидаги ўн икки қоидага:

«1) ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватлаб, Муҳаммад Мустафонинг шариатида дунёда ривож бериш;

¹ Қаранг: Темур тузуклари. - Т : Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр , 1996. -Б.72.

² Қаранг: Темур тузуклари. – Т : Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр , 1996. – Б.86.

2) ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан иш кўриб, давлат, салтанат устунларини ўшалар билан мустаҳкамлаш;

3) маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик, эҳтиёткорлик билан иш кўриб, дўсту душман билан муросою мадора қилиш;

4) давлат ишларини салтанат қонун- қоидаларига асосланган ҳолда бошқариш;

5) амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар билан мукофотлаб, хушнуд этиш;

6) адолат ва инсоф билан иш горитиш;

7) саййидлар. уламо машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчиларнинг иззату ҳурматларини жойига қўйиш;

8) азму жазм билан иш тутиб, бошлаган ишни охирига етказиш;

9) раият аҳволидан огоҳ бўлиш, улуғларини оға каторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриш;

10) турку тожик, арабу ажамнинг (барча халқлар ва миллатларнинг) турли тоифа ва қабилаларидан бўлган кишиларни тенг кўриб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш;

11) фарзанддар, қариндошлар, ёру биродар, қўшнилар ва дўстларни унутмаслик, ҳолидан хабар олиш;

12) дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилиш»¹, – асосида амалга оширганлигини айтиб, ҳар бир давлат арбобига ўз салтанагини ана шу қоидалар асосида адолатли бошқаришни маслаҳат беради.

Амир Темур давлатда адолатли тарзда ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ишлари билан бевосита амирлар, вазирлар, ҳокимлар, қозилар, нуёнлар, мингбошилар, юзбошилар, шайхулисломлар, садрлар, муфтийлар, кадхудо- лар, калонтарлар шугулланиши кераклигини айтиб, улар қуйидаги ахлоқий фазилатларга эга бўлиши зарурлигини уқтиради.

¹ Қаранг: Темур тузуклари. – Т : Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр , 1996. – Б.68–72.

Биринчиси беғаразлик, яъни ҳаммага бир хил жиддий ва одилона қараб, ҳеч кимни бир-биридан фарқ қилмасдан. бойни камбағалдан устун қўймасдан иш юритиш фазилатига эга бўлиши. Чунки, қаерда ғаразгўйлик бўлса, ўша жойда адолат қарор топмайди, қонуннинг устунлиги таъминланмайди. Беғаразлик қонун устунлигини таъминловчи юксак ахлоқий ҳислат бўлиб, адолатли жамият қуришнинг маънавий таянчларидан бири ҳисобланади.

Иккинчиси - ростгўйлик, яъни ҳақиқатни ёлғондан ажрата билиш асосида адолатни қарор топтириш фазилатларига эга бўлиш. Унинг ўзи бутун умри мобайнида «*куч - адолатдир*», аниқроғи «*рости друсти*», яъни «*ҳақиқат – сихат саломатлик, ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат – адолатдир*»¹ деган ғояни илгари сурган ҳолда иш кўрган эди. Чиндан ҳам, адолатнинг, ҳақиқатнинг бўлмаслиги инсонда ўзига, атрофидагиларга, қонун кучига, қолаверса. давлат ҳокимиятига ишончсизлик келтириб чиқаради. Шундай экан, адолатни, ҳақиқатни қарор топшириш ҳуқуқ-тартиботчилар фаолиятининг тамал тоши ҳисобланади. Зеро, адолатпарварлик, ҳақиқгўйлик нафақат юксак ахлоқий фазилат, балки ҳуқуқ-тартиботчиларнинг муқаддас бурчи ҳамдир.

Учинчиси – раҳм-шафқатлилиқ, яъни гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, адолат, ҳаққоният юзасидан ҳукмлар чиқариш асосида иш юритиш фазилатларига эга бўлиш. Дарҳақиқат, қаерда раҳм-шафқат бўлса ўша ерда ҳуқуқ-тартибот ўзаро ишонч асосида қарор топади, ашаддий жиноятчиларга нисбатан халқнинг қаҳр-ғазаби ошади. Аксинча, раҳм-шафқат қилинмаган жойда ёвузлик келиб чиқади. Ёвузлик эса одамлар ўртасида нифоқ солувчи қора куч бўлиб, давлат ҳокимиятининг илдизларини емиради.

Тўртинчиси - ҳар қандай одамнинг гуноҳини бир маротаба кечириш, иккинчи, учинчи марта гуноҳ қилса, у ҳолда гуноҳига яраша жазолаш, яъни кечиришни, кечиримли бўлишни юксак ахлоқий фазилат деб билиш. Кечириш одамлар

¹ *Қаранг: Мўминов И.М.* Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида // Унинг ўзи. Танланган асарлар Биринчи том. -Т.. Фан, 1969. - Б.463.

ўртасидаги меҳр-шафқатнинг мезони, раҳмдилликнинг негизи ҳисобланади. Шу туфайли, кечириш, афв этиш мамлакатда ўрнатилган адолатли тартибнинг самарадорлигини оширувчи омиллардан биригина бўлиб қолмасдан, айтилиши вақтда қабул қилинган қонунларнинг инсонпарварлик даражасини кўрсатувчи мезонлардан бири ҳисобланадики, бу мезон бузилган жойда ҳуқуқ-тартиботчилар халқ назаридан қолиб, унинг нафратига дучор бўлади.

Бешичиси - «иймон билан қудрат бир онадан туғилган, мустаҳкам иймонга таянган қудрат буюк бўлади» деб, ҳар бир фуқаронинг айтилиши ҳуқуқ-тартиботчининг иймон-эътиқодли бўлиши. Шубҳасиз, иймон бутун бўлган жойда қонунга итоаткорлик устун бўлиб, ҳуқуқ-тартиботчи ахлоққа зид иллатлар ва жиноятлар оғушига ботиб кетмасдан, ҳар қандай шароитда ҳам Ватан олдидаги бурчини бажаради. Иймонли-эътиқодли ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари билан давлат куч-қудратга тўлиб, буюклик сари қадам ташлайди¹.

Амир Темур давлатда ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчиларнинг ахлоқий фазилатларини баён қилиш билан бир қаторда, яхши ахлоққа зид бўлган ғийбат, тухмат, уйдирма, ёлгон, зулм қилиш, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш, пайига тушиш, гина-кек сақлаш, ҳасад қилиш, ичиқоралик каби иллатларни буткул қоралайди. Бундай кишиларга ҳуқуқ-тартибот ишларини ишониб топшириш мумкин эмаслигини қайта-қайта уқтиради.

Амир Темур ахлоқий хислатларининг марказида турувчи энг муҳим фазилатлардан бири инсонпарварлик бўлган. У ҳар бир мамлакатни фатҳ этгач, уни тартибга келтириш ва юксалтириш, ободончилигини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгилаб, катга ишларни амалга оширган. Айтилиши. солиқ масаласида одилона иш юритиб, хирожни экиндан олинган ҳосил ва ернинг унумдорлигига қараб олишни, солиқ ундириш ишларини фақат буйруқ бериш ёки яхши сўз билан амалга оширишни тайинлаган, солиқ тўламаганларни

¹ Қаранг: *Муҳаммадиев Н.Э.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Дарслик. Иккинчи нашр. –Т.: ИИВ Академияси, 2014.– Б.43-50.

калтаклаш, уриш-сўкиш, аркон солиб судраш, занжирбанд қилишни қатъиян тақиқлаган.

Худди шунингдек, амалдорларга кимки бирон чўлни, ташландиқ ерни обод этса, ундан биринчи йил солиқ олмасликни, хароб ерларни ўзлаштиришга кучи етмаганларга турли асбоб-ускуна ва керакли нарсалар беришни тайинлаган ва унинг бажарилишини назорат қилган. Бузилган йўлларни тузатиш, янги йўл ва кўприклар қуриш ишларига эътиборини қаратиб, йўловчиларнинг ўзини ва мол мулкининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларга кузатувчи ва соқчилар кўйган.¹

Булардан ташқари. мамлакатни ободонлаштириш, маданий-маърифий ривожлантириш учун катта-кичик ҳар бир шаҳар. ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса, ҳокимлар учун сарой, ҳуқуқ-тартиботчилар учун дор ул-адолат, яъни қозихона, камбагал, етим-есирларга овкат бериладиган ғарибхоналар қурдириб, касаллар учун шифохоналар солдириб, уларда ишлаш учун табиблар тайинлаган ва ўз «Тузук»ларида қайд этилган ана шу талабларни келгуси ҳукмдорлар ўзларининг дилларига жо қилишларини маслаҳат берган Амир Темур жон таслим қилиш олдидан: **«Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик - дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин...»**², – дея васият қилган эди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ўзбек халқининг номини жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан битишдаги беқиёс хизматлари ҳақида И.А.Каримов: «Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч кудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига кўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак»³, «Амир Темур шахсини идрок этиш - тарихни

¹ Қаранг: Темур тузуклари. - Т.: Ғ. Ғулом номидаги Ацабиёт ва санъат нашр., 1996. - Б.94.

² Қаранг: Амир Темур васияти// Амир Темур ўғитлари (Тўплам). – Т.: Наврўз, 1992. – Б.61.

³ Каримов И.А. Халқимиз бор экаи, Амир Темур номи барҳаётдир // Ушиг ўзи. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон. 1997. - Б.169.

идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш - ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир»¹, – деган эди.

4. Жаҳон мутафаккирлари адолат ҳақида. Жаҳонга танилган мутафаккирлар адолат ва ҳақиқат ҳақида шундай фикрларни билдирганки, улар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган адолатли ҳуқуқий демократик жамиятни қуриш ғоясининг фалсафий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Булар қуйидагилардан иборат.

- *Куч – адолатдадир. (Амир Темур)*
- *Адолат ва ҳақиқат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлади. (Абулқосим аз-Замахшарий)*
- *Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучли одамлар йўқолиб кетади. Халқнинг аҳволи адолатсиз яхшиланмайди. (Хусайн Воиз Кошифий)*
- *Адолат ҳаёт учун нон сингари керакли озуқадир. (Л.Берне)*
- *Адолаттарвар одамнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади. (Менандр)*
- *Адолат кетган жойда кишилар ҳаётининг қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмайди. (И.Кант)*
- *Агар ҳокимият атрофида адолат ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади. (Абу Бакр ал-Хоразмий)*
- *Юрт ободлиги тўрт нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховат, муҳтожлар дуоси. (Абу Ҳомид ал-Ғаззолий)*
- *Ким адолатсизлик бўлаётганини билатуриб суқут қилса, гўё у соқов шайтондир. (Абу Али Даҳқоқ)*

¹ Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси.// Унинг ўзи. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19, – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.285.

– Дунёда адолатлироқ нарсани кўрмадим: унга хизмат қилсанг, сенга хизмат қилади, уни тарк этсанг, у ҳам сени тарк этади. (Абу Абдуллоҳ Мағрибий)

– Кучга таянмаган адолат гирт оғизликдир, адолатсиз куч эса – зўровонлик. Демак, адолатни куч билан уйғунлаштирмоқ ва бунинг учун адолатнинг кучли, кучнинг эса адолатли бўлишига эришмоқ зарур. (Б.Паскаль)

– Азизим, адолатли шоҳ, амалдор халқнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун гамхўрлик қилмас экан, фитнанинг қўли азоб-уқубатни, адолатсизликни кучайтиришига кўмаклашади. Агар адолат шаъмининг нури билан бечора халқнинг уйини ёритмас экан, ситамдийдаларнинг дили каби мамлакат ҳавзаси гамга ботади, қоронгилашади.

БАЙТ

Адолат дастини тутгайки яхши шоҳ,
Анга пушту паноҳ бўлгай ўзи Оллоҳ.

Адолатдан қўлин тортса агар султон,
Ситаминдан вилоятлар бўлур вайрон¹.

(Хожа Самандар Термизий)

9. Адолат ғояси – жамият ҳаёт фаолиятининг кузгуси ва ҳаками.

1. Адолат принципи тушунчаси ва унинг мезонлари. Жамиятда тинчликни сақлаш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашдаги энг муҳим принципларидан бирини адолат билан иш юритиш ташкил қилади.

Адолат принципи деб кишиларнинг жамият томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий нормаларни ҳаққонийлик билан, одилона ва холисона, тўғри, қонуний тарзда ҳаётга татбиқ этишига қаратилган фаолиятига айтилади.

¹ Қаранг: Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулк: Подшоҳларга қўлланма. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. –Б.62.

Бу принцип, ўз мазмунига кўра, уч таркибий қисмдан - тақдирлаш мезони, талаб қилиш мезони ҳамда қонуний баҳо беришдан ташкил топади

Адолат принципининг:

1) *тақдирлаш мезони* деганда - жамиятнинг, хизмат жамоаларининг ҳар бир одамни, хизматчини қитган меҳнатига (хизматига) яраша сийлаши ёки қилмишига яраша жазолаши;

2) *талаб қилиш мезони* деганда - шахс-хизматчининг жамият ва хизмат жамоалари томонидан норма, одоб қоидаси, анъана, урф-одат шаклида қарор топган ахлоқий талабларга оғишмай амал қилишини, уларни бажаришини қатъий талаб қилиши;

3) *қонуний баҳо бериш* деганда эса ўрнатилган ахлоқий баҳолаш ўлчови асосида ҳар бир ҳаракатга берилган баҳонинг тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб бериши тушунилади.

Адолат принципи жамиятимиз фуқароларининг фаолиятида қуйидаги ҳолларда яққол кўринади.

Республикаимиз Конституциясида баён этилганидек, Ўзбекистон Республикаси, энг аввало, ўзининг барча фуқароларини - жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар - қонун олдида тенг деб билади (12-модда), Бу олий даражадаги адолат принципининг кўринишидир. «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақданиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас» (24-модда).

Бундай адолатли қонун-қоида жамиятимизда тинчлик, ҳамкорлик ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг кузгуси, тактик ва стратегик таянчи ҳисобланади. Зеро Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ, «жиноят содир

этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас» (8-модда), шунингдек «қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт» (10-модда).

Адолат принципи ҳар бир раҳбардан, мутассади ходимдан объектив, ҳаққоний, беғараз, садоқатли, раҳмдил бўлишни талаб қилади.

Улуғ аллома Носириддин Тусий: «Ижтимоий адолатнинг учта асоси талаби бордир, булар: биринчидан, аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш; иккинчидан, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш; учинчидан, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишига имкон яратишдан иборатдир»¹, - деган эди. Бу доно фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг кучини йўқотгани йўқ.

2. Адолат принципининг жамият ҳаётида амал қилиш қоидалари. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият барпо этилмоқда. Ҳеч шубҳасизки, бу жамиятда умум эътироф этган адолат принципларининг қоидаларига мувофиқ тарзда фаолият олиб борилади.

Адолат принципининг демократик жамиятда амал қилиш қоидаларини қуйидагича: 1) талаб ва таклиф қоидаси; 2) тенг имкониятлар қоидаси; 3) эҳтиёж қоидаси; 4) ижтимоий қафолат қоидаси; 5) хизмат кўрсатиш қоидаси; 6) мутаносиблик қоидаси; 7) эквивалентлик қоидаси; 8) рағбатлантириш қоидаси; 9) касбий лаёқатлилиқ қоидаси; 10) ижтимоий фойдалилик қоидаси қабиларга ажратиш мумкин. Мазкур қоидалар бозор иқтисодиётига асосланган барча

¹ Қаранг: *Иброҳимов А, Суятонов Х, Жураев Н.* Ватан туйғуси - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б.33-39.

демократик жамиятларда кенг қарор топган. Бу қоидалар ҳаётга қанчалик кенг жорий этилса, фуқаролик жамияти пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади. Айни пайтда мутахассислар бу қоидаларни тўлдирувчи бошқа принциплар ҳақида ҳам фикр юритади. Америкалик социологлар Р.Хьюсман ва Д.Хэтфилд “адолат омили” принципини асослаб, уни амалга оширишдаги қўл келадиган қоидаларни келтиради. Булар қуйидагилар: 1) инсон ўзгалар билан муносабатини ўзининг жамият ишига қўшган ҳиссаси ва шунинг эвазига оладиган улушини таққослаш орқали баҳолайди; 2) ҳисса ва улушнинг ўзаро мос келмаслиги норозиликка сабаб бўлади; 3) инсон ўзига тегаётган улушдан қониқмаса, ўзича адолатни тиклашга ҳаракат қилади. Хуллас, ижтимоий адолатнинг мазкур қоидалари жамият барча аъзолари учун умумийлиги ва бир хилда татбиқ қилиниши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, бу қоидалар ижтимоий уйғунликнинг зарурий асоси ҳисобланади¹.

3. Демократик жамиятни барпо этишда адолат ғоясини қарор топтиришдан кўзланган мақсад ва вазифалар. Ўзбек халқининг асосий мақсади адолат ғоясига асосланган демократик жамиятни барпо этишдир. Адолат ғоясининг ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишдаги тактик² вазифалари қаторига жамиятнинг кундалик ҳаёти, шунингдек яқин икки, уч йил ичида бажарадиган қуйидаги:

биринчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш;

иккинчидан, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш асосида улар орасидаги мувозанатни сақлаб туриш;

¹ Қаранг: Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати – Т.: Гафур ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2010. – Б.18.

² “Тактика” (юнонча *taktike* – қўшин тузиш, сафлаш маҳорати) – кўзланган мақсадга эришмоқ учун олиб бориладиган курашнинг муаян шароитга мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари // Ўзбек тилининг изоҳия луғати. Ж.3. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.646.

учинчидан, жамиятдаги мулкчилик муносабатларини, ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш;

тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифатида хизмат қилиш;

бешинчидан, воқелиқда кенг илдиз отган, лекин ижтимоий тараққиётга тўсиқлик қилаётган муносабатларни бартараф этиш;

олтинчидан, келажакка ишонч туйғуларини уйғотиш вазифаларни киритиш мумкин.

Адолат ғоясини жамиятда қарор топтириш учун кураш юқорида келтирилган вазифаларни бажариш билан тугамайди. Мадомики, биз мустақил мамлакат сифатида дунё тургунча турмоқчи эканмиз (бунга шубҳа йўқ, албатта) адолат ғоясини қарор топтириш борасида стратегик¹ вазифаларни олдимизга қуйиш ва уни бажалиш механизмларини ишлаб чиқишни ҳам талаб қилади.

Ана шундай стратегик вазифаларни бажаришни ўз ичига қамраб олган бирини Ўзбекистон Ресбудликасининг Президенти томонидан 2017 йилнинг 7 февралда қабул қилинган «*Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида*» Фармонини ташкил қилади.

Шуни ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг ҳар бир банди ижтимоий адолат ғоясини амалга ошириш вазифаларини ўзида акс эттирган бўлиб, унинг сўзсиз бажарилиши эса мамлакатимизда адолатли демократик жамиятни барпо этишга ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда адолатли демократик

¹ “Стратегия” (юнонча *strategia* < *stratos* – қўшин + *ago* – бошлаб бораман) асл маънода «уруш олиб бориш санъати», кўчма маънода «ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати», шунингдек, «умуман, *бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати*»// Ўзбек тилининг изоҳия луғати. Ж.3. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б.573.

жамиятни барпо этишда ижтимоий адолат ғоясини амалга ошириш борасидаги стратегик вазифалар қаторига қуйидагиларни:

– ҳар бир фуқаронинг табиий яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва уларнинг жамият олдидаги бурч ва ҳуқуқларини уйғунлаштириб бориш;

– ҳар бир фуқарони ўзи танлаган касб-корига қараб тўлиқ иш билан таъминлашга эришиш, уларнинг ижодий иш билан шуғулланишига шарт-шароитларни яратиб бериш;

– ҳар бир фуқаронинг саломатлигини сақлаш бўйича одилona иш олиб бориш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш;

– моддий ва маънавий ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган неъматларни, уларнинг кўшган ҳиссасига яраша истеъмол қилиш маданиятини шакллантириш, юлғичлик ва боқимандаликка қарши кескин чоралар кўриш;

– мулкый муносабатларни ривожлантиришда соғлом рақобатнинг аҳамиятини ошириш, уни жамиятнинг ҳаракатлантирувчи механизмга айлантириш;

– давлат бошқарувининг ҳар қандай бўғинида халқ билан мулоқот қилиш асосида, унинг куч қудратига қараб одилona иш олиб бориш, яъни раҳбарлик сиёсатини юритиш;

– аёллар, болалар, ногиронлар, кексалар ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзиш, саховатпеша бўлишни таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

4. Адолатпарварлик ва унинг моҳияти. Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб жамият ҳаётида адолатпарвар кучлар билан адолатсизлик қилувчилар ўртасидаги тинимсиз кураш давом этиб келади. Адолат ғоясининг амалдаги ифодаси ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият ва давлатнинг адолатпарварлик билан иш юритишида яққол кўзга ташланади. Шундай экан адолатпарварлик нима? **Адолатпарварлик** – бу кишиларнинг жамиятда ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий нормалар асосида шаклланган

устувор инсоний муносабатлар доирасида бир бирларига нисбатан тенг ва холисона муносабатда бўлишидир.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ рўёбга чиқарилиши, мулкка эгаллик ҳиссининг, тадбиркорлик ва ишбилармонлик каби фаолият шаклларининг мустақкам қарор топиши, барча фуқароларнинг ўз имконият ва қобилиятларини намоён қилиши учун етарли имкониятлар яратилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай уйғунликни таъминлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Албатта, фуқаролик жамияти ҳаётимизда баъзан учраб турадиган айрим адолатсизлик кўринишлари билан келиша олмайди. Бундай камчиликларга барҳам беришда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув идораларининг адолат ва қонун устуворлиги муҳитини жорий этиш борасида яқин ҳамкорликда иш олиб бориши катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда илгари сурилаётган ва изчил амалга оширилаётган “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган принципиал қоида адолатпарварлик тамойилинининг барча соҳалардаги фаолиятимизнинг бош мезонига айлантиришни тақозо этади. Шу боис жамият ҳаётида ижтимоий адолат қоидаларини ҳаётга реал жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни кучайтириш; аҳолини аниқ йуналтирилган ижтимоий ҳимоялаш қоидаларига изчил риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг замонавий услубларини янада кенгроқ жорий этиш; сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва ОАВнинг турли соҳалардаги ислоҳотларни янада изчил ва қатъият билан амалга оширишда фаол бўлиши айниқса муҳимдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун адолатлилик энг муҳим хислатлардан бири бўлмоғи керак. Чунки адолат азалдан халқимизда ардоқланган энг улуғ хислатлардандир. Шунга кўра ҳар бир мутассади ходим адолатпарвар бўлиши керак. Адолатли бўлиш – одобнинг

устуни, инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир масъул ходим одоб ва инсонийликка етишаман деса, адолатли бўлишни унутмаслиги керак. Адолатли сўз уни айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам манфаат етказди. Тўғрилиқ одамларни хашиша яхшиликка етаклайди, яхшилик эса адолатга етказди.

Адолатпарварлик – инсондаги ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил, олижаноблик ва мардликни кўрсатувчи далилдир. Дунёда адолатпарварликдан кўра кўркавроқ хулқ ва табиат йўқ ва ундан кўра шарафлироқ хислат ва иқбол, таъсирлироқ наф қилувчи нарсани топиш амри маҳолдир.

10. Адолатсизлик: шакллари ва унга қарши кураш чора-тадбирлари.

Адолатпарварликнинг зидди – бу адолатсизликдир. **Адолатсизлик** – бу кундалик ҳаётда айрим кишиларнинг жамиятда ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий нормалар асосида шаклланган муносабатлар доирасида бир бирларига нисбатан менсимаслик, лавозимини пеш қилиш, қўлга киритган бойлиги билан мақтаниш, орқасида турган "ака" сига ишониб бировларни қўрқитиш ҳисобига ўзгаларнинг мулкани ўзлаштириш, боқимандалик кайфиятига берилиш каби гайри инсоний муносабатлар асосида хатти-ҳаракатлар содир этишидир. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, адолат меъёрлари, қонун ва жамият томонидан ўрнатилган тамойилларининг бузилиши, маънавий тамойилларга амал қилмаслик адолатсизликни келтириб чиқаради.

Адолатсизлик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа шаклларда намоён бўлади. У гоҳида бутун жамиятга, баъзан шахслар ёки ижтимоий субъектларга (синф, гуруҳ, партия, миллат, давлат ва б.) нисбатан бўлиши мумкин. Тарихда адолатсизликнинг хилма-хил қуринишлари учрайди, чунон-чи, босқинчилик урушлари, колониализм сиёсати, халқларни она юртидан зўрлик билан кўчириш, муайян халқ ёки миллатга нисбатан геноцид уюштириш, миллий маданиятидан жудо қилишга интилиш, унинг бошига бўҳтонлар ёғдириб, ёмонотлиқ қилиш, таҳқирлаш ва шу кабилар.

Адолатсизлик нисбий тушунча бўлиб, унинг бошқа шакллари ҳам учраб туради. Буларга қуйидагилар киради.

1. Протекционизм. *Протекционизм* (лотинча *protectio*— ҳимоялаш) ижтимоий ҳаёт учун хавфли бўлган иллат бўлиб, юқори мансаб ва мавқега эга бўлган шахс томонидан ўзга шахснинг муаммоларини ҳал қилиш учун ноқонуний ҳомийлик кўрсатиш ҳисобланади. Демак, у ҳокимиятни ғаразли мақсад йулида ноқонуний қўллаш билан боғлиқ ҳолатдан иборат бўлган жиноятдир.

2. Бюрократизм. *Бюрократизм* (французча *bureau* – девонхона, идора; ёзув столи ва юнонча *kratos* қудрат, ҳокимият) – бу ўз вазифасига расмиятчилик билан қаровчи, расмиятпараст, тўрадир, яна ҳам аниқроғи ишга, ўз вазифасига расмиятчилик ва совуққонлик билан қараш, қуруқ расмиятчилик билан иш тутиш, қоғозбозлик, тўрачилик билан иш юритиб ечилиши лозим бўлган муаммонинг ечимини атайлаб мураккаблаштиришдир. У жамиятнинг демократлашувига нисбатан жиддий тўсиқ ҳисобланади. Бюрократия ҳал этилмаган ижтимоий муаммоларнинг янада мураккаблашувига, баъзан ҳатто кескинлашувига олиб келади. Кўпинча, бюрократ ўзи учун муайян имтиёзлар- ни ноқонуний равишда жорий этишга уринади. Иш жараёнидаги зўравонлик, ишни яхши билмаслик, мансабдорларга кўр-кўрона итоат этиш, расмиятчилик, сансалорлик, буйруқбозлик, кўзбўямачилик каби иллатлар сохта обрўга интилиш, фиску фасод, такаббурлик, одамларга беписандлик, ёлғон гапириш, шароитга мослашиш орқали пардаланади, натижада протекционизм, маҳаллийчилик, буйруқбозлик каби салбий ҳолатлар юзага келади.

3. Боқимандалик. Боқимандалик ўзини ўзи муносиб баҳолай олмаслик, ўз қобилияти ва жам-тдаги ўрнини нотўғри тушуниш оқибатидир. Жамиятда боқимандаликнинг кучайиши икки хил салбий ҳолатга олиб келади. Биринчи ҳолатда шахс ўз хизматларини ортиқча баҳолаб юборади. Натижада у «одамлар менинг олдимда қарздор» қабалидаги сохта тасаввурлар билан ўзига кўпроқ

имтиёзлар талаб қила бошлайди. Иккинчи ҳолатда эса шахс ўз им- кониятларини етарли баҳолай олмайди ва шу тариқа ношуд, ташаббусдан йироқ, иродасиз одамга айланиб, “Берсанг — ейман, урсанг – ўламан” деган нақлдаги аянчли ҳолатга тушиб қолади. Боқимандаликнинг илдизлари аввало тарбиядаги нотўғри ёндашув билан боғлиқ. Иккинчидан, шахснинг ижтмоийлашув жараёнида узилиш юз бериши, унинг ижтимоий муносабатларга тўла жалб этилмаслиги оқибатида келиб чиқади. Бундай кимсалар умрбод «давлат ёки бошқалар мени боқиши керак» деган кайфиятда кун кечиради.

4. Адолатсизликка қарши кураш чора-тадбирлари. Адолатли ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ўзбек халқининг пировард мақсадидир. Адолатли жамият куриш учун адолатсизликка қарши курашиш керак. Ўзбек халқининг буюк фарзанди **И.А.Каримовнинг:**” *“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.*

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

Одил хукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган “Сиёсатнома” деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию куззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси “кўю кўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром кўллари кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш,

жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат”, деб кўрсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисидида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-этиқодига айланса, деб орзу қиламан.

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолавер- са, одам ўз қилган гуноҳдари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охирада қаерга қочасан?

Агар одам охирадан кўркса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб кўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди¹. Адолатга интилиш - халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик гоёси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топишига сидқидилдан хизмат қилиш керак². Чунки, одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайди»³, - деган фикрларини доимо ёдда тутишимиз зарур.

И.А.Каримовнинг қолдирган сиёсий меросини методологик асос сифатида қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев

¹ Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин// *Унинг ўзи*. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураемиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.239-240.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш йўлида // *Унинг ўзи*. Ватан саждогоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996 – Б 354-355

³ Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш – ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи // *Унинг ўзи*. Тинчлик ва хавфсизликимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б.295.

жамиятда адолатни қарор топтириш учун адолатсизликларнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш ишига қаттиқ киришди.

Адолатсизликка қарши курашиш борасидаги тактик ва стратегик йўналишлар қилиб қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

1. Аҳолининг саломатлигини сақлаш борасида ҳар бир фуқаронинг малакали тиббий ёрдам олишлари учун дори-дармон ва бошқа ихтисослашган шифо муолажаларининг хизматлар кўрсатиш қийматларини орзонлаштириш ҳамда айни вақтда беморларни даволаш ишида учраётган порахўрлик, юлғичлик, бюрократия, протекционизм каби иллатларига қарши кескин чоралар кўришни мунтазам тарзда йўлга қўйиш.

2. Жамият томонидан яратилган моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашда, ҳар бир инсоннинг қўшиган ҳисса ва улушларга қараб тақсимот ишларини амалга ошириш, пировардида аҳолининг кескин тарзда табақаланиб кетишига, яъни бир томонда ўта бойлар, иккинчи томонда эса ўта қашшоқ-камбағалларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик. Пировардида ўз мулкига эга бўлган ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш. Уларни жамиятимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча бўғинларида адолат кузгуси ва ҳаками бўлган халқчил қонунлар талабларини сўзсиз бажаришга эришиш. Қилинган ишлар ҳақида халқ олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб бориш. Халқнинг фикрини – адолат кузгуси ва ҳаками деб тушуниш.

4. Адолатли ҳукм чиқарувчи мутасаддилар сафини маънавийтисиз, порахўр, тамагир, калондимоғ, оддий жабр-дийда халқнинг арз-додини эшитмайдиган корчалонлардан тозалаш. Бу ишга юксак маънавиятли кишиларни масъул этиб тайинлаш. Чунки, *«адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат ҳам*

*бўлмайди»*¹. Демак, адолат ва маънавият бир биридан ажралмасдир. Адолатсизликка қарши фақат маънавиятли кишиларгина курашишга кодирдирлар.

5. Ҳар қандай адолат фарзандлар шуурида оиладан, ота-онанинг бир бирларига ва фарзандларига бўлган муносабатларидан бошланади. Бола отани адолат тимсоли деб билса, онани адолат қўриқчиси деб тушунади. Ота-она ўртасидаги ҳар қандай адолатсизликка асосланган муносабатлар, боланинг адолат ҳақидаги мурғак қарашларининг илдизига болта уради.

6. Ўқувчи, талаба адолатни ўзларига сабоқ бераётган таълим муассасаларидаги ўқитувчилари тимсолида кўрмоқчи бўлади. Унинг билимига нисбатан қўйилган ҳар қандай одилона тўғри баҳо, унинг кўнглини тоғдай кўтариб адолатга бўлган ишончини оширади ва аксинча унинг билимига қўйилган нотўғри баҳо ёки ўқитувчининг тамагирлиги туфайли ўзидан паст билимга эга бўлган ўқувчига қўйган адолатсиз «аъло» ёки «яхши» баҳоси унинг юрагига ханжар бўлиб санчилади. Минг надоматлар бўлсинким, юлғич, порахўр, тамагирни ўқитувчи-устоз деб бўладими. Афсуски, йўқ. Бундайларни ҳеч қачон таълим муассасалари даргоҳига йўллатмаслик (яқинлаштирмаслик) керак.

7. Ҳар бир ходим адолатни ўзининг иш жойидаги раҳбаридан кидиради. Раҳбар адолатли бўлса, унинг ишида файзу-барака бўлади, келажакка бўлган ишончи ортиб боради. Раҳбар адолатсиз бўлса ғийбат, чақимчилик, ғаразгўйлик, сотқинлик авж олади, жамоада маънавий-ахлоқий муҳит бузилади. Оқибатда жамоа таназзулга юз тутади. Бугунги куннинг энг муҳим адолатли талаби: ”Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарнинг – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак”². Чунки, бундай чора-тадбирсиз адолатсизликка қарши курашиб бўлмайди.

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шarti // Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.432.

² **Мирзиёев Ш.М.** Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар – фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак // Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.235.

II. ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР – ИНСОНИЯТНИ ТАНАЗЗУЛ ВА ТУБАНЛИККА БОШЛОВЧИ ЁВУЗ КУЧ

I. Вайронкор ғоялар ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.

1. Вайронкор ғоялар: тушунчаси ва генезиси. Инсоният пайдо бўлган кунидан бошлаб ўз яшаётган борлиқдан ҳаёт ҳақиқатини излашга киришди. Натижада, мавжуд реал борлиқда содир бўлаётган нарса, ходиса, воқеа, жараёнлар уларнинг эҳтиёж ва манфаатларига мос келса, бу оламда ҳақиқат бор экан, борди-ю мос келмаса бу оламда ҳақиқат йўқ экан, уни топиш учун курашмоқ керак деган ғоянинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳаёт ҳақиқатини ҳар хилда англаш, яъни бир томондан, мавжуд реал борлиқнинг ижодкорлик кучини эътироф этиш бунёдкор ғоя ва мафкураларнинг пайдо бўлишига, иккинчи томондан, мавжуд реал борлиққа нисбатан билдирилган норозилик, уни шахсий манфаатларни кўзлаб ўзгартиришга киришиши эса вайронкор, бузғунчи ғояларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Одамларнинг мавжуд воқеликка нисбатан ички туйғу, тафаккурида содир бўладиган норозилик: ҳасад, ғаззаб, сабрсизлик, тоқатсизлик, ваҳима, қўрқув, кўролмаслик, сотқинлик ва бошқалар уларни ёвуз ҳатти-ҳаракатлар: тухмат, ғийбат, ёлғончилик, айғоқчилик, зўровонлик, кўрқитиш, тажаввуз қилиш каби умуминсоний ахлоққа зид ҳатти-ҳаракатлар қилишига олиб келди ва келмоқда. Жаҳонда ана шу ҳаракатларни қўллаб қувватловчи катта молиявий имкониятга эга бўлган шахслар, жамоат ташкилотлари, партиялар, ҳатто давлатлар томонидан вайронкор ғоя ва мафкуралар ҳақида янгидан янги таълимотлар яратилмоқда, уларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилмоқда ва мафкуравий майдонлар бўйлаб ишга туширилмоқда.

Хўш, шундай экан вайронкор ғоялар деб нимага айтилади? **Вайронкор ғоялар** деб, *инсон ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни гаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва*

ҳалокатга маҳкум этадиган ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуига айтилади.

2. Вайронкор ғояларнинг турлари. Вайронкор ғояларнинг турлари деб, инсон ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни заразли ният ва қабих ишларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган хатти-ҳаракатларига қараб бутун ва бўлақларга ажратишга айтилади. Буларни кўзлаган мақсадларига қараб мустабидлик, босқинчилик, террорчилик, ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик, ирқчилик, миллатчилик, маҳаллийчилик, ватансизлик, ёвузлик; амалий хатти-ҳаракатларига қараб большевизм, коммунизм, неоконмунизм, фашизм, неофашизм, расизм, космополитизм, шовинизм, панславянизм, панамерканизм, панисломизм, панэронизм, пантуркизм, нацизм, фундаментализм, гегемонизм, конформизм каби турларга ажратиш мумкин.

3. Вайронкор ғояларга хос бўлган хусусиятлар. Уларга хос бўлган хусусиятлар: 1) ғоявий якка ҳокимликка интилиш; 2) фикрлар плюрализмини рад этиш; 3) демократик ва миллий кадриятларни тан олмаслик; 4) мутлак ҳокимиятга даъво қилиш; 5) жамиятда ижтимоий-сиёсий беқарорликка мойиллик; 6) ягона, ҳукмрон мафкурага уриниш; 7) ижтимоий ихтилофларни кўллаш; 8) ақидапарастлик ва сиёсий экстремизмни ёқлаш кабилардан иборатдир.

4. Вайронкор ғояларнинг ташкилий асослари. Уларнинг ташкилий асосларини, яъни соҳибларини: диний экстремизм; халқаро терроризм; наркобизнес; ноқонуний қурол-яроғ савдоси; бегона, сохта диний ақидалар; жангариликни тарғиб этиш; ақидапарастлик билан шуғулланувчи гуруҳлар, ҳаракатлар, партиялар ва ҳ.к. ташкил этади.

5. Вайронкор ғоялар келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар. Вайронкор ғоялар жамият ҳаётида куйидаги зарарли оқибатларни келтириб

чиқаради: **а)** инсон табиатига зид бўлган салбий томонга ўзгартиради; **б)** тафаккур тарзини ўз негизларидан бегоналаштиради; **в)** носоғлом турмуш тарзини шакллантиради; **г)** бегона урф-одат, анъаналарни тарғиб қилади. Уларнинг кириб келишига муҳит яратади; **д)** фикрлар хилма-хиллигини чеклайди; **е)** қарамлик, тобелик, мутелик муҳитини яратади; **ё)** мамлакатни, халқни ўз миллий кадриятларидан, охир-оқибат ўз тараққиёт йўлидан бегоналаштиради; **ж)** жамиятда халқлар ва миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликка раҳна солиб, ички ихтилофлар, парокандаликка олиб келади.

6. Вайронкор ғояларнинг мазмуни ва шакллари. Ҳар бир нарса, ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ўзининг мазмуни ва шаклига эга бўлгани сингари, вайронкор ғоя ва мафкуралар ҳам ўзининг мазмун ва шаклларига эгадир. Бунда **вайронкор ғояларнинг мазмуни деб** *кишилар, ижтимоий гуруҳ ва бошқаларнинг ички ботиний томонида кечаётган жараёнлар: гоёвий бўшлиқ, заифлик, зиддият, саводсизлик, мутаассиблик, парокандалик, турғунлик, қарамлик кабиларнинг хусусият ва хоссалари, алоқалари, зиддиятлари ва ривожланиш тенденцияларининг мажмуига айтилади.*

Вайронкор ғоя ва мафкураларнинг мазмунини эгоизм, пессимизм, нигилизм, тажовузкорлик, қўрқитиш, ваҳимага солиш, ишончсизлик, ёвузлик, хиёнат, сотқинлик, айғоқчилик, тухмат уюштириш бошқалар ташкил қилади.

Вайронкор ғояларнинг шакллари деб *эса мазмунинг нисбатан турғун, муайян алоқалари ва ўзаро таъсирларини ўзида ифодаловчи элементларининг тузилишига айтилади.*

Масалан, вайронкор ғоялар туркумига кирувчи «терроризм» ғоясининг мазмуни маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмонан йўқ қилишдан иборат бўлса, унинг шакллари ғоявий, этник, диний, жиноий, иқтисодий, сиёсий терроризм кабилар ташкил этади. Демак, бунда *терроризмнинг мазмуни* - ундаги барча қўрқув ва даҳшатга солувчи нарсаларнинг барча элементлари ва жараёнларининг мажмуи бўлса, *шакли* эса

ана шу мазмуннинг тузилишидир. Аниқроғи, терроризмнинг шакли – бу ички ва ташқининг бирлигидан иборат бўлган вайронкор ғоянинг бир қўрқинчли кўринишидир.

Вайронкор ғоя ва мафкураларнинг асосий шаклларига фашизм ва неофашизм, расизм, шовинизм, коммунизм ва некоммунизм, экстремизм, терроризм, миллатчилик, коррупция, жиноятчилик ва шу кабилар киради.

7. Вайронкор ғояларнинг мақсад ва вазифалари. **Вайронкор ғояларнинг асосий мақсади** – бу бир ҳовуч бойлик ва мансабга ўч одамлар, қолаверса давлатлар томонидан ўзга халқларнинг моддий бойликларини зўрлик ёки маккорлик, қўрқитиш ёки фирибгарлик, мақташ ёки камситиш каби усулларни ишга солиш орқали эгаллаб олиш, уларнинг ҳақиқий соҳибларини эса текин ишчи кучига айлантириб катта бойлик орттиришдан иборат.

Вайронкор ғояларнинг вазифалари:

а) ўзга халқларнинг моддий ва маънавий бойликлари ҳақида жосуслик усулини ишга солиб маълумот тўплаш;

б) тўпланган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш ва унинг натижаларидан мамлакат иқтисодий тизимини издан чиқаришнинг ғоявий-мафкуравий усулларини ишлаб чиқиш;

в) халқларнинг тарихини сохталаштириш орқали, уни ўзлигидан жудо қилиш ишларини амалга ошириш;

г) халқларнинг миллий орф-одат, анъана, маросим ва бошқа қадриятларини камситиш, уларни менсимаслик ишларини йўлга қўйиш;

д) раҳбар ходимлар, уларнинг оила аъзолари ҳақида ҳар хил ўйдирмаларни тарқатиб давлат идоралари раҳбарларини омма олдида обрўсизлантириш ишларини ташкиллаштириш;

е) давлат сиёсатидан норози бўлганларни топиб, уларни ўз Ватанига хиёнат қилиш, яъни сотқинлик балосига гирифтор қилиш;

ё) “демократия” баҳонасида халқларни мавжуд давлат ҳокимиятини ағдариб ташлашга даъват қилиш ва бошқалар киради.

Вайронкор ғояларнинг мақсад ва муддаоларини ўз вақтида пайқаш, уларнинг тузаётган режаларидан воқиф бўлиш, “*жилвагар ҳусн-жамолига*” учмасдан унинг пайини қирқиш керак бўлади. Бунинг учун эса ҳар бир фуқародан доимо сергак ва ҳушёр бўлиш талаб этилади. Бундай бўлиш учун эса фуқароларимизни она-Ватанга нисбатан муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш зарурдир. Бундай тарбия фақат жамиятда ўрнатилган адолат мезонларининг ҳаётийлиги орқали амалга оширилади. Адолат бўлмаган жойда – вайронкор ғоялар ўз ҳукумронлигини ўтказиши муқаррардир. Чунки, адолат – инсон, жамият маънавий оламининг тарозисидир. У бузилса, моддий олам ҳам, маънавий олам ҳам издан чиқади.

II. Мутаассиб вайронкор ғоялар, уларнинг мазмун ва моҳияти

Вайронкор бузғунчи ғояларнинг кўпчиллиги мутаассиб¹ характерга эга бўлиб, уларнинг баъзи бирларининг реакцион моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

1. Фашизм ва неофашизм. Фашизм (итал. – боғлам, бирлашма) – Ғарб мамлакатларида XX аср бошларидаги оғир иқтисодий, сиёсий ва маънавий бўҳронлар даврида вужудга келган ўта тажовузкор ва вайронкор ғоялар асосида шаклланган ғайриинсоний назария ва амалиёт. У энг реакцион ва тажовузкор доираларнинг дунёқараши ва манфаатини ифода этган ҳолда, очикдан-очик террористик диктатурага, зўровонлик ғоясига таянади. Фашизмнинг муҳим хусусияти – очикдан-очик шовинизм ва ирқчилик бўлиб, унинг моҳияти

¹ **Мутаассиб** – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «ўта фидойи», «берилган», «ғайратли» деган маъноларни англатади. Фанда: 1) динга қаттиқ берилган, унга кўр-кўрона амал қилувчи; 2) бировга кўр-кўрона эргашувчи, бирор ишга онгсиз равишда қаттиқ берилувчи, таассуб қилувчиларни ифодалаш учун ишлатилади. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.653.

жамиятнинг барча тараққийпарвар қатламлари, илғор фикрли аъзоларига қарши куч ишлатишнинг энг оғир ва зарарли шакллари кўллаш жараёнида яққол намоён бўлади. Фашизм ўз кирдикорларини яшириш ва хаспўшлаш учун сиёсий тилёғламалик, ёлғон ва бўҳтонлардан усталик билан фойдаланади.

Фашизмнинг ташқи сиёсати босқинчиликдан ва халқаро террорчиликдан иборат. Улар бошлаган уруш туфайли 1939–1945 йилларда ер юзида 60 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлган эди. Фашизм инсониятнинг ашаддий душманидир.

Неофашизм. Бу фашизмнинг янги тарихий шароитдаги кўриниши. Неофашистик гуруҳлар янги шароитга мослашган ҳолда ўзини жаҳон афкор оммаси кўз ўнгида мутлақо обрўсизлантирган фашизмдан фарқ қиладиган оқим сифатида кўрсатишга уринади.

Неофашистлар аҳолининг қашшоқ, маргинал гуруҳларини ўз томонига ағдариб олишга ҳаракат қилади. Шу боис ўз мавқеидан норози бўлган муайян гуруҳлар неофашистлар таъсирига тушиб қолади.

Неофашистлар қўллайдиган асосий тактик усул – турли йўллар билан мамлакатда ижтимоий танглик вазиятини келтириб чиқариш ва сақлаб туришдан иборат. Шу тариқа улар демократик йўл билан сайланган парламентлар ва ҳукуматларни мамлакатда тартиб ўрнатиш ва сақлаш учун ноқобил деб кўрсатмоқчи бўлади. Ижтимоий тангликнинг сурункали давом этиши аҳоли қуйи табақаларининг бир қисмини неофашистлар сафига кўшилишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун неофашистлар турли тартибсизликлар келтириб чиқариш йўли билан тангликни сақлаб туришга ҳаракат қилади. Масалан, Россия Федерациясидаги Э. Лимонов бошчилик қиладиган национал-большевиклар ўз фаолиятида мана шу усулдан фойдаланади.

2. Расизм – ирқчилик. “Расизм” сўзи “раса” (ирқ) атамасидан келиб чиққан. Бу атама XVII асрдан бошлаб Европада “инсоният насли”ни турли ирқий гуруҳлар, жумладан, “оқ” ва “сарик” ирққа ажратиш учун қўллана бошлади.

Ирқчилик – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларга мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот.

Ирқчилик таълимоти “оқ танли”ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан “олий ирқ” этиб танлангани, бошқа ирқларнинг эса “оқ”ларга қараганда номукамал яратилганлиги ва ҳамиша тараққиётнинг қуйи поғоналарида туришини “асослаб” беради. Унинг асосий ғояси ўзининг “илоҳий” табиатига кўра “оқ” ирқларни “қуйи” ирқлар устидан ҳукмрон қилишга даъват этишга қаратилгандир.

3. Буюк давлатчилик шовинизми. Инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирувчи мафкура шаклларида бири шовинизмдир. *Шовинизм миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган гоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиётидир.*

Бундай қарашларнинг тарихи узоқ бўлсада, илмий тушунча сифатида шовинизм атамаси француз ёзувчилари ака-ука И. ва Т. Коньярларнинг “Уч рангли кокарда” номли комедиясининг қахрамонларидан бири, ўзининг агрессив миллатчилиги билан ажралиб турадиган Никола Шовен номи билан боғлиқ ҳолда, XIX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлганини қайд этиш лозим. Наполеоннинг босқинчилик урушлари ветерани бўлган, “буюк Франция”ни яратгани учун императорга сажда қилиш руҳида тарбияланган, ўта миллатчи бўлган бу реал шахс ушбу бадиий образнинг прототипи ҳисобланади.

Шовинизм бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, бугунги кундаги мавқеи ҳамда маънавий-маданий ҳаётининг ўзига хос томонларини менсимасликка интилишида яққол кўринади. Шовинизм кўп сонли халқларнинг

кўп миллатли давлат доирасида, шунингдек, уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишга уринишида ҳам намоён бўлади.

Буюк давлатчилик шовинизми – бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигани ўрнатишга қаратилган назария ва амалиёт.

Хусусан, XIX аср охиридан бошлаб Россия империясининг ҳукмрон доиралари бошқа халқларга, жумладан, Ўрта Осиё халқларига нисбатан ана шундай сиёсат олиб борганлар. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда ҳам бир қанча мамлакатлар буюк давлатчилик сиёсатини хилма-хил кўринишда олиб бордилар.

И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик хавфсизлигимизга таҳдид солаётган муаммолардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаган: “Ўтган мустақил ривожланиш йиллари давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда, деб айтиш учун асос бўла олади. Бу таҳдид буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шиорларда, билдирилаётган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда намоён бўлмоқда”¹.

Буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний хусусиятга эга бўлиб, бошқа халқларни қарам қилиш, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда уларни камситишнинг ўзига хос шаклидир.

Шовинизмнинг тарихан ҳалокатли эканлигига сабаб шуки, ҳаддан ташқари кучайиб кетган ва айниқса, ўз миллий мумтозлигига ишонишга асосланган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Унинг ўзи. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.64.

буюк давлатчилик зўравонлик асосига қурилганлигадир. Бу эса, ўз навбатида, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни ифода этувчи давлатларнинг ўзида кўплаб қурбонлар ва йўқотишларга олиб келади.

Шу боис айтиш мумкинки, шовинизм, пировардида, давлатнинг ўзига зарба беради, унинг пойдеворини кучсизлантиради, ички зиддиятларни кучайтиради. У жамиятни парчалаб юборишга ва унинг учун оғир бўлган оқибатларни келтириб чиқаришга қодир. Гарчи тарихий даврлари ва шарт-шароитлари турлича бўлсада, Рим, Усмонлилар, Германия ҳамда Россия ва Совет империяларининг тарихидан бунга кўплаб мисоллар топиш мумкин.

Шовинистик кучлар бугунги кунда, *биринчидан*, мамлакат аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, *иккинчидан*, минтақа давлатлари ичида зиддиятларни юзага келтириш, *учинчидан*, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда улар хилма-хил усул ва воситалардан фойдаланмоқдалар.

Буюк давлатчилик шовинизми ҳам жаҳолатнинг бир кўриниши. Унга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин. Бунда, айниқса, халқаро ҳамжамият, жумладан, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ҳар бир давлат билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш яхши омил бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига ижобий таъсир этиб, бир-бирини бойитадиган маконга айланади.

4. Коммунизм, большевизм ва неоккоммунизм. Коммунизм (лотинча communis – умумий) – К.Маркс (1818–1883) ва Ф.Энгельс (1820–1895) томонидан ишлаб чиқилган сиёсий таълимот бўлиб, инсонларнинг тўқин-сочинлик асосида яшаши ва ҳар томонлама тенглигини таъминлайдиган ижтимоий идеалнинг радикал турларидан бири.

Коммунизм дунёни ўзгартирувчи яккаю ягона куч ишчилар синфи, пролетариат деб билади, ўз ғояларини амалга оширишда уларга суянади.

Маркснинг синфий кураш ва инқилобий тараққиёт тўғрисидаги назарияси ҳозирги вақтда ғайриинсонийлиги билан ўта хавфли ҳисобланади, чунки у жамиятда маслакдош бўлмаган кучлар ўртасидаги курашни тарғиб этиб, зиддиятни янада авж олдиришга даъват этади. Ваҳоланки, инсоният ривожининг юқори босқичига синфий қарама-қаршиликларсиз, инқилобий ларза ва тўнтаришларсиз, тинч-осойишта, ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳам эришиш мумкин.

Коммунизм шахс ҳаётини иккинчи ўринга қўяди, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эринликларига етарли эътибор бермайди. Бундай абсолютлаштириш жараёнида ижтимоий манфаатлар шахсий манфаатлардан юқори қўйилиб, шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатларга бўйсундирилди. Инсондаги ижтимоийликни, социалликни абсолютлаштирган ҳолда ундаги табиийлик, жонли ва биологик асос (хусусан, ҳаётнинг табиий томонлари – моддий қулайликлари, жисмоний ривожланиши, жисмоний маданият, муҳаббат) тўғри баҳоланмади. Шундан ярим тарки дунёчилик, камтарона яшаш, сипо кўринишга ҳаракат, мунофиқлик ва иккиюзламачилик сари оғишмай амал қилиб келди. Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуаси деб баҳоланди.

Коммунизм таълимотига кўра, миллат – капитализм маҳсули, дин эса ўтмишнинг қолдиғи бўлиб, халқ учун афюн. Уларнинг фикрича, дин, миллат ва давлат инсоният тараққиётининг юқори босқичида барҳам топади.

Ҳар қандай социализм ва коммунизм таълимоти барбод бўлишга маҳкум. Агар социализм ғояси амалга ошириладиган бўлса, бу яна мустабид жамият, мустабид режим бўлади. Мустабид тузум жамият ривожига миллий ва диний қадриятларга ҳеч ҳам ўрин бермайди, уларни эскилик сарқити ҳисоблаб, йўқотиш учун аёвсиз кураш олиб боришга чақиради. Жамиятда фикрлар ранг-баранглигига, халқларнинг миллий ўзлиги ва ғурурини англаши ҳамда сақлаб қолишига йўл қўймайди.

Большевизм. Унинг асосчиси, назариётчиси, ғоявий раҳбари ва раҳнамози В.И.Ульянов (Ленин) эди. Большевизм В.И.Ленин бошчилигидаги тор доира сиёсий авантюристлари ва ҳокимиятпарастларнинг ўта реакцион, инсоният учун зарарли ва хавфли таълимотидир.

Большевизм – Россияда большевистик партия раҳбарлигида сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олиш ва давлат бошқарувининг ғоявий, стратегик, тактик ва ташкилий принциплари ва воситалари сифатида амал қилди.

Большевизм – бу террор, зўравонлик, экстремизм, босқинчилик ва инсонларни талашнинг авж олиши, қутуриши ва ҳаддан ошиши, бу қамоқ, концлагер, қатағон ва сургунлардан иборат эканнини собиқ совет тузуми кўрсатди.

Большевизм – бу қулларча меҳнат, ваҳшиёна эксплуатация, очлик, қаҳатчилик, касаллик, инсонларни ажалидан олдин бевақт ўлими эканига постсовет ҳудудидаги халқлар тарихи гувоҳ.

Большевизм – тажовузкор урушлар, сунъий равишда халқаро кескинликни кучайтириш, ўз халқини “темир тўсиқ” билан ташқи оламдан ажратиб кўйишдан иборат экани жаҳон аҳлига маълум.

Большевизм коммунизм таълимотининг собиқ иттифоқ ҳудудида 1917–1991 йилларда амал қилган кўриниши бўлиб, у ҳар бир инсондаги мавжуд имкониятларнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилиш билан бирга инсоний қадриятларни оёқости қилди, ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам экологик жиҳатдан халқимизга жуда катта зарар келтирди.

Большевизмнинг асосий хусусиятлари ва намоён бўлиши, унинг мақсад ва кўрсатмалари, тактик тамойиллари Россия, Европа, Марказий Осиё, бутун жаҳон халқларига келтирган қурбонлик миқёси ва шунингдек, зўравонлик, оммавий терактлар, сунъий очарчиликлар, ваҳшийлик ва шафқатсизликлар, ғоявий кўпоровчиликлар, бошқа кўп жинойтлари большевикларнинг ўта ахлоқсиз хатти-ҳаракатларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Неокоммунизм (“нео – янги” ва “коммунизм – умумий жамоа” сўзларидан олинган) – ишлаб чиқариш воситаларига умумий мулкчилик кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий формация – коммунизмнинг янги кўриниши. Собик СССР тарқалиб кетганидан сўнг коммунистик партия негизида қайта ташкил топган, коммунистик ғояларни янгича талқин қилишга ҳаракат қилаётган сўл оқим.

Неокоммунизм тарафдорларининг фикрига кўра, марксизм-ленинизм таълимоти асосига қурилган коммунизм илмий ғояси бу ғояни амалга оширганлар томонидан нотўғри талқин қилинган ва мазкур таълимотга нотўғри тузатишлар киритилган. Хусусан, коммунизмни бутун жаҳон миқёсида ўрнатиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги оддий ҳақиқат тушуниб етилмаган. Коммунизмни фақат ижтимоий турмуш тарзини ўзгартириш, яъни ташқи муҳитга таъсир кўрсатиш билан қуриб бўлмайди. Собик коммунистик арбоблар инсоннинг ички дунёсини ўзгартиришни унутиб қўйган.

Неокоммунизмга кўра, коммунизм – синфсиз жамият. Ҳолбуки, инсонлар ўртасида ҳамиша тафовутлар бўлади.

Неокоммунизмга кўра, синфсиз жамият қуришга фақат юксак тараққий этган инсонларнинг бирлашиши орқали эришиш мумкин. Ҳеч қандай ташқи кучлар, айниқса, мажбурлаш орқали коммунизмга эришиб бўлмайди, чунки бу инсон, унинг ички дунёсига мутлақо зиддир.

Мазкур таълимот муаллифларининг фикрича, неокоммунизм, энг аввало, фан ва дин (кўпроқ ҳақиқий диндорлик) синтезига асосланади. Неокоммунизмнинг коммунизмдан асосий фарқи – тўла коммунизмга ёки порлоқ ҳаётга эришиш.

Неокоммунизмнинг мақсади йўқ, чунки “мақсад”нинг барча тушунчалари пировард натижага олиб келади. Бу ғоя тарғиботчилари “табиатда пировард натижа бўлмайди, ҳаёт – доимий ҳаракатда, шу сабабли у ўзини намоён қилиш шакллари кўп ўзгартиради”, деган қарашни илгари суради. Собик

коммунистлар ҳокимиятни қўлларида сақлаб қолиш учун мавжуд бўлмаган ана шу мақсадни излаш билан овора бўлади. Уларнинг “Мақсад ҳар қандай воситани оқлайди” деган шиори кўплаб ажойиб инсонларни ҳалокатга дучор этган.

Неокоммунист қандайдир аниқ қоида ва қонунларга амал қилмайди, у вазиятга қараб иш тутади. Унинг учун умумий қоидалар қуйидагилардан иборат.

Иш, энг аввало, қониқиш ҳиссини уйғотиши керак. Шунинг учун неокоммунист ҳар қандай ишдан мамнуният ҳосил қилиши керак. У ўзида янги қобилиятларни топиши ва уларни ишга солиши лозим.

Неокоммунист дин ва сиёсат соҳасида фойдасиз ва хавфли баҳсларга қўшилмайди. Бироқ у инсониятнинг дин ва сиёсат соҳасидаги энг яхши тажрибасини ўрганиб, улардан ўзича фойдаланади.

Неокоммунист маслақдошлар топишга ортиқча ҳаракат қилмайди. Керак одамлар ўзлари неокоммунизмни топиб олади. Неокоммунизм – пролетарчилар ҳаракати бўлиб, унда неокоммунист неокоммунистга дўст, ўртоқ ва биродар. Уларнинг кучи – бирликда.

Бундай *“жозибадор-бузгунчи зоялар”*нинг асл моҳияти ҳақида И.А.Каримов: *“Бугунги кунда баъзи мамлакатларда эски совет даврини қўмсаш, ўша замонга қайтиш учун турли уринишлар бўляпти. Айрим хорижий телеканалларда Ленин даврини, Сталин даврини, СССРни улуғлаш кайфиятлари куча-йиб боряпти. Бундай қараш, бундай ёндашув бизга асло маъқул эмас. Бизнинг ўз ақлимиз, билим ва тажрибамиз, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган йўлимиз бор. Биз қарамлик ва тутқунликка қайтишга ҳеч қачон рози бўлмаймиз. Ота-боболаримиз айтганидек, кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай*

ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”¹, – деган эди.

III. Экстремизм – жамият тараққиётини издан чиқарувчи вайронкор ғоя ва куч

1. Экстремизм: тушунчаси ва турлари. Экстремизм (лот. *extremus* – ўта) – *ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишида ўта кескин чоратадбирлар, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт ҳисобланиб, мазмунига кўра – диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра – худудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистик қарашлар жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, худудни тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистик руҳдаги қарашларни католиклар, протестантлар, православлар орасида ҳам учратиш мумкин.*

2. Диний экстремизм ва уни келтириб чиқарувчи сабаблар. Диний экстремизм – *маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин ниқоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади.*

Бошқачароқ айтганда, диний экстремизм – муайян диний йўналиш ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб унсурлар сиёсий фаолиятининг мафкураси. Диний экстремизм намоён бўлишига кўра худудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Бундай қарашлар жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, миллат, худудни тан олмаган, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистлар қаерда ва қайси дин байроғи остида фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади диний

¹ *И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқ. // Унинг ўзи. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т.23. – Т.: Ўзбекистон, 2015 – Б.163-164.*

давлатни барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўқиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар.

Бу эса мустақилликка ҳам, тараққиётга ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усулларни қўллашдан ҳам тап тортмайдилар. Бугунги кунга келиб экстремизм нафақат ислом дунёсида, балки бошқа динлар тарқалган худудларда ҳам, тўла-тўқис намоён бўлиб қолмоқда.

Дунёда инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойиллар устувор бўлиб бораётган, қонун ҳамда халқаро ҳуқуқ қоидалари мамлакатлар, халқлар, давлатлар орасидаги муносабатларнинг асосий тамойилига айланаётган ҳозирги даврда диний экстремизмга ўрин қолмаяпти. Аммо, бу унга қарши курашмаслик, хушёрликни оширмасликни билдирмайди. Мазкур соҳада ҳам огоҳлик, эзгу ғоялар йўлида кураш олиб бориш ҳар бир Ватанпарвар инсонлар ҳаёт ва фаолиятнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда.

3. Диний экстремизмни келтириб чиқарувчи сабабларга: 1) диндан фойдаланиб, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ҳамда бошқа тажовузлар ва мақсадларни амалга ошириш учун интилиш; 2) динни ниқоб қилиб, турли сиёсий можаролар, зиддиятларни келтириб чиқаришга уриниш; 3) инсон, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эмас, балки диннинг яшашга бўлган ҳуқуқини эътироф этиш; 4) динни дунёқараш, тафаккурнинг ягона воситаси деб ҳисоблаш кабилар киради.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳодисалар Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда бутунлай зарарлидир.

4. Диний экстремизмнинг замонавий йўналиш-оқимлари. Вайронкор ғояларнинг диний илдизларидан бирини диний экстремизм ташкил қилади. Айдарбек Тулепов томонидан ёзилган « Ислам ва ақидапаратет оқимлар»

¹ номли китобда ислом динига мансуб бўлган диний экстремистларнинг замонавий йўналишлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Булар жумласига қуйидагилар киради:

1. Мусулмон биродарлар.(«Ал-Ихвон ал-муслимин»). Диний экстремизм шаклидаги бу уюшма 1928 йилда шайх Ғасан Банно (1906 -1949 й.) томонидан тузилган бўлиб, у суфийлик унга сингиб кираётган хурофот ва ахлоқнинг бузилиши натижасида «йўлдан озмоқда». Бу оқимнинг уламолари ҳаётдан жуда орқада қолиб кетган, улар ҳозирги замон талабларига жавоб беришга ожиздирлар. «Мусулмон биродарлар» озод қилиш, «халос бўлиш илоҳиётини» илгари сурган ислом инқилобига даъват этганлар. Уларнинг эътиқод қилишича, турмушнинг барча соҳаларида ислом устунлигининг қарор топиши учун мусулмонлар нафақат «ғарбий христиан империализми», балки мусулмон «Ғарбликлар»га қарши муқаддас урушни бошлаши лозим, чунки улар ҳам «исломчи»ларнинг назарида жабр ўтказувчилардан, золимлардан, кофирлардан иборат бўлган. Шундай экан, «мўмин-мусулмонлар, исломнинг ҳақиқий жангчилари» ислом ташкилотига ислом учун курашга бирлашишлари керак².

Хулоса қиладиган бўлсак, “Мусулмон биродарлари” ҳеч қандай маъмурий-жуғрофий ҳудудни тан олмайдилар ва пировард мақсадда ер юзидаги барча мамлакатларда ягона мусулмонлар бирлиги ва уларнинг диний ва дунёвий ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирган “халифа” раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлати қуришни кўзлайдилар. Бу шартни бажармоқ, ниятга етмоқ учун ҳар қандай хунрезликка ва биродарқушликка фатво берилади.

¹ Қаранг: Тулепов А. Ислам ва ақидапараст оқимлар. Иккинчи нашр. – Т.: «Sharq», 2013. -336 б.

² Қаранг: Тулепов А. Ислам ва ақидапараст оқимлар. Иккинчи нашр. – Т.: «Sharq», 2013. – Б.217.

Ҳозирги кунда бу уюшма умумараб диний партиясига айланган. Араб давлатларида ислом давлатини куриш йўлида кураш олиб бормоқда.

2. «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий». («Ислом озодлик партияси»). Бу норасмий сиёсийлашган диний партия 1953 йилда Исроилда Такиюддин Набахоний (1909-1979) томонидан тузилган. «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» диний ташкилоти давлат сиёсий бошқарувига аралашшига, ҳукуматни тўнтариш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати ўрнатишга интилади. Барча мусулмонларни халифаликни тиклашга даъват этади. Улар ҳукуматни қўлга олишда очик кураш, экстремизм, террор йўлини эмас, балки, ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўллайдилар.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий»нинг бошқа норасмий диний ташкилотлардан фарқи ҳужумни асосан фикрга қаратишидир, яъни фикрий кураш олиб бориб, фикрий инқилобга эришиш, ислом давлати низомини тарғиб этишидир.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилоти ўз олдига қуйидагиларни мақсад қилиб қўяди:

- тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш;
- мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш;
- миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш;
- мамлакатга қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш;
- мустақил давлатни қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарам қилиш.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотининг асосий назарий мақсади икки йўналишни ўз ичига олади:

1. Сақофий. Партия аъзолари ислом ниқоби остида экстремистик ғоялар билан йўғрилган, ғаразли тушунтириш ишларини олиб борадилар ва ўз ғояларига етиш учун кишиларнинг онгида ўз партиялари ҳақида тушунча

уйғотишга ҳаракат қиладилар. Бунда улар ҳар бир шахснинг фикрлаш доирасига қараб ўз таълимотларига даъват этадилар.

2. Сиёсий. Жамиятда бўлаётган вақтинчалик қийинчиликлар, табиий офатларни кўрсатиб, агар исломнинг саҳиҳ ҳукмлари бўлганда эди бундай ходисалар рўй бермас эди, каби фикрлар билан ғаразли ниятларини амалга ошириш.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» диний ташкилотининг кураш босқичлари:

1. Тасқиф — тушунтириш ишлари. Онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни ўз тузоғига илантириш. Фикри заиф, таъсирга берилувчан ҳуқуқ-тартибот органлари, ҳокимиятлардаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдириш;

2. Тафоул — биргаликда ҳаракат қилиш, фикрий кураш орқали «Умматнинг оёққа туриши, фикрий онглилиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиши» йўлида фикрий инқилобга етишиш;

3. Инқилоб –тўнтариш, ҳукуматни яратилган уммат орқали қўлга киритиш.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» аъзолари ҳам бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятга келишга интиладилар. Ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳудудий кенглик – халифалик давлатини қуриш уларнинг асосий ва сўни мақсадлари бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилинса, «Ҳизбут-таҳрир»нинг ғояси ислом таълимотидан узоқ, демократик ҳуқуқий давлат конституциясига зид бўлиб, демократик ўлкалардаги, алаҳхусус, юртимиздаги виждон эркинлигини суистеъмол этиб, сиёсий ҳокимиятга интилишдан бошқа нарса эмас. Бундай партия ва оқимлар сиёсий беқарорлик, иқтисодий таназзул, энг ёмони биродарқушлик, хунрезлик келтириб чиқаради, холос¹.

¹ Қаранг: Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, маҳзаблар, оқимлар. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б.95-96.

4. Туркистон исломий ҳаракати. Бу исломий ҳаракатнинг таркибида минглаб жангарилар, ёлланган ажнабий жинойтчилар мавжуд. Ушбу ташкилот раҳбарлари халқаро террорчи ташкилотлар ҳисобланмиш «Ал-Қоида», «Толибон», «Ҳизб ат-таҳрир», «Мусулмон биродарлар», Покистондаги «Ислом жамоаси», ХХР Уйғур автоном туманидаги сепаратистик «Ислом диний ҳаракати» ва бошқалар билан алоқа боғлаб, Афғонистон, Туркия, Саудия Арабистонида яширинча фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг маблағи ҳисобидан йилдан-йилга кенгайиб борган ҳамда 1997-2001 йиллар давомида мустақил Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдид солган.

Интернетдан олинган маълумотларда кўрсатилишича, «Туркистон исломий ҳаракати» раҳбарлари биринчи рақамли террорчи, Усома бин Ладен билан учрашганида, уларга уч миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ берилган. Бу ташкилот 1500 нафар қонхўр жангариларни тарбиялаган. Жинойтчилар энг янги қурол-яроғлар, жумладан, бир неча дона БМП ва БТР, ракеталарни уриб туширишга мўлжалланган замонавий ўқотар қуролларига эга бўлган.

Уюшманинг аъзолари Афғонистон, Чеченистондаги жангарилар ҳарбий дала лагерларида, Ҳиндистоннинг Кашмир ва Яқин Шарқ давлатларидаги «Ал-Қоида», «Ансорлар ҳаракати», «Ислом партияси», «Жиҳод ҳаракати», «Жамоат ат-таблиғ вад-даъва», Покистон давлати ҳудудидаги «Фави», «Саада», «Мирон-шоҳ», «Варсак» каби ҳарбийлаштирилган жойларда тайёр- гарлик кўрган. Ҳозирги кунда ҳам бу тўда дунёдаги энг хавфли террорчи жинойий уюшмалардан бири ҳисобланади.¹

¹ Қаранг: Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Иккинчи нашр. – Т.: «Sharq», 2013. Б.246.

5. Қорасаллалилар: Бу диний-ақидавий гуруҳ аъзолари асосан Тошкент шаҳри ва вилоятида тарқалган бўлиб, улар:

– барча масжидларда соқол кўйган диндорларни сайлаш, соқолсиз, сунъий тиш кўйган имом-хатиблар фаолият олиб боришаётган масжидларга бормаслик;

– телевизор кўриш ва радио тинглашни тақиқлаб кўйиш;

– мактаб ёшидаги фарзандларини жоме масжидларга жума намозларига оммавий тарзда жалб қилиш;

– фарзандларини эса 4-5 йиллик мактаб таълимотидан сўнг ўрта мактабларга юбормаслик;

– мактаб таълим дастурларига ислом дини тушунчаси бўйича дастурлар ва таълимотларни киритиш ва уни мактаб ўқувчилари орасида кенг ёйиш;

– қабрларни зиёрат қилиш «мустахаб», яъни лозим эмаслигини уқтириш;

– вафот этган яқин қариндошларининг дафн маросимини аҳолидан яширинча равишда қилиш, ҳаттоки кечаси шам ва чироқлар ёрдамида қабристонга дафн қилиш;

– «Рамазон» ва «Қурбон» ҳайит байрамларини аҳолидан фарқли равишда бир кун олдин ёки бир кун кейин фақат гуруҳ аъзолари иштирокида нишонлаш;

– динга унчалик эътиқод қилмайдиган, айниқса намоз ўқимайдиган шахслар билан умуман алоқада бўлишмаслик ва бундай тоифадаги шахсларни ўз уйларига киритмаслик;

– намозни овоз чиқармасдан ўқиш, намоздан сўнг «Ёсин» сурасининг оятларини ўқимаслик, 33 марта айтиладиган такбирларни айтмаслик ва шу кабиларни бажаришга ҳаракат қиладилар¹.

Қорасаллалилар давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатга очиқча фикр билдиришмайди, бироқ уларнинг амалда қилаётган хатти-ҳаракатлари ислом

¹ Қаранг: Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Иккинчи нашр. – Т.: «Sharq», 2013. – Б.247-250.

динининг асосий арконларига болта уради. Бу деган сўз, улар келажакда қандайдир исломий таълимотга асосланган “ислом давлати”ни тузиш ва унинг қонун-қоидалари асосида яшашни орзу қилади демакдир. Кўриниб турибдики, улар ўз орзуларини амалга ошириш учун вайронкор ғоялар ишлатадиган мафкуравий қуроллардан фойдаланадилар. Бу эса бутун меҳнатсевар, тинчликсевар ўзбек халқини уларга нисбатан хушёр бўлишга чорлайди.

IV. Терроризм – мудҳиш бузғунчи ғоя ва қўрқинчли мафкуравий қурол

1. Терроризм тушунчаси. Терроризм (лотинча террор – қўрқув, даҳшат) – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, қуч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун, терроризм қандай “байроқ” остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Террор билан консерватив, инқилобий, диний, миллатчи руҳдаги қучлар шуғулланиши мумкин. Лекин уларнинг асосий моҳияти сиёсий бўлади. Қатор давлатлар учун террорист ҳисобланган қучлар, бошқалар учун исёнчи ёки эркинлик йўлидаги қурашувчи сифатида намоён бўлмоқда.

Терроризм – *муайян гуруҳнинг рухсат этилмаган ҳолатда онгли равишда қуч ишлатишидир.* Бунда террорчилар аниқ мақсадни кўзлайди ва ўзини тўла ҳақ деб билади. Бундан шу нарса аниқ бўладики, террорчилардаги мавжуд қуч мақсадни амалга оширишда ижтимоий-сиёсий муҳит билан бевосита

алоқадорликда бўлади. Шунинг учун бирон-бир сабабга асосланган мақсад террорчиликка олиб боради.

Террор кўп ҳолатларда кенг миқёсдаги ҳарбий кучлар билан алоқадор бўлади ва бундай мисоллар тарихда бир неча бор кузатилган. Бундан ташқари, террор давлатнинг ўзи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда икки хил шаклда куч ишлатилади: жазо бериш органлари ёки ҳарбий кучлар томонидан. Бунда сиёсий мақсадларни амалга ошириш ёки аниқ бир режимни жорий қилиш учун террор амалга оширилади. “Терроризм” тушунчаси ҳамма вақтда ҳам террористик ҳаракатнинг тез суръатда амалга оширилишини билдиради. Бундай ҳодиса сиёсий, этник, диний ва бошқа кўринишларда бўлади.

2. Ғоявий терроризм. Ғоявий терроризм сиёсий идеолог раҳбарлар томонидан вужудга келтирилади. Бунга расмий тор доирадаги истисно қилинган ички сабаблар кўрсатилади. Бунда миноритар идеологлар жамиятни бошқа бир жамиятга аралаштириб юборади. Табиийки, бу мафкуралар бир жамиятдан бошқа бир жамиятга ўтиб туради ва бир давлатда яширин ҳолда мавжуд бўлса, бошқа бир давлатда эса парламент ёки ҳокимиятда ифодаланиши мумкин.

3. Этник терроризм. Этник терроризм субъекти ғоявий бўлмай, балки миллийлик ва жамиятнинг этниклигидир. Ҳозир сўз миноритар этник гуруҳлар ҳақида бормоқда. Этник терроризмнинг ёрқин мисоллари сифатида басклар (ЕТА айирмачи ташкилоти), сицилия сепаратистлари, ирландлар, курдлар ва янги чиқаётган қорабоғлик арманлар ва чеченлар кабилар мисол бўлади.

4. Диний терроризм. Диний терроризм муайян бир диний секта ёки гуруҳ таълимотининг жамиятда мутлақлаштирилиши оқибатида келиб чиқади. Бунда ушбу ғоя тарафдорлари бошқаларнинг фикр ва ғояларини кескин танқид остига олиб рад қилади ва ғоявий безовталиқни келтириб чиқаради. Бунинг даҳшатли томони улар қўллайдиган амалий чораларда кўринади. Чунки одатда

фундаментализм тарафдорлари қўлида қурол ва баъзан бутун бошли ҳарбий гуруҳлар бўлади. Бугунги кунда ядровий, биологик, бактериялогик қуролларнинг террорчилар қўлига тушиб қолиши эҳтимоли – энг катта хавфдир.

5. Жиноий терроризм. Жиноий терроризмга бандитлик – талончилик ва гомицид мисол бўлади. Таҳликали замонда кишилар бошига кулфат солаётган ва уларнинг ҳаёти, фарзандлари, мол-мулкига таҳдид қилаётган жиноий терроризм кундан-кунга кучайиб бормоқда ва жаҳон ҳамжамиятида жиддий хавотир уйғотмоқда.

6. Иқтисодий терроризм. Иқтисодий манфаатларни кўзлайдиган ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган бу террорчилик коррупция каби катта жиноий тизим билан узвий боғланиб кетган. Унда рақиблари ёки уларнинг яқинларини ўлдириш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан кўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, мол-мулкини ўзлаштириб олиш йўлларида фойдаланилади. Бунинг яна бир томони – баъзан бу террор сиёсий, этник, баъзан эса диний характер касб этмоқда. Мана шундай вазиятда бу террорчиларнинг мақсади ҳокимиятни эгаллашга ҳам қаратилиб, пирамидасимон характерга эга бўлиб бормоқда.

7. Индивидуал терроризм. Индивидуал терроризмнинг субъекти, бошқа террорчилик ҳаракатидан фарқли ўлароқ жамоа эмас, ягона шахсдир. Бунда теракт ягона инқилобчи, ягона диний мутаассиб, ягона миллатчи каби тушунчалар остида амалга оширилади. У ўзининг ички ҳиссиётидан келиб чиқиб ҳаракат қилади, унинг онгидаги вайронкор ғоя унга йўл кўрсатади ва бу йўлда у ҳеч кимни тан олмайди. Индивидуал террор ҳам ўта хавфли куч ҳисобланади, негаки у жамиятнинг бошқа аъзоларига таъсир қилиши ва бунинг оқибатида террорнинг оммавий турларини келтириб чиқариши мумкин. У ўз ғояларини сингдириш орқали бошқаларни ҳам жамиятга қарши қўйиши мумкин. А. Камюнинг “Бегона” асари қаҳрамони бунга мисол бўлиши мумкин.

8. Ахборот терроризми. Кейинги йилларда интеллектуал ва оммавий ахборот соҳаларида ҳам террорчилик элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телеэкранлар орқали доимий намоёниш этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган вируслар тарқатиш шулар жумласидандир.

9. Сиёсий терроризм. Ўзининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни кўзлайдиган кучларнинг зўравонлиги ва қўпоровчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. **Сиёсий терроризм** нафақат жинойтчи гуруҳлар, ҳатто баъзи тажовузкор руҳдаги расмий реакцион сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Чоризм империясининг колониал ва шовинистик сиёсати, совет империясининг ғоявий қатағонлари халқимизга қарши ўзига хос террор эди.

Бугунги кунда ҳам мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизга нисбатан ғараз ният билан қаровчи ёвуз кучлар террорчилик йўли билан тараққиёт йўлимиздан чалғитишга, бизни яна қарамлик ва асоратга солишга уринмоқда. Улар ватанфуруш хоинлардан ҳам, террорчиликни касб қилиб олган, буюртма бўйича қўпоровчилик ва босқинчилик билан шуғулланадиган ёлланма халқаро террорчи, жинойтчи гуруҳлардан ҳам фойдаланмоқда.

Террорчилар ҳаракатларининг икки жиҳати мавжуд бўлиб, улар рационал ёки иррационал тарзда амалга оширилади. **Террорнинг рационаллиги** шунда намоён бўладики, бунда фавқулодда зўравонлик билан бир қанча ижтимоий меъёрлар доирасидан чиқиб, одамлар террористларга ён беришга мажбурланади ва муайян сиёсий ёки ижтимоий мақсадга етилади: бошқа террорчиларни озод қилиш, биронта сиёсий ёки этник эркинликни тан олдириш, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқариш, руҳий

тушкунлик ёки ночорлик ҳолатини уйғотиш, муайян гуруҳлар томонидан кенг намойиш-лар ўтказиш ва шунга ўхшаш шартлар қўйилиши мумкин. Ҳозирда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг деярли ҳаммаси мана шу усулда амалга оширилмоқда. Хатарли томони шундаки, баъзан бу борада ён беришлар кузатилмоқда.

Иккинчи жиҳат **иррационал** ҳолатда содир этилади. Бу экзистенционал тажрибада чегараланиб, теракт қатнашчисининг кучли эҳтиросга берилиши ва жазавага тушиши натижасида содир бўлади. Ҳозирги вақтда бундай террорчилик камдан-кам ҳолатда содир этилмоқда. Бунда инсон моҳияти мавжуд қонун-қоидалар асосида ҳаракатга келтирилади. Жамиятда шаклланиб бораётган нобоп ҳатти-ҳаракатлар ва уларнинг турли номлар остида қонунийлаштирилиши индивидуал характердаги террорни келтириб чиқармоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти бу бало-қазоларнинг ечимини топиш устида бош котирмоқда ва унга қарши курашмоқда¹.

V. Ҳозирги кундаги халқлар ва давлатларни пароканда қилаётган бузғунчи мафкуравий ғоялар

Бутун инсониятнинг ҳаёт фаолияти XX аср охири XXI асрнинг бошига келиб янги техника ва технологияларнинг кашф қилиниши туфайли ахборотлар оқимининг тезкор кечиши натижасида шу қадар тезлашиб кетдики, уни қандайдир қатъий ўрнатилган ғоялар ва мафкуралар орқали бошқариш мумкин бўлмай қолди. Бир сўз билан айтганда инсоннинг ўзидан ўзининг «бегоналашуви» жараёни кучайиб кетмоқда. Бу жараённинг яловбардори сифатида ҳар хил ғоявий-мафкуравий ниқобларни кийиб олиб, бутун дунё

¹ Қаранг: Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. –Б.450–453.

халқлари устидан ўзларининг ғоявий-мафкуравий ҳукмронлигини ўрнатишга уринаётган «кашфиётчилар»нинг эса адоғи кўринмайди.

Улар томонидан глобаллашув туфайли жамият ҳаётида кечаётган ижобий ва салбий ҳодисаларни рўқач қилиб, илгари сурилаётган баъзи бир «замонавий» бузғунчи ғоя ва мафкуралар жумласига қуйидагалари киритиш мумкин.

1. Космополитизм. Космополитизм (юн. *kosmopolites* – дунё фуқароси)– бу «жаҳон давлати» тузишини ва «жаҳон фуқаролиги»ни тарғиб этиб, одамларни ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан, миллий маданият ва анъналардан воз кечишга даъват қилувчи таълимотга асосланган бузғунчи ғоядир.

Бу ғоянинг ўз келиб чиқиш тарихига назар ташласак, унинг Қадимги Юнонистон шаҳар-полисларга бўлиниб кетган даврларда уларнинг барчасини ягона давлат уюшмасига бирлаштиришга ва ўзига хос «жаҳон давлати» барпо этиб, одамларни «жаҳон фуқаролиги» мақомида яшаш руҳида қовуштиришга интилиш ғояси сифатида шакллана бошлаганлигини кўрамыз. Кейинчалик, Рим империяси ташкил топгандан кейин бу ғоя янада кенг тарғиб этила бошланди, унинг бағрида фуқаролик мақоми юксак даражага кўтарилди, «жаҳон фуқаролиги» кадри ортди. Космополитизм ғояси Европа феодал тарқоқлигига қарама-қарши ўлароқ, буржуа космополитизми кўринишида, уйғониш даврида (Данте, Рабле, Сервантес), ундан кейин француз буржуа инқилоби арафасида маърифатпарварлик таълимотида (Волтер, Дидро, Голбах, Гелвеций, Руссо), шахсни феодал қарамликдан озод қилиш ғояларида (Лессинг, Гёте, Шиллер, Кант, Фихте) кенг ўрин эгаллаган эди. Ҳозирги даврда ҳам космополитизм ғояларини илгари суриб, барча одамлар истиқбол тақдири бирлигини рўқач қилган ҳолда «жаҳон фуқаролиги» томон ривожланиш зарурлигини уқтираётган тадқиқотчилар, сиёсий арбоблар, халқаро ташкилотлар мавжуд¹.

¹ Қаранг: Фалсафа: қомусий луғат – Т.: «Шарқ», 2004.– Б.207.

Бугунги кунда космополитизм ғояси: *биринчидан*, жаҳон миқёсида ахборот айирбошлаш имкониятлари ошиб бораётганлигини; *иккинчидан*, глобал иқтисодий интеграциянинг кучайиб тадбиркорликнинг давлат чегараларини «ювиб» ташлаётганлигини; *учинчидан*, аҳоли миграциясининг чегара билмас даражада ўсиб кетаётганлиги каби ҳолатларни рўкач қилиб олган ҳолда ҳозирги кунда Ватан тушунчасининг нисбий эканлигини, «*қаерда яхши бўлса, ўша жой Ватан*» эканлигини илгари суриб элатлар, миллатлар ва халқларнинг ўз она-Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини йўққа чиқариб, уларни мустақиллигидан маҳрум қилиб, қандайдир жаҳонда танҳо ҳукмронлик қилишга уринаётган кучларга тобе қилишга уринмоқдалар. Айни вақтда космополитизм ғоясининг тарғиботчилари одамларнинг «жаҳон давлати» тасарруфида «жаҳон фуқароси» бўлиши эса уларнинг онгида Ватан туйғусини глобал миқёсда тасаввур қилиш имкониятини беради, шахс эркинликларининг тамомила рўёбга чиқишига олиб келади деб бонг ўрмоқдалар.

Космополитизм ғояси ўзбекларнинг металитетига тўғри келмайдиган бузғунчи ғоядир. Чунки, унга эргашиш мустақиллигимиздан маҳрум бўлиш демакдир. Биз учун бу ёруғ жаҳонда ўзбекларнинг яшайдиган жойи битта- бу ҳам бўлса – мустақил Ўзбекистон давлатидир.

2. Худкушлик. Худкушлик – бу одамларнинг ҳаёт жумбоқларини тушуниб етиши, унинг қийинчиликларини енгиб ўтиши борасида юзага келган сабабларини охиригача ечишдан чалғитиб, ўзига тегишли бўлган мол-дунёсидан воз кечиртириб, уларни ўзгаларга мерос қилиб қолдириш учун ўз жонига қасд қилишнинг ҳар хил руҳий омилларини тарғиб ва ташвиқ қилувчи бузғунчи ғоя ҳисобланади.

Худкушлик ғоясининг мазмун-моҳиятига эътибор берадиган бўлсак *биринчидан*, худкушларнинг аксариятини ўзига тўқ фуқаролар ташкил этишини; *иккинчидан*, худкушлар ўзларига тегишли бойликларни қариндош-уруғлари, таниш-билишларига эмас, аксинча, қандайдир сирли клубларнинг

фаолиятини ривожлантиришга сарфлашни васият қилиб колдираётганлигини; *учинчидан*, худкушликни қандайдир фирибгарлар томонидан тузилган клублар томонидан уюштираётганликларини кузатиш мумкин.

«Тадқиқотлар натижасига таяниб шуни айтиш мумкинки, XX асрда бундай клублар нафақат АҚШ, балки Европа мамлакатларида ҳам кенг тарқалиб улгурган экан. Одатда, бундай клубларни бир ёки бир неча фирибгарлар бирлашиб ташкил этган. Клубларнинг Низом ва бошқа хужжатлари ўта пухталиқ билан ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳар бир клубда ҳуқуқшунос, нотариуси ва руҳшунос-шифокор ҳамда руҳоний фаолият юритган. Улар клубга аъзоликка асосан бошига бирор-бир ташвиш тушган, кўнгилчан ва ўзига тўқ одамларни танлашган. Фирибгарлар шу даражада устамонлик билан ишлашганки, қонун ҳимоячилари уларни айблай олмаган. Бунинг учун улар клубга аъзо бўлган ҳар бир шахсни қатор синовлардан ўтказишган. Кейин руҳшунос-шифокор ва руҳоний уни ўз жонига қасд қилишга “тайёрлаган”. Бунинг учун унга кейинги ҳаётда битмас-туганмас роҳат-фароғат ва жаннат ваъда қилишган. Нафақат ваъда қилишган, балки шунга тўғридан-тўғри ишонтиришган. Ўз жонига қасд қилаётган клуб аъзоси ўлга- нидан сўнг тўппа-тўғри жаннатга тушишига заррача шубҳаланмаган. Мижоз ўз жонига қасд қилишга тайёр бўлгандан кейин эса ҳуқуқшунос ва нотариус ишга киришган. Улар мижознинг розилиги билан унга тегишли барча маблағлар ва мол-мулкни клубнинг ҳисобига расмийлаштиришган»¹...

¹ *Қаранг:* Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. –Б.490.

3. «Ўлим гуруҳлари»: «Кўк кит», «Тинч уй» – ёшлар ўртасида худкушликни тарғиб қилувчи ёвуз ғоя. 2017 йилнинг бошларида мафкура майдонларига худкушликни тарғиб қилувчи “Кўк кит”¹ деб номланувчи ёвуз ғоянинг ташланиши оқибатида МДХнинг қатор мамлакатлари, хусусан, Украина, Қозоғистон, Россия ва Қирғизистон каби мамлакат ўсмирлари ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини кўпайтириб юборди.

“Кўк кит” деб номланувчи ёвуз ғоянинг яратувчиси Филипп Лис деган шахс ҳисобланади. Улар ўзларининг қабих ниятларини амалга ошириш мақсадида интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг турли сегментларида ўз гуруҳларини турли номлар ва «ҳештег»лар остида ташкил этган ҳолда ўсмирларни тушкунликдан халос этиш, уларга кўмак бериш, муаммоларига ечим топа олиш имкониятларини ишга тушуришга қаратилган бўлиб, шу жиҳат билан жалб этади. Шу боис ўсмирлар «ўлим гуруҳлари»нинг номига қизиқиб, улар томонидан уюштирилаётган “ўлим ўйин”лари ҳаволасига киради ва унга аъзо бўлиб қолади.

«Ўлим гуруҳлари»нинг ўйин қондасига кўра, иштирокчи хавфли ўйин шартларини мазкур гуруҳ етакчисининг «Мени тонгги 4:20 да уйғот» буйруғи асосида эрталаб 4:20 да тармоққа кириб қабул қилиб олади. Гуруҳ етакчиси, уларнинг тили билан айтганда «куратор» эса тузоққа илинган ўсмирга самимий муносабатда бўлиб, унинг қизиқишлари, кайфияти ва ўзи ҳақида кўпроқ билишга интилади. Кейин ўсмирни текшириб кўриш учун ҳавола юборади ва жасурлигини синовдан ўтказади.

Аввалига топшириқлар оддийгина бўлади, масалан, гуруҳнинг рамзини чизиш каби. Аммо кейинчалик бу шартлар мураккаблашиб, ҳатто тиғ билан қўлни тирнаб ёзишга ҳам мажбур қилади. Иштирокчи вазифаларни

¹ Бу бузғунчи ғояга «Кўк кит» деган ном, аслида океанларда яшовчи кўк китларнинг тез-тез тушкунликка тушиб, ўзини қирғоққа, қуруқликка ташлаб, жонига қасд қилиши мисolidан келиб чиққан ҳолда танланган.

базарганининг исботи сифатида берилган топшириқнинг бажарилганини суратга тушириб, гуруҳ «куратори»га кўрсатиши керак. Шу тариқа ўйин шартлари 50 қисмдан иборат бўлиб, у 50 кун давом этади.

«Ўлим гуруҳлари» қўяётган ўйин шартларининг энг сўнгги босқичида юқори каватдан ўзини ташлаш, тез келаётган автомобилнинг олдини кесиб ўтиш каби топшириқларни бажариш асносида охири ўйинчининг ўз жонига қасд қилиши, яъни худкушликни амалга ошириши билан яқунланади. Охир оқибатда бир бегуноҳ ўсмир ўз жонига қасд қилиб, ота-онасини фарзанд доғида куйдиришига, бутун бир халқнинг ёш фарзандларини танлаган йўлидан чалғитишга олиб келади. Бу ўйин бузғунчи вайронкор ғоя ижодкорлари томонидан кашф қилинган, турган-битгани жинояткорона ҳатти-ҳаракатлар содир этишга қаратилган янгича мафкуравий кураш усулларида биридир, холос¹.

Худкушлик бизнинг ғоявий ва мафкуравий қарашларимизга, турмуш тарзимизга тамомила ёт бўлган бузғунчи ғоядир. Чунки, инсоннинг ўз жонига қасд қилиши ислом динимизда, ҳатто жанозаси ўқилмайдиган гуноҳлар қаторига киради. Шунинг учун ҳам худкушликнинг «жозибаси»га учмасдан, Яратган томонидан берилган умрни она-Ватанга садоқат билан, ҳалол ризқ топиб, сермазмун тарзда яшаб ўтказиш ҳар бир фуқаромизнинг бурчидир. Ёшларимизни худкушлик балосидан асраш ҳар бир ота-она, маҳалла, бутун жамиятимиз аҳлининг вазифасидир.

4. Демократия транзитологияси. Дунёда энг ривожланган АҚШ, Франция, Германия, Англия каби давлатлар ўзлари демократиянинг «отаси» ҳисоблаб, ички ва ташқи сиёсатида демократик тамойилларга асосланиб иш юритишга ҳаракат қиладилар. Улар томонидан ишлаб чиқилган демократия тамойиллари бошқалар учун «андоза» деб биладилар. Шу сабабли улар кам ривожланган,

¹ Қаранг: <https://daryo.uz/k/2017/03/05/olim-guruhlari-qachon-boshlangan-nega-aynan-kok-kit-buyruqlarni-bajarmasa-nima-boladi>.

авторитар, тоталитар ёки ҳали демократик бошқарув тизимига тўлиқ ўтиб улгурмаган давлатларга ўзларининг «демократик андоза»ларини транзит қилишга, яъни демократик транзитология билан шуғулланишга уринадилар.

Демократия транзитологияси назариётчилари жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркинлик бўлишини таъкидлагани ҳолда, муайян мамлакатнинг тарихий ўтмиши, иқтисодий-ижтимоий тараққиёти даражаси, кишиларнинг металитети, миллий кадриятларини ҳисобга олмаган ҳолда у ерда демократик тартибни жорий қилишга, айниқса инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун демократияни экспорт қилиш баҳонасида ўзларининг ҳукмронлигини ўрнатишга, мазкур халқларнинг бойлигини текинга ўзлаштирмоқчи бўладилар. Масалан, АҚШ бошчилигида Ғарб давлатлари томонидан Ироқ, Ливия, Миср каби мамлакатларда демократик тартиб ўрнатиш баҳонасида олиб борилган жанговор ҳаракатлар, Грузия, Украина, Қирғизистонда амалга оширилган «рангли инқилоб»лар ёки Андижонда уюштирилган бузғунчиликлар бунинг яққол мисоли ҳисобланади.

Демократия транзитологияси масаласида ҳар бир сиёсатчи инглиз давлат ва жамоат арбоби Уистон Черчилнинг” Демократия ҳам камчилликлардан холи эмас, аммо инсоният ундан мукамалроқ тузумни ҳали ўйлаб топмаган” ҳамда америкалик сиёсатчи **Зигмунд Бзежинский**нинг *“Исломи тарихи ва маданий кадриятларига беписандлик билан ёндашиб, демократияни мажбуран киритишга уриниш, охир-оқибат унинг тамоман инкор этилишига сабаб бўлади”* ва аксинча, *“ташқи тазйиқдан холи бўлган, табиий тараққиёт натижаси ўлароқ, босқичма-босқич шакллантирилган демократия сиёсий маданияти ислом жамияти томонидан қабул қилинади ва ўзлаштирилади”*¹,— деган фикрларини ёдда тутишлари фойдадан холи бўлмайди.

¹ Қаранг: *Бзежинский З.* Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. – М.: Международные отношения, 2004, с. 279-280.

Демократия транзитологияси ғоясининг бузғунчиликдан иборат бўлган маъно-мазмуни, мақсад ва вазифалари: *биринчидан*, ўзга халқларга демократияни ўргатиш баҳонасида мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаш; *иккинчидан*, ички ва ташқи ишларига аралашиб мавжуд бойликларини сув-текинга сотиб олиш; *учинчидан*, давлат ҳокимиятини заифлаштириб, уларни «қўғирчоқ»қа айлантириш; *тўртинчидан*, уларни ҳар хил ғоя ва мафкураларни синаб кўрувчи мафкуравий полигонга айлантириб, ғоявий карамлик балосига гирифтор қилишдан иборатдир.

Бизнинг халқимиз бундай мазмундани демократия транзитология ғоясини ҳеч қачон қабул қилмайди ва уни мамлакатимиз халқлари ҳаётида даҳшатли оқибатларни келтириб чиқарувчи, унинг тараққиётга нуқта қўйиши мумкин бўлган вайронкор ғоялардан бири деб баҳолайди.

VI. Ҳозирги кунда одамларни маънавий таназзулга дучор қилувчи умуминсоний ахлоққа зид бўлган бузғунчи ғоялар

Жаҳонда техника ва технологиялар қанчалик тез ривожланаётган бўлса, уларнинг натижаларидан баҳраманд бўлиш тенденциялари бир томондан уларни моддий қадрият сифатида қадрлаб унумли фойдаланиш; иккинчи томондан, уларнинг маънавий-ахлоқий томонларини бузиб талқин қилиш ишлари кўзга ташланмоқда. Бунда Ғарб мамлакатлари аҳолисининг бир қисми фақат моддий манфаатини кўзлаб иш юритаётган бўлса, қолган қисми маънавий-ахлоқий қадриятларни шунчаки одам ҳиссиётини қондириш деб билган ҳолда ўз турмуш тарзини янгича мазмунда ташкил этаётганлигида кўриш мумкин. Буни Ғарб ҳаётида кейинги вақтларда оммалашиб бораётган куйидаги айрим ғайриахлоқий ҳатти-ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин.

1. Нимфомания. Қадимги юнон мифологиясида келтирилишича, ўрмон-лар, далалар, пода ва чўпонлар ҳомийси ҳисобланган Пан худосининг қувноқ,

хаётдан хурсанд ва ҳар қандай жинсий чекловлардан озод қилинган жориялар *нимфалар* деб аталган. Афсоналарга кўра, нимфалар эчкиоёқли Паннинг овозини эшитиши билан унга томон югуриб, ўраб олган. Хушчакчақ хор кўшиқлари бошланиб, кенг ўтлоқ далада кайф-сафога берилган. Пан ва унинг ҳирсий бетизгин – эчкиоёқ сатираларнинг шу каби ҳатти-ҳаракатларига ўхшаш, жинсий майлга ўта берилган Ғарбда тобора кўпайиб бораётган аёллар нимфоманка деб аталади. Хуллас, **нимфомания** – бу *ҳайвонсифат тарзда аёлларнинг ҳаддан ташқари жинсий майлга берилиб кетишини, яъни аёлларнинг беҳаё қилқларини тарғиб қилишга қартилган умуминсоний ахлоққа зид бузғунчи ғоядир.*

2. Садизм. *Садизм ўз ҳамкори ёки бошқа бир одамни жисмоний қийнаш, таҳқирлаш, унга азоб беришнинг турли йўлларида фойдаланиб, ҳирсий ва жинсий қониқиш ҳосил қиладиган одамларга нисбатан ишлатиладиган атама. Бундай иллатга эга одамлар учун унинг ҳирсий қониқишларини таъминловчи кишининг кимлиги фарқ қилмайди. Садизм учун у эркак, аёл, қиз ёки ўғил бола бўлиши ҳам мумкин. Ўзга одамни ўз майлига бўйсундириш, ҳирсий талабларини бажаришга мажбур қилиш садизм эҳтиёжининг асосини ташкил этади. Одамларда бу иллат жинсий функцияларнинг етишмовчилиги, жисмоний ва руҳий касаллик оқибатида пайдо бўлади. Қисқаси, **садизм** – бу *эркакнинг ўзгага азоб бериш, қийнаш орқали ўзининг жинсий ҳирсини қондириш, яъни эркакнинг жинсий зўравонлигини тарғиб қилишга қаратилган бузғунчи ғоядир.**

3. Анимализм. *Анимализм маънавий бузилишнинг бир кўриниши бўлиб, ҳайвонлар билан жинсий яқинлик ёки зоофилия атамалари билан ҳам ифодаланади. Бу муносабатларнинг илдизи қадим замонларга бориб тақалади. Лекин бугунги Ғарбий Европада инсон эркинликларининг ўта мутлақлаштирилиши оқибатида ахлоқсизликнинг бу кўриниши тобора кенг тарқалиб бормоқда. Устига устак, бу ярамас одатнинг видеофильмлар, порнографик журналлар ва бошқа манбалар орқали эркин намоиш этилиши,*

кенг тарғиб этилиши унинг тобора оммавийлашувига имконият яратмоқда. Хуллас, **анимализм-зоофилия** – бу эркаклар ёки аёлларнинг ҳайвонлар билан жинсий яқинлик қилишини тарғиб қилувчи бузғунчи ғоядир.

4. Қондошлар. Яқин қариндошлар ўртасида юзага келадиган ҳирсий муҳаббат бўлиб, ҳозирги Ғарбий Европа жамиятида бир уйда яшайдиган қондош қариндошларнинг ёшлиқдан бир-бирини яланғоч тарзда кўравериши, оила муҳитидаги ҳаёсизлик оқибатида вужудга келган ҳирсий ахлоқсизликдир. Бу иллат оилада ҳаё, ибод, уят каби оддий ахлоқий меъёрларнинг қарор топмагани ва Ғарб теле, видео ва порнографик журналлари орқали бундай хатти-ҳаракат узлуксиз тарғиб этилаётгани оқибатида вужудга келиб, борган сари хавфли тус олмоқда. Аниқроғи, **қондошлар** – бу оила аъзолари, қондошлар ўртасида бўладиган ҳирсий муҳаббатни тарғиб қилувчи бузғунчи ғоядир.

5. Лесбиянкалар. Бу хусусият анча қадим замонларданок кузатилган. У Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларида яшаган, маданий жиҳатдан ривожланган кўп халқларда кузатилган. Ушбу атама Лесбос ороли (Юнонистон) номи билан боғлиқ бўлиб, **сафизм** ёки «Лесбос муҳаббати» деб аталган. Кейинчалик Европада «эркин муҳаббат» номи билан кенг тарқалади. У кўпроқ бой-бадавлат хонадонлар, аслзодалар жамоаларида пайдо бўлиб, аёлнинг аёлга нисбатан жинсий ҳирсий муҳаббатини ифодалаган. Ўша хонадонларда кўплаб гетералар хизмат қилиб, олий табақа аёллар жинсий майлини қондириш билан машғул бўлган. Бахтга қарши бундай ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар юксак тараққиёт чўққисига кўтарилган Ғарб мамлакатларида нафақат олий табақа ва аслзодалар орасида, балки санъат, адабиёт, шоу бизнес ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган кишилар орасида ҳам урф бўлмоқда. Ачинарлиси шундаки, иқтисодий-маданий жиҳатдан юксак ривожланган бугунги Европада бу хусусият меъёрдаги турмуш тарзига айланиб бормоқда. Қисқаси, **лесбиянкалар** – бу аёллар ўртасида ўзаро жинсий ҳирсни қондиришни “эркин муҳаббат” деб тарзида тарғиб қтдувчи бузғунчи ғоядир.

6. Бир жинслилар никоҳи. Инсоният моддий ва маънавий жиҳатдан канчалик тараққий этмасин, аммо унинг танасини емирувчи вайронкор ва бузғунчи ғоялар, уларни амалга оширувчи воситаларнинг ҳам шунчалик «юзсиз»лашиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ана шундай ғайриинсоний қилмишлардан бири – бу бир жинслилар ўртасидаги никоҳдир. Бунинг келиб чиқишига асосий сабаблар қаторига қуйидагиларни:

биринчидан, Ғарб мамлакатларида моддий жиҳатдан яхши яшашга интилиб, маънавий соҳани ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилганлиги;

иккинчидан, маиший бузуқчиликнинг мисли кўрилмаган даражада кучайиб, айрим эркаклар учун аёл зотига бўлган қизиқиш ҳиссининг сўниб кетганлиги;

учинчидан, умуминсоний ва миллий кадриятларнинг қўпчиллик томонидан тан олинмасдан, уларга нисбатан минсимаслик ҳолатларининг ҳаддан ташқари кучайганлиги;

тўртинчидан, одамларнинг ҳар хил жинсий касалликларга гирифтор бўлиши туфайли оила қуришга бўлган ишончни йўқотиб «фуқаролик никоҳи» ниқоби остида эркин жинсий ҳаёт кечиришга интилаётганлиги;

бешинчидан, «оммавий маданият»нинг катта маблағ ишлаб олиш мақсадида эркин жинсий ҳаётни тинмай тарғиб ва ташвиқ қилаётганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда бир жинслилар никоҳи Дания, Норвегия, Швеция, Исландия, Голландия, Франция, Финляндия, Германия, Португалия, Бельгия, Хорватия, Люксембург, Испания, Янги Зеландия, Канада, Буюкбритания, Чехия, Швейцария, ЖАР, Ирландия ва Аргентина, АҚШнинг саккиста штатида, Мексика пойтахти Мехикода, Бразилиянинг Алагоас шаҳрида, шунингдек Уругвай, Колумбия, Эквадор мамлакатларида рухсат этилган.

Ўзбекистонда бундай хатти-ҳаракатни содир этиш тақиқланган бўлиб, уни содир этган шахслар қонун йўли билан жазоланади.

Биз Ғарб жамиятида ёрқин намоён бўлаётган ва кенг тарқалиб бораётган ғайрияхлоқий хатти-ҳаракатларнинг айримлари хусусидагина тўхталдик. Бундан ташқари, бугунги Ғарб жамиятига хос бўлган бу каби ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар жумласига мазохизм, фетишизм, телесексуализм, некрофилия, казановачилик, вуайеризм сингари шарқона маданият, урф-одат ва кадриятларга мутлақо ёт, ўта зарарли иллатларни ҳам киритиш мумкин.

7. Вуайеризм ва мазохизм. Вуайеризм (фр. *voyeurisme* – «кўриш») ёки **визионизм** – бу болалар ва ўсмир-ёшларнинг биринчи навбатда жинсий муносабатда бўлаётган жуфтликларнинг хатти-ҳаракатларини, уларнинг ечиниши, биргаликда ювинишини, ёлонғоч ҳолда ўй ичида юришини, шунингдек ҳар хил визуал аппаратларда намоиш қилинаётган жинсий яқинлик ҳолатларни яширин тарзда кўриши натижасида ўз жинсий майлларининг нотўғри томонга оғиб кетишидир. Бундай оғиш эса ўз навбатида ёшлар жинсий тарбиясининг издан чиқаришга, уларнинг хулқ-атворида мазохистик¹ ва садистик хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кўришиб турибдики, бу бузғунчи ғоянинг тагида ёшларни жинсий зўровонликка ўргатиш масаласи яширингандир. Шунини унутмаслик керакки, ҳар қандай жинсий зўровонлик бу жиноятдир.

Бироқ бизнингча, таҳлил этилган иллатларнинг ўзи ҳам Ғарб ижтимоий-маънавий ҳаётида рўй бераётган салбий ҳолатлар ҳақида етарли тасаввур беради. Бундай ҳолатлардан тегишли сабоқ чиқаришимиз, уларга қарши изчил ҳамда самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этишимиз, энг

¹ **Мазохизм** – бу одамнинг ўзи ҳақида аянчли фикрларни билдириш асосида бошқа бировларни (суҳбатдошини) пинҳона тарзда онгсизлик ҳолатига келтирган ҳолда руҳий жиҳатдан қийналишга маҳкум этишни тарғиб қилувчи бузғунчи ғоядир. Бу ғоя 1999 йилда Райх исмли психолог томонидан илгари сурилган.

муҳими, вояга етаётган ёш авлодни, фарзандларимизни бундай иллат-лардан асраб-авайлашимиз даркор¹.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши эълон қилинган курашнинг тактик усул ва стратегик йўналишлари

Бугунги кунда биз учун жондек азиз Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини сақлаш, уни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга соғ-омон етказиб бериш, бир сўз билан айтганда унинг абадийлигини таъминлаш учун ички ва ташқи ғанимларимизга, хусусан экстремизм, терроризм, радикализм, шовинизм каби бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкура, уларнинг амалий хатти-ҳаракатларига нисбатан муросасиз кураш олиб бориш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Бу кураш мавжуд вазиятдан мунтазам равишда келиб чиққан ҳолда олиб борилса, кутилган натижа, самарани беради. Борди-ю, бошқача тарзда, яъни ўта шафқатсизларча олиб борилса, албатта, у янгидан-янги ўч олиш, тўқнашув, тарафкашлик каби зиддият, қарама-қаршиликлардан иборат бўлган муаммоларни келтириб чиқараверади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши курашни янги босқичга кўтаришнинг замонавий тактик усуллар ва стратегик йўналишлари белгилаб берилди.

1. Бузғунчи-вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши курашнинг замонавий тактик усуллари. Бугунги кунда бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши курашнинг замонавий тактик усуллари қуйидагилардан иборат:

¹ Қаранг: Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – Б.390-391.

– бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларлар тўрига тушиб қолган, аммо кўли “қон”га ботмаган ҳолда қайтиб келган фуқароларга нисбатан кечиримли бўлиш, яъни уларни авф этиш;

– кечирилган фуқароларни, уларнинг ота-оналари, оила аъзолари ва қариндош уруғларини камситмаган ҳолда иш билан таъминлаб ижодий меҳнатга, жамоат ишларига жалб қилиш;

– авф этилганларга нисбатан ҳар бир оила, ижтимоий гуруҳ, маҳалла ва бошқа жамоат ва меҳнат жамоаларида яхши маънавий-мафкуравий муҳитни яратиш;

– узоқ вақт давомида кўшни мамлакатлардан келиб, мамлакатимизда яшаб, ҳалол меҳнат қилиб, шу юртни танлаган, бироқ фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаганларни фуқароликка қабул қилиниш ва шу асосида уларнинг руҳини кўтариш;

– тўғри йўлдан адашиб, чет элларда хор-зор бўлиб, азоб-уқубатларни кўриб, тавбасига таяниб ўз ватанига қайтиб келган фуқаролар билан ёшларнинг учрашувларни ташкил этиб, бузғунча-вайронкор ғояларнинг асл моҳиятини уларнинг вужудида чуқур ҳис эттириш, уларни **Ш.М.Мирзиёев** кўрсатиб ўтганидек: “*Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан ишонтириш керак*”¹.

Бундай тактик кураш усулининг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳақида **Ш.М.Мирзиёев**: «Йўлдан адашган болани дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз, юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда уларнинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса...

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // *Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.476.

Бир боланинг йўлдан адашиши - бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфат. Бундан аввало шу боланинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда уларга ёрдам бериш керак. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз. Тўйга чақирмаймиз, маросимга чақирмаймиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини баттар авж олдирамиз, айбсиз одамларни ашаддий душман қиламиз. Натижада нима бўлади? Кулфат камайиш ўрнига кўпаяди. Бошқа оилалар ҳаётига ҳам кириб боради. Бугун шу масалани кўндаланг кўядиган вақт келди.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «**Олижаноб кишилар узрни қабул қилур**», деб таъкидлаган эканлар. Халқимиз - мард ва олижаноб халқ. Ким чин дилдан узр сўраса, тавба қилса, албатта гуноҳидан кечади. Шунинг учун ҳозирги кунда қанча адашганларни кечириб, тўғри йўлга соляпмиз. Бирини ўқишга, бирини ишга, бирини касбга қайтаряпмиз¹,– деган эди. Бундай тактик усулда курашнинг шиорт “**Ўз боланги ўзинг асра!**” деган ғоя-даъват ҳисобланади.

2. Бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши курашнинг замонавий стратегик йўналишлари. Бугунги кунда бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши, хусусан экстремизм ва терроризмга қарши курашда куч ишлатиш усулининг ўзини оқламаётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг мисолини кўшни Афғонистон ва Яқин Шарқ, шунингдек Америка, Африка ва Европанинг айрим мамлакатларида олиб борилаётган террорчиликка қарши кураш ишларини ташкил этишнинг тактик усул ва стратегик йўналишларини белгилаш ва амалга оширишда кўриш мумкин. Бу эса уларга қарши курашнинг тактик усул ва стратегик йўналишларини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Булар жумласига қуйидагилар киради:

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик// *Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.476,477.

1. Экстремизм ва терроризм таҳдидларининг оқибатларини тугатишга эмас, биринчи навбатда уларни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив омилларни тугатишга қарши курашиш зарур. Бунда шуни унутмаслик керакки *” халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади”¹*. Демак, уларга қарши курашни стратегик жиҳатдан **”маърифат ва мураса”** йўли билан олиб боришни ташкиллаштириш зарур.

2. Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг қарийб 30% га яқинини ёшлар ташкил қилади. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бу деган сўз”... одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Чунки, Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Демак, ***навбатдаги стратегик вазифа – бу ёшларнинг ўз салоҳиятини намойн қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик зояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш*** дан иборатдир. Бунинг учун эса ёш авлодни ижтимоий кўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўна-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

лишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак»¹.

3. Экстремизм, терроризм, радикализм, сепаратизм каби жинояткорона уюшма ташкилотчиларининг илгари сураётган ҳар хил мазмундаги вайронкор ғояларининг амалда қўлланилишининг олдини олишга, қолаверса уларни тағ-томири билан йўқ қилишга қаратилган стратегик йўналишлардан бирини жаҳонда тинчлик ўрнатиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш, барқарор тараққиётга эришишни кўзлаб фаолият олиб бораётган барча прогрессив кучларни ягона байроқ остида бирлаштириш ташкил қилади. Жаҳондаги тинчликсевар кучлар ўзаро бирлашмас экан экстремизм, терроризм, радикализм, сепаратизм келтириб чиқараётган вайронагарчиликларнинг олдини олиб бўлмайди. Бунинг учун АҚШ, Россия, Германия, ХХР каби мамлакатлар ягона дастур асосида, БМТ шафейлигида иш олиб бориши тарихий зарурият ҳисобланади.

4. Экстремизм, терроризм, радикализм, сепаратизм кабиларга қарши турувчи энг муҳим стратегик маънавий-маърифий кучлардан бирини ислом дини ташкил қилади. Бугунги кунда бу дин 173 мамлакат тарқалган бўлиб, унга эътиқод қилувчиларнинг сони 1,8 млрд га яқин кишини ташкил этади. Агар ислом олами биринчи навбатда «бутун жаҳон жамоатчилигига ўзининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказса»; иккинчи навбатда, ислом таълимотини нотўғри талқин қилиб, унинг байроғи остида диний мансублик асосида бўлинган дунёни қайта бўлиш учун кураш олиб бораётган жангариларнинг фаолиятига чек қўйилса, шунингдек улар молиявий томирларидан маҳрум қилинса; учинчи навбатда, «БМТ Бош Ассамблеяси «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилса, шунга қараб ҳар бир давлатда диний маърифат, таълим-тарбия ва бағрикенглик ишлари йўлга қўйилса ҳар бир инсоннинг табиий яшаш ҳуқуқи таъминланиб дунёда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

тинчлик ўрнатилиши муқаррар ҳолатга келган бўлар эди. Бизнинг бу соҳадаги стратегик сиёсатимизнинг туб моҳиятини :« *Биз муқаддас динимизни зўровонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мураса қила олмаймиз. Ислоҳ дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади*»¹, – деган фикр ва амалий хатти-ҳаракатлар ташкил қилади.

Шуни унутмаслик керакки “... *ашаддий террорчи ва экстремистлар ўз йўлидан қайтмайди, Уларнинг мияси, бутун хўжайраси захарланиб, қўли қонга ботиб бўлган. Уларга гап уқтириб, инсофга чақирининг ҳеч қандай фойдаси йўқ. ... Оқни–оқ, қорани–қора, дейдиган вақт келди. Бизга бундай нонқўрлар керак эмас*”². Демак, улардан мутлоқо воз кечиб, Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилиш керак. Уларнинг жазоси дарбадарлик дардига чалинган ватангадо ўлимдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас.

5. Бузғунчи вайронкор ғоя ва мафқураларнга қарши курашдаги стратегик йўналишларимиздан бири – бу улар томонидан уюштириладиган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олишга моддий ва маънавий жиҳатдан шай бўлиб туриш, ҳар қандай агрессорнинг таъзирини бериб тавбасига таянтириш борасида етарлича куч ва имкониятларга эга бўлишни таъминлашдан иборатдир. Бизнинг бу борадаги асосий тактик ва стратегик вазифамиз «*юртимизга қилич кўтариб келган ёвуз кучни, қиличнинг ўткир тизги билан ҳалок қилиш*» дан иборатдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

² *Мирзиёев Ш.М.* Ватанамиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик//*Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б. 478.

V БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ – ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

1-§. Демократия ва миллий ғоя тамойилларининг муштараклиги – жамият тараққиётининг муҳим омили

1. Демократия тушунчаси ва унинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари. Башарият тарихида инсоният онадан эркин туғилган бўлиб, у доимо эркин яшаш учун курашиб келади. Ана шу эркин яшаш учун кураш – демократия учун курашнинг мағзини ташкил этади. Ўзбек халқи азалдан эрксевар халқ бўлиб, унинг жамоа бўлиб яшашга асосланган ўтроқ турмуш тарзи ҳар бир ишни маслаҳатлашиш, муҳокама қилиш асосида фаолият юритишига, бу эса ўз навбатида халқнинг онгида демократик тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Хўш, демократия нима? Умумэътироф этилган таърифларга кўра: «Демократия – бу фуқаро эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сийсий тузум»¹. Демократиянинг ҳамма давлатлар ҳаётига мос келадиган андозалари йўқ, бироқ унинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бордир. Буларга: барча фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда амалга ошириши; озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi; қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги; давлат бошқарувида қонун устуворлиги; давлатнинг асосий органларининг сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши ва бошқалар киради. Кўриниб турибдики, демократия жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи

¹ Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.93.

жараёнди. Мазкур масалани ўрганишнинг фалсафий методологик асослари ҳақида И.А.Каримов:” Демократик жараёнлар ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб этилади.

Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам ”ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли”деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга тўғри келмайди”¹, – деган эди. Демак, демократик жараёнларнинг ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларни олимлар демократиянинг Шарқча ва Ғарбча усуллари сифатида талқин қилиш асосида ўрганадилар.

2. Демократиянинг Шарқона ва Ғарбона талқини. Шарқона демократия аслида демократия тушунчасининг ажралмас таркибий қисмидир. Бу демократия Шарқ мамлакатлари, асосан аҳолисининг кўп қисми мусулмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос бўлган демократик қоидалар мажмуининг ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлишидир. «Шарқона демократияда давлат ва жамият ишларини ижро қилишда, аввало, адолат ва ахлоқий-маънавий меъёрларга эътибор берилган. Иймон-эътиқод, эзгу амал, хушмуомалалик, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, ҳақиқа хийнат қилмаслик, муросою мадора билан жамоа бўлиб яшаш, ўзаро иззат-ҳурматда бўлиш, амалдорлар фаолиятини кадрлаш, фармонларга бўйсунуш ва ишонч билан қараш, одамларнинг арздодига қулоқ тутиш, ноҳақлик рўй берганда заиф, ёрдамга муҳтож томоннинг тарафини тутиш, покликни, меҳр-муруватни ва беғаразликни улуғлаш каби

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари// *Унинг ўзи*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.8-9.

фазилатлар»¹ га асосланадиган фаолиятдир. Ана шу хусусиятлари билан ушбу ижтимоий тушунча Ғарб демократиясидан фарқ қилади.

Айни пайтда шарқона демократия, сиёсий тартибсизликлар, бош-бошдоқлик ва митингбозликни миллий манфаатларга зид деб қарайди ҳамда жамият ва давлатнинг ички масалалари ҳар қандай фундаменталистик ва қуролли кучларга асосланган ҳаракатларни қоралаган ҳолда, ўз фаолиятини ўзига хос маданият тамойиллари асосида йўлга қўя оладиган, янгича та- фақкур тарзи, ақп-идроққа, мафкурага таянган киши- ларнинг муносабати, юксак маънавият ва инсоннинг ички маданиятини, руҳиятини намоён этиш имкониятидир.

Шарқона демократия фақатгина соф назария ёки ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг натижаси бўлиб қолмай, шу билан бирга минг йиллар давомида шаклланиб келган, минтақамизда истиқомат қилиб келаётган турли миллатларнинг турмуш тарзи ва руҳияти, тафаккури, реал ижтимоий амалиёти муносабатлари ҳамдир. Ана шу жиқатдан мазкур масалага ёндашадиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, Осиё минтақасида ва Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Уларга қуйидагилар киради:

биринчидан, Шарқда демократик жараёнлар тадрижий ва узвий равишда аста-секин тараққий топади;

иккинчидан, жамиятни демократлаштириш одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир- би- рига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир;

учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак².

¹ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий- ҳуқуқий асослари. —Т.: «Ўзбекистон», 2007.— Б. 39.

² Қаранг: Туленов Ж., Ғафуров З. Фалсафа. — Т.: «Ўқитувчи», 1997. — Б.35.

Жамиятни демократлаштиришда ҳар бир давлат ва миллатнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олингандагина, уни амалга ошириш реаллашади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ғарб демократиясида инсоннинг ички маънавий олами асосий ўринда турмайди, «Натижада Ғарб демократияси ташқи оламни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, институтларни ўзгартиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган ёндашувга айланади. Шарқона демократия эса дунёни, ижтимоий ҳаётни ўзгартиришни, такомиллаштиришни инсондан, унинг ички маънавий ҳаётини мукаммаллаштиришдан бошлайди. Унинг мақсади инсонни, унинг маънавиятини мукаммаллаштириш орқали етук давлат, идеал жамият қуришдир»¹. Демак, биз Шарқ халқларига мансуб бўлганлигимиз учун мамлакатимизда шарқона демократияга асосланган жамиятни барпо этиш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мақсадларидан биридир. Шу маънода, шарқона демократия ҳар қандай мунозарали ма-салаларни тинч йўл билан ҳал этиш, эркин фикр алмашиш, барча фуқароларнинг манфаатини ифодаладиган ҳулосага келиш, ҳар қандай мафкуравий тазйиқларни асрлар давомида шаклланган Шарқ халқдарининг хурфикрлик, бағрикенглик ва мулоҳазакорлик каби қадриятлари асосида бартараф этиш сингари хусусиятларни ўзида мужассам этган ҳолда, озод ва фаровон ҳаётни таъминлашдир².

3. Демократия ва миллий ғоя тамойилларининг муштараклиги.
Демократия ва миллий ғоя тамойилларининг муштараклиги деб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш орқали озод ва обод Ватанда эркин яшашни таъминлайдиган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга

¹ Қаранг: Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. — Т.: «Ўзбекистон», 2007.— Б. 3.

² Қаранг: Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя.—Т.: Маънавият, 2008.— Б.40-42, Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги.— Т.: «Ўзбекистон».НМИУ, 2011.—34-36.

қаратилган жараёнларда жамият ва давлат томонидан биргаликда қатъий тарзда амал қилинадиган асосий қонун-қоидалар тизимига айтилади. Бу куйидагиларда:

– мустақилликни улуғ немат деб билиш, уни кўз қорачиғидай асраб умрбоқийлигини таъминлашида;

– инсоннинг олий қадрият, барча инсонларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлигининг эътироф этилишида;

– фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, ота-она ва кексаларга нисбатан алоҳида ҳурмат кўрсатилишида;

– инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устунлиги, халқнинг давлат органларига эмас, давлат органларининг халққа хизмат қилишида;

– халқнинг ҳокимият манбаини ташкил этиши, уларнинг бевосита ёки билвосита давлатни бошқариш ишларида иштирок этишида

– заифларни ҳимоя қилиш, аёл зотига чуқур эҳтиром кўрсатиш, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришида;

– ижтимоий адолат тамойилларини фаолият юритишнинг мезони, адолат ва маънавиятни ажралмас тарздаги ҳаёт кузгуси ва ҳаками деб идрок этилишида;

– ислохотларнинг демократия ва ғоявий-мафкуравий мезонлари асосида олиб борилаётганлиги ва шу кабиларда яққол кўзга ташланади.

Юқорида килтирилган фикрлардан ҳам кўриниб турибдики адолатли ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш масаласи одамларнинг қалби ва онгига миллий ғоя ва мафкуранинг қанчалик даражада сингдирилганлиги билан олиб борилаётган демократик ислохотлар даражаси ва суръатлари билан қанчалик муштарак эканлигига боғлиқ.

Миллий ғоя ва мафкуранинг мамлакатимиздаги демократик тараққиётнинг муҳим омили эканлиги Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсадини белгилаш ва уни амалга ошириш жараёнида яққол намоён бўлади.

2-§. Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади. Жамият ривожланишининг замонавий миллий моделлари.

1. Ўзбекистон давлатининг бош стратегик мақсади. Ҳар қандай шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқ, давлат ва жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади ва уни амалга оширишга қаратилган вазифалари бўлади. Шунингдек Ўзбекистон ҳам мустақилликни қўлга киритгач ўз олдига ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни бош стратегик мақсад қилиб қўйди. Демак, бизнинг **бош стратегик мақсадимиз** – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир¹.

2. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти: тушунчаси ва элементлари. Жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий интеграция шароитидан келиб чиққан ҳолда «бозор иқтисодиёти» тушунчасига қуйидаги кенг ва тор маънода таъриф бериш мумкин. *Кенг маънода, бозор иқтисодиёти* – бу товарлар билан пулларнинг ҳаракатини таъминловчи ишлаб чиқариш ва истеъмол, сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар рақобат асосида тартибга солиб туриладиган, иқтисодий эркинликка таянган ҳолда фаолият юритиш орқали жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқарувчи ижтимоий-иқтисодий тизимдир. *Тор маънода эса бозор иқтисодиёти* – бу товарлар билан пулларнинг ҳаракатини таъминловчи ишлаб чиқариш ва истеъмол, сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар асосида жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий неъматларни ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидир. Бозор муносабатларига ўтишнинг инсон тафаккурига таъсири қуйидагилар: 1) одамларнинг ўз мулкига бўлган эгалик тафаккурини ҳар томонлама ривожлантириб хўжайинлик

¹ *Қаранг:* Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – Б.28

туйғусини ошириши; 2) ўзи ва оиласи учун меҳнат қилиб, боқимандаликка хотима бериши; 3) тежамкорона хўжалик юритиш асосида харажатларни камайтириб талон-тарож ва лапашангликка чек қўйиши; 4) илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнги ютуқларини дадил ва ғайрат билан хўжалик юритиш жараёнига жорий этиб, катта даромад топишга ундаши; 5) ҳар бир кишини ўз касб-корининг моҳир устаси бўлишини заруриятга айлантириши кабилар билан белгиланади. Шунинг учун ҳам **И.А.Каримов**: “*Бозорга ўтиши муқаррар. Бу – давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиши услуги ва воситасидир*”¹, – деган эди.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим шаклларида бирини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ташкил этади. **Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти** – бу турли мулкчиликка таянган иқтисодий эркинликка асосланган, соғлом рақобат орқали тартибга солиниб демократик тарзда фаолият юритадиган, кучли ижтимоий ҳимоя қилиш натижасида аҳолининг кескин табақаланиб кетишига йўл қўймайдиган, ҳар бир инсоннинг эҳтиёж ва манфаатларини тўлиқ қондиришга қаратилган, давлат томонидан бошқарилиб туриладиган ижтимоий-иқтисодий тизимдир².

Ўзбекистонга хос бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг энг муҳим элементларини қуйидагилар ташкил этади.

1. Кишиларнинг фаровонлигини оширишни таъминлайдиган пировард натижага эришишга қаратилган ижтимоий йўналиш.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // *Унинг ўзи*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.63.

²Қаранг: *Негматова Ш.Ш.* Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳукукий жиҳатлари:Монография. – Т.: «Фан»,2016.– Б.21.

2. Иқтисодийни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан етарли даражада таъминлаган ҳолда макроиқтисодийни ўстириш ўртасидаги тенг нисбат.

3. Қиймат, талаб ва таклифлар қонунининг амал қилиши асосида барча хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқаришдан энг кўп самара олиш йўлини излашга ундашни таъминловчи бозор механизмидан фойдаланиш асосида иқтисодий бошқариш.

4. Ишлаб чиқаришнинг бевосита давлат томонидан бошқарилишидан узоқлашиш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда, фаолият турини, этиштириладиган маҳсулот ҳажмини ва хилини, ишлаб чиқариш хўжалик алоқалари доирасини аниқлаш эркинлигини товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига бериш.

5. Инвестиция сиёсатининг устувор жиҳатларини танлашда ва чет эл сармоясини жалб этишда мақсадга мувофиқ шартларни жорий этиш, иқтисодий дастаклар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўли билан иқтисодийни бошқаришда давлатнинг фаол ролини сақлаб қолиш.

6. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини — болаларни, нафақадорларни, ногиронларни, талаба ва ўқувчи ёшларни ва бошқаларни ҳимоя қилишга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш¹.

3. Ҳуқуқий демократик давлат ва унинг асосий белгилари. Ҳуқуқий демократик давлат — ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устунлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли// Унинг ўзи. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.305.

ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларнинг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган давлатдир.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг **асосий белгиларига** қуйидагилар киради:

1. *Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги.* Давлат ҳудудида бўлган барча шахслар — ушбу давлат фуқаролари, хорижликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар, мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти идоралари ҳуқуққа бўйсундилар.

2. *Конституция ва қонунларнинг устунлиги.* Конституция ва қонунлар ҳуқуқий нормалар тизимида олий юридик кучга эгадир. Турли хил давлат идоралари чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмаслиги керак.

3. *Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши.* Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан тегишли бўлиб, улар инсондан ажралмасдир. Гап, энг аввало, инсоннинг яшаш, эркинлик, дахлсизлик ва хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида бормоқда. Барча фуқаролар қонун ва мустақил суд олдида тенгдирлар.

4. *Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти.* Давлат қонунларда шахс эркинлигининг меъёрини белгилаб қўяр экан, худди шу чегараларда ўзини ҳам қарор қабул қилишда чеклаб қўяди.

5. *Жамиятда ҳокимиятнинг қонунийлиги (легитимлиги).* Ҳокимият қонуний деб эътироф этилиши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: демократик сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлиши; самарали фаолият юритиб, жамиятда барқарорлик ва қатъий тартибни таъминлаши; ҳам мамлакат ичкарасида, ҳам халқаро миқёсда тан олинishi.

6. *Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши.* Давлат ҳокимияти бир қўлда тўпланиб қолмаслиги учун ҳокимиятнинг учта тармоғини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ажратиб қўйиш керак. Ушбу ҳокимият тармоқларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида амал қилади.

7. *Суднинг мустақиллиги.* Суд давлат ҳокимиятининг бошқа икки тармоғи каби мустақилдир. Бошқача айтганда, суд фаолиятига ҳеч кимнинг аралашшига йўл қўйилмайди.

8. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.* Агар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилса ёки бунга таҳдид мавжуд бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар унга ёрдам беришлари керак, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишлари керак.

9. *Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.* Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи жамиятдаги ҳуқуқий онг даражасидир. Ҳуқуқий онг — ҳуқуққа муносабат, қонун талабларини бажариш зарурлигини англаш даражасини ифодаладиган ҳуқуқий қарашлар йиғиндиси. Ҳуқуқий маданият амалдаги қонунларни билиш, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва ҳуқуқий қоидаларга риоя этишда намоён бўлади.

10. *Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.* Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолатланиши, халқ давлат бошқарувида доимо иштирок этиши, ривожланган фуқаролик жамиятш шаклланиши ва маълум бир муҳолафатнинг бўлиши зарур¹.

Ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этишдаги энг устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида **Ш.М.Мирзиёев:** *«Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир. Қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри таъкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборат. Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш,*

¹ *Қаранг:* Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.19-20.

фуқароларни қонунга ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало бўгиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур¹, – деган эди.

Умуман олганда ҳуқуқий демократик давлатнинг *иқтисодий илдишларини* хилма хил мулкчилик, уларнинг дахлсизлиги; *ижтимоий заминларини* фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш, кишиларнинг ўз қобилиятларини эркин намоён қилишлари, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши, фикрлар хилма-хиллиги; *ахлоқий асосларини* эса инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги, инсонпарварлик ва адолат принципларининг ҳар томонлама қарор топганлиги ш.к. ташкил қилади. Шундай қилиб ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамиятининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи асосий таянч нуқталардан бири ҳисобланади.

4. Фуқаролик жамияти ва унинг асосий белги ва хусусиятлари.

Кишилик жамияти узоқ давом этган эволюцион ривожланишлардан сўнг онг ва ирода қобилиятига эга бўлган индивидларнинг уюшмаси сифатида пайдо бўлган оламшумул феноменлардан бири ҳисобланади. Хўш, шундай экан аслида жамиятнинг ўзи нима, деган савол туғилади.

Жамият – бу кишиларнинг манфаатларини ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида, уларнинг ўзаро бирлашуви ва кишилар ўртасидаги иқтисодий, ахлоқий, маънавий ҳамда бошқа ижтимоий муносабатлари йиғиндисидан ташкил топган мажмуасидир.

Ҳар қандай кишилик жамиятининг тараққиётига таъсир қилувчи: иқтисодий куч - бунга жамиятдаги ишлаб чиқариш куроллари, ишлаб чиқариш кучлари ва

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// *Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.105-107.

ишлаб чиқариш муносабатлар; сиёсий куч - жамиятдаш сиёсий, ҳуқуқий, маънавий асослар ва қарашлар мавжуддир.

Жамиятнинг субъекти бўлиб фуқаролар, миллатлар, элатлар, синфлар, гуруҳлар табақалар қатнашади. Унда биологак қонунлар эмас, ижтимоий қонунлар ҳаракат қилади ва қуйидага учта назарий хулоса келиб чиқади: *биринчидан*, кишилиқ жамияти турли ижтимоий иқтисодий босқичларга бўлинади. *Иккинчидан*, ижтимоий турмуш иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади. *Учинчидан*, ижтимоий муносабатнинг субъектлари шахс, оила, миллат, элат, синф ва турли табақалардир.

Кишилиқ жамияти ривожланиш тарихининг XX асрдаги буюқ кашфиёти –бу фуқаролик жамияти қуриш бўлди. Бундан олдинги тарихий тузумларда инсон, яъни жамият аъзоларининг манфаатлари фуқаролик жамиятидаги каби ифодаланмаган. Чунки фуқароларнинг асосий манфаатлари бу эркин, озод яшаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган бўлиб, унда жаҳондага барча давлатлар қайси ижтимоий тузумда яшашидан қатъий назар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштиришда тенг ҳуқуқли эканлига қайд қилинган. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Италия сингари тараққий этган мамлакатлар ривожининг асосий сабаблари ҳам улардаги тузумнинг чуқур демократиялашганлиги, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг барпо этилишидадир.

Барча жамиятларни ҳам фуқаролик жамияти деб бўлмайди. Бунинг ўзига хос бўлган сабаблари ҳақида И.А.Каримов: *«Маърифатли дунёда “фуқаролар давлати” деб гапирилмайди. “Фуқаролар жамияти” дейилади. Давлат – бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат*

ташкilotлари тизимига киради. Жамоат ташкilotлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз – бир киши ёки жамоат ташкilotларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти куришдан иборат”¹, – деган эди.

Демак, давлат, ҳуқуқ ва жамият ўзаро боғлиқ. Улар орасида жамият кенгрок тушунча бўлиб, унинг ривожланиши билан давлат пайдо бўлади. Давлатнинг сиёсий ҳукмронлигини амалга ошириш учун эса барча давлат ва жамият аъзолари учун мажбурий бўлган ҳуқуқ пайдо бўлади. Мамлакатда ижтимоий - сиёсий муносабатлар нақадар юксак бўлса, жамият ва давлатнинг вазифалари ҳам аниқ аралашувисиз ҳал қилади. Шу маънода И.А.Каримов: *“Демократик жамият - бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни - шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди,”²* – деб кўрсатган эди.

Ўзбек халқининг жаҳон маданиятига беқиёс ҳисса кўшган Абу Наср Форобий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк алломалари ва мутафаккирлари ҳам фуқаролар жамияти халқ манфаатини ифодалашади ҳақида ўз асарларида назарий жиҳатдан ижтимоий таълимот яратганлар. Уларнинг барча фикрларини умумлаштирган ҳолда фуқаролик жамияти тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Фуқаролик жамияти – бу инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган, унинг манфаатлари устуворлиги, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик муҳити шаклланган, умуминсоний

¹ Каримов И.А. Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик // Унинг ўзи. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.80.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. // Унинг ўзи. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т.3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.362-363.

кадриятларни эъзозлаш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз амалга ошиши кафолатланган, жамоатчилик назоратида самарали фаолият кўрсатаётган демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, юксак маънавий-маданий кадриятларга асосланган инсоний муносабатлар ҳукмронлик қилувчи адолатли, эркин ижтимоий макондир.

Фуқаролик жамиятининг асосий белги ва хусусиятлари куйидагилардан иборат:

– жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

– жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

– хусусий мулк барча мулк шакллари қатори равнақ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;

– фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бир хил мақомга эгаллиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши;

– шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

– шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкӣ ва иқтисодий мустақиллиги;

– давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши. Фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

– фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;

– жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс қадрини эъозлаш асосига қурилганлиги¹;

– жамият ҳаётининг барча соҳаларида соғлом рақобатнинг амал қилиши.

Давлат, ҳуқуқ ва жамият муайян алоқадорликдадир. «Жамият» — нисбатан кенг тушунча. Давлат унинг ичида мавжуд бўлади. Давлат ҳуқуқни келтириб чиқаради, аммо ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йўналтиради. Жамият давлат ва ҳуқуқ таъсирида у ёки бу томонга ўзгаради. Ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлиб, давлат учун ҳам, жамият аъзолари учун ҳам муҳимдир.

Давлат ва жамият ўзаро алоқадор, аммо тенг аҳамиятли эмас. Давлат билан жамият айнан бир нарса эмас. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик мукамал бўлса, жамият ва давлатнинг функциялари (вазифалари) шунчалик аниқ ажралиб туради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат уйғун муносабатга эга. Жамият ўзининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамсиз (ва аралашувисиз) ҳал қилади. Ҳуқуқий давлат жамиятнинг ўзи эплайдиган масалаларда фуқаролик жамияти (ва унинг айрим аъзолари)га васийлик қилиши шарт эмас. Фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсатига, ундаги ҳуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

Фуқаролик жамияти давлатнинг фуқаролари, уларнинг ихтиёрий равишда бирлашган гуруҳ, жамоа ва ташкилотлари, яъни ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ, юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган кишилардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг бевосита ўзлари, уларнинг жамоалари орқали онгли равишда бошқариб туриладиган ва қатъий тартиб- интизом қарор топган жамиятдир.

¹ Қаранг: Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.:«Шарк», 2002. – Б.171–175.

Бундай жамият бошқа жамиятлардан ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши ва бошқариб туриши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Унда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари кенг жамоатчилик назоратида бўлади, чунки давлат фуқаролар жамиятининг «ёлланма хизматкори»га айланади.

Шундай қилиб Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожланишдан иборат экан, уни амалга оширишдаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат

5. Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсадини амалга оширишга қаратилган устувор вазифалар. Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсадини амалга оширишга қаратилган тактик вазифалар қуйидагилардан иборат.

Сиёсий соҳада:

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг асосий йўналишидир.

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш.

Бу жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиб яшаш тамойилини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш.

Иккинчидан, жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик тамойилини қарор топтириш.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимият тизимлари бўли-нишининг конституциявий тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни вужудга келтириш.

Бу – мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучларнинг субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан ишни фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра, жамиятнинг олға силжишига халақит бераётган иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган самарали тизимни шакллантириш демакдир.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеини оширишни кўзда тутадиган **“Кучли давлатдан — кучли жамият сари”** концепциясини ҳаётга жорий қилиш.

Бу – одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши демакдир.

Бешинчидан, давлатнинг ислохотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, ошши, заминимизга садоқатли ёш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш.

Бу – ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган, одамларнинг тафаккури ва дунёқараши ўзгаришини тақозо этадиган, одатда субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби кўп-кўп иллатларни

бартараф этиш, жамиятни тубдан янгилашни талаб қиладиган мураккаб жараёндир.

Иқтисодий соҳада:

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш – бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир.

Биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш.

Бу – хусусий бизнесга, умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, институционал ўзгаришлар, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, ривожланган бозор инфратузилмасини барпо этиш, рақобат муҳитини шакллантиришга асосий эътибор қаратиш демакдир.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга тармоқларнинг асосини ташкил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш.

Бу – хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ортиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятда мулкдорларнинг кўпчилиكنи ташкил этишига эришиш орқали ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш демакдир.

Учинчидан, иқтисодиётга хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш.

Бу – салоҳиятли хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиш, улар билан бирга замонавий, халқимиз эҳтиёжига мос, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш демакдир.

Тўртинчидан, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иш- тирок этиши, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини янада кучайтириш.

Бу – Ватанимизнинг дунё бозоридаги ўрни ва нуфузини, фуқароларимизнинг ўз юрти иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан фахрланиш туйғусини юксалтириш демакдир.

Бешинчидан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Бу – бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, иқтисодиётда мукаммал технологик жараённи ўз ичига оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи ўрин тутишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш, қишлоқда янги иш ўринларини яратиш демакдир.

Ижтимоий соҳада:

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги ша- роитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолаверади.

Биринчидан, халқ моддий фаровонлигини босқичма-босқич ва изчил ошириб боришни таъминлаш, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтож қатламлари – болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни

ижтимоий муҳофазалашнинг аниқ йўналтирилган механизмини янада такомиллаштириш.

Иккинчидан, халқимиз учун муқаддас қўрғон, маънавият бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигини янада самарали кафолатловчи давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.

Тўртинчидан, келажаги буюк давлатни соғлом мафкуралари, маънавий баркамол авлод барпо эта олишини назарда тутиб, қонун инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида кучайтириб бориш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш.

Маънавий соҳада:

Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзликимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифаларимиздир.

Биринчидан, юртдошларимизни маънавий янгилаш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш. Уларнинг куч ва салоҳиятларини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириш.

Бу – маънавиятнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириш демакдир.

Иккинчидан, турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаш- тирувчи ғоя –

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги – барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш.

Бу – кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига амалда риоя қилган ҳолда, миллий ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш демакдир.

Учинчидан, ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш. Токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси, мухтасар айтганда, Аллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда экани юртдошларимиз онгига сингиб борсин.

Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг *“Дилинг –Аллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин”* деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади.

Тўртинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллаш- тириб бориш.

Бу – давлатимиз қудрати, мамлакатимиз келажаги билимли, доно ва маънавий баркамол кадрларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда фаолият юритиш демакдир.

Бешинчидан, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш.

Бу – кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида, уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш, “Шу азиз Ватан – барчамизники” ғоясининг амалга ошишини таъминлаш демакдир¹.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.– Б.29-36.

6. Жамият ривожланишининг замонавий миллий моделлари. Бундай улкан вазифани бажаришдан олдин жаҳонда мавжуд бўлган иқтисодий ривожланиш моделларини ўрганиш зарур эди. Маълумки, жаҳонда миллий тараққиёт моделлари кўп бўлиб, уларни асосан Европа ва Осиё тараққиёт моделларига ажратиш мумкин. Бу моделлар шу қатъада яшаётган туб аҳолисининг номи билан аталади. Бунда Европа мамлакатлари иқтисодий тараққиёт моделлари туркумига: немис, британ, француз, швед; Осиё мамлакатлари иқтисодий тараққиёт моделлари гуруҳига: япон, корейс, ҳинд, хитой моделлари киради.

Бунда, *немис модели* ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, *британ модели* иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга, *француз модели* давлат тадбиркорлигига, *швед модели* ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлаш устуворлигига асосланган ҳолда иқтисодий фаолият олиб боришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Осиё мамлакатларидаги *япон модели* иқтисодиётни японча ҳаёт тарзи анъаналарига мувофиқ “**оила+ жамоа**”ни уйғунлаштириш асосида жамиятни ижтимоий ташкил этиш, *корейс модели* инвестицияларни жалб этиш; *ҳинд модели* корхоналарнинг инновацион фаоллиги; *хитой модели* индустриаллаштириш, шаҳарлаштириш, маркетинглаш ва байналмиллашув, шунингдек, иқтисодиёт, сиёсат, маданият, жамият ва экология синтезига асосланади¹. Ушбу моделларнинг ишлаш механизмлари, улар келтириб чиқарадиган натижалар тўлиқ ўрганиб чиқилгандан сўнг, улардан нусха кўчирилмасдан, ўзбек халқининг манфаатларига мос келадиган ва уларни порлоқ келажак учун бошлаб борадиган тараққиётнинг янги “**ўзбек модели**” буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов томонидан 1992 йилда ёзилган “*Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли*” номли китоби ва кейинги

¹ Қаранг: Тўхлиев Н. Ўзбек модели: тараққиёт тамойиллари. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2014. –Б.68.

асарларида илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилди.

2. Тараққиётнинг ўзбек модели ва унинг асосий тамойиллари. Ўзбек моделининг *асосий мақсади* бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамиятни барпо этишдан иборат бўлса, *асосий вазифалари* эса иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришлар ва ислоҳотларни амалга ошириш, халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, комил инсонларни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Ўзбек моделининг *моҳияти-мазмунини* миллати, тили ва динидан қатъи назар, давлатимизда яшовчи барча кишилар учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш бериш, ҳар бир инсон учун ижтимоий қафолатланган турмуш даражасини ва эркинликларини таъминлаш, халқимизнинг қадриятлари ва менталитетига, миллий давлатчилик анъаналарига таяниш, дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асосланиш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш масалалари ташкил этади.

Ўзбек моделининг асосий тамойилларини қуйидагилар ташкил қилади:

Биринчи тамойил. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан холи бўлиши лозим.

Иккинчи тамойил. Давлат — бош ислоҳотчи. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини иш-лаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча собилан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчи тамойил. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш¹.

3. Ўзбек моделининг кишилар тафаккурини янгилашда тутган ўрни ва роли. Жамиятни ривожлантириш борасида ҳар бир янгидан яратилган модел ўзининг амал қилиш тамойилларига кўра кишиларнинг онги ва тафаккурига ўзининг таъсирини ўтказади. Ҳудди шу маънода ўзбек моделининг **кишилар тафаккурини янгилашда тутган ўрни ва роли** қуйидагилар:

биринчидан, одамларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, мустақилликнинг улуғ саодат эканлигига ишончини мустаҳкамлаганлиги;

иккинчидан, иқтисодий эркинлик – шахс, оила, меҳнат жамоаси, ижодий гуруҳларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини кучайтириб халқ фаровонлигини ошираётганлиги;

учинчидан, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаб, унинг мавқеини кучайтираётганлиги;

тўртинчидан, аҳолининг ночор қатламлари, болалар, талабаларнинг ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватланаётганлиги;

бешинчидан, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириб, комил инсонларни вояга етказишга хизмат қилаётганлиги;

олтинчидан, жаҳонда ўзбек деган халқнинг борлигини ҳар томонлама намоён қилаётганлиги ва бошқалар билан ифодаланади.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.– Б.36-37.

Шунинг учун ҳам бу моделнинг ўзбек халқи ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш.М.Мирзиёев**: *«Давлатимиз раҳбари асослаб берган, дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели», «Ислом Каримов модели» деб тан олинган стратегик йўлнинг моҳияти ва аҳамиятини, унинг вақт ўтган сари юзага чиқаётган потенциал имкониятларини ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этамиз»¹*, – деган эди.

¹*Мирзиёев Ш.М.* Саҳро бағрида мўжизалар яратаётган эл // *Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б.373.

VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

1-§. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади ва унинг жамиятни янги босқичга кўтаришдаги илмий-амалий аҳамияти

1. «Ўзбек модели» ғоясининг жамият тараққиётидаги тарихий ўрни ва унинг методологик аҳамияти. Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллик меъмори И.А. Каримов томонидан тараққиётнинг янги йўналиши сифатида ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг назарий-амалий пойдевори бўлиб хизмат қилаётган «ўзбек модели» нинг ҳосиласи десак хато қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш.М.Мирзиёев** Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллик меъмори, буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А. Каримовнинг ўзбек халқи олдидаги тарихий хизматларига баҳо берар экан ўзининг нутқ ва маърузаларида: *«Биринчи Президентимиз И.А.Каримов биз учун янги ҳаёт, янги жамият асосчиси, мустақил Ўзбекистон бунёдкори сифатида тарихимизда мангу қолади, юксак ибрат намунаси бўлиб халқимиз қалбида абадий яшайди. Албатта, Ислом Абдуганиевичнинг сиёсий меросини қанча кўп ўргансак, унинг қандай улкан хазина эканини янада чуқурроқ англаймиз. Биз бу ибрат мактабига, унинг*

сабоқларига қаерда, қайси лавозимда бўлмайлик, доимо мурожаат қиламиз ва ундан ўзимизга ҳаётий дастур, қўлланма бўладиган янги-янги фикр ва гоялар топамиз. Шахсан мен улуғ Юртбошимиз асос солган, дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт йўлини, у киши раҳбарлигида амалга оширилган барча-барча эзгу ишларни давом эттиришни ўзимнинг муқаддас бурчим ва вазифам деб биламан¹. Биз тараққиётнинг ўзбек моделига асосланган йўлни қатъий давом эттириб, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, жаҳон майдонида унинг рақобатдошлигини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган ишларни янги босқичга кўтарамиз².

Азиз Ислон Абдуғаниевичнинг сиёсий мероси, давлат ва жамият қурилиши бўйича келажакни олдиндан кўриб ишлаб чиққан стратегик гоялари, белгилаб берган мақсад ва вазифалари бизнинг фаолиятимиз учун бундан буён ҳам асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Халқ манфаати, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи учун улуғ Йўлбошчимиз каби бор куч ва салоҳиятим, бутун борлигимни сафарбар этишни мен ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан³», – деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг чин юрагидан отилиб чиққан ушбу пурмаъно сўз ва доно фикрлари ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, баркамол авлодларимизнинг буюк аждодларимизга, ақли роса фазандларимизнинг мўтабар ота-оналаримизга, дили тоза набираларимизнинг мутафаккир бобоколонларига бўлган ўзбекона эҳтиромининг ёрқин намунаси бўлиб, ҳар биримизни аждодлар ворисийлигининг маърифий-маънавий

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.41-42.

² **Мирзиёев Ш.М.** Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.20.

³ **Мирзиёев Ш.М.** Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.109-110.

тамойилларига мос равишда, одилона иш юритиб, ҳалол ризқ топиб, озод ва обод она-Ватанимиз Ўзбекистонда тинч ва осуда, серфайз, мазмундор ҳаёт кечиришга чорлайди.

Ўзбек халқи мустақиллик йилларида тинимсиз меҳнат қилиб мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Бироқ, ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги ҳамда жаҳонда юз бераётган турли хил жараёнлар эришган ютуқларимиздан эсанкираб қолиш ҳуқуқини ҳеч кимга бермайди. Балки, аксинча, эришган марраларни, йўл қўйилган камчилликларни мунтазам равишда таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакда қилинадиган ишларни пухта ўйланган режалар асосида олиб боришни талаб қилади. Чунки, ҳаёт доимо ўзгариш ва ривожланишдадир. Бу яшаш учун курашдир. Бу ҳаёт фалсафаси, унинг зиддиятларга тўла бўлган томонларини диалектик тафаккур юритиш асосида ечиш демакдир.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати. Мамлакатимизда «халқ ҳокимият манбаини ташкил этади», «инсон манфаатининг ҳар нарсадан улуғ», «ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун», «халқ бой бўлса, далаат ҳам бой ва қудратли бўлади», «халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилишлари керак», «энг катта бойлик – инсонларнинг саломатлиги», «халққа тинчлик ва омонлик керак», «қонун ва адолат – устувор, жиноятга – жазо муқаррар» деган ғояларни ўзида мужассамлаштирган ҳаётий тамойилларга қанчалик даражада амал қилинаётганлигини танқидий таҳлил қилиш асосида танлаган йўлимиздаги ривожланишимизни янги босқичга кўтаришни ҳаётнинг ўзи зарурият сифатида кун тартибига қўймоқда.

Танқидий таҳлил натижалари, мамлакатимизнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатларнинг объектив ва субъектив сабабларига қуйидагиларни:

1) одамларнинг ўз касби ва қизиқишига мос келувчи иш жойларининг етарлича яратилмаганлиги, яъни ишсизликнинг тугатилмаганлиги;

2) одамларнинг яхши яшашлари, самарали меҳнат қилишлари учун барча қулайликларга эга бўлган ўй-жойлар, тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви, газ ва электр энергиясиси билан таъминланмаганлиги ва бошқа маданий-маиший шарт-шароитларнинг тўлиқ қониқарли даражада яратилмаганлиги;

3) инсон саломатлигини сақлаш учун етарлича шарт-шароитлар: доридармонларнинг ҳаддан ташқари қиммат нархларда сотилиши, тез ёрдам соҳаси ходимларининг етарли даражада фаолият юритмаслиги, жойларда малакали шифокор мутахассисларнинг етишмаслиги, тамагирликнинг авжга чиқиши;

4) ҳар бир инсоннинг табиий яшаш ва шахсий ҳуқуқ ва бурчларини оғишмай бажариши, уларни бузувчиларга нисбатан муросасиз кураш олиб бориш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва уларнинг ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларини суниестемол қилиши, ғайриқонуний ишлар содир этиши, айниқса адолат мезонлари атайлаб бузиш ҳолатларининг мавжудлиги;

5) саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, ахборот технологиялари каби соҳаларда ишларни ташкил этиш борасида мутасаддилар томонидан белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажармаслик, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйиш, амал сеҳрига берилиб оёғининг ердан узилиши, оддий одамларни менсимаслик каби ҳолатларнинг одатий тусга кириб қолиши;

6) илм-фанни ривожлантиришда ҳақиқий олимнинг ижодий меҳнатини кадрламаслик, ўзини ҳаммуаллиф сифатида тикиштириш, жонкуяр ташкилотчи олимлар устидан ҳар хил иғволарни уюштириш, таълим муассасаларида таълим-тарбия бериш ўрнига, юзсизларча тамагирлик қилиш;

7) ўзининг бебурдлигини яшириш мақсадида давлат раҳбаридан ёки ўзининг бошлиғидан «худо ясаб» унинг олдида тилёғламачилик қилиш, лаганбардорлик билан шуғулланиш, орқасидан эса «тош отиш»;

8) ўзини боқаётган халқнинг нонини еб дардига кулоқ солмаслик, унинг тузлиғига тупуриш, оддий деҳқон ёки ишчи, хизматчини менсимаслик, энг ёмони сотқинлик йўлига кириб, пинҳона тарзда, кўз бўямачилик билан халқ бойлиги ўзлаштириб – «ювиб» олиш, кези келганда эса унинг «яловбардор»ига айланиши;

9) айрим мутасаддиларнинг бойлик ва амал сеҳрига берилиб, коррупция балосига гирифтор бўлганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Мана шундай хато ва камчилликларни ўз вақтида жойида бартараф этмасдан туриб, мамлакатимизни янги сифатий тараққиёт босқичига олиб чиқиш мумкин эмас. Бу эса ўз навбатида олдимизга босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолаш, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифаси қўйди.

Мазкур вазифани амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий суҳбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

Келиб тушган таклифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида **«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича**

Ҳаракатлар стратегияси» ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этишга киришилди.

3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади. «Ўзбек модели»нинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан *2017 йил 7 февралда « Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармон қабул қилинди.*

Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан кенг жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш асосида ўзбек халқининг миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтаришдан иборат.

4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакат миллий тараққиёти учун илмий-амалий аҳамияти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгилаб берилган бўлиб, унда белгиланган ҳар бир устувор йўналиш мамлакатимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилади.

Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асносида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади. Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ ғоялар илгари сурилади. Очик жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва натижада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, айти пайтда халқ ўз мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши каби принцип ва қоидаларни тўлиқ амалга ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Иккинчи йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан иборат. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди.

Мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган барча қонунларнинг тўла ва самарали ишлаши бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилади. Олий суд фаолиятини ислоҳ қилиш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида ишлайдиган тизимини вужудга келтириш борасида янги ғоялар илгари сурилди. Жумладан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, халқчил, фуқаролар манфаатларини тўла ҳимоя қила оладиган, уларнинг

муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш, энг муҳими, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилмаслиги чораларини кўриш, профилактика тизимини янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш, суд- ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, қонунга риоя қилиш ва қонун устуворлигига эришиш орқали суд ва судловнинг юксак маданиятига эришиш йўл-йўриқлари аниқ-равшан акс эттирилади.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали суд-ҳуқуқ органларини «жазоловчи органдан фуқаролар манфаатини ҳимоя қиладиган, уларнинг кундалик юмушларига ёрдам берадиган, ҳар қандай муаммоларини қонун доирасида ҳал қилиб берадиган хизматлар органига айлантириш» (Ислом Каримов) механизмнинг юқори савияда ишлашини таъминлаш бўйича амалий ечим ва таклифлар илгари сурилади.

Учинчи йўналиш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкка эгаллик қилиш ва унинг ҳажмини ошириш орқали юқори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада

ривожлантириш, уни рағбатлантириш мўлжалланмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарларни уларнинг табиий-географик имкониятлари, ер шароити ва деҳқончилик маданиятини назарда тутган ҳолда, ҳудудий эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш белгиланган.

Тўртинчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Бунда аҳоли бандлиги ва унинг реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат фаолиятининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, ҳаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни модернизация қилиш орқали узоқ истиқболга мўлжалланган ва муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон - юқори малакали мутахассисни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Бешинчи йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташиқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар билан боғлиқ бўлиб, бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўндан ортиқ диний

конфессиялар, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқод ва маданиятларни ҳурмат қилиш сингари бағрикенглик фазилатларини янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланади. Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32,5 миллионли оиламиз истиқболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро масъул эканини англаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат олиб бориш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Айтиш мумкинки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтган тарихий йиллар давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги кунда даврнинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб масалаларни ҳисобга олиб, кейинги беш йил ва ундан кейинги даврга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги уфқларини очиб беришга қаратилган бўлиб, у ўзининг моҳият эътибори билан Ўзбекистонни янги ривожланиш босқичига кўтаришни таъминлайдиган стратегик дастурдир¹.

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.– Т.: «Маънавият», 2017. – Б.6-8.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгилашларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлим ва уларни амалга оширишга қаратилган вазифалардан¹ иборат бўлиб, уларни амалда бажариш эса Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди².

2-§. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишга қаратилган асосий вазифалар

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та:

- 1) давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
- 2) қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
- 3) иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
- 4) ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- 5) хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишдан иборат бўлган устувор йўналишлар ва уларни амалга оширишга оид аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Булар қуйидагилардан иборат.

¹ Вазифалар кейинги параграфда кўрсатилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: «Адолат», 2017. – Б. 29-37.

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиш ва уларни амалга оширишга қаратилган вазифалар

1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

– давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

– қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

– сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:

– давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

– мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда

конуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш;

– «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

- халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;
- фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;
- маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;
- оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш¹.

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

- судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-ИЛОВА

- суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;
- «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;
- судларни янада ихтисослаштириш, суд апаратини мустаҳкамлаш;
- судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

- фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш;
- суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;
- фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;
- фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш;
- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

- жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш;

– одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш;

– жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;

– электрон тартибда суд ва ижро ишини юрителининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

– жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

– диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

– коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

– аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш;

– суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

– давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

– адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш;

– нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш¹.

III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

– макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

– харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 2-ИЛОВА

бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

– солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

– илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

– банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

– суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

– халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

– миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

– ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

– юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

– иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

– принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

– ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

– иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган

энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

– фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

– хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

– туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

– экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

– йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

– таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

– пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

– фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

– суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

– касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

– глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш:

– хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

– давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

– корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

– тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

– мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий

шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

– янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

– саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

– саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида

худудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш¹.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

– аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фаркланиш даражасини янада камайтириш;

– бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

– янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

– аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 3-ИЛОВА

– аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

– оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

– хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

– пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

– фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

– аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

– аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

– одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;

– аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

– йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

– янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-

энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

– узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

– таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

– мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

– умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

– болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти

объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

– касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

– таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

– илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

– жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

– ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

– ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

– ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

– ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш¹.

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

– Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, худудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

– фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

– давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;

– атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

– фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

– давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 4-ИЛОВА

ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш;

– Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

– давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси»** – бу биринчидан, ҳаёт талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган, мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатилган; *иккинчидан*, бажарилиши қатъий режа асосида тузилган, масъуллари белгиланган; *учинчидан*, бажарилиши моддий ва маънавий жиҳатдан таъминланган; *тўртинчидан*, бутун маъно-мазмунни ўзбек халқининг эҳтиёж ва манфаатларини тўла қондиришга қаратилган; *бешинчидан*, адолатпарварлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда ватанпарварлик ғоялари руҳи билан суғорилган жаҳонда камдан – кам учрайдиган миллий аҳамиятга молик бўлган дастурдир. Уни бажариш эса яхши яшашга интилаётган барча одамларнинг вазифасидир. Зеро, эркин ва ижодий, ташаббус ва тадбиркорлик билан қилинган самарали меҳнат – мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг руҳий куч-қуввати, жони, маънавий-ғоявий-мафкуравий иродасидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 5-ИЛОВА

Бу хусусда 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида **Ш.М.Мирзиёев айтганидек: «Стратегия – бу янгилашни жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир».** Бу стратегияни амалга оширишнинг аниқ-равшан фалсафий тамойилини «инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», «халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», «танқидий таҳлил, қатъий-тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак», ғоявий-мафкуравий заминини эса «халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган мантикий мазмунга бой бўлган фикрлар ташкил қилади. Демак, бу стратегия ХХ1 асрнинг биринчи ярмида қисқа муддат ичида ўзбек халқининг ҳаётида туб бурилиш ясаб, янги бир даврни бошлаб беради ва бунёдкор ғоянинг амалдаги бир ифодаси сифатида унинг шонли тарихидан абадий жой олади.

VII БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА ҒОЯВИЙ- МАФКУРАВИЙ КУРАШЛАР

1-§. Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кечиш ва ривожланиш тенденциялари

I. Глобаллашув тушунчаси, манбаи, белги ва хусусиятлари

1. Глобаллашув тушунчаси. Глобаллашув масаласини бугунги кунда барча мамлакатлардаги олимлар, сиёсатчилар, журналистлар ва тадбиркорлар муҳокама қилмоқдалар. Уларнинг барчаси мазкур феноменни дунё халқлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳаётининг ўзига хос бўлган замонавий ҳолати, уларда кечаётган ички ва ташқи жараён ҳамда уларнинг умумпланетар тарзда ривожланиш тенденцияси сифатида талқин этмоқдалар. Умуман олганда *“глобаллашув”* тушунчаси французча *global* – умумий ва латинча *globus* – шар сўзларидан олинган бўлиб, биринчидан, Ер юзига оид, бутун Ер шарини қамраб олувчи; иккинчидан эса умумбашарий, кенг миқёсдаги; жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик, деган маъноларни англатади. «Глобаллашув» атамаси 1981-1983 йилларда америкалик социолог Дж.Маклин, америкалик тадқиқотчи Т.Левитт, англиялик олим Р.Робертсонлар томонидан ёзилган мақола ва китобларда ишлатилган¹.

Глобаллашув фалсафий маънода – бу жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, янги сифатий бирлашуви натижасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тез суръатлар билан бир мамлакат доирасидан чиқиб, умумпланетар миқёсга эга бўлишидир.

Глобаллашувни жараён сифатида онтологик жиҳатдан учта: *биринчидан, табиат борлиғида*(иқлимнинг ўзгариши, ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар

¹ Қаранг: Буянов В.С. Сущность глобализации //Глобализация: Учебник – М.: Изд-во РАГС, 2008. –С.17-18.

оламининг камайиб кетиши,табiiй бойлик захираларининг тугаб бориши ва бошқалар);*иккинчидан*, **ижтимоий табiiй борлиқда** (энергетик, экологик, демографик ва бошққалар); *учинчидан*, **ижтимоий ёки кишилик жамиятининг тараққий этишида** (техника ва технологияларнинг ривожланиши, мегаполисларнинг кўпайиши, иқтисодий ҳаёт даражасининг кескин табақаланиб бориши ва бошқалар) содир бўлаётган гуруҳларга ажратиш мумкин. Глобаллашувни **маконда** содир бўлишига кўра планетар ва регионал, **замонда** юз беришига қараб доимий, узок муддатли ва қиска муддатли турларга ажратиш мумкин.

2. Глобаллашув жараёнларининг манбаи ва асосий белгилари.
Глобаллашув жараёнларининг манбаи деб, *уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўладиган омилларга айтилади.*

Бундай асос-омиллар жумласига: *биринчидан*, ахборот коммуникация технологиялари соҳасида юз бераётган туб сифатий ўзгаришлар; *иккинчидан*, давлатларнинг инвестиция соҳасида олиб бораётган янгича сиёсати; *учинчидан*, инновацион таълимнинг қамровлилик даражасининг ўсиб бориши; *тўртинчидан*, жаҳонда дунёвий тартибнинг ўзгариши натижасида мавжуд борлиққа нисбатан янгича дунёқарашнинг вужудга келиши ва шу кабилар киради..

Глобаллашувнинг умум эътироф этилган қуйидаги **асосий белгилари** мавжуд:
а) халқаро савдонинг кенгайиши ва эркинлашиши; б) халқаро капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши; в) электрон коммуникация инқилоби натижасида молиявий муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришлар; г) трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиши, халқаро молиявий ва иқтисодий институтларнинг ташкил топиши ва бошқалар.

Жаҳон миқёсидаги бундай умумий тараққиёт: *биринчидан*, одамлар дунёқараши ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатлар ривожуи одамзот ҳаётига таъсирни кучайтиради; *иккинчидан*, давлатлар ва

халқлар ўртасида бирлашишга интилишни кучайтирсада, айна вақтда миллий хусусиятлар, анъаналар ва маънавий меросни сақлаб қолиш орқали мустақил сиёсий тамойилларни ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам кўрсатиб берди¹.

3. Глобаллашув жараёнининг хусусиятлари. Глобаллашув жараёнларига хос бўлган баъзи *бир хусусиятлар* қуйидагилардан иборат:

1) инсон ҳаётининг барча жабҳалари бўйича халқлар ва мамлакатларнинг бир-бирларига боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлигининг ўсиб бориши;

2) бозорларнинг планетар миқёсда кенгайиши натижасида умумжаҳон молия-иқтисодий маконининг пайдо бўлиши, алоҳида иқтисодий тизимларнинг глобал иқтисодиётга қўшилиб кетиши ва янги иқтисодий тартибнинг вужудга келиши;

3) ахборот соҳасида янги компьютер ва медиатеchnологиялар, глобал телевидения, интернетнинг кенг кўламда ишлатилиши асосида бутун жаҳон алоқа-мулоқот тармоғининг пайдо бўлиши;

4) объектив мазмундаги демократия ва турли хил ғоявий-мафкуравий жараёнлардан субъектив мақсадларда фойдаланишнинг кучайиши ва бошқалар.

XXI асрга келиб инсоният ўзининг ҳаёт шароитини янада яхшилаш учун табиат, жамият, инсон тафаккури сир-асрорлари қонунларини янада чуқурроқ ўрганиш орқали буюк кашфиётларни амалга оширишга киришдилар. Буларга энг орзон ва қулай энергия манбаини топиш борасида қилинаётган кашфиётлар, масалан, ер қобиғи иссиқлигидан (“геотермал” бунда “гео” – ер, “термал” – иссиқлик), одам танасининг доимий тебранма ҳаракатланишидан ҳосил бўлувчи иссиқлик энергиясидан фойдаланишни йўлга қўйиш учун ишлаб чиқилган “энергетик костюм”, одамларнинг йўлакларда юришидан ҳосил бўладиган “йўл-йўлак энергияси” ҳамда “водород ёнилғиси”, кишиларнинг ўсиб бораётган озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган “трансген маҳсулотлар”, ичимлик суви муаммосини ечишга бағишланган “тегирмон суви”,

¹ Қаранг: Назаров Қ. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.–Б.677-678.

компьютерлаштиришга асосланган “ақлли уй”, “ақлли шаҳар”, яшаш жойига бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган “гидрополислар” (сув ости шаҳарлари), “сузиб юривчи шаҳарлар”, “сеҳрли мўжизакор нур” (лазер), супер ақлли роботлар, шунингдек, узоқ яшаш бўйича олиб борилаётган “генмуҳандислиги” борасидаги бир қатор “кўз кўриб, кулоқ эшитмаган” илмий тадқиқот ишларини киритиш мумкин.

II. Глобаллашув жараёнларинг йўналишлари ва ривожланиш тенденциялари

Глобаллашув жараёнларининг сиёсий, ижтимоий, маданий ва илмий жабҳаларга ўтказётган таъсирини ўрганиш орқали, унинг миллий ғоямизга ўтказётган таъсирларини қуйидагиларда кўриш мумкин.

1. Иқтисодийнинг глобаллашуви. Иқтисодийнинг глобаллашуви деб ишлаб чиқариш, савдо ва банк фаолиятининг транснационлашуви туфайли мамлакатларнинг иқтисодий ҳаётида тез суръатлар билан кечаётган жараёнлар силсиласигига айтилади. Иқтисодий глобаллашув ўз навбатида маънавий-мафкуравий масалаларни ҳал қилишни ҳам кун тартибига қўяди. Бу хусусда И.А.Каримов таъкидлаганидек: “ Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир”¹. Шундай экан, иқтисодийнинг глобаллашуви бевосита миллий ғоя-мафкурамизга таъсир ўтказди. Моддий ишлаб чиқариш ҳар бир худуд ва унда яшовчи халқлар эҳтиёжига кўра такомиллашиб келган экан, бу соҳада ўзига хосликнинг сақланиши, миллий иқтисодийнинг ривожланиши муҳим амият касб этади. Давлатлар ўртасидаги молиявий тафовут дунё ғоявий ранг-баранглигини бир қутб томон силжишига шароит яратиб беради. Бу жараёнда, айниқса, трансмиллий компаниялар таъсири яққол сезилади. Бугунги кунда кенг тарқалган тор жинси шимлар, калта юбкалар, очиқ кофтлар ёки

¹ Каримов И.А. Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин// Унинг ўзи. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.:Ўзбекистон,1996.– Б.261.

турли маҳсулотлар этикеткаларидаги ярим ялонғоч тасвирлар ниманинг ифодаси? Албатта, булар ҳеч бир халқнинг миллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари эмас. Бундай маҳсулотлар оддий ўрамдаги маҳсулотларга караганда “жозибадор” ва эътиборни тортувчи ҳисобланади. Фақат истеъмолчилар эътиборини тортиш ва савдони жадаллаштириш мақсадларида ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар, албатта, миллат маданияти ва маънавиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бундай ҳолатлар, айниқса, ёш авлод миллий-маънавий дунёқарашини шаклланишига, унинг асосидаги ҳаётий-ахлоқий қарашларга жиддий путур етказди. Бу каби ҳолатлар инсоният келажаги бўлмиш ёш авлод дунёқарашининг шаклланиши ўз миллий заминлари ҳисобига эмас, балки унга зид бўлган, бугунги кунда кенг илдиз отиб бораётган маънан қашшоқ “оммавий маданият”нинг ривожланиб боришига олиб келади.

2. Сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг глобаллашуви. Сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг глобаллашуви деб, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятни демократик тамойиллар асосида бошқариш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳар бир халқнинг тинч-осуда яшашини таъминлаш, инсониятни ҳар хил ядровий фалокатлардан асраш каби амалларни тез суръатлар ичида бажаришига қаратилган фаолиятлар тизимига айтилади. Сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг глобаллашув жараёнлари бунёдкор ғоялар ёки вайронкор мафкуралар таъсирида кечишини ҳам инкор қилиб бўлмайди, албатта. Бунинг мисолини БМТ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ёки НАТО мисолида кўриш мумкин. Сиёсий-ҳуқуқий глобаллашув жараёнларининг кечишида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўрни ва роли ҳақида давлатимиз раҳбари **Ш.М.Мирзиёев:**” Бу сиёсатнинг асосий маъно-мазмуни - тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама- қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик қилишдан иборат.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди.

Ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вази-фамиз деб биламиз.

Бу борада илгари ҳам айтган бир фикримни такрорлашни истардим. Биз кўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, аксинча, ҳамкорлик қилиш йўлини изчил давом эттирамиз. Ҳамкорликни тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови деб биламиз. Кўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва манфаатли ҳамкорликни қанча ривожлантирсак, бундан юртимиз ҳам, бутун минтақамиз ҳам шунча кўп наф кўради”¹,— деган эди. Ўзбекистон учун сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт жабҳаларининг глобаллашуви жараёнларининг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва роли ана шу фикрларда ўзининг ҳақиқий ифодасини топган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

3. Маданият соҳасининг глобаллашув. Маданий-маънавий ҳаёт соҳаларининг глобаллашув деб жаҳонда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда мазмунан кўпроқ даромад топишга қаратилган, шаклан турли хил кўринишга эга бўлган, моҳиятан ўзга элат, миллат, халқларнинг асрлар мобайнида шаклланган миллий қадриятларини ичидан парчалаб ташлаш эвазига, уларни маданий-маънавий қарамликка маҳкум қилишга йўғрилган катта молиявий қудратга эга бўлган давлат ва шахслар томонидан тез суръатлар билан содир этилаётган ҳодисалар тизимига айтилади. Бундай ҳодисалар **томоша жараёнини** бозор муносабатларининг, хусусан, санъат

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Тошкент – барчамиз учун онадек улуғ ва мўътабардир// *Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураемиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.480.

индустрияси, шоу-бизнеснинг шаклланиши истеъмолчи талабига кўра маҳсулотни таклиф қилиниши билан характерланади. Бу соҳаларда савдо-сотик муносабатларининг шаклланиши, бутун дунё бўйича “томоша индустрияси”ни юзага келтирди. Унинг таъсирида “эрмак ва томошалар” шиори остида истеъмолчилик руҳияти авж олдирилаяпти. Маданият соҳасида истеъмолчилик кайфиятининг шаклланиши миллий маънавиятнинг такомиллашиб, янада бойиб боришига салбий таъсир кўрсатади. Чунки истеъмолчилик кайфияти кучайган жамият аъзолари ўз миллий маънавиятини янги асосларда бойитишдан кўра тайёрига таклид қилиш, уни ўз маънавиятининг таркибига киритишга мойил бўлишади. Бу эса жамият аъзоларини маънавий қарамликка олиб келади. Шу маънода, сиёсатшунос З.Бжежинский: “Америкаликларнинг қизиқишига, овқатланиш ва ҳатто кийиниш одатларигача бутун дунёда таклид қилишади”¹,— деб таъкидлайди. Маданий истеъмолчилик кайфиятининг ривожланиши маданий ва маънавий бойликларга нисбатан муносабатга, шу билан бирга миллий маънавиятнинг реал ҳаётдаги ифодаси бўлмиш урф-одатлар, анъана ва маросимлар, қадриятларга нисбатан ҳам салбий таъсир кўрсатади. Уларни кишилар ҳаётдан сиқиб чиқаради. Бугун ёшлар орасида урф бўлиб бораётган очик-сочик кийиниш, муомалада миллий тилга эътиборсизлик, Европа менталитетига интилиш каби ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Булар барчаси миллий маънавиятнинг ахлоқий асосларига путур етказади.

4. Ахборот-коммуникация соҳасининг глобаллашуви. Ахборот-коммуникация соҳаларининг глобаллашуви деб жаҳонда юз бераётган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараёнлар, нарсалар, предметлар, фактлар, шахслар Ер шарининг исталган нуқтасидан ахборотларни тезликда узатиш ва қабул қилиш, уларни йиғиш, ўзгартириш, қайта ишлаш, сақлаш, қидириш ва тарқатиш жараёнларига айтилади. Ахборот-коммуникация соҳасининг глобаллашуви

¹ Қаранг: Збигнев Бжежинский. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы) Перевод О.Ю.Уральской. –М.: Международные отношения, 1998. –С.39.

натижасида дунё ҳамжамияти Ер шарининг ихтиёрий нуктасидан ахборот қабул қилиш ва узатиш имкониятига эга бўлди. Бу борада кейинги йилларда телефон, интернет тармоқлари, шунингдек, радио ва телевидение воситалари кенг кўламда қўлланилмоқда.

Бугунги кунда маданий-маънавий маҳсулотлар, санъат асарлари асосан, АҚШ, Европа ва Шарқ мамлакатлари маънавий ҳаётини кенг тарғиб этмоқда десак муболаға бўлмас. Бу борада таниқли америкалик сиёсатшунос **З.Бжежинский** “Америка телевизион дастурлари ва фильмлари бу соҳада дунё бозорининг деярли тўртдан уч қисмини эгаллайди. Америка оммабоп мусикаси энг етакчи поғонани эгаллаган, интернет тили – инглизча, глобал компьютер тармоғидаги сўзлашишнинг асосий қисми ҳам америкача ва “глобал суҳбатлар”га ўз таъсирини ўтказмоқда”¹, деб таъкидлайди. Булардан, АҚШ, Европа мамлакатлари маънавияти экспанциясининг нақадар авж олганлигига амин бўлиш мумкин.

5. Ҳозирги глобаллашув даврида мафкуравий жараёнларнинг хусусиятлари. ХХІ асрнинг бошларига келиб мафкуравий жараёнларнинг универсаллашуви шу даражага етадики, ундан бирор киши четда қолаётгани йўқ. У бутун Ер юзини, барча минтақа ва мамлакатларни қамраб олди, дунёдаги барча одамлар унинг таъсири остида ҳаёт кечирмода.

Буни унинг куйидаги хусусиятларида: *биринчидан*, глобаллашиш – инсонпарварлашиш, жамиятнинг барча соҳаларига таъсирида; *иккинчидан*, интеграциялашиш – демократиялашиш, миллий чегаралар доирасида қолиб кетмаслигида; *учинчидан*, дифференциациялашиш – сиёсийлашиш, инсон умрининг барча босқичларига умумий таъсир кўрсатишида кўриш мумкин.

¹ Қаранг: *Збигнев Бжежинский*. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы). Перевод О.Ю.Уральской. –М.: Международные отношения, 1998. –С.39.

6. Ҳозирги пайтда мафкуравий жараёнларни глобаллаштирувчи ва универсаллаштирувчи омиллар. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун куррайи заминини камраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Бу жараёнлар жаҳон тараққиётининг муҳим хусусияти эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор.

Мафкуравий жараёнларни глобаллаштирувчи ва универсаллаштирувчи омилларга: 1) иқтисодий муносабат ва алоқаларнинг кучайиши; 2) ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг кенгайиши; 3) маънавий муносабатлар ва маданий алоқалар кўламининг ортиши; 4) ахборот ва алоқа коммуникацияларининг тараққиёти; 5) фундаментал илмий кашфиётлар ва фан ютуқларининг кўпайиши; 6) техник ва технологик имкониятларнинг ўсиши ва бошқалар киради.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, **мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви** – бу халқлар ва давлатларнинг бир бирларига зоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши натижасида, улар ўртасидаги мафкуравий муносабатларнинг Ер юзининг барча минтақаларида ижобий ёки салбий тарзда кенгайиб умумбашарий аҳамият касб этишидир.

7. Глобаллашув жараёнларининг ижобий ва салбий оқибатлари. Ҳар бир нарса ва ҳодисаларнинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёнининг ҳам ана шундай томонлари мавжуддир.

АҚШдаги Флорида университети профессори Гарри Дамс “Капитализм трансформацияси” асарида глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида тўхталиб: “Бу жараённинг афзалликлари ҳақида сўз кетганда, *биринчидан*, дунё миқёсида сифатли маҳсулот ҳажмининг ортиб бораётгани, унга нисбатан талаб-эҳтиёжнинг кенгайиши; *иккинчидан*, авто ва авиатранспорт, туризм ҳамда аҳоли миграциясининг кучайиши; *учинчидан*, компьютер,

Интернет, сунъий йўлдош орқали телекўрсатувларни узатиш тизимининг мислсиз даражада ривожланиши; *тўртинчидан*, янги кашфиёт ва замонавий технологиялар воситасида ўсимлик ва хайвонот оламида ирсиятни ўзгартириш орқали озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳамда ўта хавфли ирсий касалликларни бартараф этиш имконияти туғилаётганини эътироф этиш даркор. Аммо мазкур жараённинг салбий жиҳатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, технологик инқилоб, ҳаддан ташқари саноатлаштириш жараёнининг сайёрамиз иқлимига глобал таъсир этиши оқибатида инсоният саломатлигига жиддий хавф туғилмоқда. Маданиятларнинг бирхиллашуви эса миллий давлатлар, турли халқлар кадриятларига путур етказмоқда”¹, – деб ёзган эди.

Ўзбек халқи ҳам барча одамлар каби глобаллашувдан четда қолаётганича йўқ. Халқимизнинг глобаллашув жараёнларига бўлган муносабати Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби **Маҳатма Гандининг**: *“Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимиздан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”*², – деб айтган сўзларига ҳамоҳангдир. Демак, глобаллашув жараёнларининг ижобий томонларини ўз уйимиз бўлган Ўзбекистонимизга қабул қиламиз, улардан унумли фойдаланамиз, аммо салбий ҳолатларининг эса уйимизга кириб келиб ағдар-тўнтар қилишларига йўл кўймаймиз. Чунки, *“бугунги кунда, – деган эди **И.А.Каримов**, – инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қараида арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга*

¹ Қаранг: Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: Маънавият, 2006. –Б.14–15.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. –Т.: “Академия” нашриёти, 2005. –Б.81.

*кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин*¹.

III. Аксилглобализм – ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида

1. Аксилглобализм ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Оламда мавжуд бўлган барча нарсалар ўзининг зиддига, яъни қарама-қарши томонларига эгадир. Шу нуқтаи назардан қараганда глобализмнинг зидди бу аксилглобализмдир. Аксилглобализм – ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида биринчи марта 1994 йил 1 январь куни Мексиканинг Чиापас штатидаги ҳиндуларнинг НАФТА (АҚШ, Канада, Мексика) дан иборат Шимолий Америка эркин савдо шартномасининг имзоланишига қарши қуролли қўзғолони шаклидаги чиқишларида ўзини намоён қилди. Қўзғолончиларнинг мақсади давлат ҳокимиятини эгаллаш эмас, балки НАФТА нинг иқтисодий эркинлаштириш баҳонасида уларнинг ерларини тортиб олишларига қарши қаратилган эди. Қўзғолончилар ўзларини Мексикалик инқилобчи Эмилиано Сапата номи билан Сапата миллий озодлик армияси (СМОА) деб атаётди. Бундан кейин 1999 йилнинг ноябрь ойида АҚШ нинг Сиэтле штатида Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ)га аъзо давлатларнинг вазирлари иштирок этадиган конференцияга қарши америка ёшларининг аксилглобалистик чиқишлари бошланиб кетди. 2000 йилга келиб бу ҳаракат Европага кўчиб ўтди. Айниқса, шу йили Прага шаҳрида Халқаро Валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банки (ЖБ) ходимларининг учрашувига қарши турклар, курдлар, греклар, немицлар, поляклар, испанлар, басклар иштирокида аксилглобалистик намоёнликлар уюштирилди. 2001, 2002, 2006 ва ундан кейинги аксилглобалистик чиқишларда 200 – 500 мингдан ортиқ одамлар иштирок эта бошладилар.

Аксилглобалистик ҳаракатларнинг (АГХ) пайдо бўлишини кузатар эканмиз, унинг келиб чиқишига қуйидаги бир қатор объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунда АГХ нинг пайдо

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.115.

бўлишида жаҳон молия капиталининг дунёдаги бозорларни либерализация қилишига қаратилган сиёсати **объектив омил**, айна вақтда глобаллашувнинг чуқурлашуви натижасида жаҳон молия капиталининг неолиберализация сиёсати амалга оширилаётган жойларда ижтимоий адолатнинг йўқолиб бориши, оддий одамлар турмушининг кундан кунга ёмонлашуви, ишсизликнинг кучайиши, ижтимоий дастурларни кесиб ташланиши, экологик зиённинг кенгайиб бориши кабиларнинг **субъектив омил** бўлганлигини кўрамыз.

2. Аксилглобалистик ҳаракатнинг асосий кучи ва иштирокчилари. XX асрнинг охирига XXI асрнинг бошларига келиб жаҳон молия капитали неолиберализация сиёсатини давом эттириб, ривожланиш сари қадам ташламоқчи бўлган мамлакатларга бериладиган кредитларни ўзига хос “ўғирлаш” йўллари ишга солиб, яъни молиявий спекуляция ўйинларини ўйнаб ўз фойдалари ҳисобига ўзлаштиришга киришдилар.

Жаҳон молия магнатлари неолиберализация сиёсатининг асосий ғояси: бозор иқтисодиёти фаолиятига давлатнинг аралашуви батамом чек қўйиш; давлатга тегишли бўлган барча корхоналарини тўлиқ приватизация қилиш; бозордаги бошқарувни қайтадан ташкил этиш; капиталнинг жаҳон бўйлаб эркин ҳаракатланишини таъминлашни йўлга қўйиш орқали **кўзланган мақсади** эндигина ривожланиш йўлига кириб келаётган давлатларнинг кредит олиш ва инвестиция киритиш сиёсатини ўзига бўйсиндириш, миллий давлатларнинг иқтисодиётни бошқаришдаги функцияларини максимум даражагача қисқартириш туфайли уларни давлат суверенитетидан маҳрум қилиб ўзларига қарам қилиб олишдан иборат эди. Бу деган сўз, барча ҳокимият Трансмиллий корпорациялар қўлига ўтади демакдир.

Жаҳон молия капиталининг асосий бўғини бўлган Халқаро Валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банки (ЖБ) нинг неолиберализация сиёсати туфайли дунё иккига – бой ва қашшоқ давлатларга ажрала бошлади. Дунёдаги бой давлатлар АҚШ, Япония, Англия, Германия ва бошқалар дунёдаги

давлатларнинг бешдан бир қисмини ташкил қилган ҳолда жаҳондаги ялпи ички маҳсулотнинг 86%, жаҳон савдосининг 82%, фуқаролар жамғармасининг 85,5% шуларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Аксилглобалистлар жаҳон молия капиталининг ана шундай ҳатти-ҳаракатларига қарши, янги дунёвий тартибни вужудга келтириш учун ҳаракат қилмоқдалар. АГХ қатнашчиларининг таркиби гетероген хусусиятга эгадир.

АГХ қатнашчиларини иккита муҳим қисмга ажратиш мумкин. *Биринчиси* – бу “анъанавий–мумтоз” чап қанотни ташкил этувчи оммавий ҳаракат вакиллари: касаба уюшмалари, аксарият коммунистик партиялар, социал-демократлар, анархистлар, маочилар, троцкийчилар ва бошқалар.

Иккинчиси – “оқсоч” чап ва ишчилар ҳаракатидан четда турувчилар. Буларга турли хил истеъмолчи жамият аъзолари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлаприни ишлаб чиқарувчилар уюшмаси (Масалан, Франция деҳқонлар конфедерацияси) ва бошқалар киради.. АГХ нинг сафини миллий озчилликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчилар, ирқчиликдан, ТМКнинг зуғумидан азоб-уқубат чекканлар, экологик жиҳатдан зарар кўрганлар, шунингдек, ҳайвонларнинг, сексуал озчилликнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар йилдан йилга тўлдириб боради.

АГХ марказий бошқарув аппаратига эга эмас. Бироқ, ҳар бир жойда уларнинг етакчилари бор. АГХ нинг кўзга кўринган етакчилари Мексикада Сапата миллий озодлик армияси (СМОА)нинг субкоменданти Маркос, Францияда деҳқон касаба уюшмаларининг раҳбари Ж.Бове, португал ёзувчиси, адабиёт соҳаси бўйича халқаро Нобель мукофотининг совридори Ж. Сарамагу ва бошқалар ҳисобланади. Етакчиларнинг 40%ни ёшлар ташкил этади. Уларнинг барчаси учун ягона бўлган ғоя ва мафкура ҳамда низом ва дастурлари ҳам йўқ. Ҳеч ким уларнинг сонини қайд қилмаганлиги сабабли қанча эканлигини ҳам билмайди. Молиявий жиҳатдан АГХ ни гуманитар ташкилотлар, ҳар хил корпорациялар, фермерлар ҳаракати, касаба уюшмалари кабилар қўллаб

қувватлаб турадилар. Демак, АГХ таркибининг гетероген бўлганлиги учун уни ягона ижтимоий тарихий воқелик сифатида ўрганиш ўзига хос қийинчиликларни туғдиради. Шундай бўлсада АГХ ни илмий жиҳатдан тадқиқи зарурий ҳолдир. Чунки у сиёсий кураш олиб боришнинг турли хил шакл ва усулларини қўллаши мумкинлиги боис(масалан,қуролли қўзғолон,иш ташлашлар,жаҳон молия капиталининг етакчиларини жисмонан йўқ қилиш ва бошқалар) кутилмаган ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин.

2-§. Глобаллашув шароитида янги дунёвий тартибнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари

XXI аснинг биринчи чорагида жаҳонда юз бераётган ҳодисалар орасида умумпланетар аҳамиятга молик бўлган икки жараён – глобаллашувнинг тошқин дарёдек жўш уриши ва янги дунёвий тартибнинг шаклланиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнлар бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борган сари янги дунёвий тартибнинг вужудга келишига ўз таъсирини ўтказётган бўлса, бошқа томондан эса давлатлар томонидан юритилаётган геоиқтисодий, геосиёсий, геосратегик ва геомафкуравий фаолиятлар ,шуниндек кутубсиз дунёдан кейин юзага келган маконда содир бўлаётган бошқа ҳодисалар ҳам ўз навбатида глобаллашув жараёнинг боришига ва характериға ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

XXI асрга келиб янги дунёвий тартибнинг вужудга келиши биринчи навбатда давлатларнинг геоиқтисодий фаолият юритишдан бошланиб, у геосиёсий воситалар орқали амалга оширилмоқда ва ғоявий-мафкуравий асос сифатида геомафкуравий жиҳатдан қўллаб қувватланиб узлуксиз ижтимоий борлиқ шакли сифатида таъминланишга ҳаракат қилинмоқда.

I. Геоиқтисодиёт – янги дунёвий тартиб вужудга келишининг иқтисодий асоси

1. Геоиқтисодиёт тушунчаси ва унинг объектив мавжудлиги. XXI асрга келиб жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви янада тезлашиб зиддиятли тус ола бошлади-ки, уни: *биринчидан*, бирон бир мамлакатнинг иқтисодиётида юз бераётган ҳар қандай ижобий ёки салбий ўзгаришларнинг тезликда бутун дунёга тарқалиб мавжуд коммуникация ва инфратузилма тармоқлари ривожига таъсир кўрсатаётганида; *иккинчидан*, глобал трансмиллий корпорацияларнинг кун сайин кўпайиб, «давлат чегараларини ювиб» кетаётганида; *учинчидан*, халқаро савдо-сотиқ суръатларининг жадаллашиб бораётганида; *тўртинчидан*, молиявий глобаллашув - геомолиявий жараёнларнинг авж олаётганида; *бешинчидан*, иқтисодий фойда кўриш учун рақобат турларининг кўпайиб, ошқора ёки пинҳона тарзда тобора кескинлашаётганида; *олтинчидан*, жаҳон бозорида протекционизм сиёсатининг тобора кенг қўлланилаётганлигида; *еттинчидан*, иқтисодий жиҳатдан ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг ўз мақсадларига эришиш учун мафкуравий кураш қуролларини тинмай ишга солаётганида кўриш мумкин.

Шу тариқа, жаҳон иқтисодиётининг тез, кескин ва зиддиятли тарзда глобаллашиб бориши жараёнининг хусусиятларини фалсафий жиҳатдан *ижобий* ҳодиса сифатида ҳам элат, миллат, халқлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг кучайиши; замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг тез тарқалиши; инвестиция, капитал ва товарларнинг эркин ҳаракат қилиши; янги иш жойларининг яратилиши; иқтисодий бўҳронларнинг олдини олиш учун биргаликда ҳаракат қилиш имкониятларининг ортиши ва бошқалар тарзида, айни вақтда *салбий* жараён сифатида ҳам қудратли иқтисодий кучга эга бўлган айрим субъектларнинг катта фойда кўриш, ҳар қандай воситалардан фойдаланган ҳолда ўз мақсадларига эришиш учун ҳаракат қилиб, бутун бошли элат, миллат ва халқларни иқтисодий таназзулга учратиш учун пинҳонна хатта-

харакатлар олиб бораётганлиги; кам тараққий этган мамлакатларни рақобат майдонига олиб чиқиб, синдириб ташлаётгани; ҳар хил шаклда тезкор иқтисодий ёрдам бериш баҳонасида асрий «иқтисодий қуллик» тамғасини бўйнига осиб кўяётганликлари; инсон қалбини забт этиш учун замонавий ахборот технологияларидан мафкуравий бузғунчи ғояларни тинмай тарғибот- ташвиқот қилаётганликлари орқали баҳо бериш мумкин.

Шундай бир мураккаб ва ўта зиддиятли шароитда Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий демократик давлат сифатида шаклланиб, ривожланиб бориши ва унинг қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятига кўшилишига учун: 1) жаҳонда асрлар мобайнида шаклланган иқтисодий маконда ўз ўрнини топиш; 2) иқтисодиётни қандай шарт-шароитда, кимлар билан интеграциялаш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун қандай илғор ноанъанавий технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқарилган товарларни жаҳон бозорида кимларга, қандай нархларда сотиш масалаларини ҳал қилиш; 3) жаҳон бозорида янгидан шаклланаётган мулкдорлар синфининг бевосита иштирок этишларини таъминлаш; 4) жаҳонда юз бераётган иқтисодий ўзгаришларнинг мантиғини тезликда англаб этиш учун геоиқтисодиёт принципларидан хабардор бўлиш ва уларни амалда қўллашни ташкил қилиш каби муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Хўш, геоиқтисодиёт нима, унинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти, мазмуни, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

“Геоиқтисодиёт” тушунчасини биринчилар қаторида қўллаган киши ўтган XX асрнинг 80-йилларида АҚШнинг Давлат департаменти ва Миллий хавфсизлик кенгашида маслаҳатчи бўлиб ишлаган Эдвард Люттвак ҳисобланади. У ўзининг мазкур ташкилотлар учун тайёрлаган ахборотлари ва ёзган китобларида “Америка орзуси хавф остида: иқтисодий устунлик учун бўлаётган геоиқтисодий беллашувда АҚШ қолиб келиши ва учинчи давлатлар қаторига тушиб қолмаслиги учун нима қилмоқ керак?”, - деган масалаларга тўхталиб:

“Геоиқтисодиёт - бу халқаро беллашувда давлатлар ўртасида бўладиган рақобат бўлиб, унда давлат “ўзининг” компания ва бошқа хўжалик бирлашмалари учун жаҳондаги “ўзга” компанияларга нисбатан максимал устунликни таъминлайди”¹, - деган эди.

Шундай қилиб, “Геоиқтисодиёт” атамаси янги бир иқтисодий воқеликнинг инъикоси сифатида муомалага киритилар экан, жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан турлича талқин этила бошланди. Масалан, XX асрнинг охирларида геополитиканинг янги бир оқими сифатида пайдо бўлган, геоиқтисодиётга “*homo economicus* ва макон омилларининг товарларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳасига таъсир этиши, иқтисодий фаолиятни янада кенгайтириш учун иқтисодий маконлардан фойдаланиш”², “...жаҳонда даромадни шакллантириш ва қайта тақсимлашга эришиш мақсадида миллатнинг геоиқтисодий маконда миллий жиҳатдан ўзини ўнглаб олиш учун тезкор ҳаракатларни амалга ошириш техникаси”³, “давлатнинг жаҳон ёки минтақада иқтисодий йўл билан устунликка эришишнинг стратегик ривожланиши ҳақидаги фан. Геоиқтисодий глобализация ва регионализация омиллари таъсирида шаклланаётган ҳозирги замон геосиёсати”⁴, “...жаҳон миқёсида турли қитъа, минтақа ва давлатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви негизида шаклланаётган ягона иқтисодий тизим, иқтисодий макон”⁵, деган таъриф ва тавсифлар берилди. Бу таърифлар, геоиқтисодиёт, *биринчидан*, геоиқтисодиётнинг геосиёсатдаги янги бир оқим сифатида пайдо бўлганлигини; *иккинчидан*, глобал иқтисодий жараёнларнинг маҳсули сифатида ўзига хос объекти, субъекти, предметига эғалигини;

¹ Қаранг: Жан К. Геоэкономика (господство экономического пространства) / К. Жан, П. Савона; Пер. с итал. - М., 1997. - С. 8.

² Қаранг: Моро-Дефарж Ф. Введение в геополитику. Гл. 5. - М.: Конкорд, 1996. - С. 76.

³ Қаранг: Кочетов Э. Г. Геоэкономика (Освоение мирового экономического пространства). - М.: БЕК, 1999. - С. 4.

⁴ Қаранг: Дергачев В. А. Глобальная геоэкономика (Трансформация мирового экономического пространства). - Одесса: ИПРЭИ НАНУ, 2003. - С. 3.

⁵ Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати / Тузувчи ва масъул Қ. Назаров - Т.: Академия, 2007. - Б. 117; Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти / Қ. Назаров, И. Эргашев ва бошқ. - Т.: Фафур Ғулом, 2007. - Б. 572-573.

учинчидан, ижтимоий-иқтисодий воқеликнинг бир кўриниши сифатида фалсафий жиҳатдан ўрганилиши зарурлигини кўрсатади.

Геоиқтисодиёт масаласини назария ва амалиётнинг диалектик бирлигидан келиб чиққан ҳолда, икки томонлама, яъни ижтимоий-иқтисодий жараён ва ижтимоий-иқтисодий ғоя, фалсафий тафаккур шакли сифатида илмий жиҳатдан ўрганиш мумкин.

Геоиқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида мавжудлигини таъминловчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

1. Геоиқтисодиёт элат, миллат, халқ ва давлатларнинг географик жойлашуви, ер ости ва усти бойликлари, табиий-иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Бунда қайси бир давлат географик жиҳатдан қулай жойлашган, ер ости ва усти бойликлари кўп ва хилма-хил, табиий иқлим шароити яхши бўлса, ўша давлат геоиқтисодий жараёнларда устунликка эга бўлиб, шаклланаётган янги геоиқтисодий маконларнинг марказий тортиш кучига айлана боради.

2. Геоиқтисодиёт ҳар бир давлатнинг суверенитетига, иқтисодий мустақиллигига боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараёнлар қаторига киради. Иқтисодий мустақиллигини тўла-тўқис қўлга киритиб, хилма-хил мулк шакллариининг ҳуқуқий тенглигини таъминлаш асосида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтган давлатларгина геоиқтисодий жараёнларда ҳар томонлама иштирок этиб, ундан етарлича фойда кўриш, иқтисодий даромаддан ўз улушини ажратиб олиш имкониятларига эга бўладилар.

3. Геоиқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири мулкдорлар синфи ҳисобланади. Ана шу мулкдорлар синфининг тадбиркорлик, ишбилармонлик, омилкорлик фаолияти бутун бошли элат, миллат, халқ ва давлатларнинг иқтисодий эҳтиёж ва манфаатларини қондириш учун геоиқтисодий жараёнларнинг иштирокчисига айланишга ундайди ва уларнинг геоиқтисодий маконлардан жой излаб топишига олиб келади.

4. Геоиқтисодиёт ҳар бир давлатнинг иқтисодий салоҳиятига: товарларни ишлаб чиқариш технологияси, уларнинг турлари, рақобатбардошлиги, харидоргирлиги, миқдори ва ҳажми; ички бозорлар мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирилганлиги; коммуникация тармоқларининг сифати; логистикаси; банклардаги капиталнинг миқдори ва ҳаракати; аҳолининг бандлик даражаси ва реал пул даромадлари кабиларга асосланади. Ушбу кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлса, мамлакатдаги геоиқтисодий вазият ҳам шунчалик турғун ва барқарор бўлади.

5. Геоиқтисодиёт ҳар бир элат, миллат, халқ ва давлатнинг иқтисодий интеграциялашув даражасига боғлиқ. Бундай интеграциялашув бўлмаган жойда геоиқтисодиёт мавжуд бўлолмайди.

Геоиқтисодиётнинг мавжудлигини таъминловчи ушбу омиллардан келиб чиққан ҳолда унга ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Геоиқтисодиёт (грекча *geo* - ер, иқтисод - араб. хўжалик, тежаб- тергаш) - муайян бир элат, миллат, халқ ва давлатнинг географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, суверенитети, иқтисодий мустақиллиги, мулкдорларнинг тадбиркорлиги, коммуникацион имкониятлари ҳамда иқтисодий салоҳияти даражаларига қараб ўзга элат, миллат, халқ ва давлатлар билан интеграциялашуви негизида даромад топиш, фойда кўриш мақсадида юритаётган иқтисодий фаолиятидир.

Фалсафа илмидан шу нарса маълумки, ҳар қандай жараённинг ўз атрибутлари мавжуд. Шунингдек, бугун жаҳонда юз бераётган геоиқтисодий жараёнлар ҳам ўз атрибутларига эга бўлиб, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Маълумки, ҳар қандай бозор иқтисодиётида асосий муомала объектини, товар ва унинг миқдорий ҳамда сифатий кўрсаткичлари ташкил қилади. Демак, геоиқтисодиётнинг ҳам биринчи атрибутини унинг муомала объекти ҳисобланмиш товар ва унинг миқдори ва сифатидир. Товар ва халқаро товар

муомаласиз геоиктисодиёт мавжуд бўлолмайди. Геоиктисодиётнинг атрибутини ташкил қилувчи товарларнинг бир босқич ёки ҳолатдан иккинчи босқич ёки ҳолатга ўтишидаги изчиллигига қараб, қўйидаги шакллари ажратиш мумкин: алоҳида-ягона товар (алоҳида ишланган нарса, буюмлар ёки алоҳида хомашё компонентлари, яримфабрикатлар); муайян гуруҳдарга ажратилган товарлар (одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқилган товарлар ассортиментини, яъни бир-биридан ўзининг бир ёки бир нечта белгиси билан фарқ қилувчи товарлар гуруҳи. Масалан, сотиш учун ишлаб чиқарилган бир ёки бир неча турдаги эркаклар қўйлаги. Улар ўзларининг ранги, чидамлилиги, матосининг таркиби билан ўзаро фарқ қилади); объект-товар (бирон бир мамлакатнинг ривожини учун товар шаклида қуриб бериладиган объект-корхона. Масалан, автомобиль заводи, тўқимачилик комбинати, сайёҳлар учун қурилган меҳмонхоналар ва бошқалар); дастур-товар (мамлакатнинг у ёки бу соҳасини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳа-дастурлар. Масалан, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, энергетика таъминотини яхшилаш, алоқа тизимини янгилаш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар).

2. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий муомала субъекти товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг эгаларидир. Худди шунингдек, геоиктисодиётнинг иккинчи муҳим атрибутини муомала субъекти ҳисобланмиш товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг соҳиблари ташкил қилади. Буларга яқка товар соҳиблари бўлган алоҳида фирмалар, муайян гуруҳдарга ажратилган товарлар соҳиблари бўлган катта бирлашма - корпорациялар, объект-товар соҳиблари бўлган ишлаб чиқариш - тижорат бирлашмалари, дастур-товар соҳиблари бўлган давлат институтлари иштирок этадиган бирлашмалар киради.

3. Бозор иқтисодиётининг муҳим атрибутларидан яна бирини «бозор» ташкил қилади. Бозор - фақат савдо-сотикдан иборат фаолият, яъни сотувчилар билан харидорларнинг олди-сотди қилиш орқали амалга оширадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларидир. Демак, геоиктисодиётнинг яна бир муҳим атрибутини

бозор ташкил қилади. Бозорларни, товарларнинг турига қараб, асосан истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслар, иш кучи ёки меҳнат, молия, интеллектуал

товарлар, қурол-аслаҳа бозорларига ажратиш мумкин.

Геоиқтисодиётнинг атрибутларидан бўлган бозор ҳам ҳар бир давлат ва минтақанинг географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, интеграциялашиб бориш жараёнларига қараб геоиқтисодий жиҳатдан урта - микро, мезо, макродаражадаги - бозор мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Фалсафа тили билан айтганда, микро, мезо, макро даражалардаги бозорлар - мулкдорлар ўртасида товар айирбошлаш муносабатларининг алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик шаклида яққол намоён бўлишидир.

4. Бозор иқтисодиётидан кўзланган мақсад - асосан фойда (даромад) олиш. Фойдасиз нарсалардан воз кечиш бозор иқтисодиётига хос хусусиятдир. Демак, кўриладиган фойданинг, олинадиган даромаднинг мазмуни ва характери геоиқтисодиётнинг ажралмас атрибутидир.

Юқорида баён қилинган фалсафий таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда геоиқтисодиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиб боришига қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

биринчидан, жаҳонда икки қутбли иқтисодий тизим ўрнига кўп қутбли эркин иқтисодий тизимларнинг пайдо бўлганлиги, мустақиллигини қўлга киритган давлатларнинг ўз географик жойлашувини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият юрита бошлаганлиги;

иккинчидан, ахборот технологияларининг тезкор ҳаракати натижасида «номоддий» иқтисодий алоқалар (банклар ўртасида пул ўтказиш, кредитлар ажратиш, товар биржаларидаги аҳволдан хабардор бўлиш, мамлакатлар иқтисодий кўрсаткичларидан тахдилий хулосалар чиқариш кабилар) нинг сифатли ишлаши йўлга қўйилганлиги;

учинчидан, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг худудий жойлашуви ва иқтисодий имкониятларига қараб иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида ўзаро интеграция жараёнларининг кучайиши;

тўртинчидан, катта ва кичик мулкдорларнинг чегара билмас даражада даромад топиш ва фойда олиш учун ҳар хил худудий уюшма ва трансмиллий иттифоқларга бирлашиши;

бешинчидан, ривожланган катта давлатларнинг технологик жиҳатдан устунликларидан фойдаланиб, ўзга халқларнинг ер ости ва усти бойликларини ўзлаштириб олишларига қарши кам ривожланган миллий суверен давлатларнинг ўз иқтисодий мустақилликларини сақлаб қолиш борасида олиб бораётган изчил хатти-ҳаракатлари.

Демак, геоиқтисодиёт – бу дунёда мавжуд бўлган 200 га яқин давлатларнинг давлатнинг географик ўрни, худудий жойлашуви, суверенитети, иқтисодий мустақиллиги, мулкдорларнинг тадбиркорлиги, коммуникацион имкониятлари ҳамда иқтисодий салоҳияти даражаларига қараб ўзга элат, миллат, халқ ва давлатлар билан интеграциялашуви негизида даромад топиш, фойда кўриш мақсадида юритаётган иқтисодий фаолиятидир юритиши бўлиб, уни мазкур макон ва замонда вужудга миллий онгнинг ўсиши натижасида ўзлигини сақлаб қолиш учун янгича иқтисодиёт – неоиқтисодиётни барпо этиш асосига курилажак янгича дунёвий тартибни шакллантиришнинг асосий атрибути деб ҳисоблаш мумкин.

2. Неоиқтисодиёт – янги дунёвий тартиб модели. XX асрнинг охири ва XXI аср бошига келиб цивилизация таракқиётнинг постиндустриал модели ривожланишининг чўққиси бўлган техноген босқичга кирди. Бу босқичга хос хусусиятлар, *биринчидан*, товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан катта фойда олиш учун илм-фан, техника ва технологиянинг энг сўнгги ютуқларидан тинимсиз равишда фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги; *иккинчидан*, бундай замонавий товарларнинг ишлаб чиқарилиши асосида товарлар “ҳаёт цикли” нинг

тезда қисқариб бориши; *учинчидан*, табиий ва инсон ресурсларидан аёвсиз фойдаланишнинг кучайиши ва унинг салбий оқибатлари билан қизиқмаслик ҳолатларининг тобора ортиб бориши; *тўртинчидан*, янги технологияга асосланган ишлаб чиқариш структурасини яратаман деб бинойидек ишлаб турган структуранинг фаолиятини тўхтатиш ҳолатлари кўпайиб бориши, унинг эса, ўз навбатида, оммавий ишсизликларни келтириб чиқариши, натижада жамиятда барқарор ривожланишнинг бузилиши кабиларда кўрина бошлади. Бундай ҳолатлар, охир-оқибатда жамиятда технологик эскиришни келтириб чиқара бошлади. Бундан қутулиш учун эса бошқарувнинг демократик, маъмурий ва тоталитар усуллари ишга солинмоқда. Аммо уларнинг истиқболи йўқлиги кундан-кун аён бўлиб бормоқда. Худди шу жойда иқтисодиётнинг янги бир шакли сифатида вужудга келаётган неоиқтисодиётнинг белгилари ҳам кўзга ташланмоқда.

Глобал тафаккур қилиш орқали жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий жараёнларни фалсафий таҳлилдан ўтказар эканмиз, цивилизацион тараққиётнинг постиндустриал модели ўрнига келаётган янги неоиқтисодиёт моделининг бош атрибутини (асосий элементини) топишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, дунёда ҳамма нарса, жумладан, бизнинг иқтисодий тизимлар ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам ўзгариб боради. Ҳаёт диалектикаси шуни тақозо этади. Техногенлашган иқтисодий тизим умрининг тугаб бораётганининг асосий сабаби инсоният тақдирини хавф остига қўйганлигидадир. Бугун унга фақат этноиқтисодий тизимларгина қарши тура олиши яққол кўзга ташланмоқда.

Этноиқтисодий тизимнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини глобал тафаккур мезонлари асосида фалсафий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар хил кўринишдаги цивилизацион тараққиёт моделларига қараб тортаётган учта иқтисодий тортиш майдони мавжудлигини кўрамиз. *Биринчиси* - индустриаллашмаган тизимларни ҳар хил усуллар билан ямлаб ютишга ҳаракат қиладиган постиндустриал тизим, *иккинчиси* - глобаллашув жараёнида ўзлигини

сақлаб қолишга интилаётган, техноген цивилизация ютуқларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланаётган анчайинмиллий тизим. Уларнинг биринчиси инсоннинг яшаш муҳитини бузиш ва шу асосда этномиллий илдизларнинг томирини қирқмоқда, иккинчиси эса элат, миллат яшаётган жойга цивилизацион борлиқнинг кириб келишига қаршилик кўрсатиб, унинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ана шундай бир вазиятда ижтимоий тараққиётнинг постиндустриал моделидан неоиктисодий моделига ўтиш даврини ўзида акс эттирувчи *учинчи - ораліқ тортиши кучи* ҳам майдонга келмоқда. Бу этноиктисодий тизимдир.

Янгидан шаклланаётган этноиктисодий тизимнинг хусусиятлари куйидагиларда кўринади: *биринчидан*, мустақиллигини қўлга киритиб, иқтисодиётини модернизация қилиш асосида халқнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашга интилиш борасида ҳеч қачон цивилизацион тараққиётнинг янги моделларини инкор қилмаслиги, балки ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиши; *иккинчидан*, ҳар хил оқим ва сиёсий ўйинларга берилмасдан, мустақил ташқи иқтисодий алоқалар олиб бориш асосида ўзга давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиши; *учинчидан*, иқтисодий тараққиётни маънавий тараққиёт билан уйғунлаштириш асосида иш юритиши.

Шунга кўра, постиндустриал иқтисодиётнинг ўрнига келаётган неоиктисодиётнинг бош атрибутини этноиктисодий тизимлар ташкил қилади.

Этноиктисодиёт (юнонча *ethnos* - халқ ва иқтисод - араб. хўжалик, тежаб-тергаш) деб, *бирон бир элат, миллат ва халқнинг моддий ва маънавий неъматларни яратиши, тақсимлаш ва истеъмол қилиши, ҳар хил хизматлар кўрсатиши билан боғлиқ иқтисодий хатти-ҳаракатларига айтилади*. Шунга кўра, бир нечта элат, миллат, халқларнинг ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик қилиш йўлида трансмиллийлашуви асосида пайдо бўлаётган янги иқтисодий жараёнлар мажмуи ***этноиктисодий тизим*** деб аталади. Янгидан шаклланиб

келаётган этноиктисодий тизимларга Япония, Тайвань, Жанубий Корея, Ўзбекистон каби давлатларнинг этноиктисодиёти мисол бўла олади.

Иқтисодиёт ривожининг фалсафий таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, **неоиктисодиёт** - *глобал иқтисодий тизимнинг жамият ҳаётини сифат жиҳатидан такрор ишлаб чиқариш учун техноген, этномиллий, маданий ва маънавий-ахлоқий омилларни ўзаро уйғунлаштиришга қаратилган янги қадриятларни ўзида мужассамлаштирувчи цивилизацион тараққиётнинг этноиктисодиётга асосланган янги моделидир.*

Неоиктисодиёт масаласи келгусида иқтисодчи, файласуф, социолог, сиёсатшунос олимлар томонидан ҳар тарафлама ўрганишни тақозо этадиган муаммолар жумласига киради. Шу боис ҳам биз унинг айрим жиҳатларига тўхталдик, холос. Бунда шунини унутмаслигимиз керакки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш борасида қилинаётган барча ишлар мамлакатимиз иқтисодиётининг неоиктисодиёт сари ташланган қадамларидан биридир. Бу хусусда И. А. Каримов: *“Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим - Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”*¹, - деган эди.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳозирги кунда техноген фаолиятга асосланган постиндустриал иқтисодий тизим ўз ўрнини этноиктисодиёт заминида куртак отиб келаётган неоиктисодиётга осонликча бўшашиб бермайди. Бу боада бир қатор қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади.

3. Геоиктисодий уруш ва унинг келиб чиқиш сабаблари.

Этноиктисодий тизимга асосланган неоиктисодиёт бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра янги дунёвий тартибнинг модели сифатида техноген тизимга асосланган постиндустриал тартиб билан чиқишолмайди. Техноген

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - Б. 11.

тизимга асосланган постиндустриал тартибга асосланган давлатлар, ўзларининг техник ва технологик устунликларидан фойдаланиб иқтисодий жиҳатдан дунёда яқка ҳукумронлик қилишни даъво қилса, этноиқтисодиётга асосланган неоиқтисодиёт ҳар бир давлатнинг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мустақил иқтисодий фаолият олиб боришни маъқул кўради. Ана шу кўзланган мақсадларга эришиш учун кураш – «кўзга кўринмас» бўлган геоиқтисодий урушни келтириб чиқаради.

Хўш, геоиқтисодий уруш деб нимага айтилади? **Геоиқтисодий уруш** *деб минтақавий жиҳатдан ўзаро яқин ва узоқ қўшни бўлган бир мамлакатнинг иккинчи бир мамлакатни ўзига тобе қилиш учун олиб борадиган сиёсатини иқтисодий қамал воситалари орқали амалга оширишларига айтилади.*

Геоиқтисодий урушни келтириб чиқарувчи *объектив омиллари* жумласига, бирон бир миллатнинг эгаллаган географик маконида яшаши учун зарур бўлган табиий бойликларнинг камлиги, транспорт-алоқа коммуникацияларининг ноқўлай жойлашганлиги, сув ҳавзаларининг етарли эмаслиги ёки аксинча, уларнинг қўшни давлатларникига нисбатан кўплиги; *субъектив омилларига* эса мазкур давлатнинг етакчи раҳбарлари, ижтимоий ҳаракат уюшмалари, сиёсий партиялари ва шунга ўхшашларнинг қандай ғоявий-мафкуравий тамойилларга амал қилиши кабилар киради. Бунда геоиқтисодий урушнинг келиб чиқиши кўпинча субъектив омиллар ғоявий-мафкуравий дунёқарашининг қанчалик даражада шаклланганлигига, яъни тоталитар-тажовузкор ёки демократик келишув, ҳамкорликка асосланган тинчликсевар характерга эга эканлигига боғлиқдир.

XXI асрга келиб геоиқтисодий уруш «учинчи кўл»ларнинг кўзга кўринмас ҳаракатлари туфайли тобора авж олмоқда. Бунинг мисолини АҚШ, Англия, Франция, Россия каби давлатлар томонидан миллий мустақилликка эришган давлатларни, шунингдек, айниқса табиий газ ва нефтга бой бўлган мамлакатларни ўзларига оғдириб олиш учун, улар ўртасида сунъий тарзда

геоиктисодий урушларни келтириб чиқармоқда. Бўйсунмаганларга нисбатан ҳар хил шакллардаги иқтисодий камал воситаларини ишга солмоқда. Натижада эса юз минглаб бегуноҳ одамлар геоиктисодий урушнинг қурбонига айланмоқда.

Бундай бедодликларнинг олдини фақат этноиктисодий тизимга асосланган неоиқтисодиётни ташкил қилиш, шакллантириш ва ривожлантириш орқали амалга ошириш орқали олиш мумкин. Бу ишнинг демократик шаклда амалга оширилиши эса янги дунёвий тартибни вужудга келтиришнинг тамал тошини қўйиш демакдир.

II. Геосиёсат – янги дунёвий тартибни шакллантиришнинг сиёсий воситаси

1. Геосиёсат тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни. Глобаллашув шароитида давлатларнинг сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Булар, биринчидан, жаҳонда кечаётган интеграллашув жараёнида иштирок этиш; иккинчидан, ўзининг табиий бойликлари, географик жойлашуви, минтақавий жиҳатдан қулай жойда эканлигига қараб геоиктисодий сиёсат юритишга ҳаракат қилаётганликларида кўриниб турибди. Бу эса янгича геоиктисодиётга асосланган геосиёсат юритилаётганидан дарак бермоқда. Хўш, геосиёсат нима? *геополитика* (юн. *гео* – ер, *политика* – давлатни бошқариш санъати) деб бирон бир мамлакатнинг ташқи сиёсатда географик ўрни, ҳудудий жойлашиши, коммуникацион имкониятларини ҳисобга олиб юритиладиган фаолиятидир.

Тарихда геополитика жамият тараққиётида географик шароитларнинг ўрнини юқори даражада мутлақлаштирувчи қараш тарзида намоён бўлди. “Ҳаётини мақоннинг торлик қилаётгани”, “табиий сарҳадларни кенгайтириш зарурати” сингари даъволар геополитикани босқинчиликни асословчи сиёсий концепция, деб баҳоланишига олиб келди.

Геополитика атамасини фанга швециялик сиёсатшунос олим Рудольф Челлен (1864–1922) киритган. Бу атама I жаҳон уруши арафасида кенг қўлланила бошлади. Ўша даврда яшаган немис олими Фридрих Ратцель (1844–1904)

давлатлар муайян жой ва худудда мавжуд бўлади, бу эса, ўз навбатида уларни зарур худудларни эгаллашга мажбур қилади, деб ҳисоблаган. Бундай қараш реакцион бўлиб, дунёни қайта бўлиб олиш учун курашга отланган Кайзер Германиясининг урушга шайланаётган сиёсатчилари учун ниҳоятда мақбул бўлган.

XX аср бошларидан геополитика мустақил фан ва сиёсат соҳаси, дея талқин этила бошланди, 1923–1927 йилларда чоп этилган “Геополитика” журнали географик омилнинг давлатлар, халқларнинг мавжуд бўлишига таъсирини мутлақлаштириш йўлидан борди. Бундай қараш Германия, сўнгра Италия ҳамда Япония давлатлари сиёсатининг асосий доктринасига айланди. Ўзга худудларга нисбатан босқинчилик сиёсатининг устувор қўйилиши ўша пайтдаги мустамлакачилик сиёсатини оқлашга, миллий озодлик ҳаракатларини бостиришга қаратилган эди.

II жаҳон урушидан кейин баъзи йирик давлатлар дунёдаги қатор мамлакатларни ўз манфаатлари доирасига киритиб, уларда мустаҳкам ўрнашиш ва шу асосда ўзларининг таъсир доираларини кенгайтиришга интилдилар. Натижада дунё сиёсий харитасида қарама-қарши икки қутб юзага келди. XX асрнинг 60-йилларига келиб геополитика икки қарама-қарши система, кўпроқ АҚШ ва собиқ Иттифоқ орасидаги курашни асослашга йўналтирилди. Совуқ уруш сиёсати геосиёсий йўллар ва усулларга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

СССР тарих саҳнасидан кетиши билан давлатлар томонидан олиб бориладиган геосиёсатнинг ҳам мазмуни ва йўналишлари ўзгарди. Эндиликда давлатлар геосиёсатни совуқ қуроқлар билан эмас, балки мафкуравий қуроқларни ишга солиш орқали ўзларининг муайян мақсадларини амалга оширишга киришдилар. Натижада, янги геостратегик мақсадлар пайдо бўлди. Улар эса манфаатлар силсиласидан келиб чиққан ҳолда янгича геомафкуравий сиёсат юргизиш орқали амалга оширила бошлади. Шундай қилиб, глобаллашув шароитида давлатларнинг геостратегик мақсад ва манфаатлари тобора кенгая бошлади.

2. Геостратегик мақсадлар. *Геостратегик мақсадлар* деб бирон бир давлатнинг геоиқтисодий омиллари ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган истиқболли интилишлар, муносабатлар тизимига айтилади.

Масалан, Ўзбекистон ўзининг қулай жуғрофий жойлашувидан мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий салоҳиятини янада ривожлантириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Бу соҳада, *биринчидан*, Ўзбекистонда йирик газ, кўмир, нефть конлари топилгани ва ишга туширилаётгани мамлакат эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки унинг экспорт имкониятларини ҳам оширади.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо маъдан захираларига эга бўлган давлатлар жумласига киради. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қатор қимматбаҳо маъдан конлари қидириб топилган. Бу эса, чет эл инвестицияси ва технологиясини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишни талаб этади.

Учинчидан, мамлакатимиз рангли металллар – мис, кўрғошин, рух, вольфрам рудаларига бой бўлган геостратегик макондир. Айни пайтда рений, молибден, кадмий, селен, индий ва олтингугуртнинг катта захиралари бўлган конлар ҳам мавжуд.

Тўртинчидан, мамлакатимизда мрамор, гранит конлари мавжуд. Уларнинг захиралари, тахминан, саксон беш миллион кубометр деб ҳисобланади. Ҳозирда Ғозғон, Нурота, Зарбанд конларида мрамор блокларни ишлаб чиқариш борасида чет эл замонавий технологияси асосида шериклар билан биргаликда иш олиб борилмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимиз фосфоритларга, кадмий ва ош тузи конларига бой ҳудуд ҳисобланади.

Буларнинг барчаси юртимиз тараққиёт истиқболини белгилаб берувчи геостратегик мақсадларни белгилаш ва ҳаётга татбиқ этишда улкан аҳамият касб этади.

3. Геостратегик манфаатлар. *Геостратегик манфаатлар – муайян мамлакат ёки минтақанинг жуғрофик жойлашуви билан белгиланадиган эҳтиёж ва интилишлар инъикоси. У истиқболни англаш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади.*

Ўзбекистон Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, у жуғрофий жиҳатдан жуда қулай геостратегик мавқега эгадир. Қадимдан Шарқ билан Ғарбни боғлаган Буюк ипак йўли айнан Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани савдотик, маданий-маърифий алоқаларни кенг ривожлантиришга сабаб бўлган. 1991 йилда Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейин бу борадаги қадимий алоқалар қайтадан жонланди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда кучлар мувозанатини таъминлаш, минтақада ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасида муҳим ўрин тутиши учун ҳамма катта имкониятларга эга. Чунки у ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта куч-қуд-ратга эга бўлган мамлакатдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиниши, юртимизни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг, товар ва капитал транзитининг ўзига хос минтақавий марказига айлантирди. Бунинг натижасида транспорт, сайёҳлик ва молиявий хизматларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Ўзбекистоннинг ноёб ва бой табиий хомашё захираларига эга экани, қулай иқлим шароити ва қишлоқ хўжалиги тараққиётидаги улкан салоҳияти уни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олиши учун шароит яратади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг геостратегик жиҳатдан буюк мамлакатлар қаторидан жой олиши учун ҳамма имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Уларнинг ҳар иккаласи ҳам давлат томонидан юргизиладиган геоиқтисодиётга асосланган геосиёсат воситаси орқали амалга оширилади. Геосиёсатнинг қалбини геомафқуравий сиёсат ташкил этади.

Ш. Геомафкура – янги дунёвий тартибни қарор топтиришнинг

ғоявий манбаи

1. Геомафкура тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Глобаллашув шароитида ижтимоий тараққиёт қанчалик тезкор кечмасин, барибир айнан бир бирига ўхшаш одамлар бўлмагани сингари, бир бирига ўзининг миқдорий кўрсаткич ва сифатий хусусиятларига кўра теппа-тенг бўлган ғоявий-мафкуравий ҳодисаларни ҳам учратиш мумкин эмас. Ҳар бир ғоявий-мафкуравий жараён ўзига хос бўлган бир ҳодисадир. Дунёда қанча одам, элат, миллат, халқ, давлат ва жамият бўлса уларнинг ҳар бирининг ўзига хос бўлган ғоявий-мафкуравий манфаатларини ўзида акс эттирувчи шунчалик индивидуал ғоявий-мафкуравий қарашлари ҳам мавжуддир. Бироқ, улар ўртасида кўзланган мақсадлар муштараклигига қараб умумпланетар, минтақавий, алоҳида давлатларга хос бўлган ғоявий-мафкуравий қарашлар тизими ҳам мавжуддир. Глобаллашув туфайли вужудга келиб, тезликда шаклланиб бораётган ғоявий-мафкуравий қарашлардан бири – бу геомафкурадир.

Геомафкура¹ – бу муайян бир элат, миллат, халқ ва давлатнинг географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, мустақиллиги, суверенитети, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий имкониятлари даражаларига қараб ўзга элат, миллат, халқ ва давлатлар билан сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар муштараклиги асосида ўзаро умумий эҳтиёж ва манфаатлар, орзу-истак, мақсад ва интилишлар, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

¹ Қаранг: **Геомафкура** юнонча «geo» – ер, «мафкура» – фикр юргизиш; тафаккур; эътиқод ва маслиқлар тизими, яъни бирон бир ернинг юзида жойлашган жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи

Умуман олганда геомафкура тушунчасини кенг ва тор маънода талқин қилиш мумкин. Биз уни фалсафа илмининг умумийлик, хусусийлик, алоҳидадлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда хусусий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилдик. Шунга кўра геомафкуранинг шаклланиши ва янги дунёвий тартибни қарор топтиришдаги ўзга хос бўлган баъзи хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Географик ўрни ва ҳудудий жойлашувига кўра бир бирига яқин ёки ўхшаш бўлган давлатларнинг мазкур минтақада иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга бўлган эҳтиёжнинг объектив зарурият сифатида мавжудлиги. Иқтисодий алоқаларсиз иқтисодий мустақиллигидан маҳрум бўлишнинг муқаррарлиги.

2. Муайян минтақада яшаётган элат, миллат ва халқларнинг тарихий ўтмишининг бирлиги, яъни аجدодларининг бир бирлари билан қўшилиб кетганлиги. Уларнинг минг йиллар мобайнида бир бирларига қондош ва жондош бўлиб, табиий ва ижтимоий папуляциянинг маҳсулига айланиб улгурганлиги.

3. Бирон бир минтақада асрлар мобайнида яшаб келаётган элат, миллат ва халқларнинг тил ва тафаккур, маданият ва санъат, ахлоқий ва эстетик қадриятлар, урф-одатлар, маросимлар ва шунга ўхшаш маънавий қадриятлар ҳамда менталитетларининг тарихий илдиз, фалсафий асос, дунёвий манбаларининг бирлиги. Уларни қандайдир бузғунчи ғоялар манфаатини кўзлаб тубдан ажратишга уриниш ёки бир бирига қарама-қарши қўйишнинг кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқариши хусусан элатлар ва миллатлар ўртасида низоларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкинлигини англаган ҳолда бузғунчи-вайронкор ғояларга қарши биргаликда курашнинг зарурат эканлиги.

4. Минтақада яшовчи ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий дахлсизлигини таъминлаш, уларни ички ва ташқар тажовузлардан сақлашни кафолатлаш, айниқса аёллар ва болалар

меҳнатидан шафқатсизларча фойдаланиш, миллий ва ирқий, ижтимоий жиҳатдан камситишга йўл қўймаслик каби адолат нормаларини бажариш борасидаги ғоявий-мафкуравий консенсусга эришишни тинчлик ва тенгликни таъминлаш гарови деб билиш ва уни амалга ошириш.

Геомафкурада иккита – дифференциаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг ҳаракат доираси мавжудлигини кўриш мумкин. Бунда *геомафкуравий дифференциаллашув* – бу минтақада жойлашган битта давлатда яшовчи халқлар миллий мафкурасининг асосий ғоя ва тамойилларига мос равишда шу минтақада жойлашган бошқа бир алоҳида давлат халқларининг миллий ғоя ва мафкураларига нисбатан олиб борган дифференциал ғоявий-мафкуравий муносаби бўлса, *интеграллашув*и эса шу минтақада жойлашган давлатлар халқларининг ғоявий-мафкуравий муштараклик асосида қайтадан маънавий жиҳатдан интеграциялашиб ягона минтақавий ғоявий-мафкуравий қарашларнинг қарор топишидир. Шунга кўраа, геомафкура – бу асосон бирон бир минтақада жойлашган турли хил мустақил давлатларда яшовчи халқларнинг ғоявий қарашлари асосида ўзаро интеграциялашган мафкуралар тизими ҳисобланади. Бу ҳали ўзининг ечимини кутаётган фалсафий масала-муаммолар жумласига киради.

2. Геомафкуравий сиёсат ва унинг тур ва шакллари. Геомафкуравий сиёсат – бу бир минтақада яшовчи давлатлар халқларининг ўзаро консенсусга келганлиги натижасида шаклланган муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий – мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият мажмуидир.

Геомафкуравий сиёсатни бир минтақада бажариши лозим бўлган мафкуравий вазифаларни амалга ошириш учун бўлган ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазифалар бир минтақада жойлашган мамлакат ёки халқнинг дунё

хамжамиятида тутган ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий, дипломатик алоқалардаги мавқеи, тараққиёт даражаси каби бир қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Масалан, мустақил Ўзбекистон шароитида миллий истиқлол мафкурасини яратиш орқали миллий хавфсизликни, шу жумладан унга эришиш учун минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Одатда, *ички ҳамда ташқи геомафкуравий сиёсат* бир-биридан фарқланади.

Ички геомафкуравий сиёсат мамлакат ичкарисидаги минтақаларда, худудларида яшовчи халқнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, тараққиётнинг янги бир босқичга кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазифасини ўтайди. *Ташқи геомафкуравий сиёсат*, минтақадаги ўзаро ҳамкорлик асосида ҳаракат қилишга келишган давлат халқларининг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, мустақил тараққиётнинг халқаро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини таъминлаш ҳамда бегона мафкураларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган билан ажралиб туради.

Геомафкуравий сиёсатнинг самарадорлиги унинг қандай воситалар, усуллар ва шаклларда юритилишига боғлиқ. Бу ўринда ижтимоий тараққиётдаги турли гуруҳлар, синфлар ва қатламлар манфаатларининг ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари омма учун қанчалик яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижтимоий воқеликнинг келгуси истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилса, геомафкуравий сиёсат шунчалик самарали бўлади.

3. Геомафкуравий сиёсатни амалга оширишнинг усул ва воситалари.

Геомафкуравий сиёсатни амалга оширишнинг умумий усулларига қуйидагилар киради:

1. Минтақада жойлашган ҳар бир давлатнинг мустақиллигини, давлат суверенитетини тан олиш ва унинг ички ишларига аралашмаслик.

2. Яқин ва узоқ қўшни давлатларнинг қандай жамият қуриш йўлини танлаганлигидан қатъий назар улар билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш.

3. Давлатлар ўртасида тузилган битим ва шартномаларни ўз вақтида бажариш, ўзаро манфаатли янги шартномаларни тузиш.

4. Давлатларнинг мустақиллигига хавф соладиган таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, «*қўшнинг тинч – сен тинч*» деган ибратли ўғитга амал қилиш.

Геомафкуравий сиёсатни амалга оширишнинг воситаларига қуйидагилар киради:

1. Минтақадаги давлатларда яшовчи халқларнинг қўшни давлатда яшовчи халқларнинг ижтимоий турмуш шароитига нисбатан бўлган муносабатини аниқлаш (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой таъминоти ва бошқаларни қиёслаш) орқали уларнинг бир бирлигига бўлган ғоявий-мафкуравий онгининг шаклланганлик даражасини билиш. Шу асосда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2. Қўшни давлатларда яшовчи аҳолининг минтақадаги мамлакатлар мустақиллигига қилинаётган ички ва ташқи ғоявий-мафкуравий таҳдидларга нисбатан қарши курашиш истагини билиш, уларни умумий душманга қарши ягона мафкуравий кураш фронтига бирлаштириш.

3. Минтақадаги давлатлар ўртасида геоиқтисодий муносабатларни ривожлантириш, уларни геосиёсий воситалар ёрдамида ҳаракатга келтириш, геомафкуравий усуллар орқали уларнинг стратегик йўналишларини белгилаш ва амалда бажаришнинг дастурли ҳаракатлар тизимини яратиш ва бошқалар.

IV. Марказий Осиёда кечаётган геомафкуравий жараёнлар ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.

1. Марказий Осиёда жойлашган мустақил давлатлар ва уларнинг жаҳондаги нуфузи. Марказий Осиё (1993 йил январь ойидан бошлаб, унгача Ўрта Осиё ва Қозоғистон деб юритилган) 5 та мустақил давлат – Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистонни ўз ичига олувчи 4 миллион кв.км.майдонни ишғол қилган, 70 миллион кишидан ортиқ аҳолини ўз ичига қамраб олган минтақадир.

Марказий Осиё давлатлари ўзининг жойлашувига кўра катта геоиктисодий ва геосиёсий мавқега эга бўлиб, Осиё ва Европа давлатларини бир бирларига боғлайдиган кўприк ҳисобланади. Қадимда бу ердан Буюк Ипак йўли ўтган бўлса, ҳозирги кунда бу йўлни қайта тиклаш учун ХХР томонидан “Бир макон, бир йўл” ғояси асосида ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Марказий Осиёда жойлашган давлатларнинг нуфузи ҳақидаги маълумотлар қуйидагилардан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН. Расмий номи – Ўзбекистон Республикаси. Пойтахти Тошкент. Ҳудуди – 447400 км². Аҳолиси – 32000000 киши (2017 й.). Давлат тили – ўзбек. Дини – ислом. Пул бирлиги – ўзбек сўми.

Марказий Осиёдаги давлат. Шимол ва ғарбда Қозоғистон (чегаранинг узунлиги – 2203 км), жанубда Туркманистон (1621 км) ва Афғонистон (137 км), жануби-шарқда Тожикистон (1161 км), шарқда Қирғизистон (1099 км) давлатлари билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги – 6221 км. Ўзбекистон рельефига кўра текислик ва адир-тоғ қисмларга бўлинади. Табиий газ, нефть, кўнғир кўмир, тошкўмир, олтин, кумуш, мис, қалайи, молибден, марганец, хром, вольфрам, висмут, уран, флюорит, гранит, мрамор, оҳақтош, каолин, топаз, феруза, амитист, тоғ хрустали, халцедон, яшма, нефрит, амазонит, родонит, мрамор оникси Ўзбекистон қазилма бойликларини ташкил этади.

Иқлими – иссиқ, қуруқ континентал. Жануби субтропик минтақага киради. Ўзбекистон ҳудудида 120 оилага мансуб 3700 га яқин турдаги ёввойи ўсимликлар учрайди.

Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси киради. Ўзбекистон ўз мустақиллигини 1991 йил 31 августда эълон қилган. Миллий байрами – 1 сентябрь (Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият Президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Маҳкамасини бошқарадиган Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юқори палата) ва Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан иборат икки палатали парламент – Олий Мажлисга тегишли. Сиёсий партиялари: Халқ демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси.

Иқтисоди бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни кенгайтиришга, молиявий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган.

ТОЖИКИСТОН. Расмий номи – Тожикистон Республикаси. Пойтахти – Душанбе. Ҳудуди – 143100 км². Аҳолиси –800000 киши (2017 й.). Давлат тили – тожик. Дини – ислом. Пул бирлиги – сомоний. Марказий Осиёда жойлашган давлат. Жанубда Афғонистон (чегаранинг узунлиги — 1206 км), шимол ва ғарбда Ўзбекистон (1161 км), шимолда Қирғизистон (870 км), шарқда Хитой (414 км) билан чегарадош. Чегараларнинг умумий узунлиги — 3651 км. Тожикистон ҳудудининг 90% дан ошиғини тоғлар ташкил қилиб, мамлакат ҳудудининг ярмидан ошиғи денгиз сатҳидан 3000 м баландликда жойлашган.

Асосий табиий бойликлари: нефть, газ, кўмир, уран. Гидроресурсларга бой. Иқлими – континентал. Ўсимлик дунёси бой. Давлат тузилиши – республика. Мамлакат таркибига Суғд ва Хатлон вилоятлари ҳамда Тоғли Бадахшон вилояти киради. 1991 йил 9 сентябрда Тожикистон мустақиллиги эълон қилиниб, ушбу кун миллий байрам — Мустақиллик куни деб қабул қилинган. Ижро этувчи

хокимият президент (Олий Кенгашнинг раиси) ва Бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — Олий Кенгаш. Энг йирик сиёсий партиялари: Эркин меҳнат партияси, Тожикистон халқ партияси, Коммунистик партия. Тожикистон — аграр-индустриал давлат. Фуқаролар уруши натижасида Тожикистон иқтисоди чуқур инқирозни бошидан кечирган. Кимё, енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик озиқ-овқат саноатлари яхши ривожланган.

ТУРКМАНИСТОН. Расмий номи – Туркменистон Республикаси. Пой- тахти – Ашхобод. Ҳудуди – 488100 км². Аҳолиси – 5500000 киши (20017 й.). Давлат тили – туркман. Дини – ислом. Пул бирлиги – манат.

Марказий Осиёдаги давлат. Шимолда ва шарқда Ўзбекистон (чегаранинг узунлиги — 1621 км), шимолда Қозоғистон (379 км). шарқда ва жанубда Афғонистон (744 км), жанубда Эрон (922 км) билан чегарадош. Ғарбда мамлакат Каспий денгизининг сувлари билан туташган. Чегаранинг умумий узунлиги — 3736 км. Соҳилнинг узунлиги — 1768 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисми пастгепалик бўлиб, унда Қорақум саҳроси жойлашган. Саҳронинг майдони — 375 минг км.

Туркменистон нефть, газ, калий ва ош тузлари, рангли ва ноёб металлларга бой. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 2% ини, яйловлар 69% ини ташкил этади. Иқлими — кескин континентал. Ўсимлик дунёсини чўл ва адир ўсимликлари ташкил этади.

Давлат тузилиши — президент республикаси. 1991 йилнинг 27 октябрида Туркменистон мустақил бўлган. Мустақиллик куни (27 октябрь) Миллий байрам ҳисобланади. Давлат бошлиғи — Президент. Президент Бош вазир (Вазирлар Кенгаши раиси)ни тайинлайди. Қонун чиқарувчи олий орган — Мажлис (бир палатали парламент). Рўйхатдан ўтган ягона сиёсий партия — Туркменистон демократик партияси.

Саноатнинг асосини нефть ва газ қазиб чиқариш ҳамда нефтни қайта ишлаш ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида пахта, мевалар, сабаотлар етиштирилади. Экспорт қилинадиган асосий маҳсулотлар — пахта толаси, дизел ёқилғиси, мазут, кўлда тўқилган гиламлар. Асосий савдо шериклари — Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия.

ҚИРҒИЗИСТОН. Расмий номи – Қирғиз Республикаси. Пойтахти – Бишкек. Худуди –198500 км². Аҳолиси –5,4000000 киши (2017 й.). Унинг 66,9% қирғизлар, 14,14% ўзбеклар, 10,65% руслар ва 8,31% бошқа турли миллат вакиллари ташкил қилади. Умуман мамлакатда 80 дан миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар. Давлат тили – қирғиз. Дини – ислом, шунингдек, христианлар ҳам бор. Пул бирлиги – сом.

Марказий Осиёнинг шимоли-шарқидаги давлат. Ғарбда Ўзбекистон (чегара узунли – 1099 км), шимолда Қозоғистон (1051 км), жанубда Тожикистон (870 км) ва Хитой (858 км) билан чегарадош. Ер ости бойликлари — олтин, сурма, ртуть, кўмир, нефть, газга бой. Ҳайдаладиган ерлар худуднинг 7% ини, ўтлоқ ва майсазорлар 42% ини эгаллайди. Иқтими — континентал.

Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 6 та вилоятга бўлинади. Миллий байрами 31 август — Мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият — президент (давлат бошлиғи) ва ҳукумат бошлиғи премьер-министрга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент амалга оширади. Сиёсий партиялари: Қирғизистон Демократик ҳаракати, Қирғизистон Республика партияси, Эркин Қирғизистон, Қирғизистон коммунистлар партияси.

Бирмунча ривожланган саноат тармоқлари — рангли металлургия, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари – чорвачилик, пахтачилик ва бошқалар. Асосий савдо ҳамкорлари – Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа МДХ мамлакатлари.

ҚОЗОҒИСТОН. Расмий номи – Қозоғистон Республикаси. Пойтахти – Астана. Худуди – 2717300 км². Аҳолиси –17,800000 киши (2017 й). Давлат тили

– козoқ. Дини – ислом (47%), православ (44%), протестантлик (2%). Пул бирлиги – тенге.

Марказий Осиёдаги давлат. Шимолда Россия (чегара узунлиги — 6846 км), жанубда Ўзбекистон (2203 км), Қирғизистон (1051 км) ва Туркманистон (379 км), шарқда Хитой билан чегарадош. Умумий чегара узунлиги — 12012 км. Ер ости бойликлари кўплаб фойдали казилмаларга бой: уран, рух, олтин, мис, молибден, нефть, фосфорит, боксит, темир, марганец, кўрғошин.

Давлат тузилиши – президент республикаси. Маъмурий жиҳатдан 20 та область (вилоят)га бўлинади. 16 декабрь Миллий байрам – Республика куни. Давлат бошлиғи – президент. Қонун чиқарувчи олий орган бир палатали парламент – Юқори Кенгаш. Асосий сиёсий партиялари: Қозоғистон халқ бирлиги иттифоқи (ҚХБИ), Қозоғистон социалистик партияси (ҚСП), Қозоғистон халқ конгресси (ҚХК), Республикачилар партияси.

Бирмунча ривожланган саноат тармоқлари: рангли ва қора металлургия, тоғ-кон саноати, машинасозлик, нефтни қайта ишлаш саноати. Қозоғистон кўп миқдорда жун, пахта, картошка, ғалла етиштиради. Асосий савдо ҳам- корлари: Россия, Украина, Ўзбекистон, Хитой.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, Марказий Осиё давлатлари ягона геомафкуравий байроқ остида бирлашсалар жаҳонда энг кучли бунёдкор минтақавий ғоявий-мафкуравий маконлардан бирига айланади. Бунинг учун эса ҳамма асослар бор, эндиликда уларнинг барчасини этноиктисодётни шакллантириш, барқарор ривожлантиришга асосланган неоиқтисодиёт устига қуриладиган янги дунёвий тартибни вужудга келтиришдан иборатдир.

2. Марказий Осиёда кечаётган геомафкуравий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар. Бугунги кундаги глобаллашув шароитида Марказий Осиёда ҳам мураккаб геомафкуравий жараёнлар бормоқда. Бунда, аввало, Марказий Осиё халклари мустаҳкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида

таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб халқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маънода ҳам улар бирлигини мустаҳкамлаш умумминтақавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб тураверади.

Марказий Осиё минтақасидаги геомафқуравий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

1. Марказий Осиё давлатлари ўртасида интеграция жараёнларининг кучайиб бориши.
2. Марказий Осиё минтақасидаги мустақил давлатлар ўртасида стратегик ҳамкорликнинг кучайтирилиши.
3. “Туркистон – умумий уйимиз” ғоясининг амалга ошиши учун ҳаракатларнинг фаоллаштирилиши.
4. Марказий Осиёда террорчиликка қарши кураш марказининг ташкил этилиши ва самарали фаолият олиб бориши.
5. Диний ақидапарастликка қарши курашда умумий фаолият олиб бориш тактика ва стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши.

3. Марказий Осиёда кечаётган геомафқуравий жараёнларга салбий таъсир кўрсатувчи мафқуравий таҳдидлар. Марказий Осиёда юз бераётган ижобий геомафқуравий жараёнларга қарши қаратилган ҳар қандай мафқуравий таъсир ёки ҳаракатлар умумминтақавий барқарорликка халақит беради.

Марказий Осиёда кечаётган геомафқуравий жараёнларга салбий таъсир кўрсатувчи мафқуравий таҳдидларга қуйидагилар киради:

1. Ислом халифалиги байроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга интилишлар. Аслида бу нимкоса тагида яширинган ҳақиқат – Марказий Осиё давлатларини мустақиллигидан маҳрум этиб, араб бойларининг қулига айлантиришдан иборатдир.
2. Ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси. Аслида бу нимкоса тагида яширинган ҳақиқат – Марказий Осиё давлатларини

мустақиллигидан маҳрум этиб, собиқ рус коммунистик партия раҳбарларининг кўлидаги кўғирчоққа айлантиришдан иборатдир.

3.Тарихимизни,миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар. Аслида бу нимкоса тагида яширинган ҳақиқат – жаҳондаги бир ҳовуч қора ниятли молия магнатлари томонидан Марказий Осиё давлатларда яшовчи халқларни тарихидан,тилидан,диний қадриятларидан,маданиятидан жудо этиш туфайли ўзлигидан жудо қилиб, мустақиллигидан маҳрум қилиш орқали ўзларига тобе қилишдан иборатдир.

4. Ахлоқсизлик ғояларини ёйиб,халқларни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар. Ҳар қандай ахлоқсизлик маънавий-маданий мустақилликнинг илдизига болта урувчи восита ҳисобланади. Ахлоқсизлик – миллатимизнинг ғоявий-мафкуравий этикодни издан чиқариб,уни маънавий таназзул сари етаклаб борувчи бузғунчи ғоялардан бири ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасидаги геомафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. 38 (1979 – 2017 йй.) йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий мажоралар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон худуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғига айланди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳондаги нуфузли давлат раҳбарлари минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларининг ечимини топишга ҳаракат қилмоқдалар.

Минтақада хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти Афғонистонда давом этаётган фуқаровий урушни тўхтатиш, у ерда тинчликни таъминлашдир.

Чунки бу заминда давом этаётган уруш натижасида наркотик моддаларни ноқонуний йўл билан минтақа мамлакатларига олиб ўтиш, қуролларни ғайриқонуний йўл билан тарқатиш, террорчилик ҳаракатларини авж олдириш содир бўлмоқда. Бу борада ҳам Ўзбекистон илгари сураётган Афғонистондаги ҳарбий моjarоларни сиёсий йўл билан ҳал этишни йўлга қўйиш, террорчиликка қарши халқаро кураш марказини ташкил қилиш борасидаги ташаббуслар, минтақа мамлакатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, «фундаментализм», «экстремизм», терроризм», каби тушунчалар жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар ҳамда улар асосидаги ҳаракатларни ифодалайди. Қандайдир бир йўналишни ёки ақидани мутлақлаштириб ёки бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсад қўювчи ҳаракат экстремизмга олиб келади. Экстремизм қандай номланган ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборат. Худди шундай «фундаментализм», «терроризм» каби сўзлар ҳам том маънода ҳокимият ёки бирор бир ғаразли мақсадлар учун курашувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишлидир.

Аслида «фундаментализм» ва «экстремизм» ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад – диннинг қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳокимиятни қўлга киритишдир. Бу уринишларда тузатиб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарих саҳифасида қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилмоқда. Бугун диний экстремизм ва фундаментализм томонидан Марказий Осиёда олиб борилаётган кўпоровчилик ва террористик ҳаракатлар ҳам ана шундай мақсад, йўл ва услубларга таянмоқда.

Ўзларини ислом динининг «химоячилари» деб кўрсатишга уринаётган террористларнинг асл нияти чинакам исломий кадриятларни тиклаш эмас, балки ҳокимиятни кўлга киритиш, Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари танлаган йўлдан қайтариш ва бутун минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнаттиришдир. Аслида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳақиқий исломий кадриятларимиз тикланди ва бу йўналишда изчиллик билан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хуллас, ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш ниҳоятда мураккаб тус олган. Бу геоиқтисодий, геополитика ва глобаллашув жараёнлари билан қўшилиб, уйғунлашиб кетмоқда. Марказий Осиёда ҳам, унга нисбатан таъсирларда ҳам ана шундай серқирра жараён, хилма-хил хусусият, турлича ҳатти-ҳаракатлар мавжуд. Буларнинг барчасини англаш, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг мағзини чақиш, мустаҳкам бунёдкор геомафкуравий эътиқодни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиёда ўтмиши, тили, кадриятлари, диний эътиқодлари бир бўлган 70 миллион аҳолининг бахтли яшаши 5 та давлат раҳбарларининг ана шу маконда кечаётган геоиқтисодий, геосиёсий, геомафкуравий жараёнларни қанчалик уйғунлаштириш орқали олиб борадиган сиёсатларига боғлиқдир. Бу масаланинг амалий ечими ҳақида Ўзбекистон давлатининг раҳбари **Ш.М.Мирзиёев:** *“Бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат.* Бунинг учун биз турли низоларни қўзғайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур.

Муносиб келажакни таъминлаш учун бугун биз қандай аниқ вазифаларни бажаришимиз муҳим ва зарур?

Биринчидан, бу савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратишдир.

Иккинчидан, минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш лозим.

Учинчидан, бу – Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир. Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналиши – экстремистик ғояларга қарши қатъий курашишдан иборатдир.

Тўртинчидан, бу – давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тезда ва узил-кесил якунига етказишдир.

Бешинчидан, минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиш лозим.

Олтинчидан, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш лозим. Бу Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, биз фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувларни “халқ дипломатияси”нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш тарафдоримиз. Оддий ва очик инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир.

Марказий Осиё – бу ҳақиқатдан ҳам ноёб имкониятлар ва ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият ва имкониятларга эга бўлган минтақадир.

*Минтақада мустаҳкам тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш – бизнинг тўлиқ эриша оладиган муштарак вазифамиздир*¹, – деган эди.

3-§. Глобаллашув шароитида мафкуравий жараёнларининг намоён бўлиш хусусиятлари

I. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг асосий йўналишлари

1. Дунёнинг мафкуравий манзараси тушунчаси. “Дунё” арабчадан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб “жаҳон, олам” деган маъноларни англатади. Умуман олганда дунё сўзи энг кўп маъноларни англатувчи сўзлар жумласига киради. Шунга кўра бу сўз: 1) бутун борлиқ; коинот, олам; 2) ижтимоий ҳаёт ёки турмушда юз берган (мавжуд бўлган) ҳолатга нисбатан, унга қарама-қарши бўлган бошқа бир ҳолат; 3) ер юзи ва ундаги барча одамлар, инсоният; 4) кишининг маънавий, рухий олами, ҳаёти; 5) маълум бир ижтимоий тузумга, ўзига хос маданий ва ижтимоий-тарихий хусусиятларга эга бўлган омиллар билан бирлашган кишилиқ жамияти ва у мавжуд бўлган давр, деган маъноларни ифодалайди².

“Манзара” сўзи ҳам арабчадан ўзбек тилига кириб келган бўлиб, *“кўриниш, панорама; кузатиш маскани”* деган маънони билдирсада, дунёдаги нарса, воқеа,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи.

² *Қаранг:* Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.1. А–Д. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.662–664.

жараёнларнинг “*кўзга ташланиб турадиган ёки тасаввур этиладиган кўриниш, тасвир*” ини¹ ифодалаш учун ишлатилади.

Ушбу тушунчаларнинг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда “дунёнинг мафкуравий манзараси” деган тушунчага қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Дунёнинг мафкуравий манзараси деб жамият тараққиёти қонунлари, унинг ривожланиш тенденцияларини муайян ижтимоий гуруҳ, этник бирликлар, сиёсий кучларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилиш ва унга асосланган ҳолда инсоният истикболини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмуининг макон ва замонда яққол кўзга кўриниб турадиган жойлашув тартибига айтилади.

Дунёнинг мафкуравий манзарасини аниқроқ тасаввур этиш учун унинг моҳиятини билиш зарур. Маълумки, бирон бир ижтимоий қатлам, жамият ва давлатнинг манфаатларини ифодалаётган мафкуралар ҳар хил мафкуравий воситаларни ишга солиш орқали ўзларининг таъсир доираларини кенгайтиришга, шу орқали қандайдир моддий ва маънавий наф кўришга ҳаракат қилади. Кишилиқ жамияти ижтимоий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ҳар бир давр таъқозо қилаётган талаблар асосида муайян мақсадни кўзлаб ҳаракат қилаётган ижтимоий гуруҳ, қатлам, жамият, давлат мақомини олган мафкуралар мунтазам равишда ўзларининг мафкуравий кураш олиб бориш воситаларини миқдорий ва сифатий жиҳатдан такомиллаштириб борадилар. Уларни ишга солиш эса мафкура майдонларида содир бўлаётган ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг йўналишларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2. Дунёнинг мафкуравий манзарасида содир бўлаётган ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг йўналишлари. Бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзараси доирасида содир бўлаётган ғоявий – мафкуравий

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2. Е-М. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.537.

жараёнларни иккита бир-бирига карама-қарши бўлган йўналишга ажратиш мумкин.

2.1. Прогрессив йўналишдаги мафкуравий жараёнлар. Буларга: тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт; миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик; инсон эркинлиги ва шахс камолоти; умуминсоний кадриятлар устуворлиги кабиларни яратишга қаратилган мафкуравий жараёнларни киритиш мумкин.

2.2. Реакцион йўналишдаги мафкуравий жараёнлар. Буларга: уруш, курулганиш, терроризм ва экстремизм; ирқчилик, миллатчилик, диний ақидапарастлик; тоталитаризм, мустабидлик; эгоизм, маҳаллийчилик каби разилона хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган мафкуравий жараёнларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда ана шу прогрессив ва реакцион ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг ўзаро кураши нисбатидан келиб чиққан ҳолда И.А.Каримов: *“Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”¹*, – деган эди.

Бугунги кунда прогрессив йўналишда фаолият олиб бораётган мафкуралар инсониятни ҳар хил самовий ва замин офатларидан, уруш ва бошқа мажоралардан халос этиб, тинч-тотув, ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш, ҳудудлар бўлинмаслиги, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, моддий ва маънавий бойликлардан ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида фойдаланишга ҳаракат қилаётган бунёдкор ғоялар сифатида иш юритмоқда. Бунга, ўзбек халқининг миллий мафкураси яққол мисол бўлади.

Реакцион йўналишда фаолият олиб бораётган мафкуралар уруш, курулганишни тарғибот-ташвиқот қилиш, шунингдек, одамларни эса ҳар хил ғоявий ўйинларни ўйлаб топиш асосида мафкуравий йўл билан ичидан бўлиб ташлаш эвазига уларнинг табиий бойликларини эгаллаб олиш, ўзларини эса ғоявий қарамликка гирифтор қилиш сари тинмай ҳаракат қилаётган вайронкор

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.113.

ғоялар сифатида иш юритаётганлиги кўзга ташланиб турибди. Бунга буюк давлатчилик шовинизми, ислом динининг қонун-қоидалари асосида араб халифалиги давлатини ташкил этиш, панамерканизм, панславянизм, пантуркизм каби ғоялар байроғи остида фаолият олиб бораётган мафкуравий марказларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасидан жой олган ана шу икки йўналишдаги мафкуравий жараёнларнинг мазмунидан шу нарса аён бўлмоқдаки, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар авж олмоқда.

II. Мафкуравий кураш ва унинг асосий йўналишлари

1. Мафкуравий кураш тушунчаси ва унинг моҳият-мазмуни. Жамият тараққиётининг ҳозирги даврида рўй бераётган мафкуравий жараёнлар инсон онги, қалби хилма-хил усулларда олиб бориладиган ғоявий тарғибот ва ташвиқотнинг асосий объекти ҳамда мақсадига айланганини кўрсатмоқда. *“Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар Ер куррасини бир неча бор яқсон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим”¹*. Масаланинг моҳиятини тушуниш учун ғоя ва онг муносабатига дахлдор бўлган қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур.

Муайян ғоя инсон томонидан қабул қилинмаслиги ёки у шахс онгида фақат муайян ахборот сифатида сақланиб қолиши мумкин. *Биринчи ҳолатда ғоя инсон онгида ҳеч қандай из қолдирмаса, иккинчисида ғоя шахс учун ижтимоий*

¹ *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // *Унинг ўзи.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.491.

аҳамиятга эга бўлмайди. Инсон онги ва қалби учун кураш, деган фикрда ғоя ва онг муносабати шарқона фалсафий тафаккур асосида ифодалаб берилган.

Ғоя фақатгина инсон онги орқали унинг қалбини эгаллаган, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, фаолият учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ушбу тамойил мафкуравий курашнинг ўзагини ташкил этмоқда.

Мафкуравий кураш – бу турли ғоявий қарашлар, ёндашувлар, хилма-хил маслак ва мақсадларга эга ижтимоий субъектлар ўртасида юзага келадиган, қарама-қаршиликка асосланган муносабатлар демакдир. У янги, шаклланаётган ғоялар билан ўз “вазифасини” бажариб бўлган мафкура ёки унинг қолдиқлари ўртасидаги муносабат шаклида ҳам содир бўлиши мумкин. Шу билан бирга, мафкуравий кураш муайян ғояларни сингдириш ёки ҳимоя қилиш жараёнини ҳам англатади. *Мафкуравий курашни* муҳолиф мафкуравий қарашларнинг ҳар қандай кўринишини йўқ қилишга, ғоявий плюрализмни бартараф қилишга қаратилган ҳаракатлар – *мафкуравий конфронтациядан* (фран. – қарама-қарши кўйиш) фарқлаш керак.

Мафкуравий конфронтация аксарият ҳолларда ғоявий соҳада мутлақ устувор бўлиб келган қарашлар тизими барбод бўлган, кишилар кўп йиллар давомида шаклланиб келган ҳаётий мўлжалларини йўқотиб қўйган, содда қилиб айтганда, мафкуравий беқарорлик вазиятининг ҳосиласи ҳисобланади. Бундай беқарорлик ҳолати кескин ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, бир тузумдан бошқасига ўтиш даври, муайян ҳолларда ташқи таъсир, масалан, халқаро майдонда яққаланиб қолиш ёки ҳарбий ҳаракатлар, ўзаро урушларда енгилиш оқибатида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият натижаси ҳам бўлиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, мафкуравий беқарорлик жамиятдаги мавжуд мафкуравий мувозанат бузилган, аммо янгиси қарор топмаган вазиятдаги ғоявий ўзгарувчан ҳолат ҳисобланади.

Жамият тараққиёти бундай ҳолларда ғоявий антагонизмга асосланадиган мафкуравий конфронтация юзага келиши учун реал шарт-шароит пайдо бўлишини кўрсатади. Бундай антагонизм муайян жамият (давлат) доирасидаги ҳамда мамлакатлараро даражадаги зиддиятларнинг кескин характер касб этишининг инъикоси ҳисобланади. Мафкуравий конфронтация вайронкор характерга эга бўлади, унда душман деб ҳисобланган мафкура(лар)ни йўқотишга алоҳида эътибор берилади.

Бундай пайтда ўз даврига нисбатан яшовчан, кишилар руҳияти, орзу-умидлари билан боғлиқ майлларни тўғри ва аниқ ифодалаган мафкура ғолиб бўлади. Бундай мафкура моҳиятан ҳамма вақт ҳам прогрессив характерга эга бўлмаслиги мумкин. Фашистлар Германиясида национал социализм, шўролар даврида большевизмнинг муҳолиф ғоявий қарашлар, уларнинг соҳиблари ва тарафдорларини йўқ қилиш йўлида олиб борган ғайриинсоний ҳаракатлари бунинг исботи бўла олади.

Ўзгача ғоявий қарашлар ва ёндашувларга ашаддий душманлик кўзи билан қараладиган, жамият тараққиётининг яғона ва энг оқил йўлини кўрсатишга даъво қиладиган ҳамда кишиларда ғоявий индифферентлик руҳиятининг қарор топишига хизмат қиладиган мафкура яққаҳоқимлиги шароитида мафкуравий кураш ҳақида гапириш мумкин эмас.

Мафкуравий кураш манбаини ўз мазмун-моҳиятига кўра, бир-биридан фарқланувчи турли ғоявий қарашлар соҳиблари, уларнинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар ташкил этади. Аммо, мафкуравий кураш содир бўлиши учун турли ижтимоий субъектлар мавжудлигининг ўзи етарли эмас. Бундай кураш уларнинг манфаатлари бир-биридан фарқланувчи ғоявий шакл касб этган, мафкуравий плюрализм реал воқеликка айлангандагина, содда қилиб айтганда, мафкуравий зиддият мавжуд бўлгандагина реал характер касб этади. Шундагина мафкуравий жараёнлар жамият ривожланишини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида ўзлигини намоён қилади. Кишилар, ижтимоий гуруҳларнинг бир-

биридан фарқланувчи эҳтиёж ва манфаатларини рўёбга чиқариш имконияти пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида социал структура-даги ўрндан қатъи назар, жамият аъзолари учун ижтимоий тараққиётнинг оптимал йўллари оидинлаштиришга хизмат қилади. Аини пайтда, бу жараён янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, мафкуравий қарашлардаги ижобий ва салбий жиҳатларнинг ошкор бўлишига замин яратади, муайян мафкуравий қоида, тамойилларнинг қайта кўриб чиқилиши, кун тартибидан олиб ташланиши ҳамда мавжуд ижтимоий қатламлар эҳтиёж ва манфаатлари, орзу-умидлари ва интилишларига ҳамоҳанг бўлган қарашларнинг янада ривожланишига йўл очади. Мазкур ҳолатлар бирон-бир жамият ёки давлат янгиланаётганида, бир босқичдан бошқасига ўтаётганида яққол намоён бўлади.

2. Мафкуравий курашнинг асосий йўналишлари. Ҳозирги кунда мафкуравий кураш қуйидагича йўналишларга эга бўлиши мумкин:

- ўз умрини ўтаб бўлган, янги замон талабларига жавоб бера олмай қолган мафкура, ғоялар тизими ёки ғоявий-мафкуравий тамойилларга қарши фаолият;
- муайян миллат, жамият ва давлат учун бегона ҳамда ёт бўлган, четдан туриб, турли мақсадларда, хилма-хил воситалар орқали жорий этишга ҳаракат қилинаётган ғоя ва мафкураларга нисбатан амалга ошириладиган ҳаракат, чоратadbирлар мажмуи;
- асл мақсадлари халқ ва жамиятнинг умумий манфаатлари-га зид бўлиб қолган ички кучлар, консерватив субъектларга хос ғоя ва мафкуравий қарашларга қарши кураш;
- янги жамият ва янги давлат барпо этиш, ҳаётда туб ўзга-риш ва ислохотларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар ҳамда мафкуравий тизим шаклланиши учун олиб бориладиган фаолият ва бошқалар.

Замон ва давр нуқтаи назаридан узоқ муддатни қамраб олиши, истиқболни англаш билан боғлиқлиги ҳамда диалектик характери билан ажралиб турадиган мафкуравий кураш муайян мамлакат ёки жамиятнинг манфаатлари ва

имкониятлари билан белгиланадиган эҳтиёжлар ва интилишлар инъикоси сифатида намоён бўлади.

Қандай ҳолда бўлмасин, ғоявий кураш ҳамisha амалга ошириладиган ҳаракат натижалари, унга эришиш йўлларининг белгилаб олинишини билдирадиган фаолият сифатида муайян мақсадларда амалга оширилади.

Уларни рўёбга чиқаришда хилма-хил усул ва воситалардан фойдаланилади. Жумладан, бунда ташкилий омил–тарғибот ва ташвиқот инфраструктурасининг ривожланганлик даражаси у ёки бу тарзда ғоявий таъсирни рўёбга чиқаришда ўзига хос ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, техника ва технологиялар ҳам бугунги кунда ғоявий мақсадларни амалга оширишда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Интеграция жараёнлари чуқурлашиб бораётган, мамлакатлар ва минтақалар бир-бири билан тобора мустаҳкам боғланиб бораётган бугунги кунда миллий, диний ва демографик омиллар мафкуравий мақсадларни амалга оширишнинг манбаи сифатида намоён бўлмоқда.

Булардан ташқари минтақада гегемонликка даъвогар бўлган мамлакат борлигини асослаш, таъбир жомз бўлса, шундай давлат образини яратиш йўлида ҳам жиддий ҳаракатлар қилинмоқда. Бундай образларнинг яратилиши Ер юзининг турли нуқталарида низоли вазиятларни, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларда тангликларни юзага келтирган. Ҳозирда ҳам бундай “образларнинг” яратилиши мамлакатларнинг иқтисодий, маънавий-интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётини таъминлаш ўрнига ана шу “образ” таъсирининг олдини олишга йўналтирилмоқда. Натижада асосий мақсадга – муайян давлатни заифлаштириш орқали ўз “иттифоқчисига” айлантиришга эришилмоқда. Демак, мафкуравий кураш майдонида мафкуравий гегемонизм механизми ҳам ишга туширилмоқда.

3.Мафкуравий гегемонизм. Гегемонизм (юнон. гегемония – етакчилик, бошқариш) – ижтимоий гуруҳ, синф, давлат ёки этноснинг бошқа гуруҳлар, синфлар, давлат ва этнослар устидан етакчиликка даъво қилиши. Ижтимоий-

сиёсий таълимотлар тарихида гегемонияга турлича ёндашувлар бўлган. Қадимги юнонлар ва римликлар ўзларини маданиятли одам ҳисоблашган ва бошқа барча халқларни, шу жумладан, Европа халқларини ҳам варварлар, яъни ёввойилар деб ҳисоблашган. Бундай ёндашув, табиийки, юнонлар ва римликларнинг дунёда гегемонликка даъво қилишига олиб келган.

Маркс ва Лениннинг сиёсий назариясида асосий ўрин пролетариат гегемонлигига ажратилган эди. Уларнинг фикрига кўра, барча қуйи синфлар, қатлам ва гуруҳларнинг социалистик инқилоб йўлидаги иттифоқига пролетариат етакчилик қилиши лозим. Мамлакатларнинг XX аср давомида ва XXI аср бошларидаги ривожланиши пролетариат гегемонияси тўғрисидаги таълимот ўринсиз эканини кўрсатди. Ҳар бир муайян мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига, унинг ижтимоий тузилмаси хусусиятларига боғлиқ равишда турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар бошқа гуруҳ ва қатламларга маълум давр давомида етакчилик қилиши мумкин.

XX аср ўрталарида жаҳон сиёсий харитасида икки қутблилик вужудга келгач, АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқи гегемонликка даъво қила бошлади. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгач, сиёсий майдонда кўп қутблилик вужудга келди. Бироқ АҚШ дунёга гегемонлик қилиш даъвосидан қайтмади.

Умумжаҳон миқёсида гегемонликка даъво қиладиган давлатлардан ташқари минтақавий гегемонликка даъво қилувчи давлатлар ҳам бор. Улар ўз минтақаларидаги давлатларга сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан таъсир ўтказмоқчи бўлади.

Бирон-бир ғоя ёки мафкура муайян халқ, худуд ва жамият ҳаётида якка ҳукмрон бўлиб турса, гегемония тушунчасини ғоя ва мафкура атамаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шунга кўра *мафкуравий гегемонизм деб муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат ҳаётида якка ҳукмрон бўлган ғоя ва мафкуранинг бошқалар устидан ҳукмронлик қилишини ифодаловчи назария ва амалиёт хатти-ҳаракатлар тизимида айтилади.*

Муайян ғоя ёки мафкурага ишониш ё ишонмаслик ҳар бир инсоннинг шахсий иши. Гегемонликка интилувчи ғоя ва мафкура жамиятдаги вазиятдан фойдаланиб, куч ишлатиш, зўравонлик ёки бошқа бир ноқонуний хатти-ҳаракат билан гегемон бўлиб олишга уриниши мумкин. Бундай уринишларни ўз вақтида пайқаб олиш ҳамма вақт ҳам осон бўлмаган. XX асрнинг 30-йилларида Германияда фашизм ҳукмрон мавқени эгаллаб, нафақат немис халқи, балки дунёдаги миллионлаб кишиларнинг бошига чексиз кулфатлар келтиргани бунга мисол бўла олади. Коммунизм ғояси ҳам дунёдаги кўплаб халқлар онгини захарлаб, ижтимоий тараққиётнинг секинлашувига сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам мафкуравий гегемонликка интилаётган мафкуралар кўпдир. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми, неофашизм, панамерканизм ва бошқалар. Уларнинг барчаси очиқ ёки ёпиқ тарзда мафкуравий тажовуз билан шуғулланмоқдалар.

4. Мафкуравий тажовуз. Мафкуравий тажовуз – *муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи ҳисобланади.*

Мафкуравий тажовуз ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда мафкуравий тажовуз деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик

ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади. Бундай тажовуз фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятига халақит қилиш, зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундаш ёки уларни конституцияда кўзда тутилмаган бошқа тузилмалар билан алмаштиришга чақиришда намоён бўлмоқда.

III. Мафкуравий майдон – мафкуравий кураш макони

1. Мафкуравий майдон тушунчаси. Мафкуравий курашлар каерда, қачон ва нима сабабдан пайдо бўлади деган саволга ҳеч иккиланмасдан идеосферанинг ажрамас атрибутларидан бири бўлган мафкуравий майдонда содир бўлади деб жавоб бериш мумкин. Демак, шундай экан мафкуравий майдон нима? Бу саволга мафкурачи олимлар, *биринчидан*, «мафкуравий майдон» атамаси янги тушунча бўлиб, «мафкура» ва «майдон» сўзларининг кўшилишидан ташкил топган ҳамда мафкуравий жараёнлар билан боғлиқ тушунча; *иккинчидан*, глобаллашув жараёни интеграциялашув, сиёсатлашув, дифференциялашув жараёни; *учинчидан*, бир-бирига қарама-қарши бўлган 2 кутбли (социалистик ва капиталистик) лагерь ғоя ва мафкураларнинг барҳам топиб, кўп кутбли, хилма-хил қарашларга айланган, шаклланган майдони; *тўртинчидан*, бир-бирига мутлақо зид дунёқараш, эски ва янги мафкураларнинг ўзаро зиддиятли кураш майдони; *бешинчидан*, турли кўлам ва манзарага эга бўлган мафкуравий майдонларда турфа қараш ва мафкуралар тўқнашуви майдони ¹, – деган жавобларни беришган. Ушбу таъриф ва тавсифларнинг қийматини камситмаган ҳолда мафкуравий майдонни мафкуравий курашлар содир бўладиган макон деб қараш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда мафкуравий майдон ўзининг жойлашиш ўрнига, вақтига ва кўламига эга бўлишини назардан қочирмаслик керак бўлади. Мафкуравий майдонни эгаллаган ўрни, яъни жойига кўра планетар, минтиқавий ва давлат;

¹ Қаранг: Мухторов А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари. – Т.: «Маънавият», 2015. – Б.9.

юз берадиган вақтига қараб доимий ёки вақтинча; кўламига кўра кенг ёки тор камровли турларга ажратиш мумкин. Демак, ана шу фалсафий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда мафкуравий майдон тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин. **Мафкуравий майдон деб бутун жаҳонда, унинг минтақаларида, алоҳида халқлар ва давлатлар ҳаётида кечаётган мафкуравий курашларнинг жойи, вақти ва кўламини ўзида мужассамлаштирган маънавий-мафкуравий тизимлар мажмуига айтилади.**

2. Мафкуравий майдоннинг намоён бўлиш хусусиятлари. Мафкуравий майдон ўзига хос бўлган ўлчамлар орқали ўз хусусиятларини:

– сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаблар ва секталар ўртасидаги фикр талашувлар, баҳс, мунозаралардан келиб чиқиб, зиддиятли, қонли тўқнашув, оммавий қирғинларга, одамлар бошига қайғу-кулфатлар солаётган;

– ғоявий, мафкуравий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган зиддиятли ва ўзаро ҳамкорликнинг акс этиш жараёнидаги макон;

– муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижтимоий-иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш даврида бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллаши мумкин бўлган ҳудудлар майдондони сифатида намоён қилади.

3. Мафкуравий майдонни ташкил этувчи омиллар ва воситалар. Ҳар бир мафкуравий майдоннинг мавжудлигини таъминловчи омил ва воситалари бўлади. Ундаги объектив омиллар жумласига: кишиларнинг маълумот даражаси, маданий савияси; субъектив омилларга эса таълим-тарбия муассасалари, тарғибот ва ташвиқотчилар, мафкура ходимларининг профессионал маҳорати, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, ОАВ, дин, коммуникациялар, шунингдек, иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт ва бошқалар киради.

Мафкуравий майдон воситалари: 1) мафкуравий марказлар; 2) мафкуравий таъсир ўтказувчи фан, адабиёт, санъат, матбуот, ОАВ, интернет, мобил алоқа

станциялари, электрон почта, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб бораётган ахборот алмашуви; 3) ахборот майдони, ахборотлашган жамият киради кабилар этади. Мафкуравий майдон омиллари унинг мавжудлигини, фаолият олиб боришини таъминласа; воситалари эса субъектларнинг объектларга ва бошқа субъектларга ўз таъсирини ўтказиш вазифаларини бажаради.

4. Мафкуравий майдоннинг ғоявий манбалари. Ҳар бир мафкуравий майдон қандайдир ғоявий манбадан озикланади ва кўпинча озикланган манбаси субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Бунга *биринчидан*, муайян ижтимоий-сиёсий кучлар, гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлатлар, сиёсий марказларнинг мақсад ва манфаатларини ифода этадиган ҳудудий; *иккинчидан* эса мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш билан боғлиқ бўлган терроризм, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, сепаратизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидлар намоён бўладиган майдондан озикланган ғоялар киради. Мафкуравий майдоннинг ғоявий манбаларининг мазмун-моҳияти юқорида баён этилган ғоявий манбаларнинг қандай усуллар, яъни: 1) берилган маънавий ва мафкуравий тарбия; 2) ўтказилган маънавий-марифий тадбирлар; 3) тушунтириш ва ишонтириш; 4) мажбур қилиш; 5) мафкуравий иммунитетнинг ҳосил қилинганлик даражаларига боғлиқ бўлади.

5. Мафкуравий майдонда ғоявий таъсир ва акс таъсир кўрсатиш жараёнлари. Ҳар бир жараён таъсир ва акс таъсир орқали ўзининг хусусиятларини намоён қилади. Ҳудди, шунингдек мафкуравий майдон узра кечаётган ғоялар ҳам бир бирларига таъсир ва акс таъсир ўтказадилар. Мафкуравий майдонда содир бўлаётган бундай жараёнларни: 1) мафкуравий марказнинг босими ошган, ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузларнинг намоён бўлиш; 2) бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало мафкура майдонларида олиб борилаётган жараён; 3)

иктисодий қамал, сиёсий тазйиклар, дўқ-пўписа, кўрқитиш, ҳарбий таъсирлар ва бошқа ш.к. майдонларга ажратиш мумкин. Ғоявий таъсир ва акс таъсир ўзининг озикланаётган манбаига кўра ўзаро ҳамкорлик ёки тажаввузкор характерда бўлиши мумкин.

6. Мафкуравий майдон шакллари. Мафкуравий майдонни унда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг тузилишига, яъни ички ва ташқи томонларининг бирлигига қараб қуйидаги шаклларга ажратиш мумкин:

1. Бўлиб ташлаб, ҳукумронлик қилиш майдони.
2. Инсон онги ва қалбини эгаллаш майдони.
3. Ғоявий, мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиб, ўз ғоясини сингдириш майдони.
4. Ишонтириш учун турли хил мафкуравий тарбия усул ва воситаларидан фойдаланиш майдони¹.

Ниҳоятда катта иқтисодий имкониятга эга бўлган мафкуравий манба яловбардорлари, ўзлари томонидан яратилган бирон бир ғояни мафкуравий майдонга киритишдан олдин, унинг табиати ва хусусиятларини, келтириб чиқарувчи оқибатларини билиш мақсадида биринчи навбатда мафкуравий полигонда синаб кўришни ўзларига урф-одат қилиб олмоқда.

7. Мафкуравий полигон – турли хил ғояларни синайдиган мафкуравий майдон. “Полигон” сўзи юнонча “poly-кўп” “gonia-бурчак”, яъни “кўп бўрчак” сўзидан олинган бўлиб, 1) мамематика илмида кўп бурчак; текисликдаги синик чизик; 2) ҳарбий соҳада қуруқлик ёки денгизнинг махсус иншоотлар, қурилмалар билан жиҳозланган ва ҳар хил қурооллар ва жанговоар техникани синаб кўриш, шунингдек, ҳарбий машқлар ўтказиш учун мўлжалланган қисми; 3) кўчма ижтимоий маънода эса муайян иш-ҳаракат, фаолият билан шуғулланиш

¹ Қаранг: Мухторов А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари.– Т.: «Маънавият», 2015.–Б.9-10.

майдони, соҳасини англатиш учун ишлатилади¹. Шуларга асосланган ҳолда мафкуравий полигон тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин.

Мафкуравий полигон бу – катта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий имкониятларга эга бўлган айрим шахс, элат, миллатларнинг ўзга одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли зояларни жанггоҳга ташлаш олдидан синаб кўрадиган махсус мафкуравий майдондир.

Мафкуравий полигонларнинг ядро полигонларидан устунлиги нимада? Бу устунлик *биринчидан*, катта моддий ва малиявий ресурсларни тежаб қолиш имкониятини беради. Масалан, битта ядро қуролини ишлаб чиқиш, уни кўзланган жойга элтиб ташлаш учун неча-неча миллионлаб, миллиардлаб пул маблағлари сарфланади.

Иккинчидан, ядро қуроллари ишлатилгудай бўлса, эгалламоқчи бўлаётган барча моддий бойликлар вайрон бўлиб, яроқсиз ҳолга келиб қолади, ваҳоланки, ядро қуролини ишлатиш орқали забт этилган жойда “ғолиб-ядрочи”нинг ўзи ҳам яшаш имкониятларидан маҳрум бўлади.

Учинчидан, миллионлаб одамларнинг ҳалок бўлиши ёки майиб-мажруҳ бўлиши оқибатида “ғолиб-ядрочи” тайёр ишчи кучидан ажралади.

Тўртинчидан, бутун экосистеманинг издан чиқиши оқибатида “ғолиб-ядрочи”нинг ўзи ҳам катта фалокат ёқасига келиб қолади.

Бешинчидан, ядровий қурол ишлатиш хавфини олдиндан сезиш мумкин, аммо мафкуравий қурол орқали ўтказиладиган тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини илғаб олиш ниҳоятда қийин. Буни ақли расо ҳар бир одам яхши билади. Шунинг учун ҳам табиий захираларга бой бўлган ҳудудларни эгаллаш уринаётган ҳар хил кучлар, қандайдир ғоя ва мафкуралар байроғи остида бирлашиб, ўзларининг мафкуравий қуролларини ишга солган ҳолда ўша

¹Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.З.Н-Т. –Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.291.

жойларни эгаллаш учун мафкуравий курашни авж олдиришга киришмоқдалар. Бу кураш ўзининг ғирроми уйинлар тарзида пинҳона кечаётганлиги билан ўзбек халқининг мустақиллигига, унинг ривожланишига таҳдид солмоқда.

4-§. Глобаллашув шароитида ўзбек халқининг ҳаётига хавф солаётган маънавий-мафкуравий таҳдидлар

I. Таҳдид тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни, тур ва шакллари

1. Таҳдид тушунчаси. Хўш, таҳдид нима? “Таҳдид” арабча “дўқ қилиш, кўрқитиш”, деган сўздан олинган бўлиб, кундалик ҳаётда “бировни кўрқитиш, унга дўқ, пўписа қилиш ҳамда бирор фалокатнинг, кўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи”¹, деган маъноларни англатиш учун ишлатилади. Фалсафий маънода *“Таҳдид – инсон, жамият ва давлат ҳаёти ҳамда фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсадга йўналтирилган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва умумсайёравий салбий омилларнинг тажовузи туфайли аниқ макон ва замонда вужудга келадиган хавф-хатар шакли, муайян барқарор сиёсий-ижтимоий ва тарихий вазиятни ифодаловчи тушунча”*² бўлса, жамиятнинг ривожланишига таъсири, яъни тор маънода эса *таҳдид* деб, *макон ва замонда мавжуд бўлган реал жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини заифлаштиришига, қолаверса, емиришига қаратилган шахсий, маҳаллий, ҳудудий, минтақавий омилларнинг кўрқитиши, дўқ, пўписа қилишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатларига айтилади.*

Таҳдидларнинг хусусияти ва тараққиёт соҳаларига ўтказадиган таъсир даражасига қараб, инсон, шахс, фуқаро, миллат, давлат, жамият, минтақа, глобал, ички ва ташқи, катта ва кичик, шунингдек, иқтисодий, социал, сиёсий, экологик, демографик, мафкуравий, ҳарбий, табиий-иқлимий, макон нуқтаи назаридан эса,

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4. Т-Ш. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.41.

² Қаранг: Маънавият: асосий тушунчалар ва изоҳли луғат. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б.546–547.

узоқ ва яқин ва бошқа шаклларга ажратиш мумкин. Аммо улар қандай шаклда юзага келишидан қатъи назар, ўзининг моҳият-мазмунига кўра жамият тараққиётга қарши қаратилган куч ҳисобланади.

2. Таҳдидларнинг тур ва шакллари. Бугунги кунда ўзбек халқининг мустақиллигига, унинг тинч-осуда яшашига, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий тузилмаларига солинаётган таҳдидларни қуйидаги тур ва шаклларга ажратиш мумкин.

Сиёсий таҳдидлар: ташқаридан реакцион экстремистик партия ва бошқа уюшмаларнинг кириб келиши ва бузғунчи ғояларни тарқатиши; ҳар хил “рангли инқилоб”лар баҳонасида мамлакатнинг ички ишларига аралashiш; диний экстремизм ва сепаратизм; халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, кулол-яроқ савдоси, наркотик моддаларни тарқатиш; ҳокимиятнинг юқори бўғинларида коррупция ва порахўрликнинг авж олиши ва бошқалар.

Иқтисодий таҳдидлар: “хуфёна” иқтисодиётнинг авжга чиқиши; иқтисодий дезинтеграция; банкларнинг тўлов қобилиятини йўқотиши; ташқи кучларнинг жаҳон иқтисодиётига йўл қўймасликка уриниши; рақобатга бардош беролмаслик ва ишсизликнинг йўқори даражада мавжудлиги ва бошқалар.

Буларни шартли равишда ички ва ташқи таҳдидларга ажратиш мумкин.

1. *Ташқи таҳдидлар* деб бузғунчи кучларнинг мамлакатга ташқаридан кириб келган ҳолда унинг ижтимоий тузилмаларини йўқ қилишга, халқни маънавий-мафкуравий жиҳатдан парокандаликка учратиш ўзларига тобе қилишга қаратилган хуружларга айтилади.

2. *Ички таҳдидлар* **деб** ўз ватанига, ватандошига зарар етказишга қаратилган ғоя, хатти-ҳаракатларга айтилади., одатда, носоғлом маҳаллийчилик; ёнидагиларни менсимаслик; ватандошларнинг ҳақиқага хиёнат қилиш; “маънавий эмиграция” (бахтини ўз ватанидан эмас, ўзга жойлардан қидириш); одамларни бой камбағалга бўлиб муомала қилиш; порахўрлик ва коррупция; кўполлик; ашаддий миллатчилик; меркантилизм – ортиқча мол-дунёга ҳирс қўйиш;

бефарқлик ва лоқайдлик; ўзлигини англамаслик ва бошқа шу каби иллатлар шаклида бўлади.

Хўш, “тахдид” кучми ёки ҳодиса, омил ёхуд жараён; уларнинг негизида нималар туради; у хавф-хатардан нималари билан фарқ қилади, деган бир қатор саволларга жавоб қайтариш керак бўлади.

Аввало, шуни таъкиддаш лозимки, бу тушунчанинг мақомига аниқ жавоб қайтариш мураккаб масала. Чунки унинг реал ҳолатда фақат қурол воситасидаги кўринишини аниқ тасаввур этиш мумкин. Бошқа барча ҳолатларда кўзга кўринмас, мавҳум, зимдан амал қилади. Унинг ана шу таъсири моддий борлик сифатида намоён бўлгандагина уни сезиш, англаб етиш ва кўриш мумкин бўлади. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг моҳияти ва таъсирини тез англаб етишнинг мураккаб жиҳати, унинг онг ва дунёқараш билан боғлиқлигидир. Инсон ботинига жойлашиб олган ҳар қандай салбий таъсирлардан озод бўлиш жуда мураккаб масала ҳисобланади.

Ана шу фикримизга асосланиб айтиш мумкинки, таҳдидга моддий куч, омил ва назарий жараён сифатида қараш мумкин. Қачонки, у моддийлик асосида (қурол, восита кўринишида) юзага келадиган бўлса, куч даражасида намоён бўлади. Маънавият, ғоя ва мафқуралар кўринишида юзага келган таҳдидларнинг барчаси онг ва дунёқарашга жойлашадиган бўлса, у аста-секин моддийликка айланади. Бу таҳдиднинг назарий жараён сифатидаги жиҳати ҳисобланади. Уларнинг барча кўриниши тараққиёт учун ниҳоятда хатарлидир”¹. Бундай кўз илғамас таҳдидлар қанча кенг тарқалса, ўзбекларнинг ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказди, пароканда қилади, ҳамжиҳатлик бўлмайди. Ғоявий бирлиги мўрт миллатнинг давлат хавфсизлиги ҳам мўрт бўлади.

¹ Қаранг: *Отамуратов С.* Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б.259.

II. Ўзбек халқининг тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган ички маънавий-мафкуравий таҳдидлар

1. Маънавий таҳдид тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. “Таҳдид” тушунчасининг сиёсий-фалсафий моҳиятининг бир қатор қирралари жаҳон олимлари томонидан таҳлил этиб келинмоқда. Зеро, инсониятнинг онгли фаолияти бошланибдики, “таҳдид” ҳам инсоннинг ўзи билан ёнма-ён яшаб, “улғайиб”, қудратли кучга айланиб келаяпти. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бу тушунчанинг таъсир кучи ва уни жиловлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бўлган қизиқиш барча минтақаларда кучайиб борапти. Ўзбекистонда ҳам уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бу борада, энг аввало, И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарининг умумметодологик аҳамиятга эга бўлганини таъкиддаш лозим.

Асарнинг методологик, назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, собиқ иттифоқдош республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритганликлари қувончи ва эйфорияси билан яшаётган бир пайтда И.А.Каримов унга қарши қаратилган таҳдидларнинг юзага келаётганлигидан нафақат Ўзбекистон халқини, шунингдек, МДХ халқларининг ҳам огоҳ бўлиши зарурлигини кўрсатиб берган эди. Асарда илгари сурилган ғоялар, хавф-хатар ва таҳдидлар у эълон қилинган 1997 йилдан кейинги ўтган даврда ўзининг тўғри эканлигини тасдиқлаб келмоқда. “Энг мураккаб саволлардан бири шуки, – деб огоҳлантирган И.А.Каримов, – биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми?”¹

Мустақиллигимизни қўлга киритиш қанчалик мураккаб бўлган бўлса, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш унданда мураккаб эканлиги тараққиётимиз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.4.

жараёнида ўз тасдиғини топиб келмоқда. И.А.Каримов таҳдидларнинг маъно-мазмуни ва бутун мамлакатни ҳалокатга олиб келувчи катта куч эканлигини кўрсатиб бериш билан бирга, уларнинг шакллари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини ҳам кўрсатган эди.

Хуллас, мазкур фундаментал асар тараққиётимизга қарши қаратилган таҳдидларни ҳар бир тарихий босқичдаги хусусиятлари ва таъсир кучини ўрганишнинг назарий асосини ташкил қилиб келмоқда.

И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавий-мафкуравий таҳдид тушунчаларига тўхталар экан: ***“Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, зоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.***

Агарки масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждоқлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англатади.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бундай ***мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади. Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор***

ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан, айниқса, хатарлидир”¹, – деган эди.

2. Мафкуравий таҳдид: тушунчаси ва кўринишлари. Иқтисодий, сиёсий таҳдидлар ичида маънавий таҳдидларнинг бир фаол кўриниши, аниқроғи воситаси бўлган мафкуравий таҳдидлар энг хатарлиси ҳисоблаади.

Мафкуравий таҳдид деб макон ва замонда реал мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий кучларнинг ўз мафаатларини ифодаловчи мафкураларини қўрқитиш, зўрлик қилиш йўли билан бошқаларга тиқиштиришларига айтилади. Соддароқ қилиб ифодалаганда “мафкуравий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси дир”².

Мафкуравий таҳдидларни мафкуравий кўрол вазифасини ўташи жиҳатидан ички ва ташқа таҳдидларга ажратиш мумкин.

Ички мафкуравий таҳдидлар деб мамлакат ичкарасида яшовчи меҳнаткаш ва заҳматкаш аҳолининг танасига зуллуқдай ёпишиб олган носоғлом кучларнинг шахс, элат, миллат, давлат ва жамиятнинг бойлигини текинга ўзлаштириб олиш эвазига яхши яшашга уриниш илинжида, унинг изчил тараққий этишига катта зарар етказишга қаратилган жинойткорана ҳатти-ҳаракатларига айтилади.

Бундай таҳдидлар одатда, носоғлом маҳаллийчилик; ёнидагиларни менсимаслик; ватандошларнинг ҳақиқага хиёнат қилиш; “маънавий эмиграция” (бахтини ўз ватанидан эмас, ўзга жойлардан қидириш); одамларни бой камбағалга бўлиб муомала қилиш; порахўрлик ва коррупция; қўполлик; ашаддий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.13–14.

² Қаранг: Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. —Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010, 297-298-б.

миллатчилик; меркантилизм – ортиқча мол-дунёга ҳирс қўйиш; бепарқлик ва лоқайдлик; ўзлигини англамаслик ва бошқа шу каби иллатлар шаклида бўлади.

Ташқи мафкуравий таҳдид – бу мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик тизимини издан чиқариш учун тажаввузкор зоя тарафдорлари томонидан ташқаридан туриб мамлакатимиз ичкарасига томон хуруж қилишидир.

Бундай таҳдидлар халқаро терроризм, экстремизм, неокоммунизм, шовинизм, панамерканизм, пантуркизм, панславянизм каби шакллари “диндош”, “миллатдош”, каби маслақлар бирлиги тарзида амалга оширилади.

3. Лоқайдлик, бепарволик, бепарқлик. Ички маънавий-мафкуравий таҳдидлар ичида энг хунуги бу лоқайдлик, бепарволик ва бепарқлик ҳисобланади.

Лоқайдлик — инсон, жамият, миллат ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашиш, муносабатда бўлишни ифодаловчи маънавий-ғоявий иллат. У муайян кишининг гоҳида ўз ҳаёти, ўзгалар фаолияти, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарқлиги ва муносабатсизлигидир. Ҳаётининг позициянинг аниқ эмаслиги, долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиш, эл-юрт, жамият ва миллат ташвишларидан четда туриш ҳолатлари лоқайдлик кўринишларидир.

Бепарволик (бепарқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик) — кишидаги ўзгалар ҳаётига, атроф воқеликка эътиборсизлик, лоқайдликдир. Айниқса, давлат ва жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватан тақдири ҳал бўлаётган паллаларда кишилардан юксак фаоллик, масъулият талаб қилинганда бепарқлик нафақат иллат, балки жиноят ҳамдир. Лоқайдлик ва бепарволик ўзаро алоқадордир.

Бепарқлик — жамиятга, ижтимоий ҳаётга, атрофдаги инсонлар ва ҳодисаларга нисбатан бирор бир қизиқиш ва аниқ маънавий-ҳиссий муносабатнинг намоён бўлмаслигини ифодалайдиган тушунча. Бепарқликни ўзини тутиб туриш, вазминлик ҳолатидан фарқлаш лозим. Вазмин одам ўзини

идора қила олиши ҳисобига қалбидаги туғёнларни босиб тура олади ва ўзининг мустаҳкам иродасини намоён қилади.

Лоқайдлик ва бефарқлик — маънавий қашшоқлик ва ахлоқсизликни келтириб чиқарувчи иллатлар. Лоқайдлик — қайд этмаслик, эътибор бермаслик, дахлдорликни ҳис этмаслик. Бефарқлик эса «менга нима» деб, ўзини четга олиш. Ушбу иллатлар ҳар доим тараққиётга зарар етказди. Ташқи ғоявий таъсир ички маънавий лоқайдлик, заифлик бор жойда илдиз отади. Бу иллатлар фаолликнинг кушандаси. Лоқайдлик, бефарқлик ҳафсаласизликка сабаб бўлади. Бефарқ одамлар бошқаларнинг иродасига тез бўйсундилар. Бу ҳол улардан турли мақсадларда фойдаланиш, уларни салбий томонга етаклаш имконини беради.

Шунингдек, «беғамлик» ҳам бепарволик, лоқайдлик билан маънодош сўздир. Беғам киши турмушда юзага келган муаммоларнинг ечимини излашга интилмади, ҳамиша беғам, ташвишдан йироқ яшашни кўзлайди. Беғамлик кайфияти охир-оқибат теварак-атрофдагиларга, жамиятга моддий ва маънавий-ғоявий зарар келтиради. Мавжуд муаммоларнинг янада кескинлашувига олиб келади.

Бепарво ва лоқайд одам жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, бунёдкорлик ишларини ҳис қилишдан йироқ. Шу боис ғанимлар бундай одамлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланадилар ва жамиятга жуда катта зарар келтирадилар. Лоқайд инсонлар мамлакатимизда яратилаётган имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмайдилар, улар учун келажакка интилиб яшаш, халқ фаровонлиги йўлида курашиш, эзгу амаллар ва савоб ишларни амалга ошириш бегонадир.

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бирок лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

Донишмандлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: *«Душманлардан қўрқма, нари борса улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма, нари борса улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».*

Ҳар бир инсон учун ғоят муҳим аҳамиятга эга ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига катта зарар етказучи ички мафкуравий таҳдидлар жумласига коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, миллатчилик кабилар киради.

Ш. Коррупция ва жиноятчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик ва миллатчилик – ички мафкуравий хавф -хатардир

Ўзбек халқининг мустақиллигига, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий асосларига нафақат ташқи томондан, балки мамлакат ичкарасидан ҳам мафкуравий таҳдид солиш ҳолларининг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Бундай таҳдидлар жумласига коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, одамларнинг бефарқлиги, мақтончоқлиги, хушомадгўйлиги, ҳасадгўйлиги, ман-манлиги, ҳақиқатни менсимаслиги, таниш-билишчилик, мансабпарастлик, порахўрлик қилишлари каби умуминсоний ахлоққа зид бўлган иллатларни киритиш мумкин.

1. Коррупция ва жиноятчилик. Мамлакатнинг бошқарув тизимини издан чиқариб, уни инқироз ёқасига олиб келувчи таҳдидлардан бирини коррупция ташкил қилади. Хўш, коррупция қандай иллат, унга нисбатан қандай курашмоқ керак, деган савол туғилади. *Коррупция* (лотинча “*corruptio*” – бу порага

сотилиши, айниши, таназзул) – мансабдор шахсинг, бойиши мақсадида, ўз мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларини суиистеъмол қилишидан иборат жиноятидир. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган” Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” Қонунида:” Коррупция – шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”¹, – деган таъриф берилган.

Тарих нуқтаи назаридан олганда, коррупция энг қадимий жиноятлардан бири: қаердаки давлат бўлса, давлат аппаратининг турли тармоқларида, пастдан юқоригача таралган жиноят бўлган. Худудий жиҳатдан қараганда, коррупция бутун жаҳонга ёйилган жиноятлардан биридир. Шундай қилиб, коррупция замон ва маконда тенг-баробар тарқалган жиноят шаклларида биридир. Турли давлатлар ўтмишда ва ҳозирда, дунёнинг барча қитъаларида коррупцияга қарши муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кураш олиб борганлар ва борадилар. Лекин, ҳозирча, уни батамом йўқ қилишнинг йўлини топа олмадилар ва олмаяптилар.

Бу масала билан ҳаттоки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти алоҳида шуғулланиб, махсус қарор қабул қилган ва коррупцияни қуйидагича таърифлаган:

- 1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкани ўғирлаш, талон-торож қилиш ва ўзлаштириш;
- 2) ноқонуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. № ЎРҚ – 419. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида. 2017 йил 3 январь.// Халқ сўзи, 2017 йил 04 январь

3) ижтимоий бурч ва шахсий таъмагирлик, манфаатлар ўртасидаги зиддият. Коррупциянинг кенг тарқалганлиги ва уни таг-томири билан йўқ қилишнинг иложини топиш қийинлигини кўзда тутиб, уни “халқаро офат” деб аташ мумкин.

И.А.Каримов коррупциянинг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг келтириб чиқарадиган салбий оқибатлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди. “Жамиятда жиноий "хуфёна иқтисодиёт"нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. *Коррупция вужудга келиб, у энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар ту-файли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир.*

Коррупциянинг мамлакатимизнинг хавфсизлигига солаётган таҳдидлари қуйидагалардан иборат:

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир. Унда ўз умрини яшаб бўлган, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий-бўйруқбозлик тизими билан "хуфёна" иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди. Бундан ташқари, янги иқтисодий муносабатларга эндигина асос солинаётган ва сифат жиҳатидан бошқа сиёсий тизим шакллантирилаётган ўтиш даврида коррупция ўз хатти-ҳаракати билан бу жараённинг йўлини тўсиб қўйиш имконига эга.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. “Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир” деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради. Башарти иқтисодиётда жиноий гуруҳлар ва “рекетчилар” тўдалари “базм курса”, кўчаларда эса одамлар кўрққанларидан тасодифий ўткинчилардан қочиб юрсалар, жамиятдаги барқарорлик ва собитқадамлик ҳақида гап бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади. Ислохотлар ғоясининг ўзини обрўсизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан “қудратли марказнинг кучли қўли”ни қўмсаш ҳиссини туғдиради.

Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради. Ахир, жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзтубан кетишидан ҳам аянчлироқ, ҳалокатлироқ ҳол борми ўзи?

Тўртинчидан, “пул ҳокимиятга интилади”, деган бир ибора бор. Лекин бу пул жиноий йўл билан топилган бўлса-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жиноят оламининг нуфузли шахслари ҳокимиятга қандай йўллар билан кириб олиши яхши маълум ва кўп мамлакатларда синовдан ўтган. Аввалига бу иш нопок даромад манбаларини сақлаб қолиш, улардан кафолатли фойдаланиш мақсадида ҳокимият тузилмалари билан алоқа боғлаш ва бу алоқани мустаҳкамлашдан бошланади. Шундан сўнг ҳокимиятнинг ўзи ҳам қўлга киритилади.

Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлардан биридир. Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздида фуқароларнинг ҳимоясизлиги хиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради. Мамлакат ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

***Бешинчидан,** нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиши ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиши учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиши лозим.* Бундай кимсалар адолатли жазодан кўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни кўзғатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ. Бундай одамларнинг “Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса – бўлгани” қабилидаги маслаги худбинликнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбетларча лоқайдликнинг яққол кўринишидир.

***Олтинчидан,** жиноий усудлар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилаётганидан далолат берувчи мисоллар, жумладан, бизда ҳам оз эмас.*

Улар бундай хатти-ҳаракатлари билан инсониятнинг адолат ва демократия каби олижаноб идеалларига нақадар жиддий зарар етказаётганларини, ўз халқлари ва

мамлакатлари шаънига доғ тушираётганларини айтиб ўтиришнинг ҳожати бормикин? Нафсиламрини айтганда, улар ўз халқлари ва мамлакатларининг тақдирига, озодлик ва мустақиллик идеалларига мутлақо бефарқ қарайдилар.

Бундай шахсларнинг туриш-турмуши кетма-кет қилинган жиноий хатти-харакатлар занжиридан иборатдир. Аввалига ўз халқини алдаб капитал тўпланади, кейинги гал – демократия ва адолатни рўқач қилган ҳолда жамоатчилик фикрини алдаб, сиёсий обрў орттирилади. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташки кучларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турадилар.

Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини кадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсик кўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигани яхши англаб етмоғи лозим”¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган № ЎРҚ – 419 рақамли “ Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонунига мувофиқ **коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари** куйидагилардан иборат: қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги.(4-модда)

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // *Унинг ўзи*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.90–93.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

– давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

– коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш (5-модда)¹.

2. Уруғ-аймоқчилик. Кўпчилик луғатларда берилган таърифларга кўра, уруғ-аймоқчилик феодализм жамиятларига хос ҳодисадир. *Бу қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлигидир. Уруғ жамоаси ўз бошчилигининг номи билан аталарди. У эса аъзолари учун энг обрўли одам ҳисобланар уруғнинг манфаатларини жамоасининг нисбатан маҳдуд олаמידан ташқарида ифодалар эди. Айнан уруғ-аймоқ ўз аъзоларини ҳимоя этар, уларга ҳомийлик қилар ва ёрдам берар эди.*

Замонлар ўтди, ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашди, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарди. Ўзгарди-ю, аммо изсиз йўқолиб кетмади. Баъзан тоғ жинсларида қадимги ўсимликнинг аранг илғаш мумкин бўлган излари кўришиб қолганидек, ҳозирги жамиятда, унинг ижтимоий-маданий ҳодисаларида ҳам узоқ ўтмишнинг аниқ излари намоён бўлади. Уруғ жамоалари ҳам шундай ҳодисалар сирасига киради.

Бугунги дунёда ҳақиқий маънодаги уруғ-аймоққа бўлинган жамиятни топиш мушкул бўлса керак. Лекин баъзан у шакли ўзгарган, “янгиланган” ҳолда мавжуд

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. № ЎРҚ – 419. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида. 2017 йил 3 январь.// Халқ сўзи, 2017 йил 04 январь

бўлади. Кўпгина мамлакатларда қондошлик ришталари ҳозир унчалик кучли эмас. Бироқ улар ўрнига бошқа муштараклик, бошқа бирликнинг ришталари, жумладан, юртдошлик, ҳудудий яқинлик ришталари вужудга келди. У ёки бу жойдан чиққан, ўша жойнинг ҳудудидан ташқарида, мамлакатнинг бошқа ерларида ўрнашиб қолган кишилар ўз юртдошларига ёрдам берсалар, бунинг нимаси ёмон, деган савол туғилиши ҳам мумкин. Ёмон эмас, албатта. Бироқ, уларнинг давлат тузилмаларига суқилиб кириши, ҳокимият тизимидаги мансаблардан ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши хавфлидир.

Бунда уруғ-аймоқчиликнинг мақсади – ўз аъзоларини давлат ҳокимияти тиллапояларидан мумкин қадар юқори кўтаришдан иборат. Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи белги – унинг аъзоларининг бир жойда туғилганлигидир. Шунинг назарда тутиш кераки, машғулот турларининг умумийлиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муштараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир. Шу белгига қараб иш юритиш маҳаллийчиликни келтириб чиқаради.

3. Маҳаллийчилик. *Бу – кишиларда ўзлари туғилиб ўсган жой билан боғлиқ ҳолда шаклланидиган ҳудудий яқинлик туйғусининг салбий шаклда намоён бўлиши.*

Маҳаллийчиликнинг энг номақбул томони маҳалла, ҳудуд, минтақа манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўйишдадир. Жамиятда бундай қараш ва муносабатлар тизимининг мавжуд бўлиши давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, барқарорлиги, ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатади. Маҳаллийчиликнинг кучайиши, ўз навбатида жойларнинг ўзини-ўзи чегаралаб қўйишига, мавжуд хўжалик ва ижтимоий алоқалар тизимининг кучсизланишига, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий таназзулига олиб келиши ҳам мумкин. Шунингдек, давлат ичида муайян ҳудуд ўзининг устунлигини таъминлаш мақсадида, ўзларига бузғунчилик ғояларини шиор қилиб ҳокимият

учун курашадиган экстремистик ва кўпорувчилик гуруҳларини вужудга келтириши ҳам мумкин.

Маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўриниши жамият учун хавфлилигини тушунган ҳолда унинг келиб чиқишини олдини олиш ва бинобарин, бу иллатга йўл кўймаслик муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда миллий истиқлол мафкурасининг ўрни бекиёсдир. Бу мафкура ўз аҳамиятига кўра жамиятимизда яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларнинг асосий мақсадлари ва орзу-умидларини амалга оширишга хизмат қилади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ғояларига қарши кураша олади. У халқнинг маънавий камолотига, маърифатига асосланиб, кишилар онгида умуммиллий ғурур туйғуси билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшайдиган ватандошларимизнинг маданияти ва кадр-қиммати хурмат қилинишини таъминлашга даъват этади.

4. Миллатчилик. *Бу – бошқа миллат кишилари манфаатлари, эҳтиёжларига беписандлик билан қараши, худбинларча муносабатларни ифодолашчи ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти. Миллатчилик – ўз миллати манфаатларини, эҳтиёжларини бошқа миллат манфаатларини, эҳтиёжларини камситиши ёрдамида қондиришидир.*

Миллатчилик чинакам миллий ғурурни шакллантирмайди. Миллий ғурурни миллатчилик билан тенглаштириш миллатлараро муносабатлар маданиятига ғов бўлади. Миллий ғурур бир миллатга хос бўлган хусусиятларни ривожланишига, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган интилиш бўлса, миллатчилик бошқа миллатлар, элатлар манфаатлари, эҳтиёжларини назар-писанд қилмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралашга қаратилган фаолият, ҳаракатдир.

Миллатчилик сиёсий тусга кирса, кучли салбий йўналиш касб этиши мумкинлигани таъкидлаш зарур. Бу давлат ва миллат хавфсизлигига, минтақавий ва кенг кўламдаги хавфсизликка анча кучли таҳдидга айланиб кетиши мумкин.

Миллатчилик турли шаклларда намоён бўлади. У бир ҳудудда яшаётган миллатларнинг ёки бир давлатда истиқомат қилаётган миллатлар ўртасида, муайян империя шароитида бир миллатнинг иккинчиси ёки бошқаларидан устунлиги тарзида рўй бериши ҳам мумкин.

Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига оловчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир.

Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакиллариининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакиллариининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим¹.

IV .Ўзбек халқининг ҳаётига жиддий хавф туғдираётган ташқи мафкуравий таҳдидлар

Мустақил ўзбек халқининг ҳаётига дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган, катта маблағ ва таъсир кучига эга бўлган баъзи марказларларнинг кўз олайтириши, ўз ҳукмини ўтказишга интилишларининг сабаби – юртимизнинг геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашгани, интеллектуал салоҳият ва табиий захираларга бойлигидир. Ана шу

¹ *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари // *Унинг ўзи.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.90–93.

макон, салоҳият ва табиий бойликлардан ҳар хил мафкуравий найранглари ишлатиб текинга фойдаланиш уларнинг асосий мақсадидир.

Бундай найранглар жумласига: 1) ўз миссионерларини юбориш; 2) китоб, газета, журналларни юбориш; 3) мактаблар очиш; 4) қўшма корхоналар очиш; 5) чет элга олиб бориб ўқитиш; 6) молиявий ёрдам-кўмак бериш; 7) демократия тарафдорларини қўллаб қувватлаш; 8) “диндош”, “миллатдош”ларга ғамхўрлик қилиш каби ниқобланган ишлар асосида олиб бориш ва бошқалар кирази.

Ҳозирги кунда ана шундай найрангларга асосланган мақсадларни амалга ошириш илинжида юрган ғаламис кучларнинг *жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф тугдирадиган мафкуравий таҳдидларнинг асосий йўналишлари* қуйидагилардан иборат:

– ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

– ёш мустақил давлатларнинг собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;

– тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;

– ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;

– турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар ва бошқалардан иборатдир.

4.1. Ислам халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар.

Ҳозирги кунда ислом халифалигини тиклаб, янги мусулмон империясини ташкил қилиш учун мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари билан фаол шуғулланиб, амалий ҳатти-ҳаракатларни содир этаётган исломий кўринишдаги «Ваҳҳобийлик», «Ҳизбут-таҳрир», «Таблиғчилар», «Акромийлар», «Нур»чилар, «Ислам уйғониш партияси», «Ислам лашкарлари»,

«Адолат», «Ироқ ва Шом ислом давлати» каби бузғунчиликчиқлар блан шуғулланувчи оқимлар киради.

1. Ваҳҳобийлик. Ваҳҳобийлик – диний-сиёсий оқим бўлиб, 18-асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдул-Ваҳҳоб (1703-1792 йилларда яшаган) ҳисобланади.

Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни «тозалаш», гўёки пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш каби ғояларни илгари сурган. Инглиз мустамлакачилиги бу вазиятдан ўз мақсадида фойдаланган: ғоя тарафдорларини куруллангириб, Усмонли туркларга қарши жангга ташлаган. Шунинг учун ҳам улар Усмонлилар мансуб бўлмиш ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик мазҳабларини кофирлар мазҳаби деб эълон қилишган, қандайдир доиралар манфаати йўлида исломдаги ўз биродарларини кофирга чиқаришгача бориб етишган.

Ваҳҳобийлар дунёвий маданиятга қатъий қарши туриб, мусиқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланиш, бадий завқ-шавқ олиш кечирилмайдиган гуноҳ деб ҳисоблашади. Айни пайтда улар ҳокимиятни эгаллаш ва унинг воситасида ўз тартиб-таомилларини ҳаётга татбиқ этиш учун қатъий кураш олиб боришади, бу ниятни амалга ошириш учун диндан фақат восита сифатида фойдаланишади, холос.

Маълумки, ислом дини ҳамжихатликка, Аллоҳ йўлида бир бўлишга даъват этади. Замонлар ўтиши билан бу бирдамлик айрим давлатларга ёқмай қолди, тўғрироғи, улар мусулмонлар якдиллигидан ҳайиқа бошладилар. Бир четда туриб курул кучи билан араб давлатларига таҳқид солиш ҳеч бир фойда бермагач, қандай қилиб бўлмасин, мусулмонларни ичидан бузишга, низо чиқариб уларни бўлиб юборишга ҳаракат қилишди. Бу вазиятда мавжуд мазҳаблар ичида низо чиқариш имконияти кўл келди. 17-асрда исавийлар ҳозирлаган дастурлар асосида гўё исломга эътиқод кўйган болалар Туркия, Қоҳира, Миср ва Сурияга юбориб ўқитилди, улардан эса уламолар етишиб

чиққи, бу олимлар ўзлари олган таълим-тарбиядан келиб чиқиб исавийлар мафкурасига, динни ичидан бузишга хизмат қилишди. Гарчи исломдаги бир кичик мазҳаб бўлса-да, ханбалия мазҳабидагилар динга амал қилишда пури-танлик, яъни ҳарфхўр ислом бўлишни талаб қила бошлашди. Ваҳоланки, ҳеч ким пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ўзича талқин қилишга, уларни манфаатларига мослаштирашга ҳақли эмас. Ислам олимларининг таъкидлашларича, Расули акрам «Ҳар бир янгилик залолатдир» деганларида дунёвий янгиликни, тараққиётни эмас, ибодатдаги янгиликни назарда тутганлар.

Арабларни бўлиб ташлаган бу ҳаракат шу тахлит кучга киради ва ваҳҳобийлик номини олади. Ваҳҳобийлик ҳаракати 19- аср бошларида жуда кучаяди. Абд ал-Ваҳҳоб биринчи амалий қадамини саҳоба Зайд ибн ал-Хаттобнинг Жубайлидаги сағанаси устига қўяди ва уни ер билан яксон қилади. 1803 йил ваҳҳобийлар Маккани, кейин Мадина шаҳрини босиб олишди. Улар шу даражага бориб етишдики, Маккаю Мадинадаги барча қабртошларни, ҳатто Биби Оиша, Биби Фотима ва саҳобалар сағанасидаги қабр-тошларни бузиб, синдириб ташлашди. Улар Пайғамбар мақбарасидан гумбазларни бузишга чоғланган бир пайтда куч билан тўхтатиб қолинди. Бу — ҳаракатнинг зоҳирий кўриниши. Аслида эса улар динни «асл ҳолатига кел- тириш» даъвати остида босқинчилик, талончилик билан машғул бўлишди. Ҳатто улар 1810 йилга келиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак масжидини ҳам талон-тарож қилишди. Ўмарилган мулкни эса юз минг талер (кумуш танга)га сотиб юборишди.

Сўнгги пайтда ваҳҳобийлик муайян кўринишда Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Улар ёшларни йўлдан уришга, ҳар қандай воситани ишга солиб, ўзлари учун ижтимоий муҳит яратишга уриндилар. Ана шундай оқимлардан бири Акромийликдир.

2. Акромийлик. Акромийлик тахминан 1997—1999 йилда Фарғона водийсида вужудга келган ушбу диний-сиёсий ҳаракат вакиллари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва Пайғамбарга имон келтирмайдилар. «Акромийлар» бугунги

мавжуд барча тузумларни тан олмайди, давлатга, қонун-қоидаларга, ота-онага ҳам эмас, фақат оқим сардорларига бўйсуниб лозим деб ҳисоблайди. Унинг асосчиси 1960 йилда Андижон шаҳрида туғилган Йўлдошев Ақром Сотволдиевич ханбалӣ мазҳаби ваҳҳобӣлик оқими таълимотига таяниб, 1992 йилда 12 дарсдан иборат «Имонга йўл» деб номланган дастурни ишлаб чиққан. Ушбу дастурда оқимнинг пировард мақсади ислом давлатини барпо этишдан иборат экани таъкидланган. Ўз ҳаракатларига номзодларни танлаб олиш ва уларни тайёрлашда қуйидаги шартли номланган 5 босқичдаги мақсадли дастурга амал қиладилар:

1. «Сирли», ёки «махфӣй» деб номланган босқичда диний таассубга мойиллиги бор, таъсирчан, берилувчан, шунингдек раҳбарлик, нотиклик ва ташкилотчилик қобилияти бор ҳамда ҳаётдан норози бўлиб юрган шахслар ўрганилади, сўнг ўз тарафларига оғдириш бўйича ҳаракатлар олиб борилади.

2. «Моддий» босқич. Бунда гуруҳга янги кирган аъзоларнинг моддий ҳаётини таъминлашга асосий эътибор қаратилади, уларни моддий манфаатдорлик юқори бўлган вазифаларга ишга жойлаштириб, топган даромадининг 1/5 қисмини «байтул мол»га, яъни умумий мақсадлар учун солиқ ажратиш мажбурий ҳисобланади.

3. «Маънавий» босқич. Бу босқичда гуруҳ аъзолари ғоявий-сиёсий жиҳатдан қайта тарбия этилади, мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлаш йўллари ва экстремизм, терроризм руҳидаги адабиётлар билан таништирилади.

4. «Узвий майдон». Бу босқичда ҳар жиҳатдан тайёр бўлган, ҳаракат пешволарининг топшириқларини сўзсиз бажарадиган аъзоларни давлат ва жамоат ташкилотлари таркибига киритиш орқали ўз нуфузларини ошириб, кенг қамровли фа-олият ташкил этишга ҳаракат қиладилар.

5. «Тўнтариш». Мазкур сўнгги босқичда акромийлар асл ва асосий мақсадлари — мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ўзларининг ҳокимиятларини ўрнатиш йўлида фаолият олиб борадилар.

Мазкур босқичлар махфий равишда, изчиллик сақланган тартибда ва ижро муддати қатъий белгиланмаган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилади. Андижон вилояти ва Қўқонда уларнинг таъсири кенгроқ сезилган.

Оқим вакиллари ҳозирги кунда мусулмонларга намоз ҳам, рўза, закот, ҳаж ҳам фарз эмас, чунки биз куфр давлатида яшамокдамиз, деб ҳисоблайдилар. Ислом тарихидан маълумки, Макка даври, яъни Муҳаммад пайғамбар то Мадинага кўчиб ўтгунга қадар, 13 йил давомида кишилар фақат Аллоҳ ва охиратга имон келтиришга даъват қилинганлар. Намоз, рўза ва ҳаж, закот каби ибодатлар Мадина даврида фарз бўлгани учун то ислом давлати қурилма- гунча мазкур ибодатларни бажариш шарт эмас деб қарайдилар, сигарета ва спиртли ичимлик ичиш ҳамда шариат томонидан таъқиқланган «муваққат никоҳ» (вақтинчалик, яъни маълум муддат — 1 соат, кун ва ҳ.к.)га рухсат берилади.

Ислом уламолари бу борада аниқ мисоллар келтириб, ҳар қандай давлат ва ҳукумат қўл остида бўлишдан қатъи назар шариатнинг инсон шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлган кўрсатмалари ҳеч қачон амалда тўхташи мумкин эмаслигини айтадилар.

3. «Тавба». Бу экстремистик руҳцаги ҳаракатга Бокуда Ҳожи Абдулла Озорбойжон асос солган. Ўзбекистонда ушбу ҳаракат 1991 йили намоён бўлди: Наманган шаҳридаги «Отауллоҳ» масжидида қирғизистонлик Йўлдош Турғунбоев, наманганлик Абдували Йўлдошев ва Исҳоқ Жабборов ғайриқонуний ишлар олиб бордилар.

Ҳаракатнинг мақсади «вахҳобийлик» ни қўллаб-қувватлаш, аҳоли орасида мавжуд конституцион тузумга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш, жангариларни ўқитиш, уларни моддий рағбатлантириб туриш, республикада ислом давлатини тиклаш шиори остида ҳокимиятни ҳатто террор йўли билан эгаллашдан иборат эди. Ҳаракатни хориждаги катга террористик гуруҳлар маблағ билан таъминлаб турган, бундан ташқари турли талон-тарож ва террор йўли билан топилган маблағлар билан ҳам «тавба»чилар ўзларининг моддий

эҳтиёжларини қондирганлар. Улар аксарият водийлик йигитларни тўплаб асосан Тожикистон ҳудудидаги жангарилар лагерларида покистонлик мутахассислар ёрдамида ўқитганлар. Ҳаракат аъзоларининг ҳар бирига камида 11 кишини ўз қаторларига жалб қилиш мажбурияти юкланган. «Тавба» ҳаракати вакиллари тарафидан Фарғона водийсида ҳокимият органлари ходимлари, шунингдек, аҳолига бир қатор оғир азият етказилгани аниқланган.

Юртимизда «тавба»чиларнинг юзга яқин аъзоси тезкор кўрилган чоралар асосида қўлга олинди ва ҳаракат фаолияти тугатилди. А. Йўлдошев ҳарбий амалиёт чоғида ўлдирилган.

4. «Ислом уйғониш партияси». «Ислом уйғониш партияси» 1989— 1991 йилларда фаолият кўрсатди. Диний мутаассиб жамоалар уни тузиш ташаббускори бўлганлар. Уларнинг асосий шиори: дунёвий ҳокимият барча ишларини диндорлар билан мувофиқлаштириши ва қилган ишларига ҳисобот бериши, қилажак ишларидан хабардор этиб, рухсат олиши керак. Мақсад — мусулмон давлати барпо этиш. Айни шу партия Тожикистондаги тартибсизликларни келтириб чиқарди. Бу партиянинг Россияда ҳам намояндалари бор эди. Лекин бу ерда улар жума кунини дам олиш куни деб эълон қилиш талабларидан нари ўтмадилар. Қисқа муддат чиқиб турган газеталарида маданий-маърифий, диний фикрлар эмас, балки муайян табақаларнинг ҳокимиятга интилишини ифода қилувчи ҳамда Қуръон ояти ва ҳадисларни бирёқлама шарҳловчи мақолаларни чоп этдилар. Мавжуд давлат тизими ва олиб борилаётган сиёсатни кескин қоралашга ҳаракат қилдилар. Шу сабаб ва илм-маърифат қолиб ўта агрессив фаолият олиб борганликлари учун ўзларига тарафдорлар топа олмадилар. Партия раҳбарларидан Муҳаммад Шариф Ҳимматзоданинг қуйидаги гаплари бу сиёсий ҳаракатнинг қиёфасини белгилайди: «Тарихдан маълумки, ислом динида масжиднинг мавқеи ва ўрни жуда муҳимдир. У мадраса, ибодатгоҳ, мусулмон жамиятининг муаммоларини ҳал қилувчи ва сиёсий марказ вазифасини ўтаган. Бугунги кунда ундан сиёсий

ташкилот мақомини олиб қўйиш хатодир... Вақт соат етди, энди ислом ҳаётнинг барча жабҳаларига: иқтисодга, сиёсатга ва бошқа соҳаларга аралшиши керак!»

1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгач, партия ўз фаолиятини тугатди.

5. «Ислом лашкарлари», «Адолат». Булар 1990—1992 йиллар Наманган вилоятида «Отавалихон» жоме масжидида Абдулла Ўтаев, Тохир Йўлдошев бошчилигида 100—200 кишидан иборат 60 дан зиёд гуруҳлар ташкил этилган эди. Ўша пайтда «Адолат» ҳаракати фаоллари дружиналар тузиб, кечки пайт ўз маҳалласидан ташқарида юрган эркак-аёлларни тўхтатиб уларга нисбатан тажовузкорлик қилишган. Ичкиликка қарши кураш баҳонасида бегуноҳ одамларни масжид олдида устунларга боғлаб қўйишдек бедодликка боришди.

Ҳозир қочиб кетган «Адолат»нинг баъзи фаоллари тожик муҳолифатига қўшилган. 1992 йил 17 мартдан бошлаб апрель ойи охиригача бўлган муддатда уларнинг фаолияти тугатилди.

Уларнинг умумий белгилари: беўхшов узун соқол ўстириш, намозда икки оёқни кенг кериб туриш, қўлларини кўкракда боғлаб туриш, баланд овозда «Омин!» дейиш ҳамда суннат намозларини масжидда ошкора ўқимаслик¹.

“Ислом лашкарлари”, “Адолат” уюшмаси ва бошқа гуруҳлар қонунсиз фаолият кўрсатиб, ижтимоий гузумни зўрлик ишлатиш йўли билан ўзтаргиришни мақсад қилдилар. Халқнинг хавфсизлигига раҳна солмоқчи бўлдилар. Маънавиятимизга тажовуз қилувчи ҳаракатлар билан миллий ва диний руҳдаги чиқишлари, намойишлари ҳамда шаҳар кўчаларидаги юришлари билан жиҳодни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилдилар. Оқибатда, уюшма сифатида ҳаракат, партия ёки жамият сифатида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган “Адолаг” ва “Ислом лашкарлари” гуруҳи фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ноймол этди. Фарғона водийсида, айниқса, Наманган вилоятида Ислом динининг қонунсиз

¹ Қаранг: Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, маҳзаблар, оқимлар. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000.– Б.119.

ривожланиши, ҳағто мактаб ўқувчиларининг дунёвий билимдан кўра диний билимларга берилиб кетиши, мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг қонун талабларига зид ҳолда ҳужраларда ўқнтилиб, диний билимларнинг ижобий эмас, балки салбий томонлари уқтирилиши ҳолатлари аниқланди. Натижада, кўплаб ёшлар дунёвий билим олишда ўз генгдошларидан сезиларли даражада ортида қолдилар.

1989-1992 йилларда Наманган вилоятида турли сиёсий чиқишлар авж олди. Бунга Конституциямиз талабларига зид ҳолда тузилган, диний оқимларнинг ғараз ниятларига хизмат қилган “Адолат”. “Ислом лашкарлари”. “Тавба” ҳаракати ва бошқалар сабаб бўлди. Ушбу оқимларга аъзо бўлган фуқаролар Ўзбекистонда Ислом давлати тузишга чақириқлари, ҳокимиятни қўлга олишга интилиб қилган ҳаракатлари билан оддий халқнинг тинчини буздилар. Қонунга ҳилоф равишда ташкил топган диний йўналншлардаги оқимлар тоат-ибодат билан шуғулланиш ўрнига, ўзларининг моддий таъминотлариини яхши- лаш мақсадида фуқаролардан, ташкилотлардан очикдан-очик пул ва маблағ талаб қилиб олиб. улардан ўз сафларини кенгайтириш ва қурол-яроғ билан мустаҳкамлаш учун фоидаланганлар. Улар талаб қилган пул ва маблағни беришдан бош тортганларни азоблаб, уриб, қийнаб, турли даражадаги тан жароҳати етказганлар. Айримлариин эса қийнаб ўлдириш даражасига етганлар.

Шунинг учун ҳам бундай ғайриинсоний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ўзбек халқининг мустақиллигини ўз қўлида мақлаб қолиш, халқнинг тинч-осуда яшашини таъминлаш учун изчил сиёсат олиб бориш ҳаётий зарурат эди.

Бундай ваҳҳобийлик кўриш шаклидаги мафкуравий таҳдидлар Ўзбекистон ҳукуматининг юритайётган изчил мафкуравий сиёсати туфайли диний экстремизм ва ақидапарастлик ёйилишининг олдини олди олинди..

4.2. «ИШИД – Ироқ ва Шом ислом давлати» – давлат эмас,

бузғунчилар тўдасидир

1. ИШИД бузғунчилар тўдасининг мафкуравий паспорти. «Ироқ ва Шом ислом давлати» террорчилар тудасининг:

Ниқоб қилган номлари: «Ироқ ислом давлати» (2006 й.), «Ироқ ва Шом ислом давлати» (2013 й.) ҳамда 2014 йилдан «ислом давлати» деб аталмоқда;

Қўлловчилари: «ал-Қоида» террорчи ташкилоти ва учинчи томон;

Ботил ақидаси: хорижийлар тоифасидан бўлмиш азрақийлар ҳамда рофизийлар каби адашган фирқалар ақидаси;

Сохта даъво ва белгилари: «ислом давлати» ёки «халифалик» қуришни иддао қилиб, ҳатто ислом динининг муқаддас калималарини қора байроқларига ёзиб олиб, жирканч мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда;

Манфур мақсади: мусулмонларни кофирга чиқариш тухмати орқали йўқ қилиш, ўзлари яшайдиган жойдан бошқа ерни куфр диёри деб ҳижрат қилишга чорлаб, жиҳод ва шаҳидлик ниқоби остида разил мақсадларини амалга ошириш;

Қинғир молия манбалари: талон-тороғ, қароқчилик, ўғирлик, босқинчилик, қора бозордаги нефт савдоси, одамларни қул қилиб сотиш ва шу кабилар;

Даҳшатли таҳдиди: Бағдодий ва унинг газандалари учинчи манфаатдор томоннинг буйруқларини бажариш орқали мусулмонларни йўқ қилишга уринмоқда.

2. ИШИД бузғунчилар тўдасининг асл мақсад ва муддаолари. ИШИД нинг кўринмас мақсадлари ёхуд учинчи қўл кирдикорлари қуйидагилардан:

- ислом маърифати тарқалишига тўсқинлик қилиш;
- бутун оламни Ислом динидан кўрқитиш ва чўчитиш;
- ислом динига нисбатан оммавий нафратни пайдо қилиш;
- ислом дини ва мўмин-мусулмонларни ёмонотлик қилиш;
- ёшларни жиҳод шиори остида жувонмарг қилиш;
- уламоларни кофирга чиқариш билан йўқ қилиш;

– мусулмон ўлкаларида таҳликали фитналарни уюштириш ва низо чиқариш кабилардан иборат.

ИШИД чилар ўз ғояларига эргашмаган инсонларни ваҳшийларча қатл этиб, аҳоли гавжум жойларда ўзини портлатиб, худкушлик амалиётлари ўтказишга одамларни мажбур қилдилар.Натижада, минглаб одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмди,сон-саноксиз болалар етим қолиб,оналик ва оталик меҳридан жудо бўлдилар. Шу туфайли дунёдаги бирорта уламо бу "давлат"ни тан олмади. 2014 йил сентябрь ойида дунёга машхур 126 нафар уламо кўпорувчи ташкилот бошчисига Очиқ хат ёзди. Унда ИШИДчилар амалга ошираётган ҳаракатлари Қуръон ва ҳадисга тамоман зид экани айтилиб, инсонийликдан йироқ, манфур жиноятлару қораланди¹. 2017 йил охирига келиб Ироқ,Сурия,Ливаннинг катта қисмини эгаллаб олган ИШИД чилар тўдаси прогрессив кучлар томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар туфайли тор-мор қилинди. Бироқ,уларнинг бузғунчиликдан иборат бўлган вайронкор ғояларининг илдизлари ҳамон сақланиб қолмоқда ва бутун инсоният тараққиётига таҳдид солмоқда.

3. ИШИД ва бошқа террорчи тўдаларнинг интернетдаги саҳифаларининг ўзига хос хусусиятлари. ИШИД ва бошқа террорчилар бугунги кунда интернетдан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун мамлакатимиз ёшларини ушбу хавфдан огоҳ қилиш мақсадида уларга тааллуқли бўлган интернетдаги саҳифаларнинг қуйидаги ўзига хос бўлган хусусиятларини :

- 1) улар саҳифалари ва гуруҳларида ўзларини ягона туғри йўлда юрувчилар деб ҳисоблаб, ўзларига эргашмаганларни кофир санагини;
- 2) имон келтирмаган ёки бошқа динга эътиҳод қиладиган ҳар қандай кишини душман деб айтишини;
- 3) ер юзида адолат ўрнатишнинг ягона йўли - исломий давлат қуриш ва шу мақсадда “ҳижрат” ва "жиход” қилиш ғояларини илгари суришини;

¹ Қаранг: Тулепов А. ИШИД фитнаси – Т.: Мовароуннаҳр,2015. Номли китобда келтирилган маълумотлардан фойдаланилди.

4) ўзларининг жинойтчи тўдабошиларидан бошқа олимларни қоралаб, уларни ҳақоратлашади ва ёмонотлик қилишини;

5) давлат ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва мав- жуд камчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали одамларни ваҳимага солишини;

6) халқ билан гўёки яқинлигини билдириш мақсадида уларнинг қийин- чилиги ва ташвишига ўзларини “шерик” қилиб кўрсатишини, аслида эса уларнинг диний туйғуларидан усталик билан фойдаланишини;

7) ихтилоф чиқарадиган масалаларни ўз саҳифалари орқали ёритиб, одамларда ўз қарашлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга уринишини¹ каби салбий хатти-ҳаракатларининг мазмун-моҳиятини уқтириш,ўргатиш,келтириб чиқарадиган зарарли оқибатларидан огоҳ қилиш ишларини йўлга қўйиш керак бўлади.

Маълумки, ҳар қандай иллатнинг олдини олиш учун, аввало, жамият организмида унинг томир отиб кетмаслиги учун унга қарши кураш олиб бориш зарур. ИШИД ҳеч қачон ўз мақсадига етолмайди,чунки унинг қўли минглаб гуноҳсиз инсонлар қонига белангандир.

4.3. Мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси. СССР парчаланиб кетгандан сўнг,унинг ўрнида пайдо бўлган катта-кичик мустақил давлатлар мамлакатнинг иқтисодий,сиёсий,маданий соҳаларидаги мустақиллигини амалда таъминлаш масаласида бир қатор қийинчиликларга дуч келдилар. Масалан, ишлаб чиқаришдаги узулишлар, етиштирилган маҳсулотни кимга,қаерда,неча пулга сотиш,ишсизлик,ҳокимият учун кураш ва бошқалар. Ана шу қийинчиликларнинг осон бўлган ечимини топиш учун Россия коммунистлари ёш мустақил давлатларни қайтадан собиқ иттифоққа бирлаштириш ғоясини ўртага ташлади. Бу ғоянинг тарафдорлари бошқа давлатлардан ҳам топилиб қолди. Бунга собиқ СССР да нарх-навонинг

¹ Қаранг: Тулепов А. ИШИД фитнаси. – Т.: Мовароуннаҳр,2015. – Б. 89-91.

арзонлиги, ойлик маош, нафақа пулларининг ўз вақтида берилиши, таълим олиш ва даволанишнинг бепуллиги ва бошқалар ваз қилиб кўрсатила бошлади. Бу ғоянинг орқасида собиқ КПСС раҳбарларининг ва рус шовинистларининг олдингидек роҳат-фароғатда яшаши ғояси яширинган бўлиб, ёш мустақил давлатларни мустақиллигидан жудо қилиб, бу ерда яшаётган халқларни ўзларига тобе қилиш ва уларнинг бойликларини текинга ўзлаштириб олишдан иборат эди.

4.4.Тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар. Собиқ Иттифоқ мафкурачилари “совет халқи” ни вужудга келтириш учун у ерда яшаётган барча халқларнинг тарихини сохталаштиришга, унинг саҳифаларини синфий кураш ғояси асосида битишга ҳаракат қилдилар. Масалан, соҳибқирон Амир Темур босқинчи, жаллод, қонхўр саркарда, Россия подшоҳ ва императорлари мазлумларнинг душмани сифатида тарихга киритилди. Айниқса, Чор-Россиясининг Ўзбекистонни босиб олиши сохталаштирилиб, унинг ихтиёрий қўшилиши сифатида тарих саҳифаларига битилди. Буларнинг ҳаммаси тарихни сохталаштиришдан бошқа нарса эмас эди. Бундан кўзланган асосий мақсад – ўзга миллатларни тарихидан, яъни ўзлигидан жудо қилиб КПССнинг «маданийлашган-манқурт» кулига айланттиришдан иборат эди. Бундай ҳаракатлар ҳозир ҳам олиб борилмоқда. Зеро, И.А.Каримов айтганидек:” Инсон учун тарихидан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”¹.

Миллий қадриятларимиз тизимида она тилининг ўрни алоҳида ажралиб туради. ***Ўзбек тили – давлат тили сифатида ўзбекларнинг жаҳонда борлиги билдирувчи атрибутлардан бири ҳисобланади. Ўзбек тилининг имкониятларини камситиш – бу бутун бошли ўзбек миллатининг ўқ томирига болта уриш демакдир.*** Буни англаб етган вайронкор кучлар, уни тан

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.// Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7 том. – Т.: Ўзбекистон, Б.– 139 бет.

олмасликка, қолавурса тил муаммосини кўтариб халқларнинг ўртасига нифок солишга уринадилар. Бундай нифоклар эса ҳеч шубҳасиз жамиятимизни таназзулга олиб келиши мумкинлигини айтмаса ҳам бўлади.

Бу хусусда Чор Россиясининг генерали Скобелев ўз императорига:” Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан, Уни бўйсундира олмаяпмиз... Бу халқнинг ўтмишида яратилган барча осори атиқаларни, масжиду мадрасаларни, диний китобларни ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин”¹ деб мурожаат қилган эди. Бундан ҳозиргача унумли фойдаланишга урунмоқчи бўлганлар кўплаб топилади.

Ислом динимизнинг моҳиятини сохталаштириш, уни ёвузлик манбаи қилиб кўрсатишга, ҳатто пайғамбаримизни ва бошқа диний арбобларни ҳажв қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

4.5. Ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар. Мамлакатимиз халқининг қалби ва онгига ёт мафқурани сингдириш учун душманлар бир қарашда беозор, гўё сиёсатдан холи туюладиган мафқуравий воситаларга катта эътибор қаратадилар. Кейинги йилларда намойиш этилаётган енгил-елпи ёки жангари фильмлар бунга мисол бўла олади. Маълумки, бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан томоша қиладилар. Сир эмаски, аксарият одамлар табиатида, хулқ-атворида мана шундай хатти-ҳаракатларга оз бўлса-да, мойиллик бўлади. Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам

¹Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.// Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7 том. – Т.: Ўзбекистон, Б.– 149 бет.

топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши кандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди. Афсуски, бизнинг телевидениемизда ҳам шундай фильмларни намойиш этишга ортиқча ружу қўйилмоқда.

Ғарб мамлакатларида 50-йилларда оммавийлашган «эркин муҳаббат» ғояси бугун айна ҳосилга кирганлигини, аёлларнинг ўз танларини «фоҳишахона»лар орқали пуллаб бой-бадавлат яшашга интилаётганликлари ҳам ёшларнинг ғоявий жиҳатдан бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Испания, Нидерландия ва АҚШда бугун бир жинсли шахслар никоҳдан ўтиб, бемалол яшашмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги миллий маданий-маънавий-мафкуравий тизимни издан чиқариб, ғоявий жиҳатдан одамларимизни Ғарб маънавий дунёсига қарам қилиб қўйиши мумкин.

4.6. Турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар. Минтиқавий ва давлатлараро келиб чиқадиган мафкуравий мажораларнинг ичида энг даҳшатлиси – бу одам савдосидир.

1. Одам савдоси. «Одам савдоси» ноқонуний курул-яроғ сотиш, гиёҳвандликдан кейинги ўринда турадиган энг даромадли бизнесга айланди. Бугун одам, унинг органлари товар сифатида сотилмоқда. БМТ маълумотида кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Одам савдоси йилига 12 миллиард долларгача даромад келтиряпти. Унинг қурбонлари асосан аёллар ва болалардир. Одам савдоси Интернетда тарғиб этилиб, махсус трасса ва клубларда амалга оширилмоқда. Германия ва Чехия ўртасида 5 минг километрга чўзилган «Е 55 трассаси»ни бугун бутун дунё билади. Бугун одам савдоси қурбонларига айланган ўзбек аёллари — Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Исроил, Туркия, Россия, Қозоғистон, Италия каби мамлакатларда махсус ишни амалга ошираётганлиги ачинарли ҳолдир. Ахлоқсизланиш жараёнларини фақат ахлоқий нормалар

асосидагина тўхтатиш мумкин. Бу ҳолатларни «куч ишлатиш», «тақиқлаш» ёки «фоҳишахоналарни расмийлаштириш» орқали ҳал этиб бўлмайди.

2. Худудий даъво. Минтиқавий ва давлатлараро келиб чиқадиган мафкуравий мажоралардан яна бирини дунёни жаҳонда мавжуд бўлган миллатларнинг жойлашган жойига қараб қайтадан бўлиш ҳисобланади. Масалан, Тожикистонлик айрим айирмачи мафкурачилар Ўзбекистонда тожик миллатига мансуб бўлган аҳоли кўп яшайдиган худудларни (Самарқанд, Бухора) Тожикистонга қўшиб олиш давоси билан чиққан эди. Бу ғоянинг мақсади бўлинган дунёни қайтадан бўлиш асосида ўзларига тегишли бўлган худудларни кенгайтиришдан иборатдир эди. Бу ғоянинг пайи давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган яхши қўшничилик сиёсати туфайли қирқиб ташланди, десак хато қилмаган бўламиз

Юқорида келтирилган фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, мафкуравий таҳдид ўз моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, инсон онгига, тафаккури ва хулқ-атвориغا хавф-хатар солмоқда. Инсон онги ва қалбини вайронкор ҳамда бузғунчи ғоялар билан издан чиқаришга ҳаракат қилиш мафкуравий таҳдиднинг энг асосий мазмун-моҳиятини белгилайди. Мафкуравий таҳдид муайян жамият аъзоларини ягона мақсад ва муддаолардан чалғитиб, миллий менталитетга мос келмайдиган бегона ғоялар, фикрлар, мақсадлар ва қарашларни четдан туриб экспорт қилиш жараёнида ўзини янада аниқроқ намоён қилади.

4.7. Мафкуравий таҳдидларнинг умумий тарзда намоён бўлиш хусусиятлари. Умуман олганда *ҳозирги вақтда мафкуравий таҳдидлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:*

- юртимиздаги демократия қадриятлари ва демократик тараққиёт имкониятларига нисбатан шубҳа билан қараш ҳолатини вужудга келтириш;
- одамларни эзгу ғоялардан чалғитиш, хаёлий фаровон турмуш тарзини ваъда қилиш;

- жамият аъзолари, айниқса, ёшлар тафаккурида миллий кадриятларга содиқлик туйғуларини заифлаштириш;
- халқимиз урф-одатлари, миллий менталитетига бегона одатларни киритишга интилиш;
- экстремистик руҳдаги диний ғояларни тикиштиришга интилиш;
- аҳоли ўртасида миллий тараққиёт моделига ишончсизлик уйғотиш;
- жамоапарварлик, ижтимоий ҳамкорлик руҳини инкор этиб, индивидуализм ғояларини сунъий равишда тикиштириш.

Шундай қилиб, бу таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий кадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада юртимизни ўзига қарам қилиб олишга қаратилган замонавий тажовузкорликнинг мафкуравий бир шаклидир. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган таҳдидлар ва уларга қарши курашиш тўғрисида **Ш.М.Мирзиёевнинг**: *“Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этмоқда”¹*, **И.А.Каримовнинг**: *“Бугунги кунда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосийсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашининг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташиши ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта”²*, – деган фикрларини билдириб, одамларимизни хушёрликка даъват этмоқдалар.

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз // *Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.138-139.

² **Каримов И.А.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // *Халқ сўзи*, 2015 йил, 24 январь.

4.8. Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлар ва уларнинг олдини олишга қаратилган вазифалар. Ўзбек халқи миллий тараққиётининг янги палласига кирар экан, унинг иқтисодий тараққиёти, сиёсий барқарорлиги, ғоявий-мафкуравий бағрикенглик сиёсатига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлар сақланиб қолиши табиийдир. Бундай таҳдидларнинг асосий йўналишларини давлатимиз раҳбари **Ш.М.Мирзиёев** томонидан кўрсатиб берилган. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, *геосиёсий манфаатлар тўқнашуви халқаро алоқаларда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларига путур етишига, қарама-қаршилик ва носоғлом рақобат кучайишига сабаб бўлмоқда.* Демак, давлатлар, халқлар ўртасида носоғлом рақобатнинг кучайиб бориши бизнинг манфаатларимизга жиддий таҳдид солиши турган гап. Бундай таҳдиднинг олдини олиш учун эса халқимиз томонидан яратилаётган барча моддий бойликларнинг сифатини яхшилаш, аynи вақтда миллатимизнинг маънавий-мафкуравий рақобатбардошлигини кучайтириш лозим.

Иккинчидан, *жаҳон иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги беқарорлик, энергия ресурслари нархларининг пасайиши деярли барча давлатларнинг иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Табиий ресурслар учун кураш қатор давлатларда ҳарбий-сиёсий аҳволнинг кескинлашувига олиб келмоқда.* Айрим мамлакатларни хомашё базаси ва сифатсиз маҳсулотлар бозорига айлантиришга интилаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Демак, баъзи бир давлатларнинг табиий ресурслар учун бўлган ўзаро курашлари натижасида айрим минтақаларда ҳарбий-сиёсий аҳволнинг кескинлашуви, шунингдек мамлакатимизни хомашё базаси ва сифатсиз маҳсулотлар бозорига айлантиришга интилаётган кучларнинг борлиги ҳам бизнинг мустақиллигимиз асноларига жиддий таҳдид солиши мумкин. Бунинг учун табиий бойликларимиздан инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, жаҳон бозорларини

сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали забт этишни йўлга қўйиш керак бўлади.

Учинчидан, *жаҳон иқтисодиётининг глобллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, наркотрафик каби иллатларнинг ҳамда ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.* Буларнинг барчаси мамлакатимиз ривожига жиддий таҳдид солувчи омил,воситалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай жинояткорона бузғунчи хатти-ҳаракатларга қарши кескин кураш олиб боришни ҳар томонлама кучайтириш лозим.

Тўртинчидан, *ахборот-коммуникация тизимларининг кенг қўлланиши, давлат бошқарувининг электрон шаклда ташкил этилаётгани, бу яхши албатта, ўз навбатида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар кўришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.* Шулардан бири – бу аҳолининг компьютер саводхонлигини оширишдир.

Бешинчидан, *коррупция, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда.* Коррупцияга қарши курашмасдан туриб,кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз.

Олтинчидан, *«оммавий маданият» балоси кўплаб ёшларни ўз домига тортиб, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган анъаналар кириб келишига сабаб бўлмоқда¹.* «Оммавий маданият» таҳдидига қарши курашишни ташкил қилиш учун, маданият соҳасида улардан «мудофаа» қилиш эмас,балки олдинроқ «тезкор ҳужумчи» сифатида иш юритиш асосида маърифий тарғибот ишларини тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Демократик ислохотларни чуқурлаштириш,барқарор ривожланишини таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир// Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017.– Б.45-46..

5-§. Глобаллашув даврида ўзбек халқининг тинч ҳаётига қарши ахборот- коммуникациялари орқали қилинаётган мафкуравий хуружлар

I. Ахборот- коммуникация технологиялари – ахборотлашган жамиятнинг асосий атрибути

1. Ахборотлашган жамият тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. XX асрнинг охири ва XX1 асрнинг бошларида дунё халқларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётда, шунингдек, табиатда юз бераётган глобал ўзгаришлар бугунги жамиятни “Ахборотлашган жамият”¹ деб аташга асос бўлмоқда.

«Ахборотлашган жамият» атамаси дастлаб Японияда вужудга келган. Япон файласуф олими Ю.Хаяши 1969 йилда Япония ҳукуматига “Япония ахборотлашган жамият бардамлиги сиёсатида чизгилар”, 1971 йили “Ахборотлашган жамият режаси” каби тадқиқотларни тақдим этди. 1971 йилдан бошлаб мазкур тушунча илмий жамоатчилик томонидан кенг қўлланила бошлади. Демак, ахборотлашган жамият тушунчасини биринчи бўлиб фанга Токио технологик университетининг проф. Ю.Хаяши киритган. Унинг фикрича, моддий маҳсулот эмас, ахборотлашув маҳсулоти жамиятнинг шакллантирувчи ва ривожлантирувчи кучига айланади.

Тўғри, ахборотлашган жамиятнинг моҳият-мазмуни ҳақида олимлар томонидан турли хил қарашлар, ғоялар, назариялар илгари сурилган. Шулар ичида М.Кастельснинг фикри диққатга сазовордир. Унингча, Ахборотлашган жамият моҳиятини бир-бирига боғлиқ қуйидаги жараёнлар белгилайди: ахборот ва билимлар ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий ривожланишнинг ҳақиқий ўзак қудратига, унинг қимматли манбаига айланади; ишлаб чиқариш

¹ Ахборотлашган жамиятни ижтимоий феномен тарзда тушунтириб бериш масалалари Д.Белл, А.Тоффлер, М. Кастельс, У.Ростоу, П.Дракер, Ж.Гелбрейт, Ф.Уэбстер, И.Масуда каби олимларнинг асарларида муфассал баён қилинган.

омили бўлмиш хом ашё, меҳнат, маблағ ресурсларига тенглаштирилган ахборот ва билим бозорлари шакллана бошлайди; ахборот етказиб бериш ва ундан фойдаланишни таъминловчи соҳалар аҳамияти шиддатли тарзда оша боради.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёни бир-бири билан боғлиқ бўлган уч қисмдан таркиб топади: **медиатизация** (лот. *mediatus* - воситачи) — ахборот тўплаш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни; **компьютерлаштириш** — ахборот излаш ва унга ишлов бериш воситаларини такомиллаштириш жараёни; **интеллектуализация** — ахборот яратиш ва уни идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, шу жумладан сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёни. Умуман олганда, жамиятни ахборотлаштиришни замонавий ахборот-техника воситалари ёрдамида ижтимоий тузилма ва жараёнларни такомил-лаштириш деб талқин қилиш лозим. Ахборотлаштириш ижтимоий интел-лектуализация жараёнлари билан уйғун ҳолда бўлиши керак. Зотан, бу шахс ва у яшаётган ахборот муҳитининг ижодий салоҳиятини ошириш имконини беради¹.

Ахборотлашган жамият олдинги жамиятлардан моддий омиллар билан эмас, балки маънавий омиллар – билим ва ахборот биринчи ўринда туриши билан тубдан фарқ қилади. Ахборот ва билим олиш, уларга ишлов бериш ҳамда уларни сақлаш ва етказиш жараёнида жамият аъзоларининг аксарияти банд бўлади. Ахборотлашган жамиятда ахборот тайёрлаш моддий ишлаб чиқаришни сиқиб чиқармайди, балки унинг негизида шаклланиб, бу соҳа ривожига туртки бўлади².

2006 йилнинг БМТ Бош Ассамблеяси Бутун жаҳон ахборот жамияти йили деб эълон қилиниши ҳам ҳозирги кунда жамият ахборотлашувининг аҳамияти ортиб бораётганлигадан далолат беради. Ҳозирги даврда дунёдаги барча дав-латларнинг ахборотлашган жамият томон интилиши кузатилмоқда.

¹ Қаранг: Кастельс М. Информационная эпоха: Экономика, общества, культура. – М.: Изд-во «ВШЭ», 2000. – С. 502-503.

² Қаранг: Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б. 33-34.

Ахборотлашган жамиятда нафақат турмуш тарзи, маънавий қадриятлар тизими ўзгаради, моддий бойликларга фақат жамғарма сифатида қарашлар ўрнига маданий ҳордиқ чиқариш, интеллектуал бойлик ортириш воситаси сифатида ёндашувнинг аҳамияти ортади. Россиялик файласуф олим А.А.Чернов глобал инфор­мацион жамият тушунчасини ахборот технологияларини ўсиб бориши ва жамият ҳаётига кириб боришидир деб изоҳлайди: “глобаллашув кўп ҳолларда ахборот ва ахборот технологияларининг янги сифат кўрсаткичларига эга бўлишидир, “электрон ҳокимят”нинг такомиллашуви, пайдо бўлиши, “киберсиёсат”нинг кенгайиб бориши, “кибердемократия”нинг кучайиши, “сиёсий коммуникацияларни компьютерлаштиришининг ривожланиши глобаллашувни юзага келтирмоқда”¹. Юқоридаги таъриф ва таснифда ахборотлашган жамиятнинг техник ва технологик жиҳатларига асосий урғу берилган, глобаллашув фақат ахборотлашув билангина боғлиқ деган хулоса илгари сурилган. Бу жараён глобал ўзгаришларга хос бўлиб, ахборот маданияти ўсишининг ривожланган босқичини англатиб, унинг жамият ҳаётида тобора салмоқли ўрин эгаллаётганлигини билдиради. Инсоният глобаллашув ва ахборотлаштириш деб аталган янги алоқа ва ҳамкорлик тизимлари йўлга кўйилган ва тобора жадал суръатларда кенгайиб бораётган тараққиёт босқичига чиқди. Натижада “глобаллашув” ва “ахборотлашув” тушунчалари фақат иқтисодий ҳаётни эмас, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва бошқа деярли барча соҳалардаги умуминсоний жараёнларни қамраб олувчи тушунчага айланди.

Глобаллашув инсоният тарихи ва тараққиётидаги объектив зарурият бўлиб, уни четлаб ўтиш мумкин эмас, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларининг яқинлашувини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратади, шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти даврида

¹Қаранг: Чернов А. А. Становление глобального информационного общества. Проблемы и перспективы -М.: Дашков и.К: 2003. – С.5-6.

ахборот комуникациялар тизимидаги глобаллашув тобора илгарилаб бораётган ижтимоий воқеликдир.

Глобаллашув туфайли одамлар бир лаҳзада ўзини қизиқтирадиган ахборотни дарҳол олиш, унга эгалик қилиш имкониятига эга. Ушбу жараён мазмуни тўғрисида И.А.Каримов: “Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ,деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас”¹,– деган эди.

Шундай қилиб, *ахборотлашган жамият* – бу табиат ва жамиятда содир бўлаётган нарса, ҳодиса, воқеа, жараёнлар ҳақида ахборотларни йиғиш, яратиш, сақлаш, қайта ишлаш, тизимлаштириш, узатиш ва қабул қилиш, истеъмол, айирбошлаш, тақсимлашга асосланган моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини уйғун ҳолда тезкор ҳаракатга келтирувчи интеллектуал муносабатлар заминига қурилаётган кишилар жамиятидир.

2.Ахборот тушунчаси, унинг тур ва шакллари. Хўш, ахборот ўзи нима? Бу саволга олимлар қуйидагича жавоб беришганлар. Масалан, Н.Винер: “Ахборот - ташқи оламга кўникиш жараёнида ундан олинган мазмунни ифодалашдир”², (Бу ерда ахборот ташқи оламни акс эттириш (гносеологик жиҳат) ва адаптация (унга кўникиш) деб ифодаланади), Л.Попов: “Ахборот комуникация ва алоқа жараёнидаги ноаниқликнинг бартараф қилиниши”³, – деб ҳисоблайди. (Бу таърифда асосан ахборотнинг фалсафий-психо-логик (комуникация, алоқа) томонига эътибор қаратилади.) Р.Эшби: “Ахборот - структураларнинг меъёри, янгилик, оригиналлик”⁴, С.Моль: “Ахборот - танлаш эҳтимоллиги”¹,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч.– Т.: Маънавият,2008.– Б.112.

² Винер Н. Кибернетика и общество. -М.: Наука, 1991. -С.620.

³ Қаранг: Попов Л. Информациология и информационная политика. -М.:Луч, 1999. -С.27.

⁴ Қаранг: Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. -М.: Дело, 1993. - С.469.

Л.Г.Свитич: “Ахборот тушунчаси кўп маънога эга, лекин умумий фалсафий, метолингвистик маънода потенциал, кенг ёритилган реал моҳиятларнинг мажмуи”², – деган таърифларни беришган. Булар ичида ахборотнинг энг содда классик таърифи бу - маълумот беришдир.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ахборот мазмуни ва тушунчасига берилган таърифлар хилма-хиллиги билан ажарилиб туради.

Умуман олганда бугунги кунда ахборот тушунчасини кундалик ҳаётда кўллаётган кишилар:

– ахборот - унга мослашиш жараёнида ташқи дунёдан олинган мундарижани англашдир;

– ахборот - жараён давомида номаълумликни бартараф этадиган коммуникациядир;

– ахборот — хилма-хиллигини етказишдир;

– ахборот - оригиналлик, янгиликдир;

– ахборот - тизимнинг мураккаблиги чорасидир;

– ахборот - танлаш эҳтимолидир;

– ахборот - хилма-хилликни акс этиришдир деган маъноларни англантиш учун ишлатадилар. Кўриниб турибдики, ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал маъно касб этмоқда. У инсон тафаккурига таъсир ўтказувчи, инсоният ҳаёти ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи воситага айланди³.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, ахборот арабча “хабар” сўзидан олинган бўлиб, “дарак”, “маълумот”, “овоза” деган маъноларни англатади⁴. Шу

¹ Қаранг: Моль С. Информационное воздействие в современном мире. -М.: Крымский мост, 2004. -С. 484.

² Қаранг: Свитич Л. П. Социальная информатиология. -М.: Алгоритм, 2000. -С.250

³ Қаранг:Муҳаммад Амин Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. –Т.:«Моуагоиппаһг», 2016. -Б.206.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4.Ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.370.

тариқа бугунги кунда **ахборот деганда бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақида дарак, маълумот бериш, билдириш, уни муайян воситалар орқали етказиш ёки овоза қилиш тушунилади.**

Фалсафий жиҳатдан ахборотларни ўзининг акс эттириш **объектига** кўра: *биринчидан*, табиат (коинот, ер-сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот ва бошқалар); *иккинчидан*, жамият (одамлар, жамоат бирлашмалари, давлатлар, уларнинг тузилишлари, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий фаолиятлари); *учинчидан*, инсон фаолияти (жисмоиний ва ақлий салоҳияти, саломатлиги, онги ва тафаккури, менталитети, мойиллиги ва бошқалар) ҳақида батафсил маълумотларни етказиб берувчи гуруҳларга ажратиш мумкин. Бу билан уларни таснифлаш муаммоси тугамайди. Дарвоқе, мавжуд оламда юз бераётган ҳодиса, воқеа, жараёнлар қанчалик тез ва изчил кечса, улар ҳақидаги информациялар оқими ҳам шунчалик кўп ва хилма-хил бўлади.

Бугунги кундаги ахборотларни ўзининг **субъектига** кўра учта катта гуруҳга ажратиш мумкин. Бунда:

биринчи гуруҳга ахборотларни ўзида миқдорий ва сифатий жиҳатдан акс эттирган ҳолда сақловчи, қайта ишловчи ва узатувчи технологияларга асосланган воситалар – оддий алоқа тармоқларидан тортиб бугунги кундаги мураккаб технология асосига қурилган ихчам ва қулай ҳар хил турдаги катта ва кичик қурилмаларгача бўлган воситаларни ўз ичига олувчи;

иккинчи гуруҳга уларнинг ижодкори бўлган интеллектуал ақл соҳибларини;

учинчи гуруҳга улардан фойдаланувчи шахс, жамоа ва бошқа турли хилдаги бирлашмаларни киритиш мумкин.

Булардан ташқари ахборотларни қуйидаги тур ва шаклларга ажратиш мумкин:

“идрок қилиш усулига кўра қуйидаги кўринишларга ажратилади:

- визуал - кўриш органлари орқали қабул қилинадиган ахборотлар;
- аудиал - эшитиш органлари орқали қабул қилинадиган ахборотлар;

- хидлаш орқали қабул қилинадиган ахборотлар;
- тери сезгиси орқали қабул қилинадиган ахборотлар.

Такдим этиш кўринишига кўра ахборотларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- матнли ахборот - турли рамзлар орқали ифодаланади;
- сонли ахборот - рақамлар ва белгилар ёрдамида ифодаланади;
- график ахборот - предметлар, тасвирлар, графиклар ёрдамида ифодаланади;
- товушли ахборот - оғзаки ёки товуш узатадиган ёзув шаклида ифодаланилади.

Ахборот вазифасига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

- оммавий жамиятнинг кўпчилиги қисми учун тушунарли бўлган ахборотлар;
- махсус тор ижтимоий гуруҳ доираси учун мўлжалланган ахборотлар;
- шахсий кайсидир шахс тўғрисидаги маълумотлар мажмуидан иборат ахборотлар»¹.

Табиат ва жамият ичида ва улар ўртасида қанчалик нарса, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар кўп бўлса, уларнинг инъикоси ва ташувчиси бўлган ахборотлар ҳам шунчалик кўп ва серқирра мазмунга эга бўлади. Тараққиётнинг келгусидаги таъқдири ана шу ахборотлардан тез ва самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

3. Ахборот - коммуникация технологиялари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари. Эндиликда, XXI асрга келиб инсоният ўзининг янги сифатий босқичига ўтиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Чунки кўз олдимизда техника ва технологияларнинг янгидан янги авлодлари яратилиб, бир томондан, инсон ақл-саковатининг чексиз эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан эса уни барча кишилар ўзлаштириб олишлари, ўз

¹ Қаранг: Алиев Б., Меликулов А. Ахборот хуружларидан хабардормисиз? Т.: «Маънавият», 2015. – Б. 7-8.

мақсадлари йўлида фойдаланиш борасида бир қатор қулайликларни яратиб бермоқда. Уларнинг негизида ахборот- коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида юз бераётган инқилбий ўзгаришлар туради.

Шундай экан ахборот - коммуникация технологиялари деб нималарга айтилади? Бунда ахборот¹ – маълумотларни йиғиш, сақлаш ва узатиш бўлса, коммуникация² – транспорт, алоқа йўллари, иншоотлардан иборат бўлган алоқа воситалари туркуми, технология³ – хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи ҳисобланади. Ушбу атамаларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ахборот коммуникация технологиялари тушунчасига қуйидагича таъриф ва тавсиф бериш мумкин. ***Ахборот - коммуникация технологиялари деб ахборотларни олиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, ўзгартириш ва узатиш жараёнида қўлланиладиган воситаларнинг ҳолати, хосса ва шаклларини ўзгартириш усуллари орқали янгиларини яратиш ва улардан тезкор суръатлар билан фойдаланиш амалиётига айтилади.***

Булар жумласига интернет, телевидение, радио, матбуот ва бошқалар киради.

Ахборот - коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденция⁴ лари қуйидагилардан иборат.

¹ “**Ахборот**” – арабча хабар сўзидан олинган бўлиб, иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот деган маъноларни англатади. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.1.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.119.

² “**Коммуникация**” – лотинча communication < communicare – «умумий қилмоқ, боғламоқ фикр алмашув, алоқа», деган маъноларни англатади. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.395.

³ “**Технология**” – юнонча techne – маҳорат, санъат + logos – таълимот, яъни «бирон бир нарсани яратишда қўлланиладиган маҳорат ҳақидаги таълимот», деган маънони англатади. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 200. – Б.81.

⁴ “**Тенденция**” – немисча Tendens < лотинча tendere – йўналмоқ, интилмоқ сўзларидан олинган бўлиб тараққиёт йўналиши; бирор нарсага қизиқиш, мойиллик, интилиш деган маъноларни англатади. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 200. – Б.65.

1-тенденция. Ахборот-коммуникация технологияларининг ичида юз бераётган ўзгаришлар, натижасида уларнинг янги авлодини яратиш борасидаги изланишлар. Масалан, транспорт воситаларидан фойдаланишда бензин, газ, электр энергиясидан фойдаланиш охир-оқибатда кутилмаган ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун ҳам ҳозирги кунда бу масалани ечиш устида иш олиб борилмоқда.

2-тенденция. Ахборот-коммуникация технологияларидан қандай мақсадларда фойдаланишларига қараб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳаётида содир бўладиган ўзгаришларнинг фалсафий мантиғи ташкил қилади. Масалан, давлатлараро ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида “электрон ҳукумат” доирасидаги олиб бориладиган шартномалар ва уларнинг бажарилиши бунга мисол бўла олади.

АКТ ни ривожлантириш ва унинг натижаларидан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида унумли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июнь куни «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Бундан кўзланган мақсад – мамлакатимизда АКТ учун халқаро стандартларга мувофиқ дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли ва рақобатдош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш, АКТ маҳсулотлапри экспортини кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришни ташкил этишдан иборат¹.

3-тенденция. Ахборот-коммуникация технологияларидан мафкуравий мақсадларда фойдаланиш борасидаги хатти-ҳаракатлар. Бунинг ёққол ифодасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони. 2017 йил 30 июнь// «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 1 июль.

ахборот коммуникация технологияларидан тинчлик, ҳамкорлик, бунёдкорлик йўлида иш олиб бораётган эзгулик тарафдорлари ҳам, шунингдек, уруш олиб бориш, гегемонлик қилиш, сотқинлик, хунрезлик, ваҳшийлик каби ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар билан шуғулланувчи бузғунчи тўдалар ҳам фойдаланишга урунаётганлигида кўриш мумкин. Буларнинг ичида интернет алоҳида ажралиб туради

II. Интернет – мафкуравий хуруж воситаси сифатида

1. Интернет ва ундан фойдаланишнинг ижобий ва салбий томонлари.

Мафкуравий гегемонликка интилаётган кучлар ахборот технология коммуникациялар, жумладан интернет орқали мамлакатимизга мафкуравий хуружларни амалга оширомоқда. Бунга сабаб қилиб қуйидаги интернетдан фойдаланиш борасидаги фикрларни келтириш мумкин.

Хўш, интернет нима? *Интернет* инглизча *Internet* – *тўр, ўргимчак тўри: умумжаҳон тармоғи* деган сўзлардан олинган бўлиб, ўзбек тилида умумжаҳон компьютер тармоғи, яъни бутун жаҳон бўйича тарқалган ва телефон ҳамда оптик-толали линиялар, модемлар ва бошқалар билан ўзаро боғланган, ҳар қандай ахборотни ўзаро алмаша оладиган катта миқдордаги компьютерлар мажмуи деган маънони билдиради. Бу тармоқ 1972 йилда АҚШ мудофаа вазирлигининг лойиҳаси асосида вужудга келган бўлиб, у XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда интернет вақтни ва маблағни тежашга ёрдам беришидан ташқари ахборотларни жуда тез узатиш ва қабул қилиш, керакли маълумотларни тез излаб топиш, узоғимизни яқин қилиш, онлайн суҳбатлар қуриш, дунё воқеалари билан қисқа фурсатларда хабардор бўлиш каби кўплаб имкониятларни яратиб беради.

Ҳозирги кунда интернет тизимининг ижтимоий тармоқлари хизматлари кенг оммалашиб бормоқда. Ижтимоий тармоқнинг мақсади интернетда ўзаро қизиқишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулоқот қуришдан иборат.

Фойдаланувчиларининг сони бўйича ҳозирда Facebook ижтимоий тармоғи 500 000 000 фойдаланувчиси билан етакчилик қилмоқда. Ундан кейинги ўринларда MySpace (255000000 фойдаланувчи), Одноклассники (205000000 ортиқ), Twitter (200000000 фойдаланувчи), Windows Live Spaces (120 000 000 фойдаланувчи) ижтимоий тармоқларни келтириш мумкин.

Аммо ҳамма нарсанинг яхши ва ёмони бўлганидек, бу қулайликлар билан бирга интернетдан самарали ва мақсадли фойдаланувчилардан ташқари ундан вақтни бекорга ўтказиш, турли кўнгилочар ҳамда беҳаё сайтлардан фойдаланувчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби интернетдан фойдаланувчиларнинг, айниқса, ёшларнинг тизимдан мақсадли фойдаланиш кўникмалари ва маданиятини тўлиқ шаклланмаганлиги деб айтиш мумкин.

Эътибор бериб, келтирилган веб саҳифалар таҳлили қуйидаги *салбий ҳолатлар ва камчиликлар*: фойдаланувчиларнинг айримлари ўз номлари билан рўйхатдан ўтказмаслиги; номақбул фото суръатлар қўйиши; ўзаро мулоқатларда ҳурматсизлик қилиши; бемаъни гаплар ёзиши, баъзан нотўғри маълумотлардан фойдаланиши; саҳифалар ижтимоий бўлишига қарамасдан сиёсий мулоқатлар ўрнатиши каби ҳолатларнинг учраб туришини кўрсатмоқда.

Шу билан бир қаторда катта молиявий имкониятларга эга бўлган корчалонлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш мақсадида ўзларининг ғоявий душманларини бадном қилиш ёки бошқалар устидан мафкуравий гегемонликка эришиш учун ўзга халқларга нисбатан мафкуравий хуруж қилиш ишларини бажаришда интернетдан кенг равишда фойдаланмоқда.

2. Интернет орқали қилинаётган мафкуравий хуружлар ва унинг оқибатлари. Юқорида таъкидлаганидек, интернет - инсоният ақлий салоҳияти эришган энг буюк кашфиётлардан бири бўлди. Бугунги кунга келиб дунё аҳолисининг деярли 35% (2 миллиард 400 миллиондан ортиқ) қисми интернетга уланиш имконига эга. Мутахассислар томонидан 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 50% ни ташкил этиши айтиб ўтилмоқда. Мутахассисларнинг тадқиқотлари

натижасига кўра ҳозирда интернет тармоғидаги маълумотларнинг 70-75 % и инсон учун зарар келтирувчи ғоялар ҳисобланади¹.

Мутахассислар ўтказган махсус тадқиқотлар натижаларига кўра, барча мавжуд сайтларнинг тахминан 12 фоизи парнографик хусусиятларга эга, 44,0% зўравонлик ва ёвузлик кўринишига, 41,0% жангари, турли отишмалар ва портлашларга асосланган мавзуга бағишланган. Шунингдек, бугунги кунда, инсонийликка бутунлай зид, ёвузликка асосланган шайтоний секталар фаолияти ҳам жадаллашмоқда².

Шундай экан, ўзбек халқини танлаган йўлидан чалғитиш учун интернет орқали қилинаётган мафкуравий хуружларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Биринчидан, жамиятимиз аъзоларининг онги ва тафаккурига таъсир қилишига қаратилган хуружлар. Маълумки, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий онги ва дунёқарашида ҳамда хулқ-атвор нормаларида ота-онага, ўзи яшаётган маҳалла жамоасига, катта ёшдаги кишиларга чуқур ҳурмат билан қараш, муайян воқеа ва ҳодисаларга босиқлик, мулоҳаза ва андиша билан муносабатда бўлиш, жамоа фикрига нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатиш каби хислатлар устуворлик қилади. Қолаверса, айнан мана шу кадриятлар жамиятимиз маънавиятининг тамал тошини ташкил қилади.

Бундай вазиятни яхши ўрганган ғанимларимиз бизга қарши маънавий хуружларни амалга оширишда халқимизнинг мана шундай улуғвор кадриятларига мутлақо тесқари ва бегона бўлган, асосан “индивидуализм”, “эгоизм”, “космополитизм”, “зўравонлик”, “диний мутаассиблик” ғояларини иложи борича чиройли ниқобларга ўраб, жамиятимизга олиб киришга уринмоқда. Ғанимларимизнинг халқимиз миллий онгига таъсир кўрсатишдан кўзланган асосий мақсади давлатимиз асосчиси И.А. Каримов хулоса

¹ Қаранг: <http://old/religions.us/usb/news> 17 Ноябрь, 2013. Инсон онги учун курашнинг янги шакллари.

² Қаранг: Абдумаликов А. Фуқаролик жамиятида шахс инфор­мацион маданиятини шакллантириш: монография.– Т.: Фан, 2016.– Б.60.

қилганидек: “Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат”¹.

Иккинчидан, миллий урф-одатларимизга бўлаётган хуружлар. Маълумки, халқимизда ўзига хос миллий одатлар, анъаналар шаклланган. Жамоа бўлиб яшаш, қариндош-уруғларга меҳрибонлик, тўй ва маъракалар, байрамлар, тарбия масалаларида, ҳашарларда ижтимоий ҳамкорликнинг бошқаларда учрамайдиган ўзига хос юқори даражасининг намоён бўлиши шулар жумласидан. Халқимизнинг бу урф-одатлари асрлар давомида жамият мустақамлигининг асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг мамлакатимиз тараққиёти учун нақадар улкан аҳамиятини сезган таҳдидчилар бу борада ҳам муайян хуружларни амалга оширмоқда. Шу мақсадга эришиш учун улар глобал алоқа тизимлари ва бошқа воситалар орқали маънавий қашшоқликка, таркидунёчиликка, одамларга нисбатан оқибатсизлик ва шафкатсизликка олиб келувчи ғояларни ҳамда урф-одат нормаларини зўр бериб тарғиб қилмоқда. Булар орасида, айниқса, одамовилик, ота-онага нисбатан беписанд қараш, шахсий ҳаётни улуглаш каби ғоя ва қарашлар устуворлик қилмоқда.

Учинчидан, миллий маданиятимизга бўлаётган хуружлар. Сир эмаски, халқимизнинг миллий маданияти ўзининг қадимийлиги, бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Марказий Осиё тарихида ақл-идрок билан маънавий жасоратни,

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлигига ва букилмас иродасига боғлиқ // *Унинг ўзи*. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. –Б.250.

диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган алломалар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аجدодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номи, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Маънавий-мафкуравий хуруж уюштираётган кучлар жамиятимиз аъзоларини миллий маданий бойликлар ва имкониятлардан бегоналаштиришга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда улар Интернет тармоғидан, кинофильмлар ва санъат турларидан фойдаланган ҳолда ниҳоятда оҳанрабо, лекин енгил-елпи, инсон тафаккурини ривожлантиришга эмас, аксинча унинг саёзлашувига хизмат қилувчи намуналарни жамиятимизга олиб киришга интилоқда. Бундай санъат ва маданият намуналарида беҳаёлик, мантиқсизлик ғояларининг тарғиботи етакчилик қилмоқда. Ваҳоланки, бу мамлакатларнинг ўзлари миллатларни парокандаликка олиб борадиган, инсоният учун шармандали вазиятларни демократия, инсон ҳуқуқлари каби олий қадриятлар шиори остида тарғиб қилмоқда.

Мана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида самарали ва мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. ...Шунга ўхшаш зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак? Бунинг йўли – одамларимиз,

авваламбор, ёшларимизнинг иймон-этикодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир”¹. Бугун кучли давлатларнинг тарғибот ва ташвиқотлари натижасида учинчи дунё мамлакатлари ўзларининг юқори малакали мутахассисларидан ажралмоқдалар. Оддийгина рақамларга мурожаат қилганимизда бунинг тасдиғини кўрамиз. Ғарб оммавий ахборот воситаларининг доимий тарзда олиб борадиган тарғибот ва ташвиқотлари натижасида камбағал Африка мамлакатлари учун юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб турган бир пайтда, олий ва юқори малакали ходимларнинг ҳар учтасидан биттаси ривожланган давлатларга кетиб қолмоқда. Ҳар йили Африкадан ўртача 23 000 илмий ходим ва ўқитувчи чиқиб кетмоқда. Кейинги беш йил мобайнида қитъа давлатлари 60 мингдан ортиқ ўрта ва юқори бўғиндаги бошқарув ходимларидан маҳрум бўлди.

3. Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш – мафкуравий хуружларга қарши кураш омили. Ахборот коммуникация технологиялари орқали қилинаётган мафкуравий хуружларга қарши мафкуравий курашни кучайтиришда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва юксалтиришни тақозо этади.

Бунинг учун ёшларимизга: 1) интернетдан мақсадли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш; 2) керакли маълумотларни тез излаб топиш малакасини ортиши; 3) вақтдан унумли фойдаланиш, вақтни қадрига етиш; 4) ёзиш саводхонлиги ортиши; 5) билим ва амалий кўникмаларини шакллантириш; 6) ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш; 7) замонавий ахборот

¹ *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафқураси – халқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир // *Унинг ўзи.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.494.

технологияларни амалиётга қўллай билиш; 8) замон талаби билан ҳамнафас бўлиб яшашни ўргатиш асосида, уларнинг *интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириши* учун *биринчидан*, ғоявий-мафкуравий салоҳиятини ўстириш ва баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тўғри фойдаланишни; *иккинчидан*, ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ютуқларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш; *учинчидан*, ахборот-коммуникация технологияларидан ва ахборотлардан фойдаланиш муҳитини яратиш; *тўртинчидан*, интернет тармоғида ёшларга, уларнинг қизиқишларига ва интилишларига, ахборот эҳтиёжларига йўналтирилган электрон манбаларни ташкиллаштириш керак.

Афсуски, дунёда кибер фирибгарлик, ахлоқсизлик ва жиноятнинг турлари ва усуллари тобора кўпайиб бормоқда. Уларга нисбатан қонунчиликни янада такомиллаштириш, аҳолининг холис ахборот ва хавфсиз интернетга бўлган ҳуқуқларини етарли ҳимоя қилиш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришда миллий мафкурамизни тарғиб қилувчи, ўзлигимизни англаувчи, кучли ғоявий, маънавий-маърифий, илмий, бадиий, спорт, ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ўйинлар йўналишларида миллий ахборот ресурсларини яратиш ва ривожлантириш замон талаби ҳисобланади. Демак, бу иш билан фақатгина педагоглар ёки ота-оналар эмас, балки маҳалла кўй, тарбиячилар, “интернет клуб”ларнинг ходимлари, болалар ва ёшлар ташкилотларининг провайдерлар, оммавий ахборот воситалари, хуллас, кенг жамоатчилик биргаликда шуғулланиши лозим. Чунки, эндиликда ёшлар интернетдан фаол фойдаланувчи субъектларнинг аксарият қисмини ташкил этади, уларнинг мафкуравий онги унда берилаётган маълумот-ахборотлар орқали шаклланиб боради. Бу мафкуравий жараённи тақиқ йўли билан тўхтатиб бўлмайди.

III. “Оммавий маданият” таҳдиди ва унга қарши кураш чора-тадбирлари

1. “Оммавий маданият” тушунчаси. Жамият ҳаётининг барча соҳалари глобаллашиб борар экан, у албатта маданият соҳасида биринчилар қаторида ўзини намоён қилади. Шундай ҳодисалардан бири “оммавий маданият” ҳисобланади.” Оммавий маданият” нима? Бу саволга ҳар бир халқ ўзининг манфаатлари ва қадриятларидан келиб чиққан ҳолда жавоб берадилар. Умуман олганда”оммавий маданият” бизнинг қадриятларимизга мутлоқо тўғри келмайдиган маданиятлар қаторига киради.. Бу хусусда Президентимиз **Ш.М.Мирзиёев:**“Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айна ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди”¹,– деган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда биз учун *оммавий маданият* – бу бир гуруҳ бойликка ўч одамлар томонидан замонавий ахборот-технологияларининг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда ахлоқий бузуқлик, зўровонлик, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўйиши, “мен” ни улуглаш кабиларни акс эттирувчи ҳар хил ўта саёз маданият асарларини моддий ва маънавий ҳаёт майдонларига ташлаб, кўнгилочарлик баҳонасида тижоратга асосланган истеъмолчиликни йўлга қўйиб халқларни ўз миллий қадриятларига асосланган маданиятидан жудо қилиши эвазига катта даромад топишга қаратилган аксилмаданиятдир.

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир.// Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.505.

2. «Оммавий маданият»нинг белгилари. Буларга ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ва бошқалар киради..

1. Ахлоқий бузуқлик. Бу энг тубан инсоний фаолият бўлиб, у аста-секин «эркин муҳаббат»дан «бир жинсли инсонлар ўртасида никоҳ тузиш»гача бўлган босқичларга кўтарилади. У ёшларни маънавий жиҳатдан айнитиб, минглаб йиллардан буён ардоқланиб келаётган муқаддас муҳаббат анъанаси ўрнига зинокорликни такдим қилади.

2. Зўравонлик. Бу иллат мазмунини инсоннинг инсон, миллатнинг миллат, давлатнинг давлат устидан ўз ҳукмронлигини ўтказиш ташкил қилади. Зўравонлик шахс ҳуқуқини паймол қилиб, унинг онгида ҳайвонийлик ҳис-туйғуларини ва хусусиятларини таркиб топтиради.

3. Индивидуализм. Бу ғояга кўра шахс ўз манфаатларини ўзгалар манфаатларидан устун қўяди. Индивидуализм жамоавийликнинг зиддий кўриниши бўлиб, у шахсни жамиятдан айро яшашга, қўни-қўшничилик, маҳалла-қўйчилик ва жамоавийликка қарши руҳда вояга етказди. Бу иллатга мубтало бўлган киши ўз манфаатларини ўзгаларникидан устун қўяди, фақат ўзи учун яшаш одатини ўзлаштиради.

4. Эгоцентризм. Бу ғоя инсоннинг «мен»лигини устувор қўйишдан иборатдир. Унга кўра, инсон ҳар бир нарсага ўзининг «мен»лик нуқтаи назаридан қарайди. Бунинг энг ташвишли жиҳати шундаки, ундай одам ўзини доимо ҳақ деб билади, ўзгаларга нисбатан беписанд қараш, ўз хатти -ҳаракатларини мутлақо тўғри деб билиш эгоцентризмнинг энг асосий белгисидир.

3. “ Оммавий маданият” га қарши кураш чора-тадбирлари. Мадомики ушбу маданият миллий қадриятларимиз илдизига болта ураётган экан унга қарши курашишимиз зарурдир. Бу эса қуйидаги чора-тадбирларни қўллашни тақозо этади

1. Контрабанда йўли билан юртимизга кириб келаётган шахвоний фильмлар, турли порнографиялар воситасида ахлоқий бузуқликни тарғиб қилувчи

маҳсулотларни мамлакат ичкарасига киритмаслик. Пинҳона иш юритаётган фоҳишахоналарнинг фаолиятига чек қўйиш тадбирларини кучайтириш.

2. Қудратли давлатларнинг қудратсиз давлатлар устидан зўравонлигини мадҳ қилувчи ҳар қандай маҳсулотларни(кийим кечаклар, видеофильмлар ва шунга ўхшаш нарсалар)нинг кириб келишига, айниқса уларни ёшларнинг маънавий истъмол қилишларига йўл қўймаслик ишларини узлуксиз тарзда ташкил этиш.

3. Инсон ўзи учун эмас, ўзини ўзи улуғлаб эмас, балки жамият манфаати, юрт тинчлиги, унинг озодлиги ва ободлиги, шу юртда эркин ва фаровон ҳаёт кечириш учун яшашлигини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таъминлашни йўлга қўйиш ишларини изчил давом эттириш кабилар ташкил этади.

4. Соғлом маънавий-мафкуравий рақобат – “оммавий маданият” таҳдидига қарши кураш омили. Миллий ғоя ва мафкурамизнинг «жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак» деган методологик кўрсатмаси асосида “оммавий маданият”нинг барча кўринишларига қарши соғлом маънавий-мафкуравий рақобатга киришиш бизнинг миллий менталитетимизга хос бўлган хусусиятдир.

Хўш, рақобат нима? Рақобатнинг онтологик, гносеологик, аксеологик каби томонларини ҳар томонлама тадқиқ қилган олимлардан бири бу тушунчага: «Рақобат деб табиат ва жамиятда мавжуд бўлган тирик, онгли ва онгсиз мавжудотларнинг яшаш жараёнида ғолибликни қўлга киритиш учун содир этадиган тортишиш, беллашиш, мусобақалашини, мунозаралашини каби курашувчанлик фаолиятларидан иборат бўлган хатти-ҳаракатларининг муайян тизимига айтилади»¹, – деган таъриф берган. Албатта, рақобат кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг жамиятнинг маънавий ҳаётидаги шакли маънавий рақобат ҳисобланади. Зеро, шундай экан: «Маънавий рақобат – бу кишиларнинг ўзаро табиат ва жамият, инсон тафаккурида содир бўлаётган нарса, ҳодиса,

¹Қаранг: *Негматова Ш.Ш.* Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари: Монография. – Т.: «Фан», 2016. – Б.37-38

воқеа, жараёнларни тушуниш ва тушунтириб бериш, яшашдан мақсадларини белгилаш, кун кечириш ташвишларининг ечимини топиш ҳақида ахлоқийлик ёки ахлоқсизлик, маърифат ёки жаҳолат, эзгулик ёки тубанлик қилишдан иборат бўлган ғоявий, мафкуравий, маърифий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий қарашларини шакллантириш, уларни тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали муайян устунликка эришиш борасидаги курашларидан иборат бўлган хатти-ҳаракатлари»¹ бўлиб, у ўз ичида соғлом ва носоғлом турларга ажралади.

Бунда, «соғлом маънавий рақобат деб, шахс, ижтимоий гуруҳ, жамоа, давлат муассасалари, нодавлат ташкилотлари, уюшма ва маданий-маърифий бирлашмаларнинг ўзаро оламни бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкуравий кучлардан қутқазиш мақсадида жаҳолат устидан маърифий устунликни таъминлаш учун ҳалоллик ва адолат, иймон ва эътиқод, тинчлик ва тенглик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, ёрдам ва фойдали ҳамкорлик, теран ақл, илмий билим ва амалиёт асосида содир этадиган ўй-фикр ва хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган курашларига айтилади»². Шунга кўра «оммавий маданият» хуружига қарши, соғлом маънавий рақобатга хос бўлган хусусиятлар: очиқлик ва ошқоралик; эзгуликка йўналтирилганлик; беғаразлилик; дўстоналик, ҳалоллик, инсофлилик; илмийлик асосида, ишнинг кўзини билиб, пухта ўйланган амалий хатти-ҳаракатлар қилиш асосида ҳар бир фуқаронинг маънавий-мафкуравий рақобатбардошлигини шакллантириш орқали ўзбек халқининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кураш олиб бориш зарур. Чунки, бугунги кунда «оммавий маданият» таҳдидини тақиқлаш, шаккоклик қилиш билан енгиб бўлмайди.

¹Қаранг: Негматова Ш.Ш. Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари: Монография. – Т.: «Фан», 2016. – Б.105

²Қаранг: Негматова Ш.Ш. Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари: Монография. – Т.: «Фан», 2016. – Б.108

Умуман олганда «оммавий маданият»га қарши курашнинг энг муқобил йўли бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек:« Қисқа айтганда,узоқни кўзлаб,керак бўлса,ҳаётда бир қадам олдинга юриб,бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг ҳийла-найранглари аввалдан билиб,биринчи зарбани улар эмас,биз беришимиз зарур. Шунда давлатнинг – давлат,жамиятнинг – жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади»¹.

6-§. Глобаллашув шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мафкуравий профилактикани олиб боришни ташкил этиш чора-тадбирлари

I. Мафкуравий иммунитет, уни шакллантиришнинг усул ва воситалари

1. Иммунитет тушунчаси. “Иммунитет” сўзи латинча “immunitas, immunitatus – қутулиш, халос, холи бўлиш” деган сўзлардан олинган бўлиб, тиббиёт илмида “организмнинг ўзидан ирсий жиҳатдан ёт хусусиятлари билан фарқ қиладиган, унинг бутунлигига ва биологик ўзига хослигига зарар етказадиган микроорганизмлар (касаллик қўзғотувчилар), захарли моддалар ва бошқалардан ҳимояланиш реакцияси”², – деган маънони англатиш учун қўлланилади.

Одатда,организмни микроблардан, захарли моддалардан, унинг учун ёт бўлган хужайра ва тўқималардан муҳофаза қилишда лейкоцитлар уларнинг захаридан зарарланган тўқимага бориб, уларни ютиб юборади ва ҳазм қилади. Шу тариқа организм зарарланган тўқимадан қутилиб ўзини ўзи ҳимоялайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб,қатъият билан ҳаракат қилайлик//Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017.– Б.482.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2.Е-М. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.202.

Буни 1863 йилда машҳур рус биологи И. И. Мечников кашф этган ва уни *фагоцитоз* (грек. *фагос* — ютувчи), яъни «ютувчи» хужайраларни эса *фагоцитлар* деб атаган. Шу тариқа иммунитетнинг фагоцитар назариясини баён қилган.

Шу билан бир қаторда организм ёт жисмлардан фақат биргина фагоцитлар ёрдамида ҳимояланмайди. Унда бу ёт жисмларни ва уларнинг захарини зарарсизлантирувчи алоҳида оксиллар – *антителоларни* ҳосил қилиш орқали ҳам ҳимояланади. Улар организмнинг касалликларга қарши умумий қаршилигини оширади. Шундай қилиб фагоцитоз ва антителолар ишлаб чиқариш – организмнинг иммунитет деб аталадиган ягона ҳимоя механизми ҳисобланади. Иммунитет организмни юқумли касалликлардан муҳофаза қилади, нобуд бўлган ва ёт хўжайралардан холи қилади.

Биологик нуқтаи назардан иммунитетни иккига:

- 1) туғма ,яъни одам қонида тайёр туғма антителолар бор бўлган,ота-онадан наслга ўтадиган иммунитетга;
- 2) ҳосил қилинган,яъни одам юқумли касаллик билан касаллангандан кейин ҳосил бўлган иммунитетга ажратишади.

Бунда туғма ёки касалликдан кейин ҳосил этилган иммунитет *табиий*,одамни бирон бир юқумли касалликдан ҳимоя қилиш учун эмлаш орқали ҳосил қилинган иммунитет *сунъий* иммунитет деб аталади.

2. Мафкуравий иммунитет тушунчаси ва унинг моҳияти. Умуман олганда иммунитет табиати бўйича учга бўлинади:

Биринчиси. *Филогенетик иммунитет* – анатомик ва физиологик белгилар билан таъминланиб, наслдан-наслга ўтадиган алоҳида ҳимоя омиллари ёки организмнинг алоҳида резистентлиги. Бу омиллар патоген агентлар билан биринчи бўлиб алоқа қилади, шунинг учун уларнинг фаолияти ҳисобига одам организмнинг кўпгина юқумли касаллик кўзгатувчиларга чидамлилиги таъминланади.

Иккинчиси. *Туғма иммунитет* (турга хос, табиий) – бир биологик турнинг маълум бир патоген агентга нисбатан чидамлилиги бўлиб, наслдан-наслга ўтади.

Учинчиси. *Орттирилган иммунитет* – ҳаёт давомида организм иммун системасининг ёт антигенлар билан таъсирлашуви ҳисобига юзага келадиган ҳимоя бўлиб, наслдан-наслга ўтмайди.

Иммунитет масаласини жамиятнинг мафкуравий соҳасига тадбиқ қиладиган бўлсак мафкуравий иммунитет биринчи галда орттирилган иммунитетлар турига киради.

Хўш, мафкуравий иммунитет нима? ***Мафкуравий иммунитет*** – бу шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат ва халқларнинг тинч яшашлари учун ўзларини ҳар хил зарарли ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилиш борасида эгалланган билимлари, улар замирида шаклланган баҳолар, қадриятлар ҳамда кўзланган мақсадларни аниқ ифодалаб мафкуравий дахлсизлигини таъминловчи ғоявий-назарий қарашлар тизимидир. ***Мафкуравий иммунитетнинг туб моҳиятини*** кишиларнинг ўзини ўзи асраши учун ҳар хил зарарли, бузғунчи ғоялардан ҳимояланиш қобилиятининг қандай даражада эканлиги билан ифодаланади ва белгиланади.

3. Мафкуравий иммунитетнинг хусусиятлари ва элементлари.

Мафкуравий иммунитет қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Одамдаги табиий иммунитет туғма бўлса, унинг мафкуравий иммунитетини туғма эмас, балки ҳаёти давомида унинг онгига таъсир этувчи воситалар орқали шакллантириб бориладиган иммунитетдир.

2. Мафкуравий иммунитет доимий ва абадий эмас, балки ўзгарувчан, яъни ҳар бир авлод учун ўзига хос бўлган иммунитетлар тизими мавжуд бўлиб, у даврлар ўзгариши билан ўзгариб турган ва шундай бўлаверади.

3. Мафкуравий иммунитет тизими шакллангандагина шахс, элат, миллат, халқнинг мафкуравий дахлсизлиги таъминланиб борилади. Бошқача қилиб

айтганда, шаклланган мафкуравий иммунитет халқнинг мафкуравий дахлсизлигини таъминловчи восита ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

1. Жамият тараққиётига хизмат қилувчи объектив илмий билимлар. Илмий билимларсиз мафкуравий иммунитетни шакллантириб бўлмайди, бўлганда ҳам у мўрт бўлиб, ўзининг қаршилик қилиш хусусиятини тезликда йўқотади.

2. Халқнинг реал ҳаётини ва унинг келажагини ўзида акс эттирувчи кадриятлар – моддий ва маънавий кадриятлар тизими. Бу тизимсиз мафкуравий иммунитет ўзининг миллий негиздан айрилади, аниқроғи халқнинг ҳимоявий қобиғи ичига тушадиган мафкуравий қурт-қумурскаларга йўл очиб беради.

3. Мафкуравий иммунитетнинг яна бир элементи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий мақсадлар тизими билан ажралмаслигидадир. Чунки, мақсад – фаолиятнинг фикран шакллантирилган даражасидир, мақсад бевосита омил сифатида инсон хатти-ҳаракатларини йўналтиради ва тартибга солади. Мақсад пайдо бўлгач, фаолият ҳам самарали кеча бошлайди. Демак, мақсад аниқ бўлса мафкуравий иммунитет ҳам самарали таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлади.

Ушбу элементлар биргаликда ишга туширилмас экан мафкуравий иммунитет синдирилиши ва шу асосда ғоявий бўшлиқ ҳосил қилиниб, унинг ўрнига бошқа ёт ғояларнинг кириб келишига йўл очиш мумкин. Буни эрамиздан олдинги VI асрда яшаб ўтган файласуф ва ҳарбий кўмондон Сун Цзынинг қуйидаги фикрларида кўриш мумкин.

1. Сиз рақиб мамлакатдаги барча яхши нарсаларни бузинг, айнитинг;
2. Рақиб давлатдаги атоқли арбобларни шерик қилиб олиб, жиноятга бошланг;
3. Рақиб давлат раҳбариятининг обрўсини тўкинг, қулай пайтда уларнинг жамоат олдида шармандасини чиқаринг;
4. Бу ишда ўша мамлакатдаги энг паст, мараз одамлар билан шериклик қилинг;

5. Рақиб мамлакат одамлари орасида келишмовчилик, жанжал чиқаринг;
6. Ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг;
7. Ҳукуматни яхши иш юритишига ҳар қандай йўл билан қаршилиқ кўрсатинг;
8. Рақиб кўшинларининг таъминоти, тартибига тўсиқлар қўйинг, бузинг;
9. Аскарларини қўшиқ ва куйга ошуфта қилиб, иродасиз қилинг;
10. Душманингизнинг анъаналарини қадрсизлантиринг, худоларига ишончини синдирилинг;
11. Бузуқ аёлларни юбориб, уларни янада кучлироқ айнитинг;
13. Рақиб томон ҳақида маълумот олишга, бу ишда улар орасидан шериклар топишга, уларга пул тўлашда жуда сахий бўлинг;
14. Умуман пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки улар ажойиб натижаларни беради¹.

Глобаллашув шароитида жаҳон миқёсида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришлар мамлакатимизда яшовчи халқларнинг мафкуравий иммунитетини бир тизим шаклида шакллантириш ва уларнинг ҳаётини бардошлилик қобилиятларини ошириш орқали ўзлигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Мамлакатимизда мафкуравий иммунитет тизимининг **объектини** 33 миллионга яқин ўзбек халқи, унинг **субъектини** эса ана шу халқ вакиллари томонидан **мафкуравий билим, ҳис-туйғу, ирода, кўникма, малакага** эга бўлган шахслар, ижтимоий гуруҳлар ташкил этади. Шу тариқа ўзбек халқи мавжуд реал макон ва замонда бир томондан мафкуравий иммунитет тизимининг объекти, айни вақтда ўзига хос бўлган билим, кўникма, ирода, малакаларига қараб субъекти ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантириш ва ривожлантириш воситалари жуда кўп бўлиб, шулар ичида компьютер саводхонлиги алоҳида ажралиб туради.

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. –Б.101–102.

4. Компьютер саводхонлиги ошириш – ёшларнинг мафкуравий иммунитетни шакллантириш усули. Компьютер саводхонлиги мафкуравий иммунитетни шакллантириш усули сифатида ёшларнинг интернет орқали узатилаётган маълумотларни мантиқан ажрата билиш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Бу усулнинг моҳиятини қуйидагилар:

- ёшларда интернетдаги маълумотларни ажрата билиш саводхонлигини шакллантириш;
- ўсмирларга интернетдаги қандай маълумотни олиш кераг-у, қайсиларини қабул қилмаслик лозимлигини тушунтириш;
- ёш авлодга интернетдаги фотосуратлар, видеолархаларни кўриш, томоша қилиш юзасидан зарур тавсияларни бериш;
- ёшларнинг интернет тармоғига қизиқишларини мунтазам ўрганиш ва бу борада керакли маслаҳатлар бериб бориш;
- келажак авлодни миллий маънавиятга, одоб-ахлоққа салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш;
- интернет хуружларига қарши мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш кабилар ташкил қилади¹.

Хулоса, ўрнида шуни қайд қилиш лозимки, мамлакатимиз аҳолисининг мафкуравий иммунитетини шакллантириш ва ривожлантириш жаҳонда юз бераётган мафкуравий жараёнларнинг ривожланиш мантиғига боғлиқ бўлиб, у глобаллашув шароитида доимо янгича тарғибот ва ташвиқот технологияларига таянган ҳолда ўзгариб боради.

Мафкуравий иммунитетни кучайтиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни ўзгачадир.

¹ Қаранг: Тулепов А. ИШИД фитнаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2015. – Б.Б.97.

II. Мафкуравий профилактика ва уни ўтказиш чора-тадбирлари

1. Мафкуравий профилактика тушунчаси. Мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва кучайтириш учун мафкуравий профилактика чора-тадбирларини узлуксиз равишда олиб бориш керак.

Хўш, профилактика нима? **“Профилактика”** юнонча “prophylaktikos – сақловчи, олдини олувчи” деган сўзлардан олинган бўлиб, тиббий маънода – одамлар соғлигини сақлаш, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш, аҳолининг жисмоний ривожланишини яхшилаш ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи; техникавий маънода эса умуман бирон ҳодисанинг олдини олиш, механизм, машиналарнинг муддатидан олдин ишдан чиқиши, бузилишидан сақлаш учун кўриладиган чоралар¹, деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилади. Бу усулнинг мафкура соҳасида қўлланилиши “мафкуравий профилакти”ка деган тушунчанинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Мафкуравий профилактика бу зайтиринсоний зоя ва мафкураларнинг олдини олиш, уларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун давлат, жамоат ташкилотлари томонидан кўриладиган чора-тадбирлар тизимидир. Бу чора-тадбир ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади.

Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собит қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.3. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б.316.

2. Мафкуравий профилактика олиб бориш чора-тадбирлари. Мафкуравий профилактика моҳиятан, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларга таянади.

Буларга қуйидагилар:

1) ҳар қандай ғайриинсоний ғояларни тарғибот-ташвиқот қилишга мўлжалланган воситалар – китоб, газета, журнал, фильм ва бошқаларни давлат чегарасидан киритмаслик чораларини кўриш;

2) бузғунчилик билан шуғулланадиган ғоя ва мафкураларнинг муассасаларида хизмат қилувчи вакилларни ушлаб олган ҳолда зарарсизлантириш, айниқса, ўзини шу йўлда қурбон қилувчи фанатикларни;

3) вайронкор ғояларни ишлаб чиқувчи, тарқатувчи, улардан қирғин қилиш асосида оммани кўрқитувчи, даҳшатга солувчи куч сафатида фойдаланаётган мафкуравий марказларнинг молиявий ўқ томирларини қирқиш;

4) ғайриинсоний бузғунчи ғояларнинг тарқалаётганлиги, уларнинг мақсад-муддаолари ҳақида халқни хабардор қилиш, уларни огоҳликка даъват этиш;

5) вайронкор ғояларнинг ички ва ташқи илдизларига болта уриб, уларнинг асл башарасини очиб ташлаш;

6) ғайриинсоний ғоялар тарқалиши мумкин бўлган жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

7) вайронкор ғоялар хуружига қарши маънавий-маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва бошқалар киради.

Мафкуравий профилактикани ҳар бир маҳалла, жамоат уюшма, бирлашмаларидаги маънавий-руҳий муҳитни синчиклаб ўрганиш орқали, шу жойнинг мафкуравий харитасини тузиш асосида иш олиб боришни йўлга қўйиш керак. **Мафкуравий харита – бу мазкур жойда яшаётган аҳолининг маънавий-мафкуравий дунёқарашини, шу асосда содир этадиган ахлоқий-эстетик хатти-ҳаракатларини, хуллас турмуш тарзининг ғоявий-мафкуравий асосларини ўзида акс эттирадиган манзарасидир.** Демак,

мафкуравий манзара қанчалик яққол кўринса, ундаги мафкуравий профилактика нишони ҳам шунчалик аниқ бўлади. Бунда кўзлаб отилган ўқ эса нишонга аниқ тегади ва кутилган натижани беради.

7-§. Глобаллашув жараёнларида ғоявий - мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг объектив зарурлиги

I. Хавфсизлик – объектив ижтимоий феномендир

1. Хавфсизлик тушунчаси ва унинг объекти ва субъекти . Хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда хавф-хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Хўш, хавфсизлик нима? Хавфсизлик арабча “хавф-хатар” сўзидан олинган бўлиб, “кўрқинч”, “ваҳима”, “ҳадиксираш”, “хавотирланиш”ларнинг йўқлиги, уларнинг олдини олиш деган маъноларни англатади¹. Бу тушунча Робер маълумотномасига кўра 1190 йилда пайдо бўлган ва у, дастлаб, ўзини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳининг хотиржам ҳолатини ифодалаган². Ушбу маънода мазкур термин Ғарбий Европа халқлари лексиконида XVII асргача қўлланилган. Тарихнинг кейинги даврларида давлат тузилмаларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда хавфсизлик тушунчаси моддий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда давлат қурилиши, бошқариш органлари тенденцияларига мос келадиган реал хавф-хатар (жисмоний ва маънавий)нинг

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4.Ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.372.

² Қаранг: Абулқосимов Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик. – Т.: «Akademiyа»,2006.– Б.5.

йўқлиги натижасида вужудга келадиган тинчлик ҳолати шароити маъносини англаган³.

XX асрнинг охирларига келиб, “хавфсизлик” ва “миллий хавфсизлик” тушунчалари бизнинг лексиконимизда тез-тез қўлланила бошланди. Бу инсоният ривожланишининг мураккаблашуви, ядро, атом ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг кенг тарқалиши, экологик вазиятнинг оғирлашганлиги, янги хавfli касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топгандан кейинги давлатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда бозор ислохотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади. Дунёдаги бундай ўзгаришлар хавфсизлик, умумий ва миллий хавфсизлик муаммоларига бўлган эътиборни янада кучайтирди.

Хавфсизлик тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унга олимлар томонидан: “Хавфсизлик деганда, воқеа, ҳодиса, жараён ва турли муносабатларда кечадиган устуворликка интилиш амалиёти давомида “кучли”нинг “заиф” ёки “кучсиз” томонга ўтказадиган салбий таъсирдан ҳимояланганлик салоҳиятини тушуниш мумкин”¹, “Хавфсизлик – аниқ объектнинг (ички ва ташқи жиҳатдан) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, бунда барча таҳликалар меъёрий даражалардан ошиб кетмаслиги тушунилиши лозим”², “Хавфсизлик– инсоннинг турли кўринишдаги хавfli ҳаракатлардан ҳимояланганлигини билиши ва сезишидир”³, ” Хавфсизлик – бу шахс, жамият, давлатни ташқи ва ички хав ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолати бўлиб, давлат, жамият ва кишилар фаолиятига

¹ Қаранг: *Отамурадов С.* Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б.181.

² Қаранг: *Самаров Р.* Хавфсизликнинг методологик асослари. –Т.: Академия, 2010. –Б.74.

³ Қаранг: *Ёзиева У.* Ахборотлар таҳдидидан ҳимояланишнинг педагогик шарт-шароитлари: монография. – Т.: Akademyashr, 2016 – Б.28.

суянади”¹,— деган таърифларни беришган. Умуман олганда *хавфсизлик бу – бутун инсониятнинг нормал яшаши учун хавф соладиган табиий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий аҳамиятга молик бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш туфайли уларнинг барқарор ҳаёт кечиришини таъминлаш учун яратилган хавфсиз шарт-шароитларнинг муайян тизимидир.*

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан уларда умумий ғоя ҳам мавжуд бўлиб, бунга кўра хавфсизлик инсоният ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатардан ҳимояланиш, қафолатланиш маъносини англатади. Хавф-хатар эса давлат ва жамият ривожланишига, нормал амал қилишига таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил ҳисобланади. Хавф-хатар намоён бўлишининг кескин шаклларига табиий, ижтимоий катаклизмалар, портлашлар ва ларзалар, кризислар, тангликлар, революция, кўзғолон, исён, уруш, қуролли тўқнашувлар киради.

Хавфсизлик кўп қиррали бўлиб, у бутун инсоният, давлат ёки иқтисодий тизимнинг нормал фаолият юритиши, ривожланиши учун ноҳуш салбий, зарарли таъсирлардан, хавф-хатарлардан сақланиш, ҳимояланиш ҳолатини ифодалайди. Хавфсизлик умумий тарзда зиён етказиш учун потенциал шароитларнинг йўқлигини, сақланишлик, ҳимояланиш ва ишончлилиқни англатади. Бу тушунча кишилар ва жамият ҳаёт фаолиятининг аниқ специфик соҳаларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Хавфсизлик қандай соҳада, қандай шакл ва қиёфада намоён бўлмасин, уларнинг барчаси умумийлик хусусиятига эгадир. Умуман, хавфсизлик хавф-хатардан ҳимояланиш шarti ва стратегияси сифатида ижтимоий тизим, шахс, жамият ва давлат ҳаёт-фаолиятининг нормал амал қилишини таъминлашга йўналтирилган бўлади.

¹Қаранг: *Архипов А.* Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения. Вопросы экономики. – Москва, 1994. – № 12. – С.36,44.

Хавфсизликнинг субъектлари шахс, аҳоли ижтимоий гуруҳлари, кишилар уюшмалари ҳамда бирлашмалари, давлат ва жамият ҳисобланади.

Хавфсизлик объекти инсон ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан шахсий-оилавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий табиий соҳа ва жабҳаларини ўз ичига қамраб олади.

2. Хавфсизликнинг тур, мазмун ва шакллари. Ҳаёт фаолияти билан жараёнларни, хавфсизликни таъминлашни бошқаришда «хавфсизлик» атамасининг ўзи ишлатилмасдан, баъзан мураккаб, масалан «ҳимоя қилиш» каби атамалар қўлланилади ва унда «хавфсизлик» атамаси ташкил этувчи бўлиб хизмат қилади.

«Хавфсизлик» ташкил этувчи тушунча сифатида қуйидагиларни ўзида акс эттиради:

– ҳаёт фаолияти субъектлари - шахс, шахс хавфсизлиги, жамият, жамият хавфсизлиги, давлат, давлат хавфсизлиги;

– ҳаёт фаолияти объектлари - субъектларнинг муҳим ҳаётий манфаатларини қондиришни таъминлаш: ҳудуд, ҳудуд хавфсизлиги; иқтисод, иқтисодий хавфсизлик; атроф- муҳит, атроф-муҳит хавфсизлиги ва бошқалар;

– объектлар – хавф манбалари: атроф-муҳит-атроф-муҳитнинг экологик хавфсизлиги, саноат объекти - саноат объектининг хавфсизлиги, банк - банк хавфсизлиги ва бошқалар;

– объектлар – хавфсизлик воситалари: самолёт - самолётнинг хавфсизлиги; автомобиль - автомобилнинг хавфсизлиги; умуман, техника хавфсизлиги;

– ҳаёт хавфсизлиги жараёни: меҳнат - меҳнат хавфсизлиги, йўл ҳаракати - йўл ҳаракати хавфсизлиги ва бошқалар¹.

¹ Қаранг: Ёзиева У. Ахборотлар таҳдидидан ҳимояланишнинг педагогик шарт-шароитлари: монография. – Т.: Akadernashr, 2016 – Б.28.

Мамлакат ҳамда унинг фуқаролари, жамият ва давлатнинг муҳим манфаатларини ташқи ва ички хавфлардан ҳимоялаш учун хавфсизликни қуйидаги турларга:

1) миллий хавфсизлик – бирон бир элат, миллатга мансуб бўлган давлатларнинг ички ва ташқи душманларидан ҳимояланиши;

2) минтақавий хавфсизлик – бирон бир минтақада жойлашган давлатларнинг мустақиллигига хавф солаётган таҳдидлардан биргалашиб ҳимояланиш;

3) халқаро хавфсизлик – бутун дунё халқларининг ҳаётига хавф солаётган хавф-хатарлардан (масалан, ядровий фалокатлардан) жамоавий бўлиб ҳимояланиш кабиларга ажратиш мумкин. Тоифадаги турларга ажратиш мумкин.

Шунга кўра **хавфсизликнинг мазмуни деб хавфсизлик субъектлари ва объектлари ўртасида юз берадиган ички жараёнлари, хусусият-хоссалари, алоқалари, ривожланишлари ва зиддиятлари, тенденцияларининг мажмуига айтилади.** Масалан, бирон бир шахснинг давлат қурилишига бўлган муносабати, у билан бўладиган алоқаси шулар жумласига киради. **Хавфсизликнинг шакллари деб эса юқорида баён қилинган мазмунни ифодалаш усули, элементларининг нисбатан турғун, муаян алоқчалари ва ўзаро таъсирлари, унинг тузилиши, структурасига айтилади.** Шунга кўра хавфсизликни қуйидаги шаклларга ажратамиз.

Булар қуйидагилардан иборат: ижтимоий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, сиёсий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик, мафкуравий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, шахс хавфсизлиги, ҳарбий хавфсизлик, ресурс хавфсизлиги, оила хавфсизлиги ва бошқалар. Демак, хавфсизлик кенг қамровли объектив ижтимоий феномен бўлиб, ўзини диалектиканинг умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик категориялари тамойилларига кўра: хавфсизлик – *умумий*; миллий хавфсизлик – *хусусий*; ижтимоий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, сиёсий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик, мафкуравий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, шахс

хавфсизлиги, ҳарбий хавфсизлик, ресурс хавфсизлиги, оила хавфсизлиги – *алоҳидалик* шаклида ўзини намоён қилади.

Булар ичида миллий хавфсизлик ҳар бир давлатнинг хавфсизлигини таъминлашнинг баржа жиҳатларини ўзида камраб олиши билан ажралиб туради.

II. Миллий хавфсизлик ва унинг таркибий тузилиши.

1. Миллий хавфсизлик тушунчаси ва унинг хусусиятлари. Хўш, миллий хавфсизлик нима? *Миллий хавфсизлик бу мамлакат ва унинг ҳудудида яшайдиган барча инсонларнинг миллати, ирқи, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, турли салбий таъсирлардан, ёвуз кучлар ва зоялар хавф-хатаридан ҳимояланганлиги даражасидир.*

Миллий хавфсизлик тушунчаси кўп қиррали ва хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Аммо шунга қарамай, **миллий хавфсизлик тушунчаси куйидаги хусусиятларга эга:**

Биринчидан, миллий хавфсизлик аниқ тарихий мазмунга эга, яъни жамиятга қайси соҳаларда ва қандай даражада таҳдидларнинг вужудга кетаётганлигини аниқлашга қаратилган аниқ ҳолатлардаги аниқ таҳлилларни талаб қилади.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик бир-бирига зид ўлчамлар, жамиятга хавф соладиган таҳдидлар ва уларни бартараф этишни тавсифлайдиган ижтимоий-иқтисодий параметрлар ва кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Учинчидан, миллий хавфсизлик муаммосининг аҳамияти ва кескинлиги жаҳон ҳамжамияти ҳамда айрим мамлакат, ҳудуд тараққиётининг бурилиш даврларида ғоят ўсиб кетади.

Тўртинчидан, миллий хавфсизлик томойиллари ва параметрлари, кўрсаткичлари ўзгарувчан ҳамда турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Аммо шунга қарамасдан ҳар бир мамлакатнинг миллий хавфсизлиги инсониятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг умумий тенденциялари

билан боғлиқдир. Шунингдек, умумбашарий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар миллий хавфсизликка таъсир ўтказиб туради.

Бешинчидан, миллий хавфсизлик тушунчасига миллий давлат манфаатлари ва миллий ғоя, миллий мафкура ҳам ўз таъсирини кўрсатади¹.

2. Миллий хавфсизликнинг таркибий тузилиши ва намоён бўлиш шакллари. Миллий хавфсизлик ҳар бир мамлакатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади. Мамлакат манфаатлари эса учта муҳим мақсадга йўналтирилган бўлади: 1) халқ фаровонлигини ошириш; 2) мамлакат ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини ҳимоя қилиш ҳамда обод этиш; 3) миллий маданиятни ривожлантириш². Демак, мамлакатимизда миллий хавфсизлик миллий истиқлол мафкураси ифодалайдиган умумий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиб, қуйидаги таркибий тузилишга эгаллиги билан бошқа хавфсизлик тизимидан ажралиб туради. Бунда:

Миллий хавфсизликнинг ўзининг таркибий тузилишига кўра:

- 1) сиёсий хавфсизлик – мамлакат давлат бошқарувининг одилона фаолият олиб боришини таъминлаш;
- 2) ҳарбий-мудофаа хавфсизлиги – мамлакатимиз мустақиллигини ички ва ташқи душманлардан қуролли кучлар орқали ҳимоя қилиш, айти вақтда мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш;
- 3) иқтисодий хавфсизлик – мамлакатни иқтисодий жиҳатдан мустақил, барқарор ривожланишига қодирлигини белгилаш;
- 4) ахборот хавфсизлиги – мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига қилинаётган ахборотлар ҳужумидан ҳимоялаш;
- 5) экологик хавфсизлик – табиатга зарар етказишнинг олдини олиш;

¹ *Қаранг:* Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.– Б.403.

² *Қаранг:* Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: РАГС, 2001. – С.29.

б) ғоявий, мафкуравий хавфсизлик – турли зарарли ғоя ва мафкураларнинг тажаввузкорона ҳатти-ҳаракатларига чек қўйиш каби чора-тадбирлар тизимидан ташкил топган бўлади.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики миллий хавфсизлик икки хил: биринчидан, жамоатчилик; иккинчидан, давлат даражасида амалга оширилади. Улар яна ўз ичида ички ва ташқи кўринишларга бўлинади. Миллий хавфсизликнинг асосини шахс, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ташкил қилади, чунки шахс-фуқаро давлат ва фуқаролик жамиятининг хавфсизлигини таъминлашни ҳаётий зарурат қилиб қўяди. Шахс-фуқаро хавфсизлиги таъминланмаса – давлар ва жамият хавфсизлиги ҳам таъминланмай қолиб кетиши муқаррардир. Шу туфайли мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлан, нафақат давлат идора ва ташкилотларининг, балки барча ватанпарвар шахс-фуқароларнинг ҳам муқаддас бурчидир. Келажак авлодлар олдидаги қарзи ва фарзидир.

III. Мафкуравий хавфсизлик ва уни таъминлаш механизмлари.

1. Мафкуравий хавф-хатар ва уларнинг юзага келиш ҳолатлари. Миллий маънавиятга, ғоя ва мафкурага қарши бўлган хавф-хатарларнинг юзага келиши нималар билан боғлиқлигини, унинг сабабларини аниқлай билиш лозим бўлади. Қандай сабаблар, омиллар ва воситалар миллий маънавият, ғоя ва мафкурага қарши хавф-хатарларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин? Бу саволга жавоб беришдан олдин “хавф-хатар” ва “тахдид” тушунчалари устида қисқа тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

“Тахдид” турғунлик ҳолатидаги хавф-хатардир. Хавф-хатар эса “тахдид”нинг амалиётга айланиши, “ишлаши”, нимагадир таъсир ўтказишининг бошланишидир. “Тахдид”нинг хавф-хатарга айланиши миллий маънавият, ғоя ва мафкурага нисбатан қўлланилганда унда ички ва ташқи емирилиш жараёни

кечаётганини тушуниш мумкин. Зеро, “тахдид” хатарли куч бўлишига карамасдан, агар амалиёт даражасига айланмаса, унинг таъсир ўтказиш мақомини англаб етиш мураккаблигича қолади. Хавф-хатар доим ҳаракатда бўладиган жараён ҳисобланади. У “тахдид”нинг юзага келиши оқибатида содир бўлади. Хавф-хатарнинг бошида “тахдид” туради. Тахдидда турғунлик мавжуд бўлса, хавф-хатар ҳар доим ҳаракатдаги жараёнدير. Бугун миллий маънавият, ғоя ва мафкурага қайси бири кучли таъсир ўтказмоқда, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам кучайгандан кучайиб бормоқда. Бунинг маъноси шуки, тахдид кучайиб боргани сари унга мос равишда миллий маънавият, ғоя ва мафкурага нисбатан хавф-хатар ортмоқда ҳамда уларни ичкаридан ва ташқаридан еми-ришга ҳаракат қилиш авж олмоқда. Айтиш пайтда, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ягона куч сифатида амал қилмоқда.

Миллий маънавият, ғоя ва мафкурага нисбатан хавф-хатар қуйидаги ҳолатларда: миллатнинг ўзгаларга қарамлик ҳолатига тушиб қолишида; миллий бирликнинг сусайишида; миллат вакиллариининг ўз миллий маънавиятидан бегоналашувида; таълимнинг тарбиядан узилиб қолишида; мамлакатда қонун устуворлигининг етарли даражада амал қилмаслиги ва коррупциянинг кучайишида; демократик қадриятлар ривожланишининг миллий тараққиёт эҳтиёжларидаи орқада қолиши шароитида юзага келади.

2. Миллий маънавий хавфсизлик. Миллий маънавият, ғоя ва мафкурамизга қаратилган ҳар қандай тахдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда миллий-маънавий, ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда, **миллий-маънавий хавфсизлик** – миллий маънавиятнинг барқарор тараққий қилиши учун шарт-шароит, вазият, имкониятларнинг мавжудлиги, унинг ўзига хослигига зид бўлган турли маънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик тахдидлардан ҳимояланганлиги ва миллий маънавиятнинг умуммиллий тараққиётнинг табиий эҳтиёжи ва амалиётига айланганлик

салоҳиятини, **ғоявий-мафкуравий хавфсизлик** эса шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган ғоявий-мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча ҳисобланади.

3. Ғоявий-мафкуравий хавфсизлик. *Ғоявий-мафкуравий хавфсизлик деганимизда,* миллий ғоя ва миллий мафкуранинг миллатни заифлаштиришга қаратилган ташқаридан кириб келувчи ҳар қандай ёвуз ғоялар ва мафкураларга нисбатан кучлилиги, миллий онг, дунёқарашни улар таъсиридан ҳимоя қилиши ва миллий манфаатларни тараннум этишда ҳамда унинг амалиётда намоён бўлишини таъминлай билишдаги катта салоҳияти назарда тутилади. Бунга эришиш ҳам юксак даражада ривожланган маънавиятга боғлиқ ҳолда кечади.

Қайсиким, миллий-маънавий хавфсизлик миллий хавфсизлик механизми заңжирдаги халқаларнинг ҳаракатга келишини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлса, ғоявий-мафкуравий хавфсизлик эса ушбу омилни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

4. Ғоявий–мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг усул ва воситалари. Миллий-маънавий, ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ҳар хил мафкуравий таҳдид, хавф-хатар ва тажовузларнинг олдини олиш воситаси эканлиги қуйидагилар билан ифодаланади.

1. Миллий онг, дунёқараш, руҳият ва қалбда миллий хавфсизликни таъминлаш миллат вакилларида миллатни асраш ва ривожлантиришнинг асосий шарти эканлиги англаб етилмас экан, унга эришиб бўлмайди.

2. Миллий-маънавий қашшоқлик бўлган жамиятда сиёсий беқарорлик юзага келади.

3. Маънавияти қашшоқ миллатда ўз ватанини ҳимоя қилишга куч-қудрат етмайди. Бундай миллат вакиллари ўз ватанига хоинлик қилишдан ҳам қайтмайди. Унга ҳамма жой ватандай кўринаверади, ўз манфаатини ҳамма қадриятлардан устун қўйиб яшайдиган беватан инсонлардир.

4. Ватанни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, унинг чегаралари мустаҳкам бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга интилувчи инсонларда миллий маънавият кучли бўлади. Ўз ватанининг чегаралари мустаҳкамлиги, унинг хавфсизлиги таъминлаганлигини худди ўз оиласининг мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш сифатида қарайдиган инсонларнинг маънавияти юксак бўлади. Иқтисодий хавфсизликда мамлакатнинг мавжуд ресурсларидан тежаб фойдаланиш, уларнинг талон-торож қилинишига ва чет элларга олиб чиқилишига йўл қўймаслик ҳам инсонлар маънавияти билан боғлиқ. Маънавиятли инсонлар мамлакат бойлигини кўз қорачиғидай асраш, уларни ғайриқонуний йўл билан ўзлаштиришга ҳаракат қиладиган кимсаларга нисбатан нафрат туйғуларининг юзага келиши ҳам маънавият билан боғлиқдир.

5. Жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабатлардаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва барқарорликнинг амал қилиши ҳам маънавият билан боғлиқдир. Агар маънавият тараққий қилган бўлса, улар ўртасида ўзаро муносабатларда манфаатлар мувозанати амал қилади ва жамият барқарор ривожланиб бораверади.

6. Атроф-муҳитни тоза, ораста тутиш, мамлакат табиатини, ҳайвонот дунёсини, ўрмон ва сув захираларини асраш, об-ҳавонинг ифлосланишига йўл қўймаслик ҳам маънавият билан боғлиқдир. Маънавиятли инсонлар ана шу бойликлар нафақат бугун, шу билан бирга истиқболда ўз авлодлари учун ҳам зарурлигини яхши билади ва ўз имконияти доирасида уларни асрашга ҳаракат қилади. Маънавий қашшоқ инсонлар эса бундай туйғуларга эга бўла олмайди.

7. Бугун инсонлар ва миллатлар кучли ахборот босими остида яшамокда. Тараққий қилган мамлакатлар ўзларида мавжуд бўлган юксак даражадаги ахборот воситалари орқали дунёда ўз ҳукмронлигини ўтказиш мақсадида турли бузғунчи ғоялар, ахлоқий қашшоқдик ва бўҳтонлардан иборат хабарлар, ахборотлар ва маълумотларни жаҳон афкор оммаси ўртасида тарғиб қилмоқдалар. Мана шундай шароитда уларни танлаш, инсон ва миллат

манфаатларига зид бўлган жиҳатларидан огоҳ бўлиш маънавият билан боғлиқдир. Маънавияти юксак инсонлар ва миллатларгина огоҳ бўлишга ҳамда улар таъсиридан ўзларини ҳимоя қилишга қодир бўлади.

8. Бугун дунёдаги тараққий қилган мамлакатларнинг жаҳондаги турли мамлакатлардаги юксак интеллектуал салоҳиятли олимлар ва мутахассисларни “ўғирлаш”и анъанага айланган. Улар бундай олимлар ва мутахассисларга барча моддий имкониятларни вужудга келтириш, техник ва технологик шарт-шароитларни яратишга ваъда бериб, уларни ўз мамлакатларига олиб кетишга муваффақ бўлмоқдалар. Улар бу фаолиятлари билан, бир томондан, ана шундай кадрларни тайёрлашга кетадиган маблағ ва вақтни тежашга эришиб, тайёр олим ва мутахассисларни қўлга киритмоқдалар; иккинчи томондан, мамлакатларни интеллектуал жиҳатдан заифлаштиришга ва охир-оқибатда ўзларига қарам қилишга интилмоқдалар. Бундай шароитда юксак маънавиятга, ўз миллати ва Ватанини севиш руҳиятига эга бўлган инсонлар моддий бойлик эвазига ўзга мамлакатларга кетишдан ўзларини тиядилар. Бунга ҳам юксак маънавиятлиларгина амал қилиши мумкин. Маънавияти қашшоқлашган, ўзга ғоя ва мафкураларнинг алдовига учган инсонлар эса ўзгаларнинг таклифларига мойиллик билдирадилар. Шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, бошқа мамлакатларга кетиб, ўзи ва ўз мамлакатига манфаатлар келтирадиган интеллектуаллари ҳам борки, бу умуммиллий тараққиёт учун аҳамиятлидир. Шу маънода қандай бўлишидан қатъи назар, ўз интеллектуаллар маънавий юксаклигини таъминлаш миллий тараққиётнинг зарурий шarti бўлиб қолмоқда¹.

Шундай қилиб, ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш,

¹ Қаранг: *Отамурадов С.* Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –Б.193–196.

уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни ошириш орқали зоҳир бўлади.

Ўзбекистон Республикасида миллий-маънавий, ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминловчи ички омил – жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари, мафкуравий хавфсизлик халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний кадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуқлиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

IV. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – мамлакат мустақиллиги ва давлат суверенитетини мустаҳкамлаш воситаси

1. Ўзбекистоннинг мустақиллигини ва давлат суверенитетини таъминловчи ахборотлар тизими. Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини таъминловчи ахборотларни мустақилликнинг шакллари бўйича куйидагиларга ажратиш мумкин:

1) *иқтисодий мустақиллигини* мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, яъни меҳнат жамоаларининг саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан соҳасида эришган ютуқлари борасидаги;

2) *сиёсий мустақиллигини* мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, яъни давлат ҳокимиятининг тузилиши, уларда хизмат қилувчилар сони, касб-кори,

функционал вазифалари, режалаштирилаётган ишлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, қуролли кучларнинг таркиби, қурол-ёроқлари ва бошқалар ҳақидаги;

3) *маънавий мустақиллигини* мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, яъни фуқароларга таълим-тарбия бериш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ғоявий-мафкуравий кураш йўллари ва воситалари, ўтказилиши кўзда тутилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, уларнинг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар кабиларни ўз ичига олувчи тизимларга ажратган ҳолда **таснифлаш** мақсадга мувофиқдир.

Фалсафа илмининг умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик категорияларининг методологик аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда мазкур ахборотларни **ишлатилиш ўрнига** қараб умумий, хусусий ва алоҳида ахборотлар тизимига ажратиш керак бўлади. Бундаги:

а) *умумий ахборотларга* Ўзбекистоннинг географик жойлашуви, табиати, давлат тузилиши, пул бирлиги, тарихий ривожланиш босқичлари, кадриятлари, таълим-тарбия тизими, аҳолининг саломатлик даражалари ҳақида бутун жаҳон аҳли;

б) *хусусий ахборотларга* саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, уларни истеъмол қилиш, тақсимлаш, айирбошлаш, хорижий давлатлар билан тузилган икки ва кўп томонлама шартномалар ҳақида алоҳида меҳнат жамоалари, туман, вилоят аҳолиси, баъзи бир давлатлар;

в) *алоҳида ахборотларга* давлат ва меҳнат жамоаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнат қилиш тартиби, хизмат вазифаларини бажариш борасидаги **сир-асрорларини** ташкил этувчи, ошкор қилинганлиги учун қонунда белгиланган тартибда жазоланиши муқаррар бўлган, шу туфайли алоҳида кишилар билишига мўлжалланган ахборотлар киради.

2. Ахборот таҳдиди ва хуружи – ахборот хавфсизлигини таъминлаш кушандаси. Ўзбек халқининг мустақиллигига, унинг давлат суверенитетига қарши ғанимларимиз томонидан мунтазам равижда ахборот-коммуникация тизимлари орқали ахборот таҳдиди ҳамда мустақил тараққиёт йилларида эришаётган ютуқларига қарши эса ахборот хуружлари олиб борилмоқда.

Хўш, ахборот таҳдиди нима? Бу саволга адабиётларда:” ахборот таҳдиди - ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шароит ва омиллар йиғиндисидир”¹, – деган таъриф берилган бўлиб, уни бир оз такомиллаштирган ҳолда қуйидагича таърифлаш мумкин. Демак, *ахборот таҳдиди деб, шахс, элат, миллат, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шароит ва омиллар ҳақида тўпланган, қайта ишланган ҳолда манипуляция² шаклида ахборот-коммуникация тизимлари орқали тарқатиладиган қўрқитиш, дўқ, нўписа қилишига асосланган хатарли хабарлар йиғиндисига айтилади.*

Ахборот таҳдидларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Таҳдид объектлари бўйича:

- фуқароларнинг ахборот соҳасида амалга оширилувчи конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдидлар;
- жамият маънавий ҳаётига таҳдидлар;
- ахборот инфратузилмасига таҳдидлар;
- ахборот ресурсларига таҳдид.

2. Таҳдид манбаи бўйича:

¹ Қаранг: Ёзиева У. Ахборотлар таҳдидидан ҳимояланишнинг педагогик шарт-шароитлари: монография. – Т.: Akademnashr, 2016 – Б.25.

² Қаранг: “Манипуляция” французча manipulation < manipulus – ҳовуч < manus – қўл сўзларидан олинган бўлиб, ноқонуний операция, 1969 йил Нью Йоркда чоп қилинган ”Замонавий социология луғати”да эса “ бошқаларга билдирмасдан, асл мақсадни яширин тутган ҳолда бошқалар устидан ҳуқумронлик қилиб, ўзи истаган хулқ-атворни шакллантириш”, деб таърифланган.// Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2.Е-М. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.538., Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. – Т.: Академия, 2005. –Б.99.

– ташқи - табиий офатлар, техноген, сиёсий, ижтимоий омиллар, ахборот ва коммуникацион технологиялар, бошқа ташқи таъсирлар билан боғлиқ;

– ички - ҳисоблаш ва коммуникация техникасининг ишдан чиқиши, дастурий таъминотдаги хатолар билан боғлиқ.

3. Таҳдид юзага келишига кўра:

– табиий (объектив) - инсон ихтиёридан ташқари объектив табиий жараёнлар ёки табиий ҳодисаларнинг ахборот муҳитига таъсири натижасида;

– сунъий (субъектив) - инсоннинг ахборот муҳитига таъсири натижасида келиб чиқади.

Сунъий таҳдидлар қуйидагилар билан фарқланади:

– ихтиёрсиз (тасодифий) таҳдидлар - дастурий таъминот, ходимларнинг хатолари, ҳисоблаш ва коммуникация техникасининг ишдан чиқиши ва ҳоказо;

– ихтиёрий (қасддан) таҳдид – ахборотлар базасига ёки маконига рухсатсиз кириш, унинг учун таҳдид қилувчи махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, вирусли дастурларни ишлаб чиқиш, тарқатиш ва ҳоказоларни амалга ошириши мумкин. Ихтиёрий таҳдид кишиларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, у ахборотнинг конфиденциаллиги, яхлитлиги ва қулайлигини рухсатсиз бузиш, шунингдек, ресурслардан ўз мақсадларида фойдаланишга қаратилган бўлади.

Таъсир кўрсатиш принципига кўра имкониятдан ва яширин йўллардан фойдаланган ҳолда конфиденциалликни, яхлитликни ҳамда қулайликни бузиш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Таъсир характериغا кўра у фаол ва суст бўлади.

Таъсир этишига кўра ахборот муҳитига умумий таъсир этувчи ва унинг алоқида элементларига таъсир этувчи таҳдидларга бўлинади¹.

Аниқроғи, «таҳдид» арабча сўз бўлиб дўқ қилиш, кўрқитиш, пўписа; «хуруж» ҳам арабча сўз бўлиб олға чиқиш, отланиш, сўзга чиқиш, тўсатдан хужум қилиш

¹ Қаранг: Ёзиева У. Ахборотлар таҳдидидан ҳимояланишнинг педагогик шарт-шароитлари: монография. – Т.: Akademnashr, 2016 – Б.25-26.

деган маъноларни англатади. Шунга кўра, соддароқ қилиб айтганда **ахборот таҳдиди** – бу кимларнидин кўрқитишга асосланган зарарли, ўта хатарли хабарларни тарқатиб дўқ қилиш бўлса, **ахборот хуружи** эса ахборот таҳдиди соҳибларининг ахборот воситалари орқали тўсатдан ҳужум уюштиришлари ҳисобланади. Умуман олганда «**ахборот хуружи**» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Ахборот хуружи** бу ўзбек халқининг ички ва ташқи зағамлари томонидан атайин тўсатдан унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий маданий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ислоҳотлар натижасида эришилган марралар, баъзида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида ахборот- коммуникациялари, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ишончсиз, ёлгон, ўйдирма, одамларнинг онгини заҳарлайдиган ҳар хил маълумотларни тарқатиши учун тўсатдан қилаётган ҳужумидир. Шундай ўта бемаъни ахборотларнинг олдини олиш учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарур. Демак, ўзбек халқининг қўлга киритган мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўрни беқиёсдир.

3. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси ва уни моҳияти. ХХI асрга келиб бу тушунчанинг мазмуни ўзгача маъно касб эта бошлади. Унинг бугунги кундаги ўрни ҳақида И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Хавфсизлик – узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз-ҳудудсиздир... Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор”¹.

Юқорида келтирилган “ахборот” ва “хавфсизлик” тушунчаларининг қисқача фалсафий таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда “**ахборот хавфсизлиги**” тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Унинг ўзи. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.37.

Ахборот хавфсизлиги бу – муайян шахс, оила, ижтимоий гуруҳ, меҳнат ва хизмат жамоаси, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий омиллар асосида хавф-хатарсиз тарзда нормал фаолият олиб боришлари учун зарур бўлган информацияларни ўрнатилган тартибда сақлаш ва етказиб бериш тизимидир.

4. Ўзбекистон давлатининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими.

Бунга:

1) Ўзбекистоннинг бевосита мустақиллигини сақлашга қаратилган, яъни ўзбекларнинг тарихий макон ва замондаги ўрнини инкор қилувчи ёки бу ҳақдаги тарихий далилларни сохталаштириб, уларни бузиб жаҳон афкор оммасига етказишга уринувчи сохта информациялар оқимидан ҳимояланишни ўз ичига олувчи ҳаққоний маълумотлар тизимини мунтазам равишда ишга солиш;

2) глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасидаги эришаётган ютуқларига раҳна солувчи ҳар хил инфорацион хуружларнинг олдини олиш ва уларга ишончли маълумотлар орқали қатқатқич зарба бериш, яъни бугунги кундаги жаҳон-молиявий инқирози шароитида мамлакатимида юз бераётган иқтисодий барқарорлик, қолаверса, иқтисодий ўсишнинг сабабларини тушунтириб беришни таъминлаш, уларни сохталаштириб ёки энг ривожланган мамлакатлар билан қиёслаш орқали “ўзбек модели” ва унинг мантиқий давоми бўлган “*Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси*” нинг обрўсини туширишга интилаётган ғанимларга қарши инфорацион ҳужумни уюштириш;

3) Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, яъни мамлакатимизнинг сиёсий – ҳуқуқий ҳаётини либераллаштиришга, Ўзбекистонда “демократия” йўқ деб, бутун дунёга жар солаётган “сиёсатчи”ларнинг ғоявий хуружлари ва амалий хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва уларни бадном этиш;

4) Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг 60 % ини ташкил этувчи ёшларни мустақиллик ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий мафқуранинг бош ва асосий ғояларини сингдиришга қаратилган, яъни ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳар хил мафқуравий хуружларга қарши иммунитетини шакллантириш, “оммавий маданият” унсурлари орқали кўзга кўринмас даражада ўтказилаётган таъсирлар доирасига тушиб қолмаслик учун олиб борилаётган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш ишларини киритиш мумкин.

Ахборот хавфсизлигининг юқорида баён қилинган тизими фуқароларнинг ахборот эркинлигини чекламайди, балки уларнинг бу соҳадаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга хизмат қилади. И.А.Каримов таъкидлаганидек: *“Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиши, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиши ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишининг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”*¹.

Ахборот ва инъикос жараёнининг диалектик алоқадорлиги масаласидаги яна бир жиҳат бу ахборотларда инъикос эттирилган маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммосидир. Бу хусусда И.А.Каримов: “Айни пайтда жаҳон миқёсида ахборотлаштириш жараёнлари тобора глобаллашиб, бу борадаги рақобат кучайиб бораётган, ахборот наинки товар, балки кучли мафқуравий қуролга айланаётган ҳозирги шиддатли замонда ҳаётнинг ўзи,

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // *Унинг ўзи: Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз таракқиётининг асосий мезонидир*. Т.19. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.71.

Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, бу йўналишда янги-янги вазифаларни олдимизга кескин қилиб қўймоқда”¹, – деган эди.

5. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари. Демак, ахборот ва унинг хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал этишда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши муҳим.

1. Ахборотларнинг миқдорий жиҳатдан хавфсизлигини, яъни нарса, воқеа, ходисалар ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотларни статистик ва ностатистик йўллар билан тўплаш асосида ноаниқликларни йўқ қилиш ва шу асосда тўлиқ ишончли бўлган ахборотларга эга бўлиш, уларни сақлаш ва узатиш ишларини амалга оширишни таъминлаш. Бу масаладаги ҳар қандай миқдорий ноаниқлик ахборот объекти ва субъектига хавф туғдириши табиийдир.

2. Ахборотларнинг сифатий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш. Маълумки, ҳозирги кунда ахборотларни таснифлашнинг бир неча, масалан, гносеологик белгиси бўйича – объектив ва субъектив; прагматик белгиси бўйича – потенциал ва актуал; объективлик фарқи бўйича – табиат (тирик ва нотирик), жамият ва техникага оид турлари мавжуддир. Булар ичида биологик ва ижтимоий соҳага оид ахборотлар сифатий жиҳатдан ўта пишиқ бўлишни талаб этади. Ахборотларнинг сифатий жиҳатдан пишиқлиги жамиятда барқарорликни таъминлаш гарови ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳада олинган ҳар бир маълумот қайта-қайта текшириб кўришни талаб этади. Шунда маълумот пишади ва ахборот пишиқлик хусусиятига эга бўлади. Пишиқлик ҳар бир нарсанинг сифатий хусусияти ҳисобланади. Уни инкор этиш қийин бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда ғоявий тарбия соҳасида ишлатаётган ахборотларимиз ўта пишиқ бўлишни талаб этади. “Пишмаган ош, қоринни оғритади” деганларидек, пишиқликка эга бўлмаган ҳар қандай ахборот миллий хавфсизлигимизга таҳдид солади.

¹ Каримов И.А. Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига // *Унинг ўзи*: Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б.53–54.

3. Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг келгусидаги истиқболларини белгилашда ахборотлар хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳам муҳимдир. Бунда фақат ахборотларнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари эмас, балки, уларнинг ҳажми ва мазмуни, сабаб ва оқибатлари, мантиқий хулосалар чиқариш усуллари ҳам ҳисобга олиниши зарур.

4. Давлатни бошқаришда ижтимоий, яъни аҳоли сонининг ўсиш суръатлари, ишлаб чиқариш, таъминот, истеъмол ва тақсимот, тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, жинойтчилик, миллатлар ўртасидаги муносабатлар, диний эътиқод масалаларига оид ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамият касб этадиган масаладир. Мафкуравий онг ва иммунитетни шакллантиришнинг тамал тоши ҳам ана шу ҳақидаги ахборотларнинг мағзида жойлашгандир. Чунки, инсон ижтимоий мавжудот, уни ижтимоийликдан бегоналаштириш, ундаги ҳайвоний сифатларнинг ўсишига йўл қўйиб бериш демакдир. Ҳайвоний сифат эса бузғунчилик, вайронгарчилик қилишнинг манбаидир.

Шу тариқа, **ахборот хавфсизлигини таъминлаш** бу – ғанимларимиз томонидан мамлакатимизга нисбатан қилинаётган ахборот хуружларининг олдини олиш ҳамда уларга нисбатан миллий ахборот воситаларимиз орқали қарши қақшатқич зарба бериш демакдир.

Зеро, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакат мустақиллиги ва давлат суверенитетини мустаҳкамлаш воситаси экан, унинг аҳамиятини биринчи навбатда ёшлар орасида тушунтириш, амалиётда қўллаш сирларини ўргатиш борасида мутассадилар қуйидаги ишларни бажармоқлари шарт.

Булар қуйидагилардан:

– интернет тармоғидан мактабда ва уйда фойдаланиш қоидалари рўйхатини тузиш ва унга риоя қилишни талаб этиш;

– интернет тармоғига уланадиган компьютернинг умумий хонада бўлишини таъминлаш;

- ёшлар билан уларнинг интернетдаги дўстлари ҳақида суҳбат қилиш, улар ким эканлиги ҳақида доимий маълумотга эга бўлиш;
- керак бўлмаган контентга блок қўйинг;
- ёшларни электрон почтада шахсий, яъни хусусий маълумотларни киритмасликка, номаълум хатларга жавоб ёзмасликка ўргатиш;
- интернетдан келиши мумкин бўлган дағдаға ёки қўрқитиш ҳақида маълумот бериб боришга ўргатиш;
- фойдаланадиган сайтлар ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- тармоқларда безорилик қилмаслик ёки бошқа инсонларни қўрқитиш учун ишлатмаслик лозим эканлигини тушунтириб бориш кабилардан иборат.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

1. Ахборот хавфсизлигига тааллуқли педагогик шартларини муваффақиятли амалга ошириш, яъни компьютер хоналарида хавфсизлик ҳудудини ташкил этиш; компьютер хоналарининг ишлаш тартибини тасдиқлаш; Интернет билан ишлашда ўқувчиларга ахборот хавфсизлиги ва уни амалга ошириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиш.

2. Фуқароларга ахборот хавфсизлиги ҳамда таҳдидлар ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш ва уни бартараф этишни таъминлаш учун таълим-тарбия жараёнини ахборот маданияти, этика, инсонпарварлик ғояларига йўналтириш.

3. Интернет ахборот ресурсларидан олинаётган таълимга тааллуқли маълумотларни филтрлар орқали олиш, Интернетга қўшилган компьютерларда филтр дастурлари ўрнатилган бўлиши шарт. Ана шу ишлар бажарилса мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги таъминланади. Хулоса қилиб айтганда, И.А.Каримов таъкидлаганидек: *”Хавфсиз дунё – умуман, бутун инсоният учун ҳам, ҳуқуқлари учун курашда озмунча найзаси синмаган ҳар бир инсон учун ҳам олий мақсаддир”¹.*

¹ Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун // Унинг ўзи. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.34.

VIII БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ҳозирги кунда илм-фан, техника-технологиялар янги авлодларининг яратилиши, уларнинг моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларига тез суръатлар билан жорий қилиниши мамлакатларнинг замонавий қиёфасини белгилаб бермоқда. Шу сабабли замонавий мамлакатларнинг энг муҳим характерли жиҳати жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилиш билан белгиланмоқда. Ана шундай замонавий қиёфалардан бири бу «Хавфсиз ҳудуд», «Хавфсиз шаҳар», «Ақлли тиббиёти» қабиларнинг вужудга келишидир. Бундай инновацион технологиялар асосига қурилган ишларни амалга оширишни фақат ўз соҳасининг билимдони, касбий малакалари юқори даражада шаклланган, бой тажриба ва маҳоратга эга бўлган, юксак ахлоқий-маънавий, эстетик фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, қалби ва онги миллий ғоя ва мафкура руҳи билан суғорилган касб эгаларигина уддалай оладилар. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг талабалари, профессор-ўқитувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ҳамда барча амалиётчи ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ғоявий-мафкуравий тафаккурини ривожлантиришда, уларни инновацион тафаккур асосида яратилган техника ва технологиялар билан таништириб бориш эвазига янги инновацион ғояларни излаб топишнинг метод ва воситалари билан қуроллантириш зарурдир. Бунда миллий ғоя ва мафкура тарғиботини инновацион таълим технологияларини асосида ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

1-§. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий-амалий масалалари

I. Инновация: таърифи, турлари ва таснифи. Бугунги глобаллашув шароитида илм-фан, техника ва технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврида бузғунчи ғоя ва мафкура тарғиботчиларининг одамларни ахлоқсизликка ундовчи ҳаракатлари туфайли келиб чиқаётган янги типдаги мафкуравий беқарорлик, ғоявий заифлик ва парокандаликларнинг олдини олиш, мафкуравий яккаҳоқимликка, ғоявий мутаассиблик, ғоясизликка қарши курашиш, унинг ўқ илдизига зарба бериш учун замонавий инновацион миллий ғояларни илгари суриш, шу асосда ишланган усул ва воситалар орқали фаолият юритишни тақозо этмоқда.

Бузғунчи ғояларнинг олдини олиш, ҳар қандай кўринишдаги мафкуравий тажовуз, ғоявий зиддият, ғоявий қарамлик каби ҳолатларга қарши кураш борасида илгари сурилаётган инновацион ғоялар, шу асосда ишлаб чиқилган усул ва воситалар юксак ахлоқийлик ва эзгуликка, адолатни қарор топтиришга йўғрилган бўлиши керак. Агар инновацион ғоя шундай мазмунга йўғрилмаган бўлса, у албатта, яна бир янги типдаги бузғунчи ғоя турини келтириб чиқариши муқаррардир.

1. Инновация тушунчаси. Хўш, инновация нима, унинг маъно-мазмуни нималардан иборат, – деган савол туғилади. Бу саволга «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «**Инновация** [инглизча *innovation* – киритилган янгилик, ихтиро] – бу: *биринчидан*, техника ва технологияларнинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар; *иккинчидан*, илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши; *учинчидан*, муайян тилда, асосан унинг морфология

соҳасида энг сўнги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)»¹,– деган маъноларни англатади деб жавоб берилган.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда инновация тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Инновация деб кўп қиррали жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини ривожлантириши учун ишлаб чиқилган илғор гоялар, улар асосида яратилган илмий-амалий ишланмаларни илм-фанларнинг сўнги ютуғи, техника ва технологияларнинг янги ихтироси сифатида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳаётида қўлланилишига айтилади.

Ушбу фалсафий таърифдан ҳам кўриниб турибдики, ҳар қандай инновация гоя жамиятнинг идеосферасида қуйидагича илмий-амалий аҳамият касб этади.

1. Ҳар қандай янгилик энг аввало гоядан бошланади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг мафкуравий соҳасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш учун энг аввало замонавий миллий гоя керак бўлади. Бундай гоя биринчи навбатда олимлар ва бошқа фаол фуқаролар томонидан илгари сурилади.

2. Мадомики, жамият ҳаётининг идеосферасини ривожлантиришнинг инновацион гоялар туркуми ҳақида илмий фикрлар баён қилинган экан, энди уни амалга ошири механизмини яратиш ва ишга тушуриш лозим бўлади. Бунда эътиборни яратилган инновацион миллий гоя асосида илм-фан ва техника-технологиялар орқали амалга оширилган илмий-ишланмаларнинг қандай натижалар беришига қаратиш зарурдир.

3. Ҳар қандай гоя илғор техника, технология ва янги ихтиролар сифатида ўзлигини намоён қилади. Гоя туфайли бажарилган ихтиролар, илмий-амалий ишланмалар ижтимоий-ҳуқуқий тажриба майдонида синалган ва маълум

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.–Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.–Б.212.

даражада самарадорликка эга ҳолатни таъминлаган бўлади. Булар бевосита жамият ҳаётининг идеосферасига тадбиқ қилина боради. Натижада эса мазкур тизимда бузгунчи вайронкор ғояларнинг олдини олиш ва ҳар хил кўринишдаги ахлоқий иллатларга, қолаверса, жиноятчиликка қарши кураш, ёшларни ғоявий тарбиялашнинг самарадорлиги ошиб боради.

4. Ғоя жамият ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларини камраб олади. Айниқса, инновацион характердаги миллий ғояларнинг ёшлар ғоявий-мафкуравий, ахлоқий-маънавий ҳаётига тадбиқ этилиши, уларни бунёдкор ғоя ва мафкуралар руҳида ҳар томонлама тарбиялаш ва бошқариш ишларини оптимал тарзда ташкил этилишга олиб келади.

2. Новация тушунчаси. Бугунги кунда ҳар бир зиёли фуқаро «новация» ва «инновация» тушунчалари ўртасидаги фарқни билишлари керак. Бунда **новация – бу жамият ҳаётидаги янгиликни, яъни содир бўлган янгиликни англатиш** маъносида ишлатилиб: *биринчидан*, амалдаги назария доирасида қўлланилади; *иккинчидан*, амал қилиш қўлами ва вақт бўйича чегараланган бўлади; *учинчидан*, қўлланиладиган усул ва воситалар янгиликни, метод, методика, технология шаклида намоён бўлади; *тўртинчидан*, пировард натижада аввалги тизим бирмунча такомиллаштирилади.

Инновация – бу жамият ҳаёт фаолияти соҳаларига янгилик киритиш, яъни киритилган янгилик, ихтиро маъносини англатган ҳолда: *биринчидан*, тизимли, яхлит ва давомли бўлади; *иккинчидан*, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; *учинчидан*, инсоннинг фаолияти тўла янгиликка; *тўртинчидан*, моддий ва маънавий таъминотда янги технологиялар яратилади; *бешинчидан*, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда янги сифат натижаларига эришилади; *олтинчидан*, меҳнат фаолиятидаги амалиёт жараёларининг ўзи ҳам янгиликка боради.

Новация ва инновация фаолияти билан шуғулланувчиларни новаторлар деб атаймиз. Меҳнаткаш халқ орасида ҳам кўплаб новаторларни учратиш мумкин.

Шунга кўра **новаторлар деб** жамият ҳаёти фаолиятининг бирор соҳасини такомиллаштириши, янада ривожлантириши учун янги илғор принцип, ғоя, усул киритувчи ва уни амалга оширувчи кишиларга айтилади.

3. Инновациянинг турлари ва таснифи. Инновациянинг жамият ҳаёт фаолиятидаги ўрнини билиш учун инновацияларнинг қандай турлари борлигини, қай йўсинда таснифланганликларини билиш зарур. Уларни билмаслик инновацияни тушуниш, илғор ғоялар асосида яратилган илмий-амалий ишланмаларни ҳаётда қўллаш масаласида баъзи бир чалкашликларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Инновацияни қуйидаги: соҳиблари; рақобатбардошлиги; манфаатдорлиги; амалиётга жорий қилиниши; иқтисодий мазмуни; тармоқлари; вақт бўйича амал қилишига қараб турларга ажратиш мумкин. Уларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

3.1. Инновациянинг соҳиблари бўйича таснифи. Инновацияни асосан уч тоифа одамлар:

1. Илмий ходимлар томонидан, икки хил йўналишда – шахсий ташаббус ва давлат буюртмаси орқали амалга оширилади.

2. Тажрибали амалиётчи мутахассислар томонидан узоқ йиллар ишлаш натижасида орттирган тажрибалари асосида ўз ишига ижодий ёндашув туфайли ҳосил қилинган янги ғоя ва илмий-амалий ишланмалар.

3. Махсус ихтирочилар ва конструкторлар томонидан бевосита илмий-амалий изланишлар натижасида яратилган инновациялар. Масалан, миллий ғоя ва мафкура тарғиботчилари учун зарур бўлган ахборот-коммуникация воситаларини такомиллаштириш ёки янғисини яратиш бўйича шуғулланувчи махсус ихтирочилар, конструкторлар томонидан яратилган ахборот технологиялари шулар жумласига киради.

3.2. Инновациянинг тармоқлар бўйича таснифи. Жамият ҳаёти жуда ҳам кўп тармоқли бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусиятлар уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш лозимлигини тақозо қилади. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи соҳага оид инновацияни молия соҳасига жорий қилиш мумкин эмас ва аксинча. Ҳаётнинг шу талабидан келиб чиққан ҳолда инновацияларни: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо, молия, таълим-тарбия каби бир қатор тармоқларга ажратиш мумкин.

Масалан, саноатга мўлжалланган инновация бевосита соҳада техник ва технологик жараёнларни модернизация қилиш; савдо соҳасига мўлжалланган инновация бевосита савдо жараёнларини такомиллаштириш; молиявий соҳага мўлжалланган инновация ҳисоб-китоб жараёнларини, пул айланиши каби ҳолатларни яхшилашга; қонунчиликка мўлжалланган инновациялар эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жинойтчиликка қарши кураш ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

3.3. Инновациянинг амал қилиш вақти бўйича таснифи. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботчилари фаолиятини ҳар томонлама замон талабларига мос равишда такомиллаштириш борасида қўлланилган инновацион ғоя ва илмий-амалий ишланмаларни қўллаш борасидаги муваффақиятлар ва муваффақиятсизликлар вақт ўтиши билан сарҳисоб қилинади ва аниқланади. Бу ерда вақт жуда катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам объектив заруратдир. Ҳеч нарса доимий бўлмаганидек, инновация ҳам абадий эмас. Бугунги янгилик эртага эскириб қолиши ва янгича мазмун ва шаклдаги инновацияни жорий қилиш зарурати-ни туғдириши мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, миллий ғоя ва мафкура тарғиботчилари фаолиятининг мобиллигини ошириш соҳасида қўлланиладиган инновацияларни учта: қисқа муддатли; мавсумий; узоқ муддатли инновацияларга ажратиш мумкин.

Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида қисқа муддатли инновация кўпинча содир этилиши кутилаётган мафкуравий тажовузнинг кирдикорларини тезликда фойдаланиш учун қўлланилади. Мавсумий инновациядан эса бирон бир жамоада, маҳаллада, туман ва вилоят, мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрамлар, анъаналар, маросимлар, учрашувлар, ташрифларга тайёрганлик кўриш вақтида фойдаланилади. Узоқ муддатли инновация асосан миллий ғоя ва мафкура тарғиботчилари фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш жараёнида қўлланилади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ичкарасида ва унинг ташқарисида юз бераётган глобал ўзгаришлар ҳар бир миллий ғоя ва мафкура тарғиботчисидан юксак ахлоқийлик мезонлари асосида жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси– идеосферани такомиллаштиришда инновацион ғоя ва шу асосда яратилган илмий-амалий ишланмалардан узлуксиз тарзда фойдаланишнинг моҳият-мазмунини чуқур англаган ҳолда иш юритишни талаб қилмоқда.

Инновациянинг мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтаришдаги ўрни ҳақида давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев: *“Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”*¹, – деган эди.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.– Б.20.

II. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида қўлланиладиган инновацион технологиялари

Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида инновацион технологияларидан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади. Хўш,технология нима? Бу саволга «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Технология [юнонча techne – маҳорат,санъат + logos – таълимот] сўзларидан олинган бўлиб: 1) ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё,материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш,уларнинг ҳолати,хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар(методлар) мажмуи; 2) хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишлов бериш усули ва йўллари ҳақидаги фан» ¹, – деган таъриф берилган. Демак,технологияларнинг тури жуда кўп бўлиб,шулардан бирини педагогик технологиялар ташкил қилади. **Педагогик технология** – *бу таълим олувчининг ички имкониятлари ва ўқитувчининг инновацион тайёргарлигига таянган ҳолда ишлаб чиқилган ва таълимий мақсадга эришишни кафолатловчи ўқув-тарбия жараёнининг лойиҳасидир. Унинг рационал мағзини инновацион таълим ташкил этади.*

1. Инновацион таълим ва таълим инновациялари тушунчалари. **Инновацион таълим** *деб таълим олувчида янги зоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор зоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим тизимига айтилади.* Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Таълим инновациялари *деб таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндошув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.4-жилд. – Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.–Б.81.

анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологияларга айтилади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби” томонидан қўлланилган.

Таълим инновациялари миллий ғоя ва мафкура тарғиботи тизимида қўлланилганда қуйидаги ўзгаришларга: а) миллий ғоя ва мафкура тизимининг такомиллашувига; б) ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия, тарғиб ва ташвиқ қилиш жараёнининг ўзгаришига; в) мафкура назариясининг янги илмий-амалий ишланмалар билан тўлдирилишига; г) мафкура тарғиботчиси имкониятларининг тўлиқ ишга туширилишига; д) тингловчи фаолиятининг янгиланишига; ж) ғоя ва мафкурани ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларининг тезликда ўзгариб бориши кабиларга олиб келади.

Инновациялар одатда қуйидаги кўринишлар: янги ғоялар; тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар; ноанъанавий ёндашувлар; одатий бўлмаган ташаббуслар; илғор иш услублари шаклида намоён бўлади.

Ғоявий-мафкуравий тизим фаолиятида инновацияларни қўллаш учун сарфланган харажат ва кучлардан мақсад кўпроқ юқори натижани қўлга киритиш ҳисобланади. Бунда инновациялар ҳар қандай янгиликлардан, ўзининг бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга эканлиги билан фарқланади..

2. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботидаги таълим инновацияларининг турлари. Бунда амал қиладиган таълим-тарбия инновацияларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

1. *Фаолият йўналишига кўра:* ғоявий-мафкуравий тарбия жараёнида қўлланиладиган инновациялар; ғоявий-мафкуравий таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.

2. *Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра:* радикал инновациялар; комбинациялашган инновациялар; модификациялашган инновациялар.

3. *Ўзгаришларнинг кўламига кўра:* тармоқ инновациялари; модул инновациялари; тизим инновациялари.

4. *Келиб чиқиш манбаига кўра:* жамоа томонидан бевосита яратилган инновациялар; ўзлаштирилган инновациялар.

3. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботчисининг инновацион фаолияти ва унинг асосий белгилари. Мафкура тарғиботчисининг инновацион фаолияти – бу янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Инновацион фаолият мафкура тарғиботчининг рухий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади ҳамда у қуйидаги белгилар:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- ғоя ва мафкура тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тарғиботчилар тажрибаларини қўллай олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш кабилар асосида намоён бўлади.

4. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботидаги инновацион жараёнларни ташкил этишда қўлланиладиган ёндашувлар. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботчисининг инновацион жараёнларни ташкил этишда қўлланиладиган ўзига хос ёндашувлари мавжуд бўлиб уларга қуйидагилар киради:

1. *Гностик-динамик ёндашув.* Бу ёндашувга кўра тарғиботчилар тарбиявий инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга татбиқ этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор таълимий инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштиртирадилар.

2. *Индивидуал фаолиятли ёндашув.* Бунда тарғиботчилар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳолда амалий фаолиятда таълим инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадилар.

3. *Кўп субъектли (диалогик) ёндашув.* Мазкур ёндашув таълим-тарбия жараёнида инновацияларни ҳамкасбларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз қўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди.

4. *Инсонпарварлик ёндашуви.* Ушбу ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қилади.

5. *Индивидуал-ижодий ёндашув.* Унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалининг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида ташкил этади.

5. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида қўлланиладиган инновацион маъруза, семинар ва интерфаол методлар. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботчиси томонидан қўлланиладиган инновацион интерфаол методларни қўйидаги гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботда ўқиладиган маърузаларнинг ноанъанавий новацион шакллари. Бунга асосан: 1) *муаммоли маъруза* – муаммоли вазият томонидан қўйилаётган муаммоли масаланинг ечимини муаммоли саволлар қўйиш орқали тушунтириш; 2) *маъруза-маслаҳат* – олдиндан тайёрланган саволларга тингловчиларнинг жавобини эшитиш орқали, улар билан баҳсга киришиб аниқ тўғри жавобларни баён қилиш, ҳаётий мисоллар билан исботлаш; 3) *маъруза-икковлон* – икки ёки ундан ортиқ тарғиботчилар томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида бир мавзу бўйича турли хил фикрлар борлигини илмий-амалий жиҳатдан кўрсатиш; 4) *маъруза-мунозара* – олдиндан танланиб тайёрланган саволлар асосида аудитория билан мулоқотга киришиш орқали мавзунини ёритиш; 5) *маъруза-тадқиқот* – ёритилаётган мавзунинг тугунли босқичларини тушунтиришда тингловчиларнинг илмий фикрлаш асосида хулосалар чиқариш мантиғини шакллантириш; 6) *визуал маъруза* – ўқилмайдиган, балки кино, теле ва видеокадр, слайдлар, дискдаги ахборотлар блоки орқали намойиш этиладиган, айни вақтда тарғиботчи томонидан шарҳланадиган кўрсатив кабилар киради.

Бунинг исботини, «*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – жамиятимиз миллий тараққиётининг стратегик “йўл харитаси”*» номли ўқиладиган визуал маъруза мисолида кўриш мумкин.

2. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида олиб бориладиган семинар машғулотларининг ноанъанавий инновацион шакллари. Буларга: 1) «Сукротча» – суҳбатдошни савол-жавобга жалб этган ҳолда фикрлашга ўргатиш; 2) «Ақлий ҳужум» – ҳар қандай ишончли бўлмаган, ҳаёлий, мантиққа

мос келмайдиган жавобларни ҳеч бир танқидсиз таҳлил, таққослаш ва танлаш асосида энг тўғри вариантини танлаб олиш; 3) «Айлана стол» – қўйилаётган муаммонинг ечимини жамоа бўлиб муҳокама қилиш асосида топиш ва шу кабилар киради.

3. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида қўлланиладиган интерфаол методлар. Замонавий шароитда миллий ғоя ва мафкура тарғиботининг самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли - бу тарғиб ва ташвиқ қилишда олиб бориладиган машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланади.

Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? **Интерфаол метод** – бу (*«inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ*) тарғиботчи ва тингловчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини, бериладиган ахборотларини ўзлаштириши жараёнидаги фаолликни, ижодкорлик, мустақилликни шакллантиришига, шунингдек, тарғибот мақсадларининг тўлақонли амалга оширишига ёрдам берувчи чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, у ҳаётий вазиятларни моделлаштириш, ролли ўйинлардан фойдаланиш, муаммоларни ҳамкорликда ечишда кўриб чиқилади. Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя ва мафкура тарғиботини ташкил этувчи муассасаларида қуйидаги энг оммавий интерфаол таълим технологиялар қўлланилмоқда:

1. **Интерфаол методлар:** “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва б.

2. **Стратегиялар:** “Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.

3.График организерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.ш.к¹²

Баъзи бир мисолларни келтирамиз: Масалан, **“Блиц-сўров”** методи (инглизча. “блиц” - тезкор, бир зумда) берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Тарғибат муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, тарғиботчи томонидан берилди. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, талабаларнинг камраб олинишига кўра белгиланади.

«Блиц-сўров»саволларни тўлдириш


№	Саволлар	Жавоблар
1	Миллий истиқлол ғояси фанининг предмети.	
2	Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари.	
3	Миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари	

¹Қаранг: Муслимов Н.А, Усмонбоева М.Ҳ, Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари – Т.:ТДПУ, 2015.– Б. 25-30.


4	Миллий ғоя ва мафкура фанининг қонун ва категориялари	
5	Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафа билан алоқаси	

«ҚОРА ҚУТИ» технологияси қондаси - мавзуга оид таянч сўзларни ёзиш, қандай маъно англатишини қайд этиш ва шу тушунчалар асосида фикр тузиш ҳисобланади.


1 - қути




2 - қути



3 - қути



4 - қути



- 1. Миллий ғоя ва мафкура фанининг объекти (...)**
- 2. Миллий ғоя ва мафкура фанининг қонунлари (...)**
- 3. Миллий ғоя ва мафкура фанининг метод ва принциплари (...)**
- 4. Миллий ғоя ва мафкура фанининг функциялари (...)**

«Қарорлар шажараси» услуби қондасига кўра маълум масалада ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш,

бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг макбул хамда тўғрисиини топиш зарурдир.

1-топширик

Қадимги Шарқда шаклланган ғоявий-мафкуравий қарашларнинг моҳияти					
УМУМИЙ МУАММО					
1-группа		2-группа		3-группа	
Афзаллига	Қамчилиги	Афзаллиги	Қамчилиги	Афзаллига	Қамчилиги
Қарор					

2-топширик

Марказий Осиёда шаклланган мафкуравий қарашларнинг моҳияти					
УМУМИЙ МУАММО					
1-группа		2-группа		3-группа	
Афзаллига	Қамчюшг	Афзаллиг	Қамчилиги	Афзаллиги	Қамчилиги
Қарор					

«бхбхб» услуби қондаси тарғиботчи тингловчиларни муайян объектни акс эттирувчи 6 та гуруҳга бўлади ва ҳар бир гуруҳга ўрганилаётган объекти юзасидан топшириқлар беради.

Ғоя ва мафқуранинг жамият тараққиётидаги ўрнини белгилаш ҳақида

1-группа	2-группа	3-группа	4-группа	5-группа	6-группа
ҒОЯ	МАФКУРА	ҒОЯВИЙЛИК	ҒОЯСИЛИК	МАФКУРАВИЙ МАҚСАД	ҒОЯВИЙ ЗАИФЛИК

--	--	--	--	--	--

**Ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия олиб боришнинг асосий усул ва
иййўналишлари**

«БББ жадвали»

№	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1.	Маънавий тарбия тушунчасининг маъноси			
2	Ғоявий тарбия тушунчасининг маъноси			
3	Мафкуравий тарбия тушунчасининг маъноси			

Фикрлашнинг шиддатли хужуми (ФШХ) методи

1-гурух	2-гурух	3-гурух
<p>Савол: Таълим ва тарбиянинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари нималардан иборат</p> <p align="center">?</p>	<p>Савол: Тарғибот ва ташвиқотнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари нималардан</p> <p align="center">?</p>	<p>Савол: Абдулла Авлоний таълим ва тарбия ҳақида нима деган ва унинг бугунги кундаги аҳамияти нималардан иборат</p> <p align="center">?</p>

“Инсерт” методи – талабаларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Бу метод билан ишлашда:

– тарғиботчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

– янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

– тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар.

Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Масалан, Геомафқуравий жараёнлар – мафқуравий фаолият юретишнинг бир шакли ҳисобланади.

Мафқуравий рақобат соғлом ёки носоғлом тарзда амалга оширилиши мумкин.

Адолат ва маънавият – миллий ғоя ва мафқуранинг асосий атрибутларидан биридир.

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” - таниш маълумот.			
“?” - мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“- ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, миллий ғоя ва мафкура тарғиботида инновацион интерфаол таълим технологияларини қўллашлари натижасида тингловчилар қўйидаги: гуруҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш; муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш; гуруҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш; ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоён қила олиш; фикрлаш, фикрларни умумлаштириш, энг муҳимларини саралаш; ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш; ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш; турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштириш имкониятларига эга бўладилар.

III. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботчиларининг профессионал компетентлиги. Идеосферада инновацион тарзда узлуксиз равишда йўлга қўйилган ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия тизими пировард натижада

миллий ғоя ва мафкура тарғиботчисининг профессионал компетентлигига олиб келади.

1. Профессионал компетентлик тушунчаси. Хўш, компетентлик нима? «Компетентлик» [лотинча «competens» – мос келиш; лаёқатли, муносиб бўлмоқ] деган сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида: 1) бирон бир фаолият юритиш талабларига мос келиш; 2) бирон бир нарса ҳақида мулоҳаза юритиш учун етарли билимга эга бўлиш; 3) муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; 4) ваколат; 5) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси деган маъноларни англатади¹. Шунга кўра *«компетентлик – бу шахснинг бирор-бир соҳада бирор ишни бажаришга бўлган қодирлилик қобилияти ва унга шунга қараб расмий ёки норасмий равишда бериладиган ваколатлар доираси бўлса, лаёқат эса бу бирон бир шахснинг бирор ишни бажаришга бўлган қодирлилик қобилияти ҳисобланади. Компетентликда лаёқатлилик ҳал қилувчи роль ўйнайди»*².

Бунда, **миллий ғоя ва мафкура тарғиботчиларининг профессионал компетентлиги деб ҳар бир ходимнинг муайян ихтисослик бўйича эгаллаган мутахассислигининг даражаларига қараб берилган ваколатлар доирасида ўз хизмат вазифаларини бажаришда ўз қобилиятларини намойиш қилишларига айтилади.**

Миллий ғоя ва мафкура тарғиботчиларининг профессионал компетентлиги ҳақида фикр юритганда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур.

¹ Қаранг: Словарь иностранных слов.– М.: Рус.яз.,1985.– С.241., Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Ж.2. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти,2006.– Б.396.

² Қаранг: Юлдошев Р.Д. Таълим фалсафаси – илмий-амалий фан. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2017 йил – Б.36.

1. Компетентликни ходимнинг шунчаки билими, малакаси, тажрибаси, кўникмаси, шахсий ва касбий сифат-фазилатларининг тўплами деб эмас, балки, ўзаро тизимли алоқадорликда мавжуд бўлган кўникма, билим, малакаларни ўзида бирлаштирган тизимли таълимдан иборат бўлган бир фаолиятдир деб караш керак.

2. Компетентлик фаолият сифатида бевосита ўзининг ташувчиси бўлмиш субъект фаолияти – ходимнинг шахси билан боғлиқдир. Бу бир томондан, субъект ҳисобланмиш ходимнинг шахсий ва касбий сифатлари компетентлик фаолиятининг ишлаш механизмига таъсир ўтказиб, унинг характерини, бажариш даражасини, натижаларини белгилаб беради. Иккинчи томондан, компетентлик фаолияти объектив ҳодиса сифатида ходимнинг шахсий ва касбий фазилатларига ўзининг таъсирини ўтказиди, яъни унинг жисмоний ва маънавий вужудида бир қатор сифатий ўзгаришларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

3. Ходимнинг ўз касбий компетентлигини амалда қўллаш жараёни, одатда субъектларнинг лаёқат фаолияти сифатида биринчи галда унинг миёсида қандайдир «маънавий образ»лар шаклида гавдаланиб, у касбий вазифани амалда бажаришда тахминий мўлжал функциясини ўтайди. Ана шу «маънавий образ»ларнинг вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши, келгусида ходимлар компетентлигининг мазмунини, таркибий тузилишини ва ривожланиш йўналишларини белгилаб беради. Шу сабабли ходимларнинг онгида компетентликнинг «маънавий образ»ларни шакллантириш ишлари доимо мунтазам равишда иш олиб борилаётган субъектлар – фуқаролар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойиллар, уюшмаган ёшлар ва шу кабиларга ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий таълим-тарбия бериш борасидаги натижаларини яхшилаш ишига йўналтирилган бўлиши лозим.

Миллий ғоя ва мафкура тарғибчиларининг профессионал компетентлигини шахсий, методик, креатив, информацион, инновацион турларга ажратишади. Бунда:

1. «Шахсий компетентлик – ички ишлар органлари ходимининг ижтимоий дунёқараши, илмий ва интеллектуал салохияти, креативлиги, шахслараро мулоқот-муносабатларига фаол кириша олиши, конфликтларни ҳал этишга тактик ёндашуви, касбий фаолият талабларига мувофиқ шахсий ва касбий сифатларининг шаклланганлик даражаси, фаол ҳаётий ва фуқаролик позициясининг қарор топганлиги каби мезонлар билан белгиланади.

2. Методик компетентлик – ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнларини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, касбий фаолият ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш, ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмалари билан тавсифланади.

3. Креатив компетентлик (инглизча «сcreate» - яратувчанлик, ижодкорлик) - янгилик яратиш, ижодкорлик, ташкилотчилик каби кўникмаларга эга бўлишдир.

Креатив компетентлик фақат янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки миллий ғоч ва мафкура тарғиботчисининг ҳаёт тарзи ёки ички дунёсининг ривожланишида муҳим ўрин тутади.

4. Информацион компетентлик - замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳдил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарурий ахборотларни узатиш кўникмаларининг шаклланганлик даражасидир.

5. Инновацион компетентлик - тизимдаги инновацион жараёнлар моҳиятидан хабардорлик, касбий фаолият соҳаси ва тегишли таълим йўналишидаги инновацияларни ўзлаштириш, амалиётга фаол татбиқ этиш,

замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлик, чет тилларни ўзлаштириш, новаторлик фаолиятида кўринади»¹.

Компетентликнинг мазкур турлари бир бирлари билан ўзаро тизимли алоқадорликда бўлиб, уларни мажмуавий тарзда татбиқ этишнинг жамиятнинг идеосферасида ғоявий-мафкуравий тарбияни шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни куйидагилар билан белгиланади.:

Биринчидан, касбий компетентликни амалда намойиш этиш жамият аъзолари мафкуравий онгининг тизимли равишда ривожланишига олиб келади. Унинг тизимли равишда ривожланиши эса барча давлат ва нодавлат муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш борасидаги истиқболларини белгилашда эвристик вазифани бажаради.

Иккинчидан, профессионал компетентлик тарғиботчининг ўз устида тинимсиз ишлашига:

- амалиётда томонидан қўлланилган усуллардан, ишлаб чиқилган тайёр материаллардан кўр-кўрона фойдаланмаслик;
- хизматда ўзининг йўл қўйган хатоларининг сабабларини билиш;
- ишда янги инновацион таълим технологияларидан унумли фойдаланиш;
- топшириқларни сифатли бажариш учун барча касбий маҳоратларини ишга солиш;
- илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳасида бўлаётган янгиликларни ўз вақтида ўзлаштириш ва ҳамкасабаларига етказиш;
- шахсий наъмуна кўрсатиш асосида ўзгаларни тарбиялаш асосида ғоявий-мафкуравий тарбия тизимини такомиллаштиришига олиб келади.

¹ *Қаранг:* Юлдошев Р.Д. Таълим фалсафаси – илмий-амалий фан. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2017 йил – Б.40-41.

2-§. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда.

Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади. Ушбу мамлакатларда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат стратегиясининг ижроси шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи махсус идоралар томонидан амалга оширилади.

Инновацион ривожланиш учун масъул идораларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал улушнинг кўпайиши ҳисобланади. Бундан ички ишлар органлари ҳам мустасно эмас.

1. Инновацион ғояларни амалиётга жорий қилишдаги тўсиқлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида ўтган йиллар ичида мамлакатимизда инновацион ғоялар ва илмий-амалий ишланмаларни қўллашга « қуйидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига

хамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, давлат дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш мавжуд эмас, бунинг оқибатида мазкур дастурлар аксарият ҳолатларда муаммоларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамда узоқ муддатли ривожланиш масалаларини ҳал этмаяпти;

иккинчидан, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламаяпти;

учинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермаяпти, бу эса ўтказилаётган изланишларнинг самарадорлигини пасайтирмақда;

тўртинчидан, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этишдаги камчиликлар технологик қолоқликка ва инновацион товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг чекланганлигига олиб келмоқда;

бешинчидан, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда алоҳида ҳолатлардаги тор идоравий манфаатларнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг сабабларидан биридир;

олтинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни татбиқ этишга, шунингдек, инновацион

маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти;

етгинчидан, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бутун мамлакат фани, саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш паст даражада сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади»¹, – дейилган.

2. Инновацион ривожланишнинг асосий устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ **қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари этиб белгилансин дейилган:**

« – мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узок муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

– давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 29 ноябрь.

– ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

– инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

– мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан, чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

– табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан, муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучуклаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шаклларини кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

– соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илғор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс тизимни яратиш;

– аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

– иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

– инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш»¹ ва бошқалар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 29 ноябрь.

IX БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

1-§. Миллий ғоя ва мафқурани халқ қалби ва онгига сингдиришнинг усул ва йўналишлари

I. Миллий ғоя ва мафқурани халқ қалби ва онгига сингдиришнинг асосий йўналишлари

Миллий ғоя ва мафқурани халқ қалби ва онгига сингдириш асосан икки – таълим ва тарбия йўналишида олиб борилади.

1. Таълим йўналиши. “Таълим” арабча “ўргатиш, ўқитиш, илм бериш, маълумот” деган сўзлардан олинган бўлиб 1) билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси; 2) илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалладиган, олинладиган маълумот ва кўникмалар мажмуи; 3) тарбия, одоб-ахлоқ; 4) кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилади¹. Шунга кўра халққа *ғоявий таълим бериш* деб миллий ғоянинг мақсади, вазифалари, қонун ва категориялари, бош ва асосий ғоялари, жаҳонда кечаётган мафқуравий кураш, дунёнинг мафқуравий манзараси ва шунга ўхшаши бошқа мафқуравий жараёнларнинг бориши ҳақида ёшларга билим бериш асосида уларнинг қалби ва онгига миллий мафқуранинг бош ва асосий ғояларини сингдиришга қаратилган жараёнга айтилади.

Умуман олганда ғоявий таълим турли таълим воситаларини қўллаш орқали: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим муассасаларида олиб борилади.

Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2017 йил 10

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.27–28.

сентябрь), “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2017 йил 15 март), “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2017 йил 20 апрель) қарорлари ва 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармони қабул қилинди.

1.3. Тарбия йўналиши. “Тарбия” арабча ривожлантириш, парвариш қилиш, ўстириш, ўргатиш, илм бериш деган сўзлардан олинган бўлиб; 1) инсонларга таълим, одоб-ахлоқ ва шу кабиларни ўргатиб, сингдириб, уларни вояга етказиш, улғайтириш, ўстириш; 2) инсонларнинг касб-хунар, меҳнатга бўлган муносабатини шакллантиришга, ривожлантиришга, унинг жамиятда яшаши учун керак бўлган хислатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган иш-амаллар мажмуи ва шу йўл билан сингдирилган одоб-ахлоқ, хислат, фазилатлар кабиларнинг ўзини англатиш учун ишлатилади¹. Шунга кўра, *ғоявий тарбиялаш деб, уларнинг онги ва тафаккури тизимида шу йўналишдаги дунёқарашни, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий ва бошқа тамойилларни муайян мафкура асосида мақсадли шакллантириш жараёнига айтилади. Мафкуравий тарбия эса инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараёндир.* Улар бир-биридан ажралмас қисмлардир. Ғоявий тарбия мафкуравий тарбия орқали зоҳир бўлади.

Умуман олганда ғоявий тарбия:

- оила;
- маҳалла;
- ижтимоий-оммавий институтлар;

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.3. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.678.

- маъмурий-сиёсий ташкилотлар;
- меҳнат жамоаларида олиб борилади.

Шуни унутмаслик керакки, таълим тарбиядан, тарбия эса таълимдан ажралмасдир. Бу хусусда И.А.Каримов: *“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”¹*, – деган эди.

II. Миллий ғоя ва мафқурани халқ қалби ва онгига сингдириш усуллари

Халқ қалби ва онгига миллий ғоя ва мафқурани сингдириш икки – таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот қилиш усуллари орқали амалга оширилади.

2.1. Таълим-тарбия усули. Таълим-тарбия усулида ўқитишнинг;

- кўргазмалилик;
- узлуксизлик;
- янги педагогик технологияларни қўллаш;
- тарихий-мантиқий изчилликни таъминлаш усулларидан кенг фойдаланилади.

2.2. Тарғибот-ташвиқот усули. “Тарғибот” арабча “тарғиб – хоҳишни, кизиқтиришни кучайтириш; рағбатлантириш” деган сўздан олинган бўлиб 1) чуқур тушунтириш йўли билан бирор ғоя, таълимотни ва шу кабиларни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ; 2) тушунтириш йўли билан бирор ишга чақирмоқ, даъват этмоқ деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилади². Шунга кўра миллий ғоя тарғиботи, яъни *ғоявий тарғибот* деб миллий ғояни барча аҳоли қатламларининг орасида ёйишига, улар онгига сингдиришига қаратилган ишлар, тарғиб ишларига айтилади. Миллий ғоя тарғиботи билан шуғулланувчи ходимларни миллий ғоя тарғиботчилари деб аташади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.62.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.6.

“Ташвиқот” арабча “ташвиқ – қизиқиш, хоҳишни кучайтириш” сўзидан олинган бўлиб, “бирор нарсага йўллаш, йўналтириш, чақириш мақсадидаги гап-сўз, хатти-ҳаракат, ундамоқ, даъват қилмоқ” деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилади¹. Шунга кўра, миллий ғоя ташвиқоти, яъни *ғоявий ташвиқот* деб *оммага мафкуравий ёки бошқа жиҳатдан таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар, тадбирларга айтилади.*

Тарғибот-ташвиқот ишлари:

- кенг қамровлилик;
- мақсадга йўналтирилганлик;
- ишончлилик, асосланганлик;
- илмийлик асосида олиб борилади.

Ҳозирги кунда миллий ғоя ва мафкура жараёнларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш ва халқ орасида тарғиб-ташвиқ қилиш масаласи билан бевосита шуғулланадиган муассаса Республика Маънавият ва маърифат маркази шуғулланади.

2-§. Ёшларнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш – ғоявий-мафкуравий таълим-тарбиянинг самарадорлигини юксалтириш воситаси

1. Китоб: тушунчаси ва таснифи. Одамзод пайдо бўлибдики, у доимо ўзини ўраб турган борлиқнинг сир-асрорларини билишга ўриниб келмоқда. Шу аснода тўплаган барча билимларини жамлаб, китоб ҳолига келтирган ҳолда аждодларидан авлодларига етказиб бермоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда китоб – бу маънавият сарчасмаси, билимлар хазинасидир.

Хўш, шундай экан китобнинг ўзи нима деган савол туғилади. Бу саволга икки хил, яъни бирон бир буюм-нарса тариқасида ва фалсафий маънода жавоб

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.4. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.21.

бериш мумкин. Буюм-нарсa тарикасида: “**Китоб** – арабча «ёзилган», «муқоваланган асар» деган сўзлардан олинган бўлиб, маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма асардир»¹. Фалсафий маънода эса **китоб** – бу моддий ва маънавий оламда юз берган ва бераётган нарсa, воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг бошқа нарсаларга айланиб янгилиниб бориши ҳақидаги билимларни ўзида мужассамлаштирган, уларни аждодлардан авлодларга етказиб беришга хизмат қиладиган илмий ва бадий аҳамиятга эга бўлган асардир.

Китобларнинг таснифланиши деб, уларни табиат, жамият, инсон тафаккурида содир бўлган нарсa, воқеа, ҳодиса ва жараёнларни акс этганлик даражаларига, жамиятнинг ривожланишидаги ўрни ва кишиларнинг шахсий ҳаётига таъсир этиши хусусиятларига қараб бир неча турларга ажратишга айтилади.

Китобларни жамият тараққиётидаги ўрнига кўра катта учта гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Табиат сир-асрорини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган билимларни ўзида мужассамлаштирган *табиатиуносликка* оид китоблар. Масалан, физика, кимё, биология, механика ва бошқалар.

2. Жамият сир-асрорини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган билимларни ўзида мужассамлаштирган *жамиятиуносликка* оид китоблар. Масалан, тарих, фалсафа, миллий ғоя ва мафкура ва бошқалар.

3. Жамиятнинг маънавий ҳаётини гўзал ички туйғулар ёки изтироблар, муҳаббатдаги садоқат ва хиёнатни, ёшлик ғурури, кексаклик донишмандлигини, ота-оналарнинг қадр-қимматини ўзида акс эттирган *бадий* китоблар. Масалан,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. Б.376.

Муҳаммад Юсуфнинг шеърлар тўплами, Мирза Кенжабекнинг тазкиралари, Муҳаммад Алининг тарихий романлари шулар жумласидандир.

Китобларни соҳаларда қўлланилиш соҳаларига қараб яна бир нечта турларга ажратиш мумкин. Масалан, ҳуқуқшунослик илмига оид китобларни: конституциявий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи, тезкор-қидирув ҳуқуқи; тиббиётшунослик соҳасига оид китобларни: терапия, неврология, педиатрия, урология ва бошқа шунга ўхшаш турларга ажратиш мумкин. Хуллас, китоб ҳар қандай билим соҳасининг ажралмас атрибутидир. Китобсиз – илм, илмсиз – китоб бўлмайди.

2. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш – давр талаби. Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга сабаб ҳозирги кунда ёшларимизнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг миллий ғоя ва мафқурани уларнинг қалби ва онгига сингдириш борасида ўрни ҳақида мамлакатимиз Президенти **Ш.М. Мирзиёев:** ”Инсон маънавий оламини бойитишда улкан таъсирга эга бўлган китоб ҳақида сўз очилган экан, шу билан боғлиқ муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, бугунги кунда жамиятимизда китобхонлик даражаси қандай? У бизни қониқтирадими? Ким кейинги пайтда қайси китобни ўқиди, фарзандимизга қандай китоб олиб бердик?

Афсуски, кўп ҳолларда бу саволларга ижобий жавоб беришимиз қийин.

Одамларнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш ҳақида кўп гапирармиз. Лекин бу борада энг оддий ва айти пайтда энг таъсирчан восита - бу китоб эмасми? Мен шунга аминман - китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ.

Албатта, ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация соҳаси шиддат билан ривожланмоқда, телевидение, радио, интернет, компьютер, мобиль телефон кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда. Биз ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, мамлакатимизда ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтириш, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Таълим-тарбия муассасалари, орган ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларида шу масала бўйича турли танлов, фестиваль ва акциялар, китоб байрамларини ташкил этишимиз керак. Мавжуд ахборот-ресурс марказларини бойитиш, кутубхоналар йўқ жойларда уларни ташкил этишимиз лозим. Ота-боболаримиздан қолган яхши анъаналарни давом эттириб, навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик кечалари ўтказасак, керак бўлса, бадий асрларни телевидение орқали ўқитишни йўлга қўйсак¹. Энг муҳими, фарзандларимизни ёшлик чоғидан китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантириш, бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор², – деган эди.

3. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишнинг устувор йўналишлари. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 12

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Мамлакатимизнинг жавоҳир хазинаси // *Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.114.

² **Мирзиёев Ш.М.** Тошкент–барчамиз учун онадек улуғ ва мўътабардир // *Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.469.

январда “ **Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида**” Фармойиш, 2017 йил 13 сентябрда “**Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида**” Қарор қабул қилди.

Мазкур қарорда аҳолининг китоб мутоласини ошириш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури белгилаб берилди. Булар: 1) халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш; 2) жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиб бериш; миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш; 3) фарзандларимизда болалиқдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш асосида аҳолининг мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида: ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; 4) адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўرғазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш; 5) китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш; 6) таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг “Маънавият хоналари”ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш; 7) мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига

салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш; 8) китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш каби вазифаларни амалда бажаришдан иборат.

4. Ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари. Ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашда, уларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда *ёшларнинг китобхонлик маданияти деб иқтидорли шахслар, олимлар жамоаси томонидан табиат, жамият, инсоннинг ахлоқий ва эстетик оламини теран ўрганиш асосида ёзилган илмий-техникавий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий- иқтисодий, ахлоқий ва эстетик адабиётларни ўзлуксиз тарзда ўқиб бориш, уларни мантиқан таҳлил қилиш, ўзига тегишли хулосалар чиқариб олиш, илҳомлантириш, зақлантириш хусусиятларига эга бўлган зарурий китобларини ўқиш асосида ўзининг қандай миллат вакиллариининг фарзанди эканлигини англашга қаратилган тизимли амалий хатти-ҳаракатларга айтилади.*

Ёшларнинг китобхонлик маданияти шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлар жумласига қуйидагилар:

1) авлодлардан аждодларга ўтиб келаётган чуқур ҳаётий мазмунга эга бўлган китобларни топиш, айниқса мафкуравий парокандаликнинг, ғоявий мутаассибликнинг олдини олиш ва бузғунчи ғояларга зарба берувчи китобларни мунтазам равишда ўқиб бориш;

2) ҳозирги кунда ёзилган илмий-техникавий китобларни ўқиб,улардан амалиётда фойдалиниш режаларини тузиш;

3) ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид китобларни ўқитиш, шу асосда ўзи яшаётган маҳалла,туман,вилоят.мамлакатдаги маънавий-мафкуравий вазиятга баҳо бериш;

4) сиёсий-ҳуқуқий адабиётларни ўқитиш заминида жаҳонда юз бераётган сиёсий воқеаларнинг мағзини чақиш, ҳуқуқшунослик ва қонун ижодкорлигида юз бераётган ўзгаришлардан тезликда хабардор бўлишини таъминлаш;

5) бадиий, ахлоқий ва эстетик адабиётларни ўқиш асносида, ҳар бир ёшнинг қалбида адолат ва она-Ватанга бўлган ҳис-туйғусини ўстириш;

6) ўрганиш лозим деб топилган китоблар асосида аҳоли,айниқса тарбияси оғир бўлган ёшлар ўртасида китобхонлик кечаларини ўтказиш ишларини ташкил этиш;

7) савияси паст, миллий ғоя ва мафкурамизга зид бўлган китобларнинг аҳоли орасида тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш ва шу кабилар киради.

5. Жаҳон мутафаккирлари китоб ва китобхонлик ҳақида. Китобларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида жаҳонга таниқли мутафаккирлар шундай деган эдилар.

Китоб ҳар ҳандай билимнинг жони ва юраги, фаннинг ибтидосидир.

Цвейг Стефан (1881-1942) – Австрия ёзувчиси.

Китоб фикрлаш қобилиятимизни ҳаракатга келтирувчи ихчамгина қуролдир; у ақлий танбаллигимиз билан курашишимизда бизга кўмаклашувчи тафаккур қувватидир.

Фагэ Эмиль (1847-1916) француз тарихчи-олими.

Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига-куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлни чархлайди ва юракни юмишатади.

Теккерей Уильям Майкнис (1811-1863) – инглиз ёзувчиси.

Китоблар ақл фарзандларидир.

Свифт Жонатан (1667–1745) – инглиз ёзувчиси.

Китоблар донишмандликни ёйиш қуролидир.

Коменский Ян Амос (1592–1670) – чех донишманди.

Китоблар орзу-истак туздиради, уни ҳаётга чорлайди, кишини фикрлашга мажбур этади, муҳокамаларда мустақил бўлиш қобилиятини тарбиялайди.

Струмилин Станислав (1877–1973) – рус иқтисодчи- олими.

Китоб энг олис ва зимистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чироқдир.

Упит Андрей (1877–1970) – латиш ёзувчиси.

Китоблар мангулик хусусиятига эга. Улар инсон фаолиятининг энг умрбоқий меваларидир. Китоблар бизни яхши жамият сари етаклайди, бизни барча замонларнинг буюк ақл эгалари билан таништиради. Ўсмир ақлида чуқур из қолдирувчи китоб одатда кўпинча инсон ҳаётида бутун бир даврни ташкил қилади. Яхши китоб ҳаётнинг беқийс ганж-хазиналаридан биридир.

Смайлс Самюэль (1816 – 1903) – инглиз ёзувчиси.

Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади.

Чехов Антон Павлович (1860–1904) – рус ёзувчиси.

Китобнинг кишилар ҳаётидаги ўрни ҳақида бундай олийжаноб фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, китоб ўқиш одамнинг ақлий салоҳиятини ривожлантириб, жамиятда юз бераётган мафкуравий жараёнлар ичидан оқини-оққа, қорасини-қорага ажратиш имконини беради ва шу асосда ички ёшларининг мафкуравий иммунитетини шакллантириш ва ривожлантириш, хуллас уларнинг касбий ахлоқи ва нафосатини ўстиришнинг асосий омили– воситаларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, *китоб – бу илм сарчаимаси, маънавият хазинасидир. Китоб ўқимаган одамда ахлоқийлик ва гўзалликни, адолатни ҳис этиб шавқ-завқ билан яшайдан дарак ҳам бўлмайди.*

Айниқса, халқни бунёдкорлик йўлида ахлоқий-маънавий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш мақсадида ёзилган китобларни нашр қилдиришга тўсқинлик қилган мансабдор шахс – маънавий жиҳатдан ожиз, кўрлик ва қарлик балосига йўлиққан одамдир, олиму-фозилларнинг қарғишига учраган кимсадир.

3-§. Ёшларига ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия беришни фаоллаштиришнинг ташкилий-тадбирий жиҳатлари

Ёшларга ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия бериш ишлари бир-бири билан узвий алоқада бўлган икки йўналишда олиб борилади. *Биринчи йўналиш* ўрта умумий, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, малака ошириш, мутахассисларни қайта тайёрлаш, раҳбар ходимларни тайёрлаш факультетлари ва курсларида замонавий назарий билимларни бериш орқали олиб бориладиган ғоявий-мафкуравий ишлардан иборат бўлса; *иккинчи йўналиш* давлат ва нодавлат муассасалари таркибидаги маданий-маърифий муассасалар, яъни клублар, маданият саройлари, кутубхоналар, маърифатхоналар, дам олиш масканлари кабиларда олиб бориладиган ғоявий-мафкуравий ишлардан ташкил топади. Бу йўналишдаги тадбирлар ёшлар билан олиб бориладиган маърифат дарслари; турли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, саркардалар, меҳнат фахрийлари, хорижлик ҳамкасблар билан бўладиган учрашувлар; маданият ва истироҳот боғларига, тарихий аҳамиятга молик жойларга саёҳатлар; кино-концерт залларига, музейларга, театрларга, маданият саройлари ва уйларига, фан-техника ва маданият ютуқлари кўргазмаларига қилинадиган ташрифлар; радио, телевидение, газета ва журналларда қилинадиган чиқишлар ҳамда турли маданий-маърифий муассасалар ишларини ташкил этиш кабиларни қамраб олади.

1. Маърифат дарслари ва уларни ўтказиш шакллари. Маърифат дарсларини олиб боришнинг методологик асосларини И.А.Каримов томонидан айтилган: “Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир”¹, – деган фикр ташкил этади. Шунга кўра, ёшларга мўлжалланган маърифат дарслари махсус дастур, иш режаси асосида олиб борилади.

Маърифат дарсларини ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни энг замонавий билимлар, фан ва техника ютуқлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар ва дунёда содир бўлаётган янгиликлар билан таништириш асосида уларнинг маънавий-ғоявий савиясини оширишдан иборат. Уларда, асосан, қуйидаги масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилади:

- давлатнинг ички ва ташқи сиёсати;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқлари, мақолалари, китоблари ҳамда фармон, фармойиш ва кўрсатмаларида баён этилган фикрларнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти;
- республика ҳукуматининг қарорлари, буйруқлари, хизмат низомлари ва уларнинг бажарилишига оид масалалар;
- мамлакатда аҳолининг саломатлик даражаси, ҳар хил юқумли касалликларнинг тарқалиш учоқлари ва уларнинг олдини олиш муаммолари;
- мамлакат аҳолисининг меҳнатда эришаётган ютуқлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги аҳвол, кишиларнинг турмуш тарзида бўлаётган ўзгаришлар, ҳаётга кириб келаётган янгича урф-одатлар, ёшларнинг ҳаётга муносабатлари;
- дунёда юз бераётган воқеалар, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш муаммолари;
- адабиёт, санъат ва фан-техника соҳаларида эришилган ютуқлар ёки йўл кўйилган камчиликлар ва ҳ.к.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // *Унинг ўзи*. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.135.

Маърифат дарсларини асосан маъруза, мунозара (семинар), давра суҳбати, савол-жавоб кечаси, сиёсий ахборот шаклларида махсус ажратилган вақт – маърифат кунларида малакали тарғиботчи-ташвиқотчилар, ахборотчилар, раҳбарлар ва мутахассислар ўтказадилар.

3. Маъруза ва уни ўқиш методикаси. Маъруза ўқиш – маърифат дарсларини ўтказишнинг кўп қўлланиладиган, анъанавий шаклларида бири бўлиб, унда танланган мавзу ёки бирон муаммоли масала оғзаки равишда, оммавий ёки илмий тилда баён этилади.

Хозирги кунда кўпроқ ноанъанавий бўлган: муаммоли маъруза, маъруза-маслаҳат, маъруза-матбуот конференция, маъруза- икковлон, маъруза-суҳбат, маъруза-мунозара, маъруза-тадқиқот, маърузада тескари алоқа техникасини қўллаш, визуал маърузалар шаклларида фойдаланашга эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, маъруза ўқиш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, уни ғоявий-мафкуравий фаолият воситаси, материални оммавий тарзда баён қилиш тури, илмий-назарий аҳамиятга молик янгилик ва кашфиётларни баён этувчи қомусий асар, нотиклик санъатининг намунаси, ҳиссий ва илмий-ақлий салоҳиятнинг кўриниши сифатида талқин этиш мумкин.

Маърифат дарсларида ўқилладиган маърузаларга қўйилладиган умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

- масаланинг моҳиятини, аҳамиятини илмий-оммабоп тарзда баён этиш;
- ҳукумат қарорлари ва буйруқларини унинг мазмунига зид ҳолда талқин этишга йўл қўймаслик;
- масалага ўзбек миллий мафкураси нуқтаи назаридан ёндашиш;
- ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда маънавий изчилликни таъминлаш ва ҳ.к.

Ҳар қандай маъруза уни тайёрлашдан бошланади.

Маърузага тайёргарлик кўриш, асосан, уч босқичдан иборат бўлиб, *биринчи босқичда* маъруза мавзуи танланади. Бунда мамлакат ҳаётида юз бераётган

сиёсий воқеалар, ходимларнинг маънавий, ахлоқий, руҳий аҳволи, эҳтиёжи, оператив вазият ҳамда раҳбарларнинг кўрсатмалари инобатга олинади.

Иккинчи босқичда бевосита маъруза тайёрланади. Бунда мавзуга доир материаллар – китоблар, рисоалар, мақолалар, газета ва журналлар, буйруқлар, йўриқномалар, қонунларга шарҳлар, маълумотномалар, ҳисоботлар, социологик тадқиқотлар натижалари, афоризмлар, мақоллар, маталлар, топишмоқлар ва бошқалар тўпланади ҳамда мазмунига кўра тартибга солинади. Сўнгра маъруза матнини тайёрлашга киришилади. У одатдагидек – кириш, асосий қисм ва хулосалардан иборат режани тузишдан бошланади.

Тайёрланган маъруза матни мукамал режа, асосий қоидалар, тезислар, конспект ва тўлиқ матн шаклларида бўлиши мумкин.

Учинчи босқичда тайёрланган маъруза қайта-қайта ўқиб чиқилади, камчиликлари тузатилади, овоз чиқариб ўқиш орқали машқ қилинади. Бу эса маърузачининг ўзига ишончини оширади, вақтни тўғри тақсимлаш имконини беради.

Нотиқ маъруза ўқиш жараёнида ҳам муаллиф, ҳам режиссёр, ҳам ижро этувчи актёр сифатида намоён бўлади. Маъруза одамларнинг кўз ўнгида ўқилади. Шу боис маърузачи, албатта, ўз товушининг оҳанглариغا, нутқининг изчиллигига, образлилигига, аудитория билан боғланиш даражаларига алоҳида этибор бериши лозим.

Яхши ўқилган маъруза одамларга завқ-шавқ бағишлайди.

Маъруза ўқишда қуйидаги методик тавсияларга амал қилмоқ керак:

– маъруза содда, ҳамма учун тушунарли тилда ўқилиши керак, ҳар бир назарий фикр ва қоида асосланмоғи, ишончли далиллар билан исботланмоғи керак;

– тингловчилар учун нотаниш терминлар, хорижий сўзларни ишлатишга берилиб кетиб, шу асосда ўзини билимдон қилиб кўрсатишга уринмаслик керак;

– нутқ фактларга асосланган бўлиши, айти вақтда ҳар хил бадиий ўхшатишлар, мақоллар, афоризмларга бой бўлиши лозим;

– маъруза вақтида тингловчиларни турғизиб қойиш, уларга танбех бериш, ҳар хил кесатиклар қилиш мумкин эмас;

– кўргазмали қуроллар, техника имкониятларидан унумли фойдаланган маъқул;

– маърузада тингловчиларнинг касб-кори, қизиқишлари, билимдонлик даражаси, руҳиятини ҳисобга олиш зарур.

4. Сиёсий ўқиш ва уни ўтказиш методикаси. ХХІ асрга келиб жаҳонда кечаётган воқеаларнинг сиёсийлашиб бориши тобора чуқурлашиб бормоқда. Бунга бир томондан эзгулик кучларининг тинчлик учун курашиб, инсониятни ҳар хил фалокатлардан, қирғин-барот урушлардан сақлаб қолиш учун тирмай ҳаракат қилаётганлигида, иккинчи томондан эса ёвуз кучларнинг бўлинган дунёни қайтадан бўлиш эвазига жаҳонда ўз ҳукумронлигини ўрнатиш учун ҳеч насадан қайтмай қирғин-барот урушларни ташкил қилаётганликларида, сиёсий саводсизларнинг улар сафини кундан-кунга тўлдириб бораётганлигида кўриш мумкин. Мамлакатимиз ёшлари ўзларининг инсонпарварлик бурчларини бажариш чоғида ҳали сиёсий курашлардан четга суриб қўйилганича йўқ.

Бу эса уларнинг сиёсий онги ва маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса улар орасида сиёсий ўқишни ташкиллаштириш асосида амалга оширилади.

Сиёсий ўқиш – маърифат дарсларининг муҳим турларидан бири бўлиб, унда ёшларга мамлакатдаги ички аҳвол ва ташқи вазият ҳақида қуйидаги масалаларга доир маълумотлар берилади:

- а) мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти;
- б) давлатнинг ташқи сиёсати ва халқаро аҳвол;
- в) ахлоқий, ҳуқуқий масалалар, меҳнат, хизмат фаолиятидаги янгиликлар;
- г) фан, техника, маданият, маънавият, маърифат янгиликлари ва ҳ.к.

Сиёсий ўқишнинг самарали бўлиши учун қуйидаги методик қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

1) сиёсий ўқиш учун мавзу танлаганда жамоанинг диққат-эътиборини тортаётган нарсалар, воқеа-ҳодисаларни инобатга олиш, мавзунинг номи қисқа, ихчам ва маъноли бўлишига ҳаракат қилиш керак;

2) сиёсий ўқишнинг бош ғояси, асосий мақсадини аниқлаб олиш зарур;

3) сиёсий ўқиш учун қанча вақт ажратилганлигини билиб олиш ва шунга қараб ишни аниқ режалаштириш лозим;

4) сиёсий ахборот учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, тартибга солиш, шу асосда режа тузиш, конспект ёки тезислар ёзиш керак;

5) сиёсий ўқишни ўтказишда унинг сўзлаб бериш, суҳбат ўтказиш, воқеалар обзори каби шакллардан бирини танлаш жоиз.

Сўзлаб бериш мавзуни жонли ва ифодали қилиб баён қилиш шаклларида бири бўлиб, унда ахборотчи айтилаётган воқеаларга нисбатан эркин тарзда, тингловчини ўз фикрига қўшилишга мажбурламасдан ўз мулоҳазаларини баён этади, асослайди, тавсиялар беради.

Суҳбат тингловчиларни муайян мавзудаги баҳс-мунозараларга жалб қилиш бўлиб, кўпинча савол-жавоб тариқасида ўтказилади. Бундай тарзда берилган ахборот тингловчиларнинг фаол иштироки туфайли қизиқиш билан қабул қилинади ва хотирадан мустаҳкам ўрин олади.

Воқеалар обзори бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни умумлаштириб шарҳлашдан иборат. У умумий хусусиятга эга бўлиши ёки муайян мавзуга бағишланган бўлиши мумкин.

Сиёсий ўқиш ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг оғзаки шакли бўлиб, у орқали ҳар бир ходим дунё воқеаларидан, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидан, фан-техника ва маданият ютуқларидан баҳраманд бўлади. Унинг ёрдамида ёшлар сиёсий онгининг, мамлакат ҳукумати қўйган

вазифаларни бажаришдаги ижодий қобилиятининг тобора ошиб боришига эришилади.

5. Давра суҳбати, савол-жавоб кечалари, уларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси. Давра суҳбати, савол-жавоб кечалари маърифат дарсларининг муҳим шакллари дандир. Уларда раҳбар, ходимлар, мутахассислар иштирокида ходимларни қизиқтирувчи масалалар юзасидан суҳбат, баҳс-мунозара уюштирилади. Уларни асосан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- олдиндан белгилаб олинган битта кичик ижтимоий-сиёсий мавзу бўйича олиб борилувчи, қисқа;
- бир неча мавзуларни, масалаларни ўз ичига олувчи кенг қамровли;
- фақат ёш мутахассислар ёки хизмат соҳаси у ёки бу бўлинмасининг аъзолари билан ўтказилувчи ва ҳ.к.

Давра суҳбатини, савол-жавоб кечаларини ўтказиш узоқ тайёргарликни талаб этадиган иш бўлиб, қуйидагиларни амалга оширишни тақозо этади:

Биринчидан, ёшларни қизиқтирувчи муаммоларни аниқлаш ҳамда шу асосда давра суҳбати ва савол-жавоб кечасининг мавзуини белгилаб олиш зарур.

Иккинчидан, ёшларни давра суҳбати ва савол-жавоб кечаси бўлишидан камида икки ҳафта олдин унда қандай масалалар, муаммолар кўриб чиқилиши ва кимлар иштирок этишидан хабардор қилиш керак. Айтилган вақтда, ўтказиладиган кечада ёки суҳбатда ёшларнинг тўлиқ иштирок этишини таъминлаш, иштирокчиларнинг дилларидаги орзу-истакларини билиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, яъни саволларни тўплаш учун махсус қутилар, дафтарлар ташкил қилиб, телефон рақамларини ҳам айтиш керак.

Учинчидан, тушган саволларни яхшилаб ўрганиш, уларни таснифлаш ҳамда шу саволларга жавоб бериши лозим бўлган раҳбарлар ва мутахассисларга етказиш лозим.

Тўртинчидан, кечани ўтказувчи раисни танлаш, уни ўтказиш вақтини, жойини белгилаб олиш ва керакли раҳбарлар, мутахассисларни таклиф қилиш зарур.

Бешинчидан, давра суҳбати, савол-жавоб кечаси, албатта, уни, олиб борувчининг қисқача кириш сўзи билан очилиши, шундан сўнг саволларга жавоб бериш тартиби тўғрисида келишиб олган ҳолда иш юритилиши лозим.

Олтинчидан, жавоблар аниқ бўлиши, унинг исботи учун зарур ҳужжатлар, видеолархалар, мутахассисларнинг фикрларидан тўлиқ фойдаланиш керак. Ҳеч бир савол-жавобсиз қолмаслиги зарур.

Давра суҳбати, савол-жавоб кечалари ёшлар билан жонли мулоқот олиб боришнинг асосий шаклларида бири бўлиб, у ғоявий-мафкуравий ишларни ташкил қилишнинг асосий воситаларидан бири эканлигини ҳар бир мутассади, раҳбар ходим чуқур англаб олиши керак.

6. Маърифатхона ишларини ташкил қилиш. *Маърифатхона* – ёш ходимлар билан сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий ишлар олиб бориладиган жой. Унда қуйидагилар бўлиши шарт:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби;
- Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг матни;
- Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди;
- Ходимларининг *касб* маданияти қўлланмаси;
- Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва давлат ва нодавлат муассасалари фахрийлари, фаол ходимларнинг суратлари;
- Вазирлик, бошқарма, бўлим (қисм) тарихига оид материаллар;
- телевизор ва компьютерлар;
- кундалик матбуот нашрлари.

Маърифатхона ишлари қуйидагича ташкил этилади:

1. Ходимларнинг умумий йиғилишида 5–7 кишидан иборат Маърифатхона кенгаши сайланади. Сайланган Кенгаш аъзолари ўзлари учун Кенгаш раисини, унинг ўринбосарини сайлаб ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни бўлиб оладилар. Масалан, Кенгаш аъзоларидан бири Маърифатхонани жиҳозлаш учун

масъул бўлса, иккинчиси – у ерда ўқиладиган маъруза, ўтказиладиган маърифат дарслари; учинчиси – ҳар хил тўғараклар ишлари; тўртинчиси – маданий-маърифий ишлар; бешинчиси – кундалик матбуот нашрлари олиниши; олтинчиси – кутубхона, яъни кўчма кутубхона ишларини ташкил қилиш учун масъул бўлади.

2. Маърифатхона кенгашининг аъзолари ўзлари бажарадиган ишларни ойма-ой режалаштириб борадилар ва ана шу режа асосида иш юритадилар. Уларнинг режаларида барча ходимларнинг истак-хоҳишлари, қизиқишлари инobatга олиниши зарур. Тузилган режа, албатта, бўлим бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланган ва кўзга кўринарли жойда осиб қўйилган бўлиши шарт.

3. Маърифатхона кенгашининг аъзолари маънавий-мафкуравий ишларни, албатта, бўлимдаги бошқа жамоат ташкилотлари билан бамаслаҳат олиб боришлари керак. Масалан, фахрийлар, аълочилар, мураббийлар, хотин-қизлар кенгашлари билан “Янги йил”, “Наврўз”, “Халқаро хотин-қизлар куни”, “Мустақиллик куни”, “Хотира ва Қадрлаш куни” каби байрамларни нишонлаш каби тадбирларни амалга оширишда бамаслаҳат иш олиб боришлари лозим.

4. Маърифатхона кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– ёш ходимларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, тартиб-интизомли, миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиққан ҳолда сиёсий жиҳатдан онгли қилиб тарбиялашда кўмаклашиш;

– ходимларни хизмат вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш;

– ходимларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, нутқ, мақола, китобларни, республика ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини тушунтириш;

– ўзбек халқининг тарихий хизматларини, ҳуқуқий демократик давлат куриш борасида қўлга киритаётган ютуқларини, давлат ва нодавлат муассасалари

ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш чоғида кўрсатган жасоратларини тарғиб ва ташвиқ қилиш;

– ёш ходимларда ўз касбига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиш, жамоатчилик ва дўстлик туйғуларини шакллантириш;

– юқори даражадаги эстетик дидни шакллантириш;

– бошқа ижодий меҳнат жамоалари билан яхши алоқалар ўрнатиш;

– ёшларнинг оилалари ўртасида ўртоқлик муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш;

– ёш ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига маданий ҳордиқ чиқаришларида кўмаклашиш.

Маърифатхона кенгашининг ишларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёшлар ишлаётган муассасаларининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари бошқариб туради. Шундай қилиб, *маърифатхона – бу шунчаки, бир жиҳозланган хона эмас, балки ёшларни миллий зоя ва мафкура руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи ижодий маскандир.*

4-§. Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим ва тарбия ишларини олиб бориш – юксак маънавиятли ёшларнинг янги авлодини вояга етказиш гарови

1. Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг моҳияти. “Барчамизга аёнки, – деб ёзган эди И.А.Каримов, – инсон қалбига йўл, аввало, таълим-тарбиядан бошланади”¹. Зеро, шундай экан ёшларни ғоявий-мафкуравий жиҳатдан чиниққан, юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялаш жараёнининг асосларидан бирини улар билан якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб бориш ишлари ташкил этади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:« Маънавият», 2008. –Б.130.

– тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш.

Ёшлар билан якка тартибда олиб бориладиган ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишлари билан бевосита жамоат ташкилотлари, давлат ва нодавлат муассасаларининг раҳбар ходимлари, бўлим ва бўлинмаларнинг бошлиқлари, мураббийлар ва фахрийлар шуғулланадилар.

Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб бориш деб жамоат ташкилотлари, давлат ва нодавлат муассасаларидаги раҳбар, бошлиқ ва мансабдор шахсларнинг ўзига бўйсунувчи ҳар бир ёшни ҳар томонлама ўрганиш, шахсий имкониятларини инобатга олиш асосида унинг онгида озод ва обод Ватанга меҳр-муҳаббат, қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларини тезда тузатиб, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, тўсиқлардан қўрқмасдан ўз хизмат вазифасини ҳалол, бекаму кўст бажаришларини таъминлаш учун мунтазам равишда олиб борадиган фаолиятига айтилади.

Шунга кўра, якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг моҳияти, биринчидан, ёшларнинг шахсини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тарбияда ходимнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; иккинчидан, ёшларга руҳий таъсир ўтказиш; учинчидан, камчиликларини тузатишга, қусурларидан қутулиб, ижобий хислатларини ривожлантиришига ва ўзини ўзи тарбиялашига ва шу асосда ўзлигини англашига ёрдам беришда ифодаланади.

2. Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг хусусиятлари. Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб бориш бошқа тарбия шаклларида куйидаги *хусусиятлари* билан ажралиб туради:

1) аниқ мақсадга йўналтирилганлиги;

2) тезкорлиги, яъни ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойда, ҳар қандай шароитда олиб бориш мумкинлиги;

3) самарадорлиги, яъни одамга таъсир этиш имкониятининг кучлилиги ва ҳ.к.

Якка тартибда олиб бориладиган ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия жараёнининг *таркибий қисмларига* қуйидагилар киради:

– тарбияланаётган ёш ходимларини шахс сифатида ҳар томонлама чуқур ўрганиш;

– ёш ходимлар билан таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг келгусидаги истиқболларини белгилаш (якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб бориш дастурини тузиш);

– ёш ходимларга ҳар томонлама таъсир ўтказиш учун якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг энг яхши, самарали восита, усул ва шакллари танлаш ва уларни амалда қўллаш;

– ҳамма тоифадаги тарбиячилар ва хизмат жамоасини ёш тиббиёт ходимларини юксак маънавиятли шахс қилиб шакллантиришга йўналтириш;

– якка тартибда ғоявий-мафкуравий тарбиявий ишларнинг бориши ва натижаларини мунтазам равишда кузатиш, назорат қилиш ва ҳ.к.

Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг юксак маънавиятли ёш ходимларнинг янги авлодини тайёрлашдаги *аҳамияти* қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Мунтазам равишда ва бирон аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган якка тартибдаги ғоявий-мафкуравий тарбиявий иш ҳар бир ёш ходимнинг ўз вазифасини қандай бажараётганлигини, ишдаги ютуқ ва камчиликларини, унинг характеридаги кучли ва заиф томонларни, оилавий аҳволини, кайфиятини, турмуш тарзини чуқурроқ билиш ҳамда қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этишга эътиборни кўпроқ қаратиш зарурлигини аниқлаш имкониятини беради.

2. Якка тартибда олиб бориладиган ғоявий-мафкуравий тарбиявий иш ҳар бир ёш ходимнинг ички эътиқодини шакллантириш воситаси ҳисобланади. Чунки берилган тўғри маслаҳат, кўрсатилган тўғри йўл-йўриқ, одамдаги қусурни йўқ қилишга қаратилган панд-насихатларнинг амалий натижалари, охир-оқибатда, одамнинг ички ишончига, эътиқодига айланиб боради. Ушбу ички ишонч ва эътиқод ёш ходимнинг қандай шароитда ва вазиятда, кимнинг олдида бўлмасин, ўз принципларига содиқ қолиши, ўз сўзининг устидан чиқиши, берилган топшириқни уддалашига имкон беради.

3. Якка тартибдаги ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишлари “*бошлиқ-бўйсунувчи*” тизими доирасида олиб бориладиган экан, у шубҳасиз бошлиқ ва бўйсунувчи ўртасидаги ўзаро масъулиятнинг узвийлигини таъминлайди. Бунда бошлиқ ёки раҳбар ўзининг берган маслаҳатлари ёки кўрсатмалари, топшириқларининг тўғри, аниқ ва ҳаётий эканлиги учун бўйсунувчи ходим олдида масъул бўлса; бўйсунувчи эса бошлиқнинг кўрсатмалари, топшириқлари, маслаҳатлари бекаму кўст бажарилиши учун масъулдир. Ҳар икки томоннинг ушбу ғоявий-мафкуравий тарбия жараёнига жиддий ёндашуви иш муваффақиятининг гарови ҳисобланади.

3. Якка тартибдаги ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг усуллари. Юксак маънавиятли ёш ходимларнинг янги авлодини тайёрлаш, асосан, уларнинг онгига таъсир ўтказувчи, тажрибада синалган ғоявий-мафкуравий тарбия усуллари ва шаклларини қўллашга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини олиб бориш *усулларига* қуйидагилар киради:

1. Сухбатлашиш орқали билиш усули. Бу усул ёш ходимнинг ички дунёсини, хислатларини, дунёқарашини, олдида қўйилган вазифани нечоғлик тушунишини, турмуш тарзини билиб олишга хизмат қилади. Бу усулни қўллаш қуйидаги талабларни бажаришни тақозо этади:

- суҳбат мавзусини, мақсадини ва вазифаларини олдиндан белгилаб олиш;
- суҳбатдошга доир ҳужжатларни, унга берилган тавсифномаларни ўрганиш ва жамоанинг у ҳақдаги фикридан хабардор бўлиш;
- самимий суҳбатлашишга имкон берадиган вақт ва жойни танлаш;
- суҳбатлашишда мажбурийликка, сўроқ қилиш шаклидаги савол-жавобларга йўл қўймаслик, суҳбатни ўта хайрихоҳлик ва олижаноблик билан ўтказишга ҳаракат қилиш;
- суҳбатга ижодий ёндашиш, уни раҳбарнинг ҳикоя қилиб бериши асосида ўтказиш;
- суҳбат чоғида суҳбатдошнинг кайфиятини, фикрини инобатга олиш;
- суҳбатдошнинг кўз олдида унинг гапларини қайд қилиш, ёзиб олишга йўл қўймаслик;
- суҳбат чоғида олинган маълумотларни олдинги маълумотлар билан солиштириб кўриш асосида таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш;
- суҳбатлашиш асосида олинган маълумотлар фақат суҳбатдош тўғрисидаги қайдлардан иборат бўлиб қолмаслиги, балки айтилган вақтда ғоявий-мафкуравий аҳамиятга молик тарбиявий иш олиб бориш мавзусига айланиб бориши керак.

2. Кузатиш усули. Бу усул ёш ходимни ҳар хил ҳолат ва шароитларда – хизмат вазифасини бажариш, жамоат жойларида ўзини тутиш, бўш вақтини қандай ўтказиш, фуқаролар ва хизматдошлари билан қандай муомалада бўлишларини билиш учун қўлланилади.

Кузатиш узоқ вақтли ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин. Узоқ муддатли кузатиш давомида ходимнинг барча шахсий хислатлари ўрганилса, қисқа муддатли кузатишда эса унинг айрим шахсий хислатлари ўрганилади.

Кузатиш усули қуйидаги шартларнинг бажарилишини талаб қилади:

- кузатишнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш;
- ходимнинг барча хислатлари намоён бўладиган ҳолатларни танлаш;

– кузатувни мунтазам равишда олиб бориш, яъни унинг узлуксизлигини таъминлаш;

– кузатув натижаларини қайд қилиб бориш ва таҳлил қилиш;

– кузатув натижасида олинган маълумотларни мазкур ёш тиббиёт ходими тўғрисидаги бошқа маълумотлар билан солиштириб кўриш ва ҳ.к.

3. Синов усули. Бу усул ёш ходимнинг кундалик оддий шароитда намоён бўлмайдиган айрим шахсий хислатларини махсус синов, тажриба орқали ўрганишда ифодаланади.

Ёш ходимни синаш сунъий ва табиий шароитларда амалга оширилади. *Сунъий шароитда синаш* махсус ўқув синфида, операция хонасида, лабораторияда ходимнинг у ёки бу хислатларини кўздан кечиришдан иборат бўлса, *табиий шароитда синаш* эса кундалик ишда, ўқишда ёш ходимга ҳар хил топшириқлар бериш орқали унинг шахсий хислатларини кўздан кечириш, амалда текшириш ҳисобланади.

4. Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишлари олиб боришнинг шакллари. Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишлари олиб боришнинг қуйидаги **шакллари** амалда кўпроқ қўлланилади:

1. Якка тартибдаги суҳбат ва суҳбатлашиш. Ёш ходим билан бўладиган *яккама-якка суҳбат* ўртоқларча фикр алмашиш, ўзаро ишонч асосида ўтказилиб, унинг ўз камчиликларини тезда англаб олишига ва тезликда тузатишига, атрофда бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тезда илғаб олишига, ўзини ўйлантириб юрган саволларга жавоб топиб, ўзида янгича бир маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришига хизмат қилади. Якка тартибдаги суҳбат турли мавзуларда – хизмат, ўқиш, турмуш, унинг шахсий ҳаёти, жамоат ишларида қатнашиши, хизмат вазифаларини бажариши, касбий маҳоратини ошириши, интизоми бўйича олиб борилиши мумкин.

Суҳбатлашишда якка тартибдаги суҳбатдан фарқли ўлароқ бошлиқ ёки биринчи раҳбардан ташқари, унинг ўринбосарлари, жамоат ташкилотларининг

етакчилари, фахрийлар иштирок этишлари мумкин. Бундай суҳбатлашишдан кутиладиган асосий мақсад ходим йўл қўйган хато-камчиликларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш ҳамда уларни тузатиш ва тугатиш чора-тадбирларини белгилаб олишдан иборат.

Суҳбатлашиш ўзаро ишонч, дўстона муносабат тарзида олиб борилиши билан бир қаторда, талабчанлик, қатъийлик руҳида бўлмоғи керак. Ҳар бир танбех асосланган бўлиши лозим. Энг муҳими, ходим ўз камчилигини дилдан ҳис қилиши ва уни тезликда тузатиб, жамоа билан биргаликда янги вазифаларни ҳалол, чин дилдан бажаришга киришишини таъминламоқ керак.

2. Шахсий ёрдам кўрсатиш. Шахсий ёрдам кўрсатиш кўпинча норматив ҳужжатларни, техникани, хизмат вазифалари талабларини, жамоат топшириқларини ўрганиш ва бажариш, турмуш шароитини яхшилаш давомида амалга оширилади.

Бошлиқ ёки раҳбар ўзига бўйсунувчи ёш тходимга шахсий ёрдам кўрсатишда қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилиши керак:

– кўрсатиладиган ёрдам, у қандай шаклда бўлмасин, аниқ ва амалий бўлиши керак;

– ўзаро ҳурмат, ўз кучига ишонч, шахсий дахлсизлигини таъминлаш, яъни шахсини ҳурматлаш асосига қурилиши зарур;

– ёрдам олувчи унинг шахсий хислатларини, маълумотини ва тайёргарлигини тўлиқ ҳисобга олиши шарт.

3. Якка тартибда шахсий топшириқ ва вазифа бериш. Ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишининг ушбу шакли одатда хизмат, ўқув, жамоат топшириқларини бериш асосида амалга оширилади.

Хизмат топшириқларига тажриба алмашиш, ёш ходимларга ёрдам бериш, навбатчилик, хизмат сафари, рейд операцияларини амалга оширишга доир вазифалар кирса, ўқув топшириқларига – тезкор, маънавий-маърифий, хизмат дарслари бўйича ўқув дастурлари талабларини ўрганиш ва ўзлаштиришга доир

вазифалар; жамоат топшириқларига жамоат ишларида фаол қатнашиши учун бериладиган топшириқ ва вазифалар киради.

Якка тартибдаги шахсий топшириқ ва вазифаларни берувчи бошлиқ ёки раҳбар қуйидаги қоидаларга риоя этиши зарур:

– берилган топшириқ ва вазифанинг тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик, унга ўзининг шахсий манфаатларини аралаштирмаслик;

– топшириқнинг аниқ бўлиши ва хизмат жамоаси олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда берилиши;

– топшириқни беришда ҳар бир ходимнинг илмини, касбини, қобилиятини, малакасини ҳисобга олиш;

– берилган топшириқнинг бажарилишини назорат қилиб туриш;

– топшириқ бажарилганидан сўнг, унга, албатта, баҳо бериш, лозим бўлса тақдирланиши ёки интизомий жазо кўрилиши.

4. Ёш ходимларнинг фаолиятини назорат қилиш. Ҳоявий-мафкуравий таълим-тарбиянинг ушбу шакли асосан ҳар бир ёш ходимнинг ўз хизмат вазифасини бажаришини якка тартибда текшириб туришда; берилган топшириқларни, улар тайёрлаган маълумот, билдирги ва бошқа ҳужжатларни ижро этишларини текшириб кўришда ифодаланади. Бу эса уларнинг ишига ҳолисона баҳо бериш, ишни тўғри ташкил қилиш имкониятини беради.

5. Йигилишларда ёш ходимнинг ҳисоботини эшитиш. Ҳисобот – ёш ходимнинг ўз хизматдошлари олдида қилган ишлари бўйича берган виждон имтиҳони ҳисобланади. Унинг қанчалик ҳалол ишлагани, тўғри сўзлиги, ишга, дўстларига садоқати ана шу ҳисоботи орқали билиб олинади.

6. Шахсий намуна кўрсатиш. Шахсий намуна кўрсатиш раҳбарнинг ўз қўл остидагиларга хизмат вазифасини бажаришда, сўз ва иш бирлигида, оилада, дўстлар даврасида, умуман, ҳаётда ижобий ўрнатилган кўрсатишдан иборат.

Бошлиқ ёки раҳбар қуйидаги ишларда шахсий намуна кўрсатиши лозим:

- хизмат вазифаларини бекаму кўст бажаришда, норматив ҳужжатлар талабларини ижро этишда;
- тартиб-интизомни сақлашда, юриш-туришда, ташқи қиёфада, меҳнатга тайёргарлигида;
- талабчанликда, принципиалликда, назорат қилишда;
- одамларга ғамхўрлик қилишда, турмуш шароитини яхшилашда;
- оилада, дўстлар даврасида, маҳаллада, кўча-кўйда;
- Ватанни севишда, одамларга иззат-ҳурмат кўрсатишда ва ҳ. к.

7. Ёш ходимнинг яшаш жойига таъриф буюриш. Бу бошлиқ ёки раҳбарнинг ўз қўли остидаги ёш ходимнинг оилавий аҳволини яхши билиш, унинг турмуш шароитини ўрганиб, унга ёрдам бериш мақсадида ўтказиладиган яқка тартибдаги таълим-тарбия шаклларида ҳисобланади.

Бу тадбир қуйидаги вазифаларни бажариш учун ўтказилади:

- ёш ходимнинг турмуш шароитини ўрганиш;
- оиладаги муносабатларни, уларнинг ёш ходим интизоми ва хизмат фаолиятига таъсирини ўрганиш;
- оила аъзоларининг ёш ходимнинг касбига бўлган муносабатларини аниқлаш;
- ёш ходимнинг бўш вақтни қандай ўтказишини, қизиқишларини билиш;
- ёш ходимнинг таниш-билишларини ўрганиш, уни ҳар хил зарарли алоқалардан сақлаб қолиш;
- ёш ходимнинг ўз фарзандларини тарбиялашдаги иштирокини билиш ва ҳ.к.

Яқка тартибдаги ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларининг юқорида кўрсатилган барча шакллари бир-бирлари билан узвий бўлиб, уларнинг асосий мақсади ёшларнинг ғоявий-мафкуравий савиясини кундан кунга ошириб бориш асосида уларнинг янги авлодини вояга етказишдан иборат.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ишларини самарали ташкил қилиш **Ш.М.Мирзиёев айтганидек: «... бир- икки марта номига тадбир ўтказиш билан иш битмайди. Бу йўналишда ҳар қуни, ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, ғоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. Бу бизга галла ёки чигит экиш эмас, уруғни тупроққа ташладик, бўлди, энди кутамиз, деб қараб ўтирсак.**

Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар - бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими - уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим»¹.

5-§. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида таълим-тарбия муассасалари, маданий-маърифий марказлар, диний ташкилотлар, маҳалла ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ўрни ва устувор вазифалари

Давлат томонидан ғоявий таълим беришнинг бошланғич бўғинини мактабгача таълим тизими ташкил қилади.

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик// *Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.484.

1. Мактабгача таълим тизимининг болаларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашдаги вазифалари. Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у миллий ғоямизнинг бунёдкорлик руҳидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу борада хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини: болаларнинг қизиқиш ва интилишини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб бориш орқали уларни она Ватанга муҳаббат руҳида камол топтириш масаласи давр талабидан ортда қолаётганлигини; фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасасидаги тарбияга боғлиқлигини; илмий кузатишлар ва тадқиқотларнинг инсон умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олишини; айниқса айнан бола шахсининг ривожланишида мактабгача таълимнинг ўрни нечоғли муҳимлигини инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласини ҳал этиш

мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 10 сентябрда “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”** ва уни амалга ошириш учун **2017 йил 30 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги”** ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорларда мактаб ёшигача бўлган болаларни миллий ғоя ва мафкурамиз руҳида тарбиялаш вазифалари ҳам белгилаб берилган бўлиб, уларга қуйидагилар:

- мактабгача таълим муассасаларига 5-6 ёшли болаларни 100 фоиз қамраб олиш;
- ёш болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавийат руҳида тарбиялаш;
- ёш болаларнинг қалби ва онгига мустақиллик, миллий ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш;
- “оммавий маданият” кўринишидаги ёт ғояларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;
- тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтириш ва бошқалар киреди.

Ёш болаларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишларини амалга оширишда янгидан ташкил этилган **Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги** олдига қуйидаги вазифалар юклатилган.

Биринчидан, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Иккинчидан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Учинчидан, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб

олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллари амалиётга татбиқ этиш.

Тўртинчидан, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усуллари таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан нодавлат секторида жорий этиш.

Бешинчидан, миллий маданий-тарихий кадрларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш.

Олтинчидан, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Еттинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш.

Саккизинчидан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш.

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат

кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

Ушбу таълим тизими қанчалик самарали ишласа, ёш болаларимиз шунчалик билимдон, ақилли, доно, меҳнатсевар, фидойи, она-Ватанга садоқатли фарзандлар бўлиб вояга етади.

Ғоявий-мафкуравий тарбия йўналишидаги муҳим бўғинлардан бирини маҳаллалар ташкил қилади.

2. Маҳалла институтининг фуқароларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашдаги устувор вазифалари. Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Хусусан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳозирги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Шундай қилиб, амалга оширилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшаши бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ***Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 3 февраль куни “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” Фармон қабул қилди.***

Фармонда маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар:

– фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш;

– жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;

– ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

– жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш кабилар белгилаб берилди.

Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ишлари биринчи навбатда маҳаллаларданги оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни, у ерда қандай мафкуравий ғояларга таяниб ҳаёт кечирини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Оилалардаги маънавий-мафкуравий муҳитдан хабардор бўлиш, бу жамиятдаги ғоявий-мафкуравий ишларнинг қанчалик самарали ёки самарасиз кечаётганлигини билиш, шу асосда халқ билан бевосита мулоқотга киришиб, мамлакатимиздаги маънавий-мафкуравий вазиятни изга тушуриш, шакллантириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш демакдир.

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашдаги устувор вазифалари. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш масаласи ечилмасдан қолмоқда

эди.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида **2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.**

Мазкур Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар: **биринчидан**, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, **“Ёшлар – келажак бунёдкори”** шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш; **иккинчидан**, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш; **учинчидан**, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш; **тўртинчидан**, ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига

кўмаклашиш; **бешинчидан**, ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш; **олтинчидан**, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш; **еттинчидан**, ёшларни, айниқса, улар уюлмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш; **саккизинчидан**, ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш; **тўққизинчидан**, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш; **ўнинчидан**, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш; **ўн биринчидан**, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қиладиган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш; **ўн иккинчидан**, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда

ғоявий-услубий жихатдан кўмак бериш белгиланди. Кўриниб турибдики, ушбу устувор вазифаларнинг ҳар бири миллий ғоя ва мафкурамизнинг бунёдкорлик руҳи билан суғорилган бўлиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотлари томонидан “Ёш тадбиркор – юртга мададкор”, “Йўл харитаси”, “Ёш тарғиботчилар мактаби” каби кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Уюшмаган ёшларни меҳнат ва жамоат ишларига жалб қилмоқда, хорижда меҳнат қилаётган ёшларнинг яшаш шароитларини ўрганиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш билан шуғулланмоқдалар.

Ҳозирги кунда миллий ғоя ва мафкура жараёнларини илмий-амалий жихатдан ўрганиш ва халқ орасида тарғиб-ташвиқ қилиш масаласи билан бевосита шуғулланадиган муассаса Республика Маънавият ва маърифат маркази шуғулланади.

4. Республика Маънавият ва маърифат марказининг миллий ғоя ва мафкурани илмий асосда ўрганиш, халқ орасида тарғибот-ташвиқот қилиш ишларини ташкиллаштиришнинг устувор вазифалари.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот усул ва воситаларини ўзида мужассамлаштирган мафкуравий фаолият юритиш тизими шаклланди.

Жаҳонда мафкуравий курашнинг кескинлашиши натижасида маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият

кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлда имзолаган **”Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”**ги № ПҚ-3160 – сонли қарорини қабул қилди. Қарорига асосан Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида **Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди ва унинг олдида қуйидагиларни:**

– мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш;

– дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

– жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл- юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам

беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

– тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

– маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

– ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

– маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини бажариш юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар)

хокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилишлари¹ белгилаб қўйилди.

5. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг миллий ғоя ва мафкурамизнинг тарихий илдизлари, диний манбалари ва фалсафий асосларини намойиш қилишдаги ўрни. Маълумки, дунё тарихида илк Шарқ Уйғониш даври – Муслмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрлар ва ундан кейинги замонларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Хусусан, IX-XI асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъмун академияси ва “Байт ул-ҳикма”, яъни “Донишмандлик уйи” деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган олимлар, ўтмишда юртимизда ислом динининг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ қилиш ва тарғиб этиш бўйича бетакрор асарлар яратган уламолар бутун дунёга донг таратганлар.

Ўрта асрларнинг илк даврида улуғ аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий ғоя ва кашфиётлар жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига кескин бурилиш ясади. Ўз давридаги барча қийинчилик ва оғир синовларга қарамасдан, бу аллома ва мутафаккирлар илму фан равнақи йўлидаги ўз бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига ҳамиша содиқ қолиб, ҳақиқий маънавий жасорат намунасини кўрсатдилар ва уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори. № ПҚ-3160. 2017 йил 28 июль.

халқимиз ва башарият олдидаги буюк хизматлари, айниқса, мустақиллик йилларида муносиб ҳурмат ва эътибор топиб келмоқда.

Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ана шу бетакрор илмий мероснинг барча қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Биргина мамлакатимиз китоб фондларида сақланаётган, асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатига киритилган 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар ҳам шундан далолат беради.

Халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ана шундай ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида **2017 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.**

Мазкур қарорда ушбу Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар:

1) мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми,

ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 2) Марказ таркибидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва хужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото хужжатлар ҳисобидан шакллантириш; 3) Марказ таркибидаги музей экспозициясининг мавзу йўналишларини чуқур ўйланган, илмий асосланган аниқ режа бўйича шакллантириш ва уни энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намойиш этиш; 4) ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қафқол Шоший, Абдулҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш; жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари мумтоз адабиёт ва санъат намояндалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиқ бериш; 5) ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳон аҳлини бир мақсад йўлида – жаҳолатга

карши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга чорлайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирларни амалга ошириш; 6) Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти, давлатчилиқ анъаналари, халқимизнинг турмуш тарзи ва дунёқараши ислом цивилизацияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланганини Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Кеш, Насаф, Термиз, Андижон, Марғилон, Кармана, Қўқон сингари қадимий шаҳарларимиз, улуғ алломалар ва азиз-авлиёлар хотирасига бағишлаб юртимизда бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари, муқаддас қадамжолар макетлари, улуғ сиймолар, ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар, моддий ва номоддий мерос, хусусан, “Шашмақом” намуналари каби ноёб экспонатлар орқали акс эттириш, шу йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижалари асосида қомуслар, каталог ва альбомлар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекўрсатув, фильм ва бошқа материаллар тайёрлаш; 7) Марказда, маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва уларнинг натижаларидан юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини хабардор қилиб бориш; 8) Европа Ренессансининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривожи тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар павильонларини ташкил этиш орқали Марказда намойиш этиладиган экспозицияларни мазкур даврларга оид экспонат ва кўргазмали манбалар билан бойитиш; жаҳон тарихида “Амир Темур ва темурийлар ренессанси” деган ном билан алоҳида ўрин эгаллайдиган даврда яратилган илм-фан, маданият ва меъморлик дурдоналарини ислом маданиятининг нафақат юртимиздаги, балки бутун мусулмон оламидаги тараққиёт ва юксалиш даври сифатида кўрсатиш; 9) бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этаётган динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказининг жаҳондаги нуфузи халқаро

илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш кабилар белгиланди.

6. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг миллий ғоя ва мафқуранинг диний аҳкомларини тадқиқ қилишдаги вазифалари. Миллий ғоя ва мафқурамизнинг диний аҳкомларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш ислом оламининг бетакрор ижтимоий феномен эканлигини жаҳон афкор-оммасига исботлаб берувчи воситалардан бири ҳисобланади. Шунга кўра ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида **2017 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти “ Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.**

Мазкур қарорда ушбу Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар: 1) ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш; 2) юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, оммабоп нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш; 3) турли мафқуравий хуружлар авж олаётган бугунги кунда

аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни кучайтириш, уларни азалий кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш; 4) Имом Термизий ва термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш; 5) мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш; 6) маънавий меросимизни ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишга доир тегишли илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш кабилар белгиланди. Термизийларнинг ислом оламини илмий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида қилган маънавий жасорати, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларини буюк аждодларимизнинг анъаналарини давом эттиришга чорловчи маънавий озуқа, ғоявий-мафкуравий қурол бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

7. Ўзбекистон ислом Академиясининг миллий ғоя ва мафкуранинг диний негиз ва фалсафий асосларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганишдаги вазифалари. Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг кўп асрлик ва бой анъаналарига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент мадрасалари ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган. Ўрта асрлардаёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва уламолари билан шуҳрат қозонган ва ҳақли равишда “Ислом оламининг қуввати” унвонига сазовор бўлган.

Мусулмон ренессанси, яъни илмий-маърифий уйғониш даврига асос солган улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, илмий-тадқиқот

ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган замон муқаддас ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этилаётгани динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини жамият аъзолари ва, айниқса, ёшларга етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда. Ушбу муаммони амалий жиҳатдан юқори савияда ҳал этиш мақсадида **2017 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.**

Мазкур қарорда **Ўзбекистон Ислом академиясининг** асосий вазифалари этиб: 1) “Қуръоншунослик”, “Фикҳ илми”, “Ҳадисшунослик” ва “Калом илми” мутахассислиги бўйича магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш; 2) ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, фикҳ, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини ҳар томонлама теран ўрганиш ва тадқиқ қилиш; 3) ислом динининг асл моҳиятини, унинг башариятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш; 4) ислом дини соҳасидаги долзарб мавзулар бўйича халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш; 5) мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ва хорижий олий диний таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш; 6) кадрлар тайёрлаш жараёнига етук мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштириш; 7) илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш; 8)

ислом оламида юзага келаётган долзарб масалаларга оид илмий-амалий анжуманлар ўтказиш; 9) илмий тадқиқотларнинг йўналишлари ва мавзуларини белгилаш, халқаро тадбирларда иштирок этиш, илмий-амалий анжуманлар ташкил қилиш, илмий меросни ўрганиш ишларида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорлик қилиш кабиларни бажариш белгиланди.

Юқорида номлари зикр этилган диний Марказлар ва Академиянинг миллий ғоя ва мафкурамизни халқнинг, айниқса ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришдаги ўрни хақида давлатимиз раҳбари **Ш.М.Мирзиёев** "...барпо этишдан мақсад туристлар сонини кўпайтириш, иқтисодий фойда олиш эмас. Бизнинг мақсадимиз – Қуръони каримдан кейин энг мўътабар манба бўлган энг ишончли ҳадислар тўпламини яратган Имом Бухорий бобомизнинг қутлуғ мероси билан халқимиз, аввало ёшларимизни таништириш, уларнинг қалбида миллий ғурур, фахру ифтихор уйғотишдан иборат. Мана, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини бунёд этяпмиз. Токи, болаларимиз бошини баланд кўтариб, мен мана шундай улуг инсонларнинг авлодиман, деб яшайдиган бўлсин, уларга муносиб бўлиб вояга етсин.

*Ислом дини – бу террорчилик ва экстремизм дини эмас, аксинча, эзгулик, олижаноблик, бағрикенглик дини эканини айнан мана шундай боболаримиз меросини ўқиб-ўрганиб англаб етсин. Ҳақиқий маърифат билан жаҳолат дунёсини ёритиш – мана, бизнинг мақсадимиз”*¹, – деган эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи.

Х БОБ. ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИНИ БИЛИШ ВА БАҲОЛАШ УСУЛИ

1-§. Халқ билан мулоқот – жамият ҳаётининг ҳаққоний даражасини билиш ва баҳолаш усули

1. Мулоқот тушунчаси, унинг тур ва вазифалари. Ижтимоий муносабатлар, аслида, одамнинг сиёсий муносабатларидан тортиб, унинг шахслараро муносабатлари хусусиятларини ўз ичига олган мураккаб жараёндир. Бу жараёни турли назарий оқим вакиллари ўзларича ўрганишлари маълум. Масалан, интеркционизм вакиллари уни шахслараро ўзаро таъсирнинг турлича намоён бўлиши шаклида тушунсалар, ижтимоий алмашинув назарияси тарафдорлари одамларнинг бир-бирларига нисбатан талаблари, кутишлари ва манфаатдорликларининг ўзаро алмашинуви жараёни сифатида тасаввур қиладилар. Шунга ўхшаш ҳозирда турли-туман ёндашувлар мавжуд, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган ягона ғоя – бу одамлар ўртасида содир бўладиган ўзаро таъсир ва алоқа жараёнларининг механизмларини аниқлаш ва ушбу жараёни бошқариш усулларинининг тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишдир.

Фалсафа илмидан шу нарса маълумки, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар кўпқиррали, бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос кечиш хусусиятлари ва шарт-шароитлари, қонуниятлари бўлади. Агар раҳбар ўз жамоасидаги шахслараро муносабатлар нимага асосан кечишини билса, уни бошқариш осон. Шунга кўра таъкидлаш мумкинки, агар жамоада ҳақиқий самарали, ижодий меҳнатга сафарбар этувчи «иқлим» ташкил қилинмаган бўлса, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва муомала ҳам асосан ҳиссиётларга, одамларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, ёқтириш-ёқтирмасликларига асосланиб қолади.

Одамлар ишга отланар эканлар, аввало кимларни кўриш, кимлар билан тушликка чиқиш ёки бир стол атрофида ўтириш, вақтни ўтказиш учун қайси ишлар билан шуғулланиш ғамини еб келади. Демак, бундай жамоада иш кониқарсиз ташкил этилган бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар соф эмоционал-ҳиссий муомалага таянади. Ана шундай ерларда гуруҳбозлик, жамоанинг кичик-кичик гуруҳчаларга бўлиниб кетиши, бунинг оқибатида бир нечта норасмий лидерларнинг пайдо бўлиб, ҳар бири ўз «ихлосмандларини» ўзига хос манфаатлар билан атрофида бирлаштираётганлигини кўриш мумкин.

Бошқа жамоада эса иш бутунлай бошқача ташкил этилган бўлиши мумкин. Оқил ва ташаббускор раҳбар қўл остида ишлаётганлар жамоани бир яхлитлик деб тасаввур қилиб, ишга кетаётганда, энг аввало кеча охирига етказа олмаган ишлари бор-йўқлигини, бугун қандай ишни ва ким билан, ким орқали битказишини, ишни янада яхшилаш учун бугун яна қандай чоралар кўра олиши ҳақида ўйлайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси энг аввало ишни ўйлаб уйдан чиқади. Демак, бундай жамоадаги ўзаро шахслараро муносабатлар ҳам ишчанликка асосланади ва жамоанинг энг ташаббускор, фидойи, ақлли аъзоси ким бўлишидан, ёши ёки жинсидан қатъи назар, норасмий обрўга эга бўлиши ва лидерликка даъвогар бўлиши мумкин. Раҳбар эса ана шундай ташаббускор, меҳнатқаш, жонкуяр одамлар билан доимо ҳисоблашади ва улар фикрига қулоқ солади. Бундай раҳбарнинг маҳорати унинг жамоадаги норасмий ва расмий лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиш санъати билан баҳоланади.

Бундан ташқари, ҳар бир конкрет вазиятда ва жамоада одамлар ўртасидаги муносабатларнинг турли шакллари намоён бўлиши мумкин. Масалан, улар ўртасидаги ўзаро муносабат фақат расмий алоқалар билан чекланмай, балки бир вақтнинг ўзида норасмий, шахсий муносабатлар билан уйғунлашади. Агар умуман жамият миқёсида оладиган бўлсак, ижтимоий муносабатларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, диний, маънавий соҳаларда рўй берадиган

шакллари хам фарқлаш мумкин. Улар юқоридагилардан келиб чиқиб, конкрет вазият ва ижтимоий фаолият турига мос тарзда ўзига хос қонуниятларга асосланиб рўй беради.

Хўш,шундай экан мулоқот нима деган савол туғилади? Маълумки,мулоқот субъектларини барча тирик мавжудодлар,одамлар ташкил этади. Мулоқот барча тирик мавжудодлар ўртасида юз бериши мумкин,бирок,одамлар ўртасидаги мулоқот тил ва тафаккурга боғлиқ эканлиги билан ажралиб туради. Жонли ижодий мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин. Мулоқотда ижтимоий ва шахсий муносабатлар рўёбга чиқарилади. Мулоқотсиз кишилиқ жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради. Ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш, уни рўёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида кишилар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда мулоқот тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Мулоқот**¹ – бу кишиларнинг ўзаро бевосита ёки билвосита учрашиши, кўришиши, қабул қилиши орқали ўрнатиладиган муносабатлари натижасида ахборотлар алмашадиган, олинган маълумотлар бўйича тегишли хулосалар чиқаришига асос бўладиган кўп қиррали жараёндир.

Шунга кўра,мулоқот жараёни қуйидагиларни:

- индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;

¹ “Мулоқот” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «учрашиш»,«кўришиш»;«қабул қилиш» деган маъноларни англатади// Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.636.

– шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёнини ўз ичига камраб олади.

Аҳоли билан бўладиган мулоқотни қуйидаги **турларга**: 1) бевосита; 2) билвосита; 3) ролли; 4) мазмунли; 5) расмий; 6) норасмий ажратиш мумкин.

Бунда:

1. *Бевосита мулоқот* «юзма-юз» суҳбат бўлиб, унинг ҳар бир иштирокчиси идрок қилади, алоқа қилади ва ҳамма мавжуд воситаларни кенг қўллайди.

2. *Билвосита мулоқот* ҳам алоқа воситаси бўлиб, унда шахслар, алоқа воситалари ва механизмлар иштирок этади (масалан: телеграф, телефон орқали гаплашиш).

3. *Ролли мулоқот* бу одамлар томонидан ижтимоий роллар орқали амалга оширилади. Масалан, терговчи ва жабрланувчи ўртасидаги мулоқот роллидир.

4. *Мазмунли мулоқот* бу индивиднинг бошқа шахсга ўз ҳолати, кайфияти, хоҳишини мимика, ҳаракат, имо-ишора орқали билдиришидир.

5. *Расмий мулоқот* юридик кучга эга бўлиб, давлат ва жамият манфаатини кўзлаган ҳамда қайд этиладиган мулоқот туридир. Масалан, тергов жараёнидаги сўроқ қилиш.

6. *Норасмий мулоқот* бу шахслараро ўзаро мулоқот жараёнида ўзини кизиқтирган у ёки бу маълумотга эга бўлиш ҳисобланади.

Мулоқот қуйида **вазифаларни**: 1) *алоқа ўрнатиш* – суҳбатдошни алоқага киришиш учун тайёрлаш; 2) *информацион* – суҳбатдош билан муайян маълумотлар, фикрлар ва режаларни алмашиш; 3) *фаолиятга ундаш* – суҳбатдошни бирор ҳаракатни бажаришга стимуллаштириш; 4) *координацион* – суҳбатдош билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш; 5) *тушунишни таъминлаш* – суҳбатдошнинг фикрлари ва ҳиссиётларини тушуниш; 6) *мотивлаштириш* – суҳбатдошда муайян ҳиссиётларни уйғотиш ҳамда уларни ўзгартириш; 7) *муносабат ўрнатиш*– муносабатлар тизимидаги шахсий ўрнини, мавқени аниқлаш; 8) *таъсир кўрсатиш*– суҳбатдошнинг хулқ-атвори, шахсий

хусусиятлари, мақсадлари ва йўл-йўриқ, кўрсатма, дастурларини ўзгартириш ва ш.к. бажаради.

2. Халқ билан мулоқот – жамият ҳаётининг ишончли кузгуси ва ҳаками. Мулоқот тушунчасига берилган таърифлар, уларнинг турлари ва бажарадиган вазифалари шуни кўрсатадики, бундаги энг асосий масала ҳар бир инсоннинг дилидаги яшашдан мақсади нима эканлигини, бунинг учун қандай ишларни бажариш истаги борлигини, келгусидаги орзу-ҳавасларини билиш, шунга қараб уларнинг оғирини енгил қилиш учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Мамлакатимиз фуқароларига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар Асосий қонунимизда батафсил кўрсатилган. Зеро, шундай экан **Ш.М.Мирзиёев:**”Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. *Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.*

Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди. Ҳозирги вақтда одамлар давлат идораларидан нимани истаяпти? »¹ – деган ҳолда, ушбу саволга жавоб топиш учун мамлакатимизнинг барча олис ва яқин жойларида яшовчи аҳолининг барча қатламлари билан ўзаро мулоқотда бўлдилар.

Ш.М.Мирзиёевнинг мунтазам равишда бевосита халқ билан олиб борган мулоқотлари натижасида қуйидагилар :

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.114.

- уй-жойларнинг етишмаслиги, борларининг ҳам таъмирталаб бўлиб қолганлиги;
- газ, электр энергияси, ўтин таъминотидаги узилишлар, қишда уйларни иситиш тизимининг тобора издан чиқиб бораётганлиги;
- коммунал, транспорт ва савдо хизматининг паст даражада ташкил этилганлиги;
- ички йўлларнинг қаровсиз ҳолатга келиб қолганлиги;
- дори-дармонларнинг ҳаддан ташқари қимматлиги, уларнинг хуфёна йўллар билан сотилиши;
- беморларга тез ёрдам кўрсатиш тизимининг тобора ёмонлашиб бораётганлиги;
- шифохоналарда малакали тиббий ёрдам олиш учун шароитнинг йўқлиги, айрим даволаш муассасаларида тамагирликнинг авжига чиққанлиги;
- мактабгача таълим, ўрта мактабларда болалар ва ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун етарлича шароитлар яратилмаганлиги, ўқитувчи мутахассисларнинг етишмаслиги, уларнинг бошқа ишларга жалб қилиниши;
- касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқувчилар давомадининг пастлиги, ўқитиш сифатининг замон талабларига жавоб бермаслиги, айрим таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий муҳитнинг ёмонлиги;
- олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифатининг замон талабларидан орқада қолиб кетаётганлиги, профессор-ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг паст даражада эканлиги, ўқув дастурларининг амалиёт билан етарлича боғланмаганлиги, ўқишга қабул қилиш жараёнида адолат принципларининг бузилаётганлиги;
- мутасадди раҳбарлар томонидан ишни ташкил этиш ва ўз вақтида бажариш учун бюрократик тўсиқлар қўйилаётганлиги;
- раҳбарлар томонидан қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларнинг чиқарилаётганлиги;

– банк кредитлари ажратишда таниш-билишчилик асосида тамагирлик билан катта пул маблағларининг ўзлаштирилаётганлиги;

– тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларнинг авж олаётганлиги;

– ҳуқуқ-тартибот идораларининг жабрдийдалар арзига қулоқ солмаётганлиги, уларнинг ўзлари мавжуд қонунларни оёқ-ости қилаётганликлари;

– ишсизлик, ишлаётганларнинг иш ҳақини, айниқса пенсионерларнинг пенсия пулларини ўз вақтида ололмаётганлиги, бу борада айрим банк ходимларининг “турли хил ўйинлар”ни ўйнаётганликлари;

– ютуқлардан эсанкираш, мадҳиябозлик, айрим раҳбарлардан “худо яшаш” каби одамларни маънавий инқирозга олиб келувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби салбий ҳолатларнинг мавжудлиги аён бўлиб қолди.

Бунинг яна бир тасдиғини 2016 йил 25 сентябрь куни интернет тармоғида иш бошлаган бош вазирнинг сўнгра Президентнинг виртуал электрон қабулхонасига мамлакатимиз фуқароларидан келиб тушётган минглаб мурожатларида кўриш мумкин. Уларнинг 93% ўз ечимини топган бўлиб, қолганлари кўриб чиқилмоқда.

Бу хусусда **Ш.М.Мирзиёев:**” Очиқ айтишим керак, бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди.

Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам

кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Кўриб турибсизки бу талабларнинг барчаси қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Лекин шу ўринда бир савол туғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасмиди? Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун(2014 йил 3 декабрь) қабул қилинган. Лекин, минг , афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу сабабли ана шу қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилинган барча ҳуқуқий ҳужжат талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-биридан асло ажратиш бўлмайди”¹, – деган эди.

Юқорида келтирилган далилларнинг барчаси халқ билан мулоқот қилиш орқали билиб олинган нарсаларнинг барчаси жамият ҳаётини акс эттирувчи кузги ҳисобланади. Демак, ана шу кузгуда акс эттирилган нарсаларни ақл орқали идрок қилиш ва унинг ечимини ақл тарозиси орқали топиш ҳаётий

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.114-116.

зарурат бўлиб, унга қулоқ солмаслик, ана шу кузгуни синдириб қўйишга олиб келиши мумкин.

3. Халқ билан мулоқот олиб бориш методикаси. Халқ билан мулоқот қилиш шунчалик учрашувдан, ҳол-аҳвол сўрашувдан иборат бўлмасдан, илмий-амалий асосда олиб борини тақозо этади. Бунинг учун эса мулоқот қилиш қонун-қоидаларини, айниқса методикасини яхши билиш керак бўлади. Шу сабабли, халқ билан мулоқот олиб боришда, улар билан қуйидаги алоқа ўрнатиш методикасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзаро бир-бирини тушуниш.
2. Умумий ёки мос келадиган қизиқишларни топиш.
3. Мулоқот учун таклиф этиладиган сифат ва қабул қилинадиган принципларни билиш.
4. Мулоқот учун хавфли бўлган сифатларни аниқлаш.
5. Индивидуал таъсир этиш ва суҳбатдошга мослашиш.
6. Умумий қоидаларни яратиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.

Мулоқот жараёнида ходимнинг барча касбий сифатлари (хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, хаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантикий фикрлашига, воқеани ўтмишдаги вазият билан боғлашига, ўзаро солиштириш ва қийслаш, объект ва шароитни мукаммал тарзда идрок этишига ёрдам беради.

Халқ билан мулоқот олиб боришни ташкил этишда мулоқотнинг қуйидаги : коммуникатив, интерактив, перцептив томонлари борлигига эътибор қаратиш керак бўлади..

1. *Халқ билан мулоқот олиб боришнинг коммуникатив томони* – бу маълумотлар алмашинув жараёни бўлиб, биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис-туйғу ва кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ахборот сифатида, коммуникацияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш

мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш керакки, инсонлараро коммуникация шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас. Чунки мулоқот жараёнида ахборот нафақат узатилади, балки шакллантирилади, аниқлаштирилади, ривожлантирилади. Демак, инсон мулоқотини шунчаки ахборот алмашинувидан иборат жараён деб ҳисоблаш мумкин эмас. Зеро, биринчидан, мулоқот жараёнида ахборот бир томондан иккинчи томонга шунчаки ҳаракатланмайди, балки фаол алмашинилади (коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирига ахборот юбораётганда бир-бирининг мотивлари, мақсадлари, йўл-йўриқларини таҳлил қиладилар); иккинчидан, мулоқот жараёнида ахборот алмаша туриб кишилар белгилар тизими орқали бир-бирига таъсир этиши мумкин (инсонлараро ахборот алмашинувида, албатта, суҳбатдош хулқ-атворида муайян таъсир ўтказилади); учинчидан, мулоқот жараёнида коммуникатор (ахборотни юбораётган одам) ва реципиент (ахборотни қабул қилаётган одам) бир хил кодлаштириш ҳамда декодлаштириш тизимига эга бўлиши керак (ягона тизимни қабул қилишгина коммуникатив жараён иштирокчиларига бир-бирини тушуниш имконини беради); тўртинчидан, мулоқот жараёнида фақат инсонлараро коммуникацияга хос тўсиқлар вужудга келиши мумкин (тўсиқлар нафақат белгилар тизимидаги фарқлар, балки ижтимоий-сиёсий, диний, касбий фарқлар ёки умумий дунёқараш, оламни ҳис этишдаги фарқлар туфайли вужудга келиши мумкин).

Коммуникатордан чиқаётган ахборот икки хил бўлиши мумкин: 1. Ундовчи ахборот буйруқ, маслаҳат, илтимос ва ҳоказоларда намоён бўлади. Ундан кўзланган мақсад реципиентни бирор ҳаракатга рағбатлантиришдан иборат. Рағбатлантириш уч хил бўлиши мумкин: а) фаоллаштириш (бирор ҳаракатни қилишга ундаш); б) интердикциялаш (бирор ҳаракатни қилишдан тўхтатиш); в) дестабиллаштириш (бирор ҳаракатдаги мувозанатни бузиш).

Констатацияловчи ахборот маълумот тарзида ифодаланади. Бу турдаги ахборот турли таълимий тизимлардан ўрин олган бўлиб, хулқ-атворни

ўзгартириш учун бевосита таъсир кўрсатмайди (лекин билвосита таъсир кўрсатиш мақсади ҳам бўлади).

Коммуникатив жараённинг қуйидаги беш унсур: а) ким (ахборот ким томонидан узатилмоқда); б) нима (қандай ахборот узатилмоқда); в) қандай (ахборот қандай йўл билан узатилмоқда);г) кимга (ахборот кимга йўналтирилмоқда); д) қанчалик самарали (ахборот қанчалик самарадор узатилди) ташкил топган бўлади.

2. *Халқ билан мулоқот олиб боришнинг интерактив томони* – биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига таъсир ўтказиши тушунилади. Коммуникация орқали одамлар биргиликдаги фаолиятни ташкил этадилар. Умумий фаолиятда иштирок этар экан одамлар, албатта, бир-бирига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятнинг ташкил этилиши сифатида тушунилади.

Биргаликдаги фаолиятнинг уч хил модели мавжуд:

1) ҳар бир иштирокчи бошқалардан мустақил равишда ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши (масалан, шанбаликдаги иш);

2) умумий вазифанинг босқичма-босқич ҳар бир иштирокчи томонидан бажарилиши (масалан, конвейердаги иш);

3) ҳар бир иштирокчи бошқалар билан биргаликда бир вақтнинг ўзида умумий фаолият билан машғул бўлиши (масалан, футбол жамоасидаги иш).

Одатда мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсирнинг икки хил тури ажратилади:

1) кооперацияга асосланган ўзаро таъсир – коммуникатив жараён иштирокчиларининг умумий мақсади ва ўз кучларини бирлаштиришдан иборат.

Кооперациянинг бир неча тури фарқланади:

а) автоматик (инстинктив-биологик даражада мавжуд бўлади);

б) анъанавий (таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан, анъана ва урф-одатлар билан тақозоланган бўлади);

в) спонтан (дўстлик, муҳаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади);

г) директив (мажбурий ҳамкорлик ҳукм сурувчи жойларда мавжуд бўлиши);

д) шартномавий (расмий келишувлар билан тақозоланган бўлади).

Кооперация – биргаликдаги фаолиятнинг зарурий элементи дир.

2) Рақобатга асосланган ўзаро таъсир коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гуруҳий мақсадларга эришиш учун ўзаро кураш шароитида бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборат.

Бундай ўзаро таъсирда томонларнинг шахсий фаоллиги одатда юқори бўлади. Шундай бўлса-да, у кооперация билан маълум даражада боғлиқ дир. Чунки рақобат давомида ҳам муайян қоидалар ўрнатилиши талаб этилади. Акс ҳолда ўзаро кураш урушга айланиб кетиши мумкин. Рақобатнинг энг ёрқин шакли низодир.

3. *Халқ билан мулоқот олиб боришининг перцептив томони* – кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни бўлиб, инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши «ижтимоий перцепция» дейилади.

Ижтимоий перцептив жараёнларда индивид қуйидагиларни идрок этиши мумкин: 1) ўз гуруҳига мансуб индивидни; 2) бошқа гуруҳга мансуб индивидни; 3) ўзининг гуруҳини; 4) ўзга гуруҳни.

Ижтимоий перцептив жараёнларда гуруҳ қуйидагиларни идрок этиши мумкин: 1) ўз индивидини; 2) ўзга гуруҳ индивидини; 3) ўзини; 4) ўзга гуруҳни.

Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок этаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун қуйидаги механизмлар ишга солинади:

а) идентификация – инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши;

б) эмпатия – инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг кечинмалари ва ҳиссиётларини тушунишга интилиши;

в) рефлексия – инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини англашга интилиши;

г) стереотипизация – инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблонлардан фойдаланиши.

4. Халқ билан мулоқот – жамият миллий ижтимоий тараққиётини янги босқичга кўтариш воситаси. Ҳар бир катта ва кичик мутасадди раҳбар учун халқ билан мулоқот қилиш шунчалик салом-алиқ, танишиш, эшитишдан иборат бўлмасдан, балки мулоқот чоғида кўтарилган масалани жойида ҳал этишдан иборат бўлмоғи даркор. Бунинг исботини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган амалий ишлар мисолида кўриш мумкин.

Халқ билан мулоқот қилиш орқали, халқнинг дилидаги орзу-истакларини амалга ошириш учун қисқа муддат ичида қуйидаги ишлар бажарилмоқда.

1. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мулжалланган Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди ва у аниқ дастурлар асосида амалга оширилмоқда.

2. Халқнинг замонавий қулайликларга эга бўлган уй-жойларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида арзон уй-жой қурилишлари бошлаб юборилди.

3. Аҳолининг энг катта бойлиги, унинг саломатлигини сақлаш бўйича соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

4. Мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш борасида катта инвестицион лойиҳалар асосида бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

5. Мамлакатда ишсизликни тугатиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳеч қандай бюрократик тўсиқларсиз ташкил этиш ҳар томонлама қафолатланди ва уларга етарлича кредитлар бериш йўлга қўйилди.

6. Аҳолининг томорқа хўжалигидан ўзини-ўзи боқиши учун унумли фойдаланиши бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

7. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.
8. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими ўзгартилмоқда. Айниқса, адолатли судловни йўлга қўйиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.
9. Фуқаролиги бўлмаганларни Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш масаласи ўз ечимини топмоқда.
10. Ёшларни ғоявий–мафкуравий тарбиялаш ишига ёнгина ёндашув концепцияси яратилиб, уни амалга ошириш ишлари давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда.

Халқ билан мулоқот қилишнинг стратегик аҳамияти ҳақида **Ш.М.Мирзиёев:** *«Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган - шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам - шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак - одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак - аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади»*¹,— деган эди.

Кўриниб турибдики, халқ билан мулоқот қилиш натижасида, уларнинг ишончини оқлаш учун қилинаётган барча ишлар мамлакатимизнинг келгусидаги истиқболларини белгилашнинг стратегик воситаси ҳисобланади.

Ушбу тактик ва стратегик аҳамиятга молик бўлган нарсаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Фармониға мувофиқ:

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичға кўтарамиз. 1-жилд, —Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.— Б.151.

2-§. Халқ қабулхоналари ва уларнинг мамлакатдаги ғоявий-мафкуравий вазиятни бошқаришдаги аҳамияти

1. Халқ қабулхоналарининг мақсади ва таркибий тузилиши. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизиди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (бундан буён — Халқ қабулхоналари) — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (бундан буён — Виртуал қабулхона) ташкил этилганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2. Халқ ва виртуал қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақоми ва вазифалари. *Ташкил этилган Халқ ва Виртуал қабулхоналарнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:*

– аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

– фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

– Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

– Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

– жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабуллари давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

– Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони//«Халқ сўзи» газетаси 2016 йил 29 декабрь.

ХУЛОСА

XXI асрда ўзбек халқи ўзининг фидокорона меҳнатлари билан жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўлкан муваффақиятларни қўлга киритиб, жаҳондаги энг тараққий этган давлатлар қаторидан жой олади. Чунки, унинг шаъну шарафини, ор-номусини, ишонч-эътиқодини ифодаловчи, тараққиёт йўлини ёритувчи, она-Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш учун маънавий жасорат кўрсатишга чорловчи миллий ғоя ва мафкураси бор.

Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси жамиятимизнинг ғоявий-мафкуравий ҳаётини ўзида акс эттирувчи, унинг маънавий вужудини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида одамларни буюк келажак сари бошлаб борар экан, у албатта, илму ирфон майдонида ўз мақомига эга бўлган гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлардан бири сифатида фаолият олиб боради. Зеро, бу фан қотиб қолган ақидалар тўплами эмас, балки, замон талабларига мос равишда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидан иборатдир.

Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси фақат бош ва асосий ғоялардан иборат бўлиб қолмасдан, ўз ичига адолат ва ҳақиқат, соғлом авлод каби бунёдкор ғояларни ҳам олади. Шу сабабли миллий ғоя ва мафкуранинг ҳаётийлигини таъминлаш учун *бир томондан*, халқ билан мулоқот қилиш асосида одамлар ўртасидаги ғоявий-мафкуравий муносабатларни мунтазам равишда ўрганиб бориш, *иккинчи томондан*, турли хил ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар томонидан илгари сурилаётган ғояларни миллий ғоя ва мафкура тамойиллари асосида уйғунлаштириб бориш, *учинчи томондан*, қўшни мамлакат халқлари билан мақсадлар муштараклиги асосида геомафкуравий сиёсат юргизишни тақозо этади. Бу эса миллий ғоя ва мафкурамизнинг мазмунан бойишига, тез ва самарали ҳаракат қилишига олиб келади.

Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси – ғоя ва мафкураларнинг генезиси, эволюцияси ва ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи назарий

хамда амалий фан сифатида мавжуд экан, унинг тарихий, фалсафий, диний, дунёвий асосларини тўлақонли ёритиш борасида фундаментал илмий изланишлар олиб бориш ҳаётий зарурият бўлиб, миллий ғоя ва мафкурамиз руҳи билан суғорилган тарихимизни ўзгалар томонидан сохталаштирилишининг олдини олади, ўсиб-улғайиб келаётган ёшларимизни мустақиллик тарихи билан илмий жиҳатдан қуроллантиради.

Ҳозирги кунда айрим давлатлар томонидан хомашё ресурсларини эгаллаш, коммуникациялар устидан назорат ўрнатиш учун геоиктисодий урушларнинг олиб борилаётганлиги, халқаро терроризм ва экстремизм экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётганлиги ғоявий-мафкуравий курашнинг янги паллага кирганлигини кўрсатмоқда. Зеро, шундай экан жаҳонда кечаётган ғоявий-мафкуравий кураш майдонларида ўзбек халқининг ғоявий-мафкуравий рақобатбардошлигини таъминлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаб вояга етказиш ўзининг долзарблигича қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва фармонлар қанчалик даражада ўз вақтида ижро этилса, эрксевар, меҳнатқаш халқимиз жамият ҳаётининг барча соҳаларида улкан ютуқларни кўлга киритади ва шунчалик даражада стратегик жиҳатдан ўзининг жаҳон ҳамжамияти олдида ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш.М.Мирзиёев** айтганидак: **«Ҳеч қачон унутмайлик, гўзал ва бетакрор Ўзбекистон барчамизники экан, унинг тақдири ва келажаги учун барчамиз масъулмиз¹. Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойлигимиз бор. Ва мен**

¹ **Мирзиёев Ш.М.** Юксак таърифларга муносиб замин// *Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. Б.406.

ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади»¹. Бунда ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкуриси – жамиятимизда ўрнатилган тинчлик, ҳамкорлик ва барқарор тараққиётининг стратегияси бўлиб хизмат қилади.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Юксак таърифларга муносиб замин// *Унинг ўзи*. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б.482.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Расмий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги» Қонуни. 2014 йил 3 декабрь. ЎРҚ – 378-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги» Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь. ЎРҚ – 406-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» Қонуни. 2017 йил 3 январь. ЎРҚ – 419-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. 2017 йил 3 февраль.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. 2017 йил 19 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” Фармойиши. 2017 йил 12 январь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони. 2016 йил 28 декабрь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. 2017 йил 3 июнь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. 2017 йил 31 май.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони. 2017 йил 30 июнь.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Қарори. 2017 йил 30 июнь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори. 2017 йил 28 июль.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Қарори. 2017 йил 30 сентябрь
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 5 июль
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори 2017 йил 23 июнь.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори. 2017 йил 14 февраль
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори. 2017 йил 15 декабрь.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5198-сонли Фармони. 2017 йил 30 сентябрь.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон Қарори. 2017 йил 27 июль.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-2738-сон Қарори. 2017 йил 24 январь.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарори. 2017 йил 13 сентябрь.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.2017 йил 10 сентябрь
- 25.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.2017 йил 15 март.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2017 йил 20 апрель.
27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармони. 2017 йил 29 ноябрь. ПФ-5264-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг нутқ ва маърузалари

1. *Мирзиёев Ш.М.* Тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш–кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифамиздир// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017 йил.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Тошкент барчамиз учун онадек улуғ ва мўтабардир// Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон»,2017 йил.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва обод,демократик жамият барчамиз биргаликда барпо этамиз.// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017 йил.
4. *Мирзиёев Ш.М.* «Шундай ўлка доим бор бўлсин» // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Т.: «Ўзбекистон»,2017 йил.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Гўзал ва бетакрор ўлка // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Т.: «Ўзбекистон»,2017 йил.
6. *Мирзиёев Ш.М.* Олтин водий дурдонаси//Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон»,2017 йил.

7. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017 йил.
8. *Мирзиёев Ш.М.* Сахро бағрида мўжизалар яратаётган эл // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон»,2017 йил.
9. *Мирзиёев Ш.М.* Таълим ва маърифат– тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017 йил.
- 10.*Мирзиёев Ш.М.* Мамлакатимизнинг жавоҳир хазинаси//Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон,2017 йил.
12. *Мирзиёев Ш.М.* Юксак таърифларга муносиб замин// Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон»,2017 йил.
13. *Мирзиёев Ш.М.* Ватанимиз тақдир ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб,қатъий ҳаракат қилайлик// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017 йил.
14. *Мирзиёев Ш.М.* Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017 йил.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи.
- 16.*Мирзиёев Ш.М.* Демократик ислохотларни чуқурлаштириш,барқарор ривожланишини таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир// *Унинг ўзи.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд,–Т.: «Ўзбекистон»НМИУ,2017 йил.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.
19. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар – фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак//Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, –Т.: «Ўзбекистон»НМИУ, 2017.– Б.235.
20. *Мирзиёев Ш.М.* Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.// Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2017 йил 7 декабрь.
21. *Мирзиёев Ш.М.* Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир// Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. 2017 йил 9 декабрь.

Ш. Буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов асарлари

1. *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ //Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. *Каримов И.А.* Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. *Каримов И.А.* Мустақиллигимиз боқий бўлсин//Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари// Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т.3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. *Каримов И.А.* Юксак маънавият–енгилмас куч. – Т.:«Маънавият», 2008.

8. *Каримов И.А.* “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигадаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
9. *Каримов И.А.* “Авесто” китоби яратилганлигининг 2700 йиллигига бағишланиб барпо этилган ёдгорлик мажмуини очиш маросимидаги “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал улуғланган китоб” мавзусидаги 2001 йил 3 ноябрдаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил, 6 ноябрь.
10. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.–Т.: Ўзбекистон, 2011.
11. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

IV. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар, китоблар, рисолалар, энциклопедиялар, луғатлар

1. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. –Т.: “Академия” нашриёти, 2005.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: Академия, 2007.
4. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.
5. Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография – Т.: «Фан», 2017.
6. Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя ва мафкура. Монография – Т.: «Фан», 2015.
7. Муҳаммадиев Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Дарслик. Иккинчи нашри. – Т.: ИИВ академияси, 2014.
8. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. –Т.: Akademiya, 2011.

9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.1-V. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 -2008.
10. Қуръони Карим. Маънолар таржимаси. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол). –Т.: «Шарқ», 2008.
11. Мамашакиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. –Т.: «Маънавият», 2007.
12. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. –Т.: Шарқ, 2011.
13. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. 2016 йил. Статистик тўплам – Тошкент. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016.
14. Фалсафа: қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров, –Т.: «Шарқ», 2004.
15. Қаҳҳорова М. Маънавий идеал. – Т.: ”Маънавият”, 2008.
16. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. Т.: «Муҳаррир», 2009.
17. Негматова Ш.Ш. Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари: Монография. – Т.: «Фан», 2016.
18. Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: «Шарқ», 2002.
19. Тўхлиев Н. Ўзбек модели: тараққиёт тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2014.
20. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
21. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. –Б.34.
22. Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шоҳнома”гача. –Т.: Шарқ, 2007.
23. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
24. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
25. Кенжабек М. Термиз тазкираси. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.
26. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. 4-китоб. К.1. Ал-жомийъ Ас-Саҳиҳ: (Ишонарли тўплам). –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
27. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. –Т.: Камалак, 1991.
28. Темур тузуклари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.

29. Тулепов А. Ислом ва ақидапаратст оқимлар. Иккинчи нашр. – Т.: «Sharq», 2013.
30. Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, маҳзаблар, оқимлар. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000.
31. Фалсафа: қомусий луғат – Т.: «Шарқ», 2004.
32. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: Маънавият, 2006.
33. Юлдашев Р.Д. Таълим фалсафаси – илмий-амалий фан. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2017 йил.
34. Мухторов А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари. – Т.: «Маънавият», 2015.
35. Маънавият: асосий тушунчалар ва изоҳли луғат. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
36. Тулепов А. ИШИД фитнаси – Т.: Мовароуннахр, 2015.
37. Абдумаликов А. Фуқаролик жамиятида шахс инфор­мацион маданиятини шакллантириш: монография. – Т.: Фан, 2016.
38. Ғуломов С., Шермухаммедов С., Б. Бегалов Б. Ахборотлашган жамиятнинг мужассамланиши. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 1999., январь-февраль.
39. Муҳаммад Амин Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. – Т.: «Моуагоиппаһг», 2016.
40. Алиев Б., Мелиқулов А. Ахборот хуружларидан хабардор­мисиз? Т.: «Маънавият», 2015.
41. Саифназаров И., Саифназарова Ф. "Мафкуравий хуружлар нима? .– Т.: «Маънавият», 2015.
42. Абулқосимов Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик. – Т.: «Akademiya», 2006.
43. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: Академия, 2010.
44. Ёзиева У. Ахборотлар таҳдидидан химояланишнинг педагогик шарт-шароитлари: монография. – Т.: Akademnashr, 2016.
45. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.– Б.403.
46. Саймдаҳмедов Н. Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш технологияси. – Т.: «Info Capital Group», 2011.
47. Назаров Қ. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.

48. Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
49. Мунавварова М. Миллий ғоянинг маънавий илдишлари. – Т.: Маънавият, 2011.
50. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008
51. Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. – Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
52. Афлотун. Давлат: насрий дoston. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.
53. Арасту. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.

V. Хорижий адабиётлар

1. 100 ученых изменивших мир. – Мн.: Харвест, 2006.
2. Бжежинский З. Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. – М.: Международные отношения, 2004.
3. Збигнев Бжежинский. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы) Перевод О.Ю. Уральской. – М.: Международные отношения, 1998.
4. Буянов В.С. Сущность глобализации // Глобализация: Учебник – М.: Изд-во РАГС, 2008.
5. Кастельс М. Информационная эпоха: Экономика, общество, культура. – М.: Изд-во «ВШЭ», 2000.
6. Чернов А. А. Становление глобального информационного общества. Проблемы и перспективы - М.: Дашков и К: 2003.
7. Винер Н. Кибернетика и общество. - М.: Наука, 1991.
8. Попов Л. Информациология и информационная политика. - М.: Луч, 1999.
9. Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. - М.: Дело, 1993.
10. Моль С. Информационное воздействие в современном мире. - М.: Крымский мост, 2004.
11. Свитич Л. П. Социальная информациология. - М.: Алгоритм, 2000.
12. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: РАГС, 2001.
13. Окиновская Н.А. Хартия глобального информационного общества - Дипломатический вестник. – М.: 2000. – №8.
14. Жоль К.К., Сиволов Ю.В. Информация, общественные науки, управление. (Философско-экономический анализ). - Киев, Наукова думка, 1991.
15. Дубровский Д.И. Вержбинский В.В. Категория информации (философский обзор). “Философские науки”. – М.: 2006. № 1.

VI. Интернет сайтлари ва материаллари

www.ura.uz. - Миллий ахборот агентлиги.
www.api.uz. – Ўзбек матбуот ва ахборот агентлиги.
www.gov.uz. – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
www.bilim.uz. – Илмий-оммабоп сайт.
www.philosophy.ru. – Философский портал.
www.ziyonet.uz. – Зиёнет интернет тармоғи.
www.lex.uz. . – Ўзбекистон қонун қужжатлари сайти, 243.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
-------------	---

1-БОБ. «МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1-§.«Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг пайдо бўлиш сабаблари, объекти ва предмети, қонун ва, категориялари, методлари,принцип ва вазифалари.....	10
1.«Миллий ғоя:Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани вужудга келишининг объектив сабаблари.....	10
2. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани пайдо бўлишининг субъектив сабаблари.....	11
3. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани вужудга келишининг ички сабаблари.....	12
4. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фани вужудга келишининг ташқи сабаблари.....	13
5. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг объекти.....	14
6. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг предмети.....	15
2-§.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг қонун ва категориялари, метод ва принциплари	17
1. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг қонунлари.....	17
2. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг категориялари.....	19
1. Умумий категориялари.....	19
2. Субстанционал категориялари.....	19
3. Функционал категориялари.....	20
3.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг методлари.....	21
1. Энг умумий фалсафий методлари.....	22
2. Умумий илмий методлар.....	24
3. Хусусий илмий методлар.....	26

4. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»	
фанининг принциплари.....	28
1. Обьективлик принципи.....	28
2. Тарихийлик принципи.....	28
3. Мантикийлик принципи.....	28
4. Ижтимоий ёндашув принципи.....	29
5. Миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш принципи.....	29
3-§.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»	
фанининг мақсади, вазифалари, хусусиятлари, бошқа гуманитар ва	
табiiй фанлар тизимида тутган ўрни.....	30
1.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»	
фанининг мақсади.....	30
2.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»	
фанининг функциялари.....	30
1. Эвристик функцияси.....	30
2. Методологик функцияси.....	30
3. Сиёсий функцияси.....	31
4. Амалий функцияси.....	31
5. Илмий башорат қилиш функцияси.....	31
6. Дунёқарашни шакллантириш функцияси.....	31
7. Ғоявий-тарбиявий функцияси.	32
3.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг	
асосий вазифалари.....	32
4. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг	
гуманитар ва табiiй фанлар тизимида тутган ўрни.....	33
1. Миллий ғоя ва фалсафа.....	34
2. Миллий ғоя ва сиёсатшунослик.....	35
3. Миллий ғоя ва иқтисодиёт назарияси.....	35
4. Миллий ғоя ва социология.....	36
5. Миллий ғоя ва ҳуқуқшунослик.	36
7. Миллий ғоя ва табиатшунослик фанлари.	37
6. Миллий ғоя ва тиббиётшунослик.....	37
5. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанининг	
ўзига хос хусусиятлари.....	40
1. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»нинг	
назарий фан сифатидаги хусусиятлари.....	40

2. «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»нинг амалий фан сифатидаги хусусиятлари.....	41
6.«Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» фанини ўрганишнинг ёшлар учун аҳамияти.....	42

II БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1-§. Миллий ғоя Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ғоявий концептуал асоси.....	44
I. Ғоя тушунчаси, унинг турлари ва ижтимоий характери.....	44
1. Ғоя тушунчаси, унинг онтологик ва гносеологик табиати.....	44
2. Ғоянинг фалсафий таърифи ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	47
3. Ғоянинг ижтимоий характери.....	47
II. Ғояларнинг турлари ва уларнинг таснифи, таърифи ва тавсифи....	48
1. Бунёдкор ғоялар.....	49
2. Вайронкор ғоялар.....	49
3. Дунёвий ғоялар.....	50
4. Диний ғоялар.....	51
5. Илмий ғоялар.....	51
III. Фалсафий ғоялар.....	52
1. Монизм.....	53
2. Дуализм.....	54
3. Плюрализм.....	55
4. Идеализм	56
5. Материализм.....	57
6. Атеизм.....	59
7. Теизм.....	61
8. Теософия	61
IV. Бадий ғоялар.....	62
V.Ижтимоий-сиёсий ғоялар.....	62
1. Синфий ғоялар.....	63
2. Миллий ғоялар.....	63
3. Умумхалқ ғоялари.	64
4. Умуминсоний ғоялар.....	64
5. Умумбашарий ғоялар.....	64

2-§. Мафкура тушунчаси, унинг шакллари, мақсад ва вазифалари...	65
I. Мафкура тушунчаси ва унинг фалсафий тавсифи.....	65
II. Мафкураларнинг таснифи.....	66
1. Инсон ва жамиятга таъсир қилиш хусусиятига кўра <i>ижобий</i> натижа берадиган мафкуралар.....	68
2. Инсон ва жамиятга таъсир қилиш хусусиятига кўра <i>салбий</i> натижа берадиган мафкуралар.....	68
III. Мафкураларнинг мазмуни ва шакллари.....	69
1. Анархизм.....	69
2. Монархизм.....	70
3. Тоталитаризм.....	71
4. Либерализм.....	72
5. Демократия.....	74
IV. Мафкурадан кўзланган мақсадлар.....	75
1. Одамларни муайян ғояга ишонтириш.....	76
2. Ғоя асосида одамларни уюштириш.....	77
3. Ғояни амалга ошириш учун одамларни сафарбар этиш.....	78
4. Кишиларни маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш.....	78
6. Ғоявий тарбиялаш.....	79
7. Ғоявий иммунитетни шакллантириш.....	80
8. Ҳаракат дастури бўлиши.....	81
V. Мафкуранинг функциялари.....	81
VI. Ғоя ва мафкуралар ўртасидаги умумий ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлар.....	82
3-§. Миллий ғоя ва мафкура – жамиятда тинчлик, ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлашнинг илмий-амалий асоси.....	85
1. Миллат – миллий ғоя ва мафкуранинг соҳиби.....	85
2. Буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов миллий ғоянинг жамият тараққиёти учун зарурлиги тўғрисида.....	87
3. Миллий ғоя тушунчаси.....	90
4. Миллий мафкура тушунчаси.....	90
5. Истибдод мафкураси – халқни тутқунликда сақлаш қуроли.....	91
6. Миллий истиқлол мафкураси – халқни бунёдкорликка чорлашнинг маънавий воситаси	92
4-§. Миллий ғоя ва мафкуранинг миллий тараққиётини янги босқичга кўтаришдаги асосий вазифалари.....	94

1. Янгича миллий дунёқарашни шакллантириш.....	94
2. Мустақил тафаккур қилиш тарзини шакллантириш.....	95
3. Соғлом ижтимоий муҳитни яратиш.....	95
4. Халқнинг эҳтиёж ва манфаатларни ифодалаш.....	96
6. Аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлаш	97
8. Одамлар ҳаёт фаолиятининг мезони бўлиш.....	97
9. Халқни ғоявий-мафкуравий ҳимоя қилиш воситаси бўлиш.....	98

III БОБ. ЖАМИЯТ МАФКУРАСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

1-§. Ўзбекистон жамияти ҳаётининг ғоявий-мафкуравий асослари ва унинг конституцион принциплари.....	99.
1. Жамият мафкурасининг давлат мафкурасидан фарқланиши.....	99.
2. Ўзбекистон жамияти миллий истиқлол мафкурасининг таърифи ва хусусиятлари.....	100
3. Ўзбекистон жамияти миллий истиқлол мафкурасининг мақсади ва асосий вазифалари.....	102
4. Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси ифодаладиган умумий манфаатлар.	103
5. Миллий ғояда миллий ва умуминсоний қадриятлар.	104
6. Ўзбекистон жамияти миллий мафкурасининг миллий хусусиятлари.....	107
7. Ўзбекистон жамияти миллий мафкурасининг умумбашарий тамойиллари.....	107
2-§. Умуминсоний ва миллий қадриятлар заминига қурилган ўзбек халқи миллий ғоя ва мафкурасининг тарихий илдиз, диний негиз, фалсафий ва дунёвий асослари.....	108
1. Миллий ғоя ва мафкуранинг моддий қадриятларга асосланган тарихий илдизлари	108
2. Миллий ғоя ва мафкуранинг маънавий қадриятларга асосланган фалсафий асослари	115
3. Миллий ғоя ва мафкуранинг илоҳий қадриятлар асосига қурилган диний негизлари	126
4. Миллий ғоя ва мафкуранинг замонавий илм-фан қадриятларига асосланган дунёвий асослари	131

5. Миллий ғоя ва мафкуранинг иқтисодий ҳаёт кадриятларига асосланган ижтимоий- иқтисодий негизлари.....	136
---	-----

IV БОБ. ҒОЯЛАР ХИЛМА ХИЛЛИГИ ВА МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

1-§.Жамият ҳаёти – ғоя ва мафкуралар хилма-хиллигининг манбаии. Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси. Идеосфера ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари

I. Жамият ҳаёти – ғоя ва мафкуралар хилма-хиллигининг манбаии.....	135
1. Жамият ҳаёти тушунчаси. Ижтимоий психология ва мафкура.....	135
2. Ғоялар хилма-хиллиги тушунчаси,маъно-мазмунни.....	137
II. Жамият ҳаётининг мафкуравий соҳаси.....	138
III. Идеосфера тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	139
1. Дунёвий идеосфера.....	141
2. Диний идеосфера.....	142
IV . Мафкуравий онг ва унинг хусусиятлари.....	143
1. Мафкуравий башорат.....	146
2. Мафкуравий мақсад	148
3. Мафкуравий мўлжал	152
4. Мафкуравий идеал.....	153
V.Мафкуравий жараён тушунчаси,мазмун-моҳияти ва хусусиятлари.	155
1. Мафкуравий жараён тушунчаси ва таркибий қисмлари.....	155
2.Мафкуравий жараённинг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари.....	156
VI. Мафкуравий муносабатлар ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	157
1. Муносабат тушунчаси ва унинг объектив характери.....	157
2. Мафкуравий муносабатлар тушунчаси.....	158
3. Мафкуравий муносабатларнинг объектлари.....	159
4. Мафкуравий муносабатларнинг субъектлари.....	161
5. Мафкуравий муносабатларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	162
VII. Мафкуравий фаолияти ва уни амалга ошириш тамойиллари.....	163
1. Фаолият тушунчаси,унинг тур ва шакллари	163
2. Мафкуравий фаолият тушунчаси,унинг элементлари ва тизими.....	164
3. Мафкуравий фаолиятнинг намоён бўлиш хусусиятлари	166
4. Мафкуравий фаолият юритиш тамойиллари	169

5. Мафкуравий фаолият юритишнинг янгича “йўл харита”лари.....	171
---	-----

2-§. Ғоя ва мафкуралар хилма хиллиги ва уларнинг таърифи, таснифи, маъно -мазмуни

I.1. Бунёдкор ғоялар – инсониятни тинчлик ва барқарор тараққиёт сари етакловчи куч.....	173
1. Бунёдкор ғоя тушунчаси, унинг тур ва шакллари.....	173
2. Бунёдкор дунёвий ғоя ва мафкуралар.....	174
3. Бунёдкор диний ғоя ва мафкуралар	176
4. Бунёдкор ғояларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	179
2. Мустақиллик – ўзбек халқи бунёдкорлик ғоя ва мафкурасининг ҳаётий манбаи.....	179
1. Мустақиллик тушунчаси.....	179
2. Мустақилликнинг моҳияти.....	180
3. Мустақилликнинг умумметодологик аҳамияти.....	182
3. Мустақиллик шакллари ва уларнинг ижтимоий табиати ва белгилари.....	183
1. Сиёсий мустақиллик.....	184
2. Иқтисодий мустақиллик.....	185
3. Маданий-мафкуравий мустақиллик.....	186
4. Мустақиллик – ўзбек халқи ғоя ва мафкурасининг ҳаётий замини.....	187
1. Мустақиллик – давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбаи.....	188
2. Мустақиллик – эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг иқтисодий замини.....	191
3. Мустақиллик – маданий борлигини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асоси.....	195
5. Ўзбек халқи миллий мафкурасининг жамиятни ривожлантиришда маънавий куч сифатидаги бош ва асосий ғоялари.....	200
1. Ўзбек халқи миллий мафкурасининг бош ғояси ва уни амалга оширишдаги устувор йўналишлар.....	200
1. Озод Ватан ғояси.....	200
2. Обод Ватан ғояси.....	203
3. Эркин ва фаровон ҳаёт ғояси	205
4. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ғоясини амалга	

оширишдаги вазифалар.....	209
2. Ўзбек халқи миллий мафқурасининг асосий ғоялари ва уларни амалга оширишдаги устувор вазифалар.....	211
2.1. Ватан равнақи ғояси.....	211
1. Ватан тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти.....	211
2. Ватан равнақи тушунчаси.....	214
3. Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш йўллари.....	214
4. Ватан равнақи ғоясини амалга оширишда ватанпарварликнинг тутган ўрни ва роли.....	215
2.2. Юрт тинчлиги ғояси.....	217
1. Юрт тушунчаси.....	217
2. Тинчлик ва барқарорлик тушунчаси, унинг моҳияти ва табиати.....	218
3. Уруш ва беқарорлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.....	220
4. Юрт тинчлиги тушунчаси, унинг моҳияти ва табиати.....	221
5. Юрт тинчлиги ғоясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари.....	222
2.3. Халқ фаровонлиги ғояси.....	223
1. Халқ тушунчаси.....	223
2. Фаровонлик тушунчаси.....	223
3. Халқ фаровонлиги ғояси тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти.....	224
4. Халқ фаровонлиги ғоясини амалга оширишдаги асосий вазифалар.....	226
2.4. Комил инсон ғояси.....	228
1. Инсон тушунчаси.....	228
2. Комил инсон тушунчаси.....	229
3. Комил инсон ғоясини амалга оширишдаги устувор вазифалар.....	230
2.5. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси.....	232
1. Ижтимоийлик тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни.....	232
2. Ҳамкорлик тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни.....	233
3. Ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси.....	233
4. Ижтимоий ҳамкорлик ғоясини амалга ошириш йўллари.....	236
2.6. Миллатлараро тотувлик ғояси.....	237
1. Тотувлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари.....	237
2. Миллатлараро тотувлик ғояси.....	238
3. Миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишдаги вазифалар.....	239
4. « Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида » Фармоннинг миллатлараро тотувлик ғоясини амалга	

оширишдаги аҳамияти.....	240
2.7. Динлараро бағрикенглик ғояси.....	243
1. Дин тушунчаси ва унинг жамиятда бажарадиган вазифалари.....	243
2. Жаҳон динлари ва уларнинг ғоявий-мафкуравий сиёсати.....	245
1. Христианлик.....	245
2. Ислом	246
3. Буддавийлик.....	247
3. Бағрикенглик тушунчаси ва унинг кўринишлари.	248
4. Диний бағрикенглик ғоясининг таърифи ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари.....	248
8. Адолат ғояси ва унинг миллий ижтимоий тараққиёт ривожда тутган ўрни ва аҳамияти.....	250
1. Адолат тушунчаси ва унинг бунёдкор ғоя сифатидаги мазмун-моҳияти.....	250
2. Адолат ғояси ва унинг генезиси ва эволюцияси.....	252
3. Амир Темурнинг “Куч–адолатдадир” ғоясининг тарихий аҳамияти.....	255
4. Жаҳон мутафаккирлари адолат ҳақида.	261
9. Адолат ғояси – жамият ҳаёт фаолиятининг кузгуси ва ҳаками.....	262
1. Адолат принципи тушунчаси ва унинг мезонлари.....	262
2. Адолат принципининг жамият ҳаётида амал қилиш қоидалари.....	264
3. Демократик жамиятни барпо этишда адолат ғоясини қарор топтиришдан кўзланган мақсад ва вазифалар.....	265
4. Адолатпарварлик ва унинг моҳияти.....	267
10. Адолатсизлик: шакллари ва унга қарши кураш чора-тадбирлари.....	269
1. Протекционизм.....	270
2. Бюрократизм	270
3. Боқимандалик.....	270
4. Адолатсизликка қарши кураш чора-тадбирлари	271
II. Вайронкор ғоялар – инсониятни таназзул ва тубанликка бошловчи ёвуз куч	
I.. Вайронкор ғоялар ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари....	275
1. Вайронкор ғоялар: тушунчаси ва генезиси.....	275
2. Вайронкор ғояларнинг турлари.....	276
3. Вайронкор ғояларга хос бўлган хусусиятлар.....	276
4. Вайронкор ғояларнинг ташкилий асослари.	276

5.Вайронкор ғоялар келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар.....	276
6.Вайронкор ғояларнинг мазмуни ва шакллари.	277
7.Вайронкор ғояларнинг мақсад ва вазифалари.....	278
II. Мутаассиб вайронкор ғоялар,уларнинг мазмун-моҳияти	279
1.Фашизм ва неофашизм.....	279
2.Расизм – ирқчилик.....	281
3. Буюк давлатчилик шовинизми.....	281
4. Коммунизм, большевизм ва неоккоммунизм.....	283.
III. Экстремизм – жамият ҳаётини издан чиқарувчи	
вайронкор ғоя.....	288
1.Экстремизм:тушунчаси ва турлари.....	288
2.Диний экстремизм ва уни келтириб чиқарувчи сабаблар.....	288
3. Диний экстремизмнинг замонавий йўналиш-оқимлари.....	289.
1. Мусулмон биродорлар.....	290
2. Ҳизбут-тахрир ал-исломий.....	291
3. Туркистон исломий ҳаракати	293
4. Қорасаллалилар.....	294
IV. Терроризм – мудҳиш бузғунчи ғоя ва қўрқинчли	
мафкуравий қурол.....	295
1.Терроризм тушунчаси.....	295
2.Ғоявий терроризм.....	296
3.Этник терроризм.....	296.
4.Жиноий терроризм.....	296
5.Иқтисодий терроризм.....	297
6.Индивидуал терроризм.....	297
7.Ахборот терроризми.....	298
8.Сиёсий терроризм.....	298
V. Ҳозирги кундаги халқлар ва давлатларни пароканда қиладиган	
бузғунчи мафкуравий ғоялар.....	299
1.Космополитизм.....	300
2.Худкушлик.....	301
3.«Ўлим гуруҳлари»:«Кўк кит»,«Тинч уй» – ёшлар ўртасида	
худкушликни тарғиб қилувчи ёвуз ғоя.....	303
4.Демократия транзитологияси.....	304
VI. Ҳозирги кунда одамларни маънавий таназулга дучор	
қилувчи умуминсоний ахлоққа зид бўлган бузғунчи ғоялар.....	306

1.Нимфомания	306
2.Садизм.....	307
3.Анимализм	307
4.Қондошлар	308
5.Лесбиянкалар	308
6.Бир жинсли никоҳ	309
7.Ваайеризм ва мазохизм.....	310

**3-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев
томонидан бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши
эълон қилинган курашнинг тактик усул ва стратегик
йўналишлари**

1. Бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши курашнинг замонавий тактик усуллари.....	311
2. Бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши курашнинг замонавий стратегик йўналишлари.....	313

**V БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ – ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**1-§. Демократия ва миллий ғоя тамойилларининг муштараклиги –
жамият тараққиётининг муҳим омили..... 317**

1. Демократия тушунчаси ва унинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари.....	317
2. Демократиянинг Шарқона ва Ғарбона талқини.....	318
3. Демократия ва миллий ғоя тамойилларининг муштараклиги.....	320

**2-§.Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади. Жамият
ривожланишининг замонавий миллий моделлари.322**

1. Ўзбекистон давлатининг бош стратегик мақсади.....	322
2. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва унинг элементлари..	322
3. Ҳуқуқий демократик давлат ва унинг асосий белгилари.....	324
4. Фуқаролик жамияти ,унинг асосий белги ва хусусиятлари.....	327
5. Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсадини амалга оширишдаги устувор вазифалар.....	332
6. Жамият ривожланишининг замонавий миллий моделлари	338
7. Тараққиётнинг «ўзбек модели» ва унинг асосий тамойиллари.	339

8. «Ўзбек модели»нинг кишилар тафаккурини янгилашдаги ўрни 340

VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

1-§. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади ва унинг миллий тараққиётни янги босқичга кўтаришдаги илмий-амалий аҳамияти.....	342
1. «Ўзбек модели» ғоясининг жамият тараққиётидаги тарихий ўрни ва унинг методологик аҳамияти.....	342
2. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ишлаб чиқиш зарурати.....	344
3. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг мақсади	347
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакат тараққиёти учун аҳамияти.....	347
2-§. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишга қаратилган асосий вазифалар.....	352
I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиш ва уларни амалга оширишга қаратилган вазифалар.....	353
1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш.....	353
2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш.....	353
3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.....	354
II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.....	354
1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш.....	354

2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш.....	355
3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш.....	355
4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш.....	356
5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш.....	356
6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.....	357
III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	357
1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш.....	357
2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш.....	358
3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш.....	360
4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш.....	362
5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш.....	363
IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари....	364
1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш.....	364
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.....	364
3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш.....	366
4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш.....	367
5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.....	368

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.....	369
5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар.....	369
5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.....	369

VII БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КУРАШЛАР

1-§. Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кечиш ва ривожланиш тенденциялари.....	372
I. Глобаллашув тушунчаси, манбаи, белги ва хусусиятлари.....	372.
1. Глобаллашув тушунчаси.....	372
2. Глобаллашув жараёнларининг манбаи ва асосий белгилари.....	373
3. Глобаллашув жараёнларининг хусусиятлари.	374
II. Глобаллашув жараёнларининг йўналишлари ва ривожланиш тенденциялари.....	375
1. Иқтисодийнинг глобаллашуви.....	375
2. Сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг глобаллашуви.....	376
3. Маданиятнинг глобаллашуви.....	377
4. Ахборот-коммуникация соҳасининг глобаллашуви.....	378
5. Ҳозирги глобаллашув даврида мафкуравий жараёнларнинг хусусиятлари.....	379
6. Мафкуравий жараёнларни глобаллаштирувчи ва универсаллаштирувчи омиллар.....	380
7. Глобаллашув жараёнларининг ижобий ва салбий оқибатлари.....	380
III. Аксилглобализм – ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида.....	381
1. Аксилглобализм ва унинг келиб чиқиш сабаблари.....	381
2. Аксилглобалистик ҳаракатнинг асосий кучи ва иштирокчилари.....	383
2-§. Глобаллашув шароитида янги дунёвий тартибнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари.....	385
I. Геоиқтисодий – янги дунёвий тартиб вужудга келишининг иқтисодий асоси.....	386
1. Геоиқтисодий тушунчаси ва унинг объектив мавжудлиги.....	386

2. Неоиктисодиёт – янги дунёвий тартиб модели.....	393
3. Геоиктисодий уруш ва унинг келиб чиқиш сабаблари.....	396
II. Геоиёсат – янги дунёвий тартибни шакллантиришнинг сиёсий воситаси.....	398
1. Геоиёсат тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни.....	398
2. Геостратегик мақсадлар.....	400
3. Геостратегик манфаатлар.....	401
III. Геомафкура – янги дунёвий тартибни қарор топтиришнинг ғоявий манбаи.....	402
1. Геомафкура тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	402
2. Геомафкуравий сиёсат ва унинг тур ва шакллари.....	404
3. Геомафкуравий сиёсатни амалга оширишнинг усул ва воситалари	405
IV. Марказий Осиёда кечаётган геомафкуравий жараёнлар ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.....	407
1. Марказий Осиёда жойлашган мустақил давлатлар ва уларнинг жаҳондаги нуфузи.....	407
2. Марказий Осиёда кечаётган геомафкуравий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар.....	411
3. Марказий Осиёда кечаётган геомафкуравий жараёнларга салбий таъсир кўрсатувчи мафкуравий таҳдидлар.....	412
3-§. Глобаллашув даврда мафкуравий жараёнларининг намоён бўлиш хусусиятлари.....	417
I. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг асосий йўналишлари.	417
1. Дунёнинг мафкуравий манзараси тушунчаси.	417
2. Дунёнинг мафкуравий манзарасида содир бўлаётган ғоявий- мафкуравий жараёнларнинг асосий йўналишлари.....	418
2.1. Прогрессив йўналишдаги мафкуравий жараёнлар.....	419
2.2. Реакцион йўналишдаги мафкуравий жараёнлар.....	419
II. Мафкуравий кураш ва унинг асосий йўналишлари.....	420
1. Мафкуравий кураш тушунчаси ва унинг моҳият-мазмуни.	420
2. Мафкуравий курашнинг асосий йўналишлари.....	423
3. Мафкуравий гегемонизм.....	424
4. Мафкуравий тажовуз.....	426
III. Мафкуравий майдон – мафкуравий кураш макони.....	427
1. Мафкуравий майдон тушунчаси.....	427

2. Мафкуравий майдоннинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	428
3. Мафкуравий майдонни ташкил этувчи омиллар ва воситалар.....	428
4. Мафкуравий майдоннинг ғоявий манбалари.....	429
5. Мафкуравий майдонда ғоявий таъсир ва акс таъсир кўрсатиш жараёнлари.....	429
6. Мафкуравий майдон шакллари.....	430
7. Мафкуравий полигон –турли хил ғояларни синайдиган мафкуравий майдон.....	430
4-§. Глобаллашув шароитида ўзбек халқининг ҳаётига хавф солаётган маънавий-мафкуравий таҳдидлар.....	432
I. Таҳдид тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни, тур ва шакллари.....	432
1. Таҳдид тушунчаси.....	432
2. Таҳдидларнинг тур ва шакллари.....	433
II. Ўзбек халқининг тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган ички маънавий-мафкуравий таҳдидлар.....	435
1. Маънавий таҳдид тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.....	435
2. Мафкуравий таҳдид: тушунчаси ва кўринишлари.....	437
3. Лоқайдлик, бепарволик, бепарқлик.....	438
III. Коррупция ва жиноятчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик ва миллатчилик – ички мафкуравий хавф –хатар шаклидир.....	440
1. Коррупция ва жиноятчилик.....	440
2. Уруғ-аймоқчилик.....	446
3. Маҳаллийчилик.....	447
4. Миллатчилик.....	448
IV. Ўзбек халқининг ҳаётига жиддий хавф туғдираётган ташқи мафкуравий таҳдидлар.....	449
4.1. Ислом халифалигини тиклаш ва мусулмон халқларни янги империяга бирлаштириш ғоясига асосланган уринишлар.....	450
1. Ваҳхобийлик.....	451
2. Ақромийлик.....	452
3. «Тавба».....	454
4. «Ислом уйғониш партияси».....	455
5. «Ислом лашкарлари», «Адолат».....	456
4.2. «ИШИД – Ироқ ва Шом ислом давлати» – давлат эмас – бузғунчилар тўдаси.....	458
1. ИШИД бузғунчилар тўдасининг мафкуравий паспорти.....	458

2. ИШИД бузғунчилар тўдасининг асосий мақсад ва муддаolari.....	458
3. ИШИД ва бошқа террорчи тўдаларнинг интернетдаги саҳифаларининг ўзига хос хусусиятлари.....	459
4.3. Мустақил давлатларнинг собиқ иттифоққа бирлаштириш ғоясига асосланган ҳаракатлар.....	460
4.4.Тарихимиз,миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштириш ғояси остидаги уринишлар.....	461
4.5. Ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар.....	462
4.6. Турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.....	463
1. Одам савдоси.....	463
2. Ҳудудий даъво.....	464
4.7. Мафкуравий таҳдидларнинг умумий тарзда намоён бўлиш хусусиятлари.....	464
4.8.Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлар ва уларнинг олдини олишга қаратилган вазифалар.....	466
5-§. Глобаллашув даврида ўзбек халқининг тинч ҳаётига қарши ахборот - коммуникация технологиялари орқали қилинаётган мафкуравий хуружлар.....	467
I. Ахборот - коммуникация технологиялари – ахборотлашган жамиятнинг асосий атрибуги.....	467
1. Ахборотлашган жамият: тушунчаси,мазмун ва моҳияти.....	468
2. Ахборот тушунчаси,унинг тур ва шакллари.....	471
3. Ахборот - коммуникация технологиялар ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.....	474
II. Интернет – мафкуравий хуруж воситаси	477
1.Интернет ва ундан фойдаланишнинг ижобий ва салбий томонлари.....	477
2.Интернет орқали қилинаётган мафкуравий хуружлар ва унинг оқибатлари.....	478
3. Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш – мафкуравий хуружларга қарши кураш омили.....	482
III. “ Оммавий маданият” таҳдиди ва унга қарши кураш чора-тадбирлари	484
1. “Оммавий маданият” тушунчаси.....	484.

2. “Оммавий маданият” белгилари.....	485
3. “Оммавий маданият” га қарши кураш чора -тадбирлари.....	485
4. Соғлом маънавий-мафкуравий рақобот – “оммавий маданият”га қарши кураш омили.....	486
6-§. Глобаллашув шароитида ўзбек халқининг мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мафкуравий профилактикани олиб боришни ташкил этиш чора-тадбирлари.....	488
I. Мафкуравий иммунитет ва уни шакллантириш усуллари	488
1. Иммунитет тушунчаси.....	488
2. Мафкуравий иммунитет тушунчаси ва унинг моҳияти.....	489
3. Мафкуравий иммунитетнинг хусусиятлари ва элементлари.....	490
4. Компьютер саводхонлигини ошириш – ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш усули.....	493
II. Мафкуравий профилактика ва уни ўтказиш чора-тадбирлари	494
1. Мафкуравий профилактика тушунчаси	494
2. Мафкуравий профилактикани олиб бориш чора-тадбирлари	495
7-§. Глобаллашув жараёнларида ғоявий- мафкуравий хавфсизликни таъминлаш объектив заруриятдир.....	496
I. Хавфсизлик – объектив ижтимоий феномендир	496
1. Хавфсизлик тушунчаси ва унинг объекти ва субъекти	496
2. Хавфсизликнинг тур,мазмун ва шакллари.....	499
II. Миллий хавфсизлик ва унинг таркибий тузилиши.....	501
1. Миллий хавфсизлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти	501
2. Миллий хавфсизликнинг таркибий тузилиши ва намоён бўлиш шакллари.....	502
III. Мафкуравий хавфсизлик ва уни таъминлаш механизмлари.....	503
1. Мафкуравий хавф-хатар ва уларнинг юзага келиш ҳолатлари.....	503
2. Миллий маънавий хавфсизлик.....	504
3. Ғоявий-мафкуравий хавфсизлик.....	505
4. Ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг усул ва воситалари.....	505
IV. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – мамлакат мустақиллиги ва давлат суверенитетини мустаҳкамлаш воситаси.....	508
1. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва давлат суверенитетини таъминловчи ахборотлар тизими.....	508

2. Ахборот таҳдиди ва хуружи – ахборот хавфсизлигини таъминлаш кушандаси.....	510
3. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси ва уни моҳияти.....	512
4. Ўзбекистон давлатининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими.....	513
5. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора -тадбирлари.....	515

VIII БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1-§. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий-амалий масалалари.....	518
I. Инновация: таърифи, турлари ва таснифи.....	518
1. Инновация тушунчаси.....	519
2. Новация тушунчаси.....	521
3. Инновациянинг турлари ва таснифи.....	522
1. Инновациянинг соҳиблари бўйича таснифи.....	522
2. Инновациянинг тармоқлар бўйича таснифи.....	523
3. Инновациянинг амал қилиш вақти бўйича таснифи.....	523
II. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида қўлланиладиган инновацион таълим технологиялари.....	525
1. Инновацион таълим ва таълим инновациялари тушунчалари.....	525
2. Миллий ғоя ва тарғиботидаги таълим инновацияларининг турлари....	526
3. Миллий ғоя тарғиботидаги инновацион фаолият ва унинг асосий белгилари.....	527
4. Миллий ғоя тарғиботидаги инновацион ёндашувлар.....	528
5. Миллий ғоя тарғиботчиси томонидан қўлланиладиган инновацион интерфаол методлар.....	529
5.1. Миллий ғоя тарғиботида ўқиладиган маърузаларнинг ноанъанавий инновацион шакллари.....	529
5.2. Миллий ғоя тарғиботида олиб бориладиган семинар машғулотларининг ноанъанавий инновацион шакллари.....	529
5.3. Миллий ғоя тарғиботида қўлланиладиган интерфаол методлар.....	530
III. Миллий ғоя тарғиботчиларининг профессионал компетентлиги.....	536
1. Профессионал компетентлик.....	537
2. Шахсий компетентлик	539

3. Методик компетентлик.....	539
4. Креатив компетентлик.....	539
5. Информацион компетентлик.....	539
6. Инновацион компетентлик.....	540
2-§. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари.....	541
1. Инновацион ғояларни амалиётга жорий қилишдаги тўсиқлар.....	541
2. Инновацион ривожлантиришининг асосий устувор йўналишлари.	543

IX БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

1-§. Миллий ғоя ва мафқурани халқ қалби ва онгига сингдиришнинг усул ва йўналишлари.....	546
I. Миллий ғоя ва мафқурани халқ қалби ва онгига сингдиришнинг асосий йўналишлари.....	546
1. Таълим йўналиши.....	546
2. Тарбия йўналиши	547
II. Миллий ғоя ва мафқурани халқ қалби ва онгига сингдириш усуллари.....	548
1. Тарғибот-ташвиқот усули.....	548
2. Таълим-тарбия усули.....	548
2-§. Ёшларнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш – ғоявий-мафқуравий таълим-тарбиянинг самарадорлигини юксалтириш воситаси.....	549
1. Китоб: тушунчаси ва таснифи.....	549
2. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш – давр талаби...551	
3. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишнинг устувор йўналишлари.....	553
4. Ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари.....	554
5. Жаҳон мутафаккирлари китоб ва китобхонлик ҳақида.....	555
3-§. Ёшларига ғоявий-мафқуравий таълим-тарбия беришни фаоллаштиришнинг ташкилий-тадбири жихатлари.....	557
1. Маърифат дарслари ва уларни ўтказиш шакллари.....	558
2. Маъруза ва уни ўқиш методикаси.....	559
3. Сиёсий ўқиш ва уни ўтказиш методикаси.....	561

4. Давра суҳбати, савол-жавоб кечалари, уларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси.....	563
5. Маърифатхона ишларини ташкил қилиш.....	564
4-§. Якка тартибда ғоявий-мафкуравий таълим ва тарбия ишларини олиб бориш – юксак маънавиятли ёшларни вояга етказиш гарови....	567
1. Якка тартибда ғоявий –мафкуравий таълим ва тарбия ишларини олиб боришнинг моҳияти	567
2.Якка тартибда ғоявий –мафкуравий таълим ва тарбия ишларини олиб боришнинг хусусиятлари.....	569
3. Якка тартибда ғоявий – мафкуравий таълим ва тарбия ишларини олиб боришнинг усуллари	570
4. Якка тартибда ғоявий – мафкуравий таълим ва тарбия ишларини олиб боришнинг шакллари.....	572
6-§. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботида таълим-тарбия муассасалари, маданий-маърифий марказлар, диний ташкилотлар, маҳалла ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ўрни ва устувор вазифалари.....	577
1. Мактабгача таълим тизимининг болаларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашдаги ўрни ва вазифалари.....	577
2. Маҳалла институтининг фуқароларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашдаги устувор вазифалари.....	580
3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашдаги аҳамияти.....	583
4. Республика Маънавият ва маърифат марказининг миллий ғоя ва мафкурани илмий асосда ўрганиш,халқ орасида тарғибот-ташвиқот қилиш ишларини ташкиллаштиришдаги устувор вазифалари.....	585
5. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг миллий ғоя ва мафкурамизнинг тарихий илдизлари,диний манбалари ва фалсафий асосларини намойиш қилишдаги ўрни.....	587
6. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг миллий ғоя ва мафкуранинг диний аҳкомларини тадқиқ қилишдаги вазифалари.....	591
7. Ўзбекистон ислом Академиясининг миллий ғоя ва мафкуранинг диний негиз ва фалсафий асосларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганишдаги вазифалари.....	593

**Х БОБ. ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ЮЗ
БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИНИ БИЛИШ ВА
БАҲОЛАШ УСУЛИ**

1-§. Халқ билан мулоқот – жамият ҳаётининг ҳаққоний даражасини билиш ва баҳолашнинг ишончли усули.....	596
1. Мулоқот тушунчаси , унинг тур ва вазифалари.....	596
2. Халқ билан мулоқот – жамият ҳаётининг ишончли кузгуси	600
3. Халқ билан мулоқот олиб бориш методикаси.....	604
4. Халқ билан мулоқот – жамият миллий тараққиётини янги босқичга кўтариш омили.....	608
2-§. Халқ қабулхонали ва уларнинг мамлакатдаги ғоявий-мафкуравий вазиятни бошқаришдаги аҳамияти.....	610
1. Халқ қабулхоналарининг мақсади ва таркибий тузилиши	610
2. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларнинг ҳуқуқий мақоми ва вазифалари	610
ХУЛОСА.....	612
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	615

ОГЛАВЛЕНИЕ

ВВЕДЕНИЕ.....

ГЛАВА 1. ПРЕДМЕТ, ЦЕЛЬ И ЗАДАЧИ НАУКИ «НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕЯ: СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА»

§1. Причины возникновения, объект и предмет, законы, категории, методы, принципы и задачи науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

1. Объективные причины возникновения науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

2. Субъективные причины возникновения науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

3. Внутренние причины возникновения науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

4. Внешние причины возникновения науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

5. Объект науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

6. Предмет науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана” ...

§ 2. Законы и категории, методы и принципы науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

1. Законы науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

2. Категории “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

1. Общие категории

2. Субстанциональные категории.....

3. Функциональные категории

3. Методы науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

1. Наиболее общие научные методы.

2. Общие научные методы

3. Частные научные методы

4. Принципы науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”

1. Принцип объективности.....

2. Принцип историчности.....

3. Принцип логичности.....

4. Принцип социального подхода.....

5. Принцип учета национальной и местной особенности.....

§ 3. Цели, задачи, функции и роль науки “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана” в системе области гуманитарных и естественных наук... ..

1. Цель “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана
2. Функции “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”
 1. Эвристическая функция
 2. Методологическая функция
 3. Политическая функция
 4. Практическая функция
 5. Научно-Прогностическая функция.
 6. Мировоззренческая функция
 7. Идеологическо-воспитательная функция.
3. Основные задачи предмета “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”
4. Место “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана” в системе области гуманитарных и естественных наук
1. Национальная идея и философия
2. Национальная идея и политология
3. Национальная идея и теория экономики.....
4. Национальная идея и социология.
5. Национальная идея и юриспруденция.
6. Национальная идея и естественные науки.
7. Национальная идея и медицина.....
5. Особые свойства предмета “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана”
1. Особые свойства предмета “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана” как теоретическая наука
2. Особые свойства предмета “Национальная идея: стратегия развития Узбекистана” как практическая наука.....
6. Важность изучения предмета «Национальная идея: стратегия развития Узбекистана» молодежью

**ГЛАВА 2. ТЕОРЕТИКО-КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ**

§ 1. Национальная идеология – идейно-концептуальная основа развития общества в Узбекистане.....

I. Понятие идеи, ее виды и социальный характер

1. Понятие идеи, ее онтологические и гносеологические природы...
2. Философское определение идеи и выявление ее особенных свойств
3. Социальный характер идеи

II. Виды идей: классификация и описание.....

1. Созидательные идеи
2. Разрушительные идеи
3. Светские идеи
4. Религиозные идеи
5. Научные идеи

III. Философские идеи

1. Монизм
2. Дуализм
3. Плюрализм
4. Идеализм
5. Материализм
6. Атеизм
7. Теизм
8. Теософия

IV. Художественные идеи

V. Социально-политические идеи

1. Классовые идеи
2. Национальные идеи
3. Общие народные идеи
4. Общие человеческие идеи

§ 2. Понятие, формы, цели и задачи идеологии.....

I. Понятие и философские характеристики идеологии

II. Классификация идеологии

1. Идеологии, которые оказывают положительное воздействие на людей и на общество.....
2. Идеологии, которые оказывают негативное воздействие на людей и на общество.....

III. Содержание и формы идеологии

1. Анархизм

2. Монархизм	
3. Тоталитаризм	
4. Либерализм	
5. Демократия	
IV. Цель идеологии	
1. Убеждение людей определенной идеей.....	
2. Объединение людей с помощью идей.....	
3. Реализация идей с помощью людей.....	
4. Духовно-психологическая поддержка людей	
5. Идеологическое воспитание.....	
6. Формирование идеологического иммунитета.	
7. Программа действий	
V. Функции идеологии	
VI. Общие и отличительные черты идеи и идеологии	
1. Общие черты идеи и идеологии.....	
2. Различие между идеей и идеологией	
VI. Основные функции идеи и идеологии	
1. Формирование мировоззрения	
2. Формирование самостоятельности мышления	
3. Создание социальной среды	
4. Выражение потребностей и интересов	
6. Обеспечение наследием предков нового поколения.....	
7. Идеологическое средство защиты для народа	

ГЛАВА 3. ГАРМОНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ИДЕОЛОГИИ ОБЩЕСТВА.

§ 1. Идеологические основы и конституционные принципы сферы жизни общества в Узбекистане.....	
1. Отличие общественной идеологии от идеологии государства.....	
2. Понятия и особенности идеологии национальной независимости в сфере жизни общества в Узбекистане.....	
3. Основные цели и задачи национальной идеологии в сфере жизни общества в Узбекистане	
4. Обще извлекаемая выгода от национальной идеи общества Узбекистана....	
5. Роль национально-общечеловеческих ценностей в национальной идеологии.	

6. Национальные особенности общественной идеологии в Узбекистане.....

7. Универсальные принципы общественной идеологии в Узбекистане

§ 2. Исторические и религиозные, философские и мировые основы национальной идеи и идеологии, построенные на основе общечеловеческих и национальных традиций узбекского народа.....

1. Исторические основы национальной идеи и идеологии на основе материальных ценностей.....

2. Философские основы национальной идеи и идеологии на основе духовных ценностей.....

3. Религиозные основы национальной идеи и идеологии на основе этических ценностей.....

4. Мирские основы национальной идеи и идеологии на основе современных научных ценностей.....

5. Социально-экономические основы национальной идеи и идеологии на основе ценностей экономической жизни.....

ГЛАВА 4. РАЗНОВИДНОСТЬ ИДЕЙ И ВЛИЯНИЕ ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ НА СОЦИАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ

§1. Жизнь общества - источник разновидностей идей и идеологий. Общество как область сферы идеологий. Особенности проявления идеосферы.

I. Жизнь общества - источник разновидностей идей и идеологий.....

1. Понятие жизнь общества. Социальная психология и идеология

2. Понятие и содержание термина разновидность идей.....

II. Сфера идеологической жизни общества.....

III. Понятие и особенности проявления идеосферы

1. Светская идеосфера.....

2. Религиозная идеосфера.....

IV. Идеологическое сознание и ее особенности.....

1. Идеологическое прогнозирование.....

2. Идеологическая цель.....

3. Идеологический идеал.....

V. Понятие, особенность, значение и сущность идеологического процесса...

1. Понятие и составные части идеологического процесса.....

2. Сущность, значение и особенности идеологического процесса.....

VI. Идеологические отношения и особенности их проявления.....

1. Понятие отношения и ее объективный характер.....
2. Понятие идеологических отношений.....
3. Объекты идеологических отношений.....
4. Субъекты идеологических отношений.....
5. Особенности проявления идеологических отношений.....

VII. Идеологическая деятельность и принципы ее осуществления.....

1. Понятие деятельность , ее виды и формы.....
2. Система и элементы понятия идеологической деятельности
3. Особенности проявления идеологической деятельности.....
4. Принципы ведения идеологической деятельности.....
5. Новые пути ведения идеологической деятельности.....

§ 2. Описание, классификация, значение и содержание разнообразных идей и идеологий

I. 1.Созидательные идеи - подвигающая сила к спокойствию и стабильному развитию.....

1. Понятие, виды и формы созидательной идеи.....
2. Созидательные мирские идеи и идеологии.....
3. Созидательно религиозные идеи и идеологии.....
4. Особенности проявления созидательных идей.....

II. Независимость – жизненный источник созидательных идей и идеологий узбекского народа.....

1. Понятие независимости.....
2. Сущность независимости.....
3. Общеметодологическое значение независимости.....

III. Формы независимости, их социально-правовые характеристики

1. Политическая независимость: определение, природа и признаки.
2. Экономическая независимость: определение, характер и признаки
- 3.Культурно-духовно-просветительская независимость: определение, природа и признаки.....

IV. Независимость - краеугольный камень идеи и идеологии узбекского народа ..

1. Политические и правовые источники идей и идеологий, которые формируют программу действий узбекского народа для укрепления государственного суверенитета
2. Экономические основы идей и идеологий, мобилизующих свободную и процветающую жизнь узбекского народа

3. Духовно-просвещенные основы идеологий и идеологий, способствующих расширению культурного наследия узбекского народа
- 2. Главные идеи идеологии узбекского народа и приоритетные задачи и их реализации**
 1. Идея независимой Родины.....
 2. Идея процветающей Родины.....
 3. Идея свободной и благополучной жизни.....
 4. Основные задачи реализации в жизнь идею независимой и процветающей Родины, свободной и благополучной жизни.....
- 3. Основные идеи национальной идеологии узбекского народа , приоритетные задачи и их реализации.....**
 - 2.1. Идея процветание Родины.....**
 1. Понятие Родина, сущность и ее значение.....
 2. Понятие процветания Родины.....
 3. Пути реализации идей процветания Родины.....
 4. Места и роли патриотизма в осуществлении процветания Родины
 - 2.2. Идея мира спокойствие в родной стране.....**
 1. Понятие очага
 2. Понятие мира и стабильности, и ее сущность и природа.....
 3. Понятие войны и нестабильности, и ее суть.....
 4. Понятие спокойствия Родины, ее природа и сущность.....
 5. Идея мирного спокойствия в стране и ее задачи реализации.....
 - 2.3. Идея благополучие народа.....**
 1. Понятие народа.....
 2. Понятие благополучия.....
 3. Идея благополучие народа, понятие о ее сущности.....
 4. Основные задачи реализации идеи благополучие народа.....
 - 2.4. Идея гармоничной личности.....**
 1. Понятие человека.....
 2. Понятие гармоничной личности.....
 3. Приоритетные задачи реализации идей о гармоничной личности.....
 - 2.5. Идея социальной сотрудничество солидарности.....**
 1. Понятие социализация, ее сущность и содержание.....
 2. Понятие сотрудничества, ее суть-содержание.....
 3. Понятие социального сотрудничества.....
 4. Способы реализации идеи социального сотрудничества.....

2.6. Идея межнационального согласия.....	
1. Понятие нации и ее основные элементы.....	
2. Понятие согласие и ее правовые основы.....	
3. Идея межнационального согласия.....	
4. Функции для реализации идей межнационального согласия.....	
5. Роль и значение постановления “О мерах по дальнейшему улучшению дружественных отношений с иностранными государствами и межнациональные отношения” в укрепления идей межнационального согласия в стране.	
2.7. Идея религиозной терпимости(толерантности)	
1. Понятия религии и ее задачи исполнения в обществе.....	
1.Христианство.....	
2.Ислам	
3. Буддизм.....	
2. Понятие толерантности и ее контуры.	
3. Определение идеи веротерпимости и ее путь реализация в обществе.....	
8. Идея справедливости – тактический и стратегический путь в укрепление идеологического и духовного обеспечения развития общества	
1. Понятие справедливости и его суть.....	
2. Идея справедливости и ее генезис и эволюция	
3. Идея Амира Темура “Сила– справедливости” и её стратегическое значение .	
4. Мысли о справедливости мыслителей мира.	
9. Идея справедливости – зеркало и судья жизненной деятельности общества	
1. Понятие принципа справедливости и ее критерии.....	
2. Правила соблюдение принципа справедливости в жизни общества.....	
3. Идея спрадливости в решении тактико - стратегических задач в построение демократического общества.	
4. Справидливость, её сущност и значение	
5. Неспрадливость и ее формы.....	
1. Протекционизм.....	
2. Бюрократизм	
3. Тунядство	
4. Меры борьбы против неспрадливости.....	
II. Разрушительная идея – зло и грехопадение человечества	
I. Разрушительная идея и особенности ее проявления.....	
1. Разрушительная идея: понятие и генезис	

2. Разрушительная идея и её виды.....
 3. Разрушительная идея и её специфической функциональной особенности.
 4. Организационные основы разрушительной идеи.....
- II. Фанатические разрушительные идеи , их сущность и содержание. .**
1. Фашизм и неофашизм.....
 2. Расизм.....
 3. Великий шовинизм
 4. Коммунизм, большевизм и неоккоммунизм.....
- III. Экстремизм – это идея разрушения стабильности в жизни общества .**
1. Экстремизм:понятие и виды.....
 2. Религиозный экстремизм , причины возникновения.
 3. Религиозный экстремизм и её современное направления.
1. Мусульманские братья.....
 2. Хизб-тахрир аль-Ислам.....
 3. Туркестанское исламское движение
 4. Черносаллалитар.....
- IV. Терроризм – страшная разрушительная идея и идеологическое**
- 1.Понятие терроризма.....
 2. Идеологический терроризм.....
 3. Этнический терроризм.....
 4. Уголовный терроризм.....
 5. Экономический терроризм.....
 6. Индивидуальный терроризм.....
 7. Информационный терроризм.....
 8. Политический терроризм.....
- V. Разрушительные идеологические идеи, которые сегодня искореняют народы и государства.....
1. Космополитизм.....
 2. Самоубийство.....
 3. "Группа смерти": "Синий Кит", "Мирный дом" – как формы самоубийст...
 4. Транзитология демократии
- VI. Подрывные идеи подвергающие деградацию духовность-мораль людей в настоящее время.
1. Нимфомания
 2. Садизм.....
 3. Анимализм.....

4. Кровь
5. Лесбиянкалар
6. Однополовой брак
7. Вуайеризм ва мазохизм

§ 3. Современные методы, тактические и стратегические направления борьбы против разрушительных идей и идеологий утвержденные президентом республики Узбекистан Ш.Мирзиёевым.

1. Тактические приёмы борьбы против разрушительных идей и идеологий в современных условиях.
2. Стратегические направления борьбы против разрушительных идей и идеологий в современных условиях.....

Глава 5. Национальная идея - основной фактор демократического развития Узбекистана

1. Гармония демократии и национальной идеи - основной фактор развития общества.....

- 1.1 Понятие демократии и ее факторы, признанные на международном уровне.
- 1.2 Западная и восточная интерпретация демократии.....
- 1.3 гармония факторов демократии и национальной идеи.....

2. СТРАТЕГИЧЕСКАЯ ЦЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА. «УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ » РАЗВИТИЯ И ЕГО ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ

§ 1. Основные стратегические цели узбекского народа и основные задачи реализации в жизнь.....

1. Основная стратегическая цель государства Узбекистана
2. Социально ориентированная рыночная экономика и ее элементы
3. Правовое демократическое государство и ее основные признаки
4. Гражданское общество, ее основные признаки и особенности .
5. Задачи для реализации основных стратегических целей Узбекистана.

§ 2. Современные национальные модели развития обществ. Узбекская модель развития общества и ее основные принципы

1. Современные модели национального развития общества.....
2. «Узбекская модель» развития общества и ее основные принципы.
3. Роль «узбекской модели» в обновлении мышления людей

Глава 6. Стратегия действий по дальнейшему развитию Узбекистана- основа национального развития

§ 1. Цель «стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и ее научное и практическое значение поднятие общества на новый уровень

1. Роль идеи "Узбекской модели" в исторической развитии общества, и её методологическое значение.

2. Необходимость разработки " стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"

3. Главная цель " стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".....

4. Значение" стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана» в развитие страны

§2. . Приоритетные направления «стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и ее основные задачи осуществление в жизнь.

1 Приоритетные направления совершенствования системы государственного и общественного строительства

1.1 Углубление демократических реформ и усиление роли Олий Мажлис, политических партий в модернизации страны.....

1.2 Реформирование системы государственного строительства.....

1.3 Улучшение системы общественного правления.....

2. Приоритетные направления обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы.....

2.1 Обеспечение истинной независимости судебной власти ,улучшение ее авторитета и демократизация судебной системы.....

2.2 Обеспечение защиты прав и свобод граждан.....

2.3 Улучшение административного, уголовного. гражданского и хозяйственного законодательства.....

2.4 улучшение системы борьбы с преступностью и профилактики правонарушений

2.5 Укрепление правомерности в судебно-правовой системе.....

2.6 Улучшение системы юридической помощи и обслуживания.....

3. Приоритетные направления развития и либерализации экономики.....

3.1 Дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики.....

3.2 Повышение конкурентоспособности национальной экономики за счет углубления структурных преобразований, модернизации и диверсификации ее ведущих отраслей.....

- 3.3 Модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства.....
- 3.4 Продолжение институциональных и структурных реформ, направленных на сокращение присутствия государства в экономике, дальнейшее усиление защиты прав и приоритетной роли частной собственности, стимулирование развития малого бизнеса и частного предпринимательства.....
- 3.5 Комплексное и сбалансированное социально экономическое развитие областей, районов и городов, оптимального и эффективного использования их потенциала.....
- 4. Приоритетные направления развития социальной сферы.....**
- 4.1 Последовательное повышение реальных доходов и занятости населения.....
- 4.2 Совершенствование системы социальной защиты населения и охраны здоровья повышение социально-политической активности женщин.....
- 4.3 Реализация целевых программ по строительству доступного жилья, развитию и модернизации дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктуры, обеспечивающих улучшение условий жизни населения.....
- 4.4 Развитие сферы образования и науки.....
- 4.5 Совершенствование государственной молодежной политики.....
5. Приоритетные направления в сфере обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, а также осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики.....
- 5.1. Приоритетные направления в сфере обеспечения безопасности, религиозной толерантности и межнационального согласия.....
- 5.2. Приоритетные направления в сфере осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики.....

Глава 7. Информационное пространство и идейно-идеологическая борьба в эпоху глобализации

- I. Понятие глобализации, источник, характер и особенности.....**
1. Понятие глобализации.....
2. Источники процесса глобализации и основные признаки.....
3. Особенности процесса глобализации.
- II. Направления процесса глобализации и тенденции развития.....**
1. Глобализации экономики.....

2. Глобализация политической и правовой жизни.....
 3. Глобализация культуры.....
 4. Глобализация информационно-коммуникационной отрасли.....
 5. Особенности идеологического процесса в современной период глобализации.....
 6. Факторы глобализации и универсализация идеологического процесса...
 7. Позитивные и негативные последствия процесса глобализации.....
- III. Антиглобализм – социально-политическое явление.....**
1. Антиглобализм и его причины возникновения.....
 2. Основные движущие силы и участники антиглобализма.

2. Возникновение, формирование и тенденции развития нового мирового порядка в условиях глобализации

- 1-§. Геоэкономика – экономической основы возникновения нового мирового порядка.....
1. Понятие геоэкономика
 2. Неоэкономика – модель нового мирового порядка.
 3. Геоэкономическая война и причины возникновения.....
- II. Геополитика – политическое средство формирования нового мирового порядка.....**
1. Понятие геополитика, ее сущность и содержание.....
 2. Геостратегические цели.....
 3. Геостратегические интересы.....
- III. Геоидеология – источник идеи становления нового мирового порядка.**
1. Понятие геоидеология и ее особенные свойства.....
 2. Геоидеологическая политика и ее типы и формы.....
 3. Методы и средства реализации геоидеологической политики.....
- IV. Геоидеологические процессы в Центральной Азии и тенденции их развития**
1. Независимые государства в Центральной Азии, и их мировой приоритет.....
 2. Положительные факторы, влияющие на геоидеологический процесс в Центральной Азии.....
 3. Отрицательные факторы и идеологические угрозы, влияющие геоидеологические процессы в Центральной Азии.....

§ 3. Особенности проявления идеологического процесса в

современное время.....

I. Идеологическая картина современного мира. Прогрессивные и реакционные направления в идеологическом процессе.....

1. Понятие идеологической картины мира.
2. Прогрессивные и реакционные направления идеологического процесса, и их содержания.....

II. Идеологическая борьба и ее основные направления.....

1. Понятие идеологической борьбы и ее значимость и содержание.
2. Основные направления идеологической борьбы.....
3. Идеологический гегемонизм.....
4. Идеологическая агрессия.....

III. Идеологическое поле – пространства идеологической борьбы.....

1. Понятие идеологического поля.....
2. Особенности проявления идеологического поля.....
3. Средства и факторы составляющих идеологическое поле.
4. Источник идеи идеологического поля.
5. Влияние резонансных идейных процессов происходящих в идеологическом поле.....
6. Формы идеологического поля.....
7. Идеологический полигон – идеологические поле испытания разных идей.

II. Идеологическая борьба и ее основные направления

1. Понятие угрозы.....
2. Виды и формы угроз.....

III. Внутренние духовно-идеологические угрозы в мире и стабильность в жизни узбекского народа.

1. Понятие духовной угрозы и ее суть.....
2. Идеологическая угроза: понятие и виды.
3. Апатия, линия, чувствительность.....
3. Апатия, безразличие, безчувственность.....

IV. Коррупция и преступность, кланчево, местничества, национализм – внутренние формы идеологической опасности и угрозы.

1. Коррупция и преступность.
2. Кланчево.....
3. Местничество.....
4. Национализм.....

V. Внешние идеологические угрозы, которые представляют серьезную опасность в жизни узбекского народа.....

V.1. Попытки восстановить исламский халифат и создать под его знаменем империю мусульманских народов.

1 Ваххабизм

2. Акромничества.....

3. "Тавба".....

4. "Партия исламского возрождения".....

5. "Армия ислама", "справедливость".....

6. "ISHID – Ирак и дамасской исламское государство" – не государство, а толпа-группа разрушителей.....

3.2. Идея объединить молодые независимые государства по типу бывшего Союза.....

3.3. Попытки фальсифицировать нашу историю, национальные ценности и сущность религии.....

3.4. Стремление распространить аморальные идеи, способные оказать пагубное воздействие на духовность народа.....

3.5. Попытки развязать региональные и международные конфликты, используя различные идеологические средства.....

1. Торговля людьми

2. Территориальные претензии.....

3.6. Идеологические угрозы появляющейся в общем виде.....

3.7. Идеологическая опасность в устойчивом развитии Узбекистана, и задачи направленных на предотвращение угроз.....

§ 5. Идеологические атаки с помощью информационно-коммуникационных технологий в мирной жизни узбекского народа

1. Информационно-коммуникационные технологии – это главные атрибуты информационного общества

1. Информационное общество: понятие, содержание и сущность.....

2. Понятие информации, ее виды и формы.....

3. Информационные и коммуникационные технологии и их тенденции развития.....

2-§. Интернет – средство идеологической атаки

1. Положительные и отрицательные стороны интернета.....

2. Идеологическая атака через интернет и ее последствия.....

3. Формирование культуры пользование интернетом как фактор в борьбе против идеологических атак.....

3-§. Идеологическое угрозы“ Массовая культура” и меры борьбы против данного феномена.

1. Понятие “Массовой культуры”.....

2. Признаки “Массовой культуры”.....

3. Пути и средства борьбы против распространения “Массовой культуры”....

4. Духовно-идеологическая здоровая конкуренция – основной фактор в борьбе против «массовой культуры»

§ 6. Меры формирования идеологического иммунитета и идеологической профилактики узбекского народа.

1-§. Идеологический иммунитет и методы его формирования.....

1. Понятие об иммунитете.....

2. Понятие идеологический иммунитет и ее значение.....

3. Особенности и элементы идеологического иммунитета.....

4. Повышения компьютерной грамотности – способ формирования идеологического иммунитета молодёжи

2-§. Идеологическая профилактика и ее мера проведения.....

1. Понятие идеологической профилактики.....

2. Меры проведения идеологической профилактики.....

7. Меры обеспечения идеологической безопасности узбекистана в процессе глобализации

1-§. Безопасность – объективное социальное явление.

1. Понятие безопасности и ее объекты и субъекты

2. Тип безопасности, содержание и форма.....

2-§. Национальная безопасность и её структуры

1. Понятие национальной безопасности и ее сущность

2. Национальная безопасность, и её формы проявления.....

3-§. Идеологическая безопасность и её обеспечивающие механизмы....

1. Идеологические опасности и условия их возникновения.....

2. Духовная безопасность. Идеино-идеологическая безопасность.....

3. Методы и средства обеспечения идеологической безопасности.....

4-§. Обеспечение информационной безопасности – средство укрепление независимости страны и государственного суверенитета.....

1. Информационная система, обеспечивающая независимость и государственный суверенитет Республики Узбекистан.

2. Угроза информационных атак и информационной безопасности – враг обеспечения информационной безопасности.....
3. Понятие информационной безопасности и её сущность.....
4. Системы информационной безопасности в Узбекистане.....
5. Меры по обеспечению информационной безопасности.....

ГЛАВА 8 ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОПАГАНДЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ

1. Научно-практические задачи использования инновационных технологий в пропаганде национальной идеи
1. Инновация: вид, содержание и определение.....
 - 1.1 Понятие инновации.....
 2. Понятие новации.....
 3. Виды и классификации инноваций.....
 - 3.1 Классификация инноваций по специальностям.....
 - 3.2 Классификация инноваций по сферам деятельности.....
 - 3.3 Классификация инноваций по срокам действия.....
2. Образовательные инновационные технологии, используемые в пропаганде национальной идеи.....
 1. Понятие инновационное образование и образовательные инновации.....
 2. Виды национальной идеи и образовательных инноваций в пропаганде национальной идеи.....
 3. Основные признаки инновационной деятельности в пропаганде национальной идеи.....
 4. Инновационные подходы в пропаганде национальной идеи.....
 5. Интерактивные методы, используемые в пропаганде национальной идеи.....
 - 5.1 Необычные формы ведения лекций в пропаганде национальной идеи
 - 5.2 Необычные формы ведения семинарских занятий в пропаганде национальной идеи
 - 5.3 Интерактивные методы, используемые в пропаганде национальной идеи.....
3. Профессиональная компетенция распространителей национальной идеи.....
 1. Понятие профессиональной компетенции.....
 2. Персональная компетенция.....
 3. Креативная компетенция.....
 4. Информационная компетенция.....

5. Инновационная компетенция.....
4. Основные направления инновационного развития республики Узбекистан...
 1. Препятствия на пути реализации инновационных идей.....
 2. Ведущие направления инновационного развития.....

Глава.9. Институциональные основы реализации пропаганды национальной идеи

- 1. Методы и направления утверждения национальной идеи и идеологии в умах и сердцах людей.....**
2. Направления утверждение национальной идеи и идеологии в умах и сердцах людей
3. . В направление образования.....
4. В направление воспитания.....
- 2-§. Средство утверждения национальной идеи и идеологии в умах и сердцах людей
 - 2.1. Способ пропаганда-агитация.....
 - 2.2. Способ образование - воспитания.....
3. Организационные стороны идеологического воспитания молодежи.....
 1. Виды и формы ведения занятий по просвещению.....
 2. Методика чтения лекций.....
 3. Методика ведения политического чтения.....
 4. методика ведения и организация дискуссионных вечеров.....
 5. Организация просветительских дел.....
4. Индивидуальный подход к идеологическому воспитанию- гарант воспитания высокоразвитой духовной молодёжи.....
 1. Сущность и особенность ведения индивидуального подхода в плане идеологического воспитания.....
 2. Методы и формы ведения индивидуального идеологического воспитания.....
5. Роль и значение общеобразовательных учреждений, Духовно-просветительских центров, религиозных организаций, Махали, в пропаганде национальной идеи.....
 - 1.1 Роль дошкольного система образования в воспитание дошкольников в духе национальной идеи и идеологии.

1.2 Роль и значение “Махалла” в воспитание граждан в духе национальной идеи и идеологии.....

1.3. Роль союза молодежи Узбекистана в воспитании молодежи в духе национальной идеи и идеологии.

. 1. Роль и значение Республиканского национального центра духовности и просветительства в научного исследования основы национальной идеи и идеологии , и определения их приоритетных направлений.

2. Место и роль Национального центра исламской цивилизации Узбекистана в изучения исторические корни, в основе религиозных и философских источников национальной идеи и идеологии.

3. Значение Национального центра по международным исследованиям ислама имени Имама Термезе в исследование исламской корни национальной идеи и идеологии.

4. Место и значение Национальной академии ислама Республики Узбекистан в изучение религиозно-философской основы и подготовки специалистов по обучения национальной идеи и идеологии

ГЛАВА 10. ДИАЛОГ С НАРОДОМ – НОВЫЙ ТАКТИЧЕСКИЙ И СТРАТЕГИЧЕСКИЙ ПУТЬ В ОРГАНИЗАЦИИ РАБОТЫ ИДЕЙНО – ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ

1-§. Диалог с народом – определение жизнеспособности идеи и идеологической работы и его стратегическое направление.....

1. Понятие диалога , его типы и функции.....

2. Диалог с народом – зеркало жизни

3. Методы диалога с людьми.....

4. Диалог с народом – определение стратегические направления страны.

5. Народный приём Президента Республики Узбекистан, Виртуальная приемная Президента Республики Узбекистан и их правовой статус и функции

2-§. Проведение индивидуально идейно воспитательной работы – гарантия подготовки высоко духовно развитой молодёжи

1. Значение и свойства индивидуально идейно воспитательной работы.

2. Средство и формы индивидуально идейно воспитательной работы.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ.....

СПИСОК ИСПОЛЬЗУЕМОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....

TABLE OF CONTENTS

INTRODUCTION	
CHAPTER 1.SUBJECT, PURPOSE AND TASKS OF SCIENCE "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"	
§ 1. Causes of origin, object and subject, laws, categories, methods, principles and tasks of science "National idea: development strategy of Uzbekistan"	
CHAPTER 1. SUBJECT, GOAL AND OBJECTIVES OF THE SCIENCE "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"	
§ 1. The cause of the science of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan", object and subject ...	
1.1. The cause of the science of "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"	
1. Objective reasons for the emergence of the science of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	2.
2. Subjective causes of the science of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	
3. The internal causes of the emergence of the science of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".	
4. External causes of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".	
1.2. The object of the science of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	
1.3. The subject of the science of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	
§ 2. The laws and categories of science of"NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"	
2.1. The laws of science "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	
2.2. The science of. "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	
1. General category	
2. The substantial category.....	
3. Functional categories	
§ 3. Methods and principles of science of. "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	
3.1. Methods of. "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....	

1. The most General scientific methods.
2. Common scientific methods
3. Private scientific methods
- 3.2. Science principles of "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"
1. The principle of objectivity.....
2. The principle of historical
3. The principle of logical
4. The principle of social approach.
5. The principle of taking into account national and local circumstances.

§4. Purpose, objectives and functions of the science of "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".

- 4.1. The goal of science of "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"
- 4.2. Function of science of "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"
1. The heuristic function
2. Methodological function
3. The political function
4. Practical functions
5. The predictive function.
6. Outlook and functions
7. Ideological-educational function.
- 4.3. The main objectives of the science of "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"

§ 5. The place of science "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan" in the system of Humanities and natural Sciences

-
1. The national idea and philosophy
 2. The national idea and political science
 3. The national idea and the theory of economy.....
 4. The national idea and sociology.
 5. The national idea and law.
 7. The national idea and the natural Sciences.
 6. The national idea and medicine

§ 6. The special properties of science "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan"

1. The special properties of science "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan" as a theoretical science

2. The special properties of "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan" as a practical science.....

§ 7. The importance of studying science "NATIONAL IDEA: Development Strategy of Uzbekistan".....

CHAPTER 2.

Theoretical and conceptual bases of the national idea

§ 1. The concept of the idea, its types and social in nature

1.1. The concept of the idea , its ontological and epistemological nature...

1.2. Philosophical definition of the idea and its special properties.....

1.3. The social nature of ideas

1.4. Types of ideas and their classification, description, and description ...

1. Creative ideas

2. Destructive ideas

3. Secular ideas

4. Religious ideas

5. Scientific ideas

6. Philosophical ideas

1. Monism

2. Dualism

3. Pluralism

4. Idealism

5. Materialism

6. Atheism

7. Theism

8. Theosophy

7. Art ideas

8. Socio-political ideas

1. Class ideas

2. The national idea

3. Total naranya ideas.

4. General human ideas

§ 2. The concept of ideology, its forms, goals and objectives

- 2.1. The concept of ideology and its philosophical characteristics.....
- 2.2. Classification of ideology
- 1. Ideologies that have a positive impact on people and society.....
- 2. Ideologies that have a negative impact on people and society.....
- 2.3. The content and form of the ideology
- 1. Anarchism
- 2. Monarchism
- 3. Totalitarianism
- 4. Liberalism
- 5. Democracy
- 2.4. The purpose of ideology
- 1. Giving people a certain idea
- 2. Organization of people based on ideas
- 3. Mobilizing people for implementation of performance
- 4. Spiritual and spiritual people
- 6. A great education
- 7. Formation of ideological immunity.
- 8. Being a program of action
- 2.5. The function of ideology

§ 3. Common and distinctive features of ideas and ideology and their common tasks

- 1. General features of ideas and ideology.....
- 2. The distinction between ideas and ideologies
- 3.3. The basic functions of ideas and ideology
- 1. Worldview formation
- 2. The formation of independent thinking
- 3. Creating a social environment
- 4. The expression of needs and interests
- 6. Ensuring nakedchinese
- 7. Ideologically remedies

CHAPTER 3.

Harmony of national and universal customs in the ideology of society.

§ 1. Ideological foundations and constitutional principles of the sphere of public life in Uzbekistan

- 1.1. Distinction of public ideology from the ideology of the state
- 1.2. Concepts and features of the ideology of national independence in the sphere of public life in Uzbekistan
- 1.3 The main goals and objectives of the national ideology in the sphere of society in Uzbekistan.....
- 1.4 Commonly derived benefit from the national idea of the society of Uzbekistan
- 1.5 The role of national-human traditions in national ideology
- 1.6 National peculiarities of public ideology in Uzbekistan.....
- 1.7 Universal principles of public ideology in Uzbekistan.....

2. Historical and religious, philosophical and world bases of the national idea and ideology, built on the basis of the universal and national traditions of the Uzbek people

- 1. Historical background of the national idea and ideology based on material values
- 2. Philosophical foundations of the national idea and ideology on the basis of spiritual values
- 3. Religious foundations of the national idea and ideology on the basis of ethical values
- 4. World bases of national idea and ideology on the basis of modern scientific values
- 5. Socio-economic foundations of the national idea and ideology on the basis of the values of economic life

CHAPTER 4

The variety of ideas and the influence of ideological processes on social development

- 1 . The life of society is the source of varieties of ideas and ideologies. Society as a sphere of ideology. Features of the manifestation of the idiosphere.....
- 1. The life of society is the source of varieties of ideas and ideologies.....
- 1.1 The concept of society. Social psychology and ideology
- 1.2 The concept and content of the term variety of ideas
- 2. Society as a sphere of ideology**
- 3. The concept and features of the manifestation of the idiosphere**
- 3.1 The secular idiosphere
- 3.2 Religious idiosphere
- 4. Ideological consciousness and its features**
- 4.1 Ideological forecasting
- 4.2 The ideological goal

4.3 Ideological ideal	
5. The concept, feature, meaning and essence of the ideological process	
5.1 The concept and components of the ideological process	
5.2 The essence, significance and features of the ideological process	
6. Ideological relations and features of their manifestation	
6.1 The concept of the relationship and its objective nature	
6.2 The concept of ideological relations	
6.3 Objects of ideological relations	
6.4 Subjects of ideological relations	
6.5 Features of ideological relations	
7. Ideological activity and principles of its implementation	
7.1 The concept of an activity, its types and forms	
7.2 System and elements of the notion of ideological activity	
7.3 Peculiarities of the manifestation of ideological activity	
7.4 principles of conducting ideological activity	
7.5 New ways of conducting ideological activity	
2. Description, classification, meaning and content of Diverse Ideas and Ideologies	
1. Cositive ideas - a pioneer force for calm and stable development	
1.1 The concept, types and forms of a creative idea	
1.2 Creative worldly ideas and ideologies	
1.3 Creative religious ideas and ideologies	
1.4 Features of the manifestation of creative ideas	
2. Independence is a vital source of creative ideas and ideologies of the Uzbek people ..	
2.1 The concept of independence	
2.2 The essence of independence	
2.3 The general economic significance of independence	
3.. Attributes of independence, their social and legal characteristics and signs.	
1. Political independence: definition, nature and attributes.	
2. Economic independence: definition, character and attributes	
3. Cultural-spiritual-educational independence: definition, nature and characteristics .	
4. . Independence is the cornerstone of the idea and ideology of the Uzbek people ...	
1. Political and legal sources of ideas and ideologies that form the program of actions of the Uzbek people for strengthening state sovereignty	
2. Economic foundations of ideas and ideologies that mobilize the free and prosperous life of the Uzbek people	

3. Spiritually enlightened foundations of ideologies and ideologies that promote the expansion of the cultural heritage of the Uzbek people

5. Basic ideas on the development of the Uzbek people's society with the help of national ideology

1. -§. The main ideas of the ideology of the Uzbek people and the priority tasks and their implementation

1. The idea of an independent homeland

2. The idea of a prosperous homeland

3. The idea of a free and prosperous life

4. The main objectives of implementing the idea of an independent and prosperous homeland, a free and prosperous life

2-§. The main ideas of the national ideology of the Uzbek people, priority tasks and their implementation

2.1. The idea of the prosperity of the Motherland

1. The concept of the Motherland, the essence and its meaning

2. The concept of prosperity of the motherland

3. Ways of realizing the ideas of the prosperity of the Motherland

4. Places and roles of patriotism in the implementation of the prosperity of the Motherland

2.2. The idea of peace is peace in your native country

1. The concept of the focus

2. The concept of peace and stability, and its essence and nature

3. The concept of war and instability, and its essence

4. The concept of the tranquility of the Motherland, its nature and essence

THE IDEAS OF JUSTICE - THE TACTICAL AND STRATEGIC WAY IN STRENGTHENING THE IDEOLOGICAL AND SPIRITUAL ENSURING OF THE COMPANY'S DEVELOPMENT

1-§. The idea of justice and its socio-spiritual foundations

1. The concept of justice and its essence

2. The idea of justice and its genesis and evolution

3. The idea of Amir Temur "Power-justice" and its strategic importance.

4. Thoughts on the justice of the thinkers of the world.

2-§. The idea of justice is a mirror and judge of the life activity of society

1. The concept of equity and its criteria

2. The rules of observance of the principle of justice in the life of society

3. The idea of coping with tactical and strategic tasks in building a democratic society.

4. Impartiality, its essence and meaning
5. Unsustainability and its forms
1. Protectionism
2. Bureaucracy
3. Localism
5. Tunisia
6. Anti-corruption measures

2. THE DESTRUCTIVE IDEAS - EVIL AND THE SINNING OF MANKIND

- 1-§. Destructive idea and peculiarities of its manifestation
1. Destructive idea: concept and genesis
2. The destructive idea and its types
3. Destructive idea and its specific functional features.
4. Organizational fundamentals of the destructive idea
5. The destructive idea and its harmful consequences
- 2-§. Destructive idea: content and forms, goals and objectives ..
1. Destructive idea: content and forms
2. The destructive idea and its goals and tasks
2. -§. Fanatic destructive ideas, their essence and content. .
1. Fascism and neo-fascism
2. Racism
3. Great chauvinism
4. Communism, Bolshevism and Neo-Communism
- 2-§. Extremism is the idea of destroying stability in the life of society.
1. Extremism: notion and species
2. Religious extremism, the causes of the emergence.
3. Religious extremism and its modern direction.
1. Muslim Brothers
2. Hizb-Tahrir al-Islam
3. Turkestan Islamic Movement
4. Black Sallalyar
- 3-§. Terrorism is a terrible destructive idea and ideological weapon
1. The concept of terrorism
2. Ideological terrorism
3. Ethnic terrorism
4. Criminal terrorism

- 5. Economic terrorism
- 6. Individual terrorism
- 7. Information terrorism
- 8. Political terrorism
- 4-§ Destructive ideological ideas that today eradicate peoples and states
- 1. Cosmopolitanism
- 2. Suicide
- 3. "Death Group": "Blue Whale", "Peace House" - as suicide bombers

Chapter 5. National idea - the main factor of democratic development of Uzbekistan

- 1. Harmony of democracy and national idea - the main factor of the development of society
- 1.1 The concept of democracy and its factors recognized internationally.
- 1.2 Western and Eastern interpretation of democracy
- 1.3 Harmony of factors of democracy and national idea
- 2. STRATEGIC OBJECTIVE OF UZBEKISTAN. UZBEK MODEL OF DEVELOPMENT AND ITS BASIC PRINCIPLES
- § 1. The main strategic goals of the Uzbek people and the main tasks of implementing them
- 1. The main strategic goal of the state of Uzbekistan
- 2. Socially-oriented market economy and its elements
- 3. The legal democratic state and its main features
- 4. Civil society, its main features and features.
- 5. Tasks for implementing the main strategic goals of Uzbekistan.
- § 2. Modern national models of development of societies. Uzbek model of the development of society and its basic principles
- 1. Modern models of the national development of society
- 2. "Uzbek model" of the development of society and its basic principles.
- 3. The role of the "Uzbek model" in updating people's thinking

Chapter 6. Strategy of actions for further development of Uzbekistan - the basis of national development

- § 1. The purpose of the "strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan" and its scientific and practical importance is the raising of society to a new level

1. The role of the idea of the "Uzbek model" in the historical development of society, and its methodological significance.
2. The need to develop an "action strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan"
3. The main goal of the "strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan"
4. The meaning of the "strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan" in the development of the country
 - §2. . The priority areas of the "strategy for further development of the Republic of Uzbekistan" and its main tasks are implementation.
 - 1 Priority directions for improving the system of state and public construction
 - 1.1 Deepening democratic reforms and strengthening the role of the Oliy Majlis, political parties in the country's modernization
 - 1.2 Reforming the system of state construction
 - 1.3. Improving the system of public administration.
 2. Priority areas for ensuring the rule of law and further reform of the judicial and legal system
 - 2.1 Ensuring the true independence of the judiciary, improving its authority and democratization of the judiciary
 - 2.2 Ensuring the protection of citizens' rights and freedoms
 - 2.3 Improving the administrative, criminal. civil and economic legislation
 - 2.4. Improvement of the system for combating crime and preventing offenses
 - 2.5 Strengthening the legality in the judicial and legal system
 - 2.6 Improvement of the system of legal assistance and services
 3. Priority directions of development and liberalization of the economy
 - 3.1 Further strengthening of macroeconomic stability and maintaining high growth rates of the economy ...
 - 3.2 Increasing the competitiveness of the national economy by deepening structural transformations, modernizing and diversifying its leading industries
 - 3.3 Modernization and intensive development of agriculture
 - 3.4 Continuation of institutional and structural reforms. aimed at reducing the presence of the state in the economy, further strengthening the protection of rights and the priority role of private property, stimulating the development of small business and private entrepreneurship
 - 3.5 Integrated and balanced social and economic development of oblasts, districts and cities, optimal and efficient use of their potential

4. Priorities for the development of the social sphere
 - 4.1 Consecutive increase in real incomes and employment of the population
 - 4.2. Improvement of the system of social protection of the population and health protection, increase of social and political activity of women
 - 4.3. Implementation of targeted programs for the construction of affordable housing, development and modernization of road, transport, engineering, communication and social infrastructure that improve the living conditions of the population.
 - 4.4 Development of education and science
 - 4.5. Improvement of the state youth policy
5. Priority directions in the sphere of ensuring security, interethnic harmony and religious tolerance, as well as implementing a balanced, mutually beneficial and constructive foreign policy
- 5.1. Priority directions in the sphere of ensuring security, religious tolerance and interethnic accord
- 5.2. Priority areas in the implementation of a balanced, mutually beneficial and constructive foreign policy

Chapter 7

Information space and ideological and ideological struggle in the era of globalization

1. The concept of globalization, the source, nature and characteristics
1. The concept of globalization
2. Sources of the globalization process and the main features
3. Features of the process of globalization.
- 2-§. Directions of the process of globalization and development trends
1. Globalization of the economy
2. Globalization of political and legal life
3. Globalization of culture
4. Globalization of the information and communication industry
5. Features of the ideological process in the modern period of globalization
6. Factors of globalization and the universalization of the ideological process ...
7. The positive and negative consequences of globalization ...
- 3-§. Antiglobalism - a socio-political phenomenon
1. Antiglobalism and its causes
2. The main moving forces and participants of anti-globalization.

2. EMERGENCE, FORMATION AND TRENDS OF DEVELOPMENT OF A NEW WORLD ORDER IN THE CONDITIONS OF GLOBALIZATION

1-§. Geoeconomics - the economic basis for the emergence of a new world order

1. The concept of geo-economics

2. Neo-economics is a model of a new world order.

3. Geoeconomic war and the causes of the occurrence

2-§. Geopolitics is a political means of forming a new world order

1. The concept of geopolitics, its essence and content

2. Geostrategic objectives

3. Geostrategic interests

3-§. Geo-ideology is the source of the idea of the formation of a new world order.

1. The concept of geo-ideology and its special properties

2. Geo-ideological policy and its types and forms

3. Methods and means of implementing geo-ideological policy

3-§. Geo-ideological processes in Central Asia and trends in their development

1. Independent states in Central Asia, and their world priority

2. Positive Factors Affecting the Geo-ideological Process in Central Asia

3. Negative factors and ideological threats affecting geo-ideological processes in Central Asia.

1. FEATURES OF THE IDEOLOGICAL PROCESS IN THE PRESENT TIME

1-§. Ideological picture of the modern world. Progressive and reactionary trends in the ideological process

1. The concept of an ideological picture of the world.

2. Progressive and reactionary directions of the ideological process, and their content ...

2-§. Ideological struggle and its main directions

1. The concept of ideological struggle and its significance and content.

2. The main areas of ideological struggle

3. Ideological hegemonism

4. Ideological aggression

3-§. Ideological field - the space of ideological struggle

1. The concept of an ideological field

2. Features of the manifestation of the ideological field

3. Means and factors making up the ideological field.

4. The source of the idea of an ideological field.

5. Influence of resonant ideological processes occurring in the ideological field ...

6. Forms of ideological field
7. Ideological polygon - the ideological field of testing different ideas.
2. Ideological struggle and its main directions
- 1-§. The concept of a threat, its essence-content, types and forms
1. The concept of threat

CHAPTER 8. INNOVATIVE TECHNOLOGIES OF NATIONAL IDEA PROPAGANDA

1. Scientific and practical tasks of using innovative technologies in propagating the national idea
1. Innovation: type, content and definition
- 1.1 The concept of innovation ...
2. The concept of innovation
3. Types and classifications of innovations
- 3.1 Classification of innovations in specialties
- 3.2 Classification of innovations by field of activity
- 3.3 Classification of innovation by maturity
2. Educational innovative technologies used to promote the national idea
1. The concept of innovative education and educational innovations
2. Types of the national idea and educational innovations in the propaganda of the national idea
3. The main signs of innovation in the promotion of the national idea
4. Innovative approaches in the promotion of the national idea
5. Interactive methods used to promote the national idea
- 5.1 Unusual forms of lecturing in the propagation of the national idea
- 5.2 Unusual forms of conducting seminars in the promotion of the national idea
- 5.3 Interactive methods used in the promotion of the national idea
3. Professional competence of distributors of the national idea
1. The concept of professional competence
2. Personal competence
3. Creative competence
4. Information competence
5. Innovative competence
4. Main directions of innovative development of the Republic of Uzbekistan
1. Obstacles to the implementation of innovative ideas
2. Leading directions of innovative development

CHAPTER 9. INSTITUTIONAL FRAMEWORK FOR THE IMPLEMENTATION OF THE NATIONAL IDEA PROPAGANDA

1. . METHODS AND DIRECTIONS OF APPROVAL OF THE NATIONAL IDEAS AND IDEOLOGY IN THE MIND AND PEOPLE OF PEOPLE
2. Directions for the approval of the national idea and ideology in the minds and hearts of people
- 3.. In the direction of education
4. In the direction of education
- 2-§. Means of affirming the national idea and ideology in the minds and hearts of people
 - 2.1. The method of propaganda-agitation
 - 2.2. The way of education - upbringing
 3. Organizational aspects of ideological education of youth
 1. Types and forms of conducting classes on education
 2. Methods of lecturing
 3. Methods of conducting political reading ...
 4. Methods of conducting and organizing discussion evenings
 5. Organization of educational affairs
4. Individual approach to ideological upbringing is the guarantor of the upbringing of highly developed spiritual youth

- 1.Suschestvo and peculiarity of conducting an individual approach in terms of ideological upbringing
2. Methods and forms of conducting individual ideological education
5. The role and significance of general education institutions, Spiritual and educational centers, religious organizations, Mahali, in propaganda of the national idea
- 1.1 The role of the preschool education system in the upbringing of preschool children in the spirit of the national idea and ideology.
- 1.2 The role and importance of "Mahalla" in the education of citizens in the spirit of the national idea and ideology

1. 3 The role of the Union of Youth of Uzbekistan in the education of youth in the spirit of the national idea and ideology.

1. The role and significance of the Republican National Center for Spirituality and Enlightenment in scientific research of the basis of the national idea and ideology, and determining their priority areas.

2. The place and role of the National Center for Islamic Civilization of Uzbekistan in the study of historical roots, the basis of religious and philosophical sources of the national idea and ideology.

3. Importance of the National Center for International Islamic Studies named Imam Termez in the study of the Islamic roots of the national idea and ideology.

4. The place and importance of the National Academy of Islam of the Republic of Uzbekistan in the study of the religious and philosophical basis and training of specialists in the training of the national idea and ideology

CHAPTER 10. DIALOGUE WITH THE PEOPLE - NEW TACTICAL AND STRATEGIC PATH IN THE ORGANIZATION OF WORK OF IDEOLOGICAL AND IDEOLOGICAL EDUCATION

1-§. Dialogue with the people - determination of the viability of the idea and ideological work and its strategic direction

1. The concept of dialogue, its types and functions

2. Dialogue with the people - a mirror of life

3. Methods of dialogue with people

4. Dialogue with the people - defining strategic directions of the country.

5. People's reception of the President of the Republic of Uzbekistan, Virtual reception of the President of the Republic of Uzbekistan and their legal status and functions

2-§. Conducting individually ideologically educational work is a guarantee for the preparation of highly spiritually developed youth.

1. Significance and properties of individually ideologically educational work.

2. Means and forms of individually ideologically educational work.

CONCLUSION

BIBLIOGRAPHY.....